


6 19

РАҲИМ ВОҲИДОВ

ЙИЛЛАРДАН ҚОЛГАН  
МАЪНАВИЙ ЁДГОРЛИК...



"ЗАРҚАЛАМ"

83.393

470


В 89

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги  
Бухоро Давлат университети

Рахим Воҳидов

# ЙИЛЛАРДАН ҚОЛГАН МАҲНАВИЙ ЁДГОРЛИК...

(Илмий мақола, тақриз ва хотиралар)



“ЗАРҚАЛАМ”  
Масъулияти чекланган ижодий ўюшма  
Тошкент - 2006

X

зданни автор из йишил ахшакидару таъсирини  
изтидишсан шартни  
изтидишсан шартни

Муаллиф XX асрнинг охирги йиллари ва XXI юз  
йилликнинг ибтидосида ёзилиб, турли журнал ҳамда  
тўпламларда чоп этилган мақолаларини жамлаб, Сизга арзимас  
маънавий гулдаста сифатида тақдим этаётир.

Мажмуа кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

**Тўплаб, нашрга тайёрловчи  
филология фанлари номзоди, доцент Ю.Ю. Азимов**

**Масъул муҳарррип:  
филология фанлари доктори, профессор  
Н.Комилов**

**Тақризчилар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
халқ таълими ходими, филология фанлари доктори  
профессор Ҳ. Ф. Неъматов ва филология фанлари  
доктори Афоқова**

**БухДУ Илмий-техник кенгаши томонидан нашрга  
тавсия (2006 йил, .... баённома) қилинган.**



“ЎЗБЕКИСТОН”  
китобхонаси таъсирини изтидишсан  
изтидишсан шартни

Мазкур китобимни бир-биридан  
ширин ва суюкли набираларимнинг  
ёркин истиқболига катта умидлар билан  
багишлайман!

Муаллиф

## ИХЧАМ ДЕБОЧА

Тангри таолонинг инояти билан олтмиш бешга ҳам қадам кўйдим. Истиқлол нашидаси берган илҳом туфайли бор имкониятларимни ўзим севган мумтоз адабиёт тадқикига, улуғ Алишер Навоий мероси тарғибига сарф этишга интилдим. Шунингдек, устозу дўстларим, сафдошларимни ҳам бақадри ҳол кўнгилларини кўтаришга уриниб кўрдим. Бизни тарк қилганларнинг мунаввар руҳларини шод қилишга тиришдим. «Машраб Фитрат талқинида» (“Ўзбек тили ва адабиёти” журн. 1997, 4-сон), 20-26-бетлар) мақоласини истисно қилганда, мажмуудан жой олган бошқа ишлар ХХI аср ибтидосининг мевасидир. Мазкур ишлар республика ва вилоятимиздаги журналлару тўпламларда рўшнолик кўрган. Турли савиядаги таҳриру қисқартиришлар билан муҳтарам ўқувчиларга тақдим этилган. Тарихийлик тамойилларига риоя қилиб, мен уларга қалам урмадим. Тўгри, жуда кўпол хато ва чалкашликлар бундан соқит, албатта. Амир Низомиддин Алишер Навоийга доир мақолаларимнинг аксарияти «Ёғди ўт устига қор...” (“Зарқалам”, Тошкент - 2006) тўпламидан жой олган эди. Мазкур мажмууга ўша китобга кирмай қолган ишлар киритилди...

Кўлингиздаги маънавий гулдастани тузиш ғояси истеъододли адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент Юнусжон Азимовдан чиқди. Ушбу меҳнатталаб ишни ўҳдасига олиб, менга катта кўмак берган бу биродаримга Яратгандан улуг марҳаматлар қилишини тилайман.

Китобни синчковлик билан ўқиб, фойдали маслаҳатлар берган ва ижобий такриз ёзган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, филология фанлари доктори, профессор X.F.Неъматов ва филология фанлари доктори Нодира Афоқоваларга самимий миннатдорчилик билдиришни инсоний бурч ҳисоблайман.

Хотимада «тишингизга тегиши мумкин бўлган» курмаклар учун Сиз нозиктаб китобхонлардан узр сўраб, таклиф ҳамда танкидий мулоҳазаларингизни мамнуният билан кутаман.

## ИЛМ НАВКАРИ

Илм – инсоннинг улуғ фазилати, олимлик эса узоқ давом этадиган изланишлар, ақлий меҳнат, қунт ва ирода билан қўлга кирадиган шарафли унвондир. Аммо илм олдингми, унга амал қил, агар илмингга амал қилмасанг, умринг зое кетиб, олимлигинг бефойдадир, дейди доно халкимиз. Бу ҳикматда маъно кўп. Аввало шуки, ўзинг ҳаётингда одобу ахлок, феълу авторинг билан илмингга муносиб инсон бўл, иккинчидан, олган билимларингни бошқаларга ўргат, элни маърифатингдан баҳраманд эт, шогирд тарбияла, илмингни эзгуликка, савоб ишларга сарфла, дегани бу.

Филология фанлари доктори, профессор Раҳимжон Воҳидов ҳар жихатдан ушбу таърифларга лойик олим. У бугунги Ўзбекистоннинг пешқадам олимларидан бири. Унинг адабиётга, илм-маърифат ахлига бўлган қайнок муҳаббати ҳар бир ёзган китоби ва мақоласида ярқ этиб кўзга ташланиб туради. Уни химмати баланд, саховатли олимлардан бири дегим келади. Чунки Раҳимжон изланиш, ёзиш, тадқиқот олиб боришдан чарчамайди. Агар ҳозир олтмишига қадам қўйган бўлса, мана салкам қирқ йилдан бери ҳормай-толмай қалам тебратади.

Бу борада у ўттиз учта китоб ва рисолалар, уч юзга яқин мақола ва эсселар ўзлон қилдирган.

Қадимги бой маданиятимизни тиклаш, тадқиқ ва ташвиқ этиш, бугунги истиқбол даврида бу улуғ хазина зиёсини ёшлар қалбига сингдиришда самарали меҳнат қилмоқда.

Профессор Р.Воҳидов асарлари турли мавзуларга ёзилган. Улар орасида мумтоз адабиётимизнинг алоҳида сиймолари ижодига бағишлиланганлари ҳам адабий алока ва қиёсий адабиётшунослик масалаларини ўрганганлари ҳам, тасаввуф, илоҳиёт ва шеърият вобасталигини илмий тадқиқ этилгани ҳам бор. Аммо олим тадқиқотларининг аксар қисми улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ўлмас меросининг турли қирраларини ёритишга бағишлиланган. Олим назарida ўзбек адабиётининг бутун тарихи муайян даражада Навоийга келиб тақалади. Навоий ижодидан барқ уриб яна ривожланиб боради.

“Навоийнинг икки дурдонаси”, “Мажолис ун-нафоис” ва зуллисонайнлик анъанаси”, “Алишер Навоий ва илоҳиёт”, “Алишер Навоийнинг ижод мактаби”, “Навоий ижоди – илҳом манбаи”, “Иймон – қалб гавҳари”, “Маънавият – комиллик саодати” каби китоблари бунинг мисолидир.

Р.Вохидов мустақиллик берган имкониятдан фойдаланиб, биринчилардан бўлиб ҳазрат Навоий тафаккурининг тагзамини – илохиётга эътиборни каратиб, шоирнинг илоҳий мазмундаги асарларини чукур таҳлил этди ва шу орқали Навоий ижодини илмий ҳаққонийлик билан ёритиш ишига муносиб ҳисса қўшди.

Навоийнинг ёшлик йилларидағи таълим ва таҳсил даври, Куръони каримдан олган сабоқлари, шариат аҳкоми, илми фикҳ, илми ҳадис, илми қалом бўйича устозлари, Навоий асарларида учрайдиган Каломуллоҳ оятлари, Пайғамбар ҳадислари, улуғ шоирнинг иймон, ислом ҳақиқидаги қарашлари жуда кўп мисоллар билан ёритиб берилади. Ислом маърифати, исломнинг инсон ахлоқини юксалтиришдаги ҳаётбахш ғоялари Навоийни бутун умр тўлқинлантириб келди, унинг асарлари мағз-мағзига сингди.

Професор Р.Вохидов назарида бу жиҳатни ҳисобга олмай, Навоий ижодининг моҳиятини англаш мумкин эмас. Шоир дунёқарashi, фалсафий олами ҳам шу пойдевор устига қурилган. Навоий • ислом ва тасаввуфни ажабтовур бир маҳорат билан уйғунлаштириб, шу заминда ўзининг оламшумул гуманистик гоясини баён этган.

Хусусан, Навоийнинг “Сирож ул-муслимин” асари таҳлилига бағишиланган саҳифалар киши дикқатини тортмай қўймайди. Р.Вохидов фикрича: “Навоий мисраларидағи ғоялар ва ояти карималардаги моҳият бир-бирига тўқис ҳамоҳангидир”. Айни болалик йилларидаёқ ёш Алишер тафаккурида устивор ўрнашган Куръон таълимоти, юксак инсонпарварлик ғоялари улуғ шоирнинг умри давомида яратган асарларига ҳаётбахшик ҳадя этиб турган.

“Алишер Навоий ва илохиёт” (1994) китобида шу нуқтаи назардан Навоийнинг ҳамд ва наътлари кенг таҳлил қилинган. Р.Вохидов «Ҳазойин ул-маоний» девонларидағи ғазаллар ва “Ҳамса” достонлари муқаддимасидаги ҳамд ва наътларни шунчаки назардан ўтказиб, мазмун-маъноларини баён этиш билан чекланмайди, балки ҳар бир сатрда ифодаланган фикр, маънони Куръон ва ҳадислар билан, ислом тарихидаги воқеалар билан солиштириб чиқади. Шу аснода Навоийнинг “Вақфия”, “Мұхқокамат ул-луғатайн”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Махбуб ул-кулуб” асарлари ўрганиб чиқилган. Натижада тадқиқотчи ишқ ва тасаввуф ғояларини ҳам исломий маърифат ғоялари негизида ёритади. Яъни ҳазрат Пайғамбаримиз Навоий назарида бир ошиқ – Оллоҳ ошиғи сифатида гавдаланади. Дарҳақиқат, Мұхаммад пайғамбарга багишиланган шаът ғазаллар, меъроҷ тасвири талқини шундай хулоса чиқаришимизга асос

бўлади.

Алишер Навоийнинг космогонияси – фалак жисмлари, оламлар тузилиши ҳақидаги тасаввурлари ҳам Р.Воҳидов томонидан батафсил таҳлил этилган. Бунда ҳам исломий тушунчалар ва Шаркда шаклланган илми нужум тушунчаларидан шоир унумли фойдалангани кўрсатилади. Р.Воҳидов тадқиқотларининг бир ажиг хусусияти бор: у асарни таҳлил қилаётганда ҳам унинг ғояси, маъноларини очишга ва ҳам айни вактнинг ўзида бадиий хусусиятлари, шоирнинг маҳоратини кўз-кўз қиласиган санъатларни таъкидлаб, кўрсатиб боради. Яъни ғоя, маъно сўздан айри эмас, шоир қалби билан шуури ҳамиша уйғун, демокчи бўлади тадқиқотчи.

Воқеан, у бу мавзуга алоҳида тадқиқот бағишилаган. Олимнинг М.Маҳмудов билан биргаликда ёзган “Иймон - қалб гавҳари” китобида (1999) шеър, бадиий сўз ва маънавий камолот масалалари қаламга олинади. Иймон ҳам инсон қалбига сўз билан кириб боради ва нақшланиб қолади. Эътиқод бутунлиги, нафсни тийиш, сўз санъати дурдоналаридан баҳрамандлик, ишқ сафосининг жазбалари – буларнинг барчаси инсонни юксалтиради, фозил ва меҳрибон, улуғ ишларга сафарбар этади. Ҳазрат Навоий шунинг учун ҳам илоҳий каломни, шеърни, мусикани қадрлаб, мадҳ этади. Шеърда қалбни титратувчи маъно, яхшиликка, комилликка етакловчи дард бўлишини талашиб қиласди.

Р.Воҳидов Навоийнинг илгари ҳам адабиётшунослар диққатини тортган ана шу жиҳатларини янгича нигоҳ билан қараб, сўзнинг маънавий қудратини очиб беришга интилади.

Олим адабиёт тарихида кенг ривожланган татаббуъ, жавобия, зуллисонайнлик, ўзаро адабий таъсир масалаларини изчил ўрганиб келаётган олим. Айниқса, зуллисонайнлик (икки тилда ижод килиш) анъанаси унинг “XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърияти” номли тадқиқотида чукур таҳлил этилган. Ушбу адабий ҳодисанинг узок тарихи, кенг тарқалиши сабаблари, туркигўй ва форсигўй шоирлар ижодида бунинг турли кўринишларда ривожланганлиги кишини ўзига жалб қиласиган янги-янги мисоллар билан кўрсатилган. Ушбу анъананинг иирик вакили яна ҳазрат Навоийдир. Ҳеч ким икки тилда бу қадар маҳорат кўрсатиб, юксак қимматли асарлар ёзолган эмас. Шу фикр тасдиғи учун Р.Воҳидов “Девони Фоний”га мурожаат қилиб, ундаги форсий ғазал ва қасидаларни кўздан кечиради ва Навоийнинг татаббуъдаги маҳорати, ўзига хослигини аниқлаб чикади...

Професор Р.Воҳидовнинг илмий мушоҳадалари қамровли ва

мулоҳазалари теран. У адабий манбаларни таҳлил қиласр экан, мумтоз адиларимиз яшаган даврлар хусусияти, адабий муҳит ва адабий ҳаёт, анъана ва навбунёдкорлик, услубий ўзига хослик каби масалалар устида мушоҳада юритиб, муҳим фикрларни айтади.

Чунончи, Навоий ижоди ҳақида ўйлар экан, шоирнинг таҳсин ва танқидига учраган шахслар, Навоий ёқтирган ёки нафрат билан рад этган ахлоқий хислатларни кўздан кечириб боради. Дунё ва охирад, фано ва бақо, лаҳза ва абадият ҳақида шоир билдириган фикрлар инсон қисмати, қадри ва бурчи хусусида битган сатрларни тадқик этади. Нега Навоий дунёга нисбатан охиратни кўпроқ улуғлайди, деган саволга тадқиқотчи бундай изоҳ беради: «Аслида охиратнинг улуғланиши замирада ҳам мураккаб рамз яширгандай туюлади. Яхшиликка, нафс устидан ҳокимликка бахшида умр соҳиби авлодлар ардоғида яшайди-да! Демак, ундай инсонлар худбинликдан холис, умум учун жон нисор этишга тайёр».

Ҳақиқатан ҳам шундай. Охиратга ҳавола қилишдан мақсад дунёни обод этиш, бузилган дилларни тузатиш, инсонларни огоҳ этиб, маънавий баркамол қилиш эди. Навоий кўзлаган мақсад шу.

Шу тариқа бемалол айтиш мумкинки, профессор Раҳим Воҳидов Навоий ижоди билан мунтазам шуғулланиб, эътиборга лойик тадқиқотлар яратди ва навоийшунослар каторидан муносиб ўрин олди.

Профессор Р.Воҳидовнинг яна бир фазилати шуки, у қадимиј зуллисонайнлик анъанасини давом эттириб, икки тил – ўзбек ва тожик тилида баробар асарлар яратади. Унинг кўпгина мақолалари Тоҷикистонда ҳам нашр этилган. Олим ўз устозлари В.Абдулаев, А.Ҳайитметов, Б.Валихўжаев, Т.Қораев ҳақида хусни таважҷуҳ ва камоли эҳтиром билан бир неча ишлар ёзди, уларнинг адабиётимиз, маданиятимиз равнақига кўшган хиссасини ёритди. Буни ҳам маънавий бурч ва ҳам маърифат тарқатиш усули деб ҳисоблайди олим..

Раҳимжон дўстимнинг китоб ва мақолалари мароқ билан ўқилади, унинг ҳис-ҳаяжонлари қалбимизга сингиб, яйраб кетамиз. Чунки унинг ўзи шавқи баланд, софдил инсон. Софдил одамгина адабиётга, шеъриятга меҳр кўяди. Соф қалбдан чиқкан сўзгина бошқа қалбни ҳаяжонга келтира олади. Айникса, «Биз билган ва билмаган Бобур», «Ишқ – илоҳий жазба», «Шеърият – шоир юраги», «Авлодлар таъзими» каби маърифатга ташна ўқувчилар эътиборини қозонган рисолаларида бу хусусият аниқ бўртиб туради.

Профессор Р.Воҳидов узоқ йиллардан бери Бухоро давлат

университетида мумтоз адабиётдан дарс беради, унинг илмий раҳбарлигига ўндан ортиқ мутахассис номзодлик диссертациясини ёқлади, уни ҳар доим илмий мунозаралар, янги мавзулар ўзига тортади. Олим доимо адабиёт оғушида яшаб келади.

Манна энди, қадрдон, жонажон дўстим, курсдошим, атоқли олим, камтарин инсон, устоз – муаллим Раҳим Воҳидов 60 ёшга кирди. Ҳавас қилса арзийдиган баркамол ва баракали умр!

Унинг ҳаёт йўли ёшларга ибрат – сабоқ бўлса арзиди. Раҳимжоннинг калами хамма вақт ижод учун шай, ўзи эл хизматига камарбаста.

Азиз ва қадрдон дўстимга узоқ ва янада баракали умр, илҳомли ижод тилаб қоламан.

## Нажмиддин КОМИЛОВ, профессор.

*Илми ким воситаи жоҳ этар,  
Ўзиниу ҳалқни гумроҳ этар.*

*Олим агар жоҳ учун ўлса залил,  
Илми анинг жаҳлиға бўлғай далил.*

*Илм илаким жоҳра майл айлабон,  
Баҳр суйин хайға туфайл айлабон.*

*Дунки топиб илм раёсат учун,  
Хилъат этиб ҳулла нажосат учун.*

*Олим агар қатъи амал айласа,  
Илмиға шойиста амал айласа.*

*Солмаса кўз жиғаи дунё сари,  
Боқмаса туз дунийий фони сари.*

*Они шараф гавҳарининг кони бил,  
Гавҳару кон, ҳарне десанг они бил.*

Алишер Навои

## ИБН СИНОНИНГ “ЮСУФ ҚИССАСИ” ВА УНИНГ КЕЙИНГИ ДАВР АДАБИЁТИГА ТАЪСИРИ

Буюк ҳаким, файласуф олим, салохиятли адаб ва шоир Абу Али ибн Сино жаҳон илм-фани, маданияти тараққиёти тарихида салмоқли ҳисса қолдириб кетди. Шундан бўлса керак, дастлаб **Жаҳон Тинчлик Кенгаши** (XX асрнинг 50-йиллари), кейинчалик **Бирлашган Миллатлар ташкилоти** (ўтган юз йилликнинг 70-йиллари) бу улуғ инсон таваллудининг 1000 йиллигини ўша нуфузли ташкилотларга аъзо давлатлар худудида нишонлаш ҳақидаги карор қабул қилинганди эди. Ҳижрий йил билан нишонланган биринчи тадбирнинг яқунловчи анжумани 1954 йилда Эронда ўтган. Абу Али ибн Синонинг умр тўйига пишиқ тайёргарлик кўрган бу давлат улуғ аллома мангубори (кабри)ни мутлақо замонавий бинокорлик талабларига мос бўлиб тушадиган даражада барпо эттириди. Макбара устидаги маҳобатли гумбазни кўтариш учун йигирма тўққизта темир-бетон устунлар (стольбалар) ишга солинганди экан. Бундай манзарадан ҳайратга тушган зиёратчилар лойиҳани ишлаб чиқкан меъморлардан сўрашади:

- Жаноби меъмор, нега бу устунлар йигирмата ёхуд ўттизта эмас, айнан, йигирма тўққизта?

Истеъоддли қурувчи, бу жумбокқа жавоб берар экан, айтади:

- Бу тасодифий эмас, албата. Ҳар бир салобатли устун буюк Шайх ур-раис (аллома олимлаш сардори) шуғулланган фаннинг бир тармоғини билдиради. Ҳазрат ўз даврида табиий ва ижтимоий фанларнинг йигирма тўққизасига асос солган.

Мана, сизга ноёб мўъжиза. Дарҳақиқат, ана ўшандай илм дунёси яктолари туфайли бизнинг муқаддас заминимиз X-XV асрларда **Олтин давр – Уйғониш даврини** бошидан кечирди. Унинг тамал тошини қўйганлар қаторида самога ўзининг маърифат нурини таратган муқаддас маскан – Шариф Бухоро фарзанди Абу Али ибн Синонинг борлиги ифтихоримиз боисидир...

Абу Али ибн Сино илмда – шоир, бадий сўз санъати оламида беназир олим эди. У мусулмон дунёси адабиётининг бешигини тебратган Шарқ халқлари бадий каломи оламида рубоийнавислик, тиббий асарларни шеърда битишининг – уржузачиликнинг, дилбар фалсафий қиссалар ёзишининг кошифи эди. Унинг “Ҳайй ибн Яқзон”, (“Тирик ўғли Уйғоқ”), “Рисолат ут-тайр” (“Куш рисоласи”), “Саломон ва Абсол” (Ибсол тарзида ҳам ғилади) каби фалсафий – мажозий қиссалари бадий

насрнинг тарихий тараккиётида ноёб кашфиётдир. Юқоридаги рўйхатда буюк адабнинг “Юсуф қиссаси” ҳам бор. Олим учун айни асарнинг ғоявий сарчашмаси вазифасини Куръони карим адо этган. Абу Али ибн Сино мазкур илохий китобдаги (ўн иккинчи сурадаги) воқеалар тизимини илк бор бадиий адабиётга олиб кирди. Тўғри, Куръонга қадар Шарқ ҳалқлари бадиий адабиётидан чукур жой олган, адабий сайқал топиб, сайёр сюжетлар мақомига қўтарилиган мазкур воқеалар тизмаси ҳакида Таврот, Забур, Инжил каби диний китобларда ҳам хабар берилган. Юқорида қайд қилинган ҳикоя ва ривоятларнинг илохий китоблардаги сайри шарқшуносликда жиддий тадқиқотлар учун (бу ҳақда қаранг: Пиотровский М.Б. Коранические сказание. Москва, “Наука”-1991 г.) асос бўлган эди...

Охирги пайғамбар – сарвари коинот Мұхаммад Мустафога нозил бўлган Куръони каримда Юсуф ҳакидаги воқеалар анча бафуржা (қаранг: Куръони карим ўзбекча изоҳли таржима... Тошкент, “Чўлпон”-1992 й., 197-210-бетлар) ифодасини топган. Унда марҳамат қилинишича, Юсуф пайғамбарзода эди. Канъонда истиқомат қилувчи Яъқуб пайғамбарнинг суюкли ўғли. Мазкур пайғамбарнинг ўн иккита ўғли бўлган эди. Шулардан ўн нафари бошқа онадан, Юсуф ва Бинямин бир онадан. Яъқуб алайҳиссалом ўғлонларидан ҳазрати Юсуфга айрича муносабатда бўлар эди. Табиийки, айни аҳвол ўн ака-укаларга хуш келмайди ва уларни ҳasad оловида куйдиради... Ҳазрати Юсуф ўн икки ёшларида мўъжизавий бир туш кўрадилар. Унга кўра, осмоннинг икки ёритқичи (куёш ва ой) ҳамда барча юлдузлар ҳазрати Юсуфга сажда қиласмиш... У мазкур тушини отаси Яъқуб пайғамбарга айтиб беради. Ўғли Юсуфнинг Аллоҳ томонидан пайғамбар сифатида танланишини ҳис қиласган ота бу туш ҳақида ҳеч кимга гапирмасликни таъкидлади. Бироқ турли йўллар билан туш воқеасидан хабар топган она, бошқа ака-укалар рашик оловида ёниб, Юсуфни йўқотиш пайига тушишади. Улар Юсуфни саҳрова ўйнатиб келиш баҳонасида оталаридан сўраб олишади. Ноилож рози бўлган Яъқуб пайғамбар ўғилларига Юсуфни эҳтиёт қилишларини топширади. Ниятларига етган ғаразгўй акалар эса узок машваратдан сўнг Юсуфни эски бир кудукка ташлаб, унинг куйлагини конга бўяб, оталарига саҳрова Юсуфни бўри еганлиги ҳакида шум хабарни етказишади. Айни машъум хабар Яъқуб пайғамбарни чексиз мусибат оғушига отади... Йўлдан ўтаётган карvonнинг сув изловчилари кудукка челак туширишади ва унга сув ўрнида Юсуф чиқади. Бундай гўзал ва хушкомат ўғлонни кўрган карvon сардори Юсуфни ўзи билан бирга олиб кетиб, Мисрда унинг

ҳокимига сотиб юборади. Ҳокимнинг хотини бундай кўркам ўспиринга “ошики бекарор” бўлиб қолади. Ҳокимнинг хотини Зулайҳо ва Юсуфнинг ишқий саргузаштлари оғизга тушади. Шаҳарнинг зодагон аёллари Зулайҳога маломатлар ёғдиришади. Бундай маломатлардан ғазабланган Зулайҳо ўша хонимларни меҳмонга чақиради. “Бундай мўъжизани (Юсуфни) кўрган аёллар мева ўрнида қўлларини кесишади... Мақсадига эришолмаган Зулайҳо Юсуфни зиндонга ташлаттиради. Зиндонда узок қолиб кетган Юсуф маҳбуслар туш таъбирини тўғри топиши билан шухрат таратади... Алқисса, мамлакат подшоси туш кўради. Бироқ унинг таъбирини ҳеч ким тўғри шарҳлай олмайди. Шу муносабат билан Юсуф эсга олинади ва у зиндондан озод қилинади. Ҳукмдор тушини тўғри талқин қилган Юсуф эътибор қозонади ҳамда мамлакатнинг идора ишларига жалб этилади. Олдинда кургоқчилик ва қаҳатчилик турганини илоҳий иноят туфайли ҳис этган Юсуф Миср учун етти йилга етадиган катта микдордаги озиқ-овқатнинг жамланишига эришади. Ўша кунлар (қаҳатчилик) етади. Ночор аҳволда колган Яъкуб пайғамбарнинг ўғиллари Мисрга егулик излаб боришади... Юсуф нобакор акаларини танийди. Аммо сир бой бермайди ва улардан илтифотини дариғ тутмайди. Куръонда марҳамат қилинган воқеалар ривожи давомида Яъкуб пайғамбар ўғли Юсуфдан, Юсуф эса отаси ҳамда укаси Биняминдан хабар топади. Акалар ўз қилмишларига пушаймон бўлиб, Юсуфдан узр сўрашади. Зулайҳо ишқига алоқадор лавҳалар ҳам интихода ижобий якунини топади...

Биз бирмунча жўн ва ихчамлаштириб ҳикоя қилганимиз воқеалар тизмаси Шайх ур-раис эътиборини жалб қилган ва ҳассос адаб ёзилажак фалсафий қиссанинг гўё кенгайтирилган режасини тузган. Унга юқорида нақл қилинган куръоний лавҳалар қаламга олинади (бу ҳақда қаранг: А.Ирисов. Абу Али ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент, “Фан” – 1980., 158-160-бетлар; Яна: Ибн Синонинг “Юсуф қиссаси”. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, 1967, 3-сон, 46-47-бетлар). Қандайдир бизга номаълум сабаблар туфайли адаб мазкур қиссага бадиий сайқал беришни ниҳоясига етказа олмаган. Аммо шуниси аниқки, Куръони каримда марҳамат қилинган ғоят жозибали ва мураккаб воқеалар тизмаси Абу Али ибн Синонинг ахлоқий-маънавий қарашларига тўла мос бўлиб тушган ва Шайх ур-раис ўша асосда дилбар бир фалсафий қиссани яратмоқчи бўлган эди. Начора, гўзал ғоявий ният рўшнолик кўрмай, улуғ адиднинг армонли қалбida ғунчалигича қолиб кетди. Бироқ улуғ аллома ижодининг садоқатли тадқиқотчиси, профессор А.Ирисов ўринли таъкид

қылганидек, Шайх ур-раиснинг биринчилардан бўлиб шу мавзуда асар ёзиш учун кўл урганлигининг ўзи мўъжизага тенгdir...

Шайх ур-раисдан бугунга қадар ўтган давр ичида Юсуф ва Зулайҳо севги саргузаштлари мавзуига Шарқ халқлари адабиётида кенг мурожаат этилди. Назму насрда талай дилбар асарлар бунёдга келди. Туркман адабиётшуноси Гелди Назаров фикрига кўра, юздан ортиқ, филология фанлари номзоди Ҳилола Сафарованинг аниқлашича (қаранг: Ҳилола Сафарова. Ҳазрати Юсуф – гўзаллик тимсоли. Тошкент, Ислом университети нашриёти- 2003, 120 бет) юз йигирмадан зиёд йирик ҳажмли бадиий асарлар ижод этилган. Иккинчидан, кичик ҳажмли бадиий яратмаларда ҳам ишқий изтироблар, ҳасад қийноклари, айрича гўзалликни таъкидлаб кўрсатиш максадида Юсуфу Зулайҳоларга ишора қилиш анъана тусини олди. Ҳатто бугунги шеъриятда ҳам бундай ишоралар тез-тез кўзга ташланиб туради...

Юсуф ва Зулайҳолар қисматини қаламга олиш XV асрнинг иккинчи ярмида ҳам кенг авж олди. Хисрав, Ширин, Фарҳодлар номи билан алоқадор ишқий саргузаштларни эскирган ҳисоблаган Нуриддин Абдураҳмон Жомий “Юсуф ва Зулайҳо” достонини яратиб, “Ҳафт авранг” таркибиға киритди. Қайд этилган ахлоқий – маънавий ва аёл ишқини биринчи ўринга қўювчи бу мавзу Алишер Навоий эътиборини ҳам ўзига тортган. Улуғ ўзбек шоири “Тарихи анбиё ва хукамо» асарида (қаранг: Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 16-том. Тошкент, “Фан”-2000. 122-129- бетлар) уни ихчам қаламга олади. Ҳар иккала адабнинг бизга етиб келган қайдларини қиёслаш Абу Али ибн Сино “Юсуф қиссаси” ҳамда Алишер Навоий қайдлари мазмун ҳамда қисматида уйғунлик мавжудлигини кўрсатди. Алишер Навоий ҳам Шайх ур-раис сингари шу мавзуда йирик ҳажмли шеърий бир асар ёзиш ниятида бўлган. Бундай гоявий мақсадни Алишер Навоийнинг қуидаги қайдларида ёрқин ҳис қилиш қийин эмас.

Юсуфу Зулайҳо воеалари мавзуида қалам юритганлар ҳакида мушоҳада юритган улуғ адаб ёзади:


...Ул жумладин бири Фирдавсий Тусий ва яна бири ҳазрат Махдуми Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон ал-Жомий...андоқким Юсуф алайҳиссаломнинг ҳусни ва жамоли таърифдин мустағнийдур. Аларнинг доғи фазл ва камолиға васф ҳожат эмас. Яна Ҳожа Масъуд Ироқий ҳам назм қилибдур ва балогатнинг додин берибдур. Яна доғи азизлар машғуллук қилибдурлар. Бовужуди булар бу бебизоатким (Алишер Навоий – Р.В.) ҳам

иборат роқимдиндур. Коми хотирға бу орзуни кечурурким, “иншооллоҳ умр омон берса, турк тили билан ўқ ковурдин варак узра хомайи мушкин шамомани сургай. Ва бу қисса назмин ибтидо қилиб, интихосига еткургай.

Хақ бу тавфиқни насиб этгай,  
Ё насиб улча тангридин этгай.

**Бас, бу мухтасарға қиссаны ижмол расми била адо қилмоқ ансабдур»** (Ўша китоб. 422- бет). Водариг, юз таассуфки, Алишер Навоийнинг бу эзгу орзуси ҳам амал тўнини кийиш баҳтидан бебахра қолди. Улуғ шоир «Лисон ут – тайр» маснавийсида ваъда қўлгани ўз муҳаббати ҳақидаги достон шу бўлармиди?! Мавзунинг айни жиҳати икки оламнинг подшоси ёлғиз Парвардигорга аёндур, холос...

Кўчирганимиз иқтибосдан кейин ҳазрати Юсуф саргузаштларининг қисқача насрый баёни берилади. Таъқидлаш жоиз, Шайх ур-раис чизгиларида бўлгани каби Алишер Навоий қайдлари ҳам Куръони каримдан гоявий қувват олган. Буни матнда келтирилган ўнга яқин Куръоний оятлар мисолида ҳам қўриш мумкин. Яна бир мулоҳазани ҳам ўртага қўйишни истар эдик: Алишер Навоий Шайх ур-раиснинг «Юсуф қиссаси»дан хабардор бўлган ва ундан таъсирланганми? Албатта, бу ҳақда дадил бир гапни айтиш қийин. Аммо шуниси аники, Алишер Навоий Абу Али ибн Синонинг меросидан яхшигина хабардор эди. Улуғ шоир асарларида турли ишораларда баланд ихлос билан ёзиб колдирилган қайдлар бизнинг ўша хулосамиз фойдасига хизмат қиласди. Муҳими, гоявий сарчашманинг ягоналиги (Куръони карим), бадий ният қисматидаги якранглик бу икки даҳо ижодкорни ҳамиша бир-бирига яқинлаштириб туради ва авлодлар нигоҳини куёш янглиғ ўзига тортиб келади!



## УЛУҒ АЛЛОМА ГОЯЛАРИ ЗАМОН ХИЗМАТИДА

Она Ўзбекистон катта илмий-ирфоний тўй олдида турибди. Улуғ аллома Абдухолик Фиждувонийга яратган қодир эгам Нух пайгамбар ёшини насиб этганида эди, Ҳазрат бугун тўккиз юз йил умр кечирган бўлур эдилар. Аммо ҳасрат ва ўкинчга ўрин йўқ, чунки бу табаррук зот истиқлол туфайли қайта туғилди ва мангулик ҳаётида яшашда давом этмоқда. Муҳими, белгиланган оламшумул тадбирлар бошида Республика Президенти И.А.Каримов турибдилар. ЙЭрт сарвари ҳар гал Бухоройи шарифга ташриф буюрганда вилоятнинг долзарб иқтисодий-сиёсий масалалари қаторида шу муқаддас заминда шаклланган ўтмиш қадриятлари, илоҳий-ирфоний соҳага, айниқса, Ҳожа Абдухолик Фиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари қисмати, уларнинг мангу оромгоҳларининг ободлиги ҳам ул мўътабар зотнинг дикқат марказида туради. Бугун хожагон ва нақшбандия тариқати асосчилари мақбараларининг деярли янгидан бунёд қилинаётганлигининг ташаббускори Президент ҳазратлари эканлигини ифтихор билан қайд этмаслик адолатга хилоф харакат бўлур эди.

Улуғ алломанинг бутун онгли фаолияти бизни ўраб олган мулки борлиқ – “олами қубро” ва шу худудсиз мавжудот ичра сирру синоатлар манбаи ҳисобланмиш инсон – “олами суғро”(кичик олам)ни ўзлигига қайтариш, унинг феъл-авторидаги қусурларни тозалаш, эзгуликка даъват қилишга сарфланди. Юртимизнинг ўтмиш алломалари, шайх, авлиёуллоҳ, орифу фозиллари ҳақида яратилган кўп сонли маноқиб (манқаба – тасаввуф оламининг ўзига хос жанри бўлиб, зикри ўтган асарларда воқеа- ҳодисалар ярим ҳаётий ва ярим афсонавий кечадики, бундай тафсилотларнинг қалбий-руҳий олам билан алоқадорлигини эътибордан сокит қиласлик лозим) асарларда, жумладан, Ҳожа Абдухолик Фиждувоний ҳақидаги шундай ишларда ҳам бир-бирини инкор килувчи кўп сонли маълумотлар учрайди. Уларга биноан Абдухолик ибн Абдужамил Фиждувоний 1103 йилда Фиждувонда тақводор оиласда таваллуд топган. Табиийки, замин фарзанди сифатида Абдухолик ҳазратлари ёшлиқда етуқ тарбия ва таълим кўрганлар. IX-XII асрларда Бухоройи шариф худудида илм-фан, хусусан, илоҳий - ирфоний йўналишдаги қарашлар, ҳадис ва муҳаддисларнинг ривожу равнаки ўзига хос бир уйғониш, олтин даврни вужудга келтирдики, бундай гавжум муҳитдан буюк алломанинг болалик йиллари ҳам бенасиб колган эмас. Алишер Навоийнинг қуйидаги таъкидлари ҳам бизнинг

мулоҳазаларимиз фойдасига хизмат қилади: “Аларнинг равиши тариқатда хужжатдир... Ҳамиша сидқу сафо йўлида ва Мустафо (с.а.в.) шаръу суннат мутобаатида ва бидъату ҳаво мухолифатида қадам урубурлар ва пок равишларин ағёр кўзидин яшурубурлар”. Равшан бўлаётирки, болалик йилларидаёқ шариат ва ҳадис илмлари Абдухолик ҳазратларининг маънавий-ахлоқий балоғатида дастуриламал вазифасини адо этган. Илохий истеъод билан эгизак туғилган бу зоти мукаррам табиатида бидъату кибру ҳавога қарши исён уйғонган, хоккорлик, ибратли феълу атвор унинг вужуд-вужудидан жой олган эди. Улуғ ўзбек шоири буюк маънавий арбоб ҳақидаги мулоҳазаларини давом қилар экан, ёзади: “Аларға (Абдухолик Фиждувонийга) кўнгил зикри сабақи йигитликда Ҳожа Хизрдин (а.с.) бўлубдур... ва Ҳожа алардин фарзандлик қабул килибурлар”. Алишер Навоий қайдларини эътиборга оладиган бўлсак, оила ва давр мұхити, илмий-маърифий ҳамда илохий марҳамат омехталашиб Абдухолик Фиждувонийни эл назарига тушган, маънавий-ахлоқий олами бой баркамол шахс сифатида шакллантиради. Ҳазратнинг кейинги даврдаги фаолияти, балоғат пиллапоялари сари юкорилашиб бориши шайх ул-шуюх (олимлар олими) Ҳожа Юсуф Ҳамадонийга боғлаб талқин қилинади. Бундай майл мумтоз ҳамда замондош тадқиқотчиларнинг асарларида яққол кўзга ташланади. Жумладан, улуғ ўзбек шоири ёзади: “Ҳожа аларнинг (Абдухолик Фиждувонийнинг) сабақи ва зикри пиридур ва Ҳожа Юсуф сұхбат ва хирқалари пири”. Тўғри, Юсуф Ҳамадоний Бухорога келгач, Абдулло Барқий, Ҳожа Ҳасан Андоқий, Ҳожа Аҳмад Яссавийлар қаторида Абдухолик Фиждувоний ҳам бу муршиди раббонийдан илохий-ирфоний таълим олди ва унинг тўртинчи халифаси (ўринбосари) мақомига кўтарилди. Агар тасаввуф даргоҳига қадам қўйган соликнинг (дарвешнинг) муршид этагини тутмай, ҳатто, 30-40 йил риёзат чекмай ориф – шайх даражасига этиши мумкин эмаслиги инобатга олинса, Абдухолик Фиждувоний учун ана ўшандай маънавий раҳнамо вазифасини Ҳожа Юсуф Ҳамадоний ўтаганлиги айни ҳақиқатдир. Бироқ биз бу ўринда бошка бир фикрни ўртага ташламоқчи эдик: тақдир тақозоси билан Юсуф Ҳамадоний Бухорога ташриф буормаган ва Ҳожа ҳазратлари (Абдухолик Фиждувоний) унинг этагини тутмаганда ҳам бу зоти бобаракот ҳозирги мақомига кўтарилган бўлур эди, деган мушоҳада бизнинг калбларимиздан кечади. Чунки “Куббат ул – ислом”, “шариф шаҳар” унвонлари билан шарафланган Бухородаги илмий -ирфони мұхит ва буюк муаррих Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асаридан и

“бу заминдаги олиму фузалоларнинг рўйхаги тузилса, бир неча дафтар бўлади”, - қабилидаги жиддий кайдлари ҳам ўшандай мулоҳазани ўргага ташлаш имконини беради.. Иккинчидан, буюк истеъод соҳиби бўлган бир олимнинг кашфу камолотини бошқа бир алломага боғлаб талқин қилиш ҳамиша ҳам кутилган натижани бермайди. Абдухолик Фиждувонийнинг табиатида юксак истеъод мавжуд бўлиб, Юсуф Ҳамадоний билан учрашгунга қадар илоҳий-ирфоний аллома сифатида шаклланган эдики, қисқа бир муддат ичида шайхи раббоний ва олими нуктадон қўлидан хирқа (шайхлик, орифлик либоси) кийиш шарафига мусассар бўлади...

Ҳаётда, замондошлари ўртасида ибратли ахлоқий- маънавий рафтори билан танилган Абдухолик Фиждувоний “Рисолаи соҳибия”, “Рисолаи шайх уш – шуюх ҳазрати Абу Юсуф Ҳамадоний”, “Мақомоти Ҳожа Юсуф Ҳамадоний”, “Аз гуфтори Ҳожа Абдухолик Фиждувоний”, “Васиятнома” каби илмий-маърифий асарлари, маноқиблари билан замонасининг бақувват ахлоқшуноси, илоҳиёт ва тасаввуф оламининг донишманди, ҳалқпарвар ҳамда ватанпарвар макомида шуҳрат қозонади. Юкорида санаганимиз асарлари билан бу зоти мукаррам Ҳожагон (кейинчалик нақшбандия) тариқатига асос солди. Абдухолик Фиждувоний томонидан ўргага ташланган “Хуш дар дам» (солик оладиган ва чиқарадиган ҳар бир нафасини огоҳлик билан эсламоги), “Назар бар қадам” (қўйиладиган ҳар бир қадамнинг эътиборда бўлиши), “Сафар дар ватан” (бу ўринда “ватан”ни инсон қалби ва ўз маъносида ҳам талқин қилиш мумкин), “Хилват дар анжуман” (зоҳиран ҳалқ ва ботинан ҳақ билан) каби рашҳалар (гезислар) нақшбандия тариқати учун тамал тошлари бўлиб хизмат қилди. Аллома кашфиёти бўлган бундай рашҳалар саккизтадир. Шу ўринда кичик бир изоҳга зарурат бордай туюлади. Абдухолик Фиждувоний “Рисолаи соҳибия” ва бошқа асарларида биз айримларини санаганимиз рашҳаларни Шайх Юсуф Ҳамадоний тилидан келтиради. Фикримизча, масаланинг айни жиҳатини бир услубий жило, муршиди комилга садоқат рамзи сифатида қабул қилиш тўғрироқдай туюлади. Жалолиддин Румийнинг ўз шеърлар тўпламини устози Шамс Табризий шарафига “Девони Шамс Табризий” дея аташи, Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонининг бир неча ўрнида Фаридуддин Атторга эҳтиром нишонаси сифатида “Таржума расми била сурдум қалам” тарзидағи таъкидлари муршидга садоқат бобидаги ўша анъаналарнинг мантикий давомидай назарга ташланади. Шундай экан, Абдухолик Фиждувонийнинг ўшандай таъкидларини шартли бир ходиса

сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ кўринади...

Бир шайхдан сўрадилар: — Тасаввух недур? Ҳазрат жавоб беридилар: — Бори ахлоқдур.

Ана шу маънода Абдухолик Фиждувоний қалами билан ишо қилинган асарларни илмий-маърифий, маънавий-ижтимоий ахлоқномалар тарзида қабул қилиш тӯғри бўлса керак. Зоро, ҳазрат айни нодир яратмаларнинг замонлароша тилдан тушмай, авлодларга беминнат мададкор бўлиб келаётганинг сири ҳам ана ўша фазилати хисобланади. Чунончи, бу ҳақда Алишер Навоийнинг “Насойим ул – муҳаббат” асарида ўқиймиз: “Хожа буюрадиларки, ҳар соликки, нафс фаноси сарҳадига етмаган бўлса, (чунки) анга газаб даст бергай. Шайтон анга даст топқай. Чун нафс фаноси ҳосил қилмиш бўлса, анга газаб бўлмас, гайрат бўлур ва шайтон гайратдин қочар” (Алишер Навоий. МАТ. XVII. 255- бет). Кўринадики, улуғ аллома ўкувчи эътиборини инсон қисматининг ўзак ахлоқий масаласига қарататирип. Дарвоқе, инсонни сувдан олиб, ўтга урадиган, унинг феълатворидаги барча иллатлар нафснинг ғалабасидан ибтидо топади. Аслида нафс Одам Ато зурриётларининг жисмоний эҳтиёжи, уни ўлдириш ва мутлако йўқотишнинг имкони йўқ. Шундан бўлса керак, илоҳиёт ҳам, тасаввух ҳам нафсни жиловлашга даъват этади. Абдухолик Фиждувонийнинг замондоши сulton ул-орифин Хожа Ахмад Яссавий эса “Нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадкирдор”, дея жар солади. Худди шундай овоз Абдухолик Фиждувонийнинг юкорида биз кўчирганимиз жумлаларидан ҳам қулокқа чалинади. Улуғ алломанинг бундай ҳаётбахш ғоялари нафақат унинг илмий - маърифий, ахлоқий- таълимий асарлари сахифалари оркали, балки улардан бадиий адабиётга кўчиб, яратилажак асарларга ғоявий мазмун, завқ ва умрбоқийлик баҳш этиб келди.

Аллома “Васиятнома” асарида ёшларга мурожаат қиларкан, шундай ўгит беради: “Илм ўрганмасдин туриб, ишга киришмагил. Дин йўл-йўрикларини (пухта) билишинг (риоя қилишинг) учун мудом фикҳ ва ҳадис ўргангил”. Инсоният турмуши тараққиёти ва фаровонлигини тафаккурдан ташқари тасаввурга сифдира олмаган Абдухолик Фиждувоний ана ўшандай катъий мuloҳазаларни ўртага ташлаган. Унинг фикҳ – ислом конуншунослиги ва ҳадисга доир таъкидлари ҳам алоҳида қизиқиши уйғотади. Ҳақ – ҳукуқини яхши билмаган одам ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди. Ҳукукий демократик жамият куриш йўлидан бораётган давлатимизда бундай даъватлар алоҳида аҳамият касб этади. Ҳадис эса ахлоқий-маънавий панднома. Уларни ўзлаштирган ва амал килувчи ўспирининг Ҳар Ҳандай китоби

күйшик йўлларга кирувчи ватанфуруш чиқмайди. Алломанинг куйидаги фикрлари ҳам фаҳму фаросатли ўкувчини фикрлашга ундейди: “Тариқат йўлиға кириб, уламолар изидан борғил ва алардин мутаассир бўлғил, магар шариатга хилоф бўлмаса, илм эгалари ва шайхларнинг таълимотини инкор этмагил». Адолат, тўғрилик, ростгўйлик, ҳаққоният тарафига бўлишга чақирувчи айни олижаноб мулоҳазалар бугун учун ҳам замондошдир. Улуғ истиқболлар, бунёдкорлик, дунё ҳамжиҳатининг олдинги сафларида бўлиш орзуси билан нафас олаётган некбин юртдошларимиз учун бундай доно ҳикматлар ахлоқий- маънавий дастуриламал вазифасини ўташи шубҳасиздир.

## ХОЖА ИСМАТ – ЗУЛЛИСОНДИЙ ШОИР

XIV асрнинг иккинчи ярми, XV асрнинг биринчи ярмидаги Бухоро адабий мухитининг забардаст намояндаларидан бири Хожа Исматуллоҳ Ибн Хожа Масъуд Бухорийдир. Шарқ ҳалклари адабиёти тарихида узоқ ўтмишга эга бўлган зуллисондийлик анъанаисига (форс, араб; тожик, араб; тожик, ўзбек; ўзбек, араб ва ҳоказо тилларда асар яратиш) риоя этган ва тожик ҳамда ўзбекчада дилбар шеърлар яратган Хожа Исмат ўз замонасидаёқ истеъодли шоир мақомида катта шуҳрат қозонди. Давр адабий мухити манзараларини ойдинлаштирувчи тарихий, илмий, бадиий асарлар ва тазкираларда Хожа Исмат ҳакида у қадар тўлиқ бўлмаган пароканда маълумотлар назарга етади. Мухими, ўша мумтоз манбаларда бу улуғ шоирнинг аслу насаби, ижодкор сифтидаги салоҳияти, эл-улус ўртасидаги обрў-эътибори, мартабаси юксак эътибор ва самимият билан улуғланади. Жумладан, Давлатшоҳ Ибн Бахтишоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарида келтирилган қайдлар улкан қизиқишиятади. Мазкур тазкиранинг салмоқли қисмини ўзбек тилига таржима килиб, шарху изоҳлар билан таъмин этган ва “Шоирлар бўстони” унвонида чоп қилдирган академик Б.Аҳмедов тазкира муаллифининг ўша кимматли маълумотларини куйидагича келтиради: “Бузургзода, фозил ва билимдон киши эрмиш, насаби Жаъфар Абу Толибга... уланади. Хожа Исматуллонинг ота – боболари Бухорода улуғ ва фозил кишилардан эканлар. Отаси Хожа Масъуд Бухоро зодагонлари жумласидандир” (Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. Тошкент – 1981, 146-бет). Кўринадики, Давлатшоҳ улуғ шоир ҳакида баланд ихлос билан мулоҳаза юритади. “Тазкират уш – шуаро”дан бир мунча кейинроқ тартиб берилган

(Биринчи таҳрири 1491-1492 йилларда амалга оширилган) Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” асарида ўша қимматли қайдлар янада ривожлантирилади. Жумладан, асарнинг биринчи мажлисида Хожа Исматуллоҳ ҳақида ўқиймиз: “Мовароуннахр бузургзодаларидандир. Зоҳир илмин такмил қилғондур. Ғоят хуштабылиғидан ўзин шеърга мансуб қилиб, девони машхур бўлди” (Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 13-жилд, 16-бет). Қизиги шундаки, ҳар иккала мумтоз манбадаги аксарият маълумотлар бири иккинчисини кувватлайди. Чунончи, Хожа Исматнинг Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Халил Султон (1384-1411) билан муносабати масаласида Алишер Навоий ва Давлатшоҳ маълумотлари якрангdir. Маълумки, Мироншохнинг ўғли ва Соҳибқироннинг суюкли набираси Халил Султон 1405-1409 йилларда Самарқандда ҳукмронлик қилган. Хожа Исматулла айни ана шу йилларда Самарқандда, Халил Султон даргоҳида бўлган ва шеър илмидан унга сабоқ берган, устоз мақомида фаолият кўрсатган. Сарой аёнларининг (аниқроғи, ҳасадгўйларнинг) Амир Темур ва Халил Султон, Хожа Исмат ва Халил Султон ўрталаридағи муносабатни бузиш бобидаги саъю-ҳаракатлари ўз “натижаси”ни бера бошлайди. Халил Султон 1404 йилда оддий табақадан бўлган гўзал Шодмулхонимга бобосининг руҳсатисиз уйланади. Табийки, бундай “ўзбошимчалик” улуғ бобога хуш келмайди ва улар ўртасидаги муносабатда дарз кетади. 1405 йилда Амир Темурнинг вафоти билан тазийклар кучаяди ва 1409 йилда Халил Султон салтанатдан четлаштирилади. Ана шу йилларда Хожа Исматнинг ҳам сарсон -саргардонлик ҳаёти бошланади. Бундай омадсизликлар шоир асарларида ҳам чукур из қолдиради. Шоирнинг куйидаги сатрларида ўша руҳий-маънавий изтиробнинг ёрқин изларини кўришимиз мумкин:

Деги Исмат дар сухан аз жўш рафт,  
Ошиқонро қавли ўз гўш рафт.  
Сабзхинги чарх аспи навбатаст,  
Ҳар касеро панжрўза беш нест

(Мазмуни: Исматнинг сўз қозони қайнашдан қолди,  
Ошиқлар (муҳиблар) кулогидан унинг сўzlари

таъсири кетди.

Фалакнинг навқирон оти навбат биландир,  
Ҳар кимга у беш кундан кўп насиб этмайди).

Мовароуннахр таҳти Улуғбек Мирзога ўтгач, фозил ҳукмдор Хожа Исматни саройга даъват этади, аммо улуғ шоир бу таклифи

қабул қилмай, бадиий ижод билан шуғулланади...

Хожа Исматнинг таваллудини таҳминий 1365-1375 йиллар оралиғи тарзида кўрсатган Давлатшоҳ Самарқандий шоир вафотини 829 хижрий, 1426 мелодий йил тарзида кўрсатади. Таъкидлаш жоизки, шоирнинг фоний дунё билан видолашуви санаси айрим мумтоз ва XX асрда ёзилган асарларда 1437 йил тарзида ҳам тақдим қилинади. Таникли тожик адабиётшуноси, профессор Холик Мирзозода “Тожик адабиёти тарихи” китобида шундай фикрни ўртага ташлар экан, манбаи келтирилмаган мана бу таърих-шеърни ҳам тақдим қиласди:

Таърихи вафоти Хожа Исмат,

Ҳар кас, ки шунид, гуфт: “таммат”,

(Мазмуни: Хожа Исмат вафоти тарихини,

Ҳар кимки эшилди, деди: “таммат” (Тожикистон олий мактаблари учун дарслик. XIII-XV асрлар адабиёти. 2-китоб, Душанбе-1977, 314-бет).

Байтдаги “таммат” (тамом) сўзида тарих моддаси пинҳон этилган бўлиб, унданги ҳарфларнинг абжад ҳисоби билан рақамлардаги қиммати 840 хижрий қамарий, 1437 мелодийга тўғри келади. Бундай майл Эрон олими Аҳмад Карамийнинг “Забардаст олим ва порсо ориф” мақоласида ҳам кузатилади. Хожа Исматулло Бухорийнинг ўн олти минг (16.000) мисралик девонини Техронда 1987 йилда нашр эттирган шарқшунос Аҳмад Карамий унга каттагина сўзбоши ёзади ва улуғ шоир таржимаи ҳоли, жумладан, вафоти масаласига ҳам даҳл қилиб, ўшандай қўнимга келади. Яна бир қатор мақолаларда ҳам ўшандай ишораларга дуч келамиз. Шунингдек, шоир асарларида кузатиладиган қайд ва тарихий лавҳалар ҳам унинг XV асрнинг 40-йилларига қадар хаёт қайдида бўлганлигидан далолат беради. Шуларга кўра, биз ҳам Хожа Исматулло 1437 йилда вафот этган, деган фикрга хайриҳоҳлик билдирамиз.

Хожа Исмат Шарқ ҳалқлари маданияти тарихида забардаст шоир сифатида ўчмас из қолдирган. Мумтоз манбаларда шоирнинг турли ҳажмдаги девонлари ҳақидаги маълумотлар учрайди. Ўшаларга кўра, мазкур девонларнинг ҳажми ўн минг мисрадан ўн саккиз минг (18.000) мисрагачадир. Табиийки, замонасининг шуҳратли қаламкаши мақомида танилган, Халил Султон ва Улуғбек Мирзо каби темурийлар назарига тушиб, уларга атаб саксонга яқин қасидалар яратган салоҳиятли шоирнинг асарлари тез-тез китобат килинган ва девонлари тўлдирилиб борилган бўлиши табиийdir.

Хожа Исмат Шариф Бухорода нақшбандия тариқату таълимоти тўла шаклланиш жараёнини бошидан кечирган даврда яшаб фаолият кўрсатди. Шундай экан, унинг шеъриятида ирфоний-маърифий гояларнинг теран илдиз отганлиги ҳар қандай шак-шубҳадан холидир. Баъзан “Носирий”, асосан, “Исмат”, “Исматуллоҳ“, “Хожа Исмат” тахаллусларида қалам тебратган улуғ шоирнинг куйидаги рубойисида ҳам ўша майл равшан назарга ташланади:

Гуфтам дили ман, -гуфт, ки хунхўрдаи мост,  
Гуфтам жигарам, -гуфт, ки озурдаи мост.  
Гуфтам, ки бирез хуни ман, -гуфт, -бирав,  
К-озод бувад касе, ки парвардаи мост  
(Мазмуни: Айтдим менинг юрагим,-айтдики, бизнинг  
қон ютгувчимиздир,  
Айтдим жигарим,-айтдики,-биздан  
жароҳат кўрганлардандир.  
Айтдимки, менинг қонимни тўккил,-айтди, -боргил,

Бизнинг ардоғимизда бўлганлар бундай жазодан озоддирлар). Иктибос олганимиз шу тўрт сатрнинг ўзи ҳам Хожа Исматнинг шоирлик истеъоди, бадиий тафаккур кўлами, шеърий унсурлардан нечоғли хабардорлиги, сўз ва унинг илоҳий неъмат сифатидаги имкониятларидан мохирона фойдалана олишидан далолат бера олади. Мусулмон минтақа адабиётининг газал, қасида, қитъа, мухаммас, фард каби жанрларида ҳам бу улуғ шоирнинг ўрни белгили бўлган. Арузнинг энг узун (баҳри тавил) ўлчовида шеърлар ёзиша Хожа Ҳазратлари билан беллаша оладиган қаламкашлар камдан-кам топилган.

Мумтоз манбаларда Хожа Исматнинг зуллисонайнлиги – ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ёзганлиги қайд килинади. Улуг шоирнинг илоҳий-ирфоний мавзуда иншо этилган бир минг юз байт (2200 мисра)лик “Иброҳим Адҳам” достонининг ўзбек тилида эканлиги барча манбаларда бирдай эътироф этилади. Алишер Навоий эса “Мезон ул-авzon”да баҳсимизга доир мана бу маълумотларни келтиради: “Чун доираға кирган бухурдин фориг бўлулди, яна бир неча вазники, баъзини Ажам шуароси мутааххирлари айтибурлар ва баъзи бу замонда назм топибдур ва ҳеч арузға дохили бўлмайди, агарчи филҳақиқат аruz бухуриға дохилбурлар, ишорате алар сори қилмоқ ҳоли аз муносабате эрмас эрди. Ул жумладин, рамали маҳбундурки, ҳар мисраси саккиз руқнтурки, байти ўн олти бўлғай, Хожа Исмат Бухорийда пурбаҳо дебдурлар, бу услугуб биладур.

Комату зулғу кўзу кошу узору хат ила холи  
Лабингдурки, оларча эмас, эй шўхи ситамгар.  
Файлотун файлотун файлотун файлотун  
Файлотун файлотун файлотун

Сарв ила сунбул нарғис янги ойу қуёшу сабзаи  
Жаннат қураи нофай гулбарг аро шаккар  
Файлотун файлотун файлотун файлотун  
Файлотун файлотун файлотун

(Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. Тошкент-2000, 91-бет). Кўринадики, Алишер Навоий XV аср шуароси маънавий мероси таркибида камчил бўлган нодир шеърий намунани Хожа Исмат девонидан танлайди ва ўз илмий асарига киритади. Аслида баҳри тавилда гўзал сатрлар яратиш Хожа Исмат шеърияти учун тасодифий ҳодиса эмас. У тожикча шеърларида ҳам бу санъатга тез-тез мурожаат қилиб турган. Куйидаги парчада ҳам шундай майл кўзга ташланади:

Исмат оварда ба хуноби жигар ғусл, ки дар гўшаи  
Мехроби ду абрўй ту пайваста дуои ту бигўяд,  
Гарчи дар хотири хубони парирўй дилозори ситамкори  
Жафопешаи бадхў асаре нест дуоро

(Мазмуни:

Исмат жигари зардобида ғусл қилиб, покланиб,  
Сенинг пайваста қошларинг меҳробида сенга  
дуогўйлик қиласди.

Гарчи паричехра гўзаллар хотирида дилозорлик, ситамкорлик, жафокорлик каби бадхўлик дуодан устун турадир. (Гулшани адаб. Намунаи назм иборат аз панж жилд. Жилди III, Душанбе, “Ирфон”, 1975, сах. 67).

Кўринадики, улуғ шоирнинг тожикча ва ўзбекча сатрларида мазмуний яқинлик баланд. Иккинчидан, илоҳиёт ва ирфон учун ҳам таянч восита — ишқ талқини ўша сатрларни безаб турибди. Ишқу ошиқлик, дарду изтироб бу даргоҳни (покланиш манзилини) кисмат билганлар учун хузур баҳш этади. Ана шу фазилати учун ҳам Хожа Исмат шеърияти бадиий қалом ихлосмандлари қалбини асир этган, уларни изидан эргаштирган. Темурийлар саройида алоҳида нуғузга эга бўлган Хожа Исматнинг яна кўплаб туркий сатрлар битганлиги шак-шубҳа уйготмайди. Уларни излаш, топиш, улуғ шоир шеърияти шайдолари мулкига айлантириш кейинги тадқикотлар зиммасидадир...

Ўз замонасида ёқ бошланган исматшунослик XX асрда ҳам

давом этди. У ҳақдаги қимматли фикр-мулоҳазалар Е.Э.Бертелс, В.В.Бартольд, С.Айний, В.Абдуллаев, Х.Мирзозода, Б.Валихўжаев, А.Хайитматов каби йирик тадқиқотчилар асарларида ўртага ташланади. Тадқиқотчи А.Мирсафоев XX асрнинг 70-йилларида Ҳожа Исламнинг ҳаёти ва адабий мероси ҳақида номзодлик диссертациясини (бальзилар ақидасича ўнлаб номзодлик ва докторлик диссертациялари эмас) химоя қилди. Шоир маънавий меросини тарғиб килишда проф. Т.Қораев, доц. М.Қосимов, филология фанлари номзоди Р.Бобокалоновлар муносиб хисса қўшилар. Марҳум А.Мирсафоев маълумотларига кўра, Ҳожа Ислам девонларининг нусхалари дунёнинг 22 (йигирма икки) нуфузли шаҳарларидаги кўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. Жумладан, Бухорода, Абу Али ибн Сино номидаги вилоят кутубхонаси Шарқ кўлёзмалари бўлимида ҳам мавжуд. Бухоро давлат университети ўқитувчиси Р. Бобокалонов шоирнинг кичикроқ бир девонини араб ёзувидан бугунги жорий хатга кўчириб кўйди. Саховатпеша ҳомийлар топилса, уни нашрга тайёрлашга камарбастамиз.

Алишер Навоий “Мажолисун-нафоис”да ўзига устоз мақомидаги бу улуғ сўз санъаткорининг мангу оромгоҳи ҳақида маълумот бериб “Ва Ҳожанинг қабри Бухорода ўз ҳужрасидадур” (13-жилд, 17-бет), дея ёзди. Маълум бўладики, кейинчалик бу маъво қабристонга айлантирилган ва аксарият илм, адабиёт, санъат намояндалари шу табаррук замин парчасида дағн этилган. Яна бир мўъжиза ҳам содир бўлган: улуғ Ҳожанинг қабрларидан унча узок бўлмаган масофада чашма сизиб чиқкан. Таркибида олtingугурт бўлган бу сув ва унинг лойидан яра-чақаларни даволаш учун шифоталаблар фойдаланиб келишган. Даҳрийлик байробини баланд кўтарган комфирка бу шифобахш чашмани такрор ва такрор кудратли булдозерлар билан кўмдириб турди. Натижада жуда кўп улуғларимизнинг, жумладан, Бухоройи шарифнинг улуғ олимни, шоири, адibu адабиётшуноси Шарифжон Махдум Садр Зиё (1867-1932)нинг ҳам қабрлари ўша машъум занжирлар остида пачақланиб, йўқбўлиб кетди....

Ўша мустабид тузум ва унинг шуҳратпаст навкарлари сиёсат юргизган йилларда ҳам Ҳожа ҳазратлари оромгоҳини обод қилиш илму адаб аҳлининг йирик орзуси эди. Шу муносабат билан 1974 йилда “Бухоро ҳақиқати”да (буғунги “Бухоронома”) берилган мақола олти ойдан кейин “булу паридан” жудо қилинган ҳолда чоп бўлди. 1976 йилда Бухоро давлат педагогика институтида (буғунги БухДУ) Алишер Навоий анъанавий илмий сессиясининг 20-

йиғилиши ўтказилди. Үнда Республикализнинг таниқли илм арбоблари иштирок этди. Шу илмий анжуманнинг якунловчи йиғилиши олий даргоҳнинг бош йигингоҳида ўтди. Үнда вилоятнинг аксарият масъул сиёсий ходимлари, жумладан, ком фирмакининг биринчи котиби ҳам иштирок этди. Ана ўша мұльтабар минбардан биз бухороликлар мухтарам устозимиз, академик В.А.Абдуллаевдан “восита” сифатида фойдаландык. Минбарга чиккан етук олим жуда назокат билан гап бошлади. Алишер Навоий илмий анжуманининг ўтказилишида “бошу қош” бўлган вилоят ва шахар маъмурларлга миннатдорчилик билдириб, гап ўзанини Хожа Исмат мангубромгохига улаб юбордилар: “Шогирдни шарафлаш (яъни Алишер Навоийни) баҳонасида устоз ҳурматини (Хожа Исматни) жойига кўйсак, нуран аъло нур бўларди. Биз Каттакўргонда Шавқий қабрини ҳашар йўли билан обод қилдик (Бухоро-Тошкент йўлида, ўнг кўлда). Агар бухороликлар шундай ташаббусни Хожа Исмат қабрини обод килиш бобида бошласалар, мен ҳам енг шимариб кўмаклашишга тайёрман”... Йигингоҳ қалқиб кетди, қарсақлар узок давом қилди, мутасаддийларнинг дафтарчаларига ёзувлар тушди, ваъдалар берилди...

Водариг, орадан ўттиз йилга яқин давр сувдай оқиб кетди. Не-не қабрлар барҳам еди, чашма ўзанини ўзгартирди...

Шукронаси шундаки, ширин орзулар истиқтол туфайли, маънавиятнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши, ўтмишда яшаб фаолият кўрсатган илму ирфон арбоблари мангубромгохларини обод қилишининг кун тартибига қўйилиши оқибатида ушалмоқда. Вилоят ҳокимининг бевосита раҳнамолигида улуғ Хожа ва у кишининг атрофларида мангубромда бўлган алломаларимиз бағрига хуш ҳаволар етмоқда. Энди биз ҳам Шариф шахримиз меҳмонларини бу тавоғоҳга сарбаланд олиб борадиган бўлдик. Эзгулик йўлида сарфланган увок ҳам изсиз кетмагай. Иншооллоҳ, саркор, сарфдор ва хизматда шай турғанларнинг яхшилик йўлидаги саъю ҳаракатлари ўз ажру мукофотини топгусидир.

Эй ҷаври ту ҳуштар аз вафои ҳама кас,  
Дашноми ту беҳтар аз дуои ҳама кас.  
Бо ин ҳама нозуқӣ на шояд будан,  
Бегона зи мову ошнои ҳама кас.

Хожа Исмат

## БИР ҲИКОЯТНИНГ ИККИ ТАЛҚИНИ<sup>1</sup>

(Низомийнинг “Махзан ул-асрор” ва Навоийнинг “Хайрат ул-аброр” достонлари мисолида)

“Махзан ул-асрор” Шайх Низомий “Панж ганж” и таркибидаги муқаддимавий достон бўлиб, бутун асар учун дастурий аҳамиятга молик. • 1176 йилнинг 30 сентябрида (572 хижрий шамсийнинг 24 рабеъулаввалида) ёзилган мазкур маснавий Арзанжон вилоятининг ҳокими Фаҳруддин Баҳромшоҳ ибн Довудга бағишилангандир. Шайх Саноий Ғазнавийнинг “Ҳадоик ул-ҳакиқат” (“Ҳакиқатлар гулзори”) достонига жавобия йўсинида яратылган “Махзан ул-асрор” (“Сирлар ҳазинаси”) 2264 байт (тўрт минг беш юз йигирма сakkiz мисра)дан таркиб топади. Ушбу маснавийнинг “Панж ганж” (Беш нодир маънавий ҳазина) бағрида келган бошқа достонлардан фарқи – унда асар ибтидосидан интиҳосига қадар изчил давом этадиган воқеалар тизмасининг мавжуд эмаслигидадир. Ёхуд мазкур асар негизида анъанавий муқаддимавий (“Бисмиллоҳ-ир-раҳмон-ир-раҳим” илоҳий жумласининг бадиий тавсифи, Аллоҳга бағишиланган икки муножот, меъроҳ, сўз таърифи, манзум сўзнинг мансур сўздан фарқи ва ҳоказо) боблардан кейин йигирма мақолат бадиий ифодасига алоҳида урғу берилади. Ҳар бир мақолат икки бобдан (“назарий” ва “амалий”) иборат. Достон мақолатларида олам ва Одам, шоҳга насиҳат ва адолат муҳофазаси, қарилек васфи, мавжудотга одилона назар, Одамнинг ҳайвонот дунёсига оқилона муносабатда бўлиши лозимлиги, фоний хаёт ва моддий неъматларнинг бевафолиги сингари ранг-баранг фалсафий-илоҳий, ирфоний-маърифий, ахлоқий-таълимий масалалар силсиласи алоҳида назокат ва баланд шеърий маҳорат билан қаламга олинади. Асарда ҳар бир мақолатдан кейин келадиган мӯъжазгина шеърий ҳикматни Шайх Низомий “достон” ёхуд “ҳикоят” истилоҳи воситасида беради. Жумладан, “Шоҳга насиҳат ва адл муҳофазаси” тарзида номланган иккинчи мақолатдан кейин “Нӯширавоннинг ўз вазири билан ҳикояти” воқеалар тизмаси келтирилган. Ҳар бир мақолатнинг биринчи бобида ўзининг ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий карашу панд-ҳикматларини бадиий гавдалантирган улуғ шоир, ибратли ҳикоятлар воситасида ўша фикрларини янада мустаҳкамлашга эришади.

<sup>1</sup> Ушбу макола Ю.Азимов Ҳаммуалифлигига ёзилган.

“Махзан ул-аспор”нинг “Мақолати чаҳорум дар ҳусни риояти шоҳ бо раият” (“Шоҳнинг раият билан муносабати таърифига аталган тўртинчи мақолат”) сарлавҳали бобидан кейин “Қари кампирнинг Султон Санжар билан достони” (“Достони пиразан бо Султон Санжар”) унвони остида етмиш мисрадан иборат ихчамгина ҳикоят келтирилган. Биз мазкур ишимизда шу мақолатнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидан ўрин олган “Шоҳ Гозий ва золи зар” ҳикматномаси билан қиёсий ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Шайх Низомий талқинида ҳам шоҳлар икки тоифага ажратилади: одил ва золим. Улуғ шоирнинг муҳаббати эса раият – ҳалқ дарди билан нафас оловчи шоҳлар тарафидадир. Шундан бўлса керак, файласуф шоир фақатгина бир бобда эмас, балки бутун достон давомида бевосита ёки билвосита ўша долзарб мавзуга ружъ этади, ўзининг инсонсеварликка оид бўлиқ фикрларини ифодалашга ҳаракат қиласи. Жумладан, Ҳазрати Одамнинг яратилиши бадиий тафсилотларига аталган биринчи мақолатда қуйидаги сатрлар назарга ташланади:

Зулм раҳо кун, ба вафо даргурез,  
Халқ чи бошад? Ба худо даргурез.  
Лекин ўбину бар он кор кун,  
Бар бадии хештан иқрор кун<sup>2</sup>

Низомий Ганжавийнинг шоҳлар олдидаги қўядиган талаблари жуда дадил ва файласуф шоир уларни Яратган қодир эгам номидан огоҳ этади. Раият – ҳалқни қийнамасликка, унга нисбатан қилинадиган ҳар бир зулму жафонинг охирил-оқибат ҳисоби бор эканлигини таъкидлайди. Ана шундай қатъий майл “Махзан ул-аспор”нинг деярли барча мақолату достонларида (ҳикоятларида) назарга ташланади. Жумладан, достоннинг иккинчи мақолатида айни мавзуда ўқиймиз:

Адл баширест хирад шодкун,  
Коргарй мамлакат обод кун.  
Мамлакат аз адл шавад пойдор,  
Кори ту аз адли ту гирад қарор (сах.315).

Кўринадики, некбин шоир мамлакат ва ҳалқ истиқболини адолатда кўради. Мамлакат сарварининг қалбида меҳру шафқат, инсофу диёнат пойдор бўлгандағина юртда эркин ҳаво эсади, ҳалқ дилига илиқлик эпкини уфуради. Кишвар обод, унда истиқомат қилувчилар фаровон турмуш кечиришлари мумкин. Шайх Низомий

<sup>2</sup> Низомий Ганжавий. Куллиёт. Дар панж жилд. Жилди панжум. Душанбе, “Ирғон”-1984, сах. 311. Бундан кейин тегишли саҳифалар кавсайнла кўрсатиб борилади.

томонидан ўртага қўйилган ана ўшандай халқпарварона ғоялардан сўнг ибрат сифатида “Нўширавон ва унинг вазири ҳикояти” келтирилади. Мўъжазгина шеърий ҳикоятда “ярқ этиб” назарга ташланадиган куйидиги мисраларда халқпарвар шоирнинг мақолатларда олға сурилган олижаноб инсонпарварлик ғоялари ўзининг мантиқий ифодасини топади:

Эй мани ғофил шуда дунёпарамст!  
Балки занам бар сар аз ин кор даст.  
Моли касон чанд ситонам ба зўр,  
Ғофилам аз мурдану фардои гўр (сах. 316).

Аввало, таъкидлаш жоиз, Шайх Низомий мусулмон дунёси адабиётида адолатпарвар шоҳ тимсолига айланган Нўширавон ва унинг вазири билан мулоқоти ҳикоятини яна ихчам бир масал билан “безайди”. Ёхуд икки товукнинг (вайронада яшовчи күшнинг) ўзаро куда-андачилигига алокадор жажжи бир масални китобхонларига тухфа этади. Ўз қизи сут баҳоси учун бир вайрона қишлоқ ва яна нималардир сўраган келин томонга жавоб айтган “куёв” тарафи айтади: Маликнинг зулмини кўриб турибсан. Агар аҳвол шундай давом килса, тез орада мен бир эмас, балки минг вайрона қишлоқни ҳам сенга тухфа қиласман. Жуда ихчам баёнини келтирганимиз масал тафсилотларидан кейин ўқувчи юқорида иқтиbos сифатида кўчирганимиз мисраларга юзма-юз келади. Шайх Низомийнинг ўта санъаткорлик билан ишга согани юқоридаги услубий жилони “Махзан ул-асрор”нинг аксарият сахифаларида кузатишими мумкин. Шу ўринда яна бир лавҳани ҳам алоҳида ургу билан таъкидлашга тўғри келади. Ўз даврининг комил илоҳий-ирфоний шайхи мақомида фаолият кўрсатган эркпарвар шоир фоний дунё молу ишратининг бебақолиги, охират (қиёмат) кунидаги ҳисоб-китобларни эсга солиш билан зулм бозорини авж олдирган ҳукмдорларни огоҳлантириб қўяди. Башоратгўй ва адолатпеша шоир ана шундай воситаларни ишга солиш орқали эзгуликка ташна қалбига таскин-тасалли беради...

Юқорида айримларини назардан ўтказганимиз жараёнлардан кейин “Махзан ул-асрор”нинг тўртинчи мақолати келади. Асар муаллифи айни сахифаларда яна шоҳ ва раият (халқ) масаласига қайтади, олдинги сахифалардаги қарашларини тадрижий ривожлантиради. Шайх Низомий ҳазратлари мақолат ибтидосидаёк маликка мурожаат этаркан, қатъият ила таъкидлайди:

Ғарраба мулке, ки вафоиш нест  
Зинда ба умре, ки бақоиш нест (сах. 323).

Инсон бу фоний дунёда карвон таркибидаги бир йўловчи. Унга ажратилган, тақдир этилган насиба кайси бекатда нихоя топади, ёлғиз Аллохгагина аён, холос. Бас шундай экан, шох бўлар ёхуд гадо ана ўша адолатдан ҳамиша огоҳ турмоғи зарур. Айниқса, малик бу борада янада ҳушиёрроқ турмоғи, салтанат ва унинг ҳазинасида жамланган жавохиротга маҳлиё бўлиб, охиратдан бехабар қолмаслиги даркор. Исломий манбалардаги ривоятга кўра, Нўҳ пайғамбарга минг йил (бир ривоятга қараганда тўққиз юз йил) умр кўриш насиб қилган экан. Алишер Навоий ўз асарларида шу ривоятга дахл қиларкан, “Кани, Нўҳ?”-дея таъкид этади ва инсоният авлодини пайғамбарнинг ҳам дунёда устун бўлиб қололмаганлигидан огоҳ қиласди. Бас, инсонга берилган умр сарҳадли, у мангу бўлмаскан, имтиҳон дунёсида Одам Ато зурриёллари ўзидан яхши ном, солиҳ амаллар қолдириш тадоригини кўриши лозим. Шайх Низомий шу йўналишдаги бадиий мушоҳадасини давом этар экан, ёзади:

Эй ҳунар аз мардии ту шармсор,

Аз ҳунари бевазане шарм дор! (сах. 323).

Байтда “ҳунар” ибратли саъй-ҳаракат, намунали хулқ-атвор, мол-мulkка эътиборсизлик, ҳиммат ва саховат пайида бўлиш каби маъноларда қўлланилган. Олдинги байтларда Робиаи Адвия ва унинг таҳсинга лойик фазилатлари борасида ишоралар ёрдамида ёзган шоир шоҳларга унинг рафторидан сабоқ олишни маслаҳат беради. Дунёвий бойликлар илинжида ҳар қандай қабоҳатга тайёр турган салтанат эгаларини уялиш, ўша нопок йўлдан қайтишга чакиради. Улуғ шоирнинг ана шу тақлиддаги ўғиту ҳикматлари кескин тус олади. Панд ўрнини таҳдиду қатъий тақлифлар эгаллай боради:

Теги ситам дур кун аз роҳашон,

То нахўри тири саҳаргоҳашон...

Ҳар кй дар ин хона шабе дод кард,

Хонаи фардои худ обод кард (сах. 324).

Кўчирилган иқтибосдан равшан бўлаётирки, Низомий Ганжавий қай йўсинда бадиий фикр юритмасин, ўзининг таянч услубий жилосига содик колади: ўткинчи дунёда, имтиҳон умрида қилинган жабру жафонинг охирул-амр “мукофоти” тайин. Инсон боқий дунёдаги кулбаси ободлиги тагкурсисини айни ана ўша синов даврида қўяди. Жумладан, мамлакатни тадбиркор чўпон мақомида бошкарган, раиятни ўз мұхофазасига олиб, оч бўрилардан асраран подшоҳнинг охирги манзили ҳам ободдир...

Тўртинчи мақолатдан кейин берилган етмиш (айни рақамлар достоннинг оммавий нашрига тегишли) мисралик “Кари кампирнинг

Султон Санжар билан достони” баҳшида шоир томонидан ўргага кўйилган юқоридаги фалсафий мулоҳазалар амалий ифодасини топади.

“Достон”да накл қилинишича, мамлакатда жиноят содир бўлади: бир бегуноҳ инсонни ўлдириб кетишади. Аммо ноҳақ қон тўккан гуноҳкор банда аниқланмай, жиноят ёпиқлигича қолиб кетади. Бундай вазиятда юртдаги фикҳ соҳаси одамлари оёққа турғизилади. Таъласага тушиб қолган посбонлар босар-тусарини билмай қолишади. Жумладан, маст-аласт қиёфадаги бир посбон ҳимоясиз қари кампирнинг кулбасига бостириб кириб, уни қон тўкканликда айблаб, дўппослаб кетади. Айни ҳақсизликдан қаттиқ изтиробга тушган афтода кампир Султон Санжарга мурожаат қиласкан, айтади:

К-эй малик озарми ту кам дидаам,  
В-аз ту ҳамасола ситам дидаам.  
Шаҳнаи маст омада дар кўи ман,  
Зад лагаде чанд фарорўй ман.  
Бегунаҳ аз хона ба рўям қашид,  
Мўйкашон бар сари кўям қашид...(саҳ.324).

Ана шу тарзда ғамзада ва фартуд она дарду дилини мулк соҳибига тўкиб солади. Султон Санжар салтанати даврида мамлакатда зулму ситамнинг авж олгани, бева-бечора-ю, етимлар ҳақ-хукуқининг поймол бўлиб, улар бор-будининг зўравонлик билан тортиб олинаётганини далиллар ва аччиқ киноя билан изҳор этган онахон, жумладан, айтади:

З-омадани марг шуморе бикун,  
Мерасадат даст, ҳисоре бикун.  
Адли ту қандили шабафрўзи туст,  
Мўниси фардои ту имрўзи туст...(саҳ.326).

Гарчи бу сўзлар юзлаб жафокаш оналар тилидан сатрларга кўчган бўлса-да, аммо улар Шайх Низомий қалбининг жонсўз нидоларидаи акс-садо беради. Даврон ситамларидан юрағи реш-реш бўлган ва улар олдини олишнинг тузукроқ йўлларини топа олмаган забардаст санъаткор яна Аллоҳга қаратса илтижо қиласди, ўлим ҳамда охират манзили ободлигининг бугундан ибтидо топишини эслатиш билан бир нафасгина бўлса-да, ором олади. Таъқидлаш жоиз, достонда маликнинг кампирга аниқ жавоблари кўзга ташланмайди. Шоир уни такаббурликда, шарму ҳаёсизликда айблаш билан чекланади...

Хамсачилик бобида Низомий Ганжавийни ўз устози билган

Алишер Навоий “Хайрат ул-аброр”нинг ўн учинчи бобида ёзган эди:

Йўлдаса, бу йўлда Низомий йўлум,  
Кўлдаса, Хусрав била Жомий кўлум.  
Нукта сурурида раво бўлмағай,  
Буки Навоийға наво бўлмағай...  
Ит киби чун пастлиғим чоғладим,  
Ўзни бийиклар ипиға боғладим.  
Бўлса алар озими дашти адам,  
Мен ҳам ўлай соя киби ҳамқадам.  
Кахфи бақо ичра алар бўлса гум,  
Мен ҳам ўлай робиуҳум калбуҳум<sup>3</sup>

Кўринадики, улуғ шоир “Панж ганж” яратиб, ҳамсачилик анъянасини бошлаб берган Низомий Ганжавийни ва айни адабий ҳодисани ривожлантириб, юқори тараққиёт чўққисига олиб чиқсан Хусрав Дехлавий ҳамда Нуриддин Абдураҳмон Жомийларни ўзининг маънавий раҳнамолари сифатида эътироф этади. Улуғ ўзбек шоири кўчирилган парчанинг охирги уч байтида Куръони каримдаги “Асхобил қаҳф” (ғор аҳли) воқеасига ишора қилаётir. Унда марҳамат қилинишича, инсонларни тавҳиддан қайтармоқчи бўлган ситамкор подшоҳ йўлини танлашдан воз кечган ва “қатли ом”дан жон сақлаб, яқин тоғдаги гордан паноҳ топиш ниятидаги эътиқодли инсонларнинг жасорати ҳикоя қилинади. Йўлда уларга бир чўпоннинг ити ҳам ҳамроҳ бўлади. Али ибн Аби Толиб нақлига кўра, улар етти нафар бўлиб, Ямлиҳо, Макшалино, Машлино, Марнуш, Дабарнуш, Шознуш, Кашифиттанус номлари билан довруқ таратишган.

Аллоҳнинг мўъжизавий қудрати туфайли кўзлари очик ҳолда уч юз йил ётган ўша инсонлар ва уларнинг ити чириш оғатидан омон қолишади (Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Абдулазиз Мансур таржима ва тафсири. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2004. 293-296-бетлар). Алишер Навоий ҳамсачилик додини берганларни тавҳид тарафдорларига (чунки уларнинг сони ҳақида исломий манбаларда 3, 5, 7 ... ракамлари кўзга ташланади), ўзини эса уларга эргашиб, жаннатдан жой берилган итга қиёслайди. Мухими шундаки, бундай танти эътироф ҳамма вақт ҳам ўз муносиб баҳосини топмаган ва улуғ шоир бўйнига турфа тамғалар осилишига йўл очган...

“Махзан ул-асрор” каби таянч негизини йигирма мақолат

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 7-том. Тошкент-“Фан”, 1991. 56-бет. Бундан кейин сахифалар кавсда кўрсатиб борилади.

ташкил этувчи “Ҳайрат ул-аброр” Алишер Навоий ўлмас “Хамса”сининг муқаддимавий достонидир. “Ҳайрат ул-аброр”нинг зоҳирий жиҳатлари, тузилишида (асарнинг “Бисмиллохир-рахмонирраҳим” шарҳига боб бағищланиши, анъанавий муқаддимавий фаслларда, уйғун мақолат ва хикоятларнинг учраши ва ҳоказоларда) кўпгина монандликлар назарга ташланади. Аммо сайдёр воқеалар тизмаси, қаламга олинган илохий-ирфоний, ахлоқий-маънавий, ижтимоий-сиёсий масалалар талқини хусусида ўшандай гапни айтиб бўлмайди. Буни “Ҳайрат ул-аброр”нинг сultonлар зикрига бағищланган учинчи мақолати ҳамда “Шоҳи Фозий ва золи зар ҳикояти”нинг қиёсий таҳлили мисолида ҳам ёрқин кўриш мумкин. Алишер Навоий муқаддимавий достонининг айни мақолатида ҳукмдорлар одил ва золим шоҳлар тарзида тасниф этилади. Умумий ҳажми икки юзу ўн тўрт сатрни ташкил килувчи бобда мусулмон дунёсида шуҳратли Сулаймон (ҳам пайғамбар), Жамшид каби подшоҳлар тилга олинади. “Ҳайрат ул-аброр”, умуман, улуғ шоир “Хамса”сининг Шайх Низомий “Панж ганж”идан уч юз йилдан ортиқроқ муддат кейин ёзилғанлиги инобатга олинса, ана ўша вақт масофаси билан изоҳланадиган тафовутлар бўлишининг ўз-ўзидан аёнилиги англашилиб қолади. Тўғри, Шарқ ҳалқлари адабиётида асрлароша марказлашган феодал давлати ва унинг бошида одил шоҳнинг туриши foяси ҳукмронлик қилди. Алишер Навоий даврида ҳам бу айни масала кун тартибида турган эди. Ҳусусан, Соҳибқирон Амир Темур асослаган йирик давлат ва унинг афзалликлари ҳам ўзидан дарәк бериб турмокда эди. Шундан бўлса керак, улуғ шоир бобга қуйидаги сатрларни киритган бўлса, ажаб эмас:

Хотами адлинга сипехри баланд,  
“Рости-ю русти” била нақшбанд.  
Хутбаи жоҳинг қадар иншо қилиб,  
“Яъмуру бил-адл” ила туғро қилиб (122-бет).

Кўринадики, икки ўринда ҳам қатъият билан салтанатни адолат илиа юргизиш лозимлиги ёзиб қўйилган. Тўғри, бундай долзарб талабни Шайх Низомий ҳам ҳукмдор олдида қўйган. Аммо улуғ ўзбек шоирида қатъият янада баландроқ. Бизнингча, бунинг яна бир изоҳи ҳам бор. “Ҳайрат ул-аброр” Алишер Навоий Ҳурросон давлатининг вазири аъзами сифатида фаолият кўрсатган, мамлакат ва уни бошқариш муаммолари билан яқиндан ошно бўлган йилларининг маҳсули ўлароқ дунёга келган. Навоиёна бундай кескин таъкидлар қуйида кўнглиганимиз сатрларда ҳам равшан кўзга ташланади:

Бил муниким, сен доги бир бандасен,  
Кўпрагидин ожизу афгандасен.  
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,  
Хилқат аларғай сенга тийра хок...  
Бўлди раият галаву сен шубон,  
Ул шажари мусмиру сен боғбон.  
Кўйни шубон асрамаса ою йил,  
Оч бўрилар тұымасидур бори бил.  
Боқмаса дехқон чаманин туну кун,  
Нахли тарин англа қуруғон ўтин (122-123-бетлар).

Алишер Навоийнинг жон куйдирib, ифодали бадиий мушоҳада юритишида катта маъно бор. Шайх Низомий тилининг учида колиб кетган улкан ижтимоий дардлар улуғ ўзбек шоири сатрларида мантикий давомини топади: поданинг ахволи, семириб, кўпайиши чўпон; боғнинг яшнаб, самара бериши дехқоннинг тадбиркорлигига боғлиқдир. Худди шундай дадил гапни малику мулк кисматига доир ҳам айтиш ўринли ҳисобланади. Бобда зулм, зўравонлик, ҳалқ молидан ҳазар қилмай, унга тажковуз этишдан ор қилмаслик хақида кенг бадиий мулоҳаза юритган Алишер Навоий золим ҳукмдорларга қўйидагиларни эслатиб қўйишни муқаддас бурчи деб билади:

Зулмни тарқ айлаву дод айлагил,  
Марг кунидин доги ёд айлагил.  
Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча,  
Зулм ила фисқинг неча, бўлғай неча?  
Гах-гахи ёд айла надоматни ҳам,  
Қайси надоматки, қиёматни ҳам...(128-129-бетлар).

Кўчирганимиз иқтибосда “Махзан ул-асрор” ва “Ҳайрат ул-аббор”даги яна бир уйғунлик ёрқин кўзга ташланади. Яъни Шайх Низомий сингари Алишер Навоий ҳам ўз зиммасидаги улкан масъулиятни, раият олдидағи бурчдорликни эсдан чиқариб, ўз айшу ишрати, молу давлат йиғиши пайдан бўлган ҳукмдорни ўлим, охират билан огохлантиради. Улуғ шоирларнинг қатъий эътиқодига кўра имтиҳон дунёсидаги ҳеч бир ҳаракат қиёмат кунида беҳисоб кетмас...

Юқорида айримларини қайд этганимиз жиҳатлар саксон икки сатрлик шеърий ҳикоятда мантикий давомини топади. Гёё шу кичик ҳикоят мисолида улуғ шоир “шохи ғозий қандай бўлиши керак?” – деган саволга жавоб топади. Шеърий ҳикоят замирида Султон Ҳусайн Бойқаронинг тарихий тимсоли ётади. Накл қилинишича,

Султон Ҳусайн Бойқаро Ҳурсон давлатини қўлга киритиш илинжида жанг олиб борган йилларда юртдаги бир кампирнинг яккаю, ягона ўғли ҳам шаҳид бўлади. Тожу тахт эгаллангач, кампир ҳам, унинг ўғли ҳам унтилади. Тирикчилик ташвишларидан эзилган, бокувчиси йўқ кампир маҳалласига подшоҳ келишини билиб, унинг истиқболига чиқади ва у билан шаръий баҳси борлигини маълум қиласди. Алқисса, масала шариат қозиси иштирокида ўрганилади ва кампир ҳақ бўлиб чиқади. Низомий достонида кампирнинг арзини тинглаган салтанат соҳиби тайинли жавоб бермайди. Алишер Навоий талқинидаги шоҳ эса гунохини бўйнига олади ва онага жавоб қиласкан, айтади:

Деди: “Қисос айласанг олингда бош,

Сиймни ол, гар ғаразингдур маош.

Мен эдим ул амрда беихтиёр,

Ҳар не сен этсанг манга не ихтиёр” (131-бет).

Равшан, масала ижобий ҳал этилади: шоҳнинг адолатини кўрган кампир унинг гунохини кечиради, она олтин тўла ҳамённи олади ва эл ўргасида “золи зар” (тилла кампир) номи билан шухрат топади...

Назардан ўтказганимиз ихчам тафсилотлардан аёнлашадики, сайёр воқеалар тизмасидан истифода этган ҳар бир ижодкор уни ўзғоявий ниятини рўёбга чиқариш учун йўналтирган ва уларга ўзича сайқал берган. Бундай ҳолатларда такрор, таржима ёхуд кўчириш эмас, балки ижодийлик, мавзуга янгича ёндашув ва мутлақо тоза мақсадда сайқал бериш етакчилик қиласди.

## НИЗОМИЙ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ДАВР БАДИЙ АДАБИЁТИДА ИСКАНДАР СИЙМОСИ<sup>4</sup>

XV асрнча форсигўй ижодкорлар Искандар сиймосига жуда кўп мурожаат қилгандар, форс-тожик адабиёти эса бу борада ибратли ва бой тажриба тўплаган эди. Қадимги форсий манбаларда Искандар сиймоси зиддиятли шахс қиёфасида намоён бўлади. Бундай қарамакарши нуқталар унинг шажарасига ҳам дахлдордир. Миср тарихнависларининг шаҳодатига кўра, Миср коҳини Нактабен Рим мамлакатига келади ва унинг хукмдори Филиппнинг хотини билан алоқа қилишга эришади. Ўша пинҳоний учрашувдан Искандар дунёга келган. Эрон манбаларининг хабар беришича, Искандар Эрон шохи Доро II нинг ўғли эди. У Филиппнинг кизи, Доро II нинг

<sup>4</sup> Ушбу мақола Ю.Азимов хаммуаллиғлигига ёзилган.

хотинидан дунёга келган. Иккинчи маълумотдан шундай хулоса келиб чиқадики, Искандар Эрон салтанатига бегона эмас, балки шу мамлакат таҳтининг ҳакиқий вориси ва ўзининг кичик укасидан таҳтни тортиб олган. Хуллас, тарихнавислар нигоҳида Искандар ғоят мураккаб тақдирли хукмрон сифатида кўзга ташланади. Унинг фаолиятида бир-бирига зид икки кутб – ёвузлик ва эзгулик ҳамиша ёнма-ён турган.

Форс-тожик ҳалқларининг қадимги ёзма бадиий әдабиётида ҳам ана ўшандай Искандар фаолият кўрсатади. Шундан бўлса керак, айрим асарларда у қонхўр ва золим шоҳ сифатида тасвирланган. Шунингдек, Искандарнинг зардуштийлар маданиятининг душмани сифатидаги саъю-харакатлари «Артак Виразнамак», «Корномай Ардашери Бобакон» ва «Минуи хирад» каби қадимги ёзма ёдгорликларда тасвирланиб, қаттиқ қораланган. Паҳлавий тилидаги диний адабиётларда ҳам Искандар образи учрайди. Масалан, «Минуи хирад» достонида шундай ёзилади: «Аёнки, Ҳурмузд Жамshed, Фаридун ва Ковусни ўлимсиз яратди ва Аҳриман уларни нима қилгани ҳаммага аён. Ва Аҳриман Баеврасп (Захҳок) ва Афросиёбу Искандарни ўлмас деб ўйларди. Ҳурмузд катта умумий манфаат учун уларни нима қилгани ҳам ҳаммага аён».

IX-XI асрларда яратилган Диноварийнинг тарихий асарлари, Масъудийнинг «Муружул-заҳаб», Ибн Балхийнинг «Форснома», Мухаммад Жарир Табарийнинг «Тарихи Табарий», Балъамийнинг «Таржимайи «Тарихи Табарий», муаллифи номаълум «Мужмалуттаворих» каби асарларда ҳам Искандар ҳақида зиддиятли фикрлар баён килинган.

Искандар образининг Шарқ адабиётида кенг тарқалишига жиддий сабаблардан яна бири Куръони мажид “Каҳф” сурасининг 83-98-ояти карималариридир. Бу оятларда мазкур тарихий шахс Искандар Зулқарнайн тарзида зикр этилган. Жумладан, илоҳий китобнинг 83-84-оятларида ўқиймиз: “83. (Эй Мұхаммад), яна сиздан Зулқарнайн ҳақида сўрайдилар.

Айтинг: “Энди мен сизларга у ҳақдаги хабарни тиловат қилурман”. 84. Дарҳақиқат, Биз унга (Зулқарнайнга) Бу Ерда салтанат - хукмдорлик бердик ва (кўзлаган) барча нарсаларига йўл-имконият ато этдик”<sup>5</sup>. Шу мўътабар сарчашма туфайли Искандар (Зулқарнайн) сиймоси мусулмон олами бадиий сўз санъати, хусусан, форс-тожик ва ўзбек адабиётларида кенг ўрин олиб, мусулмонча маъно касб этган. Кейинчалик Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер

<sup>5</sup> Куръони карим. –Тошкент: Ўқитувчи, 1982, 268-бет.

Навоий ва бошқа маснавийгүй шоирлар Искандар ҳақида асар ёзётгандан Куръоннинг 18-сурасига таяниб, унинг табиатидаги зиддиятли қирраларни инкор этмагани ҳолда, бу жаҳонгашта саркарда ва хукмронни пайғамбар сифатида бадиий шарҳлашга ургу беришади.

Шарқ мутафаккири Абурайхон Беруний ҳам Искандар тарихи билан қизиқиб, қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Унинг “Осорул-бокия” ва “Қонуни Масъуд” каби китобларида Искандар ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган лавҳалар келтирилади.

Х-XI асрлардан бошлаб Шарқ ҳалқлари адабиётида Искандар шахси ва тимсолига бўлган муносабат муайян шакл ва тизим касб этиб, ижобий томонга ўзгарди. Форс-тожик шоирларидан биринчи бўлиб Абулқосим Фирдавсий Искандар мавзусига жиддий муносабат билдириди. У ўзининг машхур “Шоҳнома”сида “Сикандар подшоҳлиги” достонини яратиб, Искандар бадиий тарихини янгича, ўзига хос талкин қилди. Шоир бу достонни ёзишга пухта ҳозирлик кўрди, жуда кўп тарихий, афсонавий лавҳалар йигди. Паҳлавий, араб ва юонон тилларидаги китобларни ҳар томонлама ўрганиб чиқди ҳамда Искандар ҳақида тамоман янги асар яратди. У достонида Искандарга нисбат берилган тарихий маълумотлардан айрим лавҳаларнигина олди, холос. Фирдавсий Искандарни Эрон шоҳларидан бири сифатида тилга олиб, бадиий тўқима орқали инсонпарварлик гоялари билан бойитилган шоҳ тимсолини яратади. Бироқ Фирдавсий асарида Искандар тўлақонли бадиий образ даражасига кўтарила олмади. Негаки, шоир олдида шоҳлар тарихини яратиш бош вазифа бўлиб туарар эди. “Шоҳнома”да Искандарнинг зоҳирий томонлари тасвирига кўп эътибор берилгани туфайли хукмдорнинг ботиний олами етарли очилмай қолади. Агар достонга чуқурроқ назар солинса, асар аввалидан охиригача Искандар бир хил қиёфада кўзга ташланади. Фирдавсийнинг қаҳрамони кўпинча шундай ишларни амалга оширадики, ўша қилмишларининг моҳиятини баъзан ўзи ҳам билмайди. Унинг мукаммал ақлу ҳикмати ва фотих сифатидаги фаолияти ўртасида қандайдир бир номутаносиблик кўзга ташланиб туради.

Фирдавсийдан кейин Искандар образига муносабат деярли ўзгармайди. Низомий Ганжавийгача бу мавзуда катта ҳажмдаги асарлар яратилмаган бўлса ҳам, Низомулмулк Тусий, Кайковус, Саноий ва бошқа адиблар асарларининг таркибидағи хикояларда Искандар сиймоси учраб туради. Аммо мазкур асарларда Искандар образи бір муршда бўрттирилган қиёфада намоён бўлади.

Форс-тожик адабиётида Низомий Ганжавий Икандар мавзуига мурожаат этиб, алоҳида асар яратган иккинчи шоир хисобланади. Унинг “Панж Ганж”и таркибида келган хотимавий “Искандарнома” асари икки қисмдан (“Шарафнома” ва “Икболнома”) иборат.

Низомий достонидаги қаҳрамон дунёнинг тўрт томонини забт этади, донишмандлик чўққисига етиб, пайғамбар даражасига кўтарилади. Бироқ бу қувонч узоқча чўзилмайди. Шоир Искандарини ажид бир мамлакатда турфа воқеаларга юзма-юз қиласди. Бу орт манзаралари олдида шоҳнинг барча уринишлари қадрсиз кўринади. Негаки, мазкур мамлакатда шоҳ йўқ, уруш йўқ, мол-мулк ўргада, ҳамма баробар яшайди.

Тарихий Искандар 33 йил умр кўрган бўлса, Фирдавсийда 32 йил, Низомийда 36 йил, Амир Хусравда эса юз йил умр кўради. “Ойнаи Искандарий”, “Скандар подшоҳлиги” ва “Искандарнома”ни қиёсий-типологик ўрганиш жараёнида куйидаги фарқлар намоён бўлди: Фирдавсийда Искандар Эрон шоҳларидан бири бўлиб, тарих майдонларида қаҳрамонликлар кўрсатади; Низомийда у жаҳонгир шоҳ, ҳаким ва пайғамбардир. Амир Хусравнинг Искандари моҳир саркарда, ихтирочи донишманд ва ислом динининг толмас тарғиботчиси киёфасида намоён бўлади; Фирдавсий ва Низомий достонлари Искандарнинг туғилиши тарихи билан бошланса, Амир Хусрав достонида бу лавҳа йўқ. “Ойнаи Искандарий” достони Искандарнинг шоҳлик таҳтига ўтириши манзараси тасвири билан бошланади.

Ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси Алишер Навоий Амир Хусравнинг “Ойнаи Искандарий” достонидан таҳминан 184 йил кейин ўзининг “Садди Искандарий” достонини яратди. Алишер Навоий Искандар сиймосига алоҳида ёндашган. У ўзининг ижодиётида – лирик шеърларида, насрый асарлару маснавийларида ҳам Искандар образидан фойдаланган. Жумладан, улуғ шоирнинг “Ҳайратул-аброр” маснавийсида Шарқнинг машҳур шоҳларӣ Фаридун, Жамшид, Доро, Чингиз ва Темурлар қаторида Искандар ҳам тилга олинади. Унинг ҳаётидан ибратли лавҳа – жаҳонгирнинг машҳур вазияти билан боғлиқ ҳикоят келтирилади. Искандарни тобутга солиб охирги манзилга узатадилар ва фотихнинг васиятига кўра, унинг очиқ панжал:: бир қўли тобутдан ташқарига чикариб қўйилади...

Алишер Навоийни тарихий Искандар эмас, балки унинг бадиий адабиётда машҳур бўлган сиймоси қизиктирганлиги аниқ.

Шоир янги тарихий шароитда яшаб ижод қилди. Шундан бўлса керак, у ўз олдида янги гоявий-тарбиявий вазифаларни қўйиб, Искандар сиймосига мурожаат қилди.

Алишер Навоининг Искандари золим, жаҳонгир, не-не юртларни хароб этган саркарда, дунё неъматларидан қўл ювган дарвеш эмас, балки у жабр-зулм ва қон тўкиши, адолатсизликни ёмон кўрувчи шоҳдир. Ҳақиқатни қарор топтириш, ҳалкни адолатсизлик, жабр-жафолардан ҳалос кўриш улуғ инсонпарвар шоир Искандарининг бош мақсади ҳисобланади.

“Садди Искандарий” ва “Искандарнома” достонлари воқеалар тизмаси (сюжет) ва тузилиши (композиция) жиҳатидан бирбиридан батамом фарқ қиласди. “Садди Искандарий” достони муқаддима, асосий, хотимавий боблардан иборат бўлиб, улар 89 фаслда жойлаштирилгандир. Достон 7215 байтдан иборат бўлиб, унинг муқаддимаси 14 бобни ўз ичига олади. Асарнинг етакчи мавзуининг бадиий ифодаси 15-бобдан бошланади. Айтиш жоиз, ана шу нуктадан Алишер Навоий маснавийсининг ўзига хослиги, бошқа “Искандарнома”ларга ўхшамаган жиҳатлари намоён бўла бошлайди.

“Садди Искандарий”да мантиқий хуносалар асарнинг воқеабанд шеърий хикоялари берилган бобларида жамланади.

Хуллас, “Садди Искандарий” достонидан келиб чиқиб унинг муаллифига назар ташлайдиган бўлсак, унда ноёб шоирона истеъод ва файласуфона тафаккур эгаси, йирик давлат арбоби, сиёсатдон ва ҳалқпарвар вазир бўлган улкан шахсни кўрамиз. Зоро, Алишер Навоий достонида Искандарнинг жисмоний камолоти, ҳарбий билимларни қунт билан ўрганиши, навкарлар билан муносабати, галибона юришлари ва давлатни ақлу заковат ила идора қилиш нулидаги саъй-харакатлари тасвирига кенг ўрин ажратилади.

## АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ АЛИШЕР НАВОИЙ НИГОҲИДА

Оlam ва одам, улар ўртасидаги муносабат, мулки борлиқнинг инсонга, инсоннинг унга таъсири, ҳаёт ва ўлим, яшашдан кузатилган мақсад сингари хилма-хил масалалар неча асрлар давомида ижод иҳли эътиборини ўзига жалб қилиб таянч мавзулардан бири сифатида яшаб келади. Зикри ўтган ижтимоий-фалсафий муаммолар Алишер Навоининг дикқатидан ҳам четда қолган эмас. Улуғ шоирнинг биз тилга олганимиз масалалар четлаб ўтилган асари йўқ десак, хато бўлмайди. Бу жиҳатдан, айниқса, унинг “Хамса”си таркибидаги

достонлари катта қизиқиш уйғотади. Алишер Навоийнинг шоҳ асари – “Хамса”нинг биринчи, муқаддимавий достони “Ҳайрат ул-аббор” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) бошидан охиригача ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий, илоҳий-ирфоний, маънавий-фалсафий қарашларининг бадиий ифода-инъикосига бағишлиланганки, унда олам ва одам ўртасидаги мувозанат мавзуи марказий ўринда туради. Улуғ ўзбек шоирининг бу борадаги мулоҳазалари куйида келтириладиган сатрлар билан бошланади:

Аввал ўзунг, охиру мобайн ўзунг,  
Борчаға холик, бориға айн ўзунг...  
Сен эдингу бас яна мавжуд йўқ,  
Жилва қилиб ўзунгга ўз хуснунг – йўқ.

(Алишер Навоий. Хамса, Тошкент. “Фан”, 1960, 18-бет).

Шеърий парчадаги “айн” сўзи устод Садриддин Айний таъкидига кўра қирқ саккиз маънога эга. Бу ўринда унинг “кўз, булоқ, моҳият, куёш, олтин” каби мазмунларини қўллаш мумкин. Изоҳ талаб сўзлардан яна бири “холик”дир. Бу арабча калиманинг мазмуни “халқ қилувчи, яратувчи” демакдир. Яъни Парвардигор, тангри таоло, Худонинг синонимлари ҳисобланади. Шундай қилиб, кўчирилган мисраларни куйидагича шарҳлаш мумкин: мулки борлик йўқ эрди, аммо Сен бор эдинг. Сенинг борлигинг аввал, ўрта ва охири йўқдир – Мутлақ “мўъжизасан”, – дейди улуғ шоир. Аллоҳ чексиз кудрат соҳибидир. У ана ўша имкониятини ишга солди ва мулки борликни (ҳайвонот, наботот, ер, қуёш, ер ости ва ер устидаги мавжудот в.х.) яратди. Ана ўша Мутлақ кудратнинг қашфиёти бўлган оламдаги зеболиклар Унинг жамоли жилвалари ҳисобланади.

Улуғ шоир юқорида қайд этганимиз мулоҳазаларини мантикий давом қиласар экан, ёзади:

Очти бу гулшанники, рангин эрур,  
Ҳар гул анга ойинаи чин эрур...  
Кўкни қилиб сафҳаи мину киби.  
Айладинг ул сафҳани кўзгу киби...  
Ганжинг аро нақд фаровон эди,  
Лек боридин гараз инсон эди (Ўша китоб, 19-бет).

Кўчирганимиз парчадаги “Ойинаи чин” ва “сафҳаи мину” иборалари изоҳга мухтож. Биринчи иборадаги чин “рост, аник, ажин, сочининг жингалаги, Хитой” каби маъноларни англатса; иккинчи бирикмадаги (сафҳа – сахифа) мину кўп маъноли калима бўлиб “юқори осмон, жаннат, рангдор шиша, забарждад (кўк кимматбаҳо тош)” каби талкинларга эга. Улуғ шоир шеърий сатрларда кўзгуга ҳам

алохида ургу беради. Бу бесабаб эмас, албатта. Қодир эгам оламни шунчаки эмас, балки гүзәл қилиб яратди. Еру күкни гулу юлдузлар, Ою Қуёш ва турфа маъданлар билан безади, - дейди улуғ шоир. Аммо бу оламда Унинг назоратидан ташқарида ҳеч нарса йўқ. Мулки борлиқ гўё бир ойнани (миръот, ойнаи чин) эслатади, унда ҳамма нарса жилваланиб зухр этади ва Қодири қудрат нигохидা аксланиб туради. Кўчирганимиз парчадаги кейинги икки қатор, айниқса, алохида эътиборга моликдир. Улуғ шоир нигохидা Аллоҳ кашифиётларидан кузатилган бош мақсад, муддао – ИНСОНдир. Мулки борлиқ хазиналари ичра сирли хазина, Яратганинг халифаси (издоши) ана шу инсон ҳисобланади. Унда Аллоҳнинг деярли барча тўзалликлари зухур этади. Улуғ шоир талқинича, инсон онглилик, маърифат туфайли орифлик, комиллик пиллапояларига кўтарилади, мазҳар – манбага (яъни Аллоҳ даргоҳига) интилади. Аникроқ айтадиган бўлсак, имтиҳон дунёсида (фоний оламда) руҳан покланмаган инсон учун Аллоҳ даргоҳидаги ўрин йўқ. Шайх Азизиддин Насафий (XIV аср) таъкидича, бундай инсоннинг (покланмаган инсоннинг) руҳи бокий дунёда (охиратда) дарбадар кезишга мустаҳиқдир...

Улуғ шоир Аллоҳга инсонни шариф қилиб яратгани учун шукrona айтаркан, ўз навбатида унинг (инсоннинг) олдида катта масъулият қўяди ва уни огоҳликка, мулки борлиқка эҳтиёткорона муносабатда бўлишга чакиради:

Борчасини гарчи латиф айладинг,  
Борчадин инсонни Шариф айладинг  
Қатрагача қулзуми заххордин,  
Заррағача шамсаи заркордин.  
Ани мунга, муни анга банд этиб  
Бир-бирига банчани пайванд этиб,  
Воситалар бўлди аён тў-батў  
Бир-бирига боғланибон мў-бамў.  
Онча бўлуб вусъату оройиши,  
Ким сари мў йўқ яна гунжойиши (21-бет).

Кўринадики, улуғ шоир Аллоҳга шукrona айтишда давом этади. Шу билан бирга латифлар ичра латиф ва шариф қилиб яратилган инсонни жаннатмакон оламга нафсини жиловлаб, унинг (табиатнинг) кўркига кўрк қўшиб яшашга даъват килади: мисраларда келган “ми заххор” – Қизил денгиз, умуман, денгизни

англатади. Заххор – “пишқириб түлқинланувчи, түлқинли” денгиздир. “Шамсай заркор” – “куёш, офтоб, зарралар сочувчи куёш, бинолар пештокидаги заррин нақшлар” каби катта ва митти (зарра) мавжудотлар фаолият күрсатади. Ана шундай изоҳлардан кейин улуғ шоир асосий муддаога ўтади: Эй инсон! Сен ҳам мўъжизалар оламидаги бир кичик заррасан. Тўғри, сен шарифу, латиф ва маърифатга эш бунёд этилгансан. Аммо кўзингни оч, эҳтиёт бўл, сен мулки борликдан ажралган ҳолда яшамайсан. Бу оламда ҳамма нарса (тўлқинли денгиздан заррагача) турли воситалар орқали бир-бира га боғлангандир. Демак, унга тажовуз қилиш, ваҳшийларча муомала – муносабатда бўлишинг асоратидан сен ҳам фориғ эмассан...

Кўчирганимиз парчанинг охирги икки қатори янада бойрок фалсафий моҳият касб этади. Дунё кенг, сарҳадсиз, тоғу тошлари ҳайбатли бўлиб кўринади. Аммо у ҳар қандай ножӯя харакатларни ҳазм қилолмайди: ҳатто бошингдан тушган бир тола соч ҳам шу бепоён мулки борликқа сигмай, унинг мувозанатини издан чиқариб, катта ўприлишларга олиб келиши мумкин.

Улуғ шоирнинг ҳикмат даражасидаги бундай мазмундор сатрлари бағрида етиб келган доно мушоҳадалар бугун учун замондошдир. Улардан воқиф бўлиш, уларга амал қилиш шу ҳаётда яшаётган ҳар бир одамнинг инсоний бурчидир...

Хулоса шуки, атроф-муҳит муҳофазасининг тарғибу ташвиқи фақатгина тор доирадаги мутахассисларнинг вазифаси бўлмай, балки биз филологларнинг, шунингдек, шу жамиятда умргузаронлик қилаётган барча-барчанинг ҳам муқаддас қунлик эҳтиёжига айланмоғи зарур.

## ХОЖА ҲОФИЗ ҒАЗАЛИЁТИ ЎЙГОТГАН ШАВҚ...

Алишер Навоий ижодий тақдирида чукур из қолдирган сўз санъаткорларидан бири Хожа Шамсаддин Ҳофиз Шерозийдир. Хожа Ҳофиз Шарқ ҳалқлари адабиёти тарихида ўзидан дилбар шеърият мерос қолдирган ижодкор. Унинг ўйноқи, юксак бадиий маҳорат билан айтилган тўлиқ мазмунли шеърлари Шарку Ғарбда довруқ таратиб келади. Шунинг учун Хожа Ҳофиз даҳосига пайравлик қилиш, ундан ўрганиш, ўйноқи ғазалларига жавобия айтиш, татаббуъ қилиш, муҳаммас боғлаш жаҳон бадиий сўз санъати мулкида табаррук анъана сифатида яшаб келади...

Ана шундай улкан аллома ва нозиктабъ маънавий мероси Алишер Навоий эътиборини ҳам ўзига жалб этган. Шу боисдан

«Навоий Ҳофизни дохий санъаткорлардан бири деб таниган, у билан бир умр қизикқан, ўз поэтик ижодида унинг энг илғор гоявий-бадиий пінъаналарини мұваффақият билан ривожлантирган».<sup>6</sup>

Алишер Навоий адабий меросида Ҳожа Ҳофиз таврида, унинг ўйноки услубидан завқ олиб битилган шеърлар салмоқли ўринни ташкил этади. Бу ҳақда улуғ шоирнинг ўз асарларида зүр ифтихор билан айтилган күплаб ишораларга дуч келамиз. Жумладан, унинг «Фавойид ул-кибар» девонидан жой олган ва арузнинг ҳазажи мусаддаси маҳзуф (мағоилүн мағоилүн мағоил) вазнида ёзилған қитъасида қўйидаги мисралар назарга ташланади:

...Бири Исо нафаслик ринди Шероз,  
Фано дайрида мастулоуболи<sup>7</sup>

Кўринадики, Алишер Навоийни ўзига мафтун этган ўзгиборли жиҳат Ҳожа Ҳофиз ғазалиётидаги риндана оҳангдир. Яна аниқрок айтадиган бўлсақ, риндана ойин (тарикат) хисобланади. Ана ўша таянч нукта туфайли Навоий-Фонийнинг беш юздан зиёдрок газаллари аксарият қисмини «ринди оламсўз» шеърларига битилган татаббуълар ташкил қиласи. Шундай ҳаётбахш туйғу, қитиқловчи омил улуғ шоирнинг туркӣ шеърияти учун ҳам бегона хисобланмайди. Тожик адабиётшуноси, академик А.Мирзоев эътирофига кўра Навоий-Фонийнинг ҳофиз газалларига айтган жавобиялари икки юз ўттиз еттитага бориб қолади<sup>8</sup>

Дарвоқе, улуғ шоирнинг ўзи ҳам «Мухокамат ул-луғутайн» асарида «Девони Фоний» таркибидағи газаллари каттагина қисмининг Ҳожа Ҳофиз таврида эканлигини алоҳида эътироф этиб, ёзди: «Яна форсий ғазалиёт девони Ҳожа Ҳофиз тавридаким, жамиъ сухан адолар ва назм пийролар назаридан мустаҳсан ва матбуъдур, тартиб берибменким, алти мингдин абъёти адади қўпракдурки, қўпрак ул Ҳазрат (Ҳожа Ҳофиз-Р.В.) шеъриға татаббуъ воқеъ бўлубтур».<sup>9</sup>

Алишер Навоийнинг соҳир қалами тухфа этган бу тагдор ва самимий жумлаларни алоҳида ҳайрат-ҳаяжонсиз мутолаа қилиш ноимкондир. Шу ўринда ҳақли бир савол ҳам туғилади: Улуғ Навоийни бу даражада ўзининг мўъжизавий оламига тортган ва

<sup>6</sup> Ҳайитметов А. Алишер Навоий Ҳожа Ҳофиз ҳақида. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1971, 5 –сон, 12 –бет.

<sup>7</sup> Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик, 6 – том, Тошкент, «Фан», 1990, 516 – бет.

<sup>8</sup> А.Мирзоев. Ҳофиз ва Навоий. Душанбе, «Ирфон» – 1965, саҳ.6

<sup>9</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 14 – том, Тошкент – 1967, 125 – бет.

самимий мушоҳада юритишга чорлаган сехр қуввати нимада? «Мухокамат ул-луғатайн»да айни саволнинг лўнда ҳамда қаноатлантирувчи жавоби ҳам берилган: «Яна тариқат ахлининг сархайл ва сарафрози Ҳожа Ҳофиз Шерозий нукот ва асроринки, анфоси руҳул-кудусдин нишон айтур ва руҳуллоҳ анфосидан асар еткурур».<sup>10</sup>

Равшан бўлаётирки, Алишер Навоий қалбига ғулғула соглан омил ғазалчилик додини берган бу улкан аллома маънавий меросида шаклланиб, теран қанот ёзган риндлик ойинидир.

Ана ўшаларга кўра Алишер Навоий Ҳожа Ҳофиз шеъриятига алоҳида муҳаббат ва ҳайрат иштиёқи билан муносабатда бўлади, ундан илҳом олиб, унинг умумбашарий инсонсеварлик ғояларини янги замон ҳамда маконда такмилига етказади... Айтилганлар қаторида алоҳида таъкидлаш жоизки, Алишер Навоий Ҳожа Ҳофизга садоқат кўрсатди, унинг шавққа тўла мисраларидан завқ олди, ундаги илоҳий истеъдод ҳам ҳамиша ўзидан дарак бериб, унинг шеърларини ижодийлик руҳи ва бадиияти билан нурлантириб турган. Зоро, тожик адаби ва адабиётшуноси, профессор Расулхон Ҳодизода ўзининг «Тожик адабиётининг ўтмиши ва бугуни» китобида ғоят ўринли эътироф этганидек, Алишер Навоий-Фоний каби нотакрор истеъдод соҳиблари асло лоқайдона таъсир доирасида қолиши мумкин эмас эди...

## АЛИШЕР НАВОИЙ-ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ АДАБИЁТИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛИ

(Алишер Навоий даҳосига Мавлоно Лутфий баҳоси)

Алишер Навоийнинг (1441-1501) маънавий-ижодий балоғатида ёркин из қолдирган, қалбидан жой олган устозлари бенихоя кўп эди. Шулардан бири Мавлоно Лутфий Шошийдир (1365-1464). Улуғ шоир бу пири комил ҳакида «Мажолис ун-нафоис»да самимият билан фикр юритар экан, ўша маълумотнома сўнгига қуидагиларни таъкидлайди: «Бу факир борасида кўп фотихалар ўқубдур. Умид улким, чун дарвеш киши эрди, баъзи мустажоб бўлмиш бўлғай». Ҳазрат Навоий эслатган ўша «фотиха»лардан бири ҳакида замонасининг нозиктаб тарихчиси Фиёсиддин Хондамир «Макорим ул-ахлок» асарида шундай хабар беради: «Мавлоно

<sup>10</sup> Ўша асар. 121 – бет.

Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13 – жилд. Т.: «Фан», 1997. 62 – бет.

*Лутфий сүз лутфида ягонаи даврон эди... Олийқазрат (Алишер Навоий-Р.В.) ёшлари эндигина тўлиб, йигитлик даври бошланган пайтларда, бир куни Лутфий хизматига борди. Лутфий ўз нозик фикрларингизнинг натижаларидан юзага чиқсан бир ғазални ўқиши билан бизни баҳраманд қилсангиз, деб илтимос қилди, ул ҳазрат бир ғазал ўқиди...».<sup>12</sup>*

Алишер Навоий ёшлик айёми ижодининг гўзал намунаси бўлган ўша ғазал чиндан ҳам катта истеъдоднинг меваси. Ҳазкур шеър ҳақида гап борадиган барча ишларда унинг матлаи келтирилади, холос. Биз эса мазкур шеърдан ўзимиз олган завқни зукко ўқувчилар билан баҳам кўриш мақсадида ғазал матнини кўчириб, имкон қадар уни тўлароқ ғоявий-бадиий таҳлил килишни лозим топдик. Бундай уринишнинг икки муҳим изоҳи мавжуд: Биринчидан, ўрта умумтаълим мактаб дарслик, мажмуаларидан ўрин олган ва етарли изоҳ топмаган бу гўзал шеър билан кўп сонли мактаб ўқувчиларини, қолаверса, улуғ Навоий ижоди муҳибларини муайян замонавий талабларга мувофиқ келадиган муфассал шарҳу талқин билан ошно қилишдир. Иккинчидан, ёши саксондан ошиб қолган ва Алишер Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, «**малик ул-калом**» мақомида шухрат таратган зуллисонайн шоир мавлоно Лутфий томонидан бадиий ижод оламига жўшқин илҳом билан кириб келаётган навқирон қаламкашга берилган юксак баҳонинг ҳақ эканлигига қаноат ҳосил қилмоқ учун ҳам ўша ғазални теран назардан ўтказмоқ зарур эканлиги ўз-ўзидан аёнлашиб колади.

Ушбу ғазал «**Ғаройиб ўс-сиғар**» девонида 249 рақами остида берилган:

Оразин ёпқач, кўзумдин сочилур ҳар лахза ёш,  
Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач куёш.  
Кут бир бодому ерим гўшайи меҳроб эди,  
Ғорати дин этти ногаҳ бир балолиг кўзу қош.  
Бу дамодам оҳим ифшо айлар ул ой йашкини,  
Субхнинг бот-бот дами андоқки айлар меҳр фош.  
Бўсае қилмас мурувват асрุ қаттиқдур лабинг,  
Десам, оғзи ичра айтур лаъл ҳам бир навъи тош.  
Новакинг кўнглумга киргач, жон талашмоқ бу экин  
Ким, қилур пайконини кўнглум била жоним талош.  
Умри жовид истасанг фард ўлки, бўстон Хизридур,

<sup>12</sup>

Хондамир. Макорим ул – аҳлоқ. Т.: 1967. 45 – бет.

Сарвким, даъб айлади озодалиғ бирла маош.  
Қоши оллинда Навоий берса жон айб этмангиз,  
Гар будур мөхроб, бир-бир күйғусидур барча бош<sup>1</sup>.

Ғазал мавзуига кўра ошиқона. Шеърда кўлланган ташbihлар-анъанавий, аммо истифода тарзи ўзига хос, ижодий. Ошиқнинг ҳижрон дамларида тўккан кўз ёшлари юлдузларни хотирга келтирили ва улар каби беҳисоб. Ҳижрон онлари – тун зулмати, висол лаҳзалари – ойдин кун, Қуёшнинг ёстиғига бош кўйиши – юлдули туннинг асоси. Ана шу ҳаётий ҳақиқат ишку ошиқлик оламига кўчириллади. Қуёш – сайёра, куёш – маъшуқа. Сайсранинг сояда колиши – юлдузли тунни вужудга келтиради. Маъшуқа жамолининг парда билан тўсилиши ошиқнинг кўз ёшларига боис. Қаранг, икки қатор шеърда шунчагап сифдирилган.

«Илҳом ташbih қидирмайди, – деб ёзади Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, – шоир ўз шеъри билан ёнгандагашбиҳнинг ўзи келади»<sup>2</sup>. Навқирон Алишер билан ҳам шундай ҳодиса содир бўлганки, буни ғазалнинг кейинги мисраларида ҳам кузатиш мумкин. Иккинчи банднинг биринчи мисрасида гўё ошиқнинг овқати ва маскани ҳақида гап боради: озиқ-овқат бир бодому, манзил масжид меҳробининг бир гўшаси эди. Бу – шеърий қаторнинг юзада қалқиб турган жўнгина мазмуни. Масалага жиддийроқ назар ташланса ва шеърнинг ошиқона эканлиги инобатга олинса, ўзгача бир манзарага дуч келамиз: бодом – маъшуқанинг кобоклари, унинг макони масжид меҳроби пештокини эслатувчи қайрилма қошлари остидадир. Ошиқка эса ўша кўзларнинг гўшаси билан бир мартағина киё бокишининг ўзи ҳар қандай овқатдан устундир. Иккинчи қаторда тасвир янада кучайтириллади. Инсоний-ижтимоий оҳанг бирлашади, тасвирланаётган воқеалар бир шахс тақдири доирасидан чиқади: кўзу қош билан алоқадор тасвир жараёни «горати дин» даражасига бориб етади. Аммо бундай уринишлар мисралардаги манттик таносубига, мувозанатига қилча бўлсин, халал етказмайди. Табиий-ҳаётий, заминий-осмоний ҳолат-ҳодисаларнинг ёнма-ён тутилиши, теран манттик тафаккур сўз ва мазмуннинг сочилиб кетишига имкон бермайди. Иккинчидан, воқеаларнинг бундай «кўчма» тасвири ўз изоҳларига эга. Шоирнинг асосий муддаосини бир гўзланинг қошу кўзини мақтаб кўя

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 3-жилд, «Фан». Тошкент-1987.

<sup>2</sup> Воҳидов Э. Шоиру шеър шуур (Адабиё ўйлар). Т.: 1987, 84 – бет.

қолишдан иборат деб тушуниш масалага бир томонлама ёндашув бўлур эди. Ўша зиддиятли, ҳаяжонли тасвирлардан кузатилган бош мақсад ишқни (заминий гўзал ва Оллохга бўлган ёниқ муҳаббатни) куйлаш, шу восита ила инсоннинг ўзлигини асраш, уни ҳётни севишига, жаннатмакон она сайёрининг янада кўркамлашувига хисса кўшишига ундашдан иборат.

Бу фазилат учинчи байтда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Мазкур мисраларда «ифшо» (очиш, ошкор этиш), «фош», «оҳ», «дам», «ой», «мехр» сўзларига катта вазифа юклатилган. Ийҳом санъати шоир учун ҳам, китобхон учун ҳам беминнат хизмат қилган. Ошиқнинг хижрон дамларидан тортган оҳи ва тонгда тез-тез ёрадиган шамол (майин шаббода) – фош қилувчилик хусусиятига ога. Бири – ошиқнинг ишқини, иккинчиси – тун зулматини ошкор қилиб, меҳрнинг (куёшнинг) жамол кўрсатишига замин ҳозирлайди. Газалда меҳр – маъшука ва қўёшни англатади. Мумтоз адабиётда маъшуқанинг юз тузилиши ва ўша чеҳранинг ҳарорат ила жилоланишини қўёшга ташбих қилиш анъанадир. Шундай гапни ой ҳақида ҳам айтиш жоиз. Ой – сайёра, ой – маъшуқанинг сифатловчиси...

Тўртингчи байтда, зохирий унсурларга биноан, гўё ошику маъшуқанинг шаҳвоний ҳирсий туйғулари қаламга олинади. Ошиқ маъшуқасидан биргина бўса умидвор. Бироқ ушбу орзу ҳам ҳаёлга айлангач, у ўз маъшуқасини тошдай қаттиқликда айблайди. Ўз навбатида, маҳбуба бундай танбех олдида «қарздор» бўлиб қолмайди. Бунинг учун лаъл кўмакка келади. Лаъл – қизил рангдаги қимматбаҳо тош, лаъл – ёр лабининг сифатловчиси, шуларни назарда тутган шоир ўзи тасвирлаётган маъшуқанинг латофатини «оширади», у ошиққа лутф кўрсатади ва «лаъл ҳам тошнинг бир навъи»дир, дея жавоб қайтаради. Байтнинг шеърий нафосат ва назокатини кўтаришда шоирга ийҳом ҳамда тажохули орифона санъатлари кўмакка келган.

Газалнинг бешинчи байтида очкич-калит вазифасини «новак» ташбихи адо этади. Новак камоннинг ўқи. Мумтоз адабиётда мажозий маънода қўлланилади ва маъшуқа киприкларининг ўхшатилмиши вазифасида келади. Мисраларда новакнинг маънодоши – пайкон ҳам қўлланилади. Пайкон-камон ўқининг учи: ўқ учидаги темир бошок: кўчма маънода “тикан”, “киприк”ни ҳам билдиради. Байтда новаку пайкон киприк вазифасида келган: Маъшуқанинг киприклари узун, тифиз ва тим қора, бодом кобоклари остида келиб, кўзнинг таъсирчанлик жозибасини чандон оширганки,

ошик унинг нигохига дош беролмайди. Йўқ, ўша киприклар камон ўқлари каби ошиқнинг юрагига шу қадар чуқур санчилганки, у бечоранинг кўнгли ва жони хаёт учун кураш талвасасида...

Навбатдаги байт мавзуни янада чуқурроқ очиш учун ёрдамга келади. Хастаҳол ошиққа шифо йўллари тавсия этилади. Мисралардаги “умри жовид” (мангу хаёт), “Хизр”, “сарф” каби сўз ва бирималар ўкувчи эътиборини тортади. Мангулик – Хизр пайғамбарнинг насибаси. Ривоятга кўра, бу пайғамбарга “оби ҳайвон” (тириклик суви)ни ичиш насиб қилган ва шунинг учун ҳам у доимий яашага мушарраф. Мумтоз адабиётда “оби ҳайвон”нинг манбаи – маъшуқанинг оғзи бўлиб, Хизрга ишора орқали (талмех санъати) ўша ривоятга шама қилинади. Сарв – тик ўсуви ва ҳамиша яшариб, кўкариб турувчи дараҳт. Мумтоз шеъриятда нозик ва хушбичим маъшуқа қоматининг рамзи. Мазкур мисраларда ошик олдида кўндаланг вазифа қўйилади: “Умри жовид керак бўлса, Хизр бўйстонининг сарвидан фард (жудо) бўл”. Равшанки, бундай жазо ҳақиқий ошик учун бир эмас, юз карра ўлимдан оғирроқдир. Мактада ошиқнинг қатъий аҳди-касами эълон қилинади. Маъшуқанинг меҳробсимон қошига бош кўйиш ва жон бериш ошик учун улуғ баҳтдир...

Ғазал чиндан ҳам юксак истеъодод ва шоирона завқ билан бунёд этилган. Унинг яратилиш даврини XV асрнинг 50-йиллари биринчи ярми, деб тахмин қилиш мумкинки, ўшандада Алишер Навоий 13-14 ёшларда эди. Агар «Ҳазойин ул-маоний» дебочасида «сигар» айёми чегарасининг етти-саккиз-йигирма ёшлар тарзида белгиланишини назарда тутсак, «Оразин ёпқоч...»нинг яратилиши Алишер Навоий туркий шеърият бобида олти-етти йиллик тажриба пайдо қилган босқичга тўғри келади. Фиёсиддин Хондамирнинг «ёшлари эндиғина тўлиб, йигитлик даври бошланган (Хондамир балоғатга етишининг мусулмон оламида асосан 14 ёшда эканлигини назарда тутган бўлса, ажаб эмас – Р.В.) пайтларида» жумласи ҳам бизнинг хulosamiz фойдасига хизмат қиласи. Ғазал матлаидан кейин Хондамир ёзади: «Мавлавий жаноблари (Мавлоно Лутфий Шоший – Р.В.) бу алантаги ғазални эшлиши билан айтади: «Валлоҳ, агар мұяссар бўлса эди, ўзимниңг ўн-ўн икки минг форсий ва туркийда битилган байтимни шу ғазалга алмаштирадим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр мываффакият ҳисоблардим».

Алишер Навоийнинг мазкур ғазали жуда кўп тадқиқотчилар назарига тушган ва у ҳақда турлича мулоҳазалар билдирилган.

Жумладан, форс-тожик шоири Камол Хўжандийнинг ўзбек тилида чоп қилинган таржималари «Девон»ига «Ҳаётбахш ғазаллар куйчиси» сарлавҳали сўзбоши ёзган адабиётшунос Ҳаким Ҳомидий куйидагиларни қайд этади: «Камолнинг ҳаётбахш лирикаси узидан кейинги тожик ва ўзбек поэзиясига баракали таъсир кўрсатади. Буни Лутфий ва Навоий шеърларида мушоҳада этамиз. Навоий, масалан:

Оразин ёпқач, кўзимдин сочилур ҳарлаҳза ёш,

Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз нихон бўлгач қуёш.  
бошланмали ғазалини Камол Хўжандийнинг:

То рух напўши, кай шавад аз дидашки моравон,

Пинҳон нагашта офтоб, ахтар намеояд бурун,-  
бошланмали ғазалидан завқланиб ижод этган».<sup>1</sup>

Аввало, Лутфий ва Камол, Лутфий ва Алишер Навоийнинг ижодий муносабатлари хусусида таникли олим Ҳоди Зариф XX асрнинг 40-йилларида ёк анча пишиқ фикрлар билдирган эди.<sup>2</sup> Юқоридаги иқтибосда эса мақола муаллифининг келтирилган адабий парчалари унинг фикрини тўла қувватлай олмайди. Биринчидан, Камол Хўжандийнинг ғазалидан олинган парча унинг бошланмаси-матлаи эмас, балки учинчи байтидир. Иккинчидан, 13-14 ёшларда бўлган Алишер Навоий Камол Хўжандий маънавий меросидан етарли хабардор бўлиб, унинг мисраларидан «завқланиб», гўзал сатрлар ижод қилишга улгурганми? Тўғри, ёш Алишер мумтоз форсий шеърият бўстонига Шоҳ Қосим Анвор ижодиёти орқали йўл топди. Бироқ улуғ ўзбек шоири жуда қисқа бир муддатда форс-тожик адабиётининг барча забардаст арбоблари, жумладан, Камол Хўжандий шеърияти билан чукур танишишга улгурди, дейишга ақл бовар қилмайди. Учинчидан, Алишер Навоий ва Камол Хўжандий ғазалларининг матлаларидан аёнки, ҳар бир ижодкор ишку ошиқлик талкинида ўз мустақил йўлидан борган. Мисраларда кўзга ташланадиган табиий ҳодисалар – қуёшнинг ботиши билан юлдузларнинг намоён бўлишини на анъана ва на «завқланиш» билан боғлаш мумкин. Алишер Навоий Камол Хўжандийнинг юқорида қайд этилган байтидан мутлақо хабарсиз бўлганида ҳам «Оразин ёпқоч...»даги рангин тасвири чизган бўлур эди. Чунки Ҳирот осмонида ҳам «Қуёш ботгач, юлдузлар намоён бўлган»-да!

Ушбу ғазал ва байтини таржима килишда Муҳаммаджон

<sup>1</sup> Камол Хўжандий. Девон. Т.: 1962, 15 – 16 – бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Ҳоди Зариф. Фозиллар фазилати. Т.: 1969, 30 – 85 – бетлар.

Васфий Камол Хўжандий миспаларидағи асосий мазмунни саклагани ҳолда айни сатрларга шоирона сайқал берганки, натижада улардаги оҳангдошлиқ «Оразин ёпқач...»га анча яқинлашиб қолган.

Юзингни ёпмагунча кўзларимдан оқмагай ёшим,  
Куёш ботмай туриб, оламга юлдузлар аён чикмас.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, Мавлоно Лутфий Шоший улуғ Навоийнинг илохий салоҳиятига юксак муносабат билдириб, унга маънавий-рухий мадад берган ва истеъодли ижодкорни янги-янги адабий парвозларга чорлаган.

## АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ДЕВОНИ ФОРСИЙ”СИ ҲАҚИДА АЙРИМ ҚАЙДЛАР

Улуғ ўзбек шоири форсийда бунёд этган улкан маънавий хазинанинг қиммати унинг жанрий ранг-баранглиги, мавзулар оламининг кўламдорлиги, бадиий салоҳиятининг баландлиги, гоя ҳамда тимсоллар дунёсининг ёрқин ва теранлигидадир. Мухими, Алишер Навоий форсий забонда бунёд қилган асарларида ҳам ўз бадиий қуввати, нотақрор услугуби ва ўзигагина хос ижодий қирраларини кўрсата олди. Навоиёна газаллар, рубоий ва қасидалар яратиб, уларда ўзи яшаган ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг иллатларини, замондошлари дилидаги орзу-армонлар ва фаровон турмуш хусусидаги эзгу туйғуларни рангин ифодалашга уринди. Улуғ шоирнинг форсий тилда яратилган асарларида ўша адабиёт (форс-тожик) барҳаёт анъаналарининг юксак ижодий парвозларга ундовчи таъсирини сезиш қийин эмас. Айни даъваткор адабий ҳодисани Навоий-Фоний ўзи ҳам яширгани йўқ. Жумладан, улуғ шоирнинг қуидаги сатрларида унинг равshan эътирофи назарга ташланади:

Татаббуъ кардани Фоний дар ашъор,  
На аз даъвою не аз худнамоист.  
Чу арбоби сухан соҳибдилонанд,  
Муродаш аз дари дилҳо гадоист.

(Мазмуни: Фонийнинг форс шоирлари шеърларига татаббуъ ёзишдан мақсади бирор — бир даъво ёки ўзини кўрсатиш учун эмас, Бу сўз арбоблари маърифат аҳлидирлар, (Фонийнинг) муроди улар эшигигида гадоликдир). (Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 20-том, Ташкент-2003, 32-44-бетлар. Бундан кейин МАТ ва тегишли жилд, йил, сахифа кўрсатиб борилади).

<sup>1</sup> Камол Хўжандий. Девон. 285-бет.

Навоий-Фонийнинг форс-тожик адабиёти йирик вакиллари (устоз мақомидагилари)га бўлган юксак самимияти унинг қатор шоирнинг бундай баланд ихлосу мухаббати, айникса, Шайх Саъдий, Хожа Ҳофиз, Камол Ҳўжандий, Амир Хисрав Дехлавий, Ҳасан Дехлавий, Амиршоҳий Сабзаворий, Нуриддин Абдураҳмон Жомий сингари улкан сўз санъаткорларига бўлган юксак меҳру садоқати ўша бадиий яратмаларда учмас из қолдирған. Навоий-Фонийнинг форсий забон шеъриятга ружуъ килиши “уч била тўрт ёш орасида” (МАТ, 13-жилд, Тошкент-1997, 11-бет) Шайх Қосими Анвор газаллари мутолаасидан бошланиб, ийллар давомида бу майдон кенгая боради. Шундай гапни Навоий-Фоний адабий тажрибасидаги татаббучилик анъанаси хусусида ҳам айтиш жойздир. Унинг “Девони форсий”сидан ўрин олган форс-тожик адабиёти қирққа яқин намояндалари газалларига қилинган татаббулар мисолида ҳам бундай фазилатни кўра оламиз. Бирок Навоий-Фонийнинг мазкур девондаги эътирофлари ўта шартли бир таъкид-ишора эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Негаки, тожик адаби ва адабиётшуноси, проф. Расулхон Ҳодизода ғоят ўринли кайд қилганидек, “мустақил ижодий йўналишдан чиқиб, қуруқ тақлидчилик йўлига ўтиб олиш Навоийдай адаб олами буюкларининг иши эмас эди” (Аз гузашта ва ҳозираи адабиёти тожик. Душанбе-1974, сах.47). Дарҳақиқат, Навоий-Фоний Шарқ газалчилигига асрлар давомида шаклланиб, устивор ўрин олган анъаналарни мухаббат билан қабул қиларкан, уларни ижодий ривожлантириди, мавзу ва ғоялар оламини бойитди, бадииятнинг юксак намуналари даражасига кўтарди. Унинг айни масалага ана шундай янгича муносабат назари билан қарашини девон тартиб беришида ҳам яққол кўриш мумкин. Аввало айтиш лозимки, улугъ шоирнинг адабий тажрибасида назарга ташланадиган айни жихат А.Мирзоев, А.Ҳайитметов, Ҳ.Сулаймон, Б.Валихўжаев, Н.Маллаев, Р.Ҳодизода сингари адабиётшуносларнинг илмий ишларида ҳам эътироф қилинган.

Навоий-Фоний форсий шеърлар тўпламида Шарқ мумтоз девончилигининг талайгина ўлмас анъаналарига мурожаат қилинди. Шулар билан бир қаторда унда анчагина янгиликлар ҳам мавжуд. Ўшалардан энг асосийси ҳар бир газалдан олдин берилган сарлавҳаларда намоён бўлади. Навоий-Фоний татаббуъ газалларини девонга жойлаштиришга киришар экан, улардан олдин изоҳловчи сарлавҳаларни бериб боради. Проф. Расулхон Ҳодизода эътирофига

биноан бундай майл (хар бир ғазалдан олдин сарлавҳаларнинг келиши) Навоийга қадар бўлган форс-тоҷик адабиётига кўзга ташланмайди (Р.Ҳодизода. Юқорида кўрсатилган китоб. 46-бет). Улуғ шоир томонидан қўлланган бундай ижодийлик ҳамиша ҳам ўз ижобий баҳосини топган эмас. Жумладан, Захириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида Алишер Навоий маънавий меросига ғоят юксак баҳо беради... Бироқ унинг “Девони форсий”га доир қарашларида шундай муносабат назарга ташланмайди. Негадир, Бобур Мирзога ўша тўпламдан жой олган “Тухфат ул-афкор” қасидасидан бошқа шеърлар “суст ва фуруд” бўлиб кўринади (Қаранг: Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент, “Фан”, -1960. 233-бет). Қирқ етти йиллик умрининг катта қисмини жангу жадаллар билан ўтказган Бобур Мирзо табиатан нозиктабъ ва ўзига хос ижодкор бўлгани учун ҳам татаббучилик унга хуш ёқмаган бўлиши мумкин. Аслият ва татаббуъ – ғазални қиёсий ўрганиб, холисона фикр айтиш имконияти эса бу зукко адибда йўқ эди. Шунинг учун уни тушуниш ва “Девони форсий”га доир мулоҳазаларини танқидий қабул қилиш лозим. Аммо Бобур Мирзонинг юқоридаги қайдларига лоқайд қараб, уни такрорлаб, Навоий-Фонийнинг форсий шеъриятига ғубор қўндириган тадқиқотчилар XX асрда ҳам бўлган. Шундай майл проф. Исмоил Ҳикматнинг “Амир Алишер Навоий” сарлавҳали ишида намоён бўлади. У Навоий-Фонийни Шайх Низомий, Амир Хисрав Дехлавий, Нуриддин Абдураҳмон Жомийлар ижодиётининг тақлидчисига айлантириб қўяди (Қаранг: Амир Алишер Навоий. Баку-1926, 5-71-бетлар).

Эслатилган нотўғри қарашлар XIX аср охирги чораги ва XX юз йилликнинг 40-йилларига қадар Фарбу Шарқда ёзилган айрим ишларда кўзга ташланиб турди. А.Фитрат, Э.Бертельс, С.Айний сингари событқадам тадқиқотчиларнинг саъю ҳаракатлари оқибатида улуғ шоир маънавий меросига доир (жумладан, форсий шеърларига нисбатан ҳам) адолаг қарор топди.

Таъкидлаш жоиз, айни масалага бир ёқлама қараш Навоий-Фоний ҳаёт қайдида бўлган йилларда ҳам амал қилган кўринади. Акс ҳолда улуғ шоир куйидаги армонли сатрларни битиб қолдирмаган бўлур эди:

Шеъри ман гар з-он, ки дар маънӣ ба ман фарзанд шуд,  
Лек маҳбуби манаст ашъори марғуби касон.  
Он чунон к-афтод фарзанди касон маҳбуби ман,  
Чи бувад ар фарзанди ман ҳам гашт маҳбуби касон.

(Мазмуни: Шеърим агар маънида менга фарзанд бўлса,  
Лекин бошқаларнинг гўзал шеърлари менинг маҳбубим.  
Бошқаларнинг шеърлари менинг маҳбубим бўлгани кабидир,  
Агар менинг фарзандим ҳам бошқаларнинг маҳбуби бўлса,  
пима бўлибди? (МАТ. 20-жилд, 33, 45-бетлар).

Фонийшуносликда мунозараага сабаб бўлган масалалардан яна бири “Девони форсий”даги сарлавҳаларнинг ким томонидан бўйлганлигидир. Бу ҳақда Р.Ходизода ёзади: “Билмаймиз бу иш (яъни изохловчи сарлавҳаларнинг ёзилиши – Р.В.) унинг мусаввадаларидан кўчирилганми? Эҳтимол, улар синчков котибнинг қизиқиси туфайли аниқланган бўлиши мумкин. Ҳар қалай, барча татаббулардан аввал уларнинг кимга тегишли эканлиги кўрсатилгандир” (Ўша китоб. 52-бет. Тожикчадан таржима бизники – Р.В.). Устоз адабиётшуноснинг айрим тахминлари баҳс уйғотади. Котиб нечоғлик донишманд бўлмасин, бундай жиддий илмий-ижодий ишнинг уддасидан чика олмас эди. Қайси шоир шеърининг Навоий-Фоний юрагига чўғ ташлагани ва татаббуъ қилишга чорлагани ўшандай мураккаб вазифани койил қилиб адо этган ижодкорнинггина кўлидан келар эди, холос. Шу маънода, профессор Р.Ходизоданинг Навоий-Фоний мусаввадаларидаги қайдлардан котибнинг ўша сарлавҳаларни девонга кўчиргани ҳақидаги тахмини ҳақиқатга анча яқиндир.

Алишер Навоий “Девони форсий”сининг мукаммал пусхаларидан жой олган асарларнинг ҳажми ҳақида “Муҳокамат ул-лугатайн”да тўхталар экан, “адади абъёти олти минг байтдан кўпрак” (МАТ. 16-жилд. Тошкент-2000. 32-бет) эканлигини таъкидлайди. Бироқ айрим китобларда бу рақам бузиб талқин қилинади. Жумладан, “Гулшани адаб” да ўқиймиз: “Девони форсии Навоий қарив чаҳор ҳазор байтро фаро мегирад” (Навоийнинг форсий девони салкам тўрт минг байтлик меросни қамраб олади”. қаранг: Гулшани адаб. Иборат аз панж жилд. Жилди 3. Душанбе. “Ирфон”-1977. саҳ. 275).

Навоийшуносликда “Девони форсий”нинг нашри бобида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. XX асрнинг 60-йилларида мазкур тўплам нотугал бўлса-да (сайланма) Техрон (1963) ва Тошкентда (Алишер Навоий. Асарлар. 15 жилдлик. 5-жилд, 1-2-китоб. Тошкент-1965) рўшнолик кўрди. Шунингдек, ўша юз йилликнинг 90-йилларида ихчам бир сайланма (Душанбе-1993) Тожикистанда, араб алифбосида ўқувчилар хукмига ҳавола қилинди. Ўзбекистонда навоийнинг улкан ютуғи сифатида улуғ шоир мукаммал

асарлари тўплами йигирма жилдларининг нашр килинганини кўрсатиш мумкин. МАТнинг 18-20-жиллари (Тошкент-2002-2003) “Девони форсий”дан таркиб топади.

Мазкур нашрга Навоий-Фонийнинг “Ситтаи зарурия”, “Фусули арбаа” туркumlаридан жой олган қасидалар киритилган. Улуғ шоир ижоди муҳибларига илк марта мукаммал ҳолида тухфа килингани асарларнинг ўзбек тилидаги мазмуни берилади. Китоблардан жой олган муфассал шарху изоҳларнинг кенг ўқувчилар оммасига берадиган маънавий манфаатини эса зўр қониқиши билан қайд этмоқ лозим.

“Девони форсий” динг мазмун ва мундарижасини белгилашда “ихтиrolар” (мухтареъ), “ўзига жавоб айтади”, “наът”, “айзан” (яна), “замон ахли танқидига доир”, “замонанинг бевафолиги хусусида насиҳатлар”, “Ўша таврда”, “олдинги услубда”, “маъвиза” ёки “моъвиза” (насиҳат, панду ҳикмат), “баъзи азизларга татаббуъ”, “Махдум шеърига татаббуъ”, “Амир Хисрав Дехлавий ғазалига татаббуъ”, “Махдумнинг Хожа тавридаги ғазалига татаббуъ” (таржималар бизники – Р.В.) сингари изоҳловчи сарлавҳалар катта аҳамият касб этиди. Навоий-Фонийнинг форсий тилдаги шеърлари мавзулар олами, гоявий-бадиий малоҳату салоҳият, нафосат ва тил бойлиги нуқтаи назаридан улуғ шоирнинг «Хазойин ул-маоний» йигма девонлари таркибидаги шеърлар билан бемалол ракобат қила олади. Бизнинг бу таъкидимиз, айниқса, улуғ шоирнинг ихтироъ-мухтареъ ғазалларига даҳлдордир. Мулоҳазаларимиз муаллақ қолмасин учун Навоий-Фонийнинг ўз бадиий тафаккури маҳсули хисобланадиган ихтироъ ғазалларидан бирини назардан ўтказиш панд бермайди.

Мо ба кужо, зуҳду ибодат кужо?  
Маст кужо, тақвию тоат кужо?  
Ғунча ба захмасту дилам дардманд,  
Дард кужо, бину жароҳат кужо?  
Азгулу сарвам дигар, эй боғбон,  
Дам мазан, он оразу қомат кужо?  
Кони намак н-оядам, эй дил, ба кор,  
Гўй, ки он кони малоҳат кужо?  
Хонакахи зуҳд зи мо шуд ба танг,  
Шоҳрахи дайри маломат кужо?  
Шайх риё, пири муғон май намуд,  
Зарқ кужо, гўю каромат кужо?  
Фонӣ агар бе ту наҳоҳат ҳаёт,

Кор чу саъб омада, тоқат күжо?

(МАТ. 18-жилд, Тошкент-2002. 28-бет. Таҳлил жараёнида ғазал мазмуни очилишини назарда тутиб, ўзбекча таржимасини келтиришдан сақландик). Кўчирилган ғазал энг аввало вазнининг мусиқий, равон ва оҳангдорлиги билан ўкувчи эътиборини жалб қиласди. Навоий-Фонийнинг сеҳрли қалами тұхфа этган ғазал унинг юксак маҳоратидан нишонадир

## БИР ҚАСИДА ТАРИХИГА ДОИР ЛАВҲАЛАР...

Таникли форс-тожик шоири Усмон Мухтор Фазнавийнинг

Мусулмон күштандан оин кард ҷашми номусулмонаш,<sup>13</sup>  
Ба нўғи новаки мужгон, ки пурзаҳраст пайконаш,

матлали қасидаси сўз санъаткори яшаган даврда оғизга тушиб, катта шуҳрат пайдо қиласди. Матлаъ ҳам мазмун, ҳам бадиият нуқтаи назаридан катта маҳорат маҳсули ҳисобланади. Замон жафоларини кўрсатиш учун шоир мусулмон ва кофирлар ҳамда ошику маъшуқа ўртасида муносабатларга мурожаат қиласди: Маҳбубанинг кофир кўзлари (жодуга бой, тим қора шахло кўзлар) ошиқ жони қасида оёққа турдилар. Мусулмонларни ўлдиришни одатга айлантирган кофир маъшуқа бунинг учун киприкларини ишга солади. Чунки унинг киприклари уни заҳарланган новаклар, найзалар сингари саф тортганлар. Қаранг, маъшуқанинг киприклари тифиз,узун, қоп- қора деган хабарни ўкувчига етказиш учун шу қадар кўп ташбеҳларга мурожаат қилинади. Бирин – кетин форс-тожик адабиётида бу асарнинг жавобиялари вужудга кела бошлади. Шундай қилиб, ижодий мусобақа майдонига Адіб Собир Термизий, Амир Муизий, Сайд Ҳасан Фазнавий, Ҳоқоний сингари етук истеъодд соҳиблари кириб, ўша қасидага беназир жавобиялар битишади. Қизиги шундаки, бу анъана XV-XVI асрларга қадар яшаб келади. Бирок кейинги асрларда фаолият кўрсатган ижодкорлар Усмон Мухтор Фазнавий қасидасига эмас, балки Ҳоқоний мадхиясига жавоб айтишади. Албатта, бундай адабий ҳодисанинг турлича изоҳлари бўлиши мумкин. Бирок ўша изоҳлардан қатъи назар, Сайфий Исфарангий, Амир Хусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Шайхим Суҳайлий, Урфий Шерозий, Сидкий Бухорий, Мухаммад Фузулий сингари ўнлаб сўз санъаткорларининг Ҳоқоний

<sup>13</sup> 108/182 (1249/50) йилларда яшаб фаолият кўрсатган бу шоирнинг тўла номи Ҳаким Баҳоуддин.... ибн Умар бўлиб, дастлаб “Усмон” таҳаллуси билан шеърлар ёзган. Кейинчалик у «Мухтор Фазнавий» ўнвони билан шуҳрат қозонған.

Шервонийнинг адабий таъсир заминида яратилган жавобиясига битилган татаббуъ қасидалари бунёдга келади.

Юкорида айтилган гаплар ва келтирилган адабий далиллар икки мухим фикрни ўртага ташлаш имконини беради. Биринчидан, қасидачилик мактаби ўз тараккиёти тарихида жавоб айтиш, назира боғлаш, татаббуъ қилишнинг ҳаётбахш таъсиридан илҳомланган. Ана шу омиллар бу шеърий шаклнинг мислсиз ташаккулини таъмин этган. Иккинчидан, адабиётлараро алоқа ва ўзаро таъсир ривожида сайёр мавзу ва воқеалар билан бир қаторда алоҳида олинган шеърий жанрларнинг ҳам белгили ўрни ҳамда хиссаси ғоят мухимdir. Алишер Навоий бадиий адабиётнинг инсон тақдиридаги ижтимоий вазифасига ғоят юксак баҳо беради. Шунинг учун ҳам унинг қаламидан чиққан асарлар ғоявий бадиий бақувватлиги, инсонпарварлик руҳининг баландлиги билан диккатни жалб этади. Шу гапни улуғ шоирнинг татаббулари хусусида ҳам айтиш мумкин. Аввало таъкидлаш жоиз, Алишер Навоий тўғри келган асарга татаббуъ қилмаган, албатта. Бунинг учун у форс-тожик ва ўзбек адабиёти маънавий хазинасини синчковлик билан кўздан ўтказган. Воеа бўларли асарларнигина танлаб, уларга жавоб айтишга жазм этган. Мисол тариқасида биргина далилни кўздан кечириш кифоя. Амир Хусрав Дехлавийнинг “Дарёйи аброр” фалсафий қасидаси ўз замонида, шунингдек, сўнгти асарларда ҳам анчагина шов-шувга сабаб бўлган.

Натижада Хинди斯顿, Хуросон, Мовароуннахр ва Эроннинг забардаст форсигўй шоирлари бу қасидага жавоб айтиш, татаббуъ қилиш учун ўзларида журъат ҳис қилишган. Ана шу восита билан Шарқ ҳалқлари адабиётида қисқа бир давр ичida “Дарёйи аброр” таврида туғилган ўнлаб қасидалар яратилган. Ўша ижодий мусобака бадиий сўз тарихий тараккиётининг кейинги босқичларида ҳам қизгин давом этди. Орадан кўп фурсат ўтмай, фақатгина Ҳирот адабий мухитининг ўзида Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг “Лужжат ул-асрор”, Султон Махмуд Мирзо, Шайхим Суҳайлий, Камолиддин Биноий, Абдусамад Бадаҳший сингари етук ижод соҳибларининг жавобия қасидалари вужудга келди. Шундай ижодий баҳслашувдан четда колишни истамаган Алишер Навоий ўша таврда “Тухфат ул-афкор” қасидасини яратди. Бундай ижодий мусобакаларнинг маҳсули бўлган асарларнинг номида, вазн, кофия ва радифида уйғунлик, оҳангдошлиқ сезилса-да, уларни локайдона таклид маҳсули сифатида қабул қилиш ва баҳолаш тўғри эмас. Негаки, ўша шеърларнинг барчасида анъанавийлик замирида

ижодийлик, янгиликка интилиш рухи ёркин назарга ташланади. Аникроғи, ижодкорлар гарчи анъанавий шеърий унсурларни қабул қилишган бўлса-да, уларнинг ҳар бири ўша тайёр қолипга ўзигича ишги рух ва жон бағишлайди. Шундай экан, бундай шеърларда ҳар бир муалифнинг ўз нуқтаи назари, орзу- ўйи, дард-армони, нозик туйғу ва ҳаётий ҳаёлий қарашлари ифодаланган бўлади. Айтилган гаплар тасдиғини Алишер Навоийнинг «Тұхфат ул-афкор» қасидасидан ҳам топиш мумкин. Алишер Навоий умр буйи Ҳуросон, давлатининг осойишталигини таъмин этиш, уни обод, ҳалқини тинч на фаровон қиёфада кўриш истаги яшади, шу йўлда вакт сарфланди, курашди.

Шоирнинг фикри ва талқинича, кўзланган ўша ширин тадбирларни факат бир йўл – марказлашган давлат бошида адолатли шоҳни кўйиш орқалигина амалга ошириш мумкин. Шунинг учун ҳам улуғ шоир асарларида қайта-қайта давлат ва унинг идора усули, таҳт ва унинг ҳукмрони каби масалалар хусусида мушоҳада юритади. Турли йўллар ва воситалар орқали асарларида ўша долзарб муаммоларга мурожаат қиласи, унинг хилма хил қирраларини акс эттиришга эришади. Алишер Навоийнинг хоҳ катта, хоҳ кичик ҳажмли, насрый ёхуд назмий асарлари бўлсин, уларда подшоҳ тимсолининг гавдалантирилиши сири ҳам ана шундадир. Шоир ижтимоий ҳаётида ҳам ўша изланишни давом эттириди. Унинг тасаввурига биноан, ҳаётда икки хил подшоҳ бор: улардан бири одил ва иккинчиси золим. Ҳуросон давлатини қирқ йилдан зиёдроқ муддат ичиди заковат билан бошқарган Султон Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоий нигоҳида одил подшоҳ вакилидир. У моҳир саркарда (жангда бир пайтнинг ўзида икки қўли билан бирдай қилич чопа олган), тадбиркор ва адолатпеша давлат арбоби, салоҳиятли шоир, зариф шеършунос, юксак одамийлик фазилатларини ўзида мужассам этган инсон. Ана шундай тарихий лавҳалар заминида шоир асарларида подшоҳларга муҳаббат ва нафрат, замонадан норозилик туйғулари шаклланиб, кучайиб боради. Айни зиддиятли чизгиларни унинг “Тұхфат ул- афкор” қасидасида ҳам ҳис этиш мумкин. Устозлар томонидан давлат ва унинг сардори – подшоҳ масаласининг қаламга олиниши Алишер Навоий учун тўла қўл келади.<sup>14</sup> У гўё анъанавий мавзууга жавоб айтиш жараённида ўзи яшаб турган даврнинг иллатларини қаламга олишга муваффақ бўлади.

<sup>14</sup> Бу ҳақда яна каралсин: Р.Воҳидов. “Ситтаи зарурия”да татаббубъ. Бухоро университети илмий ахборотлари. 2000, 1-сон. 10-19- бетлар.

Шоир талқинига кўра, жамиятдаги риёкорлик бошида подшоҳ туради. Ундаги ноҳақликларнинг ҳам асосий сабабчиси шу подшоҳdir. “Тухфат ул -афкор” қасидасининг подшоҳга қаратилган нафратангез сатрлар билан ибтидо топиши тагида ҳам ана ўша туйғу ётади.

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,  
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.  
Шах, ки ёд аз марғ н-орад з-ўст вайронии мулк,  
Хусрави беоқибат хусри билоду кишвар аст.  
Қайди зиннат масқати фаррӯ шукуҳи хусравист.  
Шери занжири зи шери беша камсавлаттар аст.  
Лозими шоҳӣ набошад холӣ аз дарди саре,  
Кӯси шаҳ холию бонги ғулғулаш дарди сар аст.  
Бо даҳони хушку чашми тар қаноат кун аз он-к,  
Ҳар ки қонеъ шуд ба хушку тар шаҳи баҳру бар аст.

(Алишер Навоий. Асрлар. 15 жилдлик, 5-жилд, 2- китоб, 346-бет).

Алишер Навоийнинг бу сатрлари мағзизда икки ҳис яширин. Шоир замон ҳукмронига ўтиг беради. Унинг насиҳати замирида кескин танқид аралаш башорат ҳам акс эттирилган.

Айни пайтда мазкур шеърий каторлар ўз муаллифининг катта шеърий жасоратидан ҳам гувоҳлик беради. Бу жасорат шоирнинг журъат билан айтилган сатрларида кўринади. Алишер Навоий қасидасига шуҳрат келтирган, унга яшовчанлик ҳадя қилган омиллардан яна бири бадиий нафосат ва журъат билан айтилган фикрларнинг нозик, гўзал, бўёқдор ва назокатли тарзда ифодаланишидадир. Масалан, шоҳлик рамзи бўлган ёкут тожи билан лахча чўғ ўртасида яқинлик ҳис этган шоир, уларни ёнма-ён қўйиб тасвир этади. Чиндан ҳам бу ашёлар ўртасида ташқи кўриниши нуқтаи назаридан монандлик бор. Аммо улар жамиятдаги вазифаси жиҳатидан бир-бирига қарама-каршидир.

Тож – безак-дабдаба белгиси. Олов эса куйдириш, хом нарсаларни пишириш учун хизмат қиласи. Шоирнинг маҳорати шундаки, бир-бирига қарама-карши бўлган бу ашёларни “узаро келиштиради”, улар ўртасида шаклий монандлик кўради ва ўзи айтмоқчи бўлган муддаони ишоралар ёрдамида китобхонга бўрттириб кўрсатишга эришади. Тожда ўрнатилган чўғдек ёнувчи лаъл шунчаки безак, гўзаллик нишонаси эмас, балки шоҳ бошидан мавж урган турли хом хаёлларни пишириш учун хизмат килувчи лахча оловдир. Қасиданинг матлаидан бошланган ана шундай хужумкорона руҳ унинг кейинги сатрларида ҳам ўшандай шиддат билан

ривожлантирилади. Муаллиф таъкидига биноан, шоҳ андишали, узокни кўрадиган, қиласидиган ишларини кўз олдига келтира олиши, уни мухоммади қила билиши шарт. Акс ҳолда, уни жиддий фожеалар кутади. Қасиданинг иккинчи байтида шулар хусусида мухоммади юритилади. Бу ўринда ҳам бадиийлик, мантикий пишиклик, топқирлик сингари ноёб фазилатлар шоирга кўмакка келади. Ўша олижаноб хусусиятлар кўмагида шеир мазкур сатрларда ҳам бўёқдор ва етарли асосини топган фикрлар баён қилишга эришади. Сўз ўйини ва талмех бадиий санъатига таянган шоир биргина ишора билан телба ва андишасиз шоҳ тақдиридан фол очади ва унинг таъбирини латиф бир усулда айтишга мұяссар бўлади. Яъни шошма- шошарлик билан ҳаракат қилган подшоҳ (Хисрав) бошига Хисрав Парвизнинг (“Фарҳод ва Ширин” достони қаҳрамонларидан бири) фожиаси тушади, мулки қўлдан кетиб, ўзи ўлимга маҳкум этилади. Алишер Навоийнинг бадиий устакорлиги шундаки, у байтдан байтга кўчгани сайнин мазмунни кучайтириб боради. Шоир тасаввуридаги подшоҳ кўзи тўқ, назари баланд, мол дунёнинг қули эмас. Зотан, бундай фазилатларга эга бўлган мулк соҳиби барча замонлар учун, жумладан, Алишер Навоий даврида ҳам ширин орзу эди.

“Тұхфат ул-афкор” қасидаси мутолаасини давом эттирап эканмиз, унда нафақат подшоҳлар, балки фәкәхлар – қонуншунослар, қозилар, илмиға амал қилмаган уламолар шаънига айтилган одилона таңқидий фикр- мулоҳазаларга ҳам дуч келамиз.. Мұхими шундаки, улуғ шоир қаерда, ким ҳакида фикр юритмасин, у ҳамма ерда ҳам ҳалқ манфаати, унинг истак ва хоҳиши, юрга фаровонлигини хисобга олади. Ўша талаб- тамойиллар нұктай назаридан мушоҳада юритади. Буюк мутафаккир адабий фаолиятидаги бундай етакчи ижобий ҳодисалар унинг “Тұхфат ул- афкор” қасидасида ҳам ёрқин назарга ташланади. Қасида муаллифининг талқинича, у яшаган замон қонхўрликни ўзига қасб қилиб олган. Шундан, ҷор тарафдан жафо ва қон ҳиди анқийди, ҳатто бундай манзара табиатга, ўсимликлар дунёсига ҳам кўчган. Нафис сўз ўйини ва муболага санъати ишга солинган куйидаги сатрларда ўшандай туйғу устундир:

Гунбази ахзар, ки хунрезист кораш, дур нест,  
Барги ҳинно ахзар омад, лек рангаш аҳмар аст.

(Алишер Навоий. Асарлар. 5- жилд, 2- китоб, 348-бет)

Бундай фавқулодда ташбеҳли сатрлар ижодкорлик қонқонига сингган қаламкашнинг юксак бадиий маҳорати ва топқирлигидан сўзлайди. Айрим кунларда күёш ботиши олдидан осмон бир гўшасинининг шафақгун бўлиши ҳодисаси табиатда

кузатилади. Кўчирганимиз байтда ўшандай манзарага ишора бор. Биринчи сатрда кўк ёхуд мовий ва шафақ ранглари ёнма-ён тутилади. Шу ишора ёрдамида “фалак табиатида қонхўрлик иллати бўлмаганда, нега мовийни қон ранги билан алмаштиради?” тарзидаги катта ижтимоий савол кўндаланг қилиб қўйилган. Иккинчи сатрда эса ўша мазмунга янада қувват берилади: бу тасодифий эмас. Ҳино ўсимлиги табиатида ҳам шундай манзара кузатилади. Ўсанда унинг япроқлари кўм-кўк. Бироқ қуригандা, кўл ёхуд оёққа хамир қилиб қўйилганда қон рангини олади... Қаранг, катта ижтимоий фикрнинг пардапўш, айни замонда, ўта бадиий шаклда берилиши ҳам ўша мўъжизакор маҳорат тухфаси ҳисобланади. Масалага юзаки қараганда, шоир нигоҳи кўк гумбази, ҳино ўсимлиги ва унинг хоссасини баён этишга қаратилгандай туюлади. Бироқ табиатда кузатиладиган ҳаётий лавҳалар замон ёвузлиги ва унинг жирканчлигини янада оширишга хисса қўшган. Даврон амал соҳибларини фош этиш улуғ шоирнинг таянч мақсади ҳисобланади. Алишер Навоий қаламининг сехри, тафаккури теранлиги “Тухфат ул- афкор” қасидасининг шу икки сатри мисолида ҳам намоён бўлади. Кўринадики, Алишер Навоий асарлари китобхонда нафақат шоир яшаган давр ҳақида тушунча ҳосил қиласди, балки, унга табиатшуносликдан ҳам билим бериб, тасаввурини кенгайтиради. Шундан бўлса керак, ушбу қасида беш аср давомида назм шинавандаларининг эътиборини ўзига тортиб келади. “Тухфат ул- афкор” турли асрларда яратилган тазкира ва тарихий асарларда Алишер Навоий форс-тожик тилидаги адабий меросининг гултожи сифатида яшаб келди. Ҳатто, собиқ совет навоийшунослигига Навоий – Фоний меросини ўрганишнинг дебочаси ҳам ана шу шеърий асар билан бошланади. Шунингдек, “Тухфат ул- афкор”ни ўзбек китобхонларига етказиш, улар учун мазкур асарни ўз она тилларида ўқиш имкониятини ҳозирлаш соҳасида айрим ишлар амалга оширилган. Бундай шарафли вазифани таникли адабиётшунос А.Ҳ. Ҳайитметов адо этди (ушбу қасиданинг 134 мисраси шу олим томонидан ўзбекчалаштирилиб, шарху изоҳлар билан эълон қилинган).

Алқисса, “Тухфатул – афкор” улуғ Навоий мўъжизавий қаламининг нодир яратмаси сифатида шеърият муҳиблари калбида яшашда давом этаётир.



## БЕШ ҲАЙРАТ

(Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоийнинг илк учрашувларига доир айрим қайдлар)

Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутахайирин” ёдномаси Абдураҳмон Жомий вафотидан сўнг унинг ёрқин хотирасига багишлаб ёзилган. Жомийнинг вафоти (1492) Навоий учун бехад жудолик эди. Унинг руҳиятида кўзғолган тӯфон, айрилиқ соя соглан изтироб асарнинг дебочасидаёқ сезилади: “... агарчи аҳли оламга мотам юзланди, аммо соҳибмотам бу номуроди сўѓвор эрдим ва сойир авлоди одамға азо воқеъ бўлди ва лекин соҳибъозо бу ношоди таъзиятшиор эрдим”. Аза маросимларини ўтказган, йил ошини берган Алишер Навоий пири маънавийни эслайди, унинг муборак номини абадийлаштириш устида бош қотиради. Шу тариқа, 1494 йили “Хамсат ул-мутахайирин” туғилади. Асар номидаги “хамса” – беш раками унинг таркибиға тегишли, яъни ёднома “Муқаддима”, уч мақолот ва “Хотима” – беш қисмдан ташкил топган. “Мутахайирин” – “ҳайратланганлар”, “ҳайрон қолганлар”, “тонг қотганлар” каби маъноларни англатади. Икки талқинни бирлаштиrsак, “беш ҳайрат”, “ҳайратлантирувчи бешлик” қабилидаги бирикмалар ҳосил бўлади.

Маълумки, бош муддаоси поклик, Оллоҳга эътиқод, ҳаромдан ҳазар, инсонни улуғлаш, унинг шаън-шавкатини химоя этиш, таҳқири ҳақорат ва хўрлашлар илдизига болта уришдан иборат бўлган нақшбандийлик ҳаракати аксарият мусулмон давлатларида хуш қабул қилинган. Нуриддин Абдураҳмон Жомийга ҳам нақшбандиялик моҳиятидаги ўша эзгу инсоний фазилатлар манзур тушган, йигитлик йилларидаёқ у шу йўлни танлаган; Мовароуннахрда Хожа Аҳрор билан учрашиб, унинг сабокларига мушарраф бўлса, Хурсонда Саъдиддин Қошғарий этагини тутди ва ўша зоти мукаррамни ўзига муршид, пири маънавий билди. Абдураҳмон Жомий ҳар қандай вазиятда ҳам устозининг хурматини жойига кўйди. Ҳатто унинг вафотидан сўнг ўз қароргоҳини ўша табуррук инсон макбараси яқинига кўчирди. У ерда кичик бир ҳовлича курдириб, фақирона ҳаёт кечира бошлайди.

XV асрнинг 60-йилларидаёқ Навоий ҳам нақшбандийлик тариқатини маъқул кўрди ва Жомийни пир сифатида қабул қилади. Дину диёнат, имон ва эътиқодга тан берган ана шундай закий шахсларнинг номи билан боғлиқ ажойиб воқеалар эса ҳаяжон-ҳайрат билан қабул этилишга арзигулиkdir. Алишер Навоий ҳам яратилажак ... арига ном кўйишда айни шу муддаони кўзда тутган.

Асардаги барча маълумот ва талкинлар икки улуг зот инсоний-ижодий ҳамкорликларининг саҳифаларини ёритишга йўналтирилади. “Муқаддима”да Жомийнинг таржимаи ҳоли, шажараси таҳсил йиллари, яшаш манзиллари ҳакида гап боради. Навоий ургага кўйилган мазкур масалаларни ёритишда аник хужжатларга, Жомийнинг ўз асарларига таянади.

Форс-тожик адабиётининг буюк алломаси ўз вафотидан беш йил олдин “Рашҳ ул-бол” номли ҳолия қасидасини яратган эди. “Муқаддима”да ана шу манзумага тез-тез мурожаат қилинади. Навоий Жомий таваллудини “секкиз юз ўн еттида”, вафот санасини эса – “секкиз юз тўқсон секкиз” тарзида кўрсатади. “Муқаддима”да Жомий яшаган умр куйидагича умумлаштирилади: “... ёшлари замонидин сексон икки йил ўтмиш бўлғайким, пок руҳларининг кудсийошён булбули риҳлат навосин оғоз қилиб, гулшани фирдавс ҳавосиға парвоз килди...”. Алишер Навоий тавсия этган ракамлар билан бугун жомийшуносликда қабул қилинган саналар тўғри келмайди. Чунки мавжуд ҳисобларга кўра, Жомий 1414 – 1492 йиллари яшаган. Унинг умри 78 ёшга тўғри келади. Ўртада пайдо бўлған қолдикларнинг уч йили ҳижрий ва жорий йил жадвалига тегишли бўлиб, ўша тафовутга биноан Абдураҳмон Жомий хаёт саналаридан уч йилга яқин фарқ келиб чиқади. Алишер Навоий ҳисобига етишмаётган яна бир йил эса ҳалқимизнинг удумига тааллуқлидир. Мусулмон оламида инсоннинг вафотидан сўнг унинг она қорнида яшаган даври ҳам ҳисобга олинади ва кечирилган умр санасига 1 ёш кўшилади. Айтилганларни инобатга олсак, Навоий маълумотлари ( $78+3+1=82$ ) тўғри бўлиб чиқади. Улуғ шоирнинг тахаллусига тегишли шарҳлар ҳам катта қизикиш уйғотади. Абдураҳмон Жомийнинг Ҳирот вилоятининг Жом шаҳрида түғилганлиги маълум. Абдураҳмон томонидан “Жомий” тахаллуси танланишининг бир учи киндик кони томган муқаддас тупроқка бориб уланади. Иккинчидан, Абдураҳмон Жомийга қадар бу макон шуҳратини Аҳмад Жомий жаҳонга таратған эди. Абунаср ибни Абулҳасан замондошлари ўртасида “Аҳмади Жомий”, “Аҳмади Зиндапил” унвонлари билан ҳам танилган. У йирик олим, мутасаввиф шоир, шайхулислом (таваллуди тахминан 1049 йил – вафоти 1141 йил) сифатида ўз даврининг ғоявий-бадиий хаётига фаол аралашган. Аҳмад Жомийнинг ошиқсан ва орифона ғазалиёти, “Анис ут-толибин” (“Толиблар ҳамдарди”), “Канз ул-хикмат” (“Хикматлар ҳазинаси”), “Баҳор ул-ҳакиқат” (“Ҳакиқат баҳори”), “Сирож уссоирин” (“Ўзгача нур”), “Мифтоҳ ун-нажот” (“Нажот калиди”) каби

фалсафий асарларининг довруғи ҳамон тилдан тушмай келади. Ана шу буюк зотнинг ибратли умр ва ижод йўли, комил инсонни балоғатга етказиш бобида кўрсатган жўшқин ижтимоий фаолияти Абдурахмон Жомийга ҳар жиҳатдан манзур тушган. Маърифат ва тариқат йўлида турган ёш Абдураҳмон Аҳмад Жомийдаги ана ўша юксак инсоний ва ижодий фазилатларнинг ўзи учун насиб этишини истаган ва асарларида “Жомий” таҳаллусини қўллаган. Абдураҳмон Жомийнинг ёшлиқ орзулари ижобатга ўтди. Бунга унинг маънавий мероси ва тарих гувоҳ...

Алишер Навоий Абдураҳмон Жомийнинг инсон, олим, шоир ва жамоат арбоби сифатида шакланиш жараёнига, мударрис ва мадрасалар курсовида ўтган йиллари тафсилотига катта эътибор беради Жомий ва Навоий каби даҳоларга она табиат саҳоват кўрсатгани шубҳа туғдирмайди. “Муқаддима”даги айрим ишоралар ана шундай хуносага келиш имконини беради: “... алар тўрт ё беш ёшларида, -деб ёзади Навоий, -эмди мактабга борур вақтлари эрмиш, ҳазрати мавлоно (Фахриддин Лўристоний – Р.В.) аларни ўз қошларида ўлтургуб, бармоқ ишорати била ҳавога машҳур отларни: “Умар” ё “Али”дек битир эрмиш ва алар тааммул била ўқур эрмишлар ва ҳазрати мавлоно аларнинг туфулиятда бу навъ зеҳн ва закосидин мутабассим, балки мутаажжиб бўлур эрмишлар”.

Таъкидлаганимиздек, Абдураҳмон Жомий таҳсил йилларида ёк нақшбандия ҳожалари таъсирида тарбия кўради. Шайх Баҳоуддин Умар, Боязид Пуроний, Муҳаммад Асад таълимотлари билан қуролланади. Айниқса, “кутби тариқат ва ғавси ҳақиқат” - Мавлоно Саъдиддин Кошғарийга катта ихлос қўяди, уни ўзининг маънавий муршиди деб билади. Абдураҳмон Жомийнинг ўзи ҳам кейинчалик нақшбандия ҳожалари силсиласига қўшилди.

“Муқаддима”да алоҳида эътибор қилишга молик масалалардан яна бири Навоийнинг Жомий билан илк учрашуви даврини ойдинлаштиришга кўмаклашувчи ишоралардир. Айни мавзу жомийшунослик ва навоийшуносликда ғоят муҳим ҳисобланиб, адабиётшуносларнинг кўплаб баҳсу мунозараларига сабаб бўлиб келмоқда. Бироқ унга ҳамон қатъий нуқта қўйилган эмас...

Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоийнинг илк учрашувларини аниқлашда “Ҳамсат ул-мутаҳайирин”даги ишоралар ёрдамга келади. Улардан аксарияти Жомийнинг яшаш жойлари билан узвий боғлиқдир. “Муқаддима”да ёзишича, форс-тожик адабиётининг бу забардаст намояндаси “бори кичик ёшидин

шабоб аҳдининг авойилигача” Жомда яшаган. Навоий “Хазойин улмаоний” йигма девонида ўз умр фасллари ҳакида фикр юритиб, “шабоб айёми”ни (йигитлик йилларини) 20-35 ёшгача бўлган давр тарзида белгилайди. Шу таснифга таянсак, унда Жомийнинг 20-25 ёшига кадар (“авойили” – авваллари ишорасига кўра) Жомда ўқиш - ўрганишни давом этганлиги аён бўлиб қолади, яъни у XV асрнинг 30-йилларида ҳам ўша ўзи туғилган манзилда яшаган. Юқорида эслатилган даврга келиб “аларға фойда еткуур қиши оз топилғон жихатидин... шаҳарға азимат қилибдурлар”. Ёки Жомдан Ҳиротга кўчиб ўтган. Навоий бу кўчиш сабабини маънавий асосларга боғлайди. Дарҳақиқат, XV асрнинг биринчи ярмидаёқ нуфузли илмий-маданий марказ сифатида шаклланәётган Ҳиротнинг имкониятлари Жомга нисбатан катта эди. Айни балофат палласига етган, замонасиининг билим асослари билан танишиб улгурган Абдураҳмон Жомийнинг эса ўша марказга интилиши табиий ҳолдир. Алишер Навоий бу кўчишни катта тарихий воеа сифатида шарҳлайди. “Муқаддима”да ёзилишича, Жомийнинг Ҳиротга ўтиши Куёшнинг Шарқдан Ғарбга ҳаракати, Мухаммад алайҳиссаломнинг Маккан Муқарамадан Ясриб сори – Мадинаи Мунавварага ҳижрат қилиши – кўчишига тенгдир.

Жомий Ҳиротнинг Ироқ дарвозаси тарафида жойлашган “Низомия” мадрасасида таҳсил ола бошлайди. Унинг нақшбандиялик билан чукур танишуви, шу эътиқод хожалари сафидан ўрин олиши билан алоқаманд жараёнлар қизғин тус олади. Абдураҳмон Жомийнинг Саъдиддин Кошғарий билан пиру муридлик алоқалари кун сайин мустаҳкамлана боради. Саъдиддин Кошғарийнинг умиди, шогирдига бўлган ишончи ортади, уни ворис сифатида эътироф этади. Хурсонда нақшбандийлик тариқатининг пешвоси бўлган Саъдиддин Кошғарий “секкиз юз олтмишда жумадил охир ойининг еттисида чаҳорсанба куни дунёдан ўттилар”. Мазкур воеа юз берганда, Жомий 43-44 ёшларда эди. Кўринадики, Жомий 1456-1457 йиллари, Хурсонда Абдуқосим Бобур Мирзо салтанатининг охирги дамларида маънавий арбоб мавкеини эгаллай бошлайди.

“Муқаддима”дан жой олган қуйидаги ишоралар ҳам гоят муҳим. “Шоҳруҳ сulton замони (1407-1447) авоситидин (ўрталаридан – Р.В.) Султон Абусаид замонининг (1459-1468) аволигача шаҳарда сокин эрдилар. Андин сўнгра Хиёбон бошида ҳазрати пир маҳдум Саъдиддин Кошғарий мазори бошида иқомат расмин зоҳир килдилар ва шаҳарнинг жамеъ уламо ва акобири ва ашрофи аларға мулозамат ва тараддуд бунёд қилдилар... балки аср

подшоҳи аларнинг остоғигаким, мақсуд қибласи ва мурод қаъбаси эрди – ташриф келтуурлар эрди, балки ўзларин мушарраф қилурлар эрди... Сойир ниёзмандлар ва оммаи бехеш ва пайвандлар ҳам кўзларин ул эшик туфроғидин ёрутурлар эрди.

Бу фақири ҳакир бу сўнгги жамоат зумрасида Хиёбон бошида кўрган замонида мухтасар битилган рисола сабақиға мумтоз бўлдум...”.

Мазкур парчадаги қайдлар бу икки улкан даҳо таржимаи ҳолидаги кўп жиҳатларни ойдинлаштириш учун асос беради. Биринчидан, Абдураҳмон Жомийнинг Жомдан Ҳиротга келиши бир тарихий воқеага ишора қилиш билан мустаҳкамланмоқда. Юқорида мазкур кўчишнинг “шабоб аҳдида” воқеъ бўлганлиги айтилган эди. Навоий ўша қайдни Шоҳруҳ Мирзо ҳукмронлигининг ўрталарида ишора этиш билан қувватламоқда. Тарихий далиллар шаҳодатига кўра, бу темурийзода ҳукмронлигининг ўрталари XV асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Жомийнинг “сифар”дан “шабоб”га ўтиши ҳам, юқорида эслатганимиздек, айни ўша йилларда содир бўлган. Жомийнинг Ҳирот шахрининг марказида яшashi Султон Абусаид Мирзо салтанатининг дастлабки йилларига қадар давом қилган. Тарихдан маълумки, Хурросон таҳтини XV асрнинг 50-йиллари бошида кўлга киритилган Абулқосим Бобир Мирзо 1457 йили Машҳад шаҳрида тасодифан вафот этади. Кутимаган бу шум ҳодиса яна тожу таҳт жангларини оловлатиб кўяди. Кўпдан бери Ҳирот таҳти орзусида юрган Абусаид Мирзо ашаддий даъвогар сифатида майдонга чиқади. Салкам иъки йилга чўзилган қонли жанглар Хурросон давлатининг Абусаид Мирзо тасарруфига ўтиши билан якунланади. 1459 йил унинг номи хутбага кўшиб ўқитилади ва у расмий ҳукмрон сифатида тан олинади. Абдураҳмон Жомийнинг Хиёбон мавзеидаги қабристонда дафн этилган устози Саъдиддин Кошғарий мақбараси қошида манзил куриб, яшай бошлиши ҳам ана шу йилларга тўғри келади. Фикримизча, Алишер Навоий ҳам Абусаид Мирзо ҳукмронлигининг “авоили” деганда 1459-60 йилларни кўзда тутади. Бундан бошқа рақамни тасавурга сиғдириш кийин. Чунки бу шоҳнинг тақдири 1468 йили фожиали якун топган эди. Бордию, Жомийнинг Хиёбонга кўчиб ўтиши 1464 йили ёки ундан кейинги йиллари содир бўлган десак, унда ўша воқеаларнинг бевосита шоҳиди Навоий ёзишмаларини шубҳа остига олган бўламиз.

“Хамсат ул-мутаҳайирин”дан кўчирилган парчанинг охирги жумлалар: „...иқса, муҳим илмий қиммат касб этади. Ёхуд ана шу

ерда Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомий билан илк яқинлашуви, тариқат бобида уни ўзига пир сифатида танлагани ва ундан сабоқ олганлиги билан боғлик бўлган барча ишоралар мавжуд. Айрим илмий адабиётларда Навоий 18-19 ёшларида Жомий билан шогирду устоз тутинди, дейилса; бошқа тадқиқотларда бу воқеанинг содир бўлиши султон Ҳусайн Бойқаро ҳокимияти даврига тўғри келади, деб талқин этилади. Фикримиз далили учун биргина мисолни олиб, кўрайлик. Жомий ижодининг истеъододли тадқиқотчиларидан бири Аълохон Афсаҳзод мақолаларидан бирида шундай деб ёз ҳди: “Устод Айний ўзларининг Алишер Навоийга бағишиланган монографияларида Навоий 18-19 ёшларида Жомийга шогирд тушди, деб ёзадилар. Аммо Е.Э.Бертелс Жомий билан Навоийнинг танишуви 1469 йилдан сўнг Алишер Навоий Самарқанддан Ҳиротга келганидан кейингина содир бўлган бўлса керак, деган фикр тарафдори...Навоий 1472 или Жомий шайхи бўлган гасаввуфнинг нақшбандийлик фирмасига киради”. Кўринадики, мақола соҳиби устод Айний фикрини инкор этиб, Е.Э.Бертельсга кўшилгани ҳолда, оу воқеа содир бўлган вақтни 1472 йил тарзида қатъий таъкидлайди. Олимнинг бошқа бир рисоласида эса, 1464-1466 йилларга дуч келамизки, бу даврда Алишер Навоий Самарқандда эди. Навоийнинг ўзи эса бу масалани узил-кесил ижобий ҳал қилишга кўмаклашувчи муайян бир фикрни баён этмаса-да, унинг юкорида эслатганимиз ишоралари шу масалада тахминий хulosаларга келиш имконини беради. Назаримизда, ўшандай таянч ишора вазифасини “султон Абусаид замонининг авоилиғача сокин эрдилар” жумласи ўтгайди. Унинг тарихий ракамлар тили билан шарҳини юкорида кўриб ўтдик. Ўша парчада Абдураҳмон Жомий зиёратига борувчилар табақасининг рўйхати ҳам берилади. Алишер Навоий ўзининг ўша пайтдаги ҳолати ва зиёратчилар сафида бўлганлигини эслайди. Абдураҳмон Жомий остонасини табаррук билувчилар сафида уламо, акобир, ашроф, олийшон умаро, судурлар, вазирлар ва аср подшосининг ўзи ҳам бор эди. Шундан кейин жамиятдаги мавқеига кўра, паст табақага мансуб бўлганлар ҳақида гап боради. Улар бекасу бекўй, ночор, ғарибу ғураболар бўлиб, нажот ила шайхулислом ва нақшбандийлик тариқати сардори даргоҳига умид боғлайдилар. Навоий ўзини кейинги табақа қаторига кўшади.

Тўғри, улуғ ўзбек шоири табиатида хоксорлик хислати хамиша жазава қилиб турган. У ҳеч қачон ўзи ҳақида баланд пардада гапирган эмас. Унинг муҳрига ўйиб ёзилган “Кун оша фи-д-дунё к-ал ғарив ал-факир Алишер”(Бу дунёда ғарив ва факир Алишердек ҳаёт

кечиргил) сўзларини эслашнинг ўзи кифоядир. Иккинчидан, буюк шоир таржимаи ҳолининг босқичларини эслайлик. XV аср 50-йилларининг охири - 60-йилларнинг биринчи ярми Навоий ҳаётининг мусибатли дамлари эди. Чунки Фиёсиддин Баҳодир (Кичкина) оламдан кўз юмган, Алишерни ўз тарбиясига олган маърифатли ҳукмрон Абулқосим Бобир тасодифан вафот этган, таҳт илинжида юрган Ҳусайн Бойқаро куч тўплаш учун Машҳадни тарқ қилган пайтлар ҳисобланади. Устига устак тоғалари - Мирсаид Кобулий, Мухаммад Фаридий султон Ҳусайн Бойқаро қўшини сафида шаҳид бўлғанлар. Ҳурросон таҳтини қўлга олган Абусайд Мирзо эса Алишернинг отасидан қолган мол-мulkни ўз фойдасига мусодара қилди. Ўша машакқатли турмуш синовларини 18-19 ёшлардаги Алишер сабот билан енгди. Модомики, тақдир тақозоси унинг насибасига шундай ёзувларни битган экан, Алишер ўзини Абдураҳмон Жомий зиёратига шошилувчиларнинг кейинги зумрасига қўшишдан бошка иложи йўқ эди. Асар "Хотима" сидаги Ҳожа Дехдорга тегишли бир ҳикоят ҳам бизнинг фойдамизга хизмат этади. Абу Сайд Мирзо мулозаматида юрган Ҳожа Дехдор кунлардан бирида тушида Жомийни кўради ва Ҳазрат унга "Куръон ўқи", дейдилар. Абу Сайд Мирзо шаҳид бўлгач, Ҳожа Дехдор Алишер Навоий хизматига ўтади ва ўша тушини эслайди. Улуғ ўзбек шоири ўз мулозимига Ҳазрати Пир башоратларини бажариш вожиблигини таъкидлайди. Алқисса, Ҳожа Дехдор яхшигина куръонхон бўлиб етишади ва Жомий ҳазратларининг охирги нафаслари пайтида ул зоти мукаррам бошида Куръон тиловати Ҳожа Дехдорга насиб этади. Ўша тафсилотлардан сўнг, ўқиймиз: "Ўз фавтлари воқеасидин ўттуз беш йил (таъкид бизники - Р.В.) бурунрок, ул йилким султон Абу Сайд Мирзо аввал қатла Шоҳруҳия кўргонин бориб қабаб эрди...". Масала равшан: Абу Сайднинг Ҳурросонга ҳужуми 1457 йили бошланган. Салтанатининг "авоили" эса 1459-1460 йилларга тўғри келади, Айтилганлар Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоийнинг илк учрашуви масаласида устод Садрӣдин Айний ўртага қўйган рақамлар ҳақиқатга яқин эканлигини кўрсатади, яъни бу тарихий воқеа 1459-1460 йиллари бўлиб ўтган дейиш мумкин. 1464-1465 ва ундан кейинги рақамлар эса мунозаралидир.



## «БИЗ ИНСОНГА ЖОН ТОМИРИДАН ҲАМ ЯҚИНРОҚМИЗ»...

«Ғаройиб ус-сигар» бағридан ўрин олган бир юзу йигирма еттинчи ғазал шу девон тарқибидә келгән бошқа шеърлардан деярли фарқ қылмайды. Зохир ий унсурларига күра етти байтли, радифсиз, воқеабанд, гоявий мазмуни нұктай назаридан ошикона-орифопа бу ғазал Алишер Навоий бадиий маҳоратининг нодир намунаси дидир. Таъкидлаш жоиз, «Хазойин ул-маоний» тарқибидаги ҳар түргала девонда ҳам ана ўшандай фазилатта молик шеърлар тақчил эмас. Профессор Ҳамид Сулаймон таснифига қараганда, улуғ шоир хаётининг ўрта даврига (35-45 ёшлар) мансуб мазкур ғазал «адашиб» «Ғаройиб ус-сигар»га тушиб колган. Аслида бундай «адашиб»лар «Чор девон»(халқона ном)нинг ҳамма түпламларида ҳам күзатилади. Аруз вазнининг рамали мусаммани мәксур (фоилотүн фоилотүн фоилотүн фоилон) шұғасыда ёзилған ғазал замон ҳукмдори Султон Ҳусайн Бойкаро Мирзо ҳақидаги баланд хотима ойлан интихो топади. Ҳусен тароватининг айрим жиҳатлари каламга олинған азал ҳусусида яхлит тасаввур пайдо күлмек учун унинг тұла матнини күчириш максадға мувофиқдир:

Вахки, ҳар соат бұлурмен васлидин еткач навид.

Ердин умидвор, аммо үзимдин ноумид.

Деди, меҳмөннинг булюб юз жавр ила аллай ҳалок.

Вахки, бор ул шұхнинг ҳар ваъдасында юз вайл.

Қатлим эттинг, айласунлар элтибон күюнгда дағн

Ким, борур жаннатка зулмунг тийғидин бұлған шахид.

Тикти күкісүм чокину тийғин танимда қылди гүм,

Эл эшикни күлғ әтиб туфрокқа күмгандек калид.

Исларам куюнг итининг нечасин, не ишқаким

Онча осойиш димоғимға етурмас мушк бид.

Дүст чун жон ичрадур күй, «нахну акраб» сүзини

Гут бүюн баским, яқинрок келди «мин ҳаблил – варид».

Әй Навоий, шах хаёлин аспа күз мулки аро

Ким, әрур ҳам Боги зөғөн анда ҳам Боги Сафид

(Алишер Навоий. Мұкаммал асарлар түплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Тошкент, «Фан» – 1988. 120-бет). Ғазал таҳлилини унинг матнидаги түшүнилиши кийин бұлған айрим сөз ва иборалар шархидан бошлаш маъсус екүннити.

Эң кримизче, шеър сөхрәрида келгән «наеб» (севинчли хабар, лүшхабар), «тахжид» (курқитиши, огохлағтыши) «чокину»

(аслида чокини, вазн талабига кўра шу шаклда қўлланган), «мушк бид» (толгул, гули хушбўй, тол дарахти), «Боги Зогон», «Боги Сафид» (Хурросонда Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзо ташаббуси билан бунёд этилган боғларнинг номи) сўзлар изоҳга зарурат сезади. Ғазалнинг олтинчи байтида келган ва кўштирнокка олинган икки ибора эса кенгроқ шархни талаб қилади. Аввало таъкидлаш жоиз, байтда ўша иборалар ёрдамида тазмин санъати қўлланган. Яъни мисра ёхуд насрый парчада илоҳий китоблар, кенг шухратли асарлардан мисра ёки сўзлар келтириш йўли билан ифодаланиши лозим бўлган гояни кучайтириб тасвирлаш, яратилажак асар табарруклигини кўтариш учун тазминга мурожаат қилинади. Алишер Навоийнинг эслатганимиз байтида юқорида таъкидланган ҳар иккала мақсад ҳам назарда тутилган. Улуғ шоир Куръони каримнинг кўйидаги оятидан иқтибос олган: «**Ва лақад ҳалакнал инсона ва наъламу ма туvasvisу биҳи нафсуҳу. Ва наҳну ақрабу илайҳи мин ҳаблил варид**» (Куръони карим. Қоф сураси, 16-оят). Кўринадики, ояти кариманинг охириги илоҳий жумласидан байт моҳиятини теран очишга хизмат қилувчи икки ихчам парчага ишора қилинади. Куръони каримнинг янги таржима ва тафсирини яратган Абдулазиз Мансур ўша оятни кўйидагича талқин қилади: «**Иисонни (Биз) яратганимиз, (демак) унинг нафси васваса қиладиган (кўнглидан ўтадиган) нарсаларни ҳам билурмиз. Биз унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдирмиз (мин ҳаблил варид)**» (Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. «Тошкент ислом университети» нашиёт матбаа бирлашмаси. 2004 й. 519-бет). Ояти кариманинг таянч моҳияти келтирганимиз таржимада тўла ифодасини топган. Бироқ Алишер Навоий мисраларининг магзини очиш, мактада келган боғлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун «нахну ақраб»нинг бошқа талқинларига ҳам мурожаат қилишга зарурат сезилади. Масалан «Навоий асарлари лугати»да ёзилади: нахн – кўчат, ёш дарахт, хурмо дарахти; ақраб – чаён. Кўринадики, талқинда иборадағи арабча сўзлар мантиқан бир-бири билан боғланмай қолмоқда. Масаланинг туб моҳиятини очмок учун эса «акраб»нинг бошқа шарҳларини ҳам назардан ўтказмоқ зарур. Жумладан, “Фарҳанги забони тоҷик”нинг биринчи жилдида ўқиймиз: Ақраб – арабча. Наздиктар (яқинроқ) Ақраб - а. Каждум (чаён). 2. Нужумий. Номи буржи ҳаштум аз дувоздаҳ буржи осмон (осмон ўн икки буржи саккизинчисининг номи) (Москва-1969, 115-бет). Эслатилган лугатнинг акрабга доир изоҳи «Минтақат ул-буруж» қўшма сўзига берилган талқинда давом этади. Унда ўқиймиз:

**Арабча, нужумий: Шундай доирадирки, Ер ўз ҳаракатини унда давом эттиради ва ўн икки қисмат (бурж)га тақсимланади: Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мизон, Ақраб, Қавс, Жадий, Даљв, Хут.** Ер ҳаракатининг ана шу буржалардан бирига ўтиши хижрий шамсий тақвимининг бир ойига тенгdir. Айни тақвимдаги ойлар зикри ўтган буржалар атамалари билан номланади (ўша китоб, 691-бет. Таржима бизники). Юқоридаги талқинлардан «нахну акраб»нинг ҳаётий, заминий маъно жилолари ҳам ойдинлашиб қолди: акраб – хижрий шамсийнинг саккизинчи ойи ва исавий-мелодий тақвимнинг 21-22 октябридан 21-22 ноябряга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Ёш кўчагларни (жумладан, хурмо ниҳолини ҳам) ноябрнинг иккинчи ярмида бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтказиш боғдорчилик талабларига тўла мос келади...

Ғазалда инсоний ва Аллоҳга бўлган ишқ тасвири омехта тарзда давом этади: Ошиқ ёр васлидан умидвор ва ундан хушхабар кутади. Бироқ жафокаш ошиқнинг ўзига нисбатан ишончсизлик майли ҳам йўқ эмас. Бундай катта баҳтни (маъшуқанинг ташрифини) юраги кўтара олмай қолиши мумкин. Иккинчи байтда ўша сабаб хақида ойдин бадиий мушоҳада назарга ташланади маъшуқа ошиқнинг юрагига таҳдид солади: меҳмонинг бўламан, аммо менинг жабру жафоларимга дош беролмай, ёргу олам билан видолашувинг мумкин! Гёу эслатилган жараёнлар амалга оша бошлади, ошиқнинг вафоти тайин бўлиб қолди ва у васиятга ўтади: мени қатл эттинг (маъшуқа), аммо турбатим – жасадимни кўйингда (сенга яқин жойда) дафн қилишларига розилик бер. Чунки Сенинг зулминг тифидан шахид бўлганлар жаннатга (oshiқ учун маъшуқанинг кўйи фирдавси аълога тенг) боради. Мана шу нуктада ғазалда мажозий ва хақиқий ишқ талқинида қоришиқлик ёрқинроқ сезилиб қолади: сидқий ошиқ учун маҳбубанинг васлидан кўра изтироблари лаззатли; имтиҳон дунёсида Аллоҳнинг синовларига сабру тоқат билан дош берганлар эса унинг мағфиратидан умид қилса бўлади. Табиийки, бундайлар (шукrona айтиб яшовчи бандалар) жаннатдан (маъшуқа қалбидан) жой олурлар. Навбатдаги байтда айтганимиз манзаралар ҳаётий мисолларда гўзал тасвирини топади: маъшуқа ошиқнинг кўсидаги чокларни тикмоқчи бўлди-ю қўлидаги нина-наштар жароҳатлар ичida йўқолди. Бу элнинг эшикни кулллаф, калитни унинг (эшикнинг) олдидаги тупрок тагига яширганидай гап...

Бешинч байтда яна «ошиконча» можаролар давом қиласи: ишқни қисмат билган ошиқ учун маъшуқанинга эмас, унинг ҳовлисида (даргоҳида) юрган итларни кучоклаб хидлаш ҳам шараф

хисобланади. Негаки, у бу бўйдан олган лаззатни толгулнинг шукуфаларидан келадиган ифордан ҳам тополмайди. Мазкур байтдаги маъно ришталари ҳам замину осмонни бир-бирига улаб туради. Шундай омехталик олтинчи байтда ҳам кузатилади. Айни мисраларда шундай вазифани «дўст» сўзи “бўйнига” олган. Улуғ шоир бу калимани ўз маъносидан ташқари Аллоҳнинг синоними сифатида ҳам кўллайди: жон дўст ва Аллоҳнинг маъвоси инсоннинг қалбидир. Сатрларда Куръони каримдан келтирилган, юқорида шарҳ берганимиз илохий иборалар ана ўша мазмунни ҳар икки жилода ҳам кучайтириш, таъсир кувватини оширишга кўл келган. Ўзлигини унутаётган инсон эсидан чиқармаслиги лозимки, дўст-Аллоҳ унга бўйин томиридан ҳам яқинроқдир. Фазал хулосасида юқоридаги маъно (сидқий, жон дўст) шоир ва шоҳ муносабатлари мисолида заминий моҳият касб этади: Султон Ҳусайн Бойкаронинг нафакат ўзи, балки, унинг хаёли ҳам шоирнинг қалбу кўзида Боги Зоғону Боги Сафиддаги сон-саноқсиз (кўз гавҳараги атрофидағи киприк-ниҳолчаларга ҳам ишоралар йўқ эмас!) кўчатлар мисол ўрнашгандир. Айримлари айтилган мулоҳазалардан аёнлашадики, Алишер Навоий қаламидан чиққан мисралар чинакам сўз санъатининг нодир намуналари ҳисобланади. Бас, шундай экан, улуғ шоир сатрларида жо этган теран маъноларнинг магз-магзига етмоқ учун уларда акс этган ҳар бир ишорани синчковлик билан ўрганмоқ лозим. Ана ўшандагина буюк бобокалонимизнинг умумбашарий гояларини бугунги маънавий-маърифий тарбия жараёнида кўллаш, Таълим тўғрисидаги Миллий дастур ривожланиш босқичи талабларини ҳаётга жорий қилиш баҳти бизга насиб этади.

## "МУХОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН"ДА СЎЗНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросону Мовароуннахр шеърияти осмонида ёрқин бир юлдуз жамол кўрсатиб, дурахшон ёғду соча бошлади. Ким бу сеҳрли юлдуз жилвасини кўрди, кимгадир бу нодир баҳтдан баҳраманд бўлиш шарафи мұяссар бўлмади. Айни нотакрор мўъжизанинг тарих назидаги умри шу қадар қисқа бўлдики, ҳатто унга маъво бўлган само ҳам доғда қолди, ҳаш-паш дегунча у жисман маҳв бўлди, аммо чақиндек чақнаб ўтган мазкур мажозий сайёранинг нурлари шу қадар ўткир эдики, поёнсиз самода ундан ўчмас излар - чараклаган ёғдулар абадий мерос бўлиб қолди. Мана, беш асрдан зиёдроқ муддат кечибдики, инсоният авлоди ўша

чараклаган маънавий зиёдан баҳра олади, унга талпинади...

Ҳа, Амир Низомиддин Алишер Навоий ҳазратлари қолдириб кетган юксак адабий—илмий ҳазина ҳамон пок ниятли, маърифатпарвар инсонлар қалбига маънавий маърифий озука беришда белгили ўринни эгаллаб келади. Бадиий сўз муҳиблари, адабий ижодни ўзига қисмат билган салоҳият сохиблари учун бу илохий истеъдод қалами тухфа қилган мўъжизавий ҳазина ҳамон интилиш, холисоңа сўз санъати мусобақасининг орзу нуктасидир. Адабиёт оламининг ўткир нафасли бир донишманди шундай башорат қилган эди: “Суҳан сўз Абулқосим Фирдавсийгача Курсидан (Арши аълодан, тўққизинчи самодан — Р.В.) Ерга нозил бўлган эди, бу улуғ зот эса ўзининг илохий истеъдоди билан (бир юз йигирма минг мисралик ўлмас “Шоҳнома”си билан — Р.В.) уни (бадиий қаломни) яна Курсининг устига (яъни Арши аълога) чиқариб кўйди”. Қаранг, биргина жумлада улуғ Фирдавсийнинг бадиий сўз равнақига қўшган улкан хизмати ўзининг шу қадар адолатли муносиб баҳосини олган. Яъни ўша жозибали сатрлар туфайли бадиий сўз санъатининг нуфузи Арши аълога кўтарилди! Таъбир жоиз бўлса, туркий қалом — шу тилдаги назму наср улуғ Навоий туфайли ўша мақомни эгаллади. ‘Таҳқир ва ҳақорат ботқоғида’ (Уйғун ва Иззат Султон ибораси) топталмоқда бўлган туркий забон Алишер Навоийнинг жозиб мисра-ю жумлалари шарофати билан “шेърият осмонига кўтарилди”. Дарҳақиқат, сўзни “гуҳари шариф”, “инсонни ҳайвондин жудо айлаган” восита, “илохий неъмат” тарзида улуғлаган Алишер Навоийчалик бадиий қалом қадру қудратини шу даражада юксак тутган, баланд кўтарган яна бир ижодкорни мусулмон мантака адабиётидан топиш амри маҳолдир. Сўзни эъзозлаш, унинг маъно имконият ва жилоларини адабий ижод тажрибасида қўллашда, бутун бўйи-басти билан намойиш қилишда улуғ ўзбек шоирининг маънавий мероси ҳамон танходир. Ана шу даъвони унинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асаридан олинган бир неча жумла мисолида далиллашга ҳаракат киламиз.

“Муҳокамат ул - луғатайн”гача ҳам буюк мутафаккирнинг сеҳрли қалами сўз билан сирлашган, унинг қудрат, назокат ва нафосатини фош этган эди. Улуғ адибнинг ўша талқинларига кўра сўз — илохий неъмат, бағрида не -не сирру синолатларни жо этган мўъжиза; сўз — бадиий адабиёт; сўз -шеърият; сўз-бадиий наср; сўз — мусажжаъ (сажли — ички қофияга эга) сочма; сўз — сеҳрли санъат кошонаси; сўз — мангулик даракчиси; Аждодлардан авлодларга хабар етказувчи оби ҳаёт; сўз — маънавий маърифий

олам мазмун - моҳиятини бағрида асровчи тубсиз хазина; сўз-ишқ розини ошику маъшуқаларга ошкор қилувчи сеҳрли кўшиқ; сўз-инсонларни (элу элатларни бир-бирига ошно этувчи, қалблараро кўприк солиб, уларни бир -бирига яқинлаштирувчи, диллар ва тиллараро алоқа воситаси, қуролидир...

Айримлари тилга олинган маъно қирралари — сўзнинг ижтимоий вазифалари Алишер Навоийнинг адабий ижод амалиётида ўзининг бутун зебу оройиши билан тавсифу талқинини топган эди. Албатта, улуғ шоиргача бўлган даврда, VI—XIV асрларда ибтидо топган туркий тилдаги ёзма бадиий адабиётнинг ташаккули ва тараққиётини инкор этиш адолатдан бўлмайди, У ўз номи билан юритилувчи сўз санъати мақомида мавжуд эди. "Туркий шоҳнома" унвони билан шуҳрат таратган Юсуф Хос Ҳожибининг "Кутадфу билиг", Аҳмад Юғнакийнинг "Хибат ул-ҳақойик", Аҳмад Яссавий ва Сулаймон Бокирғонийнинг ҳикматларида туркий тилнинг гўзал оҳанггу нафосати ўзидан дарак берди. Алишер Навоийнинг ўз таъбири билан айтганда, туркий қавмлар ўргасида довруқ таратган "булағо"лар Мавлоно Атоий, Мавлоно Саккокий, "Маликул — калом" (сўз мулкининг подшоси) Мавлоно Лутфий Шошийлар ўша тилда бадиий каломнинг юксак завқу шавқи ва таъсир кувватини кўрсатишига мусассар бўлишди, Булар инкор қилиш душвор бўлган ҳақиқатдир. Аммо юқорида тилга олганимиз бирон-бир ижодкор туркий тил имкониятларини форсий забон муқобаласига кўйиб, уларни қиёсий ўрганиш, туркийнинг бойлиги ва маънавий имкониятларини ҳам амалда ҳам назарий-илмий ўрганиш вазифасини ўз олдида жиддий мақсад қилиб кўйган эмас. Масаланинг яна бир жиҳатини эслатмаслик ҳам ўртага қўйилган мунозарани бир томонлама ҳал қилишга олиб келган бўлур эди. XV асрда, хусусан, унинг иккинчи ярмида ижтимоий -сиёсий, тарихий - адабий вазиятда туб бурилишлар юз берди. Тарих майдонига келган темурийлар мавқеининг мустаҳкамланиши туркий тилнинг жамият олдидаги нуфузига ижобий таъсир кўрсатди. Айнӣ тил давлат забони мақомига кўтарила бошланди. Табиийки, зикри ўтган сиёсий ўзгаришлар туркий тилнинг адабиёт оламидаги ўрнига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Айримлари эслатилган ижтимоий-сиёсий, тарихий-адабий бир вазиятда Алишер Навоий бадиий ижод майдонига кириб келди ва ана ўша улуғвор вазифалар унинг зиммасига тушди. Улуғ шоир "Муҳокамат ул-луғатайн"да форсий ва туркий тилнинг муқоясавий таҳлилидан сўнг ўз адабий ижодининг бошланиши ҳақида маълумот бераркан, анъянага кўра дастлаб

форсийда шеърлар ёза бошлаганини маълум қиласи: “Аммо чун шуур синига (муайян адабий тажрибага эга бўлгач), — ёзади муаллиф эслатилган китобида, — етғач турк алфозига (лафзига, сўзига, тилига) дағи мулоҳазани лозим кўрулди” (Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 16 —жилд, Тошкент, “Фан” - 2000, 24-25- бетлар. Бундан кейинги парчалар ҳам шу китобдан олинади ва матндан кейин тегишли сахифалар кўрсатиб борилади). Зикри ўтган муносабат билан улуғ шоир туркий тил бойлиги хусусида куйидаги бадиий ва санъатларга йўғрилган ифодали жумлаларни келтиради: "...Оламе назарға келди, ўн саккиз минг оламдин ортуқ, анда зебу зйнат; ва сипехре табъға маълум бўлди, тўққиз фалакдин ортуқ, анда фазлу рифъат; ва маҳзане учради, дурлари кавокиб гавҳарларидин раҳшандарок; ва гулшане йўлукти, гуллари сипехр ахтаридин дурахшандарок..." (25- бет). Ўзи мансуб бўлган тилга муҳаббат, унинг бойликларини пайқаш, у ҳақда бадиий ва юксак завқ билан мушоҳада юритиш бундан ортиқ бўлмас, албатта. Алишер Навоий нигоҳида туркий тилнинг майдони бутун оламдан ҳам йирикроқдир. Унинг сарҳадсиз ҳазинаси шуъла сочувчи ноёб дурру жавоҳиротларга серобдир. Кўринадики, муаллиф илмий асарда ҳам бадиий ва бўёқдор мушоҳада юритиш орқали китобхон эътиборини бош муддаога - туркий лисон назокатига жалб қилишга эришади, Тўғри, буюк мутафаккирнинг мулоҳазалари муболоғадан ҳам холи эмас. Бироқ ўз она тилига баланд ва жўшқин ишқ билан муносабатда бўлган инсонгагина ўшандай ёниқ жумлаларни ёзиш мусассар бўлар эди... Кўчирганимиз парча давомида мана бу жумлалар ҳам назарга етади: “Аммо маҳзанининг йилони хунхор ва гулшанининг тикани беҳадду шумор. Ҳаёлга келдиким, ҳамоноки, бу йилонлар неши наштаридин табъ ахли хирадмандлари бу маҳзандин баҳра топмай ўтуптурлар” (ўша бет). Айни ўспиринлик йилларида Алишер Навоий истиқболида турган турк — ўзбек тили ҳазинани, йўқ маъдан кони ёҳуд сарҳадсиз бир гулшанни эслатар эди. Унда шу қадар кўп жавоҳирот ва анвойи гуллар мавжуд эдики, улар юлдузлар каби беҳисоб ва ёрқин шуълали; гуллари эса жонбахш ҳамда хушбўйдир. Аввало эътибор қилайлик, улуғ шоир нечоғлик рангин ва тизгинсиз ҳиссиёт ила мушоҳада юритган. Илмий асарда шу қадар кўп адабий санъатлар (бадиий тасвир воситалари) ишга солинган. Жумлаларда тащбеҳлар (ўҳшатиш ва ўҳшатилмишлар), тамсилу муболағалар куйилиб, оқиб келади. Кейинги парчада эса талмех ва тазодга мурожаат қилинади. Ривоятга кўра илон ва аждарҳо ҳазинага ўч. Айни маҳлуқлар олтин, кумуш, умуман, жавоҳиротдан ўз

манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятига эга эмас. Бироқ улар ўша хазинани жуда «сергаклик» билан қўриклар ва маъданлар устида ҳалқа уриб ётишдан баҳра олар эмиш. Улуғ шоир талмехни кўллаш орқали ана ўша манзарага ишора қиласди. Туркий тилнинг фойдаланилмаган имкониятлари инсон қадами тегмаган чакалак — чангальзорни эслатади. Унда юришга журъат қилган инсон чангальзорнинг ўша илону ўткир тиканларига дош бермоғи лозимдир. Алишер Навоий таъбирича, туркий тилнинг муҳолиф — душманлари ўша «хунхор илонлар» ва «бехадду бешумор тикан»лардир. Ўз даври адабий ҳаёти анъаналарига танқидий назар ташлаш ва йҳодий йўлдан боришни ўзининг турмуш тарзига айлантирган улуғ шоир туркий тил ғанимлари борасида фикрлашда ҳам ўзининг синашта услугубига содик қолади. «Муҳокамат ул- lugatayn»да шу мавзуга доир ўқиймиз: «...ва қўнгулга андоқ эврулдиким, гўё бу тиканлар сарзаниши зарапидин назм хайли гулдастабандлари бу гулшандин базм тузгучага гул иликлай олмай йўл тутубдурлар» (ўша бет). Алишер Навоийнинг юкоридаги танқиди мулоҳазага чорлади: Чиндан ҳам улуғ шоирнинг ўтмишдошлари сусткашлик қилишган — ми? Масалага адолат тарозуси нуқтаи назаридан баҳо бериладиган бўлса, ўртага қўйилган саволга «йўқ», дея жавоб бериш мумкин. Унда Алишер Навоий ўз танқидида ноҳақ — ми? Йўқ, мунаққид ҳақ. Гап шундаки, XV асрнинг иккинчи ярмига қадар фаолият кўрсатган табъ ахли ҳам туркий тилнинг «маҳзан»у «гулшани»дан ўз насибасини олиб, авлодларга муносиб гулдасталар қолдириб кетишган. Уларнинг иқтидору имкониятлари шуни тақозо қиласди. Алишер Навоий даврига келиб, юкорида таъкид қилганимиздек, ижтимоий-сиёсий, адабий-илмий муҳит ўзгарди. Туркий адабиёт оламида кўлга кирган ютуқлар форс-тожик бадиий сўз санъати эришган кашфиётлар қиёсида ғарип кўринидики, назардан ўтказганимиз танқидни ана шундай изоҳ билан қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Туркий забон адабиётнинг ўн аср давомида кўлга киритган бой тажрибаси ва Аллоҳ берган тизгинсиз истеъдод, етилган илмий-адабий муҳит бирлашиб Алишер Навоийга журъат берди ва у «йilonлар наштарию» «тиканлар заҳрини» писанд билмай она тили «маҳзан»и (хазинаси) бойликларидан баҳра олди, туркий адабий тилнинг байроқдори, асосчиси рутбасига кўтарилди.

Алқисса, бош мавзуга қайтар эканмиз, бу борадаги мулоҳазаларимизни куйида кўчирадиганимиз бир иқтибос ёрдамида баён қилишга уриниб кўрамиз. Мазкур парча китобнинг туғроси — илк сахифадан жой олган. Мана ўша жумлалар: «...Сўз

дурредурким, анинг дарёси кўнгуллур ва кўнгул маҳзанедурким, жамии маоний жузв ва куллдур. Андоқким дарёдин гавҳар ғаввос воситаси била жилва намойиш қилур ва анинг қиймати жавҳариға кўра зохир бўлур. Кўнгулдин доғи сўз дурри нутқ шарафига соҳиби ихтисос василаси била гузориш ва оройиш кўргузур ва анинг қиймати ҳам мартабаси нисбатига бока интишор ва иштиҳор топар. Гавҳар қийматига нечукки, маротиб асрү кўпдур, хаттоки, бир дирамдин юз туманғача деса бўлур» (ўша китоб, 8 — бет).

Кўринадики, улуғ шоир масалага жуда теран муносаба гда бўлади. Мусулмон дунёси бадиий сўз санъатида сайқалланган анъанавий гояни мантикий давом эттиради: сўз илоҳий мўъжиза, сўздур. Иқтибосдаги «ғаввос» ва «дарё» табиий ҳодисага ишора. Аъло навъли жавоҳирот дарё ва денгиз суви остида етилади, Уни ғаввослар - сув остида узоқ тура оладиган обозлар топиб чиқишида, Улуғ шоир «сўз» ва «дур»ни ёнма - ён тутиб тасвирлашда давом этади: Сўз — дур, унинг дарёси кўнгилдир. Кўнгил мазҳар, маншарь. Сўз ана ўша маншаъдан (кўнгилдан) тилга, ундан илоҳий-ирфоний оламга кучади, мазҳар, маншарь бирор нарсанинг кўринадиган, пайдо бўладиган жойи. Иқтибосда эса Аллоҳ иноятининг самараси бўлган сўзнинг пайдо бўлиш маконини англатмоқда. Кўнгил — сўзнинг ва Аллоҳнинг ҳам мазҳари. Унда жузв ва кулл маънолар мужассам, Жузв бўлак, қисм, парча; Кулл — унинг зидди, катта, йириқ, кўп, умумий. Жузв — заррачалар, кулл — мазҳар, куёш; Жузв — олий хильят — инсон; кулл — Яратувчи, Қодири қудрат. Тасаввуф таълимотига кўра, заррачалар мазҳардан (куёшдан) узилиб тушади ва имтиҳон дунёсида покланиб, яна маншаъга қайтади. Покланмаган заррани мазҳар қабул қилмайди ва у энди бақо оламида сарсари кезишга мустаҳидир. Кулл - олами кубро, катта олам, борлик, мавжудот; жузв — олами сурроғ, кичик олам. Олами кубронинг чизгилари олами сурроғда мужассам. Олами сурронинг қалби — кўнгил каъба. Мусулмон оламининг кибласи — Каъба Ҳижоз водийсида жойлашган, кўнгил каъбаси эса инсон қалбидан ва ў Аллоҳнинг (жильвагоҳи) маъвосидир, Шундай, кўнгил каъбаси мусулмон дунёси саждагоҳи Каъбадан устун туради. Кўринадики, улуғ шоирнинг ишоралари замирида шу қадар теран фалсафий-ирфоний маънолар пинҳон қилингандир, кўчирганимиз парчада сўз ва нутқ масаласи ҳам қаламга олинган. Улуғ шоир талқинича сўз ва нутқ тафъкур ҳамда фаросатни эслатади. Сўздан «ўлган баданга руҳи пок етишиш» и илоҳий неъмат эканлигини хис қиласиган фаросатли банданинг нутқида «жавҳар» баланд бўлади. Гавҳар бозорида «бир дирамдин юз туманғача» қийматга эга

жавохирот бўлганидек, ҳолат — ҳодиса сўз мулкида ҳам амал қиласди. Улуғ шоир минг карра ҳақ, «Кудрати атомдан кучли» бўлган сўзни «хас-хашак йиғишга сарфловчилар» (А.Қаҳҳор тъбири) билан бирга унинг илоҳий мўъжизалигини ҳис қилиб қўлловчиларнинг борлиги айни хақиқатдир, Шундан, сўзнинг бадиий қирраларини маромига етказиб кашф этган Алишер Навоий «тилга (сўзга) эътибор»ни «элга эътибор» билан тенг қўйиб, гўзал лутф ва доно башорат этмишлар...

## БЕШ ҲАЙРАТ САБОҚЛАРИ

Амир Низомиддин Алишер Навоий қолдириб кетган улкан маънавий мерос ноёб тафаккур сарчашмасидир. Уларга ружуъ қилганинг, улар атрофида изланганинг сайин янги-янги маъно жилғалари оқиб чиқа беради. Улуғ мутафаккирнинг шундай бадиий яратмаларидан бири «Хамсат ул-мутаҳайирин»дир. Маноқиб жанрига мансуб мазкур асар Нуриддин Абдураҳмон Жомий вафотидан бир йил кейин (1414-1492) ёзила бошланган. «Муқаддима», «Хотима» ва уч мақолатдан таркиб топувчи асарда муршиди комил Жомий ҳазратлари умр йўлининг нурли лавҳаларини тарихий-бадиий йўсинда ёритиш асосий мақсад ҳисобланади. Алишер Навоий ана ўша ҳаётий манзараларни танлашда алоҳида маҳорат кўрсатадики, натижада ҳар қандай китобхон ҳам уларни ўқиганда алоҳида хаяжонга тушмай иложи йўқ. Шундан, замонавий навоийшуносликда «Беш ҳайрат» «Хамсатул-мутаҳайирин»нинг синоними тарзида кўлланади. Асар ибтиносидан интихосига қадар келадиган ҳар бир сарлавҳа, жумла-ю ташбех зикри ўтган бош муддао йўлида хизмат қилдирлади.

Ҳаётда алоҳида иқтидорга эга инсонларнинг яшаб ўтиши айни ҳақиқатдир. Илоҳий иноят, марҳаматнинг ҳаммага уланиши аён. Аммо айрим бандаларига нисбатан яратган Қодир эгам нурини саҳовату илтифотини дариф тутмайди. Бундай назаркарда инсонлағ муайян халқ тарихида, маъвою маконда ҳар юз ёхуд ундан-да кўпроқ йилларда бир марта дунёга келади. Нуриддин Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар тожику ўзбек халқлари маданий-илмий, адабий-ирфоний ҳаёти саҳифаларини нурафшон қилиб ўтган ана шундай улуғ сиймолардир. Бу икки улуғ аллома ўртасида йигирма етти йиллик умр масофаси ётишига қарамасдан, улар бир-бирларини ишорадан тушунишган, кўнгил истакларини кутилганидан чандон зиёда қилиб ижро этишган. Шундай гапни Абдураҳмон Жомий ва

Алишер Навоийларнинг нафақат шахсий ҳаётлари, балки ижодий тажрибаси хусусида ҳам айтиш жоиздир. Муддао муаллак қолмаслиги учун, биргина адабий далилни назардан ўтказайлик. Алишер Навоийнинг туркий тилдаги асарлари «етти-саккиз ёшдин» (улуг шоирнинг «Хазойинул-маоний» дебочасидаги ўз эътирофи) ёзила бошланганлиги маълум. Унинг отахони дарвеш Саййид Ҳасан Ардашерга Самарқанддан юборилган шеърий мактубидаги эътирофига биноан, 24-25 ёшлардаги шоир учун бир кунда «юз-икки юз байт айтиш ҳолва ейиш» билан баробар зди. Ана шундай жўшқинлик ва шиддат, илхому завқ билан ижод қилган улуг шоир нега девон тартиб беришга рағбат кўрсатмади? Тўғри, 1465-1466 йилларда шеърият муҳиблари ўзлари ташабbus кўрсатиб ихчам бир тўплам тартиб бердиларки, уни «хаттотлар қибласи» Султон Али Машҳадий китобат қилди ва замонавий навоийшуносликда бу мўъжаз китоб «Илк девон» номини олди. Улуг шоирнинг ўзи эса замон ҳукмдори, эмуқдош ва мактабдош дўст Султон Ҳусайн Бойқаронинг қистови билан «Бадоеъул-бидоя» ҳамда «Наводиун-ниҳоя» девонларини тузди ва бу борадаги сокинлик яна давом этди. Нега? Саволлар максадли ва пишиқ жавобларни кутади. Улуг Навоийнинг тизгин билмас, түғёнли илхому истеъоди олдида кичик девонлар салобатсиз, майда бўлиб кўринди. Унга Амир Хисрав Дехлавийнинг муайян ижодий интизом негизида тузилган, умр фаслларини ўзида акс эттирган, ҳар бир китоби рамзий номлар билан таъмин қилинган, беш девонни ўзида мужассам этган асари маъкул зди. У ана ўшандай бир йигма мажмуани ўзбек шеърияти бўстонида чароғон юлдуз мисол шуъла сочиб туришини орзу қиласди. Айтишингиз мумкин, марҳамат, тузсин, ким унга халакит берди? Маъно ришталарининг барча-барчаси ана шу саволга келиб боғланади. Дарвоқе, нима монеълик қилди? Жавоб эса ихчам ва лўнда: тариқат одоби, муршид, устоз, маслакдош дўст наздидаги юксак эҳтиром улуг Навоий хохишини тизгинлаб турди. Абдураҳмон Жомийдан олдин шундай улкан ижодий йшга қўл уришни фақрликни умр мазмунига айлантирган Алишер Навоий ўзига эп билмади. XV асрнинг 80-йилларига келибгина у муршиди комилга шу ҳақда ишора килиш учун ўзида журъат топа олди. Абдураҳмон Жомий бундай эзгу истакни хушнудлик билан қабул қилиб, ўлимидан бир неча ой муқаддам «Фотихатуш-шабоб», «Воситат ул-икд», «Хотимат ул-хуют»дан иборат қуллиётини тартиб берди ва Алишер Навоий учун ҳам ок фотихага қўл очилди. Алкисса, 1492-1498 йиллар оралиғида «Хазойин ул-маоний» йигма девонлари рўшнолик кўрди... «Беш

хайрат»да бундай ибратли лавҳалар бағоят кўп. Шавкат Аҳмад ўғли Ҳайитовнинг «Баркамол инсон тимсоли» рисоласи биз бир шингилгинасини назардан ўтказганимиз инсоний муомала-муносабат маданиятининг теран таҳлилига бағишиланади.

Таъкидлаш жоиз, «Хамсат ул-мутахаййирин»ҳақида жуда кўп ёзилган. Улар бир жойда жамланса, бир неча китоб бўлади. Улуғларнинг қалами тухфа қилган рисолалар тубсиз уммонга ўхшарканда, унга шўнгиган ҳар бир ғаввос ўз насибасини топиб чиқади. Шавкатнинг янги китоби хусусида ҳам шу таъбир қўлланса, муболага бўлмайди. Муаллиф «Хамсатул-мутахаййирин»га комил инсон қиёфаси манзарапари нуқтаи назаридан дахл қиласкан, мақсад ва вазифасига мавофиқ яхши гаплар топади. Маноқиб асардаги ибратли лавҳаларни хотирида мустаҳкам сақлайди, уларни давр адабий-илмий муҳити қиёсида теран таҳлил қилишга эришади. Шавкатнинг дикқат марказида асарнинг бош қаҳрамони Абдураҳмон Жомий шахсияти, унинг Ҳирот маданий ҳаётидаги мавқеи, нақшбандия тариқатининг пиру муршиди бобидаги ирфоний-ижтимоий фаолияти туради. Рисола муаллифи жуда кўп мумтоз ва замонавий тадқиқотчиларнинг асарларидан хабардор. Китоб сахифаларида уларга мурожаат қиласди, муносабат билдиради. Алишер Навоий маънавий меросини, хусусан, «Хамсатул-мутахаййирин» асарини, шунингдек, Нуриддин Абдураҳмон Жомий баркамол сиймосини Куръону ҳадиси шарифлардан етарли билимга эга бўлмай, маромига етказиб ўрганиш, таҳлил қилиш кутилган натижани бермайди. Шавкатдаги ана ўшандай маромдаги билимдонлик рисола ютугини тайин этган омиллардан биридир. Алқисса, «Баркамол инсон тимсоли» фазилатларга бой. Айникса, унинг бугунги миллий мағкура тамойиллари тарғибу ташвиқи йўлида холисона хизмат қилишини таъкидлаш жоиз. Мен Шавкатнинг китоби баҳсталаб ўринлару нуқсонлардан мутлақо холи деган фикрдан йирокман. Улар ҳакида холисона, илмий адолат мезонлари асосида фикр юритиш Сизнинг хукмингиздадир, муҳтарам китобхон! Шундай қилингандা, катта илм йўлида турган, ўзига хос равон ва ширали ёзиш услуби шакланган тадқиқотчига кўмак берган бўлардингиз.

Мен эса навоийшунослик оламига катта ихлосу иштиёқ билан кириб келаётган Шавкатга улкан илмий зафарлар тилаш билан бирга, ундан янада мазмундор, янги гапларга сероб, ширин-шакар ишлар кутаман.

## ИЙМОН - ПОКЛАНИШ МАНЗИЛИ

Маънавий кадриятлар, адабий мерос ва исломий эътиқодга муносабат тубдан ижобий томонга ўзгарган юртда Ватан келажаги, истиқболини таъмин қилувчи куч ёшлардир. Бугун ана ўша умидли авлоднинг баркамол тарбияси муаммолари давлат мақомига кўтарилигандан йулбошчининг эътиборида турган экан, уларни аждодларимиз маънавий хазинаси оламига олиб кириш, ўша умумисоний ғоялардан баҳраманд этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу йўлда И.А.Каримовнинг «Инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва сабит эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди» («Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби»(23-бет), - каби доно кўрсатмалари ғоявий асос вазифасини адо этади. Шу талабга таяниб биз бу ишимизда Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достони мисолида айрим мулоҳазаларимизни баён этишга уриниб кўрамиз. Достон улуғ шоир «Ҳамса»си таркибидаги биринчи - муқаддимавий ва дастурий асардир. Ана шу маснавийда комил инсон қиёфаси манзараларининг асосий чизгилари ихчам ва лўнда хуласалар шаклида ўзининг бадиий ифодасини топади...

Улуғ шоир нуктаи назарида иймон – комилликнинг таянч белгиси. «Ҳайратул-аброр» биринчи маколатининг иймоннинг бадиий шархига аталиши ҳам шундан далолатдир. «Ҳамса»нинг таянч масаласи инсони комилнинг замонлар имтиҳонидан ўтишга ярагулик ибратли тимсолини яратиш экан, улуғ шоирнинг мавзуу ибтидосини иймондан бошлиши тасодифий ҳодиса эмас, албатта. Бу ҳақда Алишер Навоий достонда тоят аниқ ва мақол даражасида сайқалланган мана бу сатрларни ёзиб колдирган:

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,

Балки нишони анга иймон эрур.

(Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 7-жилд, 100-бет. Бундан кейин МАТ, жилд ва тегишли саҳифа кўрсатиб борилади.)

Ийлон – инсонийлик ва виждонлиликнинг ҳал қилувчи фазилати. Ҳазрати Одамни ҳайвондан фарқ қилишнинг «тенгри каломи» каторида туришга лойиқ аломатларидан яна бири ана ўша иймондир. Ҳамиша ишончли қиёслар ёрдамида ўз нуктаи назарини баён этишга одатланган улуғ ўзбек шоири зикри ўтган синашта бадиий услугига амал киласида ва бир неча сайқалланган байтда инсон ҳамда ҳайвонни бир-биридан ажратишга кўмак берувчи аломатларни юзлаштиради. Бунинг учун улуғ шоирга мукояса орқали тасвир жараёнини кучайтириш, муайян масалага доир

тўлиқ мулоҳазани юзага чиқариш имконини ҳозирловчи ҳаётий воқеа-ҳодисаларни ёнма-ён кўйиб ифодалаш (параллелизм) санъати тўла қўл келган. Алқисса, улуғ шоирнинг иймонга тегишли журъату қатъиятга лиммо-лим бадиий талқинлари қуидагича давом этади:

Бас ани инсон атагил бериё,  
Ким ишидур сабр ила шукру ҳаё.  
Буйла буюрди набии Ҳошимий,  
Ким бу уч иймоннинг эрур лозими.  
Бас ани инсон демак ўлғайраво,  
Ким иши иймон била топқай наво. (МАТ, 7-жилд, 201  
-бет).

Ҳар қандай ансонни ўзлигидан, ахлоқий маънавий меъёрлардан сабрсизлик, ношукурлик ва ҳаёсизлик чиқаради. Унинг зиддини (сабру шукру ҳаёни) турмуш тарзига айлантирувчи каноатли инсонлар эса комиллик пиллапоялари узра дадил одим ташлайдилар. Улуғ шоир қатъий ургу билан рангин мисралар қават-қаватларига сингдирилган айни ўша уч фазилатни Худонинг суюкли ва охирги пайғамбари Мұхаммад алайхиссалом номидан келтиради. Шундан сўнг иймоннинг шаръий талқини берилади. Шариати исломияга кўра иймоннинг олти шарти мавжуд: булар-Аллоҳнинг биру бор ва азалию абадийлигини эътироф қилиш, нафс олойишларидан холи малойикларнинг мавжудлигига шубҳа қилмаслик; осмоний-илоҳий китобларга қатъий ихлос билан қарамоқ; Аллоҳнинг набию расулларига эътиқод қилмоқ ва эргашмоқ; Инсон тақдирида кечадиган барча яхшию, ёмон ҳолат-ҳодисаларнинг азалий (зинҳор уларнинг содир бўлишини бировдан гумонсирамаслик) эканлигини эътироф қилмоқ; Қиёмат кунининг (ўлишнинг қайта тирилиши борлигига ишонч) ҳақ эканлигини ҳеч қандай иккиланишларсиз қабул қилишдир. Алишер Навоий шариати исломияда аниқ ифодасини топган мазкур талабларга шариат қонунлари нуқтаи назаридан нимадир янгилик киритган эмас. Шундай гапни улуғ ўзбек шоиригача ва ундан кейин ҳам фаолият кўрсатиб, фикҳга (ислом қонуншунослигига) дахлдор асарлар ёзган муаллифлар хусусида ҳам айтиш жоиздир. Масалан, Захириддин Мухаммад Бобур исломнинг беш руқнига доир беш шеърий рисолалар яратиб, уларни ягона муқовада бирлаштириди ва «Мубайин» (шарҳланган, изоҳланган, талқин берилган) деб ном берди. Бобур ҳазратларининг заковатига қойил қолиш лозимки, у ўзи бажарган ишнинг мазмун-моҳиятини биргина сўздан иборат сарлавҳада акс эттиришга муюссар

бўлган. Алишер Навоий ва бошқа фақеҳлар (ислом қонуншунослари) учун ҳам Заҳириддин Бобур юрган йўлдан ҳаракат қилиш хукуки берилган, холос. Бундай қатъиятнинг бошида эса чаҳор ёри босафоларнинг биринчиси Абу Бакр Сиддик туради. Жаноби расули акрам вафотидан кейин ислом аҳкомларини тафтиш, ислоҳ ва таҳrir қилишга интилишлар бошланган. Ана шундай бир вазиятда Абу Бакр Сиддик «Исломдаги бир сўз ўёқда турсин, бир ҳарфни ўзгартириш ниятида бўлганларга жавобим қиличдир», - деда жиддият кўрсатади. Ўша овоз ҳамон ислом дунёсида жарангдор акс-садо бераётir. Шундан бўлса керак, исломнинг таянч манбалари – Куръони мажид ва ҳадиси шариф мутлако ўзгаришга учраган эмас. Нақшбандия тариқатининг XV-аср Хуросон ва унинг атроф ҳудудларидағи пиру муршиди, шайхул-ислом ва шоир Абдураҳмон Жомий ҳазратларидан сўрадилар:

- Ҳазрат, бир нимадан бир нимани олса бўлур. Шариатдин ҳам бир нимани олса бўлурми?

Ҳазрат жавоб берадилар:

- Бир нимадин бир нимани олса, бир нима қолур. Аммо шариатдин бир нимани олса, ҳеч нарса қолмас!

Эътибор қилинг, Абдураҳмон Жомий ҳазратларининг жавобида ҳам сиддиқона оҳанг бор. Аммо унинг ифодасида мулойимат ва назокат баланд. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Абу Бакр Сиддикнинг ҳукми ўз ҳимоясини топгани учун ҳам замонлар оша ислом дунёсида бирдай амал қилиб келади.

Сидку садоқати бутун инсонларда тил ва дил мувозанатининг таносуби мутаносиб келиши, бирлиги ўзак масала ҳисобланади. Калимаи шаҳодат, салот-намоз, савмаа-рӯза, закот ва муқаддас ҳаж тавофи сингари руқнлар негизини ҳам инсоннинг руҳий-маънавий покланиши билан алокадор мураккаб жараёнлар ташкил қиласди. Масала равshan, исломнинг ҳам, тасаввуфнинг ҳам олий илоҳий, мўъжиза - Инсон ташвиш-тараддузи, жисмоний-ахлоқий, маънавий-руҳий тозаланиши, покланишидан бошқа мақсад-муддаоси йўқ экан. Шунинг учун ҳам заковатли, илму маърифатли аждодларимиз, жумладан, Алишер Навоий ҳазратлари ҳам бири-иккинчисини тўлдириб, тадрижий такомиллаштирувчи ислому тасаввуфий тоялардан бадиий ижод жараёнида кўш қанотлардек фойдаланиб, улуғ савобга доҳил бўлганлар. Зоро, «Ҳайрат ул-аброр»нинг ҳар бир сатрини (ҳа, ҳар бир сатрини!) исломий-тасаввуфий, илоҳий-ирфоний, шуъла нурлантириб, ҳарорат баҳш этиб, мусаффолик, беғуборлик ёғдуси ила мунаvvар килиши айни ҳақиқатdir. Истиқтол

мафкураси эса бадий адабиёт, қадимий маънавий меросимиз бағрида яшаб келган ўша рост гапни журъат билан айтиш учун шартшароит берди. Бугун ана шуларнинг барчасига мұяссар айлагани учун Қодир эгамга беҳад шукронда ва ҳамду санолар айтишга бурчлимиз.

Кўринадики, ўргага қўйилган барча ахлоқий тамойилгалиблар бир нуқтага – и – абиатида мавжуд бўлган номақбул ҳатти-ҳаракатларга қарши қаратилгандир.

Улуғ шоирнинг муболагага урғу бёриши, ҳайратангиз лавҳалар буёгини қуюқлаштиришдан кўзлаган бош муддаоси, бизнингча, ўша мисраларнинг ғоявий-бадий таъсирчанлиги, ахлоқий-тарбиявий моҳиятини оширишдан иборат эди. Жаннатий лаззатлар, дўзахий азоблар, етти газли мақбара-ю, Ҳазрати Али үзлудулининг (маҳобатли отининг) сехрли туёқ излари, ғойибона кудрат туфайли пайдо бўлувчи ҳаётбахш чашмалар – хуллас, инсон қалбида баъзан ширин туйғу, гоҳида даҳшатли қўрқув уйғотувчи мўъжизавий манзаралар орқали ҳам юксак инсоний фазилатлар, ахлоқий-тарбиявий ғоялар илгари сурилган. Ҳаромга қўл чўзган банда дўзах оташида қовжираш, закқум дарахти мевасини татишдан содир бўладиган даҳшатли қийналишни кўз олдига келтиаркан, унинг вужудини довдираш, қўлларнинг қалтирашидай ҳолатлар чулғаб олган, албатта. Табиийки, бундай манзаралар уни худобоҳ абарликка даъват этиб, яшашнинг нопок йўлидан қайтарган.

Ёхуд обод охирагтда, кавсар ҳовузи агрофидаги хушманзара йўлакларда, роҳату фароғатда бокий ҳаётининг ўтишини кўз олдида гавдалантира олган иймонли мўъмин-мусулмон эса нафсиға эрк беришдан кўра, уни жиловлашни афзал кўрган.

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни эслагимиз келди. Инсон нимадандир ҳадиксираши, қўрқув туйғусини хис қилиб туриши зарурдай кўринади. Акс ҳолда, у босар-тусарини эсдан чиқариб вахшийлашиб кетади. Шундан бўлса керак, Қуръони каримнин деярли барча сура-ю оятни кудсийларида Яратган кодир эгам башорати-ла Одам Ато зурриётларини қўрқувга даъват қилиш марказий ўринда туради.

Булар - ибрат, ўқилмаган ҳаёт сабоги, мурдорлик, булғанишдан ҳазар қилишга даъват, эзгулик, ростлик, сидку садокат, луқмаи ҳалолга интилиш, қаноат паноҳида маънавий-рухий олам остонасини тавоф қилишга чақиришdir. Истиклол мафкурасининг таянч мақсад-муддаоси ҳам муборак юртимизда ана ўшандай

комиллик садоқатига йўл солишдан иборатдир...

Маънавий манбаларда комиллик дастлаб юртни бошқарадиган инсонларда жамол кўрсатмоғи лозимлиги таъкидланади. Дарвоқеъ, Алишер Навоий талқинида ҳам иймону инсоф ҳамдами, адлу диёнат, «ростию русти» фаолият дастурига айланган йўлбошлиси бор маконда ғайри инсоний иллат ва саъю- ҳаракатларнинг йўли тўсилади; маънавий дунёси бой, маърифати баланд шохгина уволу савобларни ўз вактида илғайди, тафаккур нури билан мухокама юритади, жаҳолату хиёнатни бартараф этади, - дейди улуғ шоир.

Алишер Навоий асарларидаги бундай доно фикрлар бугун учун ҳам замондошdir. Давлатнинг адлу амният билан бошқарилиши, биринчи раҳбарнинг маънавияту маърифатга таяниши, элулус, юрт ишқи билан ёниб, фидойилик кўрсатишининг ширин мевалари Она-Ўзбекистонни дунёга танидди. Улуғ шоир нурли сиймосини юрт пойтахтининг қок ўртасидаги кўркам миллий боғда ўрнатиб, унинг пок этакларини тавоғ қилган, пойига анвойи гуллар кўйиб, асарларига кенг йўл очган, ўлмас ғояларига таянган мамлакат ҳам, шу улуғ зотнинг умумбашарий фикрларини дастуриламал мақомида тан олган ҳалқ ҳам сира кам бўлмагай. Иншоolloҳ шундай, бўлғусидир.

## «АХЛОҚИ МУҲСИНИЙ»—НОДИР МАЪНАВИЙ-БАДИЙ АСАР<sup>15</sup>

Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий қаламига мансуб мазкур асар муаллифнинг шоҳ илмий-бадиий яратмаларидан бири бўлиб, 1495 йилда Султон Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг ўғли Абдулмуҳсин Мирзога бағишилаб ёзилган. Шундан бўлса керак, асар «Ахлоқи Муҳсений» номи билан шуҳрат тутади. XV асрнинг иккинчи ярми Хуросон адабий муҳитида эътиборли мавқега эга бўлган маърифатпарвар бу адаб қомусий истеъод соҳиби эди. «Мажолис ун-нафоис»да Алишер Навоий Кошифий ҳақида катта ихлос билан мулоҳаза юритган: «Оз фан бўлгайким, даҳли бўлмагай. Ҳусусан, вазъ, иншо ва нужумки, анинг ҳақидур ва ҳар қайсида мутаайин ва машҳур ишлари бор ва мусаннафотидин бири «Жавоҳир ут-тафсир»дурким, «Албақара» сурасин бир мужаллад битибдурким, мунсифи катъ била юз жуз бўлғай»<sup>16</sup>

<sup>15</sup> Ушбу макола М.Махмудов билан ҳамкорликда ёзилган.

<sup>16</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жиллиқ. 13 жилд. Тошкент, 1997. 119- бет.

Сабзавор вилоятининг Байҳақ нохиясида тахминан 1420 йилда дунёга келган адабнинг йигирма йилга яқин умри ўша даврнинг гавжум илмий-адабий, ижтимоий-маданий маркази бўлган Ҳиротда кечган. У ўзининг саксон беш йиллик умри (вафоти 1505) давомида қирқقا яқин илмий-бадиий асарлар мерос қолдирган. Адабнинг ахлоқ, таърих, тасаввуф, илоҳиёт, риёзиёт, фикҳ, илми адабга доир сермазмун ва жиддий тадқиқоглари унга катта шуҳрат қелтиради. Ҳусайн Войиз Кошифийнинг «Ойинаи Искандарий» ёхуд «Жоми Жам» ва «Бадоеъ ул-афкор фи саноеъ ул-ашъор» асарлари унинг шеърият ва адабиётшунослик бобидаги ноёб салоҳиятидан сўзлайди. Алишер Навоийнинг «Мавлоно зуфунун ва рангин ва пуркор воқеъ бўлубдур»<sup>17</sup> каби юксак таърифига лойик кўрилган Ҳусайн Войиз Кошифий, айниқса, илми нужумга доир «Сабъаи Кошифия» (Кошифийнинг фалакиётга доир етти рисоласи) ва иншо санъати сирру синоатлари талқинига бағишлиланган «Махзан ул-иншо» асарлари билан замондошларини ҳайратга солган. Куръон тиловатидаги маҳорат, умуман, қироат санъати адабнинг ўз мулки хисобланган. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Султон Ҳусайн Бойқаролар даврасида янги битилган шеърларни ўқиш, Куръони каримни тиловат қилиш Ҳусайн Войиз Кошифийга топширилган. Қомусий салоҳият соҳибининг воизлик санъатига доир истеъоди ҳам илму маърифат аҳлини лол қолдирган.

Ҳусайн Войиз Кошифий ҳақида ҳамон жиддий тадқиқот ишлари амалга оширилган эмас. Қомуслардаги маълумотлар<sup>18</sup>, айrim мақола<sup>19</sup>, нашр бўлган асарларига ёзилган сўзбошиларни<sup>20</sup> истисно қилганда, яхлит бир илмий ишнинг йўклиги Ўзбекистону Тожикистон адабиётшунослигининг бу закий аллома руҳи мунаввари олдидаги катта қарзидир.

Ҳусайн Войиз Кошифий қолдирган маънавий мерос таркибида тасаввуф ва ахлоққа доир насрый-бадиий яратмалар муҳим ўринни

<sup>17</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13 жилд. Тошкент, 1997. 119- бет.

<sup>18</sup> Энциклопедияи тоҷик. Жилди 3. Душанбе, 1981. С. 497; Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Жилди 2. Душанбе, 1989. с. 67.

<sup>19</sup> Аҳмадов М. Ҳаёт ва мероси илмию адабии Ҳусайн Войиз // Чанд мулоҳизаи адабӣ. Душанбе, 1973.

<sup>20</sup> Калила ва Димна (Аз рӯи “Анвори Суҳайлӣ”-и Ҳусайн Войиз Кошифӣ. Душанбе, 1979. С. 5-19; Ҳусайн Войиз Кошифӣ. Калила ва Димна. Душанбе, 1989. С. 5-18; Ҳусайн Войиз Кошифӣ. Футувватномаи султонӣ. Ахлоқи Мухсинӣ. Рисолаи Ҳотамия. Душанбе, 1991. С. 5-24; Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Форс-тоҷик тилидан Нажмиддин Комилов таржимаси. Тошкент, 1997. 166-275- бетлар.

эгаллайди. Айни силсилада «Футувватнома султония», «Ахлоқи Мұхсиний», «Рисолай Ҳотамия» асарлари алоқида ажралиб туради. Мазкур рисолаларни соғи илмий китоблар дейиши түғри эмас. Чunksак бадиий завқ сохиби бұлган мұаллиф деярли барча асарларида қоришик ифода услубида (илмий-бадиий) мушохада юритади. Шунингдек, мұлоқазаларининг таъсирчанлигини ошириш, китобхонни зериктирмаслик, унга үтіт беріш билан бир қаторда, қалбидә завқ-шавқ үйғотиши мақсадида рисола сахифаларида шеърий парчалар, ибратли ҳикоят ва лавҳаларга ҳам тез-тез мурожаат қиласы, айни жиҳатлар теран илмийлик қаторига нағис бадииятни ҳам қўйиб қўяди. Ана шундай ҳароратли қоришик услубий жило «Ахлоқи Мұхсиний»нинг ибтидосидан интиҳосига қадар назарга ташланади. Ушбу ахлоқий-ирфоний рисола қирқ бобдан таркиб топади — асарда инсоннинг ахлоқий-маънавий балоғати учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик қирқ олижаноб фазилатлар хусусида қизиқарлы мұлоқазалар ўртага ташланади. Бунинг учун Ҳусайн Воиз Кошифий мусулмон миңтақа адабиётида шаклланган пандномачиликнинг бой адабий тажрибалариға таяниб иш қўради. Шу маънода, «Ахлоқи Мұхсиний» сахифаларида Имом Мұхаммад Фаззолийнинг «Кимёи саодат»у Шайх Саъдийнинг «Бўстон» ҳамда «Гулистон», Унсурулмаолий Кайковуснинг «Қобуснома» асарлари, Шайх Саноий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий сингари улуғ алломалар нафаси туюлишидан ажабланмаслик лозим. Рисолада шукр, сабр, ҳаё, таваккал, поклик, адаб, олиҳимматлилик, аҳд, жидду жаҳд, адолат, аҳду вафо, аҳду паймон, рафокат, хайру эҳсон, тавозузъ ва эхтиром, диёнат, сидку садоқат каби хилма-хил масалалар ўзининг теран ахлоқий-маънавий, илохий-ирфоний, илмий-бадиий талқинини топади. Китоб сахифаларидан XV асрнинг иккинчи ярмида ҳозиржавоблик билан фаолият кўрсатгани қомусий алломанинг нурли сиймоси ва бағоят баланд заковати намоён бўлади. Ҳусайн Воиз Кошифий тафаккурининг кўламдорлиги унинг жумлаларига рангу маъно баҳш этган.

Асрнинг замон ҳукмдори ўғлининг номи билан аталиши тасодифий эмас. Чunksак мұаллиф ҳар бир сўзию панду ҳикматини шоху шахзодаларга қаратади, уларни инсофу иймон, дину диёнатга даъват қиласи. Мұаллифнинг қатъий ишончига кўра, салтанат бошида турғанлар нечоғлик ҳалол, покиза, инсофу саховатли бўлишса, мамлакат шу қадар чирой очади, аҳоли фаровон турмуш кечиради. Ана шундай майлни «Ахлоқи Мұхсиний»нинг шукр борасидаги биринчи бобида ҳам ёрқин кўриш мумкин.

Муалифнинг таъкидига биноан, подшохга салтанатни насиб этгани учун ҳам у Парвардигори каримга шукронга айтмоғи лозим. Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросон ва унга чегарадош бўлган қатор вилоятларда нақшбандия тариқати таянч эътиқод сифатида шуҳрат пайдо килди. Инсонпарвар бу таълимотнинг муршиди комили рутбасида дастлаб Саъдиддин Қошфарий, унинг вафотидан сўнг Абдураҳмон Жомий фаолият кўрсатди. Хуросон худудида яшаган жуда кўп пок юракли инсонлар, жумладан, Алишер Навоий, Шайхим Сұхайлий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби ижод ахли ҳам ўша муршиди комил этагини тутиб, нақшбандия тариқатининг ҳаётсеварлик ғояларини тарғиб килишда ибрат намуналарини кўрсатдилар. Айни таълимотнинг таянч талаблари сирасига илм ва амал, тил ва дил бирлигини киритиш жоиздирки, «Ахлоқи Муҳсиний» асари қаторлари мағиз-мағзига ана ўша олижаноб ғояларнинг сингланлигини пайқаш қийин эмас. Чунончи: «Шукр ҳам ба дил бошаду ҳам ба забон... Ҳар узверо аз аъзо ба тоате, ки бад-он узв махсус аст, машғул гардонад» (Мазмуни: Шукр ҳам дилда ва ҳам тилда бўлсин... Тоат жараёнинга иштирок этадиган ҳар бир аъзога ана шу фазилатни ҳамроҳ айласин).<sup>21</sup> Замонасининг донишманд ахлоқшуноси ва факиҳи шукрга дахлдор мушоҳадаларини баён қиларкан, инсон жисмидаги ҳар бир аъзога таалтуқли вазифаларга алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтади. Муҳими шундаки, тилга олинадидиган каттаю кичик ҳар бир шаръий-маънавий бурч замирида ижтимоий-ахлоқий ғоя ётади. Жамиятдаги тобеъ ва муҳтоҷ табақа, таҳдири салтанат ҳукмдорига бевосита дахлдор бўлган оддий ҳалқ манфаатларининг дахлсизлигига қатъий ургу берилади. «... Тоати чашм он аст, ки назар дар муҳолифот ба ибрат кунад ва дар уламову сулаҳо (некмард) ба назари ибрат бингарад ва дар заифону зердастон ба шафқат нигоҳ кунад. Тоати гўш истимои калом ва ахбору қисаси акобирон ва панду расоехи машоих ва ахли яқин аст. Тоати даст эҳсон ба факирону мўҳтоҷон. Тоати пой рафтан ба мавзеи дарвешону гўшанишинони бетамаъ ва зиёрати уламо мебошад» (Мазмуни: Кўзнинг тоати (хатто) муҳолиф кучларга ҳам ибрат назари билан боқмоқ ва уламо ҳамда холис кишиларга хайриҳоҳлик билан қарамоқ, кўли остидаги ожизу нотавонларга шафқат нигоҳи билан назар ташламоқдан иборатдир. Кулоқнинг тоати акобирларнинг сўз, хабар, қиссаларини, машойих

<sup>21</sup> Ҳусайн Воизи Кошифий. Футувватномаи Султония. 126- бет. Бундан кейинги мисолларнинг садиқлари кавс ичидаги кўрсатилади. Форсий матнларнинг мазмуни бизнинг таржимамизда берилади.

ва ахли яқиннинг насиҳату панду ҳикматларини эшитишдир. Кўлнинг тоати фақиру мухтожларга эҳсон улашмокдир. Оёқнинг тоати дарвеш ва хилватни тамаъсиз ихтиёр этганлар масканига бориш, уламони зиёрат қилишдир (126).

Хусайн Воиз Кошифий шукур бобида «Султон Санжар ва дарвеш» тарзида аташ мумкин бўлган каттагина бир хикоятни келтиради. Хикоят икки шахснинг эркин мулоқотини эслатади. Донишманд дарвеш шохга (ва акси) савол билан мурожаат қиласди ва тегишли жавобларни олади. Бутун хикоят давомида фикрий устунлик, мантиқ жилови дарвешнинг қўлида бўлади. Мухокама жараёнида эл-улус дарди, унинг м анфаатларини ҳимоя килиш марказий ўринда туради. Дарвешнинг ҳакимона хикматларидан ҳайратга тушган Султон Санжарнинг кейинги ҳолати ҳакида ўқиймиз: «Султон завқи суханони он дарвеш дарьёфта, хост, ки аз маркаб фуруд ояд ва вайро зиёрат кунад, чун нек нигарист ҳеч жо дарвешро надид ва касе аз вай нишоне надод. Буфармуд, то ин калимотро ба оби зар навиштанд ва дастуриламали рўзгори худ соҳт»:

Панди ҳаким сайқали ойнаи дил аст,

Мақсади ҳар ду олам аз он панд ҳосил аст (127).

(Султон ўша дарвеш сўзларининг тагмаъносига етиб, отдан тушиб, уни зиёрат килмокчи бўлди, яхшилаб қаради, ҳеч ерда уни кўрмади ва ҳеч ким уни кўрганлигини хам айтмади. Буюрди: куйидаги байтни олтин суви билан ёзсинлар ва уни ўзининг кунлик ҳаракатининг дастуриламалига айлантириди:

Ҳаким панди дил мулкининг сайқалидир,

Ҳар икки олам мақсади ўша панддан ҳосилдир).

Хусайи Воиз Кошифийнинг сабр ва ҳаё ҳакидаги қарашлари хам катта кизиқиши уйғотади. Муаллиф нигоҳида айни фазилатлар инсон камолотида ҳал қилувчи босқичлар ҳисобланади. Унинг сабр хусусидаги лўнда холосаси куйидагicha:

Сабр беҳтар мардро аз ҳар чи ҳаст,

То биёбад бар муроди ҳеш даст (127).

(Мазмуни: Мард учун сабр ҳамма нарсадан афзалдир,  
Ўша туфайли унинг муроди қўлдадир).

Хусайи Воиз Кошифий талкинида ҳаё «шариф хислат ва мақбул сийратдир». Улуғ аллома ҳаёни инсоннинг ботиний фазилати сифатида қадрлайди ва фозил донишмандларнинг «ҳаё иймон шохларидан биридир» каби ибратли ўйтларига хайриҳохлик билдиради.

Хусайи Воиз Кошифий пандномасида тез-тез мурожаат

қилинадиган масалалардан яна бири нафсдир. Чиндан-да нафс инсон қисматида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди ва бани одам фаолиятининг бирон-бир жабхаси йўқки, унда нафс иштирок этмаган бўлса. Шундан бўлса керак, қомусий алломанинг нафсга доир мулоҳазалари мухтасар, дадил ва ҳукм мақомида: «...Вақти он, ки шаҳват ғолиб гардад, инони нафс боз қашида домани ҳимматро ва олудагии ҳаром пок дорад» (133-бет. Шаҳват ғолиб келган лаҳзаларда нафс жиловини кўлга олмоқ ва ҳиммат этагини ҳаром булғанишлардан пок тутмоқ лозимдир). Адид насрдаги ўша зулмаънайн жумлаларини ихчам шеърий сатрларда қўйидагича ифодалашга мұяссар бўлади:

Рўй хуб асту камоли ҳунару домани пок,  
Ложарам ҳиммати покони ду олам бо ўст.

(Покдомон, комил ҳунарли (инсонларнинг) юзи ҳам гўзалдир.  
(Шубҳасиз, икки олам порсоларининг ҳиммати ҳам ундандир).

«Ахлоқи Муҳсиний»нинг ҳар бир бобида «қасса»лардан чиқариладиган «ҳисса»лар мақомида жуда кўплаб шеърий парчалар келтирилади. Аммо муаллифи кўрсатилмайди. Фикримизча, улар Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўз қаламига мансуб. Биринчидан, насрдаги парчалар ва назмий қаторлардаги мантикий уйғунлик шундай хulosага келиш ҳукуқини беради. Иккинчидан, икки юздан зиёдроқ шеърий санъатлар ҳақида теран илмий рисола ёзган муаллифнинг юксак назмий завқи бўлмаслигини тасаввурга сифдириш қийин. Учинчидан, Куръони каримга эътимодли факихларнинг ғоят баланд баҳосига муносиб кўрилган тафсир битган улуғ олимнинг ўз асари таркибида бирорнинг шеърини келтириб, индамай кетиши мумкин эмас.

Ҳусайн Воиз Кошифий учун ҳар қандай шахс, шоҳ, давлатнинг буюк неъмати — адолат: «...Як соат адли подшоҳ дар палтаи мизони тоат ранжбар аст, аз ибодати шастсола» (142-бет. Подшоҳнинг бир соатлик адолати тоат-ибодат тарозуси палласиди олтмиш йиллик ибодатдан устунроқдир). Адид кейинги жумлалардиди неға шундай хulosага келганлигининг мукаммал талкинини беради. Ҳусайн Воиз Кошифий ўз замонининг хур фикрли, бани башар ташвиш-тараддуларини ҳар қандай шахсий манфаатларидан баланд тутувчи, инсонсевар, ҳақпарвар қонуншуноси эди. Ундаги ана ўша ноёб фазилат адолат бобидаги мушоҳадаларида ҳам ёрқин кўзга ташланади. Аллома нигоҳида «Фойдаи адл ба хосу ом ва хурду бузург... мулку миллат... ва савоби адл аз ҳадду ҳисоб афзун аст ва мизи қиёс берун аст» (Адлнинг фойдаси хосу авом, каттаю кичик, мулку миллатга тегади. Адолатнинг савоби ҳад-худуд билмайди ва

хар қандай қиёслардан устундир). Ҳусайн Воиз Кошифий асарининг адолат бобида ўзини анча эркин хис қиласи ва жуда кўп ҳикояту назмий парчаларга ружуъ қиласи.

Шоҳи одил сояи лутфи ҳақ аст,

Ҳар ки дорад адл лутфи мутлақ аст..

Халқро дар сояи худ жой дех,

В-аз шараф бар фарқи гардун пой неҳ (144).

(Одил шоҳ Ҳақ лутфининг соясидир, кимдаким адолат бор, унинг лутфи мутлақдир. Халққа ўз соянгдан жой бер, Унинг шарафидан фалакка оёқ қўйган (кўтарилиган) бўласан). Бобда келтирилган ҳикоятнинг мазмуни ҳам гоят ибратлидир. Алломанинг башоратига биноан «Одил султоннинг жисмига, ҳатто, тупроқ ҳам даҳл қилмайди» (Яке аз фазилати адл он аст, ки хок дар ажзи султони одил тасарруф намекунад). Ана шундай таъкиддан сўнг қуйидаги ҳикоят китобхонга тақдим қилинади: «Ривоятга кўра Маъмун мажлислирдан бирида шундай ҳадис талқини тарғиб этилади. Одил подшоҳларнинг жасади қабрда ҳам ўзгаришга учрамайди. Бадан аъзолари қандай бўлса, бўлак-бўлакларга ажралмай, шундайлигича қолади. Ривоятни тинглаган Маъмун айтди, мен жаноби расулнинг ҳикматига шубҳа билан қарамайман ва тан бераман. Аммо менда одилликда шуҳрат таратган Нушеравоннинг қабрини очиб кўриш истаги пайдо бўлди. Алқисса, Нушеравони Одил қабрига етдилар ва Маъмун уни очиш ҳакида мулозимларига фармон берди. Даҳмани очдилар, Маъмун унга кирди, кўрди, эндиғина ухлаб қолган кишидай чўзилиб ётарди. Кўлида уч узуги бор бўлиб, ҳар бирининг нигинига ҳикматлар нақш этилганди: Биринчиси—дўсту душман билан муросаю мадоро қил; Иккинчиси — давлат ишларини донишмандларнинг маслаҳатисиз амалга оширма; Учинчиси — раиятни (улус ташвишини) эсингдан чиқарма (145). Зар билан иншо қилинган бир лавҳа унинг боши устига осиб қўйилган бўлиб, унда шундай сўзлар бор эди: «Кимки ўз салтанати ва мулки зиёда бўлиши, Худо унга марҳамат қилишини истаса, айт, ўзидаги адолатга ривожу равнақ берсин». Фикримизча, хукмдорни адлу амниятга даъват қилишнинг бундан-да ортиқ йўллари бўлмаса керак.

Хулоса қилиб айтганда, баркамол шахс тарбияси давлат таълим стандартларидан мустаҳкам ўрин олган ва хукумат сиёсати мақомига кўтарилиган, миллий истиклол гояси ҳамда мафқурасини шакллантириш авж олган она Ўзбекистонда «Ахлоқи Муҳсиний»дай ноёб маънавий сарчашмаларни ўрганиш, тарғиб этиш, унинг ибратли ҳикматларига амал қилиш фойдадан бошқа нарса эмас.

Яқында Тошкенти азимдан бебаҳо бир маънавий тухфа етиб келди. «Навоийга таъзим» мажмуаси. Китоб муқовасида Ҳазрат Навоийнинг нурли сиймолари «чараклаб» турибди. Абдулла Қодирий номли «Халқ мероси» нашириётида босилган (Тошкент – 2002) мўъжазгина тўплам Алишер Навоийнинг айрим ғазалларига битилган тахмис – мухаммаслардан таркиб топган. Қиркка яқин мухаммасни ўзида мужассам этган мажмуа бир минг юз катор шеърни бағрига олган. Шундан тўрт юз қирк сатри Алишер Навоий дахосининг маҳсули бўлса, олти юз олтмиш қатори Азизий соҳир қаламининг тухфаларидир. Азизий ҳазратларининг улув Навоий шеъриятига ишқлари XX асрнинг 40-йилларида тушиб, «учкун»ларини ўша даврдаёқ намоён эта борган. Тахмислар остига келтирилган саналарни синчковлик билан кузатиб борган китобхон ўша шеърлардан саккизтасини ўтган юз йилликда иншо қилинганига қаноат ҳосил этади. Бокий, ўттизга яқин (28) тахмис эса янги аср кейинги икки йилининг маҳсулидир. Бундай катта «узилиш» ўз изоҳларига эгаки, бу ҳақда сал пастроқда изоҳ беришга уриниб кўрамиз...

Тўпламчада китобхонга мурожаат қилиб ёзилган ихчам, аммо ширингина сўзбоши ҳам бор. Ундаги «Ушбу мухаммасларни Навоийнинг буюк дахосига ҳурмат изҳори, унинг нурли хотирасига таъзим рамзи деб қарашни сўрар эдим», – тарзидаги таъкид ҳар қандай китобхоннинг ҳам дикқатини тортиши табиийдир. Чунки айни сатрлар муаллифининг салкам олтмиш йилга яқин давр ичидаги умри, онгли фаолиятию изланишлари Алишер Навоий маънавий мероси «ичида» ўтган бўлишига қарамай, ул зоти мукаррам ўзларини ўша улув даҳо кўп минглаб «мухлисларидан бири» сифатида эътироф этадилар. Биз шу таъкидни ҳам навоёна хоккорликнинг ёрқин нишонаси, ибрат мактаби сифатида қабул қилдик. Қаний энди, шундай олиjanоб инсоний фазилат ҳаммамизнинг ҳам табиатимиздан жой олсан...

Тўпламдаги тахмис – мухаммаслардан бирини зўр иштиёқ билан мутолаа килишга тушиб кетамиз. Айни аср Алишер Навоийнинг:

Бўлмасам ошиқ фифоним зор бўлгайму эди,

Кўймасам пинҳон ичим афгор бўлгайму эди,- матлали ғазалига боғланган тахмисдир. Анъянавий қоидаларга кўра тахмис учун

<sup>23</sup> Ушбу макола Ю.Азимов хаммуаллифлигига ёзилган.

танланган ғазалнинг кофия, радиф ва энг асосийси, мавзу, ғоявий мазмуни сақланиши ва ривожлантирилиши лозим. Шундай килиб, мухаммас ҳар бандининг дастлабки уч катори тахмис қилувчи шоирники ва икки мисраси Алишер Навоийники (ёхуд бошқа шоирники) бўлиши шарт. Ана шу тартибга бутун мухаммас давомида амал қилинади. Айримлари қайд қилинган қоидалар нуқтаи назаридан Азизий мухаммасларини олиб кўрайлик: Алишер Навоий ғазалининг мавзуси, ғоявий мазмуни, кофия, радифи, айрим ташбехлари сақланган ва муносиб тарзда ривожлантирилган. Шеърда тахмис учун манба вазифасини ўтаган ғазалдан чекиниш, муайян қоидаларга хилоф саъю-харакатлар кузатилмайди. Азизий мисраларида Алишер Навоий сатрларининг равон, ўйноқи оҳанги балқиб турибди. Сакта шеърий қаторлар деярли кузатилмайди. «Юз карра эшитгандан, бир маротаба кўрган афзал», - дейдилар дононлар. Келинг, шу ҳикматга риоя қилиб, мухаммаснинг мақтаи – охирги бандини олиб кўрайлик:

*Ранжга тўлган экан-ку ишқ номли бу чаман,  
Куйдирар эркан қизил чўғдай батар дурри адан.  
Ким, Азизий бўлганида ошиқи ширин сухан,  
Эй Навоий, қиссанг эрди оғият кунжсин ватан,  
Мунчамунглиг жоинга озор бўлгайму эди.*

Кўчирилган иқтибосни таҳлил қилишдан олдин, Сизни мухаммас остида келган тарих билан таништиришни лозим топдик: 1943 йил, Қўқон! Марҳамат, мулоҳаза қилиб кўринг, ўшандан ҳам каму кўстий йўқ, олтмиш йил ўтибди. Тўпламдан жой олган бундан олдинги мухаммас тагидаги тарихни (1942) инобатга олсак, таъкид килғанимиз рақам янада катталашади... Юқоридаги шеърий қаторлар рўшнолик кўрган кунларда Азизий айни балоғат палласида, ишқ аталмиш буюк мўъжиза қалбида макон тутган, не-не санамлар сурати кўз ўнгига гавдаланадиган, ҳаёт, яшаш на қадар гўзал, кўрку тароватга лиммо-лим, шаффофф орзулар қанот баҳш этган дамлар эди. Ўша мисраларнинг муаллифи ўрта мактабни ҳатм қилган, ўн еттини тўлдириб, ўн саккизга кадам қўйган, баданини ишқ «қизил чўғдан батар» куйдирган йиллар... Шундан бўлса керак, шеърий парчанинг ҳар бир қаторидан «муаттар гулларга ошуфталиқ», уларнинг димогни китикловчи хуш бўйлари анқиб турибди. Бизнинг ёзганларимизни муболағага йўйманг, ўтинализ, зинхор ундей кила кўрманг... Устоз Азизий бугун саксоннинг (77 ёш!) бўсағасида, алп йигитлардай қадду комат билан тинимсиз ижод этмоқдалар. Ана ўша азиз вақтнинг аксарият қисми Алишер Навоий руҳий олами билан мулокотлар

«давра»сида ўтаётир. Ишқ эса ҳамон устоз мусаффо қалбининг ноёб маънавий озуқасидир. Келинг, кичик бир лавҳани Сиз билан баҳам кўрайлик. Бундан 2-3 йил муқаддам Устоз шариф Бухорога расмий тишиф буюрибдилар. Белгиланган юмушлар ниҳоя топгач, Устознинг мушфик қалблари бизларни кўмсайди. Алқисса, расмий мансабдорларнинг хабари билан ул зоти мукаррамни маҳсус боғдан олиб келдик. Йўлда Устоз ўzlарига хос назокат, лутфу самимият ила шитдилар: - Мен Бухорога келсаму касбдош ва талабаларни кўрмай кетсан, увол бўлмайдими?! Мана фидойилик, соҳа истиқболига гимхўрлик, ёшларни боғбондай парвариш қилиш йўлидаги юксак садоқат, одамийлик... Талаба ва муаллимлар йиғилди, катта царсхонада игна сиғадиган жой йўқ. Аксарият шинавандалар тикка турishiбди. Устоз кўзларини юмиб, завқ билан кулиб, минбарда турбодилар. Мулоқот бошланди: саволлар ошиқона, жавоблар ҳам ушшоқ тилидан авж пардада, қайтарилимоқда... Жараён икки астрономик соатдан ҳам ўтиб кетди. Биз хижолатда, ахир Устоз етмиш бешдан ошган, толиқиб қолмадилармикин?! Қайдам, ёмғирдан кейинги гул шукуфалари мисол отахон адабиётшунос йираб, яшнаб, фаргоналикларга хос лутфу асқияномо қочиримлар билан мулоқотга рух бағишилар эдилар. Ўшандан биз ёшларнинг ўзимиз учун қатор унтилимас ибратлар олганимиз рост. Шулардан инг асосийларидан бири – мусаффо ишқ ҳар қандай инсонни поклаш, касбу корига баланд муҳаббат уйғотишидан ташқари, унга маънавий рух, жисмоний кувват ҳам бағишилар экан қабилидаги хуносадир ...

Умр бўйи даҳосига улуғ садоқат билан қараганингиз Алишер Навоий Мавлоно Гадоий хусусида «Мажолисун – нафоис»да буюрганларидек: «Тўқсондан тажовуз қилганингизда ҳам» барча эзгу замалларингиз манбаи бўлган ишқ ва ижод дарди Сизни сира-сира тарқ этмасин, муҳтарам Устоз!

Азизий – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, филология фанлари доктори, профессор Азизхон Қаюмовнинг адабий тахаллусидир. Маърифатпарвар, тазкиранавис, мутаржим, Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Пўлатхон Қаюмовнинг фарзанди аржуманди Азизхоннинг бадиий адабиётга юксак шавқи болалик йилларидаёқ оила муҳитида шаклланган эди. Устознинг тишлари қадимий қўлёзмалар, хусусан, Алишер Навоий асрлари мутолааси билан чиққан десак, сира муболага бўлмайди. Чунки шундай бебаҳо маънавий – маърифий хазина Кўқони латифнинг зариф фарзанди

Пўлатхон домла хонадонида мужассам эди...

Академик Азизхон Қаюмовнинг бадиий ижодга иштиёклари хусусида ҳам бир олам ижобий гапларни айтиш жоиздир. Шеърий шавқ, илм заҳматига камарбасталик Азизхон домла табиатларида Бобур Мирзо таъбири билан айтганда «жибилий» эди. Ўша олис қирқинчи йиллардан (XX аср) бугунга қадар даврий матбуотда Азизий – шеърлари ва илмий асарлари сурункали босилиб келади. Устоз фан, жамоат арбоби мақомида оддий илмий ходимликдан вазир лавозимиға қадар пиллапояларни босиб ўтдилар. Кўп йиллар ЎзРФА Тил ва адабиёт ҳамда Ҳамид Сулаймонов номидаги Қўллётмалар институтларини моҳирлик билан бошқардилар. Аммо илм ва ижод дарди ул зоти мукаррамдан бегона бўлган эмас. Алалхусус, Алишер Навоий даҳоси сўнмас қуёш янглиғ Азизхон домланинг кенг қамровли умр йўлларини ҳамиша нурафшон қилиб турди. Навоиёна ақлу заковат, эл-улус, адолат тарафида туриш, илму ижод туғини баланд тутиш, истеъододли ёшларга ғамхўрлик... э, ха, буларни санаб адогига етиб бўлмайди, уларнинг барча–барчаси бугун ҳам устоз билан биргадир. Алишер Навоий асарлари нашрларини рус тилидаги ўн жилдлиги яратилиши бошида туриш, туркум жиддий илмий мақолалар, «Хамса»нинг ҳар бир достони талкинига бир китоб бағишлишдай (илмий «Хамса») кўламдор фаолият Азизхон домланинг улуғ шоир даҳосига садоқатининг бир қирраси бўлса, шеъру мухаммаслари ўша беҳад меҳру ихлоснинг иккинчи қанотидир...

Дарвоқеъ, мухаббатни жунуну жазбасиз тасаввур қилиш қийин. Қалбдан маъво топган ишқ пўртаналари мисраларда жамол кўрсатмас экан, ундан шеър яшашдан маҳрум ва мухлисни изидан эргаштира олмайди. Азизий мухаммаслари мутолааси уйғотган таассуротлар эса мутлақо ўзгача маъно-моҳият касб этади. Сатрлардаги рангин баён, табиий ва қалбга хуш ёкувчи мусикий оҳанг, ишқ оловидан ҳосил бўлган тафт ва ҳарорат ўкувчига кўчади ва уни изидан эргаштиради. Жумладан, мана бу мисралар ҳам ўшандай фазилати билан эътиборга моликдир:

*Танимга бир қарошидин муҳаббат ўти ёқилмиши,  
Менга тақдир китоби дардни қисматда жисо қилмиши.  
Ики оҳу куйида зору сарсонлик раво қилмиши.  
Не ҳам қошлардурурким, ҳасрати қаддимни ё қилмиши  
Не кифриклар ўқиким, рўзгоримни қаро қилмиши.*

Кувончлиси шундаки, тўпламда маҳорат билан бунёдга келган бундай мисраю парчалар талайгина топилади. Мухими Азизий

ҳазратлари улуғ Навоий руҳий оламида ўзларини анча эркин ва дадил хис қила оладилар. Ул зотга Улуғ шоир «панжа»ларига рост келувчи кўпгина мисралар ижод қилиш баҳти муссар бўлган. Айни эътирофни Азизий шеърий қаторларининг ғоявий мазмуни, юксак бадиият ва ноёб лутфу назокати ҳақида ҳам айтиш жоиздир. Яна бир изоҳ: бизнинг юқоридаги қайдларимиздан Азизий шеърлари факат ютуқлардангина иборат, уларда нуқсонлару мулоҳаза қилиб кўриш лозим бўлган ўринлар йўқ экан-да, деган ҳулоса келиб чиқмаслиги зарур. Аввало, муҳтарам муаллиф – академик Азизхон Қаюмовнинг ўзлари талабчан китобхонларга қаратилган мурожаатларида «...Аммо яхшими, ёмонми ижод самаралари бир четда қолиб кетмасин, бирор қишига оз бўлса-да баҳра етказар деган мақсадда ушбу тўплам тузилди», -дея ўта хоккорлик намуналарини кўрсатадилар. Кўринадики, Устоз ҳар қандай даъвою, таъмадан йироқ. Иккинчидан, Ҳазрат Навоийдай улуғ сўз санъаткори ҳам асарларининг норасоликлардан холи эмаслигини тан оладилар. Масаланинг бу ёғи эса Сизга равшан, муҳтарам муштари!»

Қадрли ва қадршунос Устоз! Кўп сонли бухоролик муҳлисларингиз номидан Сизга улуғ Навоий бўстонидан терган муаттар ва анвойи гулларингиз муборак бўлсин, деймиз! Яратгандан Азиз бошингизни ўз ҳифзу муҳофазасида асршини, Сизга бехисоб илҳомли лоҳзалар ва ширин асарлар иноят қилишини илтижо ила сўраймиз!

## ЛУГАТ ВА ҲАДИСЛАРДА ИЙМОН ТАЛҚИНИ

Хуқуқий демократик, маънавий баркамол фуқаролар жамияти қуриш йўлидан бораётган Она Ўзбекистонда унинг порлок келажаги – истиқболини белгилайдиган салоҳиятли авлод тарбияси муаммолари давлатнинг устувор сиёсати даражасига кўтарилган. Буни биз кундалик амалий фаолиятимизнинг барча жабҳаларида дилдан хис этаёгимиз. Айниқса, ўрта умумтаълим ва олий мактабда ўқитиш жараёнини тубдан ислоҳ қилишга мўлжалланган қагор тарихий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг биринчи босқичи ҳаёт синовларидан мудавфақиятли ўтди. Мазкур дастурий ҳужжатлар нафакат мамлакатимизда, балки талай ривожланган давлатларнинг раҳбарлари, илм-фан, маънавият ва маърифий арбоблари томонидан ҳам қўллаш-ку затланмоқда. Бунинг боиси шундаки, Юртбошимиз

ташаббускори бўлган ушбу хужкатларнинг негизида баркамол шахс тарбиясидек олижаноб мақсад туради. Айни долзарб масала таълим стандартларининг ҳам бош қон томирини ташкил этади. Баркамол шахсни шакллантириш, унинг онги, тафаккурини жаҳон андозалари даражасига кўтаришда халқимизнинг асрлар давомида яратган бой маънавий мероси, умумбашарий қадриятлари эътиқодий удум-анъаналари ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир. Зоро, Президент И.А.Каримовнинг «Инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва событ эътиқод жамият маънавий қиёфасини белгилайди. Бу борада ислом дини катта аҳамиятга эга» [1;223] каби доно фикрлари бу йўналишдаги тадқиқотлар учун гоявий асос вазифасини адо этади.

Юрт сарварининг ушбу кўрсатмалари мазкур мақоланинг яратилишида ҳам ижобий таъсиғ кўрсатди. Дарвоҷе, баркамол шахс тарбиясида иймон ва эътиқод таянч омилдир. Эътиборингизга ҳавола этилаётган маколада иймон истилоҳининг айрим қирраларини ойдинлаштиришга харакат қилинади.

Иймон ҳақидаги талқину таҳлилларнинг дастлаб ўзининг 2700 йиллик тўйи олдида турган «Авесто», «Таврот», «Забур», «Инжил», «Қуръони карим» сингари диний китоблардан бошланганлиги шубҳа уйғотмайди, албатта. Жумладан, Қуръоннинг инсонпарварлик ғоялари асосида бунёд этилган «Чор китоб»да иймонга куйидагича бафуржга тавсиф берилади:

«...Иймон пўсти недур? -Шарму ҳаёдур.

-Иймон меваси недур? -Рўзадур.

-Иймон уруғи недур? -Илмдур,

-Иймон камоли недур? -Сабрдур.

-Иймон илдизи недур? -Ихлосдур.

-Иймон ватани? -Дилдур....

-Иймон нури қай биридур?

-Рост айтмақдур, ёлғон гапирмак эса иймон зулматидур ва иймон ҳаловати пок бўлмоқдур... ва иймон шариати ҳалолу ҳаромни билмоқлиқдур...» [2;22]. Яратган заковат ва зиёдан нур эмган ва дорулбақога риҳлат қилган аждодларимизга охиратларида иймон гавҳарини ҳамроҳ этган бўлсин! Чунки ўшаларнинг тафаккури маҳсули туфайли бизга шу қадар бой маънавий хазина, улуғ тарихий хотира мерос сифатида етиб келган. Зикри ўтган пандномалардан бир шингилигина иймонга ҳам тегишилдир.

«Чор китоб»дан бошланган иймон ҳақидаги илоҳий-ирфоний баҳсни сўзшуносларнинг шу биргина шаръий истилоҳ атрофидаги

күламдор мuloҳазалари билан давом эттирамиз.

Куръони каримда күлланган «Ийманун» сўзининг «ишониш, эътиқод, эътиқод қилиш» маънолари борлиги ҳақида арабшунос олим, профессор Ботирбек Ҳасан ўзи тузган жиддий луғатда хабар беради. Олимнинг кузатишича, ушбу муқаддас самовий китобда иймон ҳақида 46-ояти каримада ибратли илохий талқинлар баён этилган (3-адабиётнинг 111-бетига қаранг). Профессор Х.К.Баранов эса ўзи тузган нуфузли луғатда иймонга «Худога эътиқод» [4;52] тарзида ихчам ва умумлашма изоҳ бериш билан чекланади. Амон Нуров томонидан тартиб берилган «Жомий асарлари луғати»дан иймоннинг «дин, мазҳаб, ишонч, эътиқод» [5;282] каби маъно қирралари борлиги кўрсатилади.

«Навоий асарлари луғати»даги талқин «Чор китоб»даги шарҳга уйғундир. Луғатда ўқиймиз: «Иймон—ишонч, эътиқод; кўнгилда ишониш ва тилда икрор қилиш» [6;273]. Таникли мумтоз сўзшунос Муҳаммад Ғиёсiddин ҳам бу сўзни шарҳлашда бефарқ қолмаган. «Ғиёс ул-луғот»да иймон «аймон» шаклида кўлланилади ва ёзилади; «аймон—савгандҳо ва қувватҳо ва дастҳоҳи рост; ва билкаср (яъни иймон) гардидан ва амон додан» [7; 105] (Мазмуни: қасамлар ва қувватлар ва тўғрилик билан топилган нарсалар; ва иймонга айланмоқ (иймонли юрмок) ва амон бермок). Мазкур луғат «амон» сўзининг «бехавф бўлмоқ ва зинҳор эмин топмоқ; қўркиш ва даҳшатдан холи юрмок» [7;89,104] каби маънолари борлигини ҳам қайд этади. «Фарҳанги забони тоҷик»да ўн асрлик форс-тоҷик адабиёти тарихий тараққиёти жараёнлари инобатга олингани учун ундан шарҳлар бошқа луғатлар изоҳидан пишиқ ва бой адабий маълумотлар ёрдамида асослангани билан ажralиб туради. Шундай гапни иймонга берилган шарҳ ҳақида ҳам айтиш мумкин. Жумладан, унда ёзилади: «Имон-эътиқод, боварӣ ба чизе; эътиқод ба дин; дин, мазҳаб» [8; 178] (Мазмуни: иймон-эътиқод, нимагадир ишонч, динга эътиқод, дин, мазҳаб. Қавсда бериладиган таржималар бизники—Р.В.). Иктибосдаги «дин, мазҳаб, эътиқод» сўzlари кўпинча атама вазифасида келгани ва мумтоз ижодкорлар уларнинг кўп маънолилик хусусиятидан фойдалангани туфайли алоҳида эътибор ва изоҳга молик деб ўйлаймиз. «Фарҳанг»да мазҳаб ҳақида шундай маълумот берилади: «Мазҳаб — роҳ, равиш, тарик; ҳатти-ҳаракат, сўй; шўъба ва шоҳаи ягон дин, тариқат, секта» [8;623] (Мазмуни: йўл, равиш, тарик, ҳатти-ҳаракат, томон, бирор диннинг шўъба ёхуд шоҳчаси, секта, тариқат (покланиш ўйли). Мазкур луғатда дин ҳақида ўқиймиз: «Дин — мазҳаб, кеш, тарик, оин, роҳ [8;550]

(Мазмуни: мазхаб, дин, ойин, юриш-туриш, одоб, расму одат). Шу ўринда яна бир гапни айтиб қўяйлик. Айрим сўзлар шарҳидаги маъно жилолари деярли барча лугатларда юқорида зикри ўтган атамаларга берилган талқинларда иштирок этади. Масаланинг бу жиҳати сўзлараро узвий-мантиқий алокадорлик мавжудлигидан сўзлайди ва бизни хушёрликка даъват этади. Масалан, иймон, мазхаб, дин, кеш изоҳларида қўринган бундай ҳолат «тарийқ» учун ҳам бегона эмас: «Тарик (тарийқ) роҳ, тарз, равиш, услуб, расм, қоида, мачозӣ-чора, илож» [8;330] (Мазмуни: йўл, тарз, йўналиш, услуб, расм қоида; мажозӣ-чора, илож). Шарҳлар ичидаги «кезиб юрувчи» «ойин» ҳам кўп маъноли сўз — истилоҳдир. У ҳақда «Фарҳанг»да ўқиймиз; «оин I.—Зебу зиннат, ороиш: мачозӣ-равнаку ривочидан, ороиш додан. Чаши, ид. Оин II.—Расм, одат; қоида ва қонун; тарик, тартиб; дин, кеш, мазхаб» [8;907-908]. (Мазмуни: зебу зиннат, безаниш; мажозӣ (нимагадир) ривожу равнак бермок, безатмок (зеб бермок). Тўй, ҳайит. Ойин II. Расм одат, қоида-қонун, тарик, тартиб, дин, мазхаб, кеш). Ҳар иккала ойиннинг ёзилиши (араб алифбосида ҳам) бир хил. Аммо уларнинг мазмун жилолари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қиласди. Бизнинг мавзуумиз учун эса иккинчи «ойин» ва унинг шарҳи мос келади. Бу борадаги баҳсимиизга «эътиқод» ҳамда «яқин» сўзларига лугатларда берилган талқинларни назардан ўтказиш билан нукта қўяимиз. «Фарҳанг»да «эътиқод-бовар, ақида доштан, яқин доштан» [8;619]. (Мазмуни: ишонч, ақидага эга бўлмок, яқинлик қилмок). «Эътиқод» атамаси шарҳи таркибидаги «яқин бўлмок» хилма-хил мазмун жилоларига эгалиги билан юкорида зикри ўтган сўзлар ўртасида алоҳида дикқатни тортади. Жумладан, «Фарҳанг»да ёзилади: «Собит шуда, дониста шуда; возех, бешак, бешубҳа, дуруст; Ҳақиқат, дурустӣ, ростӣ. Эътиномод, бовар, итминон» [8;639]. (Мазмуни: Собит бўлган, событлилик, билинган; возех (очик-оидин), бешак-бешубҳа (шак-шубҳасиз), яхши. Ҳақиқат, ростлик, яхшилик. Ишониш, ишонч, тўлиқ ишонч, тинчиш, роҳат, ором). Иймон бир қатор ижтимоий-сиёсий, ўзбекча-русча, атеистик лугатларда ҳам шарҳланади. Жумладан, «Ўзбекча-русча лугат»да [9;175] «имон», «имонли», «имонсиз» сўзларига изоҳ берилади. Мазкур сўзликнинг талқинлари юкорида келтирғанимиз шарҳларга уйғундир. Шундай гапни «Ижтимоий-сиёсий терминлар лугати»да [10;32] берилган изоҳлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Атеистик лугатда [11;84-85] «вера» ва у билан боғлиқ талайгина бирикмаларга анча кенг-шарҳу фалсафий қайдлар кўзга ташланади. Асосий моҳият-мазмун эса юкорида кўздан кечирганимиз изоҳлардан деярли узоклашмайди.

Бироқ дахрийлик мафкурасининг чанги ҳар бир жумлада кузатилади...

Кўринадики, ҳар куни билиб-бilmай, ўринли-ўринсиз ишлатадиганимиз иймон—ноёб тафаккур хазинаси бўлиб, инсон маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий, руҳий-зоҳирий, илоҳий-тасаввифий фаолиятининг деярли барча жабҳаларини қамраб олади. Мумтоз маънавий меросимизнинг улуғ орзуси бўлган Инсони Комилнинг барча эзгу фазилатлари шу биргина атама—сўз бағрида тажассумини топган экан. Модомики шундай экан, иймонни қўллашда ақл-фаросатга таянмоғимиз зарурдир.

Иймоннинг инсоният қисматида нодир фазилат сифатида амал қилиши Одам Сафиуллоҳ тақдиридан бошланади, десак, муболага бўлмайди. Иккинчидан, унинг ранг-баранг тилларда қандай аталишидан қатъи назар, барча ҳалқлар қисматида, табиати ва феълу атворида марказий ўринда турганлиги, ҳал қилувчи фазилат мақомида баҳоланганилиги баҳс уйғотмайди, албаттга. Шундан комил инсон ҳақидаги ширин туйғулар билан ёнма-ён равишда иймонга доир истак-ҳоҳишлар ҳам дунё ҳалқларининг оғзаки ҳамда ёзма бадиий ижодидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Диний, дунёвий ва маънавий сарчашмаларнинг магз-магзига сингдирилиб келинди... Қадимий ҳикмат хазинаси - «Авесто» саҳифаларида эзгуликка чақирув руҳида ёзилган кўп сонли жавоҳирот дурдоналари бизга шундай хулосага келиш ҳуқукини беради.

Үлмас «Авесто»нинг асосчиси донишманд Зардушт дунё марказида икки куч—эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кескин курашни қўяр экан, у вужуд-вужуди билан нур, ёғду-яҳшилик тарафида турди. Бутун онгли фаолиятини зулматга, ёмонликка қарши шиддатли жангга бағишилади. Табиийки, Зардуштнинг хушфеъл инсон, баркамол инсон, маънавий олами бой инсон ҳақидаги ҳоҳиш-иродаси иймон бағрида яширинган эди. Шундан бўлса керак, «Авесто»нинг кўплаб саҳифалари жўшқин иймонномани эслатади. Жумладан, ўша табаррук ҳикматнома китобида ўқиймиз: «Онон, ки ба дини ростин наандешанд, дар рўзи пасин аз (бехишти човидон) ба дуранд» [12;72] (Мазмуни: ростлик дини пайида бўлмаган у бандалар охират кунида (мангу жаннатдан) узокдадирлар...). «Авесто»да илму маърифат, гўзал ахлоқий фазилатларга чорлаш, оқилни нодондан фарқлашга чақирувчи парчалар талайгина: «Сизга айтаманки,—дейилади ўша табаррук маънавий хазинада,— донони нодондан фарқлай олинг» [12;82]. «Авесто» таркибидағи айрим ҳикматларда эркак ва аёлларга қарат ягона Яратувчи номидан ёхуд унинг тилидан айтилган

ибратномалар ҳам кўзга ташланади: «...Он мард ё зане, ки он чиро Ту барои чаҳон беҳтар донистй, ба чой овард, беҳишти (човидон) бо подшоҳи дуруст кирдори вай бад-ӯ арzonй бод» [12;81] (Мазмуни: ўша эркак ва аёл ёки, Сен жаҳон учун эзгулик деб билган нарсаларни, ўз ўрнига келтирди, уларга тўғри амаллар қилувчи подшоҳлари билан бирга жаннат (мангу) мұяссар бўлсин). Кўздан кечирилган шу ихчам иқтибослар гувоҳ, Одам Ато ва Момо Ҳаво ер юзида ўзларидан зурриётлар қолдириб яшаган экан, уларнинг тилларидан чиқадиган қалом ҳам, қиладиган ишлари-ю, бутун сайъю-ҳаракатлари ҳам яхшиликка бахшида бўлган. Эзгулик, иймону адолатга доир бундай дурдона фикрлар ёзма битиклар, ҳалқ оғзаки бадий ижодидан инсонлар қалбига, илохий-тасаввифий, адабий-маънавий манбаларга кўчиб, сайқал ва тадрижий ривож топиб, инсонни поклаш, камолга эриширишдай олижаноб вазифасини адо этиб келаётир. «Бадан—бир, Рух ҳам—бири,— ёзилади «Инжил» таркибидаги эфесликларга йўналтирилган тўртинчи мактубда. Чунки Худо ҳаммаларингизни ҳам бир хилда умидвор бўлишга чакирган. Раббимиз-бир, иймон-бир... Ҳамманинг отаси Худо-бир. У ҳамманинг устидан ҳоким, ҳамма орқали амал қиласи, ҳаммада мавжуддир» [13;495].

Иқтибосда эътиборга молик жиҳат фақат иймонга тегишли қисми эмас. Сизнинг ҳам эътиборингизни қаратмоқчи бўлганимиз нуқта Аллоҳ ва инсон муносабатларига тегишилдири. Аниқроғи, Холики оламнинг ҳаммага ҳоким, ҳамма орқали амал қилиши ва ҳаммада мавжудлиги хусусидаги қарашларнинг умумбашарий эканлигини яна бир карра таъкид этмоқчимиз, холос. Иккинчидан, айни ишоралар Мағрибу Машриқ ўртасида адабий-маданий, ахлоқий-тасаввифий, илохий-рухий ҳамкорликнинг жуда қадимиyllигидан сўзлади. Иймон ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг инсон зохиру ботини, сурату сийратини безовчи, покловчи, шарафловчи юксак туйғу сифатида бани башар авлодига бирдай хизмат қилиб келганиligининг шоҳиди бўламиз. Иймон қайси тилда қандай аталиши, қай йўсунда талқин қилинишидан қатъи назар, виждон поклиги, ахлоқ жавҳари, қалб гавҳари мақомида улуғлик рамзи бўлиб келгани рост. Шундан, исломнинг мўътабар илохий китоби—Куръони Мажиднинг элликка яқин ояти каримасида у ҳақдаги хабарларга дуч келамиз. «Кимки иймонга куфрни алмаштиrsa,—дейилади «Бақара» сурасининг 108-ояти каримасида,—албатта, тўғри йўлдан адашади» [14; 15]. Равшан, Илохий китобда иймон-исломий эътиқоднинг завол кўрмас

тагкурсиси даражасида улуғланаётир. Алишер Навоий асарларида ишвало иймон, кейин исломнинг бадиий талқини берилиши замирида ҳам ана ўша Куръоний қатъият ётишини ҳис қилиш кийин эмас. Шунингдек, шу муқаддас китобни ўзбек мўъмин-мусулмонларига ўз она тилларида ўқиш имкониятини ҳозирлашда катта фидойилик кўрсатган Алоуддин Мансурнинг «Жасад жон билан тирик бўлгани каби диннинг рухи-жони Куръондир» [14;362] жумласи ҳар бир ётиқоди бор қуръонхоннинг қулоқлари остида акс-садо беради. Нисон факат солиҳ амаллари билангина эмас, маънавий олами, қалбий-иймоний поклиги туфайли ҳам ўз охирати ободлигини таъмин этади. Шу маънода «Моида» сураси бешинчи ояти каримасидаги мана бу илоҳий жумлалар бизга дадил хулоса чикариш ясосини беради: «Кимки иймонидан қайтса, унинг қилган амали бехуда кетиши аниқдир ва у охиратда зиён кўргувчилар тоифасидандир» [14;73]... Бундай олижаноб илоҳий каломлар сарвари коинот—Муҳаммад Мустафо ҳадисларига кўчиб, мўъмин мусулмонларни ҳидоят сари даъват этиб келаётир...

Иймоннинг луғат ва диний сарчашмалардаги талқини ҳадисларда такмилига етади. Бу жихатдан Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ҳазратларининг «Иймон китоби» (15-адабиётнинг 13-28-бетларига қаранг) асари алоҳида аҳамият касб этади. «Ас-саҳиҳ» (Ишонарли тўплам) таркибида келган мазкур иймоннома кирқ уч бобдан иборат. Бу ўринда «китоб» ҳам, «боб» ҳам шартли сарлавҳадир. Имом ҳазратлари сарвари коинот—Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.) саҳиҳ—ишонарли деб топилган саккиз мингга яқин ҳадисларини шариати исломия аҳкомлари ва ахлоқий-маънавий йўналишига кўра тасниф қیлар эканлар, каттароқ баҳшни—китоб ва унинг ичидаги бўлинишларни—боб дея аташни маъқул кўрганлар. Шундай майл иймон қисмida келган ҳадисларга ҳам тегишилдир. Айтилганларга кўра, иймонга доир кирқ уч бобни шу атама—сўзнинг алоҳида-алоҳида маъно қирралари сифатида қабул қилиш мумкин. Кўринадики, ўз луғатларида иймонга талқин берган сўзшунослар мазкур калиманинг маъно жилоларини очишда ҳадисларга таянч манба сифатида мурожаат қилганлар. «Исломдан мурод иймон демакдир»,—дея башорат қилган эканлар жаноби расули акрам. Каранг, шу ихчамгина жумла замирида улуғ маъно ётади. Иймонсиз бандалар билан исломий эътиқодни шакллантириб бўлмайди! Исломнинг «калимаи шаҳодат, намоз ўқимоқ, закот бермоқ, рамазон рўзасини тутмоқ, имкони бўлса, ҳаж қилмоқ» каби беш рукни бўлгани ~~и~~ иймон ҳам ўз фарзу суннатларига эга. Аввало

таъкидлаш жоиз, ислом ва иймочнинг шартлари ўртасида Хитой деворини қўйиб бўлмайди. Негаки, ислом шартлари иймон аҳкомларида ва унинг зидди—иймоннинг фарзу суннатлари Исломда ҳам амал килади. Аллоҳнинг биру бор, азалий ва абадий эканлигини тан олмоқ, қиблаи Мұхаммад, фаришталар, илоҳий китоблар, қиёмат кунида кайта тирилишга, пайғамбарларга ишонмоқ иймоннинг таянч шаръий фарзу суннатларидир. Бироқ булар ҳали мукаммал эмас. Жаноби расули акрам «иймон дарахт янглиғ олтмишдан ортиқ шохга эгадир»,—дэя башорат қилган эканлар. Шу биргина таъкиднинг ўзи иймон ҳакидаги тасаввуримизни кенгайтириб юборади ва ушбу истилоҳнинг шаръий шартларидан ташқари, матнавий-ахлоқий талаб-тамојиллари борлигини ҳам эслатиб туради. Юқорида зикри ўтган фарзу суннатларга тўла риоя қилган мўъмин-мусулмонга иймонли инсон сифатида қараш тўғри эмаслиги Имом ҳазратлари жамлаган ҳадисларда қайта-қайта таъкидланади. Шунингдек, энг аввало, иймон иккига ажратиб тасниф ҳам қилинади: «Иймон кучайгайдир ва сусайгайдир» [15; 13]. Жаноби расули акрамнинг оарча панду ҳикматлари, ибратли кўрсатмалари иймонни кучайтиришга қаратилгандир. Иймонномадаги (биз шартли равишда шундай агадик) асосий ургу уни кучайтириш, исломий эътиқодни қабул қилиш ниятида бўлган банданинг олижаноб инсоний фазилатларини янада мустаҳкамлаш йўлида хизмат килади. Фикримизни кувватлантириш мақсадида ўша нодир маънавий жавоҳиротдан айрим намуналар келтириб кўрайлик: ...Яхши кўрган мол-мулкини қариндошларига, етим-есирларга, мискину фақирларга, мусофиру тиламчиларга сарфлаган..., Аллоҳ билан ўзи ўртасидаги ва бандалар ўртасидаги аҳдига вафо қилган, етишмовчиликларга қаноат қилган ва бошига кулфат тушганда бардош берган (иймонли) кишилардир» [15; 14].

Мана шу кичкина иқтибосда табиатида илоҳий рух бор комил инсон қиёфаси ёрқин намоён бўлади. Чиндан-да инсоннинг ер юзида яшашдан мақсади фақат еб-иҷиши, кийиниши ва айш суришдангина иборат эмас. Иймонли бўлмоқ шундай фазилат соҳиблари олдида яна қуйидаги талабларни ҳам кўндаланг қилиб қўяди: «Тўғри эътиқодли бўлмоқ, ўз устида ишламоқ, одамлар билан яхши муносабат қилмоқ; қўли ва тили билан бошқа одамларга озор бермаслик, таниган ва танимаган одамлар билан саломлашмоқ, очларни тўйғазмоқ...» [15;14-15].

Инсонлараро муомала-муносабатни мустаҳкамлаш ёхуд унга футур етказишга хизмат қиладиган иллаг ҳамда фазилатлар

мавжудки, уларнинг биридан кўнгиллар яшнайди, бошкасидан калблар қакшайди. Эзгулик миллат ва элатлараро ҳамкорлик дарахтини кўкартиради, самарадорлигини бойитади. Табиийки, ёвузлик яшнаётган дарахтни куритади. Жаноби расули акрамнинг ҳикматларида масаланинг айни нозик жиҳатлари бағоят назокат билан ҳисобга олинган. Мухими шукдаки, ўшаларнинг барчаси худонинг ердаги халифаси-инсоннинг хоҳиш иродасига боғлиқдир. Қадим-қадимдан, ҳикмат манбаи «Авесто»дан нур-ёғду тарафида турувчи инсоннинг улуғланиши замирида ҳам гўзал фазилатлар соҳиби тарбиясининг ётиши бесабаб эмас эди, албатта. Сарвари коинот Мухаммад Мустафонинг болалик йилларида, аникроги, беш ёшарликларида содир бўлган ярим афсонавий ҳодисанинг китобдан-китобга кўчиб, яшаб келиши мантикий асосга эгадир. Ҳалима она тарбиясида, сахрода ўйнаб юрган бўлажак расулни осмондан тушган оппоқ либосли фаришталар тутиб олиб, кўксини очиб, юрагини чиқариб, ундан сувайдони-юрак ўртасида жойлашган қора кон нуқтасини олиб ташлаб, самога кўтарилиб кўздан фойиб бўлишади. Айни манзарани кузатиб тўрган болалар кўрган воқеаларини Ҳалима онага сўзлаб беришади. Бундан ҳайратга тушган энага Мухаммаднинг баданини очиб кўради ва унда алоҳида бир асоратни кўрмай, ҳайрон қолади. Ўша воқеанинг содир бўлган-бўлмаганлиги ёлғиз Яратганга равшандир. Бироқ масаланинг ахлоқий-тарбиявий томони аҳамиятлидир. Илоҳий-ирфоний манбаларда комил инсоннинг ҳаётдаги ёлғиз тимсоли сифатида Мухаммад пайғамбар тилга олинади ва ёзилади. Сабаби шундаки, жаноби расули акрамнинг жисмида ёвузлик манбаи—сувайдо йўқ эди. Одам Ато бунёд этилгунга қадар Арши Аълода нур тимсолида мавжуд бўлган Хотамул анбиё-Мухаммад пайғамбар табиатида, феълу авторида ёмонлик ўрнида ҳам яхшилик яшаган, ривож топган. Шундан ул зоти мукаррамнинг ҳадисларида ҳам марказий ўринда эзгулик туради. Жумладан, ҳадисларда «гуноҳ қилмоқдан уялмоқ, ҳаёли бўлмоқ, айтганига амал қилмоқ, Аллоҳ ва унинг Расулини севмоқ, омонанта ҳиёнат қилмаслик, ёлғон сўзламаслик, ноҳақ ҳаракатлар қилмаслик, кек сақламаслик, ҳарому зинодан сақланиш...» каби ибратли ахлоқий фазилатларга алоҳида ургу берилади." Иймоннома ҳар бир бобининг бундай нодир жумлаларига батафсил шарҳу изоҳ бериладиган бўлса, улар жилд-жилд китоблар учун асос бўлгусидир. Дарвоқеъ, ўша нодир ҳадислар хусусида ҳозирга қадар талайгина адабий-бадиий, илмий пандномалар яратилган ва яратилажакдир. Шарқ мумтоз адабиёти, мусулмон минтақа бадиий сўз санъати учун юкорида

айримларигина айтилган мулоҳазалар ғоявий-маънавий асос вазифасини ўтади ва асрлар оша улар адабий асарларда комил инсон қиёфасида умумлаштириб келиндики, бу ҳақда навбатдаги маколаларимизда баҳс юритишга Қодир эгам мұяссар айлаган бўлсин, иншооллоҳ!

### Фойдаланилган адабиёт:

- 1.Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.: «Ўзбекистон», 1997.
- 2.Чор китоб. Т.: «Чўлпон». 1992.
- 3.Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли лугати. Т.:,1995.
- 4.Арабско-русский словарь. М., 1962.
- 5.Нурова. Фарҳанг осори чомий. Иборат аз ду чилд. Чилди I, д., 1983.
- 6.Иброҳимов С., Шамсиев П. Навоий асарлари лугати Т.;1972.
- 7.Мухаммад Фиёсиддин. Фиёс-ул-лугот. Иборат аз се чилд. Чилди I. Д.: «Адид», 1987.
- 8.Фарҳангзи забони тоҷикӣ. Иборат аз ду чилд. Чилди I, М., 1969.
- 9.Узбекско-русский словарь. Т., 1988.
- 10.Ижтимоий-сиёсий терминлар лугати. Т., 1976.
- 11.Атеистический словарь. Издание второе... М., 1986.
- 12.«Садои Шарқ», 1989, 9-сон.
- 13.Инжил. Стокгольм, 1992.
- 14.Куръони карим. Т.: «Чўлпон». 1992.
- 15.АбуАбдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. Алжомеъ ас-саҳих. Тўрт жилдлик. I-жилд. Т., 1991.

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,  
Балки нишони анга имон эрур.

Улки ҳаду расм қўяр мантиқий,  
Токи бу ҳайвони била нотиқий.

Иккиси инсонга бўлуб ҳадди том,  
Зумраи инсон аро айлар хиром.

Навъини нотиқ била ҳайвон қилур,  
Нотиқу ҳайвонини инсон қилур.

Алишер Навоий

Тарихий, бадиий, илмий ва маноқиб асарларда “Қутб ул-іброр” (яхшиларнинг, тасаввуф аҳлиниң гумбази), “Файз ул-анвор” (файз бахш этувчи нурлар), “Faғс ул-аҳёр” (яхши инсонларнинг мидадкори), “Қутби фалаки валоят” (валийлик самосининг гумбази), “Орифи маорифи асрори илоҳ” (илоҳий маърифат сирининг тонишманди), “Ҳидоят паноҳ” (покланиш йўлининг пушти паноҳи), “Ҳақойиқ огоҳ” (ҳақ сирру асрорининг хабардори, билимдони) сингари ўнлаб унвону сифатловчилар билан тилга олинувчи Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий (1404-1490) Марказий Осиё ҳалқлари тақдирни ва накшбандия тариқати равнақида улкан ҳисса қўшган буюк маънавий арбобдир.

Ҳазрати Эшон ҳакида XV-XX аср ибтиносига иншо этилган жуда кўп мумтоз манбаларда қимматли маълумотлар ёзилганди. Таъкидлаш жоиз, ўша сарчашмаларда бу улуғ инсонга доир ўргатга ташланган қайдлар якранг эмас. Соддароқ қилиб шайтадиган бўлсан, Ҳазрати Эшонга юксак ихлосу эҳтиқод билан муносабатда бўлиб, у ҳақда теран ички туйғу ва самимият илиа фикр юритганлар, шунингдек, ул зоти бобаракотга гараз ва нафрат туйғулари йўғрилган жумлалар ёзил қолдирган нокаслар ҳам бўлган. Академик Б.Н.Валихўжаев ўринли эътироф қилганидек, “Ҳожа Ахрорга қарши курашни асосан ҳоким табака ва шариат пешволари олиб борганлар, уни обрўсизлантириш, таъсир доирасини чеклаш учун интилганлар” (Ботир Валихўжаев. Ҳожа Ахрори Вали. Ҳужқатли эссе. “Зарафшон”, Самарқанд-1993, 17-бет). Ана шундай зиддиятли манзара йигирманчи юз йиллик ибтиносига, алалхусус, шўро салтанати замонида янада кескин тус олди. Таниқли тарихшунос, академик В.В.Бартольд асарларида куртак ҳолида намоён бўлган бундай салбий ҳолат ундан кейин бунёдга келган жуда кўп ишларда япроқ ёзди ва Ҳазрати Эшон шанига чапланган қора бўёклар мисли кўрилмаган даражада куюқлаша борди. Мавзуга доир бундай салбий муносабат ёзма асарлардан ҳалқ оғзаки бадиий ижодига кўчиб, бир қатор ҳақиқатдан йироқ ривояту латифаларнинг дунёга келишига йўл очиб берди. Улардан бирида шундай накл қилинади:

Афанди эшагини миниб юрт кезибди. У йўлида жуда кўп серхосил зироат ерларига дуч келибди ва одамлардан сўрабди:

<sup>23</sup> Ушбу макола М.Махмудов ва Ю.Азимовлар билан ҳаммуаллиғликда ёзилган.

“-Бу ерлар кимнинг мулки?

Унинг саволи жавобига айтишибди:

-Хожа Ахрор Валийники....

Йўлида давом килган афанди сурув-сурув кўйлар, қорамол ва отлар подасига дуч келиб, яна сўрабди:

-Булар кимни?

-Хожа Ахрор Валийники...

Якранг жавоблардан зада бўлган афанди эшагидан тушиб, унинг кетига бир тепиб:

-“Бор, сен ҳам Хожа Ахрор Валийники бўл”, -деган эмиш. Табиийки, бундай талқинлар қизил мафкура инг талаб - тамойиллари ва сиёсатига тўла мос қелганлиги туфайли XX асрнинг 80-йилларига қадар Хожа Убайдуллоҳ ҳақида факат таҳқири тавқи лаънат билан йўғрилган мулоҳазалар баён қилиб келинди. Санкт-Петербурглик таниқли шарқшунос, проф. А.Н.Болдирев Тожикистонга қилган охирги сафари чоғида Самарқандга ўтади, Ҳазрати Эшон хоки пойини тавоф этиб, унинг қабридан табаррукан ѿир сиким тупроқни рўмолчасига туғиб олиб ўз она юртига қайтади. Сафардан сўнг эътиқодли олим “Яна Хожа Ахрор масаласига доир” сарлавҳали мақоласини (“Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма”. Сб. ст. Москва –1985, стр. 47-62) ёзади. Ана ўшандан кейин Ҳазрати Эшонга доир муносабат ижобий томонга юз буради. Тожикистонда проф. Аълоҳон Афсаҳзод, Ўзбекистонда академик Б.Валихўжаевлар биринчилардан бўлиб мавзу билан жиддий шуғулландилар. Жумладан, академик Б.Валихўжаевнинг “Зарафшон” (Самарқанд вилоят газетаси) ва “Овози тоҷик”да туркум мақолалари эълон қилинди. Кейинчалик олимнинг тоҷик (Қаранг: Ботурхон Хилҳатпури Валихожа. Хожа Ахрори Валий. Ҳамсат ул-қатарот дар зикри ҳазрати бобаракот (Баракотли ҳазрат зикрида беш қатра (фаслдан) иборат китоб). Самарқанд, “Суғдиён”-1992, 64 сахифа) ва ўзбек тилидаги (Қаранг: Ботурхон Валихўжаев. Хожа Ахрор тарихи. Тошкент, “Ёзувчи”–1994, 96 бет) китоблари босилиб чиқди. Юкорида саналган асарларнинг тўлдирилган, таҳрир қилинган янги нусхаси Техронда (Эронда) форс тилида рўшнолик кўрди. Мавзу билан янада теранрок шуғулланган акад. Б.Валихўжаев Ҳазрати Эшоннинг улуғ бобо-бобокалонлари “Абу Бакр Каффоли Шоҷий” (“Мулокот”, 1997, 3-сон), “Шайх Хованди Тахур” (“Мулокот”, 1998, 2-сон)лар ҳақида пишиқ илмий мақолалар эълон килди. Олимнинг кейинги тадқиқотларини камраб олган ва анча тўлдирилган янги китоби (Қаранг: Ботирхон

Валихўжаев. Буюк маънавий муршид. “Фан”, Тошкент –2004, 170 бет) яқинда ўқувчилар кўлига тегди. Кўринадики, биргина адабиётшунос Хожа Ахрор Валий ҳақида шу қадар кўп ишлар яратган. Албаттa, устод адиб бу борада ягона эмас. Ҳазрати Эшон ҳақида ёзиш, унинг кўп қиррали фаолиятини ёритиш ҳаракати, дарҳақиқат, кейинги йилларда авж олди. Айниқса, Ўзбекистон истиқлоли туфайли маънавиятнинг давлат дастури мақомига кўтарилиши, илоҳиёт ва ирфонга муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, ўтмишда яшаб, бебаҳо асарлар қолдирган олим уламолар, тариқат пирлари мангу оромгоҳларини тубдан янгилаш, муқаддас зиёратгоҳга айлантириш, меросларини бугунги авлод ҳукмига ҳавола этиш борасида килинган кўламдор савобли ишлар қаторида Ҳазрати Эшонга бўлған нуқтаи назаримизни эзгулик томон буриб юборди. У ҳақда даврий матбуот, оммавий ахборот воситаларида эркин мушоҳада юритиш имконияти туғилди. Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари мангу оромда ётган маскан таниб бўлмас даражада ўзгарди. Энг муҳими, Республика Вазирлар Маҳкамасининг Хожа Ахрор Валий таваллудининг 600 йиллик тўйи тантаналарини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши ахроршуносликда бурилиш нуқтаси бўлади ва жуда кўплаб мақолаю китоблар, бадиий асарларнинг яратилишига ижобий туртки беради....

Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий ҳақида талайгина илмий, илмий-оммабоп ишлар яратиғанлиги ва Ҳазрати Эшон таржимаи ҳолига доир асосий гаплар айтилганлигини назарда тутиб, биз бу ишимизда Фахруддин Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Рашаҳот айнул-ҳаёт” (“Оби ҳаёт томчилари”) асаридағи ибратли лавҳалар ёрдамида баҳзи мулоҳазаларимизни ўргата ташлашга ҳаракат қиласиз.

### Улуғ алломалар руҳидан кўчган маърифат...

Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валийнинг улкан маънавий арбоб, шайх, тариқат ва илоҳиёт мулкининг мukтадоси (пешвоси) мақомига кўтарилишида расмий мадраса таҳсили ва китоблар эмас, балки мулоқот, ташриф, тавоф ва шайхлар сұхбатидан олинган маънавий-маърифий фикрлар ҳал қилувчи аҳамият қасб этган. Бу ҳақда “Рашаҳот” муаллифи ғоят ибратли лавҳаларни келтиради. Хожа ҳазратларининг тоғалари Хожа Иброҳим ул зоти мукаррамга расмий мадраса таҳлимини бериш мақсадида XV асрнинг 20-йиларида

Тошкентдан Самарканға олиб келади. Таҳсил жараёни бошланади. Бироқ Ҳожа Убайдуллоҳ руҳига дарсхона сабоқлари сингмайди. Толиб касалға чалинади. Синовлар тақрорланади, бироқ руҳий бурхон күчайиб, хасталик чуқурлаша боради. Бундай нохуш ахволдан ташвишга түшган тоға жиянини ўз хошишига қўйиб беришга мажбур бўлади. Ана ўша даврдан бошлаб Ҳазрати Эшон тақдирининг иккинчи даври – мазоротлар тавофи жараёни бошланади. Шу мавзуга доир Фахруддин Али Сафий Ҳазрати Ҳожа тилидан қўйидагиларни келтиради: “Ойтур эрдиларким, ёшлигимда куввати воҳима манда бағоят қавий эрди. Уйдан танҳо ташқари чиқа билмас эрдим. Бир кечак амре манинг дилимга орис бўлди ва зўр келтурди ва кувват этди. Иш жойға етушдиким, сабру қарорим қолмади ва ихтиёр қўлдин кетди. Бенхтиёр бевақт уйдин ташқари чиқдим. Ул завқ бўлдиким, Шайх Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг (вафоти 977) мазорларига бордим. Мазорга кирдим ва бир соат Шайхнинг қабрлари олдида ўлтурдим. Ҳеч кўркув бўлмай, ул ердин Шайх Хованди Тахур (вафоти 1360) мазорларини тавооф этмак дағдага бўлди” (Фахруддин Али Сафий. Рашиҳот. Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. Тошкент –2003, 301-бет. Бундан кейинги иқтибослар ҳам шу китобдан олинади ва тегишли сахифалар қавс ичида кўрсатиб борилади). Парча давомида ўша кечада Шайх Иброҳим Кимёгар, Шайх Зайнуддин Кўйиорифон (XII аср охири, XIII аср бошларидаги яшаган) каби улуғлар мазоротига борилганлиги хабар қилинади. Таъкидлаш жоиз, тилга олинган шайхларнинг мақбаралари бир қабристонда эмас. Улар ўргасида муайян масофалар ётган. Масалан, Шайх Зайнуддин Кўйиорифоннинг оромгохи ўша даврдаги Тошкент шаҳрининг чеккасида жойлашган ва Шайх Қаффоли (кулф ясовчи) Шоший ҳамда Шайх Хованди Тахур (энг пок ҳоким, жаноб)ларнинг мазоротидан бир фарсаҳ (7-8 км.) узоқликдаги масофада экан. Тасаввур килиш мумкин, Ҳазрати Эшон бир кечада, тун зулмати ва ўнқир-чўнкир йўлларда қанча масофани босиб ўтган эканлар. Бунинг учун қалбга түшган илоҳий ваҳий Ҳазрати Эшонга кувват берган ва доимий ҳамроҳлик қилган. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни алоҳида ургу билан таъкидлаш жоиз кўринади. Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийга савқи табиий (илоҳий истеъдод) туғма эди. Аниқроғи, Аллоҳ бу неъматни у зоти бобаракот дунёга келмасиданоқ, унинг пешонасига битиб қўйган. Али Сафийнинг “Рашиҳот”да келтирган қўйидаги лавҳаси бизнинг мулоҳазаларимизга кувват беради. Нақл қилинишича, Ҳазрати Эшоннинг ота тарафидан боболари Ҳожа Шахобуддин Шоший вафотидан олдин

ўғиллари Хожа Мұхаммад ва **Хожа Маҳмуд** (Ахрор Валийнинг оталари)ни қақириб, фарзандларини олиб келишни буюради. Хожа Мұхаммаддан бўлган неваралар бобонинг ҳафсаласини сўндиради. Хожа Шаҳобуддин Шоший катта ўғли фарзандлари истиқболида сарсон-саргардонлик турғанилигини башорат ила рўйи –рост айтади. Навбат Хожа Маҳмудга етганда, у бир яшар ўғлини (Хожа Убайдуллохни) йўргакда олиб келади. Чақалоққа назари тушган бобо атрофидагиларга хитоб қилиб айтади: “Мани турғузунглар. Турғуздилар. Олар (бобо) Ҳазрати Эшонни ёnlарида кўйуб, юзларини тамом аҳзосига суртуб, кўб ийғладилар ва айтдилар: Ул фарзандлариким, ман талаб этуб эрдим, бу турур. Дариғким, онинг зухури айёмларида ман бўлмасман... Тез бўлурким, бу улуғ оламгир бўлур, шариатга ривож бериб, тариқатга равнақ берур. Ва рўзғорнинг сultonлари онинг хатти фармонига бош кўйуб, амру нахъига тан берурлар...” (295-бет).

“Кўчқор бўлар кўзининг пешонаси дўнг бўлур”, -дейди заковатли аждодларимиз. Бу нодир ҳикмат билан баҳс қилиш қийин. Унга факат тан бермоқ мумкин. Чунки илоҳий назар етмаган бандани илм қозонига солиб қайнатишдан манфаат йўқ. Унга ҳеч нима юқмайди. Бу ҳақда Шайх Азизуддин Насафий ҳам “Зубдат ул-ҳақоқ” (“Ҳақиқатлар қаймоги”) асарида ёзади. Шайхнинг қатъий таъкидича, дунёга келажак фарзанднинг яралишига асос бўлувчи қатра сувда (путфада) унинг бутун умр йўли акси – ифодасини топаркан. Бас, илоҳий тақдирни тадбир билан ўзгартиришга уринишдан ҳеч қандай фойда бўлмайди, дейди Шайх ҳазратлари. Айни ҳақиқатга таянган заковатли Хожа Шаҳобуддин Шоший ботиний назар билан Ҳазрати Эшондаги савқи табиийни ҳис этган ва унинг келажаги ҳақида башорат или адолатли хulosаларини баён қилган. Айни чоқда, ота ўз ўғли Хожа Маҳмудга васият қиларкан, уқтиради: “Манинг бу фарзандимни яхши сақлагил ва анинг шавкати ва тарбияти ондоғким, керакдур, муносибdir, бажо келтургайсан” (Ўша китоб, ўша бет).

Ҳазрати Эшондаги теран маҳрифий ҳолнинг ташаккулида оила мухитининг таянч омил эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик позим. Муршиди комилдаги бундай ноёб фазилатнинг ўқ илдизлари Шайх Абу Бакр Қаффоли Шоший даҳосидан нур эмган. Бу улкан шилома (Қаффоли Шоший) ўз замонасидаги етмиш икки тилни билган, зоҳирий ва ботиний илмларнинг билимдони сифатида нафакат Мовароуннахру Хурросон, балки Бағдодда ва бутун араб дунёсида ҳам шуҳрат таратган. Шунинг учун Ҳазрати Эшоннинг улуғ боболари **Хожа Мұхаммад Номий** (Х аср охири, XI аср бошларида

яшаган) Бағдодда шайх Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг маърузаларини тинглаб, унга ихлос қўйган, мурид тушган ва маънавий пир билан бирга Шошга келиб, турғун яшайди, япрок ёзиб, маърифатпарварлар сулоласига асос солади. Хожа Муҳаммад Номий ўз ақлу заковати туфайли илоҳиёт ва тариқат тарихида ёрқин из қолдирган. Шундай гапни Ҳазрати Эшоннинг бэболари Шайх Умар Богистоний (XIV аср), Шайх Хованди Тахурлар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Шайх Умар Богистоний ўз фарзанди Шайх Хованди Тахурга васият қиларкан, айтади: “Тахур, мулла бўлма, ул бўлма, бул бў има, мусулмон бўл!” (282-бет). Табиийки, бундай ҳикматлар, шайхлар сулоласининг ибрату ўгитлари оила мухитида бот-бс г такрорланган ва Ҳазрати Эшон шууридан ҳам улар мустаҳкам жой олган.

Хожа Убайдуллоҳ нақшбандия тариқатининг эътиқодманд солики сифатида унинг арбобларини ўзига пир билган, мархумларининг мунаvvар руҳидан, ҳаёт қайдида бўлганларининг эса суҳбатларидан баҳра олиб, балоғат пиллапоялари сари юкорилаша боради.

“Мусоғир бўлмай, мусулмон бўлолмайсан”, -дейди донишманд халқимиз. Айни ҳикматнинг ростлигини Ҳазрати Эшон тақдирида ҳам кўриш мумкин. Ахрор Валий Мовароуннахр ва Ҳурнос давлатлари ҳудудида яшаган аксарият шайх, олиму уламолар зиёратида бўлиб, улар билан мулоқот қилган, таълимотидан баҳра олган. Айниқса, Хожа Абдухолик Фиждувонийнинг куйида келтириладиган байтидаги мазмун Ҳазрати Эшоннинг серзавқ умри давомида йўлчи қолдуз бўлиб хизмат қилган:

Дари хилват банду дари суҳбатро кушой,

Дари шайхиро банду дари ёриро кушой

(Мазмуни: Хилват эшигин ёпгилу суҳбат эшигин оч,

Шайхлик эшигин ёпгилу ёрлик эшигин оч) (36-бет).

Илоҳиёт ҳам, тариқат ҳам соҳта эҳтиқод, зоҳирбинликни хуш кўрмайди. Абдухолик Фиждувонийнинг байтида ҳам асосий эътибор моҳиятга қаратилади. Шайхлик либоси ва унвонига эга бўлмоқ кифоя қилмайди. Ҳамма гап ботинда, қалбда эътиқоднинг нечоғлик устивор жой олганлигидадир. Муҳими шундаки, Хожа Абдухолик Фиждувоний айтиш, таълим бериш билан қаноатланмай, амал ибрати билан ҳам муриду муҳлисларига намуна кўрсатганлар. Фахруддин Али Сафий “Рашаҳот”да ҳазрати Эшон тилидан келтиради: “Ҳазрати Хожа Абдухолик... бозорда юрурлар, кулоқлариға ҳамма зикр овози келур, зикрдин бошқа нарса эшитмаслар” (303-бет). Улуғ пирлар руҳидан баҳра олмоқ, улар тавофи ва суҳбатида бўлмоқ Ҳазрати

Эшон қисматида изсиз кетмади. Айни таъкидни зикр бобида ҳам айтиш жоиздир. “Рашаҳот” муаллифи кафолат беради: “Мабодийи ҳолда (ҳолнинг бошланиши, қалбий балоғатнинг ибтидосида) зикр шундог ғолиб бўлуб эрдиким, шамол ва ҳар овозеким кулоқимга келур эрди, зикрнинг (“Ло илоҳа илполлох”ни сурункали тақрорлаш) овози эшитилур эрди...” (Ўша китоб, ўша бет). Айримлари тилга олинган жараёнлар Ҳазрати Эшонни илоҳиёт ва тариқатнинг катта билимдони мақомига кўтарди, ўзининг ширин самарасини бера бошлади. Мана бу бўлиқ назарий мулоҳазалар ўшалардан намунаидир: “Тавҳид шариатда Ҳақ таолони бир деб айтмоқ ва бир билмак. Аммо тариқатда кўнгилни Ҳақ субҳонаҳу ва таолони гайридин жудо этмакдур” (284-бет).

Илоҳиёт, тариқат ва умуман, илм чўққиларини забт этиш ҳеч ким учун ҳам осон кечган эмас. Айниқса, иқтисодий танглиқдан Ҳазрати Эшон ҳам четда қолмаган. Бундай ночор ахвол XV асрнинг биринчи ярмида, Ҳазрати Эшон мусофиратда юрган йилларда ёрқин назарга ташланади. “Рашаҳот”да ўқиймиз: “Манинг отим ва маркабим йўқ эрди. Бир йилда қабое кияр эрдимким, пахталари ташдин чиқар эрди. Ва уч йил муддатида бир пўстин кияр эрдим. Ва ҳар уч йил муддатида бир тош тобон этук кияр эрдим” (304-бет). Қуйида келтириладиган иқтибос ҳам ўша мавзудадир. Фахруддин Али Сафий Ҳазрати Эшон тилидан хабар беради: “Мирзо Шоҳруҳнинг замонида (хукмронлиги 1407-1447 йиллар) Ҳирада бўлур (XV асрнинг 30-йиллариға тўғри келади) эрдим. Менинг бир пулга кудратим йўқ эрди” (Ўша китоб, ўша бет). “Рашаҳот” муаллифи Ҳожа Убайдуллоҳ мулоҳазаларини давом этар экан, ёзади: Ҳиротнинг Бозори Малик деган жойида Ҳазрати Эшон бир ошпазнинг ёнида тик турган эдилар. Бир гадой келиб садака сўрайди. Беришга ҳеч вақоे йўқ. Ноқулай вазиятда қолган Ҳазрати Эшон бошларидан илма тешик бўлиб кетган дасторни олиб ошпаз олдига ташлайдилар ва айтадилар: “Бу дастор покиза туур, қозонни ювгандан сўнг дастмол бўлур, сақлагил ва бу гадойга бир нимарса бергил” (Ўша китоб, ўша бет). Алқисса, ошпаз гадойга садака беради ва дасторни олмайди. Ҳожа Убайдуллоҳ ҳам уни олмай кетиб қоладилар. Кўринадики, муршиди комил бутун умри давомида сарватманд бўлиб яшаган эмас. Ундаги мол-мулк XV асрнинг 60-йилларидан йигила борган....

### Тушлар порлок истиқболдан сўзлайди...

Туш инсон умри давомида тез-тез содир бўладиган ходиса. Шундан, туш билан алоқадор лавҳаларга мумтоз адабиётда кенг ўрин

берилган. Хусусан, севишгандарни бир-бирига “таништириш”да туш муҳим восита вазифасини ўтаган: Шунингдек, инсоннинг тақдири, унинг иқболу истикболидан хабар беришга ҳам туш билан боғлик тафсилотлар ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Жумладан, Захириддин Мұхаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий, унинг катта ўғли Хожа Яхе ва нақшбандиянинг бошқа пирлари иштирок этган туш билан алоқадор лавҳалар күплаб учрайди. “Рашаҳот айнул-ҳаёт”да ҳам Хожа Убайдуллоҳнинг талайгина тушлари берилган. Биз улардан айримлари ҳакида мuloҳаза юритишни лозим топдик. Фахруддин Али Сафий шубҳага ўрин қолдирмаслик учун туш билан алоқадор тафсилотларни Ҳазрати Эшоннинг ўз тилларидан келтиради: “Ҳазрати Эшон айтур эрдиларким: “Ёш вактимда Шайх Абу Бақр Қаффоли Шошийнинг мазорларида Ҳазрати Исо алайхиссаломни тушимда күрдимким ўлтурубдилар. Ман ўзумни оларнинг қадамлариға ташладим, олар манинг бошимни туфроқдин күттардилар ва айтдилар: “Ғам емагил, биз сани тарбият этурмиз” (299-бет). Аввало иқтиbos олинған парчадаги воқеаларни түшакда ётиб күрилган туш сифатида қабул қилиш түғри эмас. Юқоридаги саҳифаларда назардан ўтказганимиздек, Ҳазрати Эшон кечаси билан мазоротларда юриб, улуғлар қабри ёнида соатлаб ўтирган. Муроқаба (мушоҳадага берилмоқ) ҳолатида күзни юмиб, таҳаюлот (хаёл) оламига ғарқ бўлғанда, уйку билан уйғоқлик ўртасидаги бир манзара вужудга келади. Ҳазрати Эшоннинг тушларини ҳам ана ўша маънода қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур тушнинг таъбири билан алоқадор лавҳалар ҳам анча мунозарали кечган. Исо пайғамбар нафаси ўткирлиги, ҳатто ўлик одамга ҳам жон бағишилаш фазилати (каромати)га таянган айрим таъбирчилар “санга тибдан насибае бўлур”, -деган хulosага келишади. Бундай мuloҳазалар Ҳазрати Эшонга маъкул бўлмайди. Воқеалар ривожи хусусида “Рашаҳот”да ёзилади: “Сизларнинг таъбирингизга манинг розилигим йўқдур, ман важхи дигар била таъбир этдим ва ул таъбир ул турурким, Ҳазрати Исо алайхис-салом мазҳари ихё (тирилтириш, бедорлик зоҳир бўлувчи манба) турурлар, то авлиёуллоҳдин ҳар ким бу сифати ихё била зоҳир бўлса, айтурлар “Исавий ал машҳад (кузатув жойи) турур. Вактеким, олар бу факирнинг тарбиятини ўзларига олдилар, бу факирда қулуби майиталарни (ўлик қалбларни) ихё этмак (тирилтирмок) сифати ҳосил бўлур” (299-бет). Тўғри, “Рашаҳот”да Ҳазрати Эшонда ўткир нафас билан ўлик қалбларга (жисмоний маънода) жон ато этиш фазилати (каромати) билан алоқадор далиллар

учрамайди. Бироқ маънавий нуқтаи назардан ўлик қалбларни уйғотиш, уларни эзгуликка йўналтиришга доир лавҳалар талайгина топилади. Шунингдек, Хожа Убайдуллоҳнинг қаргишидан қочиб кутулишнинг иложи бўлмаган. Щундай “мукофот”га лойик бандалар қарғиши даражасига қараб ўз “насиба”сини олган. Фахруддин Али Сафий айни йўналишдаги тафсилотларни ургу билан қайд этиб қолдирган... “Рашаҳот”да яна бир туш ҳақида ёзилади: “Мабодийи ҳолда ҳазрати рисолатпаноҳ (с.а.в.)ни тушда кўрдум. Асҳоб (саҳоба, маслақдошлар, соҳиблар) ва ғайри асҳобдин жамҳи анбух била бир бағоят баланд төғнинг этагида ўлтуурлар. Ногоҳ ул бу факирга ишорат этдилар: “Кел, мани кўтариб бу төғнинг устига чикоргил”. Ман ул Ҳазратни буйнумга кўтариб юқори чикариб, төғнинг кулласига кўйдум. Ул Ҳазрат (с.а.в.) истехсон этдилар ва айтдилар: “Ман билур эрдимким, санда бу қувват бордур ва бу иш сандин келур, лекин хоҳладимким, бошқалар ҳам билсунлар” (Ўша китоб, ўша бет). Мазкур тушда Ҳазрати Эшон улуғ боболари Шайх Шаҳобуддин Шошийнинг васиятига уйғунлик, мазмуний оҳангдошлиқ кучли назарга ташланади. Унда мажозийлик, башорат ва буйруқ маънолари коришик келади. Жаноби Расули Акрамнинг ўзларини төғнинг юқори чўққисига кўтариб кўйиш бобидаги даъватлари пайғамбарга илоҳий ваҳий билан насиб бўлган исломий шариатга дахлдордир. Хожа Убайдуллоҳдаги Аллоҳ берган ботиний қудрат, ислом ва тариқатга бўлган юксак ихлосу эътиқод жаноби рисолатпаноҳ томонидан яна бир карра эътироф этилмоқда. Дарвоҷе, қайд этилган ушбу туш шунчаки тушлигича қолиб кетмади. Балки амалда ўз ижросини ҳам топди. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий саксон олти йилга чўзилган умрининг катта қисмини шариати исломияни муҳофаза ва равнақига сарф этиб, чиндан-да уни XV асрда ривожининг юқори кулласига кўтаришга ҳисса қўшдилар....

Ҳазрати Эшоннинг яна бир тушлари Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд била алоқадордир. Унда қуйидаги лавҳалар нақл қилинади: “Мабодийи ҳолда Ҳазрати Хожа Бузруг Хожа Баҳоуддин (қ.с.)ни тушимда кўрдумким, бир кечада келдилар ва манинг ботинимга тасарруф этдилар, ондоғким, оёқларим суст бўлди. Ондин сўнг равон бўлдилар ва ман ҳам ҳар вайҳ била қувватим борича ўзимни Ҳазрати Хожа (Баҳоуддин)га етуштирдим. Орқалариға қараб айтдилар: “Муборак бўлсун” (299-300-бетлар). Келтирилган лавҳаларда маънолар омехталиги кўзга ташланди. Улуғ алломаларнинг мазоротларида бўлиш, нақшбандия шайхлари сұхбатини олиш, улар хизматида қойим туриш Ҳазрати Эшонни ушбу

адолатпеша ва раиятпарвар таълимотнинг чинакам донишманди мақомига кўтарди. Шундан бўлса керак, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий-маърифий тасарруфлари жойини топади. Тариқат асосчисининг мулојим табассумли нигоҳи ва “муборак бўлсун” баҳосига сазоворлик замирида фахрия – ифтихор туйғуси ҳам йўқ эмас. Шу ўринда таъқидлаш жоизки, ҳамма шайху муршидлар ва авлиёуллоҳлар ҳам Хожа Убайдуллоҳ қалбига тасарруф (кира олган, эгаллаган, таъсир ўтказган) қила олган эмас. “Рашаҳот”даги кўп сонли қайду лавҳалар шундай холосага келиш асосини беради. Яна бир жихати шундаки, Ҳазрати Эшон Мовароуннаҳру Хуросон ҳудудларида истиқомат қилиб, ном чиқарган илоҳий – ирфоний арбоблар зиёратида бўлиб, улар билан мулоқот қилган. Аммо уларнинг ҳаммасига ҳам бирдай ихлос қўйиб, бирдай ихлос қилган ва муносабатда бўлмаган.

Иқтисодий – ижтимоий аҳволи қай даражада бўлишидан қатъи назар, ростлик ва адолат Ҳазрати Эшон фаолиятининг тамал тошини белгилаган. Зўрнинг кудратини мардона эътироф этган. “Рашаҳот”да шу йўналишда талайгина мисоллар учрайди. Биз улардан биргинасини келтириш билан чекланамиз. Ҳазрати Эшон билан Нуриддин Абдураҳмон Жомий ўргасида ўн ёш тафовут бор. Бирок улар жуда яқин инсоний- илмий муносабатда бўлишган. Бу улуғ маънавий арбоблар икки марта (1465, 1479) Самарқандда учрашиб, давомли мулоқотлар ўтказишган. Учинчи марта Ҳиротда (Нақшбандия тариқатининг Хуросон давлатидаги пешвоси Саҳдуддин Кошғарий вафоти (1456)га қадар) ва ниҳоят яна бир учрашув 1469 йилда, Марвда содир бўлган. Муҳими шундаки, Ҳазрати Эшон ва Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий қарашлари, илмий, илоҳий-ирфоний нуқтаи назарлари ҳамоҳанг келган. “Панжалар панжаларга” муносиб урилган. Шундан бўлса керак, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий Нуриддин Абдураҳмон Жомийга мана бундай юксак баҳо берган эди: “Хуросонда ҳар ким Мавлоно Абдураҳмон Жомийни кўрган бўлса, онга сувнинг бу тарафига (Аму дарёнинг Мовароуннаҳрга тегишли соҳили назарда тутилади –Р.В., М.М., Ю.А.) келмакка ҳожат йўқ турур” (Ўша китоб, 196-бет).

Алқисса, утуғ алломалар руҳидан етган увайсий тарбиялар ўз натижасини берди ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий илоҳий-ирfonий оламнинг муршиди комили даражасига кўтарилди.



## Бу жомадин садақа иси келур...

Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валийнинг умр йўлларида бугун ҳам ибрат олса арзигулик жиҳатлар беҳад-беҳисобдир. Ҳазрати Эшон муҳтоҷ одамларга беминнат хизмат қилишни ўзларига шараф билганлар. “Рашаҳот”да муршиди комилнинг ўз тилларидан келтирилган қўйидаги иқтибос ҳам бизнинг хуласаларимиз фойдасига хизмат қиласди: “Ҳар кишини бир эшикдин келтирублурлар, мани хизматнинг эшикидин келтуруб турурлар, бу жиҳатдин турурким, хизмат манинг марzon ва муҳтор ва маҳбубам турур” (311-бет). Ҳазрати Эшоннинг юқоридаги мулоҳазалари шунчаки айтилган гап бўлмай, ул зоти муборакнинг турмуш тарзидан мустаҳкам ўрин олган эди. Бу борада “Рашаҳот”да ўнлаб ибратли лавҳалар назарга ташланади. Уларга мурожаат этишдан олдин Хожа Ахрор Валийнинг яна бир эътирофларини назардан ўтказмоқ мақсадга мувофиқ кўринди: “Ман бу тариқни (ирфоний эътиқодни) сўфиянинг китобларидин олғоним йўқ турур, балким одамларнинг хизматидин олдим...” (Ўша китоб, ўша бет). Муҳтоҷ инсонлар ва зарурати бор хизматларга камарбасталик Ҳазрати Эшон ҳаётининг ўрта ёшлари ва мусоифират йилларида кўпроқ амалга оширилган. Масаланинг муҳим жиҳати яна шундаки, бу йўлда манфаатдорлик, хизмат килинаётган шахснинг мавқе-марATABасига эътибор берилмаган. “Рашаҳот”да ўқиймиз: “Вақтедаким, Ҳирида (Хуросон давлатининг пойтахти Ҳиротда) бўлдим, сахарлар Ҳирининг ҳаммомиға борур эрдим ва одамларни ходими қилур эрдим. Гоҳ бўлур эрдиким, ўн беш- ўн олти кишига хизмат этуб, ул хизматда яхши ва ямон, оқу қора, озоду бандани фарқ этмас эдим” (310-бет). Ибратли томони шундаки, ана ўша юмушлар беминнат ва текин амалга оширилган. Ҳазрати Эшоннинг ўзлари гувоҳлик берадиларким, “мен хизматимни қилиб, секин чиқиб кетар эдим ва музд бериш (хизмат ҳаққи тўлаш) дағдагасидан йирок турардим”. Шу ўринда яна бир изоҳ: Ҳазрати Эшон учун хизмат турининг фарқи бўлмаган. Муайян вазият нимани тақозо этса, ўша вазифа адо этилган. Мумтоз манбалар шаҳодатидан маълумки, Хожа Ҳазратлари Самарқандда муқим яшаб қолгунларига қадар, бу шаҳри азимга бориб-келиб турганлар. Ана шундай сафарлардан бирида ул зоти бобаракот Мавлоно Кутбиддин Ҳайдарнинг мадрасасида истиқомат қилганлар. Ўша пайтда хизматга яъни бемордорликка муҳтоҷ икки-уч киши ҳам ўша мадрасада истиқомат қилган. Ҳазрати Эшон шу хусусдаги мулоҳазаларини давом эттириб, таъкидлайдилар:

**"...Жомалари ва тұшакларини ғовмокға мухтој бўлур эрди, ман ювар эрдим ва олардин дафху рафҳи изо қилар эрдим"** (310-бет).

Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий хоксорлик, камсуқумлилик, атрофидагилар, мулозиму хизматкорларга нисбатан муомала маданиятининг баландлиги билан ҳам ажралиб турган. "Рашаҳот"да мавзуга доир талайгина лавҳалар келтириладики, биз улардан биргинасини назардан ўтказиш билан кифояланамиз. Фахруддин Али Сафий Мир Абдуллаввалнинг (Ҳазрати Эшоннинг күёвлари) "Масмуҳот" ("Эшитилғанлар") асарига таяниб, қизик бир лавъани келтиради. Унда нақл қилинишича, баҳор ойининг аввалида Ҳазрати Эшон мулозимлари ҳамроҳлигига Кеш (Шахрисабз)га қараб йўл оладилар. Тоғ ўртасига етганда, кеча зулмати бошланади ва ўша жойда кўниш зарурати пайдо бўлади. Мулозимлар чодир ўрнатади. Иш ниҳоясига етгандан кейин Ҳазрати Эшон сафардошларига мурожаат қилиб, менга чодир ҳавоси хуш келмайди ва мен унда яшамайман, -дея чодирни мулозимлар ихтиёрига ташлаб чиқиб кетадилар. Кечаси билан ёмғир ёғиб, селга айланади. Шундай бўлишига қарамай, тонгдагина, намози бомдод адоси учун Ҳазрати Эшон хаймага кириб келадилар. Ибодат ижросидан кейин синчков мулозимларнинг савол назари билан килган нигоҳларига Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари "Шарм этдукким, биз хаймада бўлуб ва асҳоблар ёмғурда бўлсалар", -дея жавоб қайтарадилар. Шу ўринда яна бир мулоҳаза: "Рашаҳот"даги маълумотларга тўла таяниш тўғрими? Улар бўрттириш ва муболагалардан ҳам холи бўлмаслиги мумкин-ку? Бу қабилдаги саволларни яна ва яна давом қилса бўлади. Гўғри, ҳар қандай муаллифнинг ҳам ўзи ихлос килган шахс нуксонларини яшириб, фазилатларини ошириб айтиши, ёзиши эҳтимолдан холи эмас. Шундай гапни Фахруддин Али Сафийнинг "Рашаҳот"и ҳақида ҳам айтиш хато бўлмас. Бирок асар муаллифининг замонаси зиёли хонадонида (зукко олим ва адаб Ҳусайн Воиз Кошифий оиласида) вояга етганлиги, Нуриддин Абдураҳмон Жомийга қаробати (божалиги, ҳар иккала маънавий арбоб ҳам Саҳдуддин Кошғарийнинг катта фарзанди Хожай Калоннинг қизларига уйланишган), Алишер Навоий давраларида бўлиши, энг муҳими, худобоҳабар инсонлиги инобатга олинса, муболаганинг меъёр даражасида эканлигига қаноат хосил килиш панд бермайди, деб ўйләймиз. Мавзунинг яна бир муҳим илмий жиҳати шундаки, "Рашаҳот" кайдлари бошқа муаллифларнинг маълумотларига зид эмас, балки ҳамоҳангдир....

Мумтоз манбаларнинг шаҳодатича, Ҳазрати Эшон

бошқаларнинг таомини ейишдан сакланган. Фахруддин Али Сафий масаланинг нафс билан алоқадор яна бир жиҳатига ҳам алоҳида ургу беради. “Ҳазрати Эшон умрлари ибтидосидин, -ёзади “Рашаҳот” муаллифи, -то интиҳосигача ҳаргиз кишидин ҳадя ва тухфа қабул этмадилар” (306-бет). “Рашаҳот”да айни йўналишга тааллукли ўнлаб ибратли мисоллар келтирилади. Улардан бирида ҳикоя қилинишига кўра, Кориз вилоятидан Мавлоно Аҳмад Коризий муршиди комил Саҳдулдин Кошғарий вафотидан сўнг (1456 йилдан кейин) оқ қўзи жунини йигириб, нозук ва ҳарар қилиб бир чакмон тайёрлаб, шарху изоҳлар акс этган нома битиб, Самарқандга юборади ва Ҳазрати Эшоннинг ўша жома чакмонни кийишларини ўтиниб сўрайди. Мулозимлар жома-чакмонни Хожа Убайдуллоҳга олиб келадилар. Уни кўрган зоти бобаракот шундай жавоб қайтаради: “Бу жомани кийсак бўлур, валекин ондин садақанинг иси келур. Биз умримизда ҳеч кишидин бир нимарса қабул этмадук. Хизмати Мавлавийга биздин узроҳлик қилинг” (306-бет). Алқисса, юз узру маҳзур ва совғалар била бирга чакмон Кориз вилоятига қайтариб юборилади. Қани, айтингчи, шундай иш ҳаммамизнинг ҳам қўлимиздан келадими? Андиша ва яна нималарнидир рўкач қилиб, бундай гўзал совғаларни қабул қиласиз. Ана ўша иродада сустлиги туфайли эътиқодимизга футур етади, нафсимиз олдида маглуб бўлиб қоламиз. Феълу атвөrimиздаги ўша бўшлиқдан нокас бандалар ўз манфаати йўлида фойдаланади. Тухфа сабаб қонун-коидага хилоф ишларга йўл очиб берилади. Табиийки, бир кун келиб бундай ножӯя ҳаракатларимизнинг миси чиқади, вазифадан кетамиз, атрофдагилар наздида юзимиз шувут бўлиб қолади! Ҳазрат Эшондаги ўша қатъият, нафс билан жангда голиб келиш бугун учун ҳам замондошdir. Мана, яна бир мисол: Ёз ойларидан бирида Ҳазрати Эшон мулозиму муридлари билан от қўшилган маҳофада (усти ёпик аробада) қақраган сахродан ўтиб борар эдилар. Узоқдан кора уйлар кўринади. Ўша кора уйларда истиқомат қилувчиларнинг улуғи бўйнига семиз бир эчкини кўтариб, шериклари кўлида бир карсон қатиғ билан Ҳазрати Эшон йўлларига чиқади ва айтади: “Эй, Хожам, бу эчку ҳалол турурким, Сизнинг мулозим ва худомларингиз (хизматкорларингиз) учун назр этубдурман. Бу Карсон (ёғочдан ўиб ишланган катта чуқур товок) қотиги покиза турурким, келтурубман, то сизнинг мулозимларингиз исчунлар” (306-бет). Тухфа (аниқроғи, назр -улуғ қадамжолар ва шайхларга бериладиган хайрия, садақа) билан пешвоз чиққан сахрайининг сўзларини тинглаган Ҳазрати Эшон унга шундай жавоб қиладилар. “Ман кишининг назрини ва

ҳадясини олмасман. Эчкини рамаға юборғил. Аммо қатиқнинг баҳосини бериб олурман” (306-бет). Қора уйларда яшовчи жамоанинг вакиллари “бу саҳрода котиқнинг баҳоси ва қадри йўқтурур”.-дэя зорланишларига қарамай, Ҳазрати Эшон ишоралари билан мулозимлар бир танга шохруҳий бериб, карсон тўла қатиғни олади...

Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”сида шундай бир хикоят бор: Шикорга чиқкан Ануширавони одилнинг мулозимлари тушлиқда унга кабоб пишириб бермоқчи бўлишади. Ҳамма нарса муҳайё, аммо туз унугтилган. Шунда мулозимлар қишлоқдан туз олиб келиш учун ҳукмдордан изн сўрашади. Уларга рухсат берган тождор таъкидлайди: -”Тузнинг пулинни бериб олинглар!” Бундай топшириқдан таажжубга тушган мулозимлар Ануширавони одилга қараб қолишади. Масала моҳиятнин теран илғаган подшо айтади: - Буғун бир сиқим тузни текин олган давлат хизматчисининг эртага бир гарифнинг ҳўқизини ҳайдаб кетишига (зўравонлик билан тортиб олишига) ким кафолат беради?! Низомулмулк Ҳазратларининг ширин орзулари асрлар оша Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий фаолиятида амал тўнини кийди... Қани, энди, инсоғу адолатни турмуш тарзига айлантирган шундай инсонлар кўпайса!

### **Бизнинг молимиз фуқаро учун турур...**

Инсон қисматини моддий неъматлардан ташқари тасаввур қилиш қийин, албатта. Бирок қўлга кирган иқтисодий бойликлар эзгуликка, фуқаро манфаатлари учун фойда бермас экан, унинг тупроқчалик қадру қурби йўқ-да. Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий тақдирини ҳам ана шу жараёнлар билан алоқадорликда қарап мақсадга мувофиқдир. Хуросон давлатидаги беш йиллик мусофират (1428-1433), моддий танглик исканжасидаги азоблар Ҳазрати Эшон учун катта ҳаётий мактаб вазифасини ўтади ва муайян микдордаги бойликка эга бўлиш заруратини унинг олдида кўндаланг қилиб қўяди. Ҳалол меҳнат ва пешона тери билан топилган мол-дунёнинг ҳеч қандай зиёни йўклиги фаросатли инсонлар учун сир эмас. “Хиротда ҳеч кимнинг таомини еган эмасман”,- деган Ҳазрати Эшондай илоҳиёт ва ирфоннинг таянч талабини луқмай ҳалолда кўрган ҳакпарат инсонлар учун юқоридаги таъкиднинг ўзгача аксасдо бериши турган гап. Шундан бўлса керак, Ҳожа Убайдуллоҳ ҳазратлари падари бузрукворларининг Калас мавзеидаги (Тошкент) ерларида деҳқончилик билан машғул бўлиб, “зироатга шуғл килдилар” (307-бет). Фахруддин Али Сафийнинг шаҳодатича, “бир

кишига шериклик қилиб, юритилган бир жуфт хўқизнинг” баракоти беҳисоб бўлди. “Рашаҳот”да ўқиймиз: “Махфий қолмасунким, Ҳазрати Эшоннинг молу маноллари ва зиё ақор ва ғаллаю рамалари ва абиду мавошийлари, асбобу амлоклари ҳадду андозадин ташқари эрди ва ҳйтай ҳисоб ва доираи шумордин зиёд эрди” (307-бет). Айни мавзудаги мулоҳазаларини давом этган Али Сафий Ҳазрати Эшоннинг ишбошлари билан сұхбатлар куриб, масалага аниқлик киритишга ҳаракат қиласи. Ўша ҳисоб-китобларга қараганда, Ҳазрати Эшоннинг бир минг уч юз (“Рашаҳот”да ўлчов бирлиги кўрсатилмаган) экинзорлари бўлган экан. Яна бир ракам: Ҳар йили ўша экинзорларни сугориш учун ишлатилган мавжуд арикларни казимоқ учун уч минг киши ҳашарга сафарбар қилинган (308-бет).

Албатта, зироат ерларидан олинган маҳсулотнинг ҳаммаси ҳам мулкдорнинг анборхонасига кирмаган. Масалан, Самарқанд ҳудудидаги экинзорлардан олинадиган саксон минг ботмон ғалланинг ушри (ўндан бир ҳиссаси) Султон Аҳмад Мирзонинг девонига берилган. Шунингдек, муайян қисми хайру эҳсонга сарф бўлган. Зарур топилганда, бутун бошли вилоят аҳолиси тӯлаши лозим бўлган соликларни Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари ўз ҳисобларидан тўлаб юборгандар. Амалга оширилган бундай савобли ишларнинг баракоти ҳам ўзидан дарак бериб турган. Буни Ҳазрати Эшон тилларидан “Рашаҳот”да келтирилган куйидаги жумлалар оҳангидан ҳам сезиш қийин эмас: “Ғалланинг ҳаржи гоҳо даҳлидин (киримидан, фойдасидан) зиёда келур ва йилнинг охийрида кўрарманким, аиборхонада ҳануз ғалла кўп боқий қолибдур... Бизнинг молимиз фуқаро учун турур, мундоғ молға хосият шул турур (308-бет). Таъқидлаш жоиз, манбаларда қайд этилган зироат ерларининг ҳаммаси ҳам Аҳрор Валийга даҳлдор бўлмаган. Давлат томонидан олинадиган соликлар миқдорининг кўплигидан зада бўлган дехқонлар ўз ерларини Ҳазрати Эшон номига ўтказиб, ушр солигини тўлаб экин-тикинини тинчгина давом эттирган. Чунки, Хожа Убайдуллоҳ ҳазратларининг зироат ерларидан фақатгина ушр солиги олинган, холос. Ана шу ҳисобдан Мовароуннаҳр ҳудуди Хожага тегишли ерларнинг миқдори кўпайиб кетган....

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий учун инсон турмуш тарзидаги юмушларнинг катта-кичиги бўлмаган. Ҳазрат уларнинг барчасига синчков назар билан шахсий муносабатини билдирган. Ҳусусан, ўчок-қозон атрофида юриб овқат пиширадиган одамнинг чехраси очик бўлиши, хуш кайфият билан овқат пиширмоғи зарур

хисобланган Хожа ҳазратлари нигоҳида. Ошпазлардан бирининг дағаллик билан овқат пиширганини кузатган Хожа Баҳоуддин Накшбандий “Бу таомга зулмате турурким, бизга они емак раво эмастур”, -деган эканлар (375-бет). Мазкур фикрни мантиқан ривожлантирган Ҳазрати Эшон буюрадилар: “Лукмада ва таомда эҳтиёт этмак лавозимдандир. Таом пиширувчи киши, керакким, таҳорати комил била бўлса, машҳуф (қаттиқ берилиб) ва огоҳлик юзидин ўчокға ўтун кўюб ўт ёқса” (Ўша китоб. Ўша бет). Айни хикмат бугун ҳам долзарб хисобланади. Чунки қозон-товоқ билан алоқадор одамнинг покиза юриши ва пок қалб билан пазандалик қилиши хўрандалар саломатлигининг кафолатидир.

Қаттиқ совуқ ва қалин қор тушган қишлоардан бирида Ҳазрати Эшон Самарқанд шаҳридан икки тош (15-16 км.) узоклиқда жойлашган Талли Калоғон қишлоғига бориб қоладилар. Саҳар чоғи бомдод намози учун таҳорат олиш зарурати туфайли ташқарига чиқиб, таҳорат суви иситиш билан банд икки гуломнинг ўзаро жанжаллашиб (сўкишиб) ишлаётганини кўриб қоладилар. Бундай ноҳуш манзарадан ўта дарғазаб бўлган Хожа Убайдуллоҳ айтадилар: “Бу қадар билмадингизмуқим, сув иситғон вақтда ва таом пиширур вақтда кўнгил била ҳозиру огоҳ бўлмоқ керак, то ул сув била таҳорат этганда ва ул таомдин еганда ҳузур ва огоҳликнинг нури кўнгилда пайдо бўлсун. Ва сувниким, фафлат била иситсалар ва таомниким, ғазаб била пишурсалар, ул сувдин таҳорат этмақдин ва ул таомни емакдин ботинда зулматнинг фафлати пайдо бўлур” (375-бет). Қаранг, муршиди комил масалага нақадар теран ва илмий муносабатда бўлаётир. Дарҳақиқат, инсон аталмиш мўъжизанинг шаклланиш, камолот пиллапояларига кўтарилиш жараёни бир зарб билан амалга ошадиган ҳодиса эмас. Зарралардан бутун ҳосил бўлгани каби инсон балофати ҳам мураккаб йўлни бошидан кечиради. Лукманинг ҳалоллиги қаторида унинг тайёрланишида мулоҳимлик ва ботиний огоҳликнинг ҳам туриши шарт ҳисобланган. Ҳақорат ва қўполлик билан иситилган сувга ўша иллатларнинг асорат етказиши ва покланиш жараёнида уларнинг инсон жисмига юқа бориши буғунги руҳшунослик илми учун сир эмас. Ҳазрати Эшон эса айни жихатларни ички бир ҳол билан ҳис этганлари учун ҳам асабий кайфиятда гуломларга ўринли танбех берганлар...

Хожа Убайдуллоҳ ҳазратларининг илоҳиёт ва тариқатга доир дурдона хикматлари ҳам талайгинадир. “Шайх керак муридни билмакка қудрати етса-таъқидлайдилар Ҳазрати Эшон,- Шайхниким, ундоқ бўлмаса, онга шайхлик етушмас” (376-бет). Бундай қайроқи,

юз ўлчаб, бир кесилгап мулөхазалар ўзининг чукур ўқ илдизларига эга, албатта. Йиллар давомида, турфа шайхлар мулокотида бўлиш Хожа ҳазратларини ана ўша лўнда хulosаларни чиқаришга даъват этган. Ёки куйида келтириладиган иқтибосга эътибор қилайлик: “Зикр теша янглиғ туурким, онинг била хавотирнинг тиконларини кўнгилнинг йўлидин чопиб олурлар” (379-бет). Чиндан-да, зикр руҳий-маънавий машқ, унинг ёрдамида қалб покланади, инсон жисмидаги губорлар чекинади ва у ёлғиз Аллоҳ билан қолади. Хожа ҳазратлари ана шу ҳақиқатни эсда қоларли ва бўёқдор килиб баён этган. Яна бир ҳикмат: “Қушлар ижтимоҳ (тўпландилар) эттилар то ўзларини Семурға етурсалар, ҳар бири бир узр била йўл ўртасида қолдилар. Аммо, ҳар қайсидақим, Семурғдин бир нарса бор эрди, Семурғга етушди” (382-бет). Исломий таълимотга қараганда инсон Аллоҳнинг мукаммал қашфиётларидан бири ва унинг ердаги ҳалифасидир. Шу маънода, Яратувчида бор фазилатлар яратилмишда ҳам намоён бўлади. Муршиди комил қайдларида ана шу ҳақиқатга ишора бор. Семурғ-Аллоҳ тимсоли, қушлар Унга интилади. Ўзида Парвардигори карим сифатлари мужассам эканлигини пайқаган қушлар йўлдан қолдилар ва излаган нарсаларини топдилар. Алишер Навоий “Лисонут-тайр”да ўша ҳикматни куйидагича ифодалайди.

Ўз ўзудингга тафаккур айлагил,  
Ҳар не истарсан ўзингдан излагил.

“Муқаддас Қуръони Карим,- ёзди Сайид Муҳаммад Хотамий,- иймонга йўл ақл ва тафаккур орқали боришини бот-бот таъкидлайди” (Қаранг: Сайид Муҳаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. “Минхож” нашриёти. Тошкент-2003, 9-10-бетлар). Бундай уйғун қарашларнинг тез-тез назарга ташланиши Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ҳикматларининг теран илмий асосга эга эканлигидан далолат беради.

“Кўб бедорлик одамийга зарап этмасдурким, -қайд этадилар муршиди комил, -ул бедорликда сурур ва фараҳе бўлса. Ул суруру фараҳ үйқунинг ишин қилиб, димогни юбусатдин (совуқликдин) саклар” (379-бет). Мазкур жумлалар билан мунозара қилиш душвор. Бироқ бедорлик билан бедорлик ўртасида тафовут ётишини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Шундан бўлса керак, Хожа ҳазратлари “суруру фараҳ” сўзларига алоҳида ургу берадилар. Дарвоке, фойдали тоату ибодат, зоҳирий ва ботиний илмларни ўрганиш, илмий-ижодий ишлар билан банд бўлишга сарфланган бедорлик қувончилиди. Чунки ундан ёрқин из ва ширин мевалар мерос қолади.

Хожа Убайдуллоҳ Ахрор шариати исломия ва тариқат илмининг теран билимдони эди. Ана шу фикр исботини Ҳазратнинг “Рисолай волидиййа” асаридан олинган биргина иқтибос мисолида ҳам мушоҳада килиш мумкин: “...Шунда дилнинг боғликлиги Ундан ўзга нарсага бўлмайди ва ҳамма вакт дили унга машғул бўлади. Чунончи у кўнглини мажбуран бошқа нарсанинг муҳаббатига каратмоқчи бўлса, бунинг уддасидан чиқмайди. Шу пайтда унга муколама (ўзаро сўзлашув) ва муножот (сирлашув) мусассар бўлади. Чунончи, агар сўзласа, У билан сўзлашади, ҳар бир нарсага на зарсолса, гўё Уни кўради. Назм:

Аз баски ду дида бар хаёлат дорам,

Дар ҳар чи назар кунам ту мепиндорам.

Мазмуни: Икки кўзим Сенинг хаёлингда бўлгани учун,

Нимага қарасам, уни Сен деб ўйлайман.

(Хожа Убайдуллоҳ Ахрор. Рисолай волидиййа. Отага аталган рисола. “Янги аср авлоди”. Тошкент-2004, 12-бет).

Аввало таъкидлаш жоиз, тариқат пирлари ўзларининг жавоҳирга тенг дурдона фикрларини шеърда ифодалашга (кўпинча форсийда) харакат қилишган. Фикримизча, бунинг бош сабаби насрдан кўра назм дарсхонасининг кенглиги, шеърий ифоданинг таъсиричан ва равонлиги бўлиши лозим. Айни фазилат Хожа Убайдуллоҳ ҳазратлари фаолиятларида ҳам ёрқин намоёндир. Ул зоти бобаракот жуда кўп шеърларни ёддан билишдан ташқари, ўзлари ҳам илтифот қилиб турганлар. Йиккинчидан, Ҳазратда кувваи ҳофиза ниҳоятда баланд бўлган ва эшитганлари ноёб фикрларни узок хотирада сақлай олган. Юкоридаги иқтибосда эса Хожа ҳазратлари кўламдор фаолиятларининг яна бир олмос қирраси бўртиб назарга ташланади: Бу -изчил ва теран илмий мушоҳада юритишdir. Яна бир жихати шундаки, Хожа ҳазратлари нигоҳида инсоннинг моҳияти, сийрати, аникроқ айтадиган бўлсанак, ботини-қалби етакчи ўринда туради. Айтилганлар сафида сидку садоқат ҳам туриши лозим. Ана ўшандагина инсоннинг ўзи қасд қилган муродга этиши мукаррардир.

Хожа ҳазратларининг донишмандлик хазинасини сарҳадсиз уммонга қиёс этиш мумкин. Биз мурожаат этган парчалар эса ўша баҳри кабирдан бир томчидир, холос. Муҳими, назму насрда ифодасини топган ўша бўлиқ фикру ғоялар олти юз йилдирки, охорини сақлаб, маърифатпарвар қалбларга зиё нурини таратиб келади. Шундай гапни истиқбол йўлидан шаҳдам қадамлар билан илгари одимлаётган Она -Ўзбекистоннинг бугуни учун ҳам айтиш жоиздир. Дарҳақиқат, муршиди комил Хожа Убайдуллоҳ Ахрор

Валийнинг умрбоқий ўгитлари жамиятимизда баркамол шахсни шакллантиришдек улуғвор мақсадни рўёбга чиқаришда камарбастадир.

## «БОБУРНОМА»ДА ШАЙХ САЪДИЙ НАФАСИ

Захириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ва форс-тожик адабиёти, шунингдек бу таникли давлат арбоби, шижаотли саркарда, ҳассос адаб ва шоирнинг ўша йўналишдаги асарлари мавзуи адабиётшунослар назаридан четда қолган эмас. Айниқса, академик Б.Валихўжаев мақолаларида (1) Бобур Мирзонинг "Мухтасар" - "Аруз рисоласи" асари мисолида унинг форс-тожик адабиётига меҳру муҳаббати хусусида бўлиқ, илмий мушоҳада юритилса; адабиётшунос Ё.Исҳоқов мақоласида (2) бу нотакрор истеъодод соҳибининг ўша тилдаги мерос мундарижасини белгилашга ҳаракат қиласи. Айни мавзуда яна бир қатор илмий ишлар амалга оширилиб, ижобий фикр-мулоҳазалар баён этилган (3), Шундай бўлишига қарамай, бири-иккинчисини тақозо этувчи ушбу мавзулар бобуршунослигимизда ечимини кутаётган долзарб соҳалардан бири бўлиб қолаётир. Бизнинг бу таъкидимиз "Бобурнома" таркибида келган форс-тожик тилидаги шеърларга ҳам тўла дахлдор кўринади. Бобур Мирзонинг насрда бунёд килинган мазкур шоҳ қомусий асари бағрида турли муносабат ва тасвир услуби талабига кўра уч юз йигирма икки (322) мисра туркий ҳамда форсий тилдаги шеърлар келтирилган. Шулардан бири юз эллик олти сатри туркий ва бир юз олтмиш олти қатори форсийдадир. Биз эса мазкур ишимизда "Бобурнома" таркибида келган форсий шеърлар манба ва мундарижасини аниқлашни асосий мақсад қилиб олдик. Янада ойдинроқ айтадиган бўлсак, муаллифини ойдинлаштиришга мусассар бўлганимиз Шайх Саъдий сатрлари, шу муносабат ила бу иккала даҳо сўз санъаткори ўргасида кечган адабий, гоявий алоқа ва ўзаро таъсир хусусида мушоҳада юритишни лозим топдик. «Бобурнома» саҳифаларидан жой олган форс тилидаги шеърий парчалардан олтмиш (60) мисрасининг кимга дахлдорлиги асарда равshan кўрсатилган. Бир юз олти (106) сатр ҳақида эса бу гапни айтиб бўлмайди. Кузатишларимиз натижасида «Бобурнома»нинг турли саҳифаларидан ўрин олган ўттиз икки (32) қатор шеърнинг манба ҳамда муаллифини аниқлашга улгурдикки, шулардан ўттиз (30) мисраси Шайх Муслихиддин Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларидан, икки (2) сатри эса Шайх Низомий Ганжавий

«Панж Ганж»идан олингандир. Майдында ва муаллифи ҳамон номаълум қолаётган етмиш икки (72) катор шеърга доир изланишларимиз эса давом этмоқда...

Маълумки, «Бобурнома»нинг илк саҳифалари 1494 йил воқеалари баёни билан очилиб, 1530 йилда кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-тариҳий, адабий-маданий ҳаётга доир воқеа-ҳодисалар тафсилоти ифодаси билан хотима топади. Асарнинг дастлабки бетларида Бобур Мирзо Самарқанднинг ижтимоий-сиёсий, тариҳий-географик вазияти хусусида фикр юритаркан, Султон Аҳмад Мирзо фожеаси, таҳтнинг Султон Маҳмуд Мирзо тасарруфига ўтиши билан боғлиқ воқеалар тафсилотига кенг ўрин беради. Асар муаллифининг Султон Маҳмуд Мирзо феълу атвори, давлатдорлик бобидаги саъю-ҳаракатларига доир муносабати бирмунча нохушдир. Мазкур ҳукмдор табиатидаги ўта шағ'натсизлик, эл-улусга нисбатан меҳрсизлик Бобур Мирзони қаттиқ ранжитади. Соҳибқирон Амир Темурдан бошлаб барча темурийзодалар айрича мухаббат ва ихлос билан қараган нақшбандия тариқати арбобларига, айниқса, Хожа Аҳрор Валий авлодларига Султон Маҳмуд Мирzonинг ноўрин озор етказиши «Бобурнома» соҳибининг қаттиқ нағфатига сабаб бўлади. Ўша муносабат билан асар муаллифи ёзади: «Самарқанд аҳликим, йигирма-йигирма беш йил Султон Аҳмад Мирzonинг» замони рафоҳият ва фароғат била ўткариб эдилар, аксар муомала Ҳазрати Хожа (Хожа Аҳрор Валий-Р.В.) жиҳатидин адл ва шаръ тариқи била эди. Бу навъ зулм ва фисқдин бажону дил озурда ва ранжида бўлдилар. Вазиъ ва шариф, фақир ва мискин нафрин ва дуойи бадига оғиз очиб, кўл кўтардилар.

Ҳазар кун зи дарди дарунҳои реш,  
Ки риши дарун оқибат сар кунад,  
Баҳам бар мазан то тавонӣ диле,  
Ки оҳе жаҳоне баҳам барзанд  
(Мазмуни: Ички яралар дардидан ҳазар қил!  
Чунки ички яра ахир юзага чиқади.  
Кўлдан келганича ҳеч бир дилга озор берма!  
Дилдан чиқкан бир оҳ бир жаҳонни барбод килади

(4)).

Шеърий парча Шайх Саъдий «Гулистон»ининг «Подшоҳлар одати баёни» сарлавҳали биринчи бобидан олинган. Таҳлилдан олдин матндан айрим тафовутларини кўрсатиш жоиз кўринди. «Бобурнома»да биринчи сатрдаги «дард» «Гулистон»да «дуд» (тутун), учинчи мисрадаги «бар мазан» Шайх Саъдийда «бар макун»,

охирги катордаги «барзанд» «баркунанд» тарзида берилади. «Гулистан»да келган сўзлар тўғри бўлиб, улар мисралар мазмунини ўкувчига тугал етказиш учун хизмат қиласди. Бобур Мирзо эса «Гулистан»нинг ноқис нусхасидан фойдаланган ёхуд бундай «таҳрир»лар «Бобурнома»ни кўчирган котиблар томонидан киритилган бўлиши ҳам мумкин. Асарнинг илмий-танқидий матнини яратиш бундай англашилмовчиликларга аниқлик киритиши мумкин... Шайх Саъдий ҳикояти таркибида ўн тўрт сатр мавжуд. Улар ихчам «қисса»ларнинг «ҳисса»си - хulosаси сифатида қўлланилган. Ҳикоятда нақл қилинишича, бир золим кимса камбағаллар териб келган ўтиналарни арzon баҳода олиб, қиммат нарҳда сотиш билан шуғулланаркан. Унга бу ҳакда гапиришу танбеҳ беришлар сира кор қилмабди. Кунлардан бирида ўша кazzоб олибсотарнинг саройига ўт тушиб, ўор-буди куйиб, кулга айланибди. Содир бўлган фалокат сирпу асрори моҳиятига етмаган золим бунда ўз ошноларига: «Билмадим, бу ўт менинг саройимга қаердан тушди экан?» деганда, буни эшишиб турган бир азиз киши жавоб берибди: - Факирлар қалбидан чиққан оҳнинг ўтидан! (5). Насрда ифодаланган бундай лўнда фалсафий мушоҳадаларнинг тасдиқи маъносида юқоридаги шеърий сатрлар келгарилган. «Бобурнома»да ҳам ўшандай ихчам ва тагдор насрый хуоса мавжуд: «Ложарам зулм ва фисқнинг шоматидан Самарқандга беш-олти ой беш (ортик) ҳукумат қилмади». Ҳар иккала асаддаги хуосаларнинг якранглиги икки буюк даҳо ахлоқий-маънавий қарашларидағи муштаракликдан ёрқин нишонадир.

1501-1502 йиллар Бобур Мирзо тақдирида энг изтиробли, машаққат ва ташвиш-тараддуларга тўла давр ҳисобланади. Ўша тарихий уқубатларнинг чизгилари «Бобурнома»да ёрқин ифодасини топган. Самарқанд таҳтини иккинчи марта бой берган Бобур Мирзо Аҳмад Танбал бошлиқ хиёнаткорларнинг фитнаси туфайли Андижон пойтахти Фарғонани ҳам қўлдан бериб кўйди. Тошкент ҳукмдори - тоғасига қилган мурожаатидан эса «сару сомонлик» жавоб чиқмайди. Шундай аянчли тафсилотлар давомида «Бобурнома»да ўқиймиз «Неча кундин сўнг ёниб Даҳқатга келдим. Ёз бўла Шайбокҳоннинг Ўратепа устига келур хабари бўлди. Даҳқат туз ер учун Оббурдан Добони била Масчо қуҳистонига оштук. Масчонинг куйиги кенти Оббурданур. Бу Оббурдандин куйироқ бир чашма тушубтур, бу чашма бошида мазоредур. Ушбу чашмадин юқори Масчо дохилидур! Куйи Палгарға тааллукдур. Ушбу чашма бошида, чашма ёқасидаги тошда қазиб, бу уч байтни сабт эттим:

Шунидам, ки Жамшиди фарруҳсиришт

Ба сарчашмае бар санге навишт:  
Бар ин чашма чун мо басе дам заданд,  
Бирафтанд то чашм бар ҳам заданд.  
Гирифтем олам ба мардию зўр,  
Ва лекин набурдем бо худ ба гўр

(Мазмуни: Эшитдимки, кутлук табиатли Жамшид бир булоқ бошида тош устига шундай деб ёзган экан: Бу булоқ тепасида бизлар сингари кўп кишилар келиб ултурдилар, кетдилар ва йўқ бўлдилар. Оламни мардлик ва зўрлик билан олдик, лекин ўзимиз билан гўрга элтмадик. «Бобурнома». Ўша нашр. 154-155-бетлар).

Кўчирганимиз шеърий парча «Бўстон»нинг «Жаҳондорликда адолат ва тадбиркорлик тўғрисида» сарлавҳали биринчи бобидан олинган. «Бўстон» нашрлари ва «Бобурнома»даги матнда жузъий фарқлар кўзга ташланади. Аввало бундай тафовутлар сўзларни кўшиб ёзишда (бар ин, бар ҳам ва х.) намоён бўлади. Шунингдек «Бобурнома»даги парчанинг иккинчи қаторидан «ба» (бар санге...) тушиб қолган. Тўртинчи қаторда «чун» ўринда (чун-чашм...) «то» (точашм) ёзилган. Учинчи байт «Бўстон»нинг устод Садриддин Айний нашрида таҳиррга учраган. Шайх Саъдий асарини батафсил шарҳу изоҳ, талқину тушунтиришлар билан нашр эттирган устоз Садриддин Айнийнинг ўринли таъкидига кўра, бутун биринчи боб давомида ноҳақ жангга, Ҳазрати инсон қонининг bemavrid тўкилишига қарши кураш ғояси устувордир. Дунёнинг барча молу бойлиги, савлату салтанати инсоннинг ноҳақ тўкилган бир томчи қони олдида қадрсиздир. Ана шу ғоя юксак инсонпарварлик ғояси саъдиёна назокат, нафосату донишмандлик билан панду ҳикмат либосида бадиий ифодасини топган. Табиийки, бундай фалсафий-ахлоқий майл ўта нозик таъб ва теран мушоҳада соҳиби Бобур Мирзо қалбига ҳам уйғун эди. «Бўстон»нинг шеърий ҳикоятидаги фалсафий ғоя, дунё таҳту бахтининг бебаҳолиги хусусидаги шу олти сатрда ифодаланган ўтирир хаётий ҳақиқат Саъдий а қадар, унинг замони ва ундан кейинги зариф инсонларга, жумладан, шоҳ Бобур Мирзога ҳам кундай равшан эди, бироқ не килсунки, унинг кисмати таҳтга боғланган, қалбига тугиб куйган бехисоб режаларининг юзага чиқишини ўша бебаҳо ускунасиз тасаввурга сиғдира олмас эди. Ана ўша аччик ҳакикатни калбан хис килган буюк саркарда ва давлат арбобининг 1501-1502 йиллардаги зиддиятли сиёсий-рухий оламга мос тушгани учун ҳам Шайх Саъдий сатрларини эслаган ва уни тошга ўйиб ёзган. Бобур Мирзо илмий-адабий тажрибасида Шайх Саъдий маънавий мероси чунг қоя сифатида назарга ташланиб туради. У

изтиробли лаҳзаларда ҳам, кувончга тўлган онларида ҳам улуғ Саъдий даҳосидан таскин топган. Шундан бўлса керак «Мухтасар» - «Аruz risolasi»да «...панд насиҳату мавъиза бобида Шайх Саъдий-нинг «Бўстон»-ича маълум эмаским олимда бўлғай», - деб ёзди. Шу асарда Шайх Саъдий адабий меросидан икки юз ўн мисранинг мисол тариқасида келтирилиши ҳам бу икки нотакрор истеъдод соҳибининг руҳий-маънавий оламининг ўта яқинлигидан далолатdir.

### Адабиёт ва изоҳлар

1. Б. Валихўжаев. Захириддин Муҳаммад Бобур ва адабиёти тожик. «Масъалаҳои филология ва робитаи адабӣ. Самарқанд-1977, саҳ. 5 11; Яна Захириддин Бобур ва тожик адабиёти. «Адабий мерос», 1977, 8-сон, 78-90-бетлар, Бу ҳақда яна қаралсин: Р. Воҳидов, Навоий барҳаёт. «Фан», Тошкент-1991, 41-46-бетлар.
2. Ё. Исҳоқов. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг форс-тожик тилидаги шеърлари. -“Ўзбек тили адабиёти» 1967, 3-сон, 47-50-бетлар.
3. Р. Воҳидов. Биз билган ва билмаган Бобур. Тошкент - «Маънавият»-1999, 88 бет.
4. Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Тошкент-1960, 79-бет
5. Саъдий Шерозӣ. Гулистон.-Душанбе: «Дониш», 1988, саҳ. 58.
6. Саъдий Гулистон. Тошкент-1968, 56-бет.
7. Бобурнома. 132-бет.
8. Саъдий. Қуллиёт. Чилди 4. -Душанбе: «Адиб», 1990, саҳ. 40
9. Саъдий Шерозӣ. Бўстон. Ба чоп тайёркунанда С. Айнӣ, Нашри сеюм.-Душанбе: «Маориф», 1977, саҳ. 21. Мазкур нашрда охирги байт куйидагича берилган:

Гирифтанд олам ба мардиву зўр,  
Валекин набурданд боҳуд ба гўр.

Бирок устод Садриддин Айний китоб ҳошиясида ёзган ҳаволасида мазкур байтга изоҳ бериб, унинг «Бобурнома» ҳамда Саъдий қуллиётида келган кўриниши борлигини ҳам қайд қиласди.

10. Захириддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар. «Фан», Тошкент-1971, 119-бет. Шу китобнинг 119-121-бетларида «Бўстон»да 88 мисра иқтибос келтирилади.
11. Яна «Бобурнома»нинг 144, 159, 179, 231, 260, 329-бетларида Шайх Саъдийнинг «Гулистон»идан (26, 36, 45, 86, 176-бетлар) шеърий парчалар олингандек, улар ҳам бу икки истеъдод соҳиби қарашларида банибашар авлоди манфаатлари йўлида холисона хизмат килувчи ғояларнинг уйғунлигидан сўзлайди.

## БОБУР МИРЗОНИНГ МАСНУЬ ШЕЪРЛАРИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб кичик шеърий асарлар ҳажми ва шакли жиҳатидан чандон кагта эмас. Уларнинг умумий сони беш юзга яқин бўлиб, ғазал (120), рубой (208), туюқ (14), қитъа (13), кичик маснавий (8), муаммо (53), фард (65) каби жанр намуналаридан иборат. Шунингдек, илми фикхга (ислом қонуншунослигига) доир беш рисоладан таркиб топувчи (“Эътиқодия”, “Китобус-савмаа”, “Китобус-салот”, “Китобуз-зағот”, “Китобул-ҳаж”) “Мубаййин” (шарҳланган, изоҳланган, талқин берилган), Хожа Ахрор Валийнинг насрда битилган “Волидия” (отаона ҳақида) асарининг назмдаги бадиий таржимаси ҳам улуғ адиб, саркарда ва давлат арбобининг шеърий асарлари сирасига киради. Зикри ўтган силсилада Бобур Мирзонинг бешта маснуъ тўртлиги ҳам мавжуд. Мусулмон дунёси адабиётида, жумладан, туркий, форсий, араб тилида бунёд қилинган бадиий сўз санъатида маснуъ газал, қасида, рубой, қитъалар яратиш мутлақо янги ҳодиса эмас. Бобур Мирзога қадар ҳам шундай шеърлар ижод қилинган. Туркий шеърият мулкининг арслони (Бобур сўзининг ўзаги бабр – йўлбарс) мақомида фаолият кўрсатган бу нотакрор шахс истеъдод соҳиби ўзининг ўттиз олти йиллик умрини жанг жадаллар, изтиробу курашларда ўтказган бўлишига қарамай, адабиёт мулкидаги бир қатор ноёб ҳодисаларга муносабат билдириш учун вакт ҳам топа олди. Маснуъ шеърлар ёзишга ружуъ ана ўшалардан биридир. Кўплиги “Маснуот” ва бирлиги “Маснуъ” шаклида келадиган бу арабий сўзнинг луғатлардаги изоҳи “яратилган; безакли қилиб ишланган”dir. Бадиий асарни (ҳоҳ назм ва ҳоҳ насрда бўлсин) санъатсиз – тасвирий воситаларсиз тасавур қилиш душвор. Маснуъ шеърларни эса санъат ичра санъатга йўғрилган сатрлар тарзида тушуниш ва қабул қилиш тўғри бўлади.

Бобур Мирзо шеърий бисотида бундай санъатга мурожаат икки йўналишда юзага чикади. “Элга шоҳ, vale санамларга қул” мақомида яшаб, қалам сурган салоҳиятли шоирнинг анъанавий ғазал ва рубойларида “санъатлар қозонида қайнаган” байтлар анчагина назарга ташланади. Мана бу байтга эътибор қилинг:

Лабинг бағримни кон қилди, кўзумлия қон равон қилди,

Нега ҳолим ёмон қилди, мен андин бир сўрорим бор.

(қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Маҳрами асрор топмадим... “Ёзувчи”, Тошкент – 1993, 21- бет). Байт таҳлилидан аввал бир ҳақиқатни дадил айтмоқ лозим: Бобур Мирзо бадиий сўз санъатининг

жамият олдидаги вазифасини ғоят түғри англаган ва ана ўша юксак тамойилларга мос равища унга муносабатда бўлади. Яъни бадий адабиётнинг вазифаси ўқувчига факат фикр айтиш эмас, балки ўша сўз жавоҳирини ўзига ярашикли, хуснини очишга хизмат қилувчи бадий либосда етказа олиш шоирликдир. Забардаст сўз санъаткори нуқтаи назаридан масала таҳлил килинадиган бўлса, шаклу мазмун мувозанати рост келган нуқтада мўъжиза содир бўлади, чинакам бадий асар дунёга кўз очади ва шоирлик даражаси ана ўшандагина аёнлашади. Юқоридаги байтнинг ўзи Бобур Мирзонинг илохий истеъдодидан дарак беради. Тўғри, мисралардаги маъно мутлақо янги эмас. Бундай лавҳалар бошқа шоирларнинг бисотида ҳам кўзга ташланади. Аммо Бобур Мирzonинг сехрли қалами ана ўша анъанавий ҳолат ва ҳодисаларга батамом янги рангу оҳанг бахш эттанин. Мисралардаги сўзлар таносуб санъати (сатрдаги калималараро мантиқий ришта, алоқадорликни таъминлаш) воситасида бириккинчисини тақозо этади. Маҳбубанинг нафис лаблари – қон рангида, тиник. Бундай кўрк унга айрича тароват тухфа килган. Маъшуқадаги айни мўъжиза ошиқнинг шайдолигини оширишдан ташқари, унинг юрак-бағрини тилка-пора килиб кўяди. Қон (ранг) лабдан ошиқ кўксига кўчади, уни изтироблар гирдобига ғарқ қиласди, шеър қаҳрамоникнинг кўзларидан ёш ўрнида қон маржонлари оқа бошлайди. Биргина мисрада шунча мазмунни пинҳон қилишга мұяссар бўлган шоир қилча бўлса-да, ҳаёт ҳақиқатидан, ўхшатиш ва ўхшатилмиш ўртасидаги алоқадорликдан йироқлашгани йўқ. Сатрдаги бир ташбек иккинчисини тақозо қилганидек, банд (байт) мисралариаро мазмуний боғлиқликка ҳам алоҳида аҳамият берилган. Иккінчи мисрада биринчи қатордаги ўхшатиш, муболага каби санъатлар ёнига тажохули орифона ҳам қўшилади. Ҳамма нарсани ўз жисмида синовдан ўтказаётган ошиқ ўзини билиб-бilmаслик ҳолатига (нега ҳолим ёмон қилди!) солади ва ўзича сўроқ қўйиб, унга жавоб (мен андин бир сўрорим бор!) беради. Бобур Мирzonинг сўз имкониятларидан фойдаланишдаги маҳброти ҳам диққатга сазовордир. Биринчи мисрада “қон” сўзи уч маънода келади: қон – ранг (лабга нисбатан); қон – инсон томирларида оқадиган суюқлик; қон – бағирдаги жароҳат ва кўздан оқадиган ёш томчилариридир. Шундай гапни “сўрорим”га нисбатан ҳам айтиш мумкин: сўрорим – мен ундан (маъшуқадан), албатта, сўрайман; сўрорим – маъшуқа лабини сўрмок (буниси аламдийда ошиқнинг амал чопонини киймаган ширин орзуси). “Қон” ва “сўрорим” сўзлари айни пайтда ийҳом санъатини (сўзнинг кўп маънолилик хусусиятидан келиб

чиқиб, уни “үйнатиш”, маъно жилоларини очиш) ҳосил қилган. Кўринадики, Бобур Мирзо биргина байтда ташбех, муболага, таносуб, ийҳом каби катта-ю кичик ўнлаб санъатларни истифода этган. Парча кўчирганимиз ғазалдан бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Матлаъда (биринчи байтда) маъшуқа зулфининг қаролиги, ошиқ руҳий ҳолатидаги тийралиқ, паришенлик билан ёнма-ён тасвирланади. Ғазал мақтаъида (хотимасида) ҳам ўшандай санъаткорона ифодаланган дилбар манзара назарга етади:

Фигоним ошти булбулдин, ғами йўқ зарра бу кулдин,

Басе, Бобур, ўшал гулдин, кўнгулда хор-хорим бор (ўша китоб, ўша бет). Аввало, эътибор қилайлик, байтдаги “гул”, “булбул”, “зарра”, “кул” каби ишоралар ирфоний-маърифий адабиётнинг мулкидир. Бобур Мирзо нақшбандия тариқатининг сидкий муҳлиси сифатида Хожа Аҳрор Валий авлодларига катта муҳаббат билан қараган, ҳаётдаги барча ижобий тарафга бурилиш нуқталарини ўша шайхларга садоқатнинг самараси тарзида талқин қиласди. “Бобурнома”да келган ўнлаб ибратли лавҳа ва тушлар баёни фикримизга ёрқин далил бўла олади. Шу маънода, Бобур Мирзо шеъриятида тариқатнинг ҳаётбахш ғоялари ўзининг гўзал бадиий ифодасини топади, деса тўғри бўлади. Кўчирганимиз байтда Булбул – ошиқ, Гул – маъшуқа рамзи бўлиб келмоқда. Гул ва тикон ҳаётда ҳам, бадиий адабиётда ҳам ёнма-ён туради. Бобур Мирзо талқинида “хор-хор” ийҳом моддаси (хор-хор – тикон ва тикон; хор-хор – кўчма маънода, тирнаш, ачиштиришдир) вазифасида келмоқда. Алқисса, байтда таносуб, муболага, ташбех – ўхшатиш, ийҳом, кичрайтириш, тамсил каби шеърий санъатлар қоришиқ келиб, унинг нафосатини кўтаришга хизмат қиласди.

Юқорида қайд қилганимиздек, Бобур Мирзо маҳсус маснуъ тўртликлар ҳам ижод қилган. Унинг бундай шеърлари шунчаки санъатпардозлик намунаси бўлмай, муайян ғояни юзага чиқариш, маъшуканинг сийратига мос суратини чизиш, шеър ихлосманди қалбida гўзалликка нисбатан юксак шавқу завқ уйғотиш, мисраларнинг таъсир қуввати ва узок эсда сақланишини таъминлаш каби улуғвор мақсадлар йўлида хизмат қиласди:

Тишинг дур, лабинг маржон, хадинг гул, хатинграйхон,

Юзунг хур, сочинг анбар, сўзунг мўл, менгинг мейнон.

Мейнон менгинг, сўзунг мул, анбар сочинг, юзунг хур,

Райхон хатинг, хадинг гул, маржон лабинг, тишинг дур.

(ўша китоб. 13- бет). Тўртликда етакчи шеърий санъат вазифасида такрир ёхуд баргардониш (такрорламоқ, муайян низом асосида

қайтармоқ) тасвир воситаси келаётір. Мусулмон дунёси адабиётида такрир шеърий санъатига тез-тез мурожаат қилинади ва унинг шаклу шартлари ҳам бенихоя кўпdir. Таянч талаб шуки, шеърий санъат шоир айтмоқчи бўлган гоявий ниятни ёрқин юзага чиқаришга, мисралар назокатини оширишга хизмат қилмоғи, курук такрор даражасида қолмаслиги лозим. Шундай санъат қўлланган шеърда бир сўз, ибора, калималар гуруҳи иштирок қилиши мумкин. Биринчи мисра охиридаги такрир моддаси иккинчи сатрнинг аввалида кела олади. Алқисса, сўзнинг сони, мисралару байтларда қўлланилиш ўрни асар муаллифининг ихтиёридадир. Аммо бунда қатъий низомга риоя қилиниши шарт. Бобур Мирзонинг биз тилга олганимиз бешала тўртлигига ҳам бир хил низомга таяниш қўзга ташланади: Дастрлабки байтда ўхшатиш ва ўхшатилмишлар йиғилиб, маълум кетма-кетликда мисраларга тизиб чиқилади. Учинчи мисра эса иккинчи қаторнинг охирги бирикмаси билан ибтидо топади ва кейинги ибораларни жойлаштиришда ана ўшандай қатъий тартибда амал қилинади. Бунда шоир кичик бўлса-да, ижодий йўл танлайди: тўртликнинг биринчи ва иккинчи мисраларида келган бирикмалардаги сўзларнинг ўрни учинчи ҳамда тўртинчи сатрларда таҳрирга (масалан,- ҳатинг район; район ҳатинг) учрайди. Фақат биринчи байтнинг дастрлабки икки ибораси (тишинг дур; юзунг хур) бундан мустаснодир. Масалага юзаки қараганда, бундай “майда – чўйда”ларга эътибор қилиш бачканаликдай туюлиши муқаррар. Аммо шеърнинг санъат эканлиги ва унинг зарофати хисобга олинса, назмда аҳамиятсиз нарсанинг йўклиги аёнлашиб қолади.

Икки оғиз сўз Бобур Мирзо қаламга олган ташбеҳлар хусусида: Бошдан айтиб қўяйлик, бадий ҳақиқатнинг хаёт мезонларига рост келиши шартлигига доир талаб мумтоз адабиёт учун ҳам қатъий қонун мақомидадир. Ижодкор мурожаат этган ифода усулидан қатъий назар, ўхшатиш ва ўхшатилмиш ўртасида мувозанат бадий асарнинг таянч талаби бўлиб қолаверган. Шундай тартибга садоқат Бобур Мирзо мисраларида ҳам равшан қўзга ташланади. Ошиқ нигоҳида маъшука ноёб мўъжиза. Шундан она табиатдаги энг олий ашё ва мавжудотлар унинг қиёси учун танланади. Маъшуқанинг митти-митти ва дид билан сафланган тищчалари – дур. Уммон тубида, садаф бағрида вояга етган дурнинг баҳоси бирон-бир замонда ҳам арzon бўлмаган ва унинг мисқоли юксак қадрланган. Шунинг учун айни сафда туришда маъшука тишининг ҳадди сиғади. Махбуба лабининг маржонга муқояса қилиниши зохирان ғайри табиийдай туюлиши муқаррардир. Бироқ масалага таносуб санъати ва

юқоридаги таъкидимиз талабиң қарасак, фикримиз ижобий томонга ўзгаради. Бобур ҳазратлари ташбек құллашда зинхор маъшуқанинг хар қандай болни ҳам дөгдә қолдирадиган, юракка ўт ташлашга қодир лабини эмас, балки унинг устига ибодан ҳосил бўлган ва гул япроқчалари тепасида макон тутган шудринг томчиларини эслатувчи терни назарда тутмсқда. Чиндан-да ўша куёш нурида йилт-йилт шуъла уйғотувчи томчилар маржон доналаридир. Маъшуқанинг ёноғи (хад) очилган гул косачасининг япроқчасига қиёсланган; хат – маъшуқанинг устки лабидаги майли ва нафис тукчалар. Йўқ, улар райхондай хушбўй ва унинг илдизчалари каби майниндир. Маржон ҳам анойи эмас, унинг доначалари ана ўшандай нафосат боғидан макон топади. Шоир ташбек құллашда топқирик кўрсатади ва маҳбубанинг сурату сийрати мутаносиб бадиий тасвирини чизишда 1ұғма истеъдод сохиби эканлигини намойиш қиласиди. Кейинги мисрада талмех санъатига (илохий, афсонавий, тарихий, бадиий, ҳалқона ҳодисаларга ишора) мурожаат этилади: Маъшуқанинг юзи жаннатдаги хуру париларни уялтиради. Унинг сочи қора ва анбарин (анбар – қора, хушбўй модда; Хўтан охуларининг зўриқишидан киндигига томган қон томчиларидан ҳосил бўлади). Унинг сўзлари олий навли шароб мисол жон озиғидир. Бу ўринда шароб зулмаён. Маъшуқанинг сўзлари маърифат майи каби ҳузурбахшdir. Менг – нафис, маъшуқа юзидан ўзига муносиб ўрнини топа олган, ярқ этиб назарга ташланадиган (мейнон) ва Ҳожа Ҳофиздай илохий салоҳият сохибини Машриқнинг икки доврукли шахрини (Самарқанду Бухъорони) ҳадя қилишга унданаган бир дона қора холдир. Шеърнинг кейинги икки сатрида биз айримларини тилга олганимиз фазилатлар яна бир карра таъкидланади.

Равшан бўлаётирки, Бобур Мирзо сўз додини бериб, уни юксак мақомга кўтаришга маҳорат кўрсатган, оз ва соз шеърияти билан мумтоз адабиётимиз хазинасига бебаҳо дурдоналар қўшган улуғ истеъдод сохиби сифатида қадрлидир.

\* \* \*

*Тафаккур неча қилсан топилмас сенинг мислинг,  
Паридек сени кўрдум –эмассен, магар инсон.*

*Инсон магар, эмассен, кўрдум сени паридек,  
Мислинг сенинг топилмас қилсан неча тафаккур.*

Бобур Мирзо

## ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШНИНГ ШИРИН МЕВАСИ

«Бобурнома» - Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари. Ўз муаллифига жаҳоний шуҳрат келтириб, унинг номини дунёга танитган бу гўзал қомусий бадиий яратма ўша XVI асрдан бошлаб тадқикотчилар эътиборини тортиб келади. «Бобурнома» ҳақида «кўп ва хўп» (Бобурнинг ўз таъбири) ёзилган. Бироқ ҳали тадқик қилиниши, иншо этилиши лозим бўлган масалалар ҳам кам эмас. Филология фанлари номзоди М.Олимов тадқиқотлари ана шу нуқтаи назаридан катта қизиқиш уйғотади. У «Бобурнома» поэтикаси (бадиияти) ҳақида докторлик диссертацияси ёзиш нияти билан иш бошлади, Республика даврий матбуоти журналу тўпламларида бир қатор жиддий мақолалар эълон қилиб, уларни яхлит мажмуа сифатида илму адаб муҳибларига тақдим этди. Кўлингиздаги «Бобурнома»да қўлланган синонимлар луғати» М.Олимовнинг сўзшуносликка доир янги изланишлари самарасидир. Умумий ҳажми бир юз ўн саккиз сахифадан (бу рақам таҳрирга учраши ҳам мумкин) иборат луғат уч таркибий қисмдан ташкил топади. «Муқаддима»нинг ўзи ўн бир (фойдаланилган адабиётлар руйхати билан бирга) мақолачадан иборат. Зикри ўтган мақолачалар турли ҳажмда бўлишидан қатъий назар, қизиқиш уйғотади. Чунки уларда муаммонинг теран мушоҳадалари, қўлига қалам ушлашдан кузатган мақсад-муддаоси, илмий-назарий қараши тиник ифодасини топган. Айни сахифалар Мирзаҳмад Олимовнинг пишиқ илмий тайёргарликдан кейингина луғат тузишга жазм қўлганлигидан дарак беради. У ўзбек ва рус тилшунослари ҳамда сўзшуносларининг мавзуга доир бир қатор илмий мақола, рисола ва луғатларини ихлос билан назардан ўтказган, лозим топилган ўринларда уларга таянган ва китобида иқтибослар келтиради. Тўғри, мазкур мақолачалар мулоҳаза қилиб кўриш лозим бўлган ва баҳс уйғотадиган ўринлардан холи бўлмаслигига қарамасдан китобхонда яхши таассурот қолдиради.

Қўлёzmанинг асосий қисми (25-106-саҳифалар) «Бобурнома»да учрайдиган синонимлар тизими луғатини ташкил қиласди. Айни сахифаларда муаллиф анъанавий луғатларга нисбатан бир мунча ижодий йўл тутади. Ҳар бир синонимни шарҳлашдан саклангани ҳолда уларни «ўзи билан ўзини» изоҳлашга (Масалан: Авбош/бошсизлар/бесар/лаванд - ятим) харакат қиласди. Синонимик қаторда келган сўзлар иштирокидаги парчаларнинг «Бобурнома»дан келтирилиши муаллиф (М.Олимов) талқинларига кувват беради.

Зикри ўтган тамойилга луғатнинг деярли барча саҳифаларида амал килинади. Тўла тилшунослик йўналишида бажарилган тадқиқотда зарур бўлган ўринларда айрим сўз ва синонимик қаторларга анча батафсил изоҳлар бериб борилади. Мулоҳазаларимиз муаллақ қолмасин учун улардан бирини эътиборингизга ҳавола қилишини лозим топдик. Қўлёзмада «Агарчи, бовужуд» қаторидан кейин ўқиймиз: «Морфологик жихатдан боғловчи, эргаштирувчи боғловчи, мавжуд илмий адабиётларда сабаб боғловчилари сирасига киритилган, бизнингча, уларни сабаб боғловчиларидан ажратиб, тўсиқсизлик боғловчилари деб алохида гурух сифатида изоҳлаш яна ҳам тўғрироқ бўлади.

Келиб чикиш манбаига кўра иккаласи ҳам форсий сўз. «Бовужуд» сўзининг «вужуд» қисми арабий бўлса-да, у яхлит холда форсий тилнинг сўз ясаш воситаси ёрдамида ҳосил қилинган. Фикримизча, бу сўзларнинг иккинчиси тўсиқсизлик маъносини кучлироқ ифодалайди. «Агарчи» ўзбек тилидаги тўсиқсиз эргаш гапни бош гапга боғловчи - са ҳам, - са -да воситаларига яқин турса, «бовужуд» - га қарамай, - га қарамасдан каби воситаларига яқин туради. Ҳозирги адабий тилимизда «агарчи» сўзи «гарчи», «гарчанд» шаклларида ишлатилади. У китобий сўз, жонли сўзлашув тилида деярли қўлланмайди. «Бовужуд» сўзи ҳозирги адабий тилимизда ишлатилмаса-да, Бухоро, Самарқанд ва бошқа тожик тили таъсирига учраган шеваларда «божид» шаклида қўлланади» (Қўлёзма, 26-бет). Бундай парчалар китобнинг ўнлаб саҳифаларида кўзга ташланади. Мұхими, М.Олимов тилишуносликда устивор ўрнашган фикру қарашларга лоқайд муносабатда бўлмай, уларга муносабат билдиради, ўз нуқтаи назарини баён этади. Мен бундай нуқталарда ҳамиша ҳам луғат муаллифи ҳақ, деган фикрдан мутлақо йирокман. Шундай таъкидни китобда келтирилган сўзларнинг қайси тилга мансублиги масаласида ҳам айтиш мумкин. Бироқ илмий ҳақиқат баҳсларда туғилиши, мавжуд ютуқлардан қаноатланмаслик туйғусининг фан тараққиётига манфаат келтириши хисобга олинса, тадқиқотчи танлаган тамойилни маъқуллаш мумкин. Иккинчидан, юқорида келтирганимиз (ва кўчирмаганимиз) иқтибослар луғатчилик талаблари доирасидан анча четга чиқади. Фикримизча, муаллифнинг бундай саъю ҳаракатларини ижодийликка интилиш йўлидаги изланишлар сифатида қараш унинг омехта (коришиқ) ишини луғат-тадқиқотлар мақомида баҳолаш маъқул кўринади.

Ишнинг учинчи бобчаси синонимлар қатори кўрсаткичидан ташкил топади.

Ишда имловий қусурлар, юмшатилиши ва ўзбекча мүқобиллари билан алмаштирилиши лозим русча сўзлар кўзга ташланади. Шунингдек, «Бобурнома»дан келтирилган айрим парчалар такрорланадики, уларни янгилаш мақсадга мувофиқ кўринади. Нашрга қадар муаллиф уларни бартараф қиласа, пишиқ ижодий ишнинг фазилати янада ошган бўлур эди.

Алқисса, филология фанлари номзоди М.Олимовнинг янги илмий тадқиқоти менда ширин таассурот қолдирди. Луғатнинг Бобур Мирзо ижоди муҳибларига катта илмий-маънавий озуқа бериши шак-шубҳасизdir.

## УСТОД САДРИДДИН АЙНИЙ – МИРЗО БЕДИЛ ИЖОДИНинг ТАДҚИҚОТЧИСИ

Жаҳон бадиий сўз санъати хазинасига бебаҳо дурдоналар кўшиб, ўзидан ёрқин из қолдирган юксак салоҳият соҳиблари асрлар оша авлодлар ардоғида яшаб келади. Шундай нодир сиймолардан бири, шубҳасиз, Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721) ҳисобланади. Ҳаётлигига ёк «Абулмаоний» (маънолар отаси) шарафли унвонига сазовор кўрилган Мирзо Бедил Ҳиндустонга қарашли Бенгалия музофотининг Азимобод шаҳрида (Патна) ҳарбий хизматчи хонадонида таваллуд топади. Номи «Абдулқодир», шарафли унвони «Мирзо» (аждодларининг давлат идора ишларида алоқадорлигига ишора), адабий тахаллуси «Бедил» бу истеъдод соҳиби салкам саксон йилга (78) чўзилган умрининг олтмиш саккиз йилини бадиий ижодга сарф этди. Устод Садриддин Айний талқинича «дил аз даст дода-ошиқ» (юрагини кўлдан бой берган-ошиқ) маъносидаги Бедил чиндан-да катта мажозий мазмун ташийди.<sup>1</sup> Аслида адабий услубининг дебочаси ҳам ана ўша теран мушоҳадага чорловчи тахаллусдан ибтидо топади. Мирзо Бедилнинг ўз бадиий яратмалари, Фуломалихон Озоднинг «Хизонаи омирал», Сирожиддин Алихон Орзунинг «Мажмाъ ун-нафоис», Ҳусайнқулихон Азимободийнинг «Ништари ишқ», Гуломхусайнхон бинни Ҳидоятуллохоннинг «Сиyr ул-мутааххирин» каби тазкиралари ҳамда кўплаб адабий-тарихий манбаларга таяниб иш кўрган устод Айний файласуф адабий яшаган давр, унинг ҳаёти ва ижодига доир қимматли маълумотларни ўргата ташлайди. Мирзо Бедил умрининг олтмиш уч йили Шоҳи Жаҳон (1627-1658 йилларда ҳукмронлик қилган), Аврангзеб Оламгир (1658-1706 йилларда салтанат сурган) ва қолган ўн тўрт йили тўққиз подшоҳ даврига тўғри келади.<sup>2</sup> Мумтоз тазкиранавислар, тарихчилар

ва Мирзо Бедилнинг назму насрда бунёд қилинганд асарларидаги ишораларга қараганда, айни палла Ҳиндустон хаётининг энг оғир, энг аянчли йиллари сифатида ўзидан ёмон таассурот қолдирган. Соликлар кўпайиб, халқнинг моддий турмushi оғир кечган. Бундай машъум турмуш тарзидан Мирзо Бедил ҳам четда қолган эмас. Шундан бўлса керак, аксарият муҳакқиклар заковатли шоир адабий меросида назарга ташланадиган (бадиий) парчаларнинг ғоятда куюқлиги илдизларини ўша мураккаб тарихий шароитдан излайдилар.

Адибнинг шажараси ҳақида мумтоз манбаларга таяниб мушоҳада юритган устод Айний «Арлоси чегатойи» иборасини кўллади.<sup>3</sup> Айни масалага муносабат билдириган И.Мўминов адибнинг «туркий барлос» қабиласидан эканлигини таъкидлайди.<sup>4</sup> Мирзо Бедилнинг шахс сифатида шаклланишида амакиси Мирзо Қаландар, тогаси Мирзо Зариф, тариқат бобида раҳнамолик қилган Шайх Камолларнинг хиссаси бекиёс каттадир. Юксак илохий истеъдод ва оила муҳитининг ижобий таъсири туфайли Мирзо Бедил тез маънавий балоғатга етади. Ўн ёшидаёқ дилбар шеърлар ёза бошлайди. Салоҳиятли шоирнинг илк якунланган шеъри рубоий жанрида бўлиб, унинг ёзилиши тарихи хусусида мумтоз манбаларда якранг маълумотлар ўргатга ташланади. Рубоийнинг ёзилишида аниқ ҳаётий-тарихий воқеа туртки берган. Мирзо Бедилнинг мактабдош дўстларидан бири хуш ҳид таратувчи қалампирнинг уруғини тилини тагига ташлаб ўқишга келади. Гапирганда унинг оғзидан ўша доналарнинг ёқимли ҳиди атрофга таралади. Ана шу лавҳа шоирнинг илҳомини кўзғайди ва у куйидаги сатрларни битишга муваффак бўлади:

Ёрам ҳар гоҳ дар сухан меояд,  
Бўи ажабаш аз даҳан меояд.  
Ин бўи қаланfurаст ё накҳати гул,  
Ё роиҳаи мушки Хутан меояд<sup>5</sup>

Рубоийда мактабдош дўст «ёрам» (дўстим, маъшукам) тарзида тилга олинади. Биринчи ва иккинчи сатрларда мумтоз манбаларда ифодасини топган ўша воқеий лавҳа қаламга олинган. Биринчи байтдаги бадиий оҳанг учинчи ва тўртинчи мисраларда янада жонлантирилади. Шеърий санъатлар (сўроқ майли ёхуд билиб-билимасликка олиш воситаси) ишга солинади: ёрнинг оғзидан келадиган хушбўй ҳид қаламфурми ёки гулнинг ҳидими? Шоир атрофдагилар эътиборини тортувчи ёқимли ҳидни «накҳати гул» ва «роиҳа» бирикма ҳамда сўзи билан бераётir. Тасвирдаги таносиб

«мушки Хұтан» иборасини ҳам жалб этган. Мушк – қора рангдаги тоза, хүшбүй модда. Унинг энг олий навыи Хұтан (Чин) охуларининг киндигидан олинади. Равшан бұлаётірки, Мирзо Бедил ўн ёшида ёзған рубойда шу қадар теран мазмунни ифодалашга мұяссар бўлади. Аникроғи, бедилшунослиқда тез-тез кўзга ташланадиган «душворфаҳмлик», «мураккаб баёнлик»нинг дебочаси улуғ файласуф шоирнинг ўша илк қадамидаёк ўзидан дарак берган эди. Бундай услугбий жило сермаҳсул бу шоирнинг деярли барча асарлари учун хос фазилатга айланиб қолади. Мирзо Бедилнинг ўн беш номдаги йирик асарлари рўйхатини келтирган устод Айний ёзади: «Аз ин номбаршудагон «Ирфон», «Тури маърифат», «Ишорот ва ҳикоёт», «Руқаот», «Чор унсур», «Мұхити аъзам», «Тилисми ҳайрат», «Ғазалиёт», «Рубоиёт», «Қасонд», «Қитот», «Таркибот ва таржеот», «Ташбеҳот ва Тамсилот» асарҳои манзуманд, ки ҳамай инҳо тахминан яксаду бист ҳазор мисраъро дар бар гирифтаанд. Агар моғазал, рубоий, мухаммас, мураббаъ, маснавий ва дигар порчаҳои шеърии ин шоири пурмаҳсулро, ки бо онҳо асарҳои насррии худро зинат додааст, даҳ ҳазор мисраъ ҳисоб кунем, маҳсулоти назмии ў яксаду си ҳазор мисраъ мешавад». (Бу саналганлардан «Ирфон», «Маърифат тоғи», «Ишоралар ва ҳикоялар», «Мактублар», «Тўрт унсур», «Буюк дengиз», «Ҳайрат тилсими», «Ғазаллар», «Рубоийлар», «Қасидалар», «Қитъалар», «Таркибот ва Таржеот», «Ташбеҳот ва тамсилот» шеърий асарларидир. Буларнинг ҳаммаси тахминан бир юзу йигирма минг мисрани ташкил этади. Агар биз бу сермаҳсул шоирнинг насррий асарларини безаш учун улар таркибиға кириктган ғазал, рубоий, мухаммас, мураббаъ, маснавий ва бошқа жанрлардаги шеърий парчаларни ўн минг мисра ҳисобласак, унинг назмий мероси бир юзу ўттиз мисрага етади).<sup>6</sup>

Устод Садриддин Айнийдан келтирилган иқтибосдан аёnlашадики, бу захматкаш истеъдод сохиби ўзидан бениҳоя салмоқли мерос қолдирган. Мазкур майданавий ҳазина факат ҳажми билангина эмас, балки мавзу ҳамда ғоялар олами нуктаи назаридан ҳам алоҳида эътиборга лойикдир. Аслида Мирзо Бедилга жаҳон маданияти ҳазинасидан муносиб жой олиш, авлодлар назарига тушиб, ярим дунё китобхонлари ардоғида яшаш кафолатини ҳам ана ўша умумбашарий ғояларнинг ўта рангин ифодаланиши берган эди...

Шоир шеърияти ҳакида муайян тасаввур ҳосил қилиш учун унинг айрим ғазалларини таҳлилга тортиб кўрайлик. Олдиндан айтиш жоиз, Мирзо Бедил шеърлари Шарқ ғазалиётининг

(жумладан, Ҳиндустондаги форсий шеъриятнинг) шаклий унсурларидан деярли фарқ қилмайди. Шундай гапни унинг бошқа жанрлардаги назмий (кичик жанрлар кўзда тутилади) асарлари хусусида ҳам айтиш мумкин. Зикр этилганлар нуқтаи назаридан Мирзо Бедилнинг қўйидаги ғазалини олиб кўрайлик:

Ҳам обила, ҳам чашми пуроб аст дили мо,  
Паймонаи сад ранг шароб аст дили мо.  
Боғе, ки баҳораш ҳама санг аст-дили ў,  
Даште, ки губораш ҳама об аст-дили мо.  
Сад санг шуд оинаву сад қатра гуҳар баст,  
Афсӯс ҳамон хонахароб аст дили мо.  
Дар базми висолаш, ки ҳаё жом ба даст аст,  
Гар об шавад, бодаи ноб аст дили мо.  
Манзури бутон ҳар кий шавад ҳасраташ аз мост,  
Ёр оина мебинаду об аст дили мо.  
Эй оҳи асарбоҳта, оташнафасӣ чанд?!  
Хун шав, ки зи дasti ту кабоб аст дили мо!  
То жунбиши тори нафс афсонатироз аст,  
Бедил, ба камандираги хоб аст дили мо.<sup>7</sup>

Иқтибос келтирилган ғазал етти байтли ва мавзуига кўра ошиқонадир. Шеърда тушунилиши душвор сўзлар деярли кўзга ташланмайди. Аммо сатрларда қўлланган калималар имкониятининг тўла истифода этилганлиги, ўша оддий сўзлар ёрдамида равон мисралар бунёдга келтирилиб жуда гўзал санъат намунаси яратилганлиги рост. Матлаъ анъанавий. Унда шеър қаҳрамони-ошиқнинг авж пардадаги шикояти қаламга олинади: Ошиқнинг юраги жудолик азобидан қавариқларга лиқ тўла. Йўқ, ёш ҳалқаланган кўз мардумаги мисол зардоб ичида муаллақ, калқиб турибди. Шу тариқа юрак, унинг ҳолати, қону зарdobнинг ошиши билан алоқадор жараёнлар тасвири кучайтирилади. Амалдаги ташбехлар қаторига қадаҳ ва шароб жалб қилинади: ошиқнинг дардчил юрагида жамланган турфа суюқликлар юз хилда товланиб, қадаҳларни лиммо-лим этган. Равшан, сехрли қалам тухфа этган икки сатрда шунча (биз санаганлар ҳали ҳаммаси ҳам эмас) мазмун ўз гўзал тажассумини топган. Тасвир шиддати ва теранлиги матладан кейинги бандга кўчади. Муболага сафига таносуб, ўҳшатиш, ийҳом, тазод санъатлари қўшилади. Боғ, баҳор, тош (тошлок), юрак каби сўзлар ягона мақсаддага хизмат қилдирилади. Декончиликдан аёнки, боғларни бунёд этиш баҳордан бошланади. Бундай юмушнинг ўзи жуда машаққатлидир. Бироқ тошлокда дараҳт кўкартиришнинг

азоблари эса одатий ердагидан юз чандон ошикроқ ҳисобланади. Файласуф шоир мисрада «санг» (тош)ни кўллаш орқали ана ўша хаётий ҳодисани «ишқ олами»га кўчиришга муваффак бўлади: сангдиллик унинг (маъшуқанинг) юрагига хос «фазилат»дир. Банднинг иккинчи қаторида дашт билан боғлик манзаралар тасвирига ургу берилади. Дашт-саҳро чангу тўзонлар маскани. Аммо тасвирдаги даштда губордан дарак йўқ. Сабаби эса аён – ҳамма ёққа сув сепилган ва чанг босилган. Матлада ошиқ юраги ҳақида берилган хабар, бу ўринда янада мустаҳкамланмоқда. Ошиқ юрагининг ҳолати қақраган сахрога кўчиб, ундаги ўзгаришларни содир этган. Маъшуқа ва ошиқ юрагининг ёнма-эн қўйилиб тасвирланишида бошқа тасвирий воситалардан кўра тазод етакчи ўринни эгаллаган. Бироқ донишманд шоир ташбеҳлар майдонини янада кенгайтириб боради: санг қаторига «ойна» ва «гавҳар қатра»сини қўшади. Бунинг учун ижодкорга денгиз тубида, тош бағрида гавҳар қатраларининг ҳосил бўлиши кўл келган. Зикри ўтган манзарани ифодалаш учун матладаги юрак тасвирлари билан алокадор лавҳалар йўл очиб беради. Денгиз туви тиниқ ойнани эслатади, унда тошу гавҳарлар ёрқин кўринади. Яна бир илова: ашқ ҳалқаланган кўз косаси ичидаги мардумак ҳақида матлада кетган ишора учинчи бандда ўзидан дарак бериб қўяди: тошбағир маъшуқанинг ишқи уйғотган изтироблардан ошиқ кўзидан қатра-қатра ёш доначалари оқаётир. Ўша томчиларни гавҳарга қиёслаш эса анъана. Кўринадики, анъана бағрида ижодийлик бўй чўзган. Сурункали ашкнинг оқиши (тошлар бағридаги гавҳарларни тинимсиз олиш) ҳамма ёқни харобага айлантиради. (жумладан, ошиқнинг юраги (хонахароб) ҳам). Мисралараро мантиқий алокадорлик изчил давом этади. Айни майл ғазалнинг тузилишига кўра якпора (воқеабанд, мусалсал) лигини таъмин қилган. Аммо қаламга олинган лавҳаларнинг ўрни ўзгаради: боғ, дашту саҳродан воқеалар базмга кўчади. Бунинг учун олдинги мисраларда истифодада бўлган «жом», «шароб» (бодаи ноб) имконият яратади. Висол базми ҳақида гап борар экан, Мирзо Бедйл кичкина бир ишора билан маъшуқанинг сийратига (ҳаё) дахл қилади. Маҳбубанинг кўлидаги жом ҳаё билан лиммо-лимдир (аниқроғи, ошиқ танқидига гирифтор бўлган ёр ҳиндуларнинг назокатли санамларидай ибо ва ҳаё соҳибасидир) Борди-ю қадаҳни майга тўлдириш зарурати туғилса, ташвишга ўрин йўқ. Чунки бундай «бодаи ноб» ошиқ дилида сероб. Бешинчи байтда шеърхон яна «ойна», «сув ичидаги қолган юрак» каби ташбеҳ воситаларига дуч келади. Ошиқ гўзалларга манзур келган барча дарддошларнинг ҳасратини ўзига олишга тайёр.

Маъшуканинг ойнадай тиник ва унда акси намоён чехраси жон офати бўлмиш ёрнинг ҳаловатини ўғирлаб, унинг дилининг сувдай эришига асосий сабабдир. Олтинчи байтдаги «асарбохта» (юракни қўлдан бой бериш асорати намоён яъни шоирнинг тахаллусига ҳам ишора), «оташнафас» (нафаснинг оловдай куйдирувчанлиги) каби қўшма сўзлар маъно жилоларини янада кучайтиришга хизмат қилган. Ошиқнинг хижрон онларида чекилган оҳи куйдириш қудратига эга. Шундан ошиқнинг лахта-лахта қон боғлаган юраги кабоб ҳолатидадир. Санъаткорона ишга солинган муболага айтилмоқчи бўлган муддаони ғазалхонга қабариқ етказишга қўл келган. Мактаб матлага хуносадир. Ошиқнинг узилай-узилай деб қолган нафас ришталари афсонани хотирга келтиради. Ошиқ юрак (Бедил қалби) буни ҳис қилиш даражасида эмас. Чунки унинг юрагини қон билан таъминловчи томирлари уйку тузогидадир. Мактанинг биринчи сатрида келган «афсонатироз» қўшма сўзининг иккинчи бўлаги (тироз)нинг «услуб, равиш, тарз» маъноларига эга эканлиги инобатга олинса, файласуф шоирнинг ўз бадиий услубига шаъма килаётганлиги ҳам аёналашиб қолади.

Мирзо Бедилнинг ижодий услуби хусусида муайян тасаввур ҳосил қилиш учун унинг яна бир етти байтли ғазалини таҳлилга тортиб кўрайлик:

Хусни шарм оина дорад рўй тобони туро!  
Чашми исмат сурма хонад гарди домони туро!  
Баски бар худ метапад аз орзуи новакат,  
Мекунад дар сина дил ҳам кори пайкони туро!  
Дар ташоят ҳамин мижгон таҳайюрсоз нест,  
Ҳар буни мў чашми курбонист ҳайрони туро!  
Дар гирифторӣ бувад осоиши ушшоқу бас,  
Ошъён аз ҳалқаи дом аст мурғони туро!  
Ғайри журми ишқ дар озори мо озурдагон,-  
Ҳила бисъёр аст хўи нопушаймони туро!  
Пайкари Мажнун ба ташрифе дигар мумтоз нест,  
Кисвати хоро ҳамон зебост уръёни туро!  
Бедил, аз рангинҳаёлиҳои фитрат месазад-  
Жадвали ранги баҳор авроқи девони туро!\*

Кўчирганимиз ғазал тузилиши жихатидан воқеабанд. Бандлараро мазмуний алокадорлик талабларига риоя қилинган. Матлаъ мукаммал, унда сикик ифодасини топган манзара ғазал мисраларида ривожини топади. Мирзо Бедил маъшуқа жамоли атрофида мушоҳада юритар экан, имкон қадар анъанавий, сийка

тасвирлардан сақланиш, унинг кашиф этилмаган янги кирраларини китобхонига тақдим этиш пайида бўлади. Маъшуқа чехрасининг ойна мисол тиник, шаффоф ва товланиши (шуъла сочиши) «хуснишарм»нинг (ҳаё-ю ибонинг) баландлиги туфайлидир. Мазкур шеър матлаидаёқ олдинги ғазалдан ғоявий йўналиши нуктаи назаридан анча фарқ қиласди. Бандда ифодаланган ишқда омехталик ёркин англашилади. Бу, айниқса, «хусни шарм», «рӯи тобон», «чашми-исмат», «сурма хонад», «гарди домон» каби ибораларнинг кўлланилишида намоён бўлади. Маъшуқанинг пок кўзу қарашлари, нур таратувчи чехраси уни мўътабарлик шоҳсупасига кўтариб кўйганки, оқибатда унинг этаклари теккан тупроқни сурма (кўзнинг соғломлиги ва нурини янада равшанлантириш учун ишлатиладиган модда) вазифасида милкларга тортиш расм бўлди. Иккинчи байтда пок кўзга алоқаманд нафисликлар мижгонларга (новак, пайкон) кўчирилиб, бадиий тасвир ривожини топади. Новаклар хусн зеболигини кўтарар экан, шу билан бирга ошиқнинг ҳаловатини ҳам ўғирлайди. Йўқ, йўқ, камон ўқлари мисол ошиқ дилига қадалиб, уни ҳароб этадики, натижада тамошога ҳам мажол қолмайди. Учинчи банддаги шеър қаҳрамонининг руҳий ҳолати ана шу тарзда ривож топади. Гўзалликнинг бозори шу даражада авж мақомига кўтариладики, натижада нафақат кўз, киприқ, балки ҳар тола соч ҳам кўзга айланиб, ўша мунаvvар нурдан баҳра олиш иштиёқига тушади. Мисраларда ҳаётий воқеа-ҳодисалар ва севишганлар қисматидаги руҳий жараёнлар ёнма-ён тутилади. Аслида бундай майл Шарқ мумтоз адабиёти учун мутлақо янгилик эмас. Ҳалқона урф-одатлар, мулки борлиқдаги ажойиботлар, йил фаслларида кечадиган хос ҳодисалардан шеърда (насрый асарлар ҳам бундан мустасно эмас) истифода қилиш форс-тожик ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари маънавий бисотида тез-тез кўзга ташланади. Худди шундай таъкидни Ҳиндустондаги форсий адабиёт вакиллари ижодиётига нисбатан ҳам кўллаш мумкин. Бироқ Мирзо Бедил асрлар давомида амалда бўлган ўша адабий анъаналарнинг янги-янги кирраларини очиш йўлидан бориб, ижодийликка эришади. Шундай изланишни таҳлил қилаётганимиз ғазалнинг тўртинчи байтида равшан кўришимиз мумкин. Чинакам ошиқнинг қисматида осойишталик даври сира бўлмайди. Нега шундай? Сабаб эса аён: лашт қушларининг ошёнидаги (инидаги) даври ҳам нотинч. Чунки улар овчилар кўйган ва хийла ишлатиб устига дон сепилган тузоклари таҳликаси остида яшаганларидек, сенинг шайдоларинг бошида ҳам ўшандай ташвиш устивордир. Ана шундай манзарани

шеърхон тасаввурида жонли гавталантириш мақсадида файласуф шоир форсий забоннинг назокати ҳамда имкониятларидан, бадий санъатлардан жуда маҳорат билан фойдаланишга мушарраф бўлган. Фазалнинг бешинчи байти ўзгача моҳият касб этади. Аниқроғи, мисралар мазмунида омехталиқ кузатилади. Улуғ шоир нозик бир уриниш билан маъно ўзанини ишқ оламидан инсонларнинг ижтимоий тақдирига, улар турмушини noctor ахволга солиб қўйган даври иллатларига буриб юборади: биз аламзадаларнинг озори ишқ даргоҳидаги гуноҳларимиз устига яна бир қўшимча бўлиб мишиб олди. Бу — сенинг (маъшуқанинг) қилча пушаймонингни келтирмайдиган ҳийлаларингдир. Ёхуд биз кузатга! ҳийлаларнинг факат ишқ бобида бўлмай, ижтимоий ҳаётда ҳам тез-тез содир бўлиб туриши ҳисобланади. Мухими, шеър мисраларида ишқий назокат саналмиш етакчи мавзуга ріоя қилинади. Мусалсаллик озор топмайди. Олтинчи байтда яна ишқнинг «ўз мулки» тадрижий талқинини топади. Мирзо Бедил бошқа қатор шеърий санъатлар риштасига талмехни ҳам тизиб қўяди. Бунинг учун зариф шоирга ишқ даргоҳининг синашта қаҳрамони Мажнун ёрдамга келади. Чинакам ошиққа суратнинг зеболиги, маъшуқага эса Мажнун жуссасининг танланиши шарт эмас. Яъни алоҳида пардозга ҳеч қандай эҳтиёж сезилмайди. Чунки сен шайдоларингга яланғоч жисмингнинг пинҳон тутилишига хизмат қилувчи оддий кийимларинг (кисвати хоро) билан ҳам зебосан. Равшан, донишманд шоир мисралари замирига ҳалқнинг “хусн тўйда, ишқу одоб кунда керак” ҳикматини сингдириб юборган. Мактада фахрия санъати ишга солинган. Мирзо Бедил ўта эҳтиёткорлик ва нафосат билан ўз девони ва унинг таркибидағи шеърлар хусусида ихчам мухокама юритади. Хотимада мисралар бағрида келган «рангинхаёл» (турфа хаёллар), «фитрат» (яратилиш, табиат, туғма табиат), «ранги баҳор» (баҳордаги ранг-баранглик), «авроқи девон» (девон вараклари) иборалари шеърхонни мулоҳазага, фикрлашга даъват қиласиди. Биз эса уни куйидагича шарҳлашга уриниб қўрдик: юрагини қўлдан бой берган ошиқ (Бедил), сен туғма истеъдод уйғотган турфа хаёлларга маҳлиё бўлишга тўла сазоворсан. Бунга шубҳа қилувчилар сенинг жадвалдай баҳорий ранглар билан зийнатланган девониғни мутолаа қилиб қўрсин! Дарвоқе, Мирзо Бедил бундан-да юксакроқ улуглашларга сазовордир

Алкисса, файласуф шоирнинг фазалларида қаламга олинган ишқ инсоннинг маънавий балоғати йўлида беминнат хизмат қиласиди. Унда Одам Ато зурриётлари покликка, садокат ва ўзаро меҳру

окибатли бўлишга даъват этилади. Инсон ўз хаддида туриши, ўзлигини йўқотмай, нафсини жиловлаб яшаси, солих амаллар илинжида умр сарфлаши лозим, деган умумбашарий гоялар мужассамлиги билан ҳам қадрлидир.

Улуғ шоир маънавий меросига муҳаббат назари билан қараш, уни мутолаа қилиш, ундан ўрганиш ижодкор ҳаёт қайдида бўлган даврдан ибтидо топиб, ҳамон изчил давом этиб келади. Табиийки, барча забардаст ижодкорлар фаолиятида кузатиладиган мавзуга холисона ва адолатсизларча муносабатда бўлиш майли Мирзо Бедил тақдирни учун ҳам бегона эмас. Бедилшунослиқда бу масалага бир мунча аниқликлар киритилган.<sup>9</sup> Шу ўринда яна бир жиҳатга, аникроғи, зукко шоир адабий услуги мавзуига қисман муносабат билдиришни истар эдик. Мирзо Бедил шеърияти, умуман, адабий мероси устида мулоҳаза юритиладиган ишларда адаб ифода услубининг «мураккаблиги», «душворфаҳмлиги», «услуби ҳинду» (сабки ҳинду), унинг асосчиси хусусида қизгин баҳсу мулоҳазалар юритилади. Ҳинд мумтоз адабиётшуноси Шибли Нуъмоний шундай фикрларни кўпроқ тарғиб қилиб, сабки ҳиндуниң асосчиси сифатида Мирзо Бедилни қайд этади. Масалага шундай муносабат профессор Ш.Шукуров рисоласида ҳам кузатилади. Жумладан, унда ўқиймиз: «Гап ҳинд услубида ижод қилувчи шоирлар, жумладан, Бедил шеърлари устида бораркан, уларда кўлланган сўз ва ибораларнинг ғайри оддий, тушунилиши қийин бўлганини, уларнинг мажозий маънолари кенг ва атрофлича эканлигини айтиб ўтиш лозим. Бедил муайян сўзларни турли оттенкада, кўп маъноларда кўллаб, шеър тушунилишини анча мураккабластиради!». Кўчирганимиз иқтибос билан ортиқча мунозара қилишга зарурат кўринмайди. Негаки, «оддий сўзлар тизмасидан» тўлақонли шеърнинг вужудга келишини тасаввурга сидириш қийин-да! Масаланиң айни жиҳати XX асрнинг 50-йилларида маъруф шарқшунос Э.Бертельс томонидан устод Айнийнинг юкорида зикри ўтган рисоласига ёзилған сўзбошисида атрофлича ҳисобга олинган эди. Жумладан, ўша ерда ёзилади: «Нуъмонӣ (Шиблӣ) ба анъанаи дар Шарқ маълум шуда пийрави карда, Бобо Фигонӣ ном шоири холо фаромӯш шударо саромади услуги «нав» (сабки ҳинду-Р.В.) ҳисоб мекунанд, ки ў дар Табриз аз маддоҳони дарбори Султон Яъкуб буда, дар соли 1516 ё 1519 вафот ёфтааст. Ин услугуб гўё дар Ҳиндустон жори шуда, то рафт мураккабтар гардида то Бедил ва Носириддин Сирҳиндӣ расида буда аст. Ин ақидаро кабул кардан маҳол аст. Вай асосан натижай он аст, ки

назми тожикию форсии асрҳои XVI-XVII дуруст омӯхта нашудааст. Дарҳақиқат, ин услуб фақат ба Ҳиндустон хос нест, балки он ҳатто аз асри XIV ҳам пештар пайдо шуда, дар районҳои хеле гуногуни нуфузи адабиёти тожик инкишоф ёфтааст ва бинобарин ин «иҳтирон» онро ба ягон шахси алоҳида нисбат додан мумкин нест... Онро Бедил маҳз барои пардапӯш кардани «ақидаҳои озодфиркӣ» худ эжод кардааст гуфта таҳмин кардан дуруст нест» (Нуъмоний (Шиблий – Р.В.). Шарқда шаклланган анъанага пайравлик қилиб, Бобо Фигоний номли ҳозир анча унutilган шоирни «янги» бу услубнинг асосчиси ҳисоблайди. У Табризда яшаган ва Султон Яъқубнинг маддоҳларидан бўлиб, 1516 ёки 1519 йилларда вафот этган. Бу услуб гўё Ҳиндустонда жорий бўлиб, мураккаблик касб этиб тараққий килган ва Бедил ҳамда Носириддин Сирҳиндийгача етиб борган. Бундай ақидани қабул қилиш амри маҳолдир. Аслида масалага бундай муносабат XVI-XVII асрлар форс-тожик адабиётининг етарли даражада ўрганилмаганлиги натижасидир. Ҳакиқатда эса бу услуб факат Ҳиндустонга хос бўлмай, балки XIV асрдан ҳам анча олдинроқ шакллана бошлаган ва форсий адабиёт нуфузи баланд бўлган турли-туман районларда кенг ёйилган эди. Шундай экан, унинг «иҳтиросини» бирон-бир шахсга алокадор қилиб қўйиш тўғри эмас. Уни Бедил ўзининг «озод фикрлилик руҳидаги ақидалари»ни пардапӯш қилиш мақсадида қўллаган дейиш ҳам у қадар маъқул кўринмайди).<sup>12</sup>

Таникли адабиётшуноснинг юқоридаги мулоҳазалари ўта адолатли бўлиб, улар билан баҳслашиш қийин. Дарҳақиқат, форс-тожик адабиётининг қадимги қатламига доир жиддий илмий тадқиқотлар яратган Е.Э.Бертельс учун форсий шеъриятнинг тарихий тараққиёт жараёнлари, унинг тадрижий ривожи ошно эди. Чиндан-да, Абу Абдулло Жаъфар, Рудакий, Абулкосим Фирдавсий, Салмон Соважий, Шайх Саъдий, Хожа Ҳофиз сингари даҳо санъаткорларнинг назмий бисотини «мураккаблик» ва «душвор баёнлик»дан холи дейиш тўғри бўладими? XV асрга қадар бўлган форс-тожик адабиётининг энг гўзал анъаналарини ўзида умумлаштирган ва ҳақли равишда адабий мероси форсийзабон адабиётининг олтин кузи унвонига сазовор кўрилган Нуриддин Абдураҳмон Жомий асарлари ҳаммага бирдай тушунарли ва фалсафий печ-дарпеч мӯчиоҳадалардан холими? Ҳиндустондаги форсий адабиётининг даргалари ҳисобланувчи Амир Ҳусрав Деҳлавий, Ҳасан Деҳлавийларнинг «эъжоз мақоми»даги шеърларининг моҳиятига етмоқ учун улар атрофида хафталаб

мушоҳада юришиш даркор-ку?! Айримлари айтилган жиҳатларга таяниб айтиш мумкинки, асрлар давомида қатралардан бунёд бўлган услубий жило Мирзо Бедил маънавий меросида жарангдор жилға мисол оқимини давом эттиради.

«Одам уш-шуаро» — Рудакий, маснавийгўйлик сардафтари-Абулқосим Фирдавсий, панд-насиҳат адабиётининг яловбардори-Шайх Саъдий, «Ринди лоуболи», -Хожа Ҳофиз, «Соҳири Ҳинд»-Амир Ҳусрав Дехлавий, «Орифи Жом»<sup>13</sup> — Абдураҳмон Жомийларнинг маънавий мероси сингари файласуф сўз санъаткори — Мирзо Бедилнинг ҳам жозиб бадиий яратмалари фақат Ҳиндустон худудида қолиб келмади. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бу ноёб истеъдод соҳибининг номи ҳамда дилбар асарлари Марказий Осиёда ҳам шухрат таратди. Мактаб, масжид ва мадрасаларда Куръони каримдан кейин болалар зехнини чархлаш, фикр кўламини бойитиш ва нутқини равонлаштириш мақсадида бошқа ардокли қаламкашлар қаторида Мирзо Бедилнинг назмий ҳамда насрый асарларини тавсия қилиш одат тусига кирди. Бугунги Ўзбекистоннинг қатор маданий марказларида (жумладан, Бухоройи Шарифда) бедилхонлик қутлуғ анъанага айланди. Ўзбек мумтоз адабиётининг кейинги авлоди ўргасида Мирзо Бедилни ўзига устоз билувчи, унга пайравлик қилиб, асарларига мухаммас битувчилар сони кўпайиб кетди. Жумладан, Хоразм адабий мухитининг забардаст арбоби Шермуҳаммад Мунис (1778-1829) «Манга» радифли ғазалида ўзининг маънавий тақдиррида мухим аҳамият касб этган Шайх Низомий, Абулқосим Фирдавсий, Абдулла Анзорий, Аnvарий, Хожа Ҳофиз, Шайх Саъдий, Амир Ҳусрав, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийларга бўлган юксак мұхаббатини изҳор қиласкан, Мирзо Бедил хақида ёзади:

Нусҳаи таъйид Бедилдин топиб файзи сухан,  
Маъни ичра номаи иқболи томийдур манга<sup>14</sup>

XIX-XX. аср ибтидосида яшаб фаолият кўрсатган шоир Рожий Марғиноний (1834-1918) Мирзо Бедилнинг форсий ғазалига мухаммас боғлар экан, шундай сатрлар битиб қолдирган эди:

Кулахи зарат ба Дехлист бирауву биёр, Бедил,  
Ба сари ҳубоби Рожӣ-ба даме гузор, Бедил.  
Ба гуур то биболад, ба ту нангур ор, Бедил,  
“Ҳаваси кулаҳдори зи сарат барор, Бедил.  
Ба чи нозад устухоне, ки дар ҳумо нишаста”<sup>15</sup>

Бундай мисолларни ўзбек мумтоз адабиётидан яна кўплаб келтириш мумкин. Ҳусусан, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX юз

йиллик ибтидоси Бухоро адабий ҳаракатчилигига Мирзо Бедилга пайравлик ўз ҳадди аълосига етган. Зикри ўтган давр адабий ҳаётида бурилиш нуктасини бошлаб берган Аҳмад Доңиш, Устод Садриддин Айний томонидан устоз мақомида кабул қилинган Мирсиддик Ҳайратнинг шеърхонлик базмларида етакчи мавзу Мирзо Бедил адабий мероси ҳисобланган. Айни анъана янги ўзбек адабиётининг катта авлоди адабий фаолиятида ҳам қизғин давом этган. Буни XX аср янги ўзбек адабиётининг йирик вакили, файласуф ва ҳозиржавоб шоириFaфур Ғуломнинг ижодиёти мисолида ҳам равшан кўришимиз мумкин. Улуғ шоир замондошлари шаҳодатича Faфур Ғулом ишхонасида Мирзо Бедилнинг куллиёти ҳамиша очик турган ва у деярли ҳар куни унинг мутолааси билан машғул бўлган. Академик шоир таржимаи ҳолида ифодасини топган куйидаги қайдлар ҳам ўшандай хулоса учун етарли асос вазифасини ўтайди: «...Йиллар оғир ва аста ўтар эдилар. Мен ҳам энди маҳалламиздаги Ҳасанбой домланинг мактабида Бедилдан «Маслак»ка ўтиб тугатган эдим».<sup>17</sup> Кўринадики, XX аср ибтидосида фаолиятини давом қилаётган масжид олдидаги бошланғич мактабларда бедилхонлик давом қилган. Шу билан бир каторда Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» «Маслак ут-мутгакин» асарлари ҳам ўқитилган. Ана ўша дарслар доирасида Мирзо Бедил маънавий мероси билан ошнолик Faфур Ғуломни бир умрга ўзига банд қилган. Ёшлик жўшқинлиги билан унинг юрагига муҳрланган бўлса керак, академик шоир шеърий сатрларида ҳам улуғ файласуф адибга бўлган юксак садоқатини акс эттириб боради. Унинг теран тафаккур ҳосиласи бўлган «Софиниш» шеъридаги мана бу сатрлар ҳам ўшандай ишқнинг нишонасидир.

Тонг отар чогида жуда соғиниб,  
Бедил ўқир эдим, чиқди офтоб.  
Лойқа хаёлотлар чашмадай тинди,  
Пок покиза юрак бир қатра симоб.<sup>18</sup>

Faфур Ғулом завққа тўлганда ёҳуд бошига оғир мусибат тушганда форс-тожик адабиёти дарғаларига, хусусан, Мирзо Бедилга мурожаат этган. Буни академик шоирнинг «Янги йил кўшиклари» шеъри мисолида ҳам ёрқин кўриш мумкин. Шеър янги – 1945 йилнинг кириб келиши арафасида ёзилган. Унда тасвирини топган шеър қаҳрамонининг кайфияти жуда баланд. Бу бесабаб эмас, албатта. Айни йил иккинчи жаҳон уруши тарихи учун бурилиш санаси ҳисобланади. Фашистлар Германияси собиқ совет иттифоки сарҳадларидан улоктириб ташланган, қатор Гарб давлатлари ҳам ўша

оч оғатдан халос қилинмоқда эди. Табиийки, бундай кувончли маълумотлар академик шоир илҳомига жўшқинлик баҳш этган ва гафурона сатрлар кўйилиб келган:

Шафақдек кирмизи майга тўлса жом,  
Не учун рубоий ўқимас Хайём?!  
Азиз умрларга дебоча бўлган,  
Энг баланд толелар юксалар мудом.  
Бу йил асримизнинг гўзали бўлур,  
Гўё шеърда Бедил ғазали бўлур.  
Жаҳонга озодлик ва шон баҳш этган,  
Авлодларнинг баҳти азалий бўлур!<sup>19</sup>

Некбин академик шоирнинг мазкур сатрлари гўё бугун учун ёзилгандай акс—садо беради. Истиқлол йўлида шахдам қадамлар билан олға интилаётган она Ўзбекистон, унинг адабиёту адабиётшунослиги учун XXI асрнинг айни палласи гўзал ривожу равнақ йиллари бўлур. Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, баҳти ва толенини топаётган Ватанга эса нафосат базмлари ярашур. Табиийки, ўшандай жонон давраларда Мирзо Бедилнинг эрк, озодлик, рафоқат, адолат, осойишталикни тараннум этувчи жарангдор ғазаллари шеъриятга ошуфта қалбларга сафо баҳш этгусидир...

### Адабиёт ва шарҳу изохлар.

1. Садриддин Айний. Куллиёт. Жилди XI. Китоби дуйум. «Ирфон». Душанбе – 1964. Сах. 29. Устоднинг «Мирзо Абдулқодир Бедил» номли йирик тадқиқоти XX асрнинг 40-йилларида ёзил тугалланган ва пешма-пеш «Шарқи сурҳ» журналида чоп этилган. Адид Мирзо Бедилга боғлиқ илмий ишларини давом эттиради ва ўша тадқиқот яхлит ҳолида 1952 йилда монография шаклига келтирилади. Китобнинг биринчи қисми Мирзо Бедил ҳақидаги илмий рисола бўлиб, унинг иккинчи қисми файласуф шоирнинг назму насрда яратилган маънавий меросидан намуналардан таркиб топади. Асар 1954 йилда таникли шарқшунос Е. Э. Бертельснинг сўз бошиси билан алоҳида китоб ҳолида рўшнолик кўрган.

2. Ўша китоб. 9-бет.

3. Ўша китоб. 28-бет.

4. И. М. Мўминов. Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари. Тошкент, «Фан» -1958, 29-бет. Шу асарнинг янги нашри ҳам амалга оширилган. Қаранг: Иброҳим Мўминов. Мирзо Бедил дунёкараши. Тошкент, «Ўзбекистон»-1974. 128 бет. Мирзо Бедилнинг шажараси

хусусида Иброҳим Мўминовнинг фикри ҳақиқатга яқин кўринади. Кеш худудида гуж яшаган бу туркӣ қабиланинг аксарият вакиллари Мўғул истилолари даврида Ҳиндустондан паноҳ топишган. Амир Ҳусрав Дехлавийнинг аждодлари бунинг ёрқин далилидир. Шундай экан, Мирзо Бедилнинг ота-боболари ҳам ўша даврда юртини тарк этишган бўлса, ажаб эмас. Агар айни тахмин асосланса, унда Мирзо Бедилнинг Амир Ҳусрав Дехлавийга узок қаробати борлиги ҳақида ҳам ўйлаш мумкиндири?!

5. Садриддин Айний. Жилди XI. Китоби дўйум. Сах.30.

6. Ўша китоб. 65-66-бетлар. Таржима бизники.

7. Ўша китоб. 191-бет. Устод Айний Бедил куллиётидан ўттиз битта ғазални танлаб, рисоласига илова қилган. Биз ҳам ўша ғазаллардан намуналар танлаб таҳлил қилишини лозим топдик. Таҳлил жараёнида мисралар мазмуни очилишини назарда тутиб, таржимасини илова қилмадик.

8. Ўша Китоб, 192-193-бетлар.

9. Қаранг: Ш.Шукурев. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. Тошкент, “Фан”-1979, 3-16-бетлар. Рисола муаллифи айни саҳифаларда тазкира, тарихий асарлар, Ҳиндустон, Афғонистон, Покистон, Эрон ва Ўзбекистонда амалга оширилган ишларни қамраб олиш ҳамда муносабат билдиришга ҳаракат қиласиди. Ушбу китоб ҳақида қаранг: Т.Ҳамидов, Т.Қораев, Р.Воҳидов. Бедилшуносликка қўшилган ҳисса. «Бухоро ҳақиқати». 1981 йил, 18 июль.

10. Садриддин Айний. Куллиёт. Жилди XI, китоби 2. 418-бет.

11. Ш.Шукурев. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. 63-бет.

12. Садриддин Айний. Ўша китоб, ўша бет. Ўзбек тилидаги таржима бизники.

13. Кўштириноқ ичидаги берилган иборалар Алишер Навоий қаламига мансуб.

14. Шермуҳаммад Мунис Хоразмий. Сайланма. F.Ғулом номидаги АСН, Тошкент-1980, 11-бет.

15. Ш.Шукурев. Мирзо Бедилнинг поэтик мероси. 95-бет.

16. Бу ҳақида устод Айнийнинг Мирзо Бедилга аталган рисоласида анча мукаммал мулоҳаза юритилган.

17. Faafur Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 томлик. I-том. Тошкент, “Фан”-1983. 217-бет.

18. Faafur Ғулом. МАТ. 2-том. Тошкент, “Фан”-1984. 35-бет.

19. Ўша китоб, 49-50-бетлар.



## САДРИДДИН АЙНИЙ АБАДИЯТИ ДАХЛСИЗДИР<sup>24</sup>

2001 йилнинг 22 августида она юртимизда катта тарихий воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов “Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса кўшган адабиёт ва санъат намояндадарини мукофотлаш тўғрисида”ги фармонга имзо чекди. Мазкур фармонда, жумладан, қуидаги адолатли ва доно сўзлар бор эди: “Бетакрор истеъдоди ва ўлмас ижодий мероси билан ўзбек миллий маданиятининг ривожига бекиёс ҳисса кўшган, бутун ҳаётини эл-юрт тараққиёти, халқимиз маънавиятигининг юқсалишига баҳш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, уларнинг Ватан олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуидаги марҳум адаб ва санъаткорлар “Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансан». Зикри ўтган ҳаётбахш хужжатда устод Садриддин Айний, Мақсуд Шайхзода, Миртемир (Турсунов Миртемир), Миркарим Осим (Осимов Миркарим) каби адаб ва шоирларнинг номи бор (ЎзАС ҳафтганомаси, 2001 йил, 25 август) эди. Дарҳақиқат, фармонда тилга олинганидек, устод Айний (1878-1954) ўзининг ноёб истеъдоди билан Шарқ адабиётида узоқ тарихга эга бўлган зуллisonайнилик анъанасини янги тарихий шароитда юксак поғонага кўтарди. Ўзбек ва тожик тилларида яратилган “Куллар”, “Доҳунда”, “Судхўрнинг ўлими”, “Одина”, “Эсадаликлар” каби шоҳ асарлари билан қадим-қадимдан қондош ва жондош бу икки халқнинг адабий-маънавий ҳазинасига бебаҳо қисса кўшди. Шундан бўлса керак, масаланинг айни жиҳати XX асрнинг 60-90-йилларида янги ўзбек адабиётига доир чоп қилинган академ нашрларда ўзининг ҳаққоний эътирофини топган эди. Жумладан, “Ўзбек совет адабиёти тарихи очерки” китобининг иккинчи жилдida устод Айний ҳаёт ва ижод ўйли тадқиқига катта ўрин ажратиларкан (Тошкент, “Фан”, 1962 йил, 89-150-бетлар), қуидаги холосавий жумла китобхонлар ҳукмига ҳавола этилади: “Шунинг учун Садриддин Айний ҳам тожик, ҳам ўзбек совет адабиётининг йирик намояндаси ҳисобланади” (90-бет).

Маълумки, Садриддин Айний адабиёт оламига XIX асрнинг 80-йилларида шоир сифатида кириб келди. Унинг “Сифлий”, “Муҳтожий”, “Жунуний” ва “Айний” таҳаллуслари билан ўша давр адабий сарчашмаларида рўшнолик кўрган, кейинчалик, Тожикистанда чоп қилинаётган улуғ аллома “Куллиёт”и 15-

<sup>24</sup> Макола академик К.Мукимов билан ҳаммуалифликда ёзилган.

жилдлигининг саккизинчи китобидан (Душанбе, “Ирфон”-1981) жой олган шеърларининг умумий ҳажми ўн беш минг мисрага яқиндир. Бунга истеъододли шоирнинг ўзбек тилидаги шеър ва маршлари кўшилса, юкорида кўрсатганимиз рақам янада катталашиб кетади. Кўринадики, шоир Айнийнинг халқларимиз бадиий завқини кўтариш йўлида сарф этган хизматлари салмоқлидир. Мухими, ўша машаққатли ижодий меҳнат йиллар давомида ўз эътирофини топиб келди: “У (С.Айний) ўзининг “Суруди озоди” (1918) шеъри билан тожик совет адабиётини бошлаб берган бўлса, “Бухоро жаллодларининг ўзаро сұхбатлари” (1920) повести билан ўзбек совет бадиий прозасининг пойдеворини қуришда фаол қатнашди” (“Ўзбек совет адабиёти тарихи”, 1-том, Тошкент, “Фан”-1968, 189-245-бетлар).

Устод Садриддин Айний адабий меросига бўлган бундай ижобий муносабат ўтган асрнинг 90-йилларига қадар давом этди. Жумладан, рус тилида беш жилдда чоп этилган янги адабиёт тарихининг биринчи китобидан ўрин олган қуйидаги жумлаларни зўр қоникиш билан қайд этиш мумкин: “Садриддин Айни (1878-1954) – основоположник таджикиской и один из зачинителей узбекской советской литературы, замечательный поэт, прозаик и ученый. Его творчество сыграло большую роль в развитии двух родственных литератур” (История узбекской советской литературы. В пяти томах (1917-1985). Том первый. Ташкент, “Фан”-1987, стр. 47). Иктибосда ўринли эътироф этилганидек, устод Айний заковатли тадқиқотчи мақомида Шарқ адабиётининг ўнлаб улкан алломалари, жумладан, Алишер Навоий маънавий меросини янги давр китобхонлари мулкига айлантириш йўлидаги хизматларининг ўзи бир инсон умрига етгулиқдир. Ўтган асрнинг 40-йилларидаги устод қалами билан бунёд этилган “Алишер Навоий” илмий рисоласи ҳамон маънавий қимматини йўқотган эмас. Унинг улуғ ўзбек шоири таваллудининг 500 йиллиги олдидан Алишер Навоий “Хамса”санинг қисқартирилган, шарху изоҳлар билан таъминланган нусхасини жуда тезкорлик билан яратганлиги мўъжизага тенгdir. Устод Айнийнинг ўзбек ва форс-тожик ҳамда бу икки халқнинг янги адабиётларига доир илмий изланишлари, тожик адабий тили софлигини химоя килиш йўлида хизмат қилувчи теран мақолалари ўз яратилган даврида ёқ қадр топган эди. Устод Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, ТожФА академиги ва биринчи президенти, филология фанлари доктори, профессор унвонларига лойиқ кўрилган.

Ачинарлиси шундаки, кейинги йилларда устод Садриддин Айнийдай улкан маънавий арбобнинг шахси ҳамда адабий меросига бўлган муносабат тубдан ўзгариб кетди. Улкан адебнинг номи ва асарлари ўрта умумий ва олий таълим дастур ҳамда дарсликларидан чиқариб ташланди. Бироқ муайян давр адабий ҳаҷти манзаралари қашшоқ бўлиб кўринганди, зарурат туғилганда йўл-йўлакай Садриддин Айнийга мурожаат қилиш ҳолатлари кўзга ташланади. Олий мактаб филология ихтисослиги бакалаврларига мўлжалланган дарсликдаги қўйидаги парчаларга эътибор қиласлилар: “20-йилларнинг нисбатан каммаҳсул жанри қиссачилик бўлди. Шунга қараемай, Садриддин Айнийнинг “Бухоро жаллодлари” ва “Кулбобо” асарлари, умуман, бу давр ўзбек насли, хусусан, қиссачилиги шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди” (“XX аср ўзбек адабиёти тарихи”. Тошкент, “Ўқитувчи”-1999, 38-бет).

Юқорида эслатилган нуфузли дарсликда 30-50-йиллар ўзбек насли ҳакида мулоҳаза юритган муаллифлар мана бу жумлани ўқувчилар эътиборига ҳавола қиладилар: “С.Айнийнинг “Куллар” романи ўзбек адабиётидаги биринчи эпопея бўлиб, унда ўзбек ва токик ҳалқларининг сўнги юз йиллик тарихи билан воқеалар силсиласи тасвир этилган” (Ўша китоб, 49-бет). Масалага шундай муносабат ўрта умумтаълим мактаблари XI синф адабиёт дарслигига ҳам кузатилади.

“Бадиий адабиёт, — деб ёзишади Давлат Таълим Стандарти тузувчилари, - инсон ҳаётига она алласи билан сингади ва якинларининг йўқлов үйғиси билан сўнгги йўлга кузатиб қўйилгунча унга таъсир кўрсатишда давом этади” (Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастури. 1-максус сон. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. Тошкент-1999, 145-бет). Фоят доно фикр ва у билан баҳслашиб кийин. Юқорида зикри ўтган фазилатларнинг устод Айний асарларида ҳам кам эмаслиги эътиборга олинса, бу улуғ алломага, унинг бебаҳо маънавий меросига нисбатан ўтган асрнинг 60-80-йилларида муносабат изчил давом этиб, ўрта ва олий мактабларимизда ўрганилганида эди, асли бухоролик бўлган нафис санъат мактаби ўкувчиси Шоҳрухбек Олимов ўзининг улуғ бобоси ҳакида қўйидагича мулоҳаза юритмаган бўлур эди: “Қардош ҳалқлар адабиётининг йирик намояндаларидан бири – Садриддин Сайдхўжа (Сайдидмуродхўжа демокчи) Айний(?)...” (“Фидокор”, 2004 йил, 25 май, сешанба). Наҳотки, устод Садриддин Айний қардош ҳалқлар адабиётининг вакили бўлса?! Шоҳрухбек Устод Айний ҳақида жуда ихлос билан ширин мулоҳаза юритади. Аммо у ва унинг

тенгдошларини чалғитган омил эса йиллар давомида ўрта умумтаълим мактаблари дарсликларида жаҳон адабиёти руқнида ажратилган арзимас соат ва бугунги ўзбек адабиётшунослигининг бу улуг ижодкорга бир ёқлама муносабатидир...

Жорий йилнинг 14-15 апрель кунлари Бухоро давлат университетида “Садриддин Айний шеъриятида анъана, ижодийлик ва бадиият муаммолари” мавзуида ўтказилган халқаро илмий анжуман минбаридан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти Тўра Мирзаев қуидагиларни қайд этди: “Яхшиямки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бундай адолатсиз ҳолатга (Садриддин Айний меросига бир ёқлама муносабатга) чек кўйди. Ўзининг фармони билан Садриддин Айнийни “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотлади. Бу зиёлиларнинг устоднинг ижтимоий-адабий фаолиятига нисбатан қайта юз буришларига, унинг ижодини илмий жиҳатдан ўрганишга киришишларига сабаб бўлди” (“Бухоро университети илмий ахборотлари”, 2004, 2-сон, 98-бет).

Дарҳақиқат, ташабbus юрт сарвари томонидан бошланди. Уни энди давом эттириш, Садриддин Айний абадияти дахлсизлигини таъмин этиш, ўрта ва олий мактаб адабиёт дастуру дарсликларидан муносиб ўрин бериш шу ишнинг бошида турган мутасаддилар зиммасидадир.

## ШАРҚ МУМТОЗ АДАБИЁТИ ВА САДРИДДИН АЙНИЙ ШЕЪРИЯТИ

Шеърият устод Садриддин Айний ижодиётида марказий ўринда туради. Бу гапни, айниқса, улуг алломанинг XX асрнинг дастлабки йилларига қадар бўлган адабий фаолияти хусусида дадил айтиш жоиздир. Ҳассос шоир бизга ўн беш минг мисрадан зиёдрок маънавий мерос қолдирган экан, уларнинг аксарияти зикри ўтган давр зиммасига тўғри келади. Шундан бўлса керак, устод 1935 йилда тоҷик тилидаги шеърларини алоҳида китоб ҳолида тартиб бераркан, мазкур сайланмани «Ёдгорлик» номи билан ўкувчиларига тақдим қиласи ва шу китоб учун ихчамгина сўз боши ҳам ёзади. Жумладан, ўша лўнда жумлалар таркибида қуидагиларни ҳам қайд киласи: «Мен илк марта адабиёт майдонига қадам қўйиб, ашъор талабори бўларканман, бунинг учун хат-саводим чиқиши лозим эдики, шеър ёдлаш ва шеър ёзишга иштиёқим баланд эди. Айта оламанки, менинг

хит-саводим ана ўша шеърхонлик ва шеър ёзиш воситасида чиққандир» (Садриддин Айний. Куллиёт. Иборат аз 15 жилд, жилди 8. Душанбе, «Ирфон», 1981, саҳ. 452). Тожик тилидан таржима бизники. Бундан кейинги ишоралар ҳам шу китобга дахлдор бўлиб, тегишли, ўринларда жилд раками ва саҳифалар қавсайнда кўрсатиб борилади). Улкан адибнинг кўчирганимиз қайдларини унинг «Эсадаликлар» асари тўла қувватлайди. Мазкур шоҳ асарнинг биринчи қисмида ёк тадқиқ учун танланган мавзуумизга доир кимматли маълумотлар назарга ташланади. Таъкидлаш жоизки, бўлажак адибнинг бу борадаги илк муаллими падари бузруквори Сайдмуродхўжа эди. Озроқ муддат Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган бу улуғ инсон илм ва шеъриятнинг катта ихлосманди бўлган. Унинг қўлида Бобо Соиб Табризий, Хожа Ҳофиз, Шайх Саъдий шъюридан намуналар сақланган. Ёхуд унинг ўзи қўлига тушган шеърлардан мўъжазгина баёзча тартиб берган. Тириқчилик ташишиларидан холи фурсат топган Сайдмуродхўжа уларни мутолаа қилган, ёд олган, сухбатларида ўринли қўллаган ва ана ўша тақвни ёш Садриддинхўжага ҳам сингдиришга интилган, Бу ҳакда «Эсадаликлар»нинг «Қишлоқда» сарлавҳали биринчи қисмида (С.Айний. Асарлар. 8 томлик, 5- том, 101- бет) қизиқарли лавҳаларни ўқиш мумкин. Эслатилган шоҳ асарда келтирилган қайдларга биноан айтиш мумкинки, устод Айнийнинг мурғак шуурига Шарқ мумтоз адабиётининг Хожа Ҳофиз, Шайх Саъдий, Абдулқодир Бедил, Соиб Исфаҳоний сингари забардаст намояндларига доир дастлабки ишоралар ҳам унинг маънавий оламига оила мухити, Соктаредаги кизлар мактаби (5- жилд, 83- 91, 143, 153-155- бетлар ва ҳоказо) сабоклари орқали кириб борган. Кейинчалик забардаст ёзувчи «Эсадаликлар»нинг бошқа қисмларида ўз шеърий машқларининг ибтидоси, «Сифлий», «Мухтоҗий», «Жунуний», «Айний» каби адабий тахаллусларининг қабул қилиниш тарихи, тақдири, оташ қалб шоир Мирсиддик Ҳайрат, катта маърифатпарвар ва шоир Шарифжон Маҳдум билан танишуви, ҳамкорлиги хусусида жуда бой маълумотларни жойлаштирган эди. Бир сўз билан айтганда, «Эсадаликлар» устод Садриддин Айний ижодий тараққиёт ва такмил жараёнини тадқиқ қилишда тенгсиз ҳамда ноёб манба ҳисобланади.

Ўспириинлик йилларида Шарқ мумтоз шеъриятига нисбатан қалбда жўш урган беҳамто ихлос, завқли мутолаа, зикри ўтган маърифий дурданаларга бўлган сарҳадсиз иштиёқ шоир Айний адабий мероси учун нотакрор сарчашма, дарсхонаси кенг мактаб қазифасини адо этди. Буни куйида келтириладиган адабий

маълумотларда янада ёркин ҳис қилиш мумкин. Аввало, устод Айнийнинг XX аср бошларига қадар бўлган шеъриятида Шарқ мумтоз адабиёти жанрларига мурожаат марказий ўринда туради: Жумладан, ғазал (152), қитъа (25), рубоий (48), мухаммас (ўндан зиёд), мусаддас — марсия, мусаддас — таркибанд (3), қасида (10), кичик маснавий (12), фард (20), мувашшаҳ (5га яқин) ва ҳоказо. Бизнинг нотугал бу рўйхатимиздан жой олган шеърларнинг ўзи жанри ва ҳажмига кўра бир қаламкашнинг мазмунли умрига етгулиkdir. Юкорида тавсия қилинган рўйхатдаги шеърларнинг яратилиши тарихи ҳамда таъсирланиш даражасига қараб қуйидагича тасниф қилиш мақсадга мувофиқdir:

1. Камол Исфаҳоний (2), Шайх Саъдий (1), Соиб Исфаҳоний (1) ғазалларига қилинган татаббуъ ва тазминлар;

2. Абдуқодир Бедил ҳамда бошка шоирларнинг шоҳ байтларига қилинган тазминлар (5);

3. Абу Абдулла Жаъфар Рудакийнинг:

Боди жўи Мўлиён ояд ҳаме,  
Ёди ёри меҳрубон ояд ҳаме

матлали ғазал-қасидасига жавобия (8, 159). Бундай мисоллар шоир «Куллиёт»и 8-жилдida яна анчагина кўзга ташланади;

4. Тахмис-мухаммаслар: Ҳофиз Шерозий (2), Камол Хўжандий (1), Абдулқодир Бедил (1), Бадриддин Ҳилолий (2), Қооний (1), Соиб Табризий (2), Яғмо (1), Жунайдулло Ҳозик (1) ғазалларига айтилган жавобия-тахмислар;

5. Абдураҳмон Жомий марсиясига битилган мусаддас марсия ва ҳоказо.

Албатта, биз тавсия қилган тасниф ўта нисбий ва тугал эмас. Бирор айримлари ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган қайдлар ҳам Шарқ мумтоз адабиётининг бой ижодий хазинаси устод Айний шеърияти ташакқул ҳамда тараққиётида нақадар серкирра ва сезиларли ҳисса қўшганлигидан далолат беради.

Таъкидлаганимиздек, устод Садриддин Айний «Куллиёт»и саккизинчи китоби таркибида келган шеърлар ичida Абдулқодир Бедилнинг мисралари мазмуни билан безалгандари ҳам анчагинадир Жумладан, замондошлари тарафидан «Абулмаоний» унвони билан сийланган буюк файласуф шоирнинг «Бода надорам, ки ба согар кунам» мисрасини иқтибос сифатида олган устод шу йўлда иккита (бiri саккиз ва иккинчиси ўн икки байтлик) жавобия ғазал иншо этган. Аслият ва жавобия хақида тасаввур пайдо қилиш учун айрим парчаларни таҳлилга тортайлик. Устод ғазалларидан бiri ҳайит

муносабати билан рўшнолик кўрган. Шундан бўлса ғазал ҳар бир байтининг биринчи катори «Мавсими ид аст» (ҳайит мавсумидир) ибораси билан бошланади. Бундай такрор шеърнинг қусури бўлмай, аксинча, унинг фазилатини тайин қилган. Мисраларда бадиий ифодасини топиши зарур бўлган мазмун ана ўша такрорланиб келувчи иборалар ёрдамида янада қувватлантирилади. Шоир ҳайит айёмида ишқий саргузаштларнинг жунбушга келишини назарда тутади ва ғазал сатрларида ошику маъшуқага доир лаҳзаларни айрича ишораларда акс эттиришга харакат қиласди. Куйида кўчирадиганимиз ғазал байтларида ўша манзарап янада равшанроқ намоён бўлади:

Мавсими ид аст, тараб сар кунам,  
Чанд зи ғами сина мукаддар кунам.  
Мавсими ид аст, умеди висол,  
З-он бути таннози ситамгар кунам.  
Мавсими ид аст, ба ташрифи дўст,  
Дидай худ фарши таҳи дар кунам.  
Мавсими ид аст, ба баҳти сафед,  
Хона аз он рўй мунаvvар кунам.  
Мавсими ид аст, ба кўи висол,  
Таҳнияти идии дилбар кунам.  
Мавсими ид аст, лаби иштиёқ  
Месазад аз согари лаб тар кунам.  
Маст шавам аз лаби майгуни ў,  
«Бода надорам, ки ба согар кунам».  
Дар сифати орази гулгуни ёр  
Номай ашъор муаттар кунам.

(Садриддин Айний. Куллиёт. Жилди 8, сахифаи 104). Саккиз байтдан таркиб топувчи ғазал ўйноқи оҳанги, байрамона рухи билан дикқатни жалб қиласди. Сатрларда аксини топган ғам-аламга тегишли лаҳзаларни ҳам ўша шодиёна кайфият ўз бағрига олганки, айни уриниш орқали шеърхонда туғилиши муқаррар бўлган дилхунликнинг олди олинган. Мусалсал (занжир ҳалқалари мисол боғланиш) ёхуд воқеабандлик талаблари асосида жойлаштирилган байтлар мантиқан бири иккинчисини тақозо қилиб келади. Шеърда шксини топиши лозим бўлган воқеалар ғазалчиликда шаклланган шъянага биноан ошик тилидан ҳикоя қилинади: ҳайит мавсумидир, курсандчиликни бошлайлик, Нега энди сийнамни ғам билан хийралантирайин? Қаранг, аламдийда ошиқ ўзига-ўзи тасалли беради, ширин орзуласи огушида руҳиятини кўтаради: ҳайит

мавсумидир, ул танноз ва ситамгар гўзалнинг висолига умид боғлайнин. Шу ўринда жиндак изоҳ лозим. Маъшуқанинг танноз ва ситамгарлиги бевосита унинг ҳаракатлари мисолида исбот қилинмайди. Бундай маломат унинг бошига ошиқ томонидан ёғдирилмоқда. Махбубасидан висол нашъасини кутган ошиқнинг умидлари саробга айлангач, у гина ва адватга ўтади. «Гуноҳсиз гуноҳкор» маъшуқани айлашга тушади. Бундай услугбий майл ҳам анъанавий бўлиб, устод Садриддин Айний унга риоя қилган. Ошиқ иккинчи байтда ўртага қўйилган орзуидан мутлақо кўнгил узмайди: ҳайит мавсумидир, дўстнинг (ёрнинг) ташрифига дийдаларимни эшик олди фаршига ишлатайин. Айни тасвирда ижодийлик бор. Биз кўришга улгурганимиз шеъларда бундай тасвирга дуч келмадик. Ошиқнинг интизорликдаги нигоҳини эшик йўлаги фарши учун кўлланиладиган гишт вазифасида ишлатиш мумкин-ми? Бу ўринда ўхшатиш ва ўхшатилмиш ўртасида хаёлга сиғдириш имконияти мавжуд мантикий алқадорлик кузатилади-ми? Жавоб эса лўнда ва ижобий. Тўғри, амалда бундай қилишни иложи йўқ. Аммо хаёлан бу икки ҳодиса ўртасида вобасталикни туйиш мумкин. Дунёда ўзинг учун азизу мукаррам бўлган кимнидир кутишдан-да оғирроқ, бир иш бўлмаса керак. Уй ичида ана ўшандай интизорлик лаҳзаларини бошидан кечираётган ошиқ остона оша йўллакка интиқ нигоҳ ташлайди. Ана шу манзарада (яъни ошиқ нигоҳининг қадалишида) фаршланган йўлакка монандлик сезилади. Тўртинчи байтда ҳам сўзларни кўллашда кўрсатилган маҳорат туфайли гўзал лавҳа ҳосил қилинган. «Бахти сафед» ва «мунаввар» ибора-ю сўзи шундай вазифани ўз ўҳдасига олган. Ийҳом, тানосуб, муболаға сингари шеърий санъатларга таянган шоир гўзал байт яратишга мусассар бўлади. Ўз маҳбубасига оппоқ баҳт тилаган ошиқ унинг юзи нури билан кулбасининг ёритилишига умид боғлайди. Фазал байтларида ҳайит мавсуми, мунаvvар кулба, висол онлари умиди билан жараёнлар изчил давом этади: ҳайит мавсумидир, дилбар ташрифи умидида кўш байрамга (ҳайит ва маъшуқанинг висоли) муносиб ҳозирлик кўрайин. Кейинги байтда тажоҳули орифинга ружуъ кучлидир. Ҳайит мавсумида шоду хуррамлиқдан ошиқнинг лаблари куриб қолган. Муғомбирлик пайига ўтиб олган ошиқ маъшуқанинг жомчани эслатувчи гунча лабидан ўша чанқоғини қондирмоқчи. Мактадан олдинги байтда Бедилнинг мисраси тазмин вазифасида келтирилади: соғарга (қадаҳга) қўйишга арзигулик бодам йўқдир. Устод Айний ундан олдин «Унинг майни эслатувчи лабларидан маст бўлай» мисрасини кўшади. Маъшуқанинг лаблари ёқут (лаъл мисол),

улар тиниқ ва қизил шаробга, ўша лаблар ёрдамида ҳосил бўлган гунчасимон оғизча эса соғарга ўхшайди. Мумтоз шеъриятда бундай ташбехларга тез-тез дуч келиш мумкин. Мактада юқорида баён қилинган манзараларга якун ясалади: ёрнинг орази гулгун, унинг сифатини эса хуш ҳидли шеърий номада баён қиласин. Газалда тахаллус қўлланмаган. Эҳтимол, шоир ғазални тўқиз байтдан иборат қилиш ниятида бўлгандир. Шеър ҳозирги ҳажми ва савиисида ҳам Бедил мисраси билан рақобат қила олади. Фикримизча, устод Садриддин Айний Абдулқодир Бедил маънавий меросининг ашаддий муҳиби эканлиги унинг бу борадаги муваффакиятини тайин қилган бмиллардан биридир.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани ҳам ўргага ташлашни истар эдик. Устод Айнийнинг ўз салафлари маънавий меросига чанқоқлик билан интилгани, улардан маҳорат сирларини ўрганишда баҳра олгани рост. Бироқ унинг шоир сифатидаги салоҳиятининг ҳамма кирраларини ҳам ана ўша таъсирга алоқадор қилиб қўйиш у қадар тўғри бўлмайди, деб уйлаймиз. Негаки, устод Айнийда юксак савки табиий мавжуд эдики, у Шарқ мумтоз адабиёти гулшанида сайр қилди, ўз дици, завқи, тафаккуру дунёқарашига мувофиқ ижод ахли ҳамда ашъсрни саралаб, мутолаа қиласи, ўшалар «панжасига панжа уришга» арзигулик гоявий-бадиий бақувват маънавий мерос яратишга мусассар бўлади.

Зеро, ана ўша умумбашарий муаммоларнинг қаламга олингани туфайли устод Садриддин Айний шеъриятининг барча замондаги авлодларга бирдай хизмат қила олиши, уларнинг камолат касб этиши йўлида безавол хисса қўшишга аскотиши айни бадиий яратмаларнинг барҳаётлиги, замонавий оҳангидан ёрқин нишонадир.

## МАШРАБ ИЖОДИ ФИТРАТ ТАЛҚИНИДА

Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат адабий тахаллусида акс иттанидек тўғма истеъодод соҳиби эди. У ўзбек ва тоҷик ҳалқлари маънавий-бадиий тафаккури тарихида кент қамровли адабий-ижтимоий фаолияти туфайли ёрқин из қолдирди. Салоҳиятли адаб Шарқ ҳалқлари адабиёти тарихи, хусусан, Бухоро адабий муҳитида узоқ анъаналарга эга бўлган зуллисонайнликка содик қолди. Моҳир қалами тухфа қилган бадиий-илмий асарларидан айримларини тоҷик ва баъзиларини эса ўзбек тилида яратди. Бундай ноёб ҳодиса профессор Фитратнинг адабиётшуносликка доир тадқиқотларида ҳам яққол кўзга ташланади. Ота тарафдан ўзбекка, она томондан

тожикка мансуб адид болалигига ёк икки тил ва икки адабиёт муҳитида тарбия кўрди. Унинг шахс ва ижодкор сифатида балоғатга етишида минг йиллик тарихи бўлган бу икки халқнинг оғзаки ҳамда ёзма адабиёти сарчашмалари таянч вазифасини ўтади. Шундан бўлса керак, улкан адид учун ўша икки тил ва адабиёт бирдай ўзиники бўлиб қолди. Унинг Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Яссавий, Абулқосим Фирдавсий, Умар Хайём, Алишер Навоий, Турди Фарғоний, Абдуқодир Бедил сингари ўнлаб маънавий арбоблар ҳаёт ва ижод йўли, умуман, форс-тожик ва ўзбек мумтоз адабиётларининг долзарб муаммолари ечимиға аталган ўттизга яқин мақолаю рисола, кўлланмаю, мажмуалари ўша садоқатнинг ширин меваларидир. Худди шундай хулосани Абдурауф Фитратнинг Боборахим Машрабга доир тадқиқоти хусусида ҳам айтиш мумкин. Абдурауф Фитратнинг бадиий ижоди сингари илмий-адабиётшунослик фаолияти ҳам кейинги йилларда тадқиқотчилар назарига тушди ва шу йўналишда талайгина ишлар эълон қилинди. Биз бу ишимизда адебнинг Машраб ҳақидаги мақоласи ва айни мавзунинг ҳозирги аҳволи ҳақида бальзи мулоҳазаларимизни баён қилиш билан чекланамиз.

Абдурауф Фитратнинг «Машраб» сарлавҳали жиддий тадқиқот йўналишидаги мақоласи «Илмий фикр» ойномасида (1930, 1-сон, 47-57- бетлар) босилиб чиқди. Мазкур тадқиқотни тегишли шарху изоҳлар билан таъминлаб, қайта нашр эттирган филология фанлари номзоди Б.Дўскораевнинг тўғри эътироф этганидек, таникли қадимшунос П.В.Вяткиннинг 1923 йил рус тилида «Ал-Искандария» тўпламида «Фарғоналиқ мистик девона Машраб» сарлавҳаси остида эълон қилинган мақоласи ўша «асарнинг юзага келишига туртки бўлган» (“Туркистон”, 1991, 29 июнь, 2-3 июль сонлари). Иккинчидан, мадраса таҳсилини олган Фитрат Боборахим Машраб маънавий мероси билан яқиндан таниш эди. «Ўзбек адабиёти намуналари»ни тузиш жараёни эса зукко шарқшуносни яна бир карра қадимий сарчашмаларга мурожаат этишга унлади. Айрим-лари эслатилган омиллар туфайли Абдурауф Фитратнинг ўзбек машрабшунослиги дебочасини бошлаб берган асари юзага келди. Тадқиқот негизида турган бош муаммони муаллиф қуидагича белгилайди: «Вяткин домулла Машрабнинг тарихий бир шахс эканига шубҳа билан қараб, унинг афсонавий эканига хукм қилмоқчи бўладир ва XVII—XVIII асрларга оид Фарғона тарафларида Машрабнинг таржимаи ҳоли нари турсин, уни эслаган бир иборатқа ҳам учрамоғонидан шикоят қиласидир» (ўша рўзнома, 29 июнь).

Дархақиқат, Бобораҳим Машраб ўзининг зиддиятларга тұла нотакрор тақдири, юқсак маънавий-маърифий, илохий-рухий олами теран ифодасини топған назокатли асарлари билан XVII асрниң иккінчи ярми, XVIII аср бошлари адабий-маданий ҳаётида ёрқин из қолдирди. Улуғ шоирнинг иккى олам саодатини тараннум қилувчи мажозий ишораларга бой ва нағис рангин мисралари давр адабий ҳаётида хуш пешвөз олинди. Машраб даҳосига мурожаат этган ҳар бир муҳиб эса ўша оҳорли мисралар мазмунини ўз мақсадлари йўлида хизмат қилишига уринди. Худди шундай турлича муносабат шоир шахсига нисбатан ҳам кузатилади. Зикри ўтган заминда бир томондан, унинг мисраларидаги илохий-маърифий оҳангни қуюқлаштириш, ўша асарлар ижодкорини ғайри табиий қиёфада тақдим этиш ҳаракати авж олди. Иккінчи тарафдан эса, маънавий комиллик синовларига дош бериб, руҳий-ботиний ишқнинг юқори мақомини эгаллаган шоирнинг соҳтакорлик, нопокликка қарши саъю ҳаракатларини холисона қадрлай олмаслик оқибатида уни девонага йўйиш майли шакллана бошланди. Ана шу тариқа бир-бирини мутлақо инкор қилувчи Машраб сиймоси вужудга келиб, даврнинг оғзаки ва ёзма манбаларига кўчди. Шоир яшаган замон авлодлардан узоклашгани сайин ўша кутбларнинг бўёғи ҳам қуюқлаша борди. Бундай манзара, айниқса, муаллифи номаълум «Шоҳ Машраб», «Девонаи Шоҳ Машраб» номлари билан кенг тарқалған китобнинг қўллэзма ва нашр нусхаларида ёрқинрок намоён бўлади. Айрим ривоят ва лавҳаларда эса Бобораҳим Машраб ҳалқнинг тўқима қаҳрамони тимсолида талқин қилинади. Ёзма ва оғзаки манбаларда яшаб келган бундай чигаллик машрабшунослик ибтидосида ҳар қандай тадқиқотчини ҳам noctor ахволга солиб қўйиши мумкин эдики, Н. С. Ликошин ва П.В.Вяткинлар ҳам унга дучор бўлдилар. Аввало, айтиш жоиз, П.В.Вяткинни чалғитган «Девонаи Шоҳ Машраб»ни проф. Фитрат ҳам таянч манба сифатида тан олмайди. Олимнинг қатъий таъқидича, «Девонаи Машраб» китобининг афсонавий бир манқабадан бошқа нарса бўлмағониға бизнинг ҳам шубҳамиз йўқдир» (ўша рўзнома, 29 июнь). Бироқ Абдурауф Фитрат «Машрабнинг ҳақиқатан тарихий бир шахс эканига ишонишдан» қайтмайди ва ана шу бош ғояни далиллаш иштиёқида иш бошлайди. Манқабаларнинг ранг-баранг нусхаларини синчковлик билан назардан ўтказган мақола муаллифи ривоятнамо маълумотларни тазкира ва тарихий асарларнинг ишончли қайдларига юзлаштиради, қиёсий таҳлил ва мантиқий мушоҳада қурдатига таянади. Фитрат асосий эътиборни Машраб билан мулокотда бўлган муалифлар,

эътимодли сарчашмалар маълумотига қаратади. Мақолада Малеҳо Самарқандийнинг «Музаккир ул-асхоб», Абдул Муталлиб Фаҳмийининг «Мажмуай-Фаҳмий», Сайд Ҳакимхон Тўранинг «Мунтахаба ут-таворих», Мирзо Олимнинг «Ансоб ус-салотин», Мажзуб Намангонийнинг «Тазкират ул-авлиё» асарларидағи қайдларига таянилган. Мазкур китоблар, бугун ҳам машрабшуносликда асосий манба ҳисобланади. Шундан бўлса керак, Фитратнинг 20-йилларда ёзилган мақоласида Машраб ҳаёт ва ижод йўлининг катор жиҳатларига доир баён этилган фи кру хуносалар ҳамон аҳамиятини йўқотган эмас. Бизнингча, «Машраб» тадқиқоти уч муҳим мавзуни атрофлича ёритишга қаратилган: Машраб шахси ва ҳаёт йўли саналарини ойдинлаштириш; Шарқда кенг тарқалган қаландарлик ҳаракати моҳияти ва Машрабнинг унга муносабатини (дастлабки босқичда, албатта) кўрсатиш; шоир маънавий мероси мундарижасини белгилашдан иборатдир. Саналганлар сирасига Бобораҳим Мулло Вали ўғли Машраб асарларининг сарчашмалари; гоявий-маънавий жилолари, бадиияти, илоҳиёт ва тасаввуфга дахли каби хилма-хил масалаларни ҳам киритиш жоиз. Гарчи кейинги туркум мавзуларни мақолада алоҳида ёритиш мақсад килиб олинмаган бўлса-да, улар эътибордан четда қолган эмас. Донишманд Фитратнинг зарофатли қаламидан томган бўлиқ қатраларда ўша соҳаларга доир лўнда ва зарурий хуносалар ифодасини топа боради.

«Машраб»да шоир таржимаи ҳолининг икки талқинини кўрамиз. Улардан бирини беришда Фитрат манқабаларнинг қайдларига таянса, иккинчиси, юкорида тилга олиб ўтганимиз тазкира ва тарихий асарлар маълумоти асосидадир. Икки йўналишнинг синчковлик билан муқоясаси негизида Машраб ҳаёти саналари (1657—1711) тавсия қилинади. Шоирнинг ватани масаласида Фитрат Андижонга майл кўрсатади. Машраб қадами етган жойлар харитасини беришда эса макола муаллифининг зарофатига тан бермай илож йўқ. Айни масалада у бағоят хушёрлик ва эҳтиёткорлик кўрсатадики, бугунга қадар ўша рўйхатга деярли янги жой номлари кўшилган эмас. Мақолада шоирнинг устоз-муршиллари, тахаллуси туғма-илоҳий истеъдоди ҳақида билдирилган мулоҳазалар ҳам катта қизиқиши уйғотади ва ҳозирга қадар илмий қимматини саклаб қелади. Фитратнинг қаландар ва қаландарликка доир мушоҳдалари ҳам алоҳида аҳамиятга молик. Гарчанд макола муаллифи ёритилажак мавзу хусусида етарли далилларга эга эмаслигини таъкидласа-да, ундан ёдгор сифатида

сақланган жумлаларнинг ўзидаёқ қаландарлик харакати хақида бугунги ўкувчидаги яхшигина таассуроғ коллира олади. Қаландарлик баҳонасида Фитратнинг муҳаққиқлик тажрибасидаги ибратли бир жиҳатни таъкидлагимиз келади. Икки аср ва гузумнинг шоҳиди бўлган мақола муаллифи қаландарлар, уларнинг хатти-харакати, кийиниши, анжомлари, тақдирига даҳлдор кўп гапларни эшитган, кўрган ва билган. Ўшаларни умумлаштириш, хатга туширишнинг ўзи бир сабоқ. Бироқ илм соҳасида тақаббурлик қилиш, ҳавойи-муаллақ фикрлашни эса мактаб кўрган олим ўзига хуш кўрмас эди. Шунинг учун унинг ҳар бир таъкиди ўз манбаидан қувват оларди. Ана ўчиандай мушоҳада услуги қаландарлик баҳсида ҳам кўзга ташланади. Фитратнинг «Ҳафт кулзум», «Баҳори ажам», «Нафоҳат ул-унс», «Мифтоҳ ул-толибун», «Рисолаи одоби тарик» каби луғат, манқаба ва рисолалар қайдлари гувоҳлигига ўртага ташланган мулоҳазалари фоят мароқлидир. Айниқса, қаландарларнинг кулоҳи, унинг тўрт қирраси, ёзувлари, ўша сўзларнинг форсий ва арабий талқинлари, качкулнинг тузилиши, вазифаси, осиб кўйилиши ҳолати, кулоҳу качкулга алоқаманд атамалар талқинларининг шу қадар илмий аниқлик билан берилиши тадқиқотчининг бехато салоҳиятидан сўзлайди. Проф. Фитрат илмда адолатли мунозара тарафдори эди. Жумладан, қаландарлик хусусида Абдураҳмон Жомий билан баҳслашади. Мақоланинг мазкур саҳифаларидағи яна бир фазилатини алоҳида таъкидлаш зарур. Фитрат қаландарликнинг мақсад-моҳиятини очишга катта аҳамият беради. Муаллифнинг таъкидига кўра қаландарлик исломий тасаввуфнинг шуълаларидан биридир. Тасаввуф ва мутасаввиғлик бобидан пишиқ билимга эга бўлган мақола соҳиби қаландарлик ҳамда маломатия тариқатларини қиёсий ўрганишга кенг ургу беради. Унинг бундай майли икки жиҳатдан фоят муҳимdir. Биринчидан, Бобораҳим Машраб шеъриятида ана ўша икки тариқатга хос аломатлар зухур этади. Иккинчидан, маломатия ва қаландарлик табииатида ҳамоҳанг ҳамда тафовутли томонлар мавжудки, уни проф. Фитратдай қилни кирк ёриши мумкин бўлгали зариф муҳаққиқгина пайкаши ва равшан кўрсата олиши мумкин эди. Мақолада шундай ихчам, бироқ теран таҳлил мужассамлигини айтиш баробарида муаллифнинг яна бир ибратли фазилатини ҳам қайд қилмок зарур кўринади. Исломий тасаввуф тариқатлари ва уларнинг муайян қаламкашлар ижодиётида ифодаси масаласи қиёсий йўсинда ўрганилмас экан, холисона ва яшовчан натижага эришиб бўлмайди. «Машраб» мақоласида олға сурилган фикрларнинг қаримаслик сиру асрори ҳам ана ўша

муқоясавий таҳлил маҳсули эканлигидадир .

Мақоланинг салмоқли қисмини Бобораҳим Машраб маънавий меросининг манбалари, ҳажми ва ғоявий-маърифий оҳангларини кенг ёритиш муаммолари ташкил қиласди. Мазкур саҳифалар улуғ шоир асарларини бағрида асрарган сарчашмалар ҳакидаги жумлалар билан бошланади. «Боқирғон» китоби, талай тўплам ва манқабалар таркибида етиб келган шеърлар Машраб девонларининг қўлёзма ва нашр нусхалари билан солиширилади. Бу борада мақола муаллифи заргарона назокат билан иш тутади. Шарқ адабиёти, икки тилдаги асарлар устида олиб борган жиддий изланишлар жараённида тўпланган тажрибаларга таянади. «Боқирғон» тўпламида Машраб тахаллуси билан жойлаштирилган шеърлар туркумининг Бобораҳим Мулло Вали ўғлига даҳлдорлиги масаласида проф. Абдураҳмон Саъдий билан мунозарага киришади ва ўз нуқтаи назарини ишончли далиллар ёрдамида асослашга эришади. Мақоланинг айни саҳифаларида Абдурауф Фитрат қўлга киритган икки улкал ютуқни алоҳида таъкидлагимиз келади. Улардан бири, Бобораҳим Машраб асарларининг ҳажмий мундарижасига даҳлдордир. Асримиз 20-йилларидаёқ проф. Фитрат зуллисонайн ижодкор Машраб маънавий меросининг ҳажм жиҳатидан миқдорини тўғри кўрсатишга муваффақ бўлди. Қувончлиси шундаки, у биринчи бўлиб «Мабдаи нур»нинг Машраб маънавий мулки эканлигини қатор рад этиш душвор бўлган далиллар ёрдамида исботлашга мусассар бўлди. «Кимё» хусусида Фитрат гарчи дадил сўзламаган бўлса-да, унинг жумлалари бағрида ишонч руҳи устувор эди. 70 йилга чўзилган баҳсу мунозараётардан кейингина машрабшунослик проф. Фитратнинг шу мавзуга доир хуносаларига тан беришга мажбур бўлди. Яна ўша мақолада «Мабдаи нур»нинг Жалолиддин Румий «Маснавий маънавий»си ҳаётбахш таъсирида яратилганлиги таъкидланадики, бу хуроса проф. Фитратнинг илмий башорати, некбин тадқиқотчи эканлигидан далолатdir. Машраб газалиётида Абдуқодир Бедил, Шавкат Бухорий, Соиб Табризий асарларида кўзга ташланадиган ғоявий-ирфоний, маънавий-бадиий жилолар хусусида мақола муаллифи томонидан ўргатага ташланган мулоҳазалар бизни бирга ижтимоий тақдирни бошдан кечирган даврдош ва маслакдош қаламкашлар адабий меросини қиёсий-типологик йўсинда ўрганишга даъват этади. Проф. Фитрат илмий тажрибасидан аёнки, адабий асарларни мафкура даъватига кўра эмас, балки бадиият қонуниятлари, давр нафосати ва тафаккури талаблари тақозосига биноан таҳлил қилиш, тегишли хуносалар чиқариш панд бермас экан.

Абдурауф Фитрат «Машраб»да айни ана ўшандай таҳлил услубига таянгани учун ҳам улуғ шоир шеъриятидаги илохий-тасаввуйий йўналишларниadolатли баҳолашга мусассар бўлди. Айниқса, тадқиқотчининг Mashrab асарларида ваҳдати вужуд хусусида олға сурилган қараашларига доир бўлиқ холосалари алоҳида эътиборга лойикдир. Тўғри, мақоланинг қатор ўринларида, жумладан, илоҳиёт ва тасаввуфга тегишли сахифаларида ҳам муаллифнинг баъзан бир ёқлама қараашлари кўзга ташланади. Гўё мақола муаллифи диний ақидаларни қуюқлаштиргани сабабли Бобораҳим Mashrabни «танқид» қилган бўлади. Унинг машрабхонлик бошида аксарият ҳолларда наша чекувчи ва қиморбозлик билан шугулланувчи шахслар тургани ҳақидаги қайди ҳам баҳсталабдир.

Проф. Фитрат ўша ёзганлари тасдиғи учун Бухорода шундай ташаббус бошида юқорида айтилганидай нуқсонлари бор Бадал каллашикан лақабли шахс турганлигини рўйкач қиласди. Эҳтимол, баъзан-баъзан шундай далиллар учрагандир, бироқ уни оммавий ходиса сифатида тақдим қилиш тўғри бўлмас, албатта. Фикримизча, мақолада назарга етувчи шу қабилдаги лавҳа ва мулоҳазалар замона-созлик учунгина мақолага сингдирилгандай туюлади. Тадқиқотчининг Mashrab шеъриятида чукур ўрнашган анал-ҳақ, ваҳдати вужуд ғоялари маънавий илдизларини янада теранроқ очиш бобидаги уринишлари ҳам ана ўшандай кўнимга келиш асосини беради.

Мақола соҳибининг адабиётлараро ва бир адабиёт ичидаги содир бўлиши мұқаррар бўлган ўзаро таъсир хусусидаги ишоралари унинг айни ходисага жiddий аҳамият берганидан сўзлайди. Абдурауф Фитрат ғоят тўғри кўрсатганидек, икки адабиёт вакили ва сҳуд бир-биридан бехабар бир адабиёт намояндлари бадиий яратмаларида кузатиладиган уйғунлик ўзаро таъсир хусусида холоса чиқариш хукуқини бермайди. Бу ўринда кўзга ташланадиган монандлик илдизларини ижтимоий ҳаёт, давр ва тузум табиатидан келиб чиқадиган омиллардан излаш маъқулроқ кўринади. Проф. Фитрат мақоласида шундай қатъий холосаси бор жумлалар учрамайди. Бирок Mashrabning бир форсий байтида бедилона фикр ва мажозий ташбеҳларни аниқ туйган мақола муаллифи куйидагиларни ёзади: «Бедил Mashrab билан замондош булиб, ундан ўн йил сўнгра Ҳиндистонда ўлғон, Mashrab Ҳиндистонга борганда Бедил билан кўришдими ё Бедилнинг шеърлари ўз тириклик вақтида Урга Осиёга келиб, мундағи шоирларга таъсир қиласлик даражада маншхур бўлғонми? Бу ҳақда қатъий бир нарса айтмоқ шу чоғда менга мумкин бўлмади» (ўша рўзнома, 2 июль). Масала равшан, икки

ижодкорнинг ўзаро таъсири ҳақида ўша адабий ҳодисанинг содир бўлишини таъмин этадиган ишончли омилларсиз тахминий хуносаларга келишдан фан манфаат кўрмайди. Ана шу маънода проф. Фитрат ўзаро таъсир муаммолари билан шуғулланувчиларга замондош ва яқин маслаҳатчидир. Олимлик ҳамма масалани билишда эмас, балки билмаганларини рўйи рост тан олиш, мардона эътироф қилиш ва маромига етмаган думбул тизмаларни кўпайтиришдан сакланишда ҳам намоён бўлади. Тадқиқотчи мақомидаги Фитратнинг ноёб фазилати буюклиги ўз фаолиятида кузатиладиган норасоликларни назокат билан тан олишда ҳам кўринади. Мақолада шарқона ёзма фикрлаш — иншо санъатининг Оврўпо шарқшунослик мактаби тажрибалари билан омихталашгани ёрқин назарга етади. Жаҳонгашта Фитрат Шарқу Ғарб мантиқий мушоҳада юритиш сабоклари, илмий фикрлаш мевасидан тадқиқотларида, жумладан, «Машраб»да ҳам зукколик билан фойдаланади. Ана шу заминда унинг ўзига хос илмий тафаккур услуги шакллана борган. Фитратона илмий услугуда бадиият ҳам, фикрий аниқлик ва кетма-кетлиги ҳам, мулоим самимият ҳам жамулжамдир. Зикри ўтган омихта услубнинг яна бир қирраси сифатида мақола охирида кслтирилган шарху изоҳларни кўрсатиш мумкинки, шунинг ўзи тадқиқотчиларнинг янги авлоди учун бир мактабга тенгdir. Мақола хотима қисмida бир ихчам тадқиқот доирасида ёритиш имкони бўлган вазифаларни ҳал қилиб берган заковатли адабиётшунос ўзи ва қасбдошлари олдида навбатдаги зарурий мавзуларни кўндаланг қилиб кўяди: «Лекин бизнинг ҳали яхши текширилмаган, тартибга кирмаган, ҳатто кераклик материаллари, маъхазлари тўпланмағон бир адабиёт тарихимиз бор» (ўша рўзнома, 3 июль). Машъум фожеий қатағонлар юз бермагандан, устоз Фитрат ифтихор қиласа арзигулик бой мумтоз адабиётимизнинг бизнинг тишимиз ботмайдиган жуда кўп чигалларини ҳал қилиб берган бўлур эди...

Мақоланинг энг охирги жумласи Бобораҳим Машраб ижодига алоқадор истак-вазифа билан интиҳо топади: «Машрабнинг ўзидан кейинги шоирларга таъсирини текшириш учун айрича ишлашга тўғри келадир» (ўша рўзнома, 3 июль). Кўринадики, улуғ аллома машрабшунослик келажагига катта умид боғлаган. Бирок бу борада адабиётшунослигимиз узоқ йиллар мавжуд ҳуносалар қобигида яшади. Бобораҳим Машраб тақдири ва мероси зўрма-зўраки баҳслар майдонига айлантирилди. «Мабдаи нур» ва «Кимё» ноҳақ равишда Машраби Сонийга олиб берилди, Машрабнинг

илохий ишқ - пок ишқни улуғловчи сатрлари замонавий исёнкорлик руҳида таҳлил ва талқин этилди. Истиқлол арафаси ва йилларида проф. Фитратнинг ўз тақдирида бўлгани каби Бобораҳим Машраб иқболи учун ҳам рўшнолик даврлари бошландуд. Янги манбалар маълумотига биноан улуғ шоир таваллуди санаси 1640 йил тарзида қатъий аниқланди. Худди шундай яқдил хулоса Бобораҳим Машраб ватани ҳақида ҳам айтилди. Оташин ишқ куйчисининг она юрти Наманганда унинг номи• билан юритилувчи муҳташам боғ барпо бўлди. «Кимё» ва «Мабдаи нур» ўзининг қонуний муаллифларига қайтарилиди. Бобораҳим Машраб шеърларининг нисбатан тугал нашри ўқувчилар кўлига тегди. “Мабдаи нур”нинг алоҳида китоб ҳолида чоп қилинганилиги машрабшуносликда инқилобий ўзгаришига баробардир. Машраб маънавий меросини янгича йўналишда, чинакам бадиий яратма сифатида ўрганиш қизғин тус олаётир. Алқисса, Сиз қўмсаб кутган истиқлол замонидаги машрабшунослик ҳам Сиз орзу килган ўзанга тушиб олди, устод Фитрат!

### ҲИММАТ ИНОЯТСИЗ БЎЛМАС...

Мумтоз бадиий адабиётда олижаноб инсоний фазилатларни улуғлаш, Яратганинг олий хильятини ўзлигага қайтариш, уни солиҳ амаллар соҳиби сифатида кўриш етакчи foявий ният ҳисобланади. Ҷундай майл, айниқса, илохий-ирфоний асарларда янада қабариқроқ назарга ташланади. Таъкид этганимиз жиҳатлар фоний жаҳонга сиғмай, маърифат оламида янги бир маъно бунёд этиб кетган Бобораҳим Машрабнинг «Мабдаи нур» асарида янада равшанроқ намоён бўлади. Жаҳонгашта шоирнинг «Мабдаи нур» ва «Кимё» асарлари узок йиллар давомида қизғин баҳсу мунозаралар майдонига айланди. Бобораҳим Машрабни шўро мағкураси зуғумларидан «муҳофаза қилиш» пайида бўлган бир гурух тадқиқотчилар забардаст шоирни ўша асарларидан «халос қилиши» йўлини маъқул кўрдилар ва зикри ўтган бадиий яратмаларни Машраби Сонийга нисбат бердилар. Бошқа тоифадаги олимлар эса «Мабдаи нур»ни Жалолиддин Румий «Маснавий маънавий»сининг таржимаси ёхуд шарҳи дейиш билан кўнгилларини овутдилар. Онда-сонда хавфсиз ўрта йўлни танлаганлар ҳам учраб қолди. Бироқ кеч бўлса-да, адолат голиб келар, илмий ҳақиқат қарор топар экан. Бунинг учун эса шахматли меҳнатни саодат билувчи фидойи муҳаққиқларнинг бўлиши зарур, албатта. «Мабдаи нур» билан ҳам ана шундай мўъжизавий ҳодиса содир бўлди. Охирги нафасига қадар бўлган азиз

умрини Бобораҳим Машраб маънавий мероси яхлитлигини таъмин этиш учун сарфлаган филология фанлари доктори, профессор Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ «Мабдаи нур»нинг ҳақиқий муаллифини аниқлашга мувваффақ бўлди. Теран фалсафий мушоҳадалар билан сугорилган ва бўлиқ илоҳий-ирфоний гоялар манбаи ҳисобланувчи нодир асарнинг ўттизга яқин кўлёзма, тошбосма нусхаларини ўта синчковлик билан кузатган, зарурият туғилганда уларни муқоясавий нуқтаи назардан ўрганган дакиқфаҳм олим қуидагича қатъий хulosага келади: «...Шунинг учун «Мабдаи нур»ни Жалолиддин Румий «Маснавий»сининг таржимаси ёки унинг шарҳи деб аташга асос йўқ. Машраб «Маснавий»ни яхши билган, эҳтимол уни ёдлаб ҳам олган, ундан таъсирланиб ва илҳом олиб, мустақил асарини яратган». Асарнинг нашри учун ёзилган бафуржга кириш мақоласида кўчирганимиз хulosaga етарли далилланган ва тўла илмий асосини топган. Тўғри, «Мабдаи нур» тоифасидаги ноёб бадиий асарлар тақдирини бир мақола ёхуд китоб доирасида ҳал этиб бериш душвор. Мухими шундаки, айни масалада нурли ва равон йўлни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, теран шарқшунос Исматуллоҳ Абдуллаев солиб берди. Келгуси тадқиқотлар эса, албатта, уни сайқаллайди ва ёдгорликнинг танқидий матни яратилади. Айни шарафли вазифа Бобораҳим Машраб ва Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳларнинг мунаvvар руҳлари олдидағи қарзидир...

«Мабдаи нур» тузилиши, илоҳий-ирфоний, фалсафий - бадиий йўналиши жиҳатидан ўзбек мумтоз адабиёти тарихида мутлақо янги ҳодиса ҳисобланади. Чунки шеърий ҳикоят, ғазал ва мустазодлар воситасида бағоят улкан ҳаётӣ — адабий, илоҳий-ирфоний масалаларни назокат ҳамда маҳорат билан тасвирлаб берувчи ўшандай бошқа бир жавоҳирот манбаи ҳозирча маълум эмас.

«Мабдаи нур» уч дафтардан таркиб топган. Унинг биринчи дафтари Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сидан олинган ва «Бисмиллоҳ-ир-раҳмон -ир-раҳим» бахшида келтирилган қуидаги байт билан очилади:

Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,  
В-аз жудоҳҳо шикоят мекунад (ўша китоб, 36 —бет).

«Мабдаи нур» ноширининг қатъий таъкидига кўра, Жалолиддин Румий «Маснавий»сидан асар таркибига тазмин санъати асосида олиб кирилган иқтибосларнинг умумий сони кирқ байтдан иборат-дир.

Алқисса, «Мабдаи нур» эллик уч ғазал, уч мустазод (бу шеърий шаклдаги асарлардан бири араб тилида бўлиб, унинг таржимаси

ҳам берилган) ва бир юз қирқ икки ҳикоятдан таркиб топади. Ҳикоятларнинг «дафтар»лардаги миқдорий нисбати бир хил эмас. Ёхуд биринчи дафтардан қирқ олти, иккинчи дафтардан олтмиш тўқиз, учинчи дафтардан йигирма етти ҳикоят ўрин олган. Шундай хилма-хилликни ҳикоятларнинг ҳажми (мисралар миқдори) ва ғоявий йўналиши хусусида ҳам айтиш жоиздир. Аксарият ҳикоятларда қаламга олинган ва бадиий ифодасини топган ғоявий ният ғазалларда (айрим шеърий ҳикоятларда эса мустазодда) давом эттирилади. Ҳар бир дафтар ибтидосида ихчам ҳамду наътлар берилади. Учинчи дафтарда ихчам анъанавий муқаддимадан кейин «Дар баёни суннатҳо» («Суннаглар баёнида») сарлавҳаси остида қирқ олти мисралик шеър келтирилади.

Таъкидлаш жоизки, «Мабдаи нур» бағрида келган шеърий ҳикоятларнинг етакчи қисми сайёр воқеаларнинг машрабона талқинларидан иборатdir. Ҳаётий, илоҳий, ирфоний қарашларни тарғиб этиш йўлида беминнат хизмат қилиб келган ўша воқеалар тизмаси (назму насрда, илоҳий- адабий асарлар таркибида) мусулмон халиклиари адабиётида асрлар оша инсоният авлодини ззгуликка даъват қилиб келган. Аммо муҳим бир жиҳатни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим: ҳар бир муаллиф анъанавий жавоҳирот дурдоналарига ўз мақсад-муддаоси тақозоси нуқтаи назаридан муносабатда бўлган ва уни ўзича «қайта ишлаган, сайқал берганди.

Фикримизни очик қолдирмаслик учун «Мабдаи нур»нинг биринчи дафтарида келган қирқ биринчи ҳикоятни олиб кўрайлик. Шеърий ҳикоятда сувга чанқоқ ит ва унга хизмат кўрсатган маърифаг олами арబблари фаолияти қаламга олинган. Мавзунинг сайёрлиги - анъанавийлиги хусусида қаноат ҳосил қилиш учун эса Алишер Навоийнинг «Хайрат ул-аброр» асарига мурожаат қилиш панд бермайди. «Хамса» муқаддимавий достонининг Исломга бағишиланган иккинчи мақолатида Муҳаммад Мустафо(с.а.в.)га иноят қилинган диннинг қадру фазилати, руқну одоблари ҳақида қагта донишмандлик ҳамда баланд эҳтирос билан бадиий мушоҳада юритган улуғ шоир ўргага ташлаган шаръий фикрларининг «тасдиғи» учун шеърий ҳикоятларга мурожаат этади. Навоийга мусулмон дунёсида доврукли маънавий арబбларидан Иброҳим Адҳам ва Робиаи Адвияларнинг фаолиятларидан олинган бир лавҳа манзур келади ва ўша тафсилотлар қирқ сатрлик мўъжазгина шеърий ҳикоятда акс эттирилади. Машхур сўфий Иброҳим Адҳам Маккаи Мукаррама тавофини ният килади ва йўлга равона бўлади:

Қолди бу йўл қатъида ўн тўрт йил,

Мадҳиға ҳар хору гияҳ чекти тил,  
Макка тавоғиға чу қилди хиром,  
Йўқ эди ўз ўрнида байтул-ҳаром.

Содир бўлган ҳодиса Иброҳим Адҳамга кучли таъсир этади  
ва унинг фифон чекишига сабаб бўлади. Шунда ғайбий бир нидо  
ёрдамида сўфий Каъбани сахрода бўлган Робиаи Адвиянинг  
истиқболига чикқанлигидан хабар топади. Ривоятга кўра, ҳаж  
тавоғиға пойи пиёда чикқан аёл қенг араб сахросида кудук бўйида  
чанқоқлиқдан охирги нафасини олаётган итга дуч келади. Бир  
талқинга кўра этигини, бошқасича кўйлагани кудукқа туширган  
Робиаи Адвия сув тортиб, итни сугоради. Ўлимдан омон қолган ит  
самога қараб увлайди ва ўзига янги ҳаёт баҳш этган аёлга Аллоҳдан  
иноят сўрайди. Юмушлари билан банд сўфий аёл орқасига ўгирилиб  
қараса, унинг истиқболида муаллак Каъбатулло турибди,

Алишер Навоий ихчам шеърий ҳикоятда биз нақл этган  
лавҳалар ҳақида сўзлайди. Бироқ поёнсиз араб сахросида Робиаи  
Адвияга дуч келган Иброҳим Адҳамга унинг тилидан қуйидагича  
жавобни беради:

Робиа деди анга: «Огоҳ бўл,  
Ким неча йил бодияда барча йўл,  
Бўлди ишинг арзи намоз айламоқ,  
Шева манга арзи ниёз айламак,  
Санга самар берди намозу риё,  
Бизга бў бар берди ниёзу фано».

Қўринадики, турли илоҳий - исломий манбалар орқали даври  
китобхонларига ошно бўлган лавҳаларнинг кенг бадиий ифодасидан  
сақланган улуғ шоир бош муддаога ўтиб қўя қолган: ўз замонасининг  
доврукли сўфийси бўлган Иброҳим Адҳам фаолиятидаги «риё»  
сўфий аёл танқидига гирифтор бўлади. Одам нарида турсин, ҳатто  
бенаво бир итга кўрсатилган марҳамат ҳам Яратган қодир эгам  
даргоҳида изсиз кетмас экан. Айни бадиий лавҳаларда шахсий  
манфаат илинжида ҳамма нарсани сотиш йўлини танлаган риёкорлар  
учун улуғ ибрат бордир...

Иброҳим Адҳам ва Робиаи Адвияга доир тафсилотларнинг  
улуг Навоий асарига кириши эса диний-адабий манбалар орқали  
садир бўлганлиги шубҳа туғдирмайди, албатта...

Алишер Навоийга қадар, XV асрда ва ундан кейин ҳам турфа  
таҳрирларга учраган юқоридаги ҳикоят «Мабдаи нур»дан ҳам ўрин  
олган. Боборахим Машраб талқинидаги воқеалар тизмасида  
китобхонга таниш етакчи икки тимсол — ит ва сув сақланган, холос.

Умумий ҳажми етмиш саккиз мисрадан иборат шеърий ҳикоятдаги бошка барча бадиий лавҳалар терағ файласуғ шоир қаламининг нурли тухфасидир. Ҳикоят куйидаги мисралар билан ибтидо топади:

Хожа Толиб Балхий эрдилар валий,

Умрида эллик ҳаж ўткурган эди.

Ногаҳон чўлида бўлди бекарор,

Бир саги кўрдики, чўлда бекарор

Ташналиқдан жони ҳам чикмоқ эди.

Дарҳақиқат, рўзи тобистон эди (ўша китоб, 110—бет).

Равшан бўлаётирки, Робиа Адвиянинг ўринини Хожа Толиб Балхий эгаллаган. У эллик маротаба ҳаж тавофини адо этган зот. Машраб қаламида анъанавий ҳаж лавҳаси анча бўрттирилган тасвирда келаётир. Араб саҳроси, ёз жазирамаси, чанқоқ ит ва унинг ҳолати Машрабгача бўлган китобхонларга яхши таниш. Бирок қудук, умуман, сувнинг ўзи анқонинг уруғи. Айни лавҳа бадиий ифода таъсирчанлигини кучайтириш, ишонтириш санъатини асослаш учун ниҳоятда зарур бўлганлиги сабабли шоир унга урғу берган:

...Мард бўлса, манга бўлса рўбарў,

Эллик ҳажга ким берур бир коса сув

Мард чиқди косаи сув берди боз,

Шайх ул саг ҳалқига қилди фароз (ўша китоб, 110-бет).

Гўё футувват соҳиби бўлган олийхиммат шайх бу ўринда Робиа Адвия қилган солиҳ амални адо этади. Бироқ унинг худонинг гилсиз ва ночор маҳлукига кўрсатган илтифоти атрофдагиларга риё бўлиб кўринади ва хуш келмайди. Бир итни деб бир коса сув учун эллик ҳаж савобини берган шайхнинг ҳаракати «хилофи шаръдур», дэя баҳо олади. Бундай сарзанишлар дунё кўрган ва қозонган обрў тътиборидан мутакаббирлик поғонасида бўлган шайхни қилча бўлсин безовта қилмайди ва у сухбатдошларига мурожаат қиласди:

Шайх деди: «Эллик ҳажим бор эди,

Магрурият дилда кўп бисёр эди.

Ман каби даргоҳида бир хасча йўқ,

Қилмишим, эй дўстлар, каргасча йўқ.

Эмди холис бораман Ҳақ олдига,

Шод тўkkай баҳри раҳматин манга» (110-бет).

Иқтибосдаги ғоя Иброҳим Адҳам мулоҳазаларини хотирга келтиради. У ўзининг тоату ибодати билан мағрур. Шайх Толиб Балхий табиатидан жой олган ғуурнинг боиси эса эллик маротаба ҳаж тавофини амалга оширганлиги ҳисобланади.

Шайх Толиб Балхийнинг итга кўрсатган илтифоти

моҳиятини тезлик билан фаҳмлай олмаган муридлар дастлаб унга ихлос пайдо қиласидилар. Бироқ шайхнинг мунофиқона рафтори ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборади. У «Қош қўяман деб, кўз чиқариш» қабилида иш тутади. Шайхнинг ҳақиқий киёфаси, айниқса, унинг даврадошларига берган жавобида янада ошкор бўлиб қолади. Феълу авторидаги ғуурурни бартараф қилиш пайида бўлган Голиб Балхийнинг зоҳирбинлиги юзага чиқади. Унинг барча уринишлари зое кетади. Тўғри, у ўзини ўлаксахўрлик билан машҳур ва узоқ умр кўрувчи каргасдан ҳам паст деб билади. Бироқ шайхнинг жавобидаги Ҳақ раҳмати ҳақидаги қайдларда риёнинг устун келиши даврадошларни иккилантириб қўяди. Ҳикоятдан танлаб олинган қўйидаги байтларда ҳақгўй ва ҳақпарат шоир Бобораҳим Машрабнинг ўша равиядаш нуктаи назари ёрқин бадиий ифодасини топган:

Дилани дерларки, бўлса нури Ҳақ,  
Кулл малоик андин олғайлар сабак...  
Қайда раҳмат санга келди бехабар,  
Охири ҳарфим қилур бир кун асар.

«Мабдаи нур»да ит ва унинг ташналаб ҳолати ўз бадиий талқинига эга. Табииатидаги мағрурликни енгдим, деган шайхнинг жавоблари холис ниятли инсонларни хайратга солади ва соликларда унга нисбатан нафрат туйғусини уйғотади. Айни масалага гўё муносабат билдирган шоир «Бас ўшал дарё лабида хушк лаб, қолдилар монанди сағдек ташналаб» тарзидаги ҳукмни ўртага ташлайди. Мунофиқлик, мағрурлик, шуҳрат изидан қувиш, шахсий манфаат, тил ва дилнинг бир-бирига мос келмаслиги илоҳиёт ҳамда ирфон оламида катта иллатдир. Каъбатуллоҳнинг шайх ул-машойихи рутбасига кўтарилигтан Шайх Санъон дилидаги ғубор унинг қисматида ўзидан хабар берганидек, поклик даргоҳидаги арзанча (Машрабнинг ўз избораси) риё ҳам изсиз кетмайди...

«Мабдаи нур»да бевосита Шарқ машойихларининг ҳаёти, рафтору гуфторлари, қароматлари билан боғлиқ ҳикоятлар ўттиздан зиёд. Диққатга молик томони шундаки, Бобораҳим Машраб китобда машриқзаминда шуҳрат қозониб, улар ҳақидаги ҳикояту ривоятлар асрдан - асрга, китоблардан китобга ўтиб юрган Боязид Бистомий, Ҳусайн Нурий, Суфёи Саврий, Зуннун Мисрий, Мансури Ҳаллож, Сахл Тустарий, Абдулло Мағрибий, Довуд Тойи, Маҳдуми Аъзам Косоний, Жунайд Бағдодий, Фахриддин Розий сингари алломалар ҳақидаги ранг-баранг ҳикоятлар билан бир қаторда кенг илм-адаб ахлига кам маълум бўлган Шайх Нуриддин, Махмуди Сарахсий,

Исмоил Шомий, Хожа Акмал, Хожа Абдуали Нишопурий, Юнус Нишопурий, Хожа Илёс Самарқандий сингари тасаввуф арబблари хаёти ва фаолияти билан боғлиқ ҳикоятларни ҳам келтирган. Юқорида таъкидлаганимиздек, Машраб анъанавий мавзу ва мазмунларни назм риштасига тортар экан, уларни мутлақо ижодий қайта яратади, ўзининг Ҳақ ишки, маърифат, адолат, инсонпарварлик, ҳалоллик ва поклик, барча жонзотга бирдай ҳалим бўлиш, танлаган йўлда фидоий, событиядам бўлмоқ каби ғояларни тараннум этишга бўйсундиради. Бундан ташқари шоир ҳикоятларда ирфоний ғояларни нафис ва латиф бир тарзда ифодалаш билан бирга, худбинлик, тақаббур, норавобинлик, амалу мулкка ҳирс қўйиш, таъмагарлик, мунофиқлик, риёкорлик, фиску фужур, илмига амал қиласлик, тақво ва риёзатда иккюзламачилик, амалда нособитлик сингари гайриинсоний хислатларни қоралайди; судхўрлик, товламачилик, гирромлик, зулм- зўрликни рўй-рост танқид қиласди:

Номимиздан дур олур аршу малак,  
Фискимиздан жирканур кўху фалак.  
Водариго, юртда сохибдард йўқ,  
Юртни зулмат тутубдур, мард йўқ.

Хулоса шуки, «Мабдаи нур» бағрида келган ҳар бир ҳикоят мукаммал қиёсий таҳлилдан ўтказилмоғи, айниқса, «Маснавий маънавий» аслияти билан чоғиширма йўсинда ўрганилмоғи лозим. Ўшандагина Бобораҳим Машраб қаламининг сехри, улуғ шоир тафаккури ва маҳорати қирралари ҳақида дадил мулоҳазаларни айтиш имконияти туғилади.

#### Адабиётлар:

1.Бобораҳим Машраб. Мабдаи нур. Т.: «Фан» 1994.

2.Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 7—том. Т.: «Фан», 1991.

### ФИТРАТ ВА ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ

Проф. Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат таҳаллусида ифодасини топганидек нодир истеъдод сохиби эди. Шариф шахримизга Аллоҳ томонидан иноят қилинган кўплаб ноёб салоҳият сохиблари сафида Фитратнинг борлиги ҳам қувончли ҳодиса ҳисобланади. Бу ноёб қобилият эгаси нафақат шоир, адаб, драматург, балки Шарқ мумтоз адабиёти, ислом дини тарихи, классик мусиқа

билимдони, Бухоро тақдирин қадими саҳифаларининг донишманди, адабиёт назариётчиси мақомида ҳам ўзидан бой маънавий мерос ёдгор қолдирди...

Таъкидлаш жоиз, проф. Фитрат қомусийлик даъвоси билан майдонга чиқиб ўша соҳаларга кўл урган эмас. Аксинча, ундаги тұғма истеъдод ва билимдонлик жунбушга келган ва улуғ аллома XX аср биринчи чорагидаги даврнинг долзарб талабларига пешвоз чиққан, миллат маънавий ташналигини қондиришдек катта масъулиятни хис этгани ҳолда қалам ушлаган. Мұхими, проф. Фитрат илк тадқиқий қадамларини күхна бадий сўз санъатимизнинг қадими қатламларидан бошлиди. Унинг “Муқаддимат ул - адаб”, Юсуф Ҳожибининг “Кутадғу билиг”, Аҳмад Юғнайининг “Ҳибат ул-хақойик” асарларига доир мазмунли мақолалари араб алифбосига асосланган эски ўзбек ёзувишдаги таянч манбалар заминида вужудга келганлиги туфайли бугун ҳам илмий қимматини йўқотган эмас. Ана шундай жиддий хulosаларни бу кўп киррали истеъдод соҳибининг Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Султон Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Солих, Турди Фарогий, Бобораҳим Машраб, Амир Умархонга доир яратилган илмий кузатишлари хусусида ҳам айтиш жоиздир. Биринчидан, айни тадқиқотларда нодир манбалар асосида мулоҳаза юритган улуғ олим у ёки бу қаламкаш шахсияти, ижод йўли ва асарлари ҳакида ишончли хulosаларни ўртага ташлашга эришади. Иккинчидан, ўзбек мумтоз адабиётини ислом минтақа сўз санъати ёхуд жаҳон адабиёти қиёсида муқоясавий-типологик йўналишда тадқиқ этишини кун тартибига қўяди. Проф. Абдурауф Фитрат ўша даврдаёқ бугун адабиётшунослик илмимиз кун тартибига қўяётган ғоят мұхим муаммолар ечимини замонавий илмий тамойиллар асосида кўрсатиб берган эди. Жумладан, унинг Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонига доир теран мазмунли мақоласи айтилганлар нуқтаи назаридан эътиборга лойикдир...

Проф. Абдурауф Фитратнинг биз қаламгә олган йўналишдаги тадқиқотчилик фаолияти кенг қамровли ва алоҳида илмий изланишларга мавзу беришини назарда тутиб, бу ўринда биз унинг “Адабиёт қоидалари” кўлланмаси мисолида алломанинг ўзбек мумтоз адабиётига тегишли мушоҳадаларига доир айрим қайдларимизни баён этиш билан чекланамиз.

“Адабиёт қоидалари”ни ёзишга киришган пайтларда Абдурауф Фитрат “Ўзбек адабиёти намуналари” тўпламини (хрестоматиясини) тартиб беришдек масъулиятли вазифа олдида турган эди.

Шундан бўлса керак, у ишни туркий халқларнинг энг қадимги ёзма ёдгорликларини ўрганишдан бошлаган ва шу жараёнда тўпланган ўша бой адабий маълумотлар олимнинг дунёга юз очиши лозим бўлган қўлланмасига аскотган. Адабиёт муаллимлари ҳамда бадиий сўз санъати ихлосмандларига мўлжалланган назарий китобни қўлга олган талабчан ўкувчилар ўзбек мумтоз адабиётидан ҳам яхшигина маълумотга эга бўла олади. Санъат, унинг турлари, бадиий адабиётнинг хос хусусиятлари ҳақида кенг мушоҳада юритган проф. Абдурауф Фитрат шеърга дахлдор назарий қарашларини ўртага кўяр экан, чинакам назмни вужудга келтирувчи таянч омиллар хусусида кенг фикр юритади. Қўлланма муаллифининг қатъий таъкидига кўра, вазн ва қофияга эга бўлган ҳар қандай тизмаларни шеър аташ тўғри эмас. Ёхуд ана ўша икки унсур ёнида бўлик ғоя, оҳанг, бадиий тасвирий воситалар, ҳар бир қаламкашнинг ўзига хос ифода услуби каби белгилар саф тортгандагина тўлаконли ва умрбоқий шеър вужудга келади. Муаллиф айни нуқтаи назарини ўкувчига ишонтирали даражада кўрсатиш учун Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин” асаридан қўйидаги парчани келтиради:

Ёзилди форси тил бирла мактуб,  
Ақида ту фуруғу қурби маҳбуб,  
Ониким қўрдилар туркий ёронлар,  
Дедилар гар дуо қиласа эранлар,  
Битилса турки тил бирла ақида,  
Кўнгуллар бўлса ондин орамида (ўша китоб, 22-бет).

Дарҳақиқат, проф. Фитратнинг танлаган мисоли жуда ўринли. Чунки юқоридаги парчада вазн ва қофия (гарчи тўқ бўлмасада) бор, аммо ўкувчи дикқатини тортиб, унга жозиба баҳш этувчи унсурлар етишмайди. Тўғри, қўлланма муаллифи “Сабот ул-ожизин”нинг барча сатрларини бирдай баҳолаётгани йўқ. Бироқ мазкур асарда маромига етмаган ўшандай парчаларнинг етакчилик қилиши айни ҳақиқатdir. Мадомики шундай экан, истиклол мағкураси берган имкониятни сустеъмол қилмаслигимиз ва Сўфи Оллоёр маънавий меросини баҳолаганда проф. Абдурауф Фитратнингadolatli мулоҳазалари билан ҳисоблашмогимиз даркор. Акс ҳолда ҳақиқатга хилоф иш тутган бўламиз...

“Адабиёт қоидалари”нинг каттагина қисмини ижодкор услуби билан алокадор фикрлар ташкил этади. Таъкидлаш жоизки, муаллиф ўз қўлланмасининг айни сахифаларида ҳам донишмандона йўл тутади ва баён қилинган назарий қарашларини далиллашда мумтоз адабиётдан олинган мисолларга кенг мурожаат этади. Унинг

Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Захириддин Мұхаммад Бобур ҳамда Амир Умархен ва Фазлий Наманғонийлар услуби ўртасидаги ўзига хослик, ижтимоий-сиёсий, адабий-маънавий мұхит билан изоҳланадиган тафовутларнинг ёрқин кузатилиши хусусидаги қарашлари жиддий баҳс уйғотмайды. Шунингдек, мусулмон мінтақа адабиётида кенг қулоч ёйған сайёр мавзулар, хусусан, Лайли ҳамда Мажнунлар номи билан бөглиқ воқеалар тизмасига доир проф. Фитрат ўртага күйған мұлоҳазалар бугун учун ҳам ахамиятлидір. Чиндан-да, тилга олинган жонсұз мұхаббат ва у уйғотған рухий изтиробларнинг бадиий талқиніга доир жуда күплаб достонлар яратылған.

Мұмтоз адабиёт мутахассисларининг ишончли маълумотига биноан араб, форс ва туркий тилларда асрлар давомида Лайлию Мажнунларнинг севги саргузаشتига алоқадор бир юз олтмишдан зиёд бир-биридан тақрори бўлмаган достонлар рўшнолик кўрган. Мұхими, ўша асарларнинг деярли ҳаммасида бош қаҳрамонлар, фожеий лавҳа ҳамда воқеалар тизмаси бирдай сақланади. Аммо ҳар бир муаллифнинг гоявий нияти, ифода услуби ўша асарларга ижодий рух баҳш этган. Кўлланма муаллифининг бундай бўлиқ ва бизга замондош бўлган мұлоҳазалари Алишер Навоий, Бобур Мирзо ғазаллари таҳлили жараённида ҳам ўртага ташланган. Рисоланинг аруз вазни ва унинг баҳрлари тадқиқига аталган сахифаларида мұмтоз ижодкорлар асарларига мурожаат янада кучлироқ кўзга ташланади. Мұхими, Абдурауф Фитрат ўз жумлалари мағз-мағзига аруз янги давр рухини ифодалашда ожизлик қиласы қабилидаги ғайри илмий қарашларга ғоят назокат билан зарба берган.

Муаллиф китобнинг “Аруз усули”, “Баҳри комилдан бир вазн”, “Форс-араб арузида тизим шакллари” каби бобларида ҳам мұмтоз адабиётнинг ғазал, қасида, китъа, маснавий, рубоий, мустазод, мусаммат каби шеърий жанру шакллари хусусида пишиккина илмий мұлоҳазаларини баён этар экан, уларнинг ҳар бирига тегишли алоҳида-алоҳида мисоллар танлайди ва ўша парчаларни чукур гоявий-бадиий таҳлил қиласы.

Айтиш жоиз қўлланма муаллифининг бундай назарий қарашларини ҳамиша ҳам муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Жумладан, у ғазал ҳақида мушоҳада юритиб ёзади: “Биринчи байтнинг ҳар икки мисрасида, ондин кейин ҳар байтнинг охирида қофия бир турли бўлган тизмадир. 12 байтдан ортуқ бўлмаса ғазал бўлади” (ўша китоб. 50-бет).

Кўринадики, проф. Фитратнинг ғазалнинг қофия тизими

ҳақидаги фикрлари түгри. Бироқ унинг ғазал ҳажмига доир қарашлари мунозаралидир. Чунки мумтоз илмий манбалар Шарқда ғазалнинг 23 байтгача бўлишини таъкидлашади. Қўлланма муаллифининг қасида ҳажмига доир қайдлари ҳам баҳс уйғотади...

“Адабиёт қоидалари”да кузатиладиган бундай майда-чуйда норасоликлар ўз вактида жуда ҳозиржавоблик ҳамда донишмандлик билан бунёд этилган назарий қўлланманинг илмий қимматини қилча бўлсин, пасайтира олмайди. Унда мумтоз адабиётга доир назокат билан баён қилинган фикрлар ўз муаллифининг катта илмий башорати ва некбинлигидан дарак беради. Шундай экан, проф. Фитрат ўз илмий– назарий қарашлари ҳамда ўзбек мумтоз адабиётига юксак муҳаббати билан бизга замондошdir ва у мангалик дунёсида яшашда давом этади.

## XVI АСРДАН КЕЙИНГИ ДАВР ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИ ФИТРАТ НИГОҲИДА

Проф. Абдурауф Фитратнинг “XVI асрдан сўнгра ўзбек адабиётига умумий бир қараш” мақоласи 1928 йилда яратилиб, 1929 йилда “Аланга” журналида чоп этилган (Қаранг: Абдурауф Фитрат Танланган асарлар. II жилд. Тошкент. “Маънавият” – 2000, 187-бет). “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасининг биринчи жилдини нашр эттирган (Тошкент-Самарқанд-1928) муаллиф юқорида қайд этилган мақолани ёзган. Проф. Фитрат илмий мақолаларини нашрга тайёрлаган филология фанлари доктори Ҳамидулла Болтабоевнинг тахминича, мазкур иш “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуаси иккинчи жилді учун кириш мақоласи сифатида ёзилган бўлиши керак (ўша китоб, ўша бет). Бироқ улкан адабнинг бошига туша бошлаган оиласвий ҳамда ижтимоий-сиёсий можаролар унинг мўътадил ижодий вазиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмаган ва адабнинг анчагина режалари амалга ошмай, барбод бўлган. Жумладан, юқорида эслатилган мажмуанинг иккинчи жилди ҳам рўшнолик кўрмай қолади. Содир бўлган бундай нокулай ижодий шароитдан қатъи назар, проф. Абдурауф Фитрат саргайган саҳифалар билан сирлашиб, улар бағридан маънавий жавохирот излашда давом этган ҳамда Шарқ мумтоз адабиётига доир катор салмоқдор ва вазнили илмий мақолалар яратиб қолдирди. Тахлил учун танлаган мақоламиз ҳам ўшалардан биридир. Мазкур ишда унинг сарлавҳасида ифода топганидек, XVII аср ибтиносидан жадидчилик ҳаракати бошланганга қадар давр адабиёти хусусида муаллифининг

“умумий қарашлари” акс эттирилади. Яна аникрок айтадиган бўлсак, XVII-XIX асрнинг 70-йилларига қадар яратилган бадиий сўз санъатимиз саҳифалари назардан кечирилади. Ҳажман у қадар катта бўлмаган мақолада ишончли адабий маълумотлар заминида туғилган бағоят бўлиқ адабий-илмий фикрлар ўргага ташланади. Муҳими, мақола муаллифи ҳар бир адабий асар ва ҳодисани сиёсий-тарихий, ижтимоий-иктисодий омиллар билан чамбарчас алоқадорликда қарайди, муносабат билдиради. Унинг “Савдо сармоясининг синиши” яъни темурийлар салтанатининг инкирози ва ўзбек Шайбонийхоннинг ғалабаси тафсилотларига кенг тўхталиши замирида ҳам ана ўша таянч ғоя ётади. Чиндан-да, жасур ва довюрак темурийзода Бобур Мирзонинг Самарқандда Шайбонийхон билан олиб борган шиддатли майдон жангни темурийлар сулоласи инқирозини ошкора қилиб кўйди. Шундан кейин Бобур Мирзо ва бошқа темурийзодаларга Мовароуннахру Ҳурросонда омад кулиб боқмади. Худди шундай гапни Ҳиротда Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийлар раҳнамолигида ибратли адабий – илмий мухитни вужудга келтирган Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатининг охирги йиллари ҳакида ҳам айтиш жоиздир. Проф. Фитрат ӯринли эътироф этганидек, темурийлар салтанати замонида илм-фан, санъат ва адабиёт ҳамда ободончилик бобида чинакам уйғониш даври амал қилди.

Табиийки, икки бир-бирига ашаддий ғаним бўлган сулолалар ўртасидаги кескин қурашлар ўша таракқиёт чўғини маълум маънода сўндириган бўлса-да, олтин давр манзараларини мутлақо йўқотиб юбора олмади. XVI асрнинг охири ва XVII юз йиллик бошларида авж пардада бўлган тарихнавислик, тазкирачилик, бадиий ижод майдонидаги изланишлар давом этди. Мирхонд, Муҳаммад Исфизорий ва Абдураззок Самарқандийлар “Равзат ус - сафо” (етти дафтар), “Равзат ул жаннот фи мадинатул-Ҳирот”, “Матлаъ ус -саъдайн ва мажмама ус-баҳрайн” каби шоҳ асарлари билан тарихнависликни ҳадди аълосига етказган бўлсалар, кейинчалик ўша нодир анъанани Ғиёсиддин Ҳондамир ҳамда унинг издошу замондошлари ривожлантириди. Давлатшоҳ Самарқандий, Алишер Навоийларнинг тазкиранавислик бобидаги йўллари ҳам тўхтаб қолган эмас. Уни XVII асрда Ҳасанхожа Нисорий, Сом Мирзо Сафавий, Шамсуддин Сомий, Ризокулихон Ҳидоятлар ижодий давом эттиридилар.

Проф. Абдурауф Фитратга маълум бўлмаган (ёки у эътироф этмаган) яна бир ҳодиса ҳам XVI юз йилликдан кейинги давр адабий

ҳаётида амал қилдики, унинг самараси Мовароуннахр, Хурросон, Эрону Афғонистон худудларида кечган бадиий сўз санъати тараққиёти манзаралари ҳакида ёрқин маълумотлар беради. Шу ўринда яна таъкидлаш жоиз, проф. Абдурауф Фитрат мазкур маколасида факат туркий тилдаги адабиёт равнаки масалалари билан қизиққани учун ҳам ўша ҳодиса - Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” асарининг жуда бир қиска муддат ичидаги тўрт марта форсийга таржима қилингандигини эътиборга олмаган бўлиши мумкин. Бирок гап бадиий сўз санътининг истиқболи ҳакида борар экан, фақатгина Бобур Мирзо, Муҳаммад Солих, Мажлисий, Пашшо Хожа, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Убайдуллоҳхон (Қул Убайдий)лар ижодиёти билан чекланиш, зуллисонайн ёхуд форсийгўй ижодкорларни четлаб ўтиш у қадар тўғри бўлмаса керак. Негаки, юқорида номлари тилган олинган қалам ахлиниңг аксарияти ҳам икки (форс ва турк) тилда дилбар асарлар яратиб қолдиришган. Иккинчидан, XVII асрдан бошлаб форс – тожик адабиёти намуналарини ўзбекчага ўгириш билан бир каторда туркийда дунёга келган сара бадиий-илмий яратмаларни форсийга таржима қилиш ҳам куттуғ анъана тусини ола бошлади. Жумладан, Алишер Навоийнинг кичик замондоши бўлган ва “Мажолис ун-нафоис”да самимият билан тилга олинган Фахрий Ҳиротий биринчилардан бўлиб, улуғ ўзбек шоири тазкирасини “Латофатнома” сарлавҳаси остида форс китобхонларига тақдим этди.

Эътиборли жиҳати шундаки, Фахрий Ҳиротий ўз таржима-тазкирасида юзлаб янги номлар ва улар асарларидан маълумотларни жойлаштириди. Шунингдек, Алишер Навоий томонидан “Мажолис”да ёш қаламкашлар сифатида қайд этилган ўнлаб шоирларнинг улуғ ўзбек шоиридан кейинги ижодий тақдирни хусусида қизикарли илмий-бадиий маълумотлар тўплаб асарида жойлаштириди. Яна Алишер Навоий учун “Латофатнома”да алоҳида сахифалар очиб, ўзи йигишга ултурган тоза адабий далиллардан китобхонларни баҳраманд этди. Ана шундай ижобий хulosаларни Муҳаммад Ҳакимшоҳ Қазванийнинг қаламига мансуб таржима ҳакида ҳам айтиш жоизdir (булар ҳакида муфассал маълумот учун мурожаат қилинсин: Р.Воҳидов. “Мажолис ун-нафоис”нинг форсий таржималари. Тошкент, “Фан” нашриёти, -1984).

Проф. Фитратнинг Муҳаммад Солихнинг ижтимоий –адабий, сиёсий-маънавий йўлига доир қизикарли хulosалари ҳам аҳамиятлидир. Кейинчалик мазкур шоир ҳакида маҳсус мақола ёзган синчков муаллиф Муҳаммад Солих замондош ва издошлиарининг тарихий-бадиий асарларидаги анчагина ноёб маълумотларни тўплаб,

уларни илмий умумлаштириш борасида алоҳида ибрат кўрсатади. Тўғри, XX аср 70-йилларида мухаммад Солихга доир ёзилган жиддий ишларда проф. Фитратнинг муборак номи тилга олинмаган бўлса-да, унинг теран илмий заминга эга фикрлари ўша ишларда бўртиб кўриниб туради.

Проф. Фитратнинг Пошшо Хожа-Хожа тахаллуси билан машхур адаб борасидаги қайдлари ҳам мароқлиди. Муаллиф мақолаларидан бирида “Мифтоҳ ул-адл” ҳикоялар тўплами ҳақида гапириб, унинг муаллифи номаълум эканлигини таъкидлайди. Хожанинг “Гулзор” и хусусида тўхталиб эса асарнинг Шайх Саъдий “Гулистон” и таврида ижод этилганлигини ўринли эътироф этади. Мағкура зуғумлари жунбушга келмаганида бу алломай даврон “Мифтоҳ ул-адл” ҳамда “Гулзор”нинг бир қалам маҳсули сифатида дунёга келганлигига доир пишиқ илмий холосаларини етарли асослаб берган бўлур эди...

Проф. Абдурауф Фитратдан кейин ўтган 80 йилга яқин муддат ичида адабиётшунослиқда XVII-XIX асрлар адабиётига даҳлдор жуда кўплаб илмий, илмий-оммабоп ишлар ёзилиб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди. Шайх Аҳмад Тарозий “Фунун ул-балога” асарининг кашф этилиши туфайли илмий ҳаётга бир қатор янги ижодий номлар маълум бўлди. 1436-1437 йилларда Улуғбек Мирзо ҳузурида битилган ва нафосат илмига доир қимматли бу асарда ўнлаб туркигўй ва форсийнавис ҳамда зуллисонайн қаламкашларнинг адабий тахаллуслари тилга олинади.

Ана ўша салоҳияти баланд ижодкор аждодларимиз тақдирига ойдинлик киритиш, улар қолдирган маънавий дурдоналарни бугунги талабчан китобхонга ётказиш проф. Абдурауф Фитрат мунаввар руҳи олдидаги муқаддас бурчдир...

Таҳлил этилаётган мақолада қаламга олинган муҳим мавзулардан яна бири Ўрта Осиёning ҳудудий жиҳатдан парчаланишидир. Кон-қонига Миллат, Ватан ва унинг Мустақиллиги туйғулари қоришиб кетган проф. Абдурауф Фитрат ўзаро низо ҳамда жангу жадаллар оқибатида вужудга келган уч хонлиқдаги ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий ҳаёт манзараларини ички бир дард, оғир бир қўйиниш билан қаламга олади. Дарҳақиқат, улуғ адаб бу масалада тўла ҳақ. Чунки ана ўша бўдиниш ҳамда шаклланган уч хонлик, улар ўртасида давом этган узлуксиз жанглар Ўрта Осиё ҳалқи бўйнига қуллик кишсанларини солди.

Мақола муаллифининг салкам уч асрга чўзилган давр адабий ҳаётига тегишли барҳаёт қарашлари ҳам ҳамон ўз қимматини

йўқотганича йўк.

Проф. Абдурауф Фитрат фикрича, зикри ўтган давр адабиётининг алоҳида ажralиб кўзга ташланадиган фазилатларидан бири “саройнинг муҳташам такаллуфли, безакли услубини ташлаб, омма услубига яқинлашувида” кўринади (ўша китоб, 58-бет). Муаллиф муроҳазаларини давом этар экан, унга салкам икки асрга чўзилган Бухоро адабий ҳаётда “санъат тубан тушган давр” сифатида намоён бўлади. Адабнинг мазкур қараашларига тўла кўшилиш қийин, албатта. Мақолада Фарғона водийсида бадиий сўз санъатида бир мунча пасайиш юз бергани, бирор Амир Умархон салтанати замонида “адабиёт янгитдан бош кўтаргани” (ўша китоб, 59-бет) таъкидланади. Муроҳазаларини давом эттирган мақола муаллифида Умархон саройи атрофида тўплангандай адабий муҳит вакиллари умрининг “кўбрак қисми бир-бирларига ўхшатма шеърлар ёзишда ўтган” дай (ўша китоб, ўша бет) кўринади. Зикри ўтган жумла давомида яна ўқиймиз: “...Фарғонада ўсган адабий ҳаёт Хоразмдаги каби файзли ва кенг бўлмади”. Албатта, проф. Фитратнинг мазкур мақоласи ёзилган йилларда Ўрта Осиё, унда шаклланган уч хонлик худудидаги адабий ҳаётни кенг тадқиқ этиш бошланмаган эди. Табиийки, бундай вазиятда ҳар қандай тажрибали муҳаққиқ ҳам хатоларга йўл кўйиши мумкин. XX асрнинг 60-йилларида “Кўкон адабий муҳити” китобини нашр эттирган (Тошкент, “Фан” - 1962) академик А.П.Қаюмов XVII-XIX асрларда водийда гавжум ҳамда юксак санъаткорлик маҳсули сифатида вужудга келган бадиий сўз санъати намуналари яратилганлигини инкор қилиш қийин бўлган мисоллар ёрдамида кўрсатишга эриши...

Проф. Фитратнинг Хоразм адабий ҳаётига, хусусан, унда равнақ топган таржимачилик ва тарихнависликка алоқадор ўртага ташланган пишиқ хулосалари кейинги йилларда яратилган илмий изланишлар мисолида тўла тасдифини топди.

Мақолада, негадир, проф. Фитрат Бухоро аморати худудида шаклланган адабий муҳит хусусида хомуш қолади. Фикримизча, Бухорода бадиий адабиётнинг кўпроқ форс тилида ёхуд ўзлисонайнлик анъанаси заминида ривожланганлиги мақола муаллифининг сукутига сабаб бўлгандир...

Хулоса шуки, аллома Фитрат орзу қилган Истиқлол ўн олти ёшга қадам қўйди. Мустақиллик мағкураси берган шарт- шароитга мувофиқ ишлаш, мумтоз адабиётимизнинг етарли тадқиқ қилинмаган саҳифаларига аниклик киритиш Истиқлол курбонлари,

жумладан, проф. Фитратнинг ушалмаган ниятларини рўёбга чиқариш бобида жиддий ҳисса бўлиб қўшилиши шак-шубҳасиздир.

## ДАХО ШОИРГА ТАЪЗИМ

Ҳар бир халқнинг бадиий салоҳиятини юксакка кўтарувчи, уни жаҳоний кенгликларга олиб чикувчи даҳо сўз санъаткорлари бўлади. Махтумқули Фироғий туркман диёри учун ана ўша мақомда турувчи нодир истеъдод соҳибларидан биридир. У Залилий, Сайдий, Камина, Муллонафас, Нурмуҳаммад Андалиб каби ўткир сўз устодларини вояга етказган саховатли ва бепоён туркман заминида нашъу намо топди. Фироғий дунёга кўз очган хонадон туркман элининг маърфатпарвар даргоҳларидан бири эди. Оила сардори Давлатмамед Озодий (1700-1760) замонасининг зоҳирий ҳамда ботиний илмларидан пишиқ хабардор, Хива мадрасаларида таҳсил олган ва кейинчалик ўша билим ўчоғида сабок берган заковатли шахс эди. Озодий нафақат илоҳий-ирфоний олим, балки нозик таъб шоир сифатида шуҳрат қозонгган. Шарқ бадиий сўз санъати мактабида таълим олган, туркман халқ бадиий каломи хазинаси дурданалари таъсирида етук ижодкор мақомида шаклланган Давлатмамед «Озодий» тахаллуси билан қасида, ғазал, рубоий, қитъалар яратди. Ўз она халқи орзу-истаклари, дарду армони, улкан адабий-маънавий завқини нозик шоирона маҳорат билан бадиий ифода этувчи олти минг мисрадан таркиб топган «Ваъзи Озодий» асари билан (1753-1754 йилларда ёзилган) она халқи адабиёти тарихида ахлоқий- маърифий, ижтимоий-фалсафий йўналишдаги достончилик равнақига муносиб ҳисса кўшди. Махтумқули ана ўшандай адабиётсевар ва маънавият машъалини баланд тутган хонадонда 1733 йилда дунёга келди (вафоти 1793; айрим манбаларга кўра 1797). Бўлажак улуғ шоир оламга юз очган давр туркман эли учун улкан бурилишлар, миллий, бадиий тафакқурининг қайнок уйғонишлари палласи эди. Худо берган ноёб илмий-адабий салоҳият, зарофатли оила таълиму тарбияси, юрг бағрида жунбушга келган улуғвор уйғониш-залворли ўзгаришлар Махтумқулини тўла маънода балогатга етказди. Шунингдек, Хива, Бухоро, Андижон мадрасаларидағи таҳсил, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндустон бўйлаб қилинган саёҳатлар унинг дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатди. Замонасининг улуғ шахсу мутафаккиру нотакрор маърифий-илоҳий арбоби босқичига кўтарди. Кейинчалик Фироғийнинг ўзи қатор мазмунли шеърларида ўзининг маънавий

камолотида ҳал қилувчи аҳамият касб этган сарчашмалар ҳақида турили ишораларда маълумот берган эди, Жумладан, «Боди сабони кўрсам» шеърида «Баҳовиддин, Миркулол, Занги бобони кўрсам», - дея эътироф килган бўлса; бошқа бир қатор бадиий яратмаларида Аҳмад Яссавий, Фирдавсий, Умар Хайём, Шайх Хоқоний, Шайх Саъдий, Хожа Ҳофиз, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур сингари етук даҳоларнинг номларини самимий эҳтиром ила тилга олади. Албатта, бундай эътироф билан мен Махтумқули Фирогий даҳосини ўша бадиий сўз санъаткорига тўла маънода боғлаб қўйиш фикридан мутлақо йироқман. Чунки бўлажак шоирнинг қонида илму ижод туйғуси жўш урмаганда эди, адабий туртқиу таъсирлар билан у бугунги юксаклик шоҳсупасида ўтирасди. Такроран таъкид этаман, Фирогий даҳосининг таянч омили Аллоҳнинг унга кўрсатган инояти, берган истеъоди ва туркманлар диёрида минг йиллар давомида куйланиб, сайқал топган ҳалқ оғзаки бадиий ижоди, ёзма адабиётининг бой анъаналарири, Ташки таъсирлар эса самара бераётган дарахт ҳосилининг етилиши, бўлиқлик касб қилишида ҳисса бўлиб кўшилди...

Вояга етган даврининг забардаст қобилият соҳиби мақомида фаолият кўрсатган Махтумкули Фирогий ўзидан йигирма минг мисра (20000)дан зиёдроқ маънавий мерос бокий қолдирди. Мухими, у ана шу барҳаёт шеърлар бағрида она ҳалқи лабида турган, айтилишини давр тақозо этган дардларни, теран фалсафий мушоҳадаларни бадиий умумлаштиришга, ўлмас умумбашарий ғояларини сатрлари мағз-мағзига сингдиришга мұяссар бўлди. Масаланинг ана ўша жиҳати Махтумкулини, у билан эгизак равища туркман деган зариф ҳалқнинг ҳам номини дунёга танитди.

Махтумқули шеърлари мутолааси, энг аввало, уни илоҳий-ирфоний арбоб мақомида шарҳлаш ҳуқуқини беради. Унинг Бухоро мадрасаларида таҳсили, Баҳоуддин Нақшбанд, Мир Сайд Кулол, Абдухолик Ғиждувоний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Хожа Ализон Ромитаний, Хожа Ориф Моҳитобонлар оромгоҳларини тавоғ этиши, юксак сидку садоқат аллома шоир адабий фаолияти учун изсиз кетмади, албатта. Шундан бўлса керак, Фирогий шеърларида марказий ўринда ишқ-муҳаббат мавзуи талқини туради:

Ишқнинг ўти авж олади, ёнади,  
Ҳеч сўнмайди, ёрим, севсам қанчалар.  
Қайта бошдан дард кучига минади,  
Ҳеч кетмас, эшикдан қувсам қанчалар

(Махтумкули. Сайланма. Янги таржималар. “Ўзбекистон –“Ёзувчи”

нашриётлари. Тошкент-1995, 21-бет. Бундан кейинги парчалар ҳам шу китобдан олинади, шунинг учун тегишли саҳифаларни кўрсатиш билан чекланамиз). Аллоҳга етиш ва тасаввух нуқтаи назаридан тавҳид (қалбан Аллоҳ билан танҳо қолиш)нинг ҳам асосий воситаси ишқдир. Ишқ - инсон жисмидаги иллатларни покловчи, унинг асосий мақсад-муддаосига эриштирувчи таянч омил ҳисобланади. Шунинг учун Аҳмад Яссавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби даҳо сўз санъаткорлари асарларида мухабbat «ишқ ўти» тарзида бирикма ҳолида келади. Ана ўшандай, манзара Махтумқулининг юқорида кўчирганимиз сатрларида ҳам равшан намоён бўлади.

Масалага зоҳирان нигоҳ ташлаганда, аллома шоир мисраларида тараннум қилинган ишқ аниқ, ҳаётий маҳбубага қаратилгандай туюлади, аслида масаланинг бу киррасини ҳам эътибордан соқит қилиш тўғри эмас. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида ишқи мажозийни «субҳи анвар» (нурли тонг)га ва ишқи ҳакиқий – илоҳий ишқни «Хуршиди Ховар»(Шарқ қуёши)га қиёс этади. Мавзуга фалсафий-мантикий жиҳатдан назар ташлайдиган бўлсак, қуёшсиз тонг ва тонгсиз қуёш чараклаб шўъла сочмайди». Ана шу. манзара мумтоз шеъриятдаги (Жумладан, Фирофий щеърларидаги) барча асарлар учун хос дейилса, сира хато бўлмайди. Чунки, заминда яшаёган бир санамни жону дили билан сева олмаган банда ҳеч ким ва ҳеч нарсага айрича мухабbat билан қарай олмайди (эҳтимол, бундай талқин хатодир. Аммо менинг нуқтаи назарим шу!). Махтумкули мисраларида “ишқ ўти” ёнида “дард”и ҳам турибди. Эслатилган кичик ишора ҳам улуғ шоир қаламга олган ишқни илоҳий-ирфоний оламга етаклайди. Шеър қаҳрамони ишқдан, дардан йироклашмоқчи. Бироқ унинг имкони йўқ. Сабаб шундаки, ошиқ булҳавас эмас. Ишқ ва унинг изтироблари унинг учун қисматдир. Шарху талқинни яна ва яна давом этиш мумкин. Негаки, Махтумкули иншо этган ҳар бир сўз у ёқда турсин, ҳарф ҳам «тилга» киради, ўзининг теран маъноларидан огоҳлик беради. Зикри ўтгандай тагмаънолари, теранлик фазилати улуг шоирнинг қуидаги мисраларида ҳам ёрқин назарга ташланади:

Оқил улдир, майл этмаса, дунёга,  
Сидқила сиғинса қодир Оллоҳга,  
Махтумкули ҳар сурати зебога,  
Боқмагил, аларнинг паймони йўқдир (42-бет).

Кўчирганимиз тўрт қаторгина шеърда бир олам мазмун-моҳият мужассам. Аввало, юқорида таҳлил қилганимиз парчада

қаламга олинган ишк талқини бу ўринда ҳам мантикий ривожини топган: Ҳар бандайи мўминнинг мұхаббату садоқати Аллоҳга қаратилмоги зарур. Иккинчидан, аллома шоир гўзалликнинг ишорадаги шарху таҳлилини беради: суратдаги зеболик ҳар қандай маъшуқани безамайди. Аниқроғи, зоҳирий чирой соҳиблариға вафова садоқат бўлмайди (паймони йўқдир!). Алқисса, Махтумкули нигоҳида сурату сийрати (зоҳири ботин) мувозанати мухайё бўлгандагина чинакам гўзаллик намоён бўлади... Шеърий парчанинг биринчи қаторида инсон тақдирни учун ўта мухим бир масала нозик ишорада берилади: фоний дүёнинг мол-мулкига ҳирс қўймаган одамгина оқил ҳисобланади. Яъни нафсини жиловлай олган, унинг устидан ғолиб келган бандагина Аллоҳ даргоҳига йўл топиши мукаррардир. Шу жумлани салгина шарҳлайдиган бўлсан, ўз ҳаққига қаноат қилган, ўзгалар мол-мулкига хиёнат этмаган инсоннинг икки дунёси ободдир. Махтумкули ҳазратларининг бундай олижаноб қарашлари Одам Атонинг бугунги авлодлари учун ҳам беминнат хизмат қила олади. Зикри ўтган фазилат эса даҳоларга насиб этадиган улуғ баҳтдир. Фироғий ўз юрти, унинг шерюрак фазилатли инсонлари билан фахр этади, уларни улуглаб, шеърий мисраларида муҳрлаб қолдиради. Куйидаги шеърий қаторларда ана ўшандай жозиб туйгулар бадиий акси-ифодасини топган:

Ул марднинг ўғлидир, марддир падари,  
Гўрўғли кардоши, мағрурдир сари,  
Тоғда – тузда қувса сайёдлар тири  
Ола билмас, йўлбарс ўғли туркманинг (26- бет).

Келтирилган иқтибос ортиқча шарху изоҳларга эҳтиёж сезмайди, деб ўйлаймиз. Махтумкулидай она юртининг фидойи фарзанди бундан бошқачароқ бадиий мушоҳада юритиши мумкин эмас эди, албатта. Шу ўринда улуғ Махтумкули ифода усули ҳақида озроқ тўхталишга зарурат бордай кўринади. Фироғий шеърларининг тили падари бузруквори Давлатмамед Озодий асарлари забонидан-да бирмунча омма фахмроқдай туюлади; бизга. Бу биринчи навбатда форсий ҳамда арабий сўзларга камроқ мурожаат этишда намоён бўлади. Озодий каби Фироғий ҳам араб ва форс тилларини ўша олийгоҳлар талабига кўра ўрганганди, Қуръони каримни ёд билган, шариат аҳкомларидан етарли хабардор. Ўшаларга қарамасдан, унинг шеърларида «изм»лар чекланган даражада кўзга ташланади. Бунинг сабаблари нимада? Аввало, шу ўринда султон ул-орифин (орифлар, ҳаққа етганлар шохи) Шайх Аҳмад Яссавий ҳикматлари тилини эсга олайлик: улар ҳам ортиқча “изм”лардан холи. Иккинчидан,

ҳикматларнинг ифода услуби XII аср асарлари тилидан соддалиги, оммафаҳмлиги сабабли, мутлақо фарқ қиласи. Нега? Туркистонга бориб, Яссавия тариқатига асос соглан Шайх Аҳмад Яссавий ўша худудларда истиқомат қилаётган аҳолининг завқу диди, сажиғу савияси, тили ва ҳоказоларни инобатга олади, уларга «мослашиш»ни лозим кўради. Фикримизча, шунга яқинроқ, ўхшашроқ манзара Махтумкули даҳосида ҳам намоён бўлади. Ўз она ҳалқи маънавий-маърифий, адабий-маданий эҳтиёжларини инобатга олмагандা, оммафаҳм, аммо ғоявий-бадиий бакувват асарлар яратмаганида, Фироғий бу қадар машхури жаҳон бўлмасми-ди?! Дарвоқе, унинг бахти, буюклиги ҳам она ҳалқи тили учидаги турган долзарб муаммоларни илғаб олиб, турқманлар қалбига йўл топувчи услугда ифодалаб берганлигидадир. Махтумкулининг қуида кўчирадиганимиз шеърий сатрларида ҳам равон услуг ва фикрий бўлиқлик ҳукмрондир:

Махтумкули, худо тавфиқ берганда,  
Сахар туриб ёлғиз йўллар юрганда,  
Тариқатнинг рост йўлига кирганда,  
Шайтон йўлдан уриб, ду бош этмасин (12-бет).  
Яна: Хуш қолэнди, ёру дўстлар, ёронлар,  
Кувонманг, ҳаммадан қолар бу дунё.  
Чора топмадилар ўтган валилар.  
Барчанинг бошидан ўтар бу дунё (13-бет).

Аллома шоир қаламга олган мавзулар мутлақо янги эмас. Олам ва Одам, мулки борлик, унда яшашдан кузатиладиган мақсад, имтиҳон дунёсида инсон умрининг мазмунин каби долзарб масалалар ҳамма замонларда яшаб, фаолият кўрсатган қалам аҳли эътиборини ўзига тортган ва улар бу қадимий мавзуга сайқал бериб, ижод аҳлининг кейинги азлодига мерос қолдирган. Ана ўша кутлуг анъанага Махтумкули ҳам мурожаат этади ва ўзига хос муносабатини билдиришга эришади. Бунда аллома шоир, юкорида таъкид этганимиздек, турқман диёри талаб-тамойилларидан келиб чиқиб бадиий мушоҳада юритади. Тариқат - покланиш йўлининг чигал муаммоларидан кўра, ҳалқка тезроқ таъсир этувчи, унинг ахлоқий-маънавий балогатига ҳисса қўша оловучи жиҳатларини ёритишига мушарраф бўлади. Ҳудди шундай гапни исломий ақидалар, шариат аҳкомларининг бадиий инъикоси хусусида ҳам айтиш жоиздир. Фироғий талқинида, бу фоний дунё тўрт кунлиқдир. У ҳеч кимга вафо қилмаган ва қилмагай. Улуғ аллома-ю авлиёуллоҳлар ҳам келиб кетдилар. Ривоятларга кўра, Нуҳ пайғамбар тўққиз юз йил (бир

ривоятда минг йил) яшади, лекин дунёга устун бўла олмади. Алқисса, инсон имтиҳон оламида инсондай, фазлу фаросати, хулку одоби, зебо аъмоли билан ном қолдириш изми-илинжида бўлмоғи зарур. Эзгуликгина бу омонат дунёни асрармоғи мумкин. Бас шундай экан, Одам Ато зурриётлари Ҳаққа етиш йўлида умр сарф этмоғи, яхши амаллар, адолат тарозусида тош босувчи эзгу иш ва ном қолдиришга ҳаракат килмоғи зарур, дейди Махтумкули Фироғий. Даҳо шоир фақатгина айтмади, ўғит бермади, ўзи ҳам ўша барҳаёт ғояларга риоя килди. Азиз умрини дилбар шеърлар яратиш бобида сарф этди. Она юрти ва халқини улуғлади, халқлар шоири мақомида жаҳоний шуҳрат соҳиби бўлди. Шундан бўлса керак, бугун дунёнинг адабиётпарвар ва эркесвар афкор оммаси унинг буюк даҳоси олдида таъзим бажо этмокда. Фироғий ўзидан йигирма минг (20000)дан зиёдрок маънавий мерос боқий қолдирди. Муҳими, у ана шу барҳаёт шеърлар бағрида она халқи лабида турган, айтилишини давр тақозо этган дардларни, теран фалсафий мушоҳадаларни бадиий умумлаштиришга, ўлмас умумбашарий ғояларини сатрлари мағз-мағзига сингдиришга мусассар бўлди. Масаланинг ана ўша жиҳати Махтумкулини, у билан эгазак равишда туркман деган зариф халқнинг ҳам номини дунёга танитди.

Махтумкули шеърлари мутолааси, энг аввало, уни илохий-ирфоний арбоб мақомида шарҳлаш ҳуқуқини беради. Унинг Бухоро мадрасаларида таҳсили, Баҳоуддин Накшбанд, Мир Сайд Кулол, Абдухолик Гиждувоний, Ҳожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Ҳожа Азизон Рометаний, Ҳожа Ориф Моҳитобонлар оромгоҳларини тавоғ этиши, юксак сидку садоқат аллома шоир адабий фаолияти учун мактаб вазифасини ўтади.

## ШАВҚИЙДАН ИБТИДО ТОПГАН УЛУҒЛИК...

Кечагидай эсимда. XX аср 60-йилларининг ибтидоси эди. Янада аникроқ айтадиган бўлсан, 1962 йил. Мен СамДУ ўзбек ва тожик филологияси факультетининг (ўзбек филологияси бўлими) 2-боскичида таҳсил олардим. Кимнингдир тавсияси билан Раҳмонкул Орзивековга учрадим. Домла ўшанда аспирантуранинг охирги боскичида ўқир эдилар, чамаси. Ўрта бўйли, миктидан келган, зуваласи пишиқ, тўлароқ, хушсурат, хушсухан, муомаласи дилкаш, ёқимтой табассумли навқирон йигит ёшидаги Раҳмонкул домла билан Фая Аҳмедовнанинг ҳузурларида (ўзбек мумтоз адабиёти кафедрасиининг кабинет мудираси. Илоҳо, мунаvvар руҳлари шод

бўлсин!) илк муроқотимиз содир бўлди. Ширингина сухбатдан кейин домла муддаога ўтдилар: номзодлик диссертациялари биринчи таҳрирда интиҳо топғанлиги, ўшанинг машинкадан чиқсан нусхаларини солишириш, мавжуд имловий қусурларни ислоҳ қилишда ёрдам кераклигини айтиб қолдилар. Мен бу таклифни бажону дил қабул қилдим ва дарсдан бўш пайтларимда домланинг Красноармейская (хозирги номини билмайман) кўчасидаги ҳовличаларига серқатнов бўлиб қолдим. Ўша табаррук хонадонда мен учун яна бир қашфиёт юз берди: бизни жуда иссиққина қабул қилиб, ўта назокат ва самимият билан хизмат қилиб, керакли адабиётлар топиб бериб, илтифот кўрсатиб келаётган Тошхон ая (кўшни кафедранинг ходимаси) домланинг жуфти ҳалоллари эканлар...

Алқисса, биз ишга киришдик. Раҳмонқул домла ўзи қалб кўри, кўз нури ва катта муҳаббат билан бунёд этгани нурли сахифаларнинг биринчи нусхасини синчковлик билан назардан ўtkазиб, тузатишлар киритарди, биз (адашмасам, шеригим бизнинг "B" гурухимиз сардори Ғуломжон эди. Илоҳо, Яратган ўз раҳматига олган бўлсин!) ўша таҳрирларни бошқа варакларга ўтказардик. Кунлик машғулотимиз анча машаққатли ва лекин ўта завқли эди. Чунки ўтган юз йилликнинг 60-йилларида ўзбек мумтоз адабиётига доир китобларнинг ниҳоятда кам ҳамда тақчил бўлганлиги, боз устига, Шавқий Каттакўргоний ҳаёти ва ижодининг адабиётшунослигимиз учун ҳали "очилмаган кўриқ" эканлиги инобатга олинса, менинг юқоридаги таъкидларим ҳеч қандай шакшубҳа уйғотмайди, албатта. Яна бир ҳақиқатни ҳам айтиб қўйяй: бугун илмий даража ва унвонли (муносибу номуносиб) одамлар кўпайди. Ўшанда бундай мартабага кўтарилиган инсонлар бармок билан санаарли даражада оз эди-да! Айтилганлар қаторида қаламга олинган масалага илм оламидан мутлақо йирок бўлган икки саҳройи талаба (Ғуломжон Андижоннинг ва мен Бухоронинг қишлоғидан) нигоҳидан баҳо берилса, айни воқеа мўъжизага тенг эмасми? Шу ўринда бемаврид бўлса-да, икки муҳим нуқтага дахл қилишни лозим топдим: Раҳмонқул домланинг хонадонида тез-тез бўлиш, улар турмуш ҳаёти ичida яшаш (муваққат бўлса-да) оиласда эру хотин ўртасидаги муомала маданияти ҳақида ҳар қандай инсонга ҳам ибратли сабоқ бера оладиган жиҳатлар кўплигини пайқадим. Тошхон аянинг хоксоргина, пазанда, рўзгор тутишда саранжом-саришта, оила аъзолари ва меҳмонларга катта ҳаё-ю ибо, андиша билан муомала қилувчи ширинсўз аёл эканлиги менда кучли таассурот

уйғотди. Аянинг Раҳмонқул домлани еру кўкка ишонмай, уни ардоклаб, хотиржам ишлаши учун мұғтадил шароит яратиб бериб, ёшгина келинчаклардай унга меҳр ҳадя этишидан завққа тўлардим. Дарвоке, эру хотин бир-бирига суюниб, ўзаро ишонч билан яшаса, ўша оиласда файз-баракот бўлади. Доңишманд халқимиз бекордан бекорга эру хотинни қўшни тенг тортишга мажбур ҳўқизлар жуфтига қиёслашмаган-да! Раҳмонқул домланинг республикада таникли ва сермаҳсул адабиётшунос олим сифатида эътибор қозониши, қўшакўша китобу дипломларнинг соҳиби бўлишида менга она қадар суюкли бўлган Тошхон аянинг улкан ҳиссаси бор десам, устоз мени маъзур тутсинлар! Йиллар ўтди, оиласи бўлдим, турмуш тарзимизда кўрганим ўша нодир тажрибаларга таяниб кам бўлмадик...

Айтишим жоиз, Раҳмонқул домланинг ҳам суюк-суюгигача Тошхон аямга бўлган муҳаббат сингиб кетган экан. Бунинг исботини кичик бир лавҳа мисолида кўрсатишм мумкин: 1972 йилда Ўзбекистон миллий университетида (собиқ ТошДУ) Раҳмонқул домла билан бирга уч ойлик малака ошириш курсини ўтадик. Гуруҳимизда ёши кичиги мен бўлганим учун сардорлик каминага тегиб қолди. Дарслар бошланиб, фаолиятимиз энди изга туша бошлаган, орадан бир ҳафтача муддат ўтган пайт. Домла менга мурожаат қилиб қолди: "Раҳимжон, менинг йўғимни билдирма, Тошхон аянгни соғиниб қолдим!" Алкисса, шу қисқа муддат ичиди Раҳмонқул домла Тошкенту Самарқанднинг ўртасида бўзчининг мокисидек қатнади. Менинг малака оширишим эса тез-тез Тошхон аямни соғинган Раҳмонқул домланинг йўқлигини билдирамаслик ташвишлари билан ўтди...

Ҳа, сидқий муҳаббатгина оила пойдеворини мустаҳкам қиласкан. Тошхон ая-ю Раҳмонқул домлаларнинг фазилатларга бой ибратли ва ғоят мазмунли умр йўллари бунинг ёрқин нишонасиdir...

Раҳмонқул домланинг Муҳаммад Шариф Шавқий Каттақўрғонийнинг ҳаёти ва адабий мероси тадқикига доир филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси қўлёзмасини ўқишдан олган иккинчи маънавий манфаатим қалбимда шундай ишларга бўлган иштиёқни пайдо бўлганидир. Домланинг ўқувчидаги айрича завқ ва қизиқиши уйғотувчи ўша саҳифаларини мутолаа қиласканман, менга ҳам шундай саодатли кунлар насиб этармикин, деган ширингина туйгулар юрагимдан кечган бўлиши табиий -да! Ҳамиша уйғоқ фаришталар менинг айни орзуларимни илғашган ва Яратгандан уларни ижобат қилишини сўрашган кўринади. Бугунги тасаввуримдан келиб чиқиб

айтаманки, авлиёсифат шоир Шавқий ҳазратларининг хушёр руҳлари ва Худонинг назаркарда бандаси Раҳмонкул домла ҳам малойикаларнинг ўша дуоларига жўр бўлгандирларки, Ўзининг даргоҳида қабул бўлиб, менга ҳам зикри ўтган ҳаяжонли дамлар насиб этди. Ҳаққа етган ориф машойихларнинг "Яхшиларга эргашсанг, етарсан муродга",- деганлари шу бўлса керак-да? Бизнинг устозимиз адабиётшунос олим Раҳмонкул домла ва унинг файзу баракотли хонадони билан маънавият туфайли илдиз отган муносабатларимиз ҳамон бардавомдир. Бунинг учун Яратган қодир эгамга беҳисоб шукроналар айтишга бурчлиман...

Диссертация баҳона бўлди-ю, менинг кўз ўнгимда мумтоз адабиётнинг мутлақо янги бир олами жамол кўрсатди. Ўзбек, форс, араб тилларида дилбар шеърлар яратган Шавқий ҳазратларининг тафаккур дунёси, мисралардаги камалакдай сержило ранглар сехри ўзига мафтун, маҳлиё этди. Мехнаткаш асаларилар гуллардан бол йиғганидек, заҳматкаш Раҳмонкул домла кўп сонли қўлёзма баёзлар, турфа тўпламу девонлардан дафтар - дафтар адабий далилу лавҳалар, шеърий гулдасталар тўплаган экан. Табиийки, улардан аксарияти диссертациядан ташқарида қолган ва кейинчалик фан номзоди Раҳмонкул домланинг талайгина оҳорли мақолалари учун хамиртуруш вазифасида хизмат қилган...

Мухими, биз улардан биринчилардан бўлиб баҳра олдик. Диссертация ва зикри ўтган дафтарлар орқали мен Шавқий Каттакўргонийнинг куйидаги сатрларини ёдлаб олган эдим:

Бурноғи расолари замона,  
Гўстурдилар эл аро нишона.  
Бир неча китоб деб Навоий,  
Еткурди ҳазинлара давоий.  
Андин сўнг ўтиб расо Фузулий,  
Ашъори, расоларининг қабули.  
Форсий эл аро расоси чўхдур,  
Бедил киби бир расоси йўхдур.

Шавқийнинг салоҳиятли қаламкаш сифатида шаклланиши ва серқирра ижоди маънавий сарчашмалари хусусида башорат берувчи юқоридаги мисраларда Фузулий тили-озар лаҳжасининг таъсири бағоят кучли из қолдирган. Бундай таъкидни зуллисонайн (унинг араб тилида ҳам шеърлар ёзганлиги назарда тутилса, мазкур атама таҳрирга учрайди) шоир Шавқий Каттакўргонийнинг яна қатор шеърлари шаънига ҳам айтиш мумкин. Унинг Алишер Навоий ва Мирзо Абдулқодир Бедил даҳосига ҳам ихлоси анча баланд. Бирок

шеърий парча муаллифининг форс-тожик шеърияти намояндаларидан Бедилни ажратиб айтишини бир тарафлама тушунмаслик лозим. Шавқий ҳақ, форсийзабон адабиётда расолар кўп. Аммо унинг учун расолар ичра расоси Бедилдир. Гулзорга қадам қўйган ҳар бир гўзаллик шайдоси ўзини ром этган гулнинг хидидан завқ топади. Адабиёт ҳам ана ўшандай поёнсиз бўстондир. Ҳар бир истеъдод сохиби айни бўстонда ўзини мафтун айлаган гулбутта олдида роҳат олади. Юқорида кўчирганимиз иқтибосни қейинчалик бизга маромига етказиб, йўноқи оҳангда Раҳмонқул домланинг илмий ишига мураббийлик қилган ва охирги нафасига қадар уни ўз паноҳида тутган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Воҳид Абдуллаев айтиб берган эдилар (илоҳо, Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин)...

Шавқийнинг туркий девонидан унинг қуидаги ошиқона газали ҳам жой олган экан. Мен уни Раҳмонқул домланинг дафтаридан кўчириб олганман. Яхшиси, келинг, ўша рангин ва ўйноқи мисраларни бирга мутолаа қиласлил:

Чиқди боғидин бир гул, мен сори шитоб айлаб,  
Бурқаъин солиб юздин, бағрими кабоб айлаб.  
Титравуж тақиб бошқа, зарварак сепиб қошға,  
Мени олди ёнбошқа, дин уйин ҳароб айлаб.  
Ҳаддин ошқанин ишқин билмайин, белин қучдим,  
Заррадек ера тушдим, анда изтироб айлаб.  
Бехуд ўлмоғим кўрди, бошим ўзра ўлтурди,  
Мени хуша келтурди, хўйидин гулоб айлаб.  
Кўргач- ўқ ўшал юзни, баҳраманд этиб кўзни ,  
Боадаб тутиб ўзни, нақши по ҳисоб айлаб.  
Сўрди мустамандидин, ҳажрининг газандидин,  
Лаъли нўшхандидин мени комёб айлаб.  
Ақлим итмиш ул соат, телбалиғ тарийқидин,  
Ёва сўз демушдурмен, оллида хитоб айлаб.  
Келди қаҳри ул гулни, сорди зулфи сунбулни,  
Ўтқа солди мен кулни, боғи иртиқоб айлаб.  
Тарки хонумон эттим, гўшада макон эттим,  
Васфини баён эттим, Шавқидин китоб айлаб.

Иқтибос вазифасида келтирилган ғазалнинг айрим байтлари Раҳмонқул домланинг номзодлик диссертациясида истифода ўтилган. Аммо ўша мисралар ҳам шўро мафкураси тамойиллари шуктai назаридан таҳлилга тортилган. Бунинг учун ғазалнинг айрим сатрларида юзада қалкиб турувчи зоҳирий-شاҳвоний аломатлар

Шавқий ва унинг тадқиқотчиси фойдасига хизмат қилган. Эслатилган айни ишоралар шоир ижодидаги дахрийлик майллари сифатида талқин этилади. Аслида, бундан-да бошқача манзарани тасаввурга келтириш ҳаёт хақиқатига зид бориш билан баробардир. Раҳмонқул домланинг диссертацияси негизида маданий меросга ленинча муносабат талаблари ётади. Яхлит ўзбек мумтоз адабиётини диний-мистик, феодал-сарой ва ҳалқчил йўналишдаги адабиёт тарзида сунъий равиша парчалаш сиёсати авжига чиккан йилларда шариат қозиси мартабасида фаолият кўрсатган Шавқий адабий меросини тадқиқ манбаи сифатида танланишининг ўзи илмий раҳбар ҳамда "Қаловини топиб, қорни ҳам ёғдирган" диссертация муаллифининг катта жасоратидир...

Ана шундай гапни зикри ўтган сиёсий зуғумлар ҳадди аълосига етган замонларда мумтоз адабиётдан, хусусан, шоху вазир, шайхул-ислому қози рутбасида фаолият кўрсатган, сарой билан алоқадор бўлган шоирлар маънавий мероси хусусида жиддий илмий ва бадиий асарлар бунёд этган барча қалам аҳли борасида бирдай айтилса, сира муболаға бўлмайди. Шундай экан, бугунги дориламон давронда яшаб, ижод қила туриб, қаҳрли ўтмишимизни инобатга олмай, ўша фидоий инсонлар, уларнинг илмий ишлари ва бадиий яратмалари ҳакида нораво танқидий гапларни айтиш адолат мезонларига мутлако зиддир...

Шавқий Каттақўргонийнинг юқорида тўла матнини кўчирганимиз ғазали аслида ошиқона - орифона руҳдаги тагмаъноларига етиш осон бўлмаган зулмаънайн асарлар сирасига киради. Унда риндана (ойин, маслак, тариқат...) майл жуда баланд. Яна маломатийлик аломатлари ҳам сафда турибди. Мисралардаги "титравуж", "зарварак", "мустананд", "газанд", "тарийқ", "иртиқоб" сингари сўзу атамалар шеърда ифодаланган маъно ришталарини илоҳий-ирфоний оламга тортиб кетади. Алишер Навоий, Мухаммад Фузулий, Абулмаоний Мирзо Бедил этагини тутган шоирдан орифона-oshiқона тафаккурни кутмаслик эса Шавқий шеъриятига бир томонлама қараш билан баробардир. Биз алоҳида ажратиб кўрсатган сўзу истилоҳлардан бири "тарийқ"нинг мазмун жилоларига эътибор килишнинг ўзи ҳам бизнинг мулоҳазаларимиз фойдасига хизмат қилади: "тарийқ"- йўл, из; усул, йўсун, қоида, расм, маслак, восита, сабаб...

Шеърий мисраларда "شاҳвоний" туйғуларга урғу бериси ҳодисаси Шавқий ижодида тасодифий услугубий жило эмас. Ундаги бундай майл Алишер Навоийнинг:

Не хуш бўлғай, иковлон мост бўлсак васл боғинда,  
Кўлим бўлса онинг бўйнида-ю, оғзим қулоғинда.  
Навоий сен киму ишрат майи билмасмусенким, ит  
Агар қон ичса ҳам боши керақдур ўз ялогинда<sup>25</sup>

матла ва мақтали ғазалига боғланган мусаддасида ҳам кузатиш қийин эмас. Раҳмонқул домланинг диссертациясида "Шавқий шеъриятида Навоий анъаналари" фаслида юқоридаги мусаддас таҳлилга тортилган. Аммо сатрлардаги зулмаънайилликка атайин "эътибор" қилинмаган. Сабаблари эса аён...

Бугун мен дадил айта оламан, ўша XX асрнинг 60-йилларида она Ўзбекистон оғмонида Истиқлол қуёши балқиганида эди, кучкуввати жўш урган, муҳаббат шаробидан сармаст, 30-33 ёщдаги Раҳмонқул домла Шавқий ҳазратларининг ўша ғазалини диққат марказида тутиб, унинг ўзига хос услубий жилоси ҳақида гўзал, бўлиқ мазмунли тадқиқот яраттган бўлур эди...

Раҳмонқул домланинг интиҳога етган диссертацияси 1963 йилнинг баҳорида химояга кўйилди. Ҳали кирқ ёшга ҳам киришга ултурмаган, навқирон фан доктори А.П.Қаюмов ишнинг биринчи расмий ҳаками сифатида баланд мақомда чиқиши қилдилар. Химоя мажлисида ҳозир бўлган меҳмону мезбонларнинг барчаси (жумладан, камина ҳам) устоз адабиётшуносга ҳавас ва эзгу ният билан қарашгани ҳали-ҳали эсимда. Ўша сафда бизнинг ширинзабон муаллимларимиз - Р.Р.Мукимов, Н.Ш.Шукуров, Б.Н.Валихўжаев, С.З.Мирзаевлар бор эдиларки, уларга ҳам қиска муддат ичиди докторлик илмий даражаси насиб қилди. Қайд этганим тарихий кунда жаннатмакон Самарқанд самоси ҳам "шўхлик" қилиб, саховат билан раҳмат ёмғирини тухфа қилди. Диссертантнинг ховличаси сахни сув билан лиқ тўлди. Олийқадр меҳмонлар ичкарида. Биз шогирдпешалар енг шимариб ишга киришдик ва озгина фурсатда ҳалқоба сув "таслим" бўлди...

Бугун муборак 80 ёшлиарини нишонлаётган академик А.П.Қаюмов (устозни бошимизда омон саклашини Яратгандан катта илтижо ила сўрайман) ўшанда чиқишиларининг хотимасида "Раҳмонқул Орзивековдан филология фанлари доктори чиқиши муқаррар," - дея башорат қилган эдилар. Аллоҳнинг нуридан файзёб устознинг ўшанда айтган холисона ва сидкий ниятлари мустажоб бўлди. Раҳмонқул домла ният қилинган илмий даража-ю унвонларга

<sup>25</sup> Бу ҳакда каранг: Р. Воҳидов. Ёғди ўт устига кор. Мажмуа. Лотин ёзувида. Гоникент, Заркалам -2005. 37-41-бетлар.

эришди. Аммо бир ҳақиқат кундай аён: унга илм оламидаги барча улуғликларнинг ибтидосини Шавқий Каттакўргонийнинг нодир дахоси берди...

Мухтарам устоз, етмиш бешинчи довонга тўла маънода қўйни-қўнжингиз тўлиқ холда келдингиз. Шу улуғлик Сизга муборак бўлсин! Сиз жону дилингиздан суюдиганингиз Тошхон ая, фарзанду невара, шогирду дўстлар, истиқболи нурафшон Ўзбекистон мумтоз адабиётшунослиги баҳтига ҳамиша бардаму баккувват юринг. Нуроний чехра, қайнок табассум, болга тўлган донишмандлик Сизни сира-сира тарк этмасин. Мустақиллик даври Сиздан мумтоз адабиётнинг долзарб мавзуларига доир ва миллий истиқлол мағқураси ғоялари билан суғорилган янада сара илмий асарлар кутади...

## ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИГА ҚЎЙИЛГАН БАДИЙ ҲАЙКАЛ...

Манбаларнинг шаҳодатига кўра жасорат, мардлик, фидойилик ва қаҳрамонлиги, чингизийлардан бўлган Чигатой лашкарига қарши олиб борган муросасиз кураши билан XV асрда Улугбек Мирзо эътиборини тортган Махмуд Торобий тўла маъноси билан халқнинг миллий қаҳрамони, муқаддас она тупрокнинг садоқатли фарзанди эди. Унинг қиёфасидаги биз юкорида айримларини эслатганимиз нурли саҳифалар академик ёзувчи Ойбекни ҳам бефарқ колдирмаган ва улуғ адига қалам ушлатган. Иккинчи жаҳон урушининг суронли йилларида халқни фашист газандаларига қарши оёққа қалқитмоқ туйғуси билан адibu шоирларимиз мозийга, унинг ибратли саҳифаларида ўзининг қаҳрамонлик ва жасорати билан ёркин из колдирган, Ватан босқинчилари икки оёғини бир этикка жойлаган танти аждодларимиз тақдирига мурожаат этишди. Устод Айнийнинг халқ қаҳрамони Темур Малик, Ҳамид Олимжоннинг Муқанна, Максуд Шайхзоданинг Жалолиддин Мангуберди хақидаги гўзал асарлари яратилди. Устод Ойбек ҳам шу сафда бор эди. Бу ноёб истеъод сохиби ҳам айни йўналишда серқирра фаолият кўрсатди. Зулмат қаърида маърифат машъаласини кўтарган улуғ Навоий бадиий ҳайкалини бунёд этиш забардаст адиг адабий фаолиятининг бир ўзанини ташкил этса, унинг иккинчи олмос қирраси сарҳалқасида Махмуд Торобий бадиий қиёфасини яратиш турди. Улуғ адабнинг суюкли дўсти, ҳаммуаллифи, украин олиму ижодкори Александр Дейч ўринли эътироф этганидек, «Ўрта Осиё тарихининг билимдони

сифатида Ойбек XIII асрда Бухоронинг мўғул хони Чигатой томонидан забт этилган даврига мурожаат қилди. Бўлажак опера қаҳрамони ун эловчининг фарзанди Маҳмуд Торобий аслида она юрт, она тупроқ, муқаддас ер муҳаббати билан тўлиб тошган одам» сиймосини қаламга олди. Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек мукаммал асарлари йигирма жилдлиги варакланаркан, унинг Маҳмуд Торобий шахсияти ҳамда жасоратига қайта-қайта синчков назар ташлаганинг шоҳиди бўламиз. Шеъриятда сехрли қалам соҳиби бўлган Ойбек домла учқур хаёлининг ширин меваси сифатида унинг «Маҳмуд Торобий» драматик достони майдонга келди. Бу билан таскин топмаган улуғ шоирнинг мўъжизалар хазинаси қалби забардаст ва «қора соқолли» (академик Бобоҷон Ғофуров таъбири) элакчини қўмсайди ва у яна мавзуга қайтади. Александр Дейч ўринли қайд қилганидек, Ойбек домла Маҳмуд Торобийнинг шарафли умр йўли ҳақида ҳикоя қилувчи опера либреттосини яратишга мусассар бўлади. Мазкур опера 1944 йилнинг охирида Алишер Навоий номидаги академик опера ва балет театрида рўшнолик кўрган. Унинг мусиқасини бастакор Олесь Чишко ёзган.<sup>26</sup> Бирок академик адиб Ойбекнинг қўнгли бу билан ҳам тўлмаган ва у либретто устидаги ижодий изланишларини давом қилган. Улуғ адиб «Мукаммал асарлар»и тўртинчи жилдida берилган 6 актдан (устод Ойбекнинг ўзи шундай атаган) иборат ўзбек тилидаги (ўша асар, 232 — 235-бетлар) ва тўрт акти қофозга тушган русча нусхаси шундай хulosага келиш асосини беради.<sup>27</sup> Таъкидлаш жоизки, рус тилида ва насрда баёни берилган режанамо кўламдорлиги, ички бўлинишларга (первая картина, вторая картина ва ҳоказо) эгалиги билан ҳам дикқатни тортади.

Устод Ойбек кейинчалик бу ижодий ишга Александр Дейчни сафарбар қиласди. Ҳаммуаллифликда яратилиши мўлжалланган янги асар насрда, рус тилида, олти пардали килиб ёзилиши лозим эди. Айни нусхани «Маҳмуд Торобий» ёхуд «Халқ қалкони» унвонларидан бири билан эълон қилиниши қўзда тутилган.<sup>28</sup> Афсуски, ҳамкорликда бошланган бу ижодий иш ҳам бизга номаълум

<sup>26</sup> Каранг: Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн тўккиз томлик. 4-том. Тошкент: „Фан“ — 1976, 244-275- бетлар.

<sup>27</sup> Каранг: Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн тўккиз томлик. 4-том. Тошкент: „Фан“ — 1976, 238-244- бетлар. Улуғ адибнинг мукаммал асарларини ўн тўккиз жиллла нашр эттириши режалаштирилган. Бирок ижодий иш жараённида режа таҳрирга учраган ва „Мукаммал асарлар“ 20 жилдда рўшнолик кўрган.

<sup>28</sup> Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн тўккиз томлик. 20-том. Тошкент: „Фан“ — 1985. 391-397- бетлар.

сабабларга кўра ярим йўлда қолиб кетади. Шундай бўлишига қарамай, улуғ адид ҳалқнинг бу миллий қаҳрамони билан «хайрлашмайди». «Хушқомат, қисқа қора соқоли, хушрўй кўринишли, ўша давр одатига биноан тўн кийиб, устидан белини боғлаб юрадиган, кўк саллали, ағдарма этик кийишни хуш кўрувчи» Маҳмуд Торобийнинг нурли киёфаси ёзувчини ўзига тортишда давом этади. Оқар жилға мисол қўйилиб келган илҳом ва ғоявий ният илохий истеъодод соҳиби Ойбекка яна қалам ушлагади. Адид «Ғалвирчи» номли саҳна асари устида ижодий иш бошлади. Насрда рўшнолик кўриши лозим бўлган бу саҳна асари Ҳамза номидаги академик миллий драма театрида ўйналиши керак эди. Бироқ бу асарнинг тақдирни ҳам устод адиднинг юқорида эслатилган торобийнома туркумига киравчи бошқа бадиий яратмаларига тортади ва ўрта йўлда қолиб кетади. «Ғалвирчи»нинг бир кўриниши нихоя топиб, унинг иккинчи саҳнасидан бир неча саҳифа ёзилади, холос.<sup>29</sup>

Гарчи устод адиднинг Маҳмуд Торобийга доир барча ғоявий ниятлари тўла ҳолида оқ саҳифаларга тушмаган бўлса-да, унинг ҳалқнинг бу ватанпарвар миллий қаҳрамонига доир юксак ихлосу садоқати, меҳру муҳаббатидан «Маҳмуд Торобий» драматик достони ва бошқа чала бадиий яратмаларининг мавжуд парчалари етарлича гувоҳлик беради. Аслида, академик адиднинг хилма-хил жанру ўйналишларда иншо этилган асарлари замирида Маҳмуд Торобийнинг мукаммал сиймоси, том маънода ҳавас қилса арзигудек бадиий ҳайқалини гавдалантириш орзуси ётар эди. Таассуфлар бўлсинки, суюкли адиднинг узоқ йилларга тортган хасталиги ва нихоят бевақт ўлими унинг Маҳмуд Торобий хақидаги қатор асарларининг ҳазрати Ойбек ижод гулшанида ғунчалигича қолиб кетишига сабаб бўлди...

Академик адиднинг Маҳмуд Торобий образини яратишга қайта — қайта мурожаат қилиши, унинг айни бир мавзуга доир фикрларининг тақроридан иборат эмас, албаттә. Чунки Ойбекдай улкан сиймолар учун ўз — ўзини қайтариш хос хусусият эмас. Ёзувчи ҳар доим мавзунинг янги қирраларини очиш, бош қаҳрамон феълу автори ва интилишларини воқеалар ривожи жараёнида шакллантириб бориш йўлини маъқул кўрган. Шунинг учун ҳам у тинимсиз изланган, тарих ва фольклор хазинасидан ибратли

<sup>29</sup> Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн тўққиз томлик. 19-том. Тошкент: “Фан” – 1981, 105-137- бетлар.

далиллар, хикоя, ривоят, ҳикматлар топган. Булар, бир жиҳатдан, асарнинг рангин, ўқишилигини таъмин этса; иккинчи тарафдан, гоя ва мазмунини кучайтирган. Асардан асарга кўчган сайин, образлар дунёси ҳам жиддий таҳиррига учраган. Айтилган мулоҳазалар асоссиз бўлмасин учун «Маҳмуд Торобий» драматик достони билан «Ғалвирчи» саҳна асаридан нашр қилинган парчани қиёсан кўздан кечириш фойдадан холи бўлмас. Драматик достон Жамила бошлиқ бир гурух қизларнинг муҳаббат, ҳаёт ҳакидаги мунозараси билан бошланади. Суҳбатга Жамиланинг севгилиси Ёдгорнинг келиб қўшилиши билан ишқ оташи аланга олади. Сатрлардан -сатрларга кўчилган сари мисралар бағридаги мазмун ҳам теранлашади, хусусий дардлардан ижтимоий жароҳатларга, зулм-зўрликка нафрат можароларига ургу берилади. Севишганлар сўзи оҳангидан етилиб келаётган кўзголон нафаси уфуриб туради. Бу, айниқса, Ёдгорнинг жавобларида равшан кўринади.

Ёруғликка чиқармиз бир кун  
Соф бўлайлик, нолиш беўрин.<sup>30</sup>

Кўчирилган мисралардан кейинги лавҳаларда китобхон Маҳмуд Торобий билан танишади. Драматик достоннинг кейинги деярли барча воқеалари асар бош қаҳрамони Маҳмуд Торобий табиити ва ҳаракат дастурини тўлақонли гавдалантиришга хизмат қиласди. Асада Тўсинбой, Ҳоким, Қозикалон, Шайхулислом, Чигатой, Бош вазир, Эшик оғаси, Қорачар Нуён, Бури Нуён, Маъмур, савдогарлар каби ҳоким табака вакилларининг образлари билан бир қаторда Маҳмуд Торобий, Оташ ота Мухаммадшариф, Барот, Шамсуддин Маҳбубий, Холтош, Холпош, Марғуба, Дукчи, Чилангар, Гадой сингари меҳнаткаш ҳалқ вакиллари ҳам иштирок этади. Ойбек гоят равон ва лўнда сатрларда Маҳмуд Торобийнинг бош мақсад-муддаосини ёркин ва бўёқдор ифодалашга мусассар бўлган:

Халойиқ ҳушингни йиг яхши ўйла...  
Ичингдаги дардларингни очиқ сўйла...  
Мана ҳозир дардларимиз парчаларин  
Ўзиб кетди, не ҳол бўлур эрта-йндин!  
Юрагимда ярқираган имоним бор,<sup>31</sup>  
Элим учун курашаман то жоним бор

Драматик достон катта завқ билан ўқиласди. Забардаст шоирнинг тизгинсиз жўшкун илҳоми достон сатрларига кўчиб, унга

<sup>30</sup> Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. Ўн тўккиз томлик. 4-том. Тошкент: «Фан» – 1976, 101- бет. Асарнинг тўла матни шу томнинг 98-165- бетларида жойлаштирилган.

<sup>31</sup> Уша асар. 119- бет.

шавқ бағишилайды. Мақол мисол ихчам мисраларда халқ ва унинг миллий қаҳрамони кураши замирида ётган улуғ мақсад — юрт эрку истиқлоли ғояси сингдирилиб борилади. Тарихимизнинг порлок сахифалари мурожаат баҳонасида гўё адабнинг «қафасдаги қалби» армонлари ҳам юзага чикқандай туюлади. Ҳазрати Ойбек муқаддас Ўзбекистоннинг кишанлардан фориг бўлиши тарафдори эди. Қани, айтинг-чи, Маҳмуд Торобий тилидан айтилган қўйидаги оҳорли мисралар мағзидаги ўшандай туйғу йўқми?

Йигимас, зулмни ағдариш керак,  
Илдизи-ла уни кўпориш керак.  
Тиғларнинг дамини тиғлар қайиур,  
Зулмга қарши элни кўтариш керак.  
Ҳакиқат күёшин булат ўраса,  
Гўзал самомизни қоронғиласа,  
Бўрон бўлиб уни тўзғитмоқ лозим.  
Кутулмоқ истасанг пўлат тиғ яса!  
Тупрокка қоришидиadolат юзи,  
Кўтарсак ва артсак чақнар юлдузи.  
Ҳакиқат олтиндек чиримас, зангламас,  
Кечага айланар мўғул қундузи.<sup>32</sup>

Тарихий мавзуда асар ёзишининг ўзига хос машақкатлари ҳам йўқ эмас. Бу борада Алишер Навоий бадиий сиймосини гавдалантириш баҳонасида мозий қаватларига теран назар солган Ойбек учун етарли тажриба мавжуд эди. Адаб торобийномаси щундай дадил хулосага келиш асосини беради. Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан истило этилишига доир салмоқли тадқиқот яратган академик В.В.Бартольд Маҳмуд Торобий ва унинг оила муҳити ҳақида қатор ижобий фикрларни баён этган. Тарихшунос олимнинг шаҳодатига биноан Маҳмуднинг опаси замонасининг фозила аёлларидан бўлган ва руҳлар ёрдамида башорат қилишда шуҳрат таратган экан. Айни фазилатлар Маҳмудда ҳам бўлган, - дейди улуғ олим. Табиийки, устод Ойбек бундай маълумотларни қадрлаган ва Маҳмуд Торобий қиёғасида уларни умумлаштиришга интилган. Шундан бўлса керак, драматик достон бош қаҳрамони нафақат оддий ҳунарманд, балки замонасининг донишманди сифатида ҳам намоён бўлади. Унинг Шамсуддин Маҳбубийга муносабати ва у билан ҳамкорлик қилиши замирида ҳам ўша маърифатпарварлик аломатлари ётади. Маҳбубий асар сахифаларида

<sup>32</sup> Уша асар, 109- бет.

жуда кам кўринади. Бирок унинг маънавий раҳнамо эканлиги достон мисралари мазмун ва оҳангидан ёрқин англашилиб туради. Шамсуддиннинг Торобийга қаратагайтилган мана бу мисраларидан ҳам шундай майлни пайқаш қийин эмас:

Ҳар бир ишда ақл ва мантиқ,  
Раҳбарингиз бўлсин, эй рафиқ.  
Юбормайман сизни майдонга.<sup>33</sup>

Асар порлок қелажакка умид нурлари билан йўғрилган. Эрк, адолат, ҳақиқатнинг барҳаётлигига бўлган чинакам ишонч туйғуси драматик достон мисраларининг мағз-мағзига сийғдирилган. Айниқса, поэма хотимасидаги мана бу сатрларда ўша гоя янада равshan намоён бўлади:

### Торобий

Енгди эл, енгди ҳақиқат ва ҳак,  
Душмандан озодмиз, ҳур бизнинг тупрок.  
Мангу пойдор бўлсин, эл тутган байроқ.

### Халқ

Душманга омон йўқ, золимга кун йўқ.  
Асло йиқилмайди эл тутган байроқ!<sup>34</sup>

«Махмуд Торобий» достонида батафсил ифодасини топмаган айрим нукталар адаб эътиборида турган ва янги асарларида улар инобатга олинган. Адабий-ижтимоий фаолияти ва асарларига ўта талабчанлик билан муносабатда бўлган, ўзи-ўзини таҳrir ва ҳамиша имтиҳондан ўтказиб турган адаб ижодий иш услубига хос бу ноёб фазилатни Махмуд Торобий образининг ишланишида ҳам аниқ кўрамиз. Драматик достонда кўзғолоннинг келиб чиқиши сабаблари айрим ишораларда, Жамила ва унинг муҳаббатининг хўрланиши лавҳаларида кўринган бўлса; «Ғалвирчи»да ана ўша жиҳатларни етарли асослаш йўлидан борилганлигини хис этамиз. Тарихий ҳужжатлардан равшанки, кўзғолоннинг ташкилотчилари ва раҳбарларининг катта қисми косиб-хунармандлардир. Ўша ҳақиқат тақозосидан келиб чиқкан адаб шу мавзудаги деярли ҳамма асарларида хунар аҳли образини яратишга дикқатини қаратади. Масалан, насрда иншо қилинган саҳна асарида ўшандай уриниш ёрқин намоён бўлади. «Ғалвирчи» Махмуд Торобий дўконининг ихчам тасвири билан бошланади. Мазкур асарда Махмуд хунарманд, мохир табиб, ўз даврининг яхшигина билимдони, ҳаёт воқеа —

<sup>33</sup> Уша асар. 145- бет.

<sup>34</sup> Уша асар. 164- бет.

ходисаларига нисбатан фаол ҳаракат қилувчи инсон қиёфасида намоён бўлади. Асағ бош қаҳрамонининг бундай олижаноб эзгу фазилатлари саҳна асарининг дастлабки саҳифаларида ёй ойдинлашиб боради. Бу жиҳатдан Торобийнинг чукур руҳий кечинмалар билан йўғрилган нутқидаги мана бу жумлалар аҳамиятлидир: «Одам туғилгандан бошлаб то ўлимiga қадар йиглайди, ташида йигламаса, ичиди йиглайди. Бу яна ёмонроқ — кўз ёши юзни куйдирмайди, балки кўнгилга куйилади, кўнгилни ёқади. Тангри таоломи дунёни шундай яратган? Йўқ! Модомики, ҳамма одамлар айни тупроқдан яратилган, дунёдан уларнинг насибаси бир тусда бўлиши керак... Эй замон!... Лекин, замон оғир, у Чингизхоннинг қонли, азамат тахти остида....»

Асарда Оташ, унинг набираси Бодом (драматик достонда Жамила), Шамсуддин Маҳбубий, Қул, Қулфчи, Бўёқчи, Маржонг Муҳаммад, Али, Ўрмон, Маҳмуднинг синглиси Зулайҳо каби ижобий, Битикчи, Солиқчи, Ялавоч, Шайхулислом, Босқоқ, Тусинбой, Ўнбоши сингари салбий образлар мавжуд. Адид асарда ҳалқ кўзғолонининг келиб чиқишини тезлаштирган ижтимоий - сиёсий, маънавий-тарихий сабабларни очишга, уларни ўкувчи эътиборига теран етказишга диккат қаратади. Шу максад билан турли ижтимоий табақа вакиллари қалбига кўл солиб кўради, уларнинг дардини ўз тиллари билан сўзлатади. Бу борада, айниқса, Хонботир образи катта кизиқиш уйғотади. Ўн йиллар салтанат сурган бу шоҳ мўғуллардан катта жафо кўрган: тожу тахт, давлату салтанат, бутун хешу акраболаридан жудо бўлиб, сўққабош омон қолган. Даствлаб кафтида тутиб, Хонботирни ардоқлаган тақдир уни хўрлик, зорликлар қаърига улоқтирган. Ўн йилдирки, у қашшоқликда, бир бурда нонга зор яшайди. Қалбida мўғулларга нисбатан катта интиком, уч туйғуси чўккан Хонботир порлоқ истиқбол учун йўл излайди. Бу аламзада инсонни сўнгсиз газабига олган ҳаёт уни Зарафшон воҳасини кезишга мажбур этади. Тақдир шамоли Хонботирни Самарқанддан Жондор туманига учиради. Бахти тасодиф эса Хонботирни Маҳмуд Торобий билан тўқнаштиради... “Фалвирчи”нинг бундай саҳифалари ўкувчидаги мароқ ва завқ уйғотади.

Хуллас, Ойбек ижодида Маҳмуд Торобий образининг ишланиши алоҳида тадқиқот мавзуидир. Хулоса, юқорида айримлари саналган адабий маълумот ва парчалар ҳам қалбимизни фахр туйғуларига сероб этади. Бизни изланиш, ижодкорлик, жасоратга бошлайди. Дарсларимизда шундай бадиий далилларни

чеклаб ўтиш эса гунохдир. Маҳмуд Торобий ва унинг сафдошлари жасорати, уларнинг муқаддас она заминга садоқати ҳақида мазмунли сұхбатлар ўтказиш, шакллантирилиши бош вазифа хисобланган баркамол авлодни қаҳрамонлик, ватанпарварлык руҳида тарбиялашда беминнат хизмат қиласы.

## ҒАФУР ҒУЛОМ МАКТУБЛАРИ<sup>35</sup>

Академик шоир Ғафур Ғулом «Муқаммал асарлар түплами» ўн икки жылдиги охирги китобида (XII жылд. Тошкент, «Фан»-1990) унинг бир туркум мактублари ҳам киритилган. Мактублар ўттиз йилдан зиёдрөк тарихни ўз ичига олған бўлиб, турфа муносабатлар билан турли тоифадаги шахсларга йўналтирилган. Жумладан, «ёш шоир Амин Умарийга ўртоқлик хати» сарлавҳали мактуб 1935 йилда битилган бўлса, охиргиси шоир Асқарали Чархийга юборилган ва 1966 йилда иншо килинган. Мактубларнинг энг кўпи улуғ шоирнинг умр йўлдоши Мухаррам ая Ғуломовага (тўккизта хат) ёзилган. Шунингдек, ўғли Улуғ Ғуломов (5), шоир Чархий (3), адаб ва таржимон Ваҳоб Рӯзиматов (2), кекса маърифатчи Омонулла Валихонов (2), тожик шоирлари Мирзо Турсынзода (1), Абулқосим Лоҳутий (2), тожик адаби Сотим Улуғзода (1), шоир ва драматург Собир Абдулла (2), Ҳамид Ғулом (1), Асқад Мухтор (1), академик Музаффар Хайруллаевга (1) ва яна бир қатор шахслар, газеталар таҳририятига юборилган хатлар ҳам бор. Булардан ташқари, шоирнинг яна бир қатор хатлари ҳам бор эканки, улар ҳақида биринчи бор тўплампинг 12-жилдида (408—424, 482—487-бетлар) хабар берилади. Бошқирд шоири Сайфи Кудаш, тожик шоири Мирзо Турсынзода, украин адаби Микола Бажан, озар адабиётшуноси, академик Ҳамид Орасли (2), хинд Гурбахш Синг ва яна бир қатор таҳририятларга (жами 13 мактуб) ёзилган хатлар шулар жумласидандир. Мазкур хатларнинг тўла матни аслиятда келтирилади. Китобнинг «Изоҳлар» қисмида эса ўша мактубларнинг ўзбек тилидаги таржимасини мухтасар шарху изоҳлар билан ўқиш мумкин. Мактубларнинг маълум қисми насрда, айримлари назмда, шунингдек, аралаш-қоришик (насрү назмда) битилган хатлар ҳам учрайди. Хатлар ҳажми нұктаи назаридан ҳам бир хил эмас: уларнинг айримлари 3—4 қатордан (жумладан) таркиб топган бўлса, қозоқ шоири Қувондик Шангитбоев хатига қайтарилиган жавоб саккиз

<sup>35</sup> Ушбу макола М.Махмудов билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

бетдан (бу энг катта хат) иборат. Шундай ранг-барангликни хатларнинг мавзуи ва гоявий йўналиши борасида ҳам кузатиш мумкин.

F.Уломнинг Амин Умарийга расмий мурожаати унинг ягона адабий мактубидир. Маслаҳат - танқид йўналишидаги мазкур иш ёзилиб, Самарқанд вилоятининг «Ленин йўли» газетасида 1935 йилнинг 5 февраляда эълон қилинган пайтда муаллиф 32—33 ёшларда эди. «Феликс болалари» сарлавҳали биринчи шеъри 1923 йилда рўшнолик кўргани эътиборга олинса, бу даврга келиб шоирнинг ўн йиллик адабий тажрибага эгалиги аёнлашади. Шундан у А. Умарийга «ёш шоир» ибораси билан мурожаат қиласди. «Очиқ хат»да А. Умарийнинг умуман ижодиётига эмас, балки унинг «Ленин йўли»нинг турли сонларида босилган «Икки ёшлиқ», «Байробимиз», «Мардона курашчи» шеърларига муносабат билдирилади. «Очиқ хат»да биродарона самимият руҳи баланд.

Мактуб муаллифи матбуот орқали қилинган расмий мурожаатнинг мақсад-муддаосини қўйидагича умумлаштириб, ўкувчилари билан баҳам кўради: «...Ўзаро бир-бирларимизга маслаҳатлар берсак, қалай бўлар экан? Сизга ёзмоқчи бўлган мактубнинг тилаги ҳам худди шу: бир ўкувчи сифати билан танқид қилмоқчи, бир шоир сифати билан ўзимдаги тажрибаларни ўртоқлашмоқчи ва, айниқса, бир ўртоқ сифати билан койимоқчи бўламан». Мактубни мутолаа қилган ўкувчи бутун матн давомида муаллифнинг ана ўша холисона ниятга қатъий амал қилганлигига қаноат ҳосил қиласди. Шоирнинг бундай майли, айниқса, «Икки ёшлиқ» шеъри таҳлили жараёнида ёрқин кўзга ташланади. Тўғри, мактуб бугунги кун талаб-тамойиллари нуктаи назаридан ўрганиладиган бўлса, унда ёш шоир шеърининг социалистик реализм қонуниятлари жиҳатидан теран таҳлил қилинганлигини пайқаш қийин эмас. Шу маънода «Икки ёшлиқ»нинг гоявий мазмунига доир билдирилган танқидий жумлалар ўз моҳиятини маълум маънода йўқотади. Аммо шеърининг тузилишига, сўздан фойдаланиш маҳоратига тегишли фикрлар ҳамон долзарб. Шундай гапни ўкувчига тақдим қилинадиган назмий асарнинг ҳажмига доир ўртага ташланган танқидий мулоҳзаларга нисбатан ҳам айтиш ўринли бўлади. Шеър — муайян ҳәётий лаҳзаларнинг сатрлардаги бадий инъикоси экан, унинг имкон қадар муҳтасар ҳажмда бўлиши, чакмоқдай чакнаб ўтиши мақсадга мувофик. Ана шу талабни назарда тутган шоирга «Икки ёшлиқ»нинг «жуда узун, ўринсиз жойларининг жуда кўплиги» (12) ёқмайди. Яна бир жиддий масаланинг ўртага

кўйилганлигини ҳам эътироф этмоқ лозим: Шеър — сўз санъатининг бағоят ноёб намунаси. Унинг кофиябозликдан иборат бўлиши — иллат. Шундай нуксондан сақланиш учун эса ростакамига шоирлик истеъоди бор қаламкаш сўзнинг кўп маънолилик фазилати, оҳангি, маъно кирраларидан унумли ва ўринли фойдаланмоғи шарт. Мумтоз шеършуносликдаги «таносуб», «тадриж», «ийҳом» тарзида номланадиган санъатлар бугунги шеърият учун ҳам «сув ва ҳаводай» зарур. Айни бадиий-тасвирий воситалар «аралашган» сатрларнинггина дилчашп, умрбоқий бўлиши маълум. F.Фулом «Икки ёшлиқ»дан шеър учун зарур ана ўша нодир ҳодисаларни топа олмайди. Шундан бўлса керак, «очик хат»да «Завқлатар заводдай жонли картина» бўлса, мужмал, англашилмайди. Аммо бўй, қоматни цементдай дея таърифлаш мантиқсиз» (125) каби жиддий эътиroz ўргага ташланади. Мактубдаги мана бу парчани бирга мутолаа қилиб кўрайлик: «Мен Сиз билан кўпроқ тил ва умуман сифат учун «койишмоқчи» бўламан... Иккинчиси — «Байроғимиз» шеъри. Бу шеър биринчисига қараганда қисқа, анчагина ишланган, кишига эмоционал таъсир қолдирувчандир. Чунончи:

Байроғимиз милтиқларимиз учида

Парча - парча шафақлардай кўринди, -  
сатрлари қандай яхши! (125—126).

«Очиқ хат»да фақат танқид, зуғумкорлик эмас, балки холис мухокама, чукур филологик таҳлил устувор келадиган бундай ўринлар бениҳоя кўп. Шундай адолатли муносабат, чукур мушоҳада табиатидан келиб чиқадиган тўлиқ хуласалар Амин Умарийнинг «Мардона курашчи» шеърига нисбатан ҳам ўргага ташланади. Айримлари саналган фазилатларига кўра, «Очиқ хат» Амин Умарий шеърияти ҳақида ёзилган юқори савиядаги адабий-танқидий мақола билан bemalol рақобаттага кириша олади.

Улуғ шоирнинг Абулқосим Лоҳутийга ёзилган мактублари ижодий жараён, адабий алоқа ва ўзаро таъсир муаммоларига дахлдорлиги билан аҳамиятли. Муншаотдан бири Мұҳаммад Фузулий мусаддасига Лоҳутий ёзган жавобия уйғотган ҳайрат - ҳаяжон ҳақида хабар берса, унинг иккинчисида «Пири баҳт» («Баҳт пири») асарининг F.Фулом томонидан қилинажак таржимаси, унинг Ўзбекистондаги нашри билан боғлиқ масалалар хусусида мулоҳаза юритйлади. Айримларини санаганимиз фикр, фоя ва мавзулар ниҳоятда мухим. Аммо биз бошқа бир жиҳатга эътиборни тортмоқчимиз: F.Фуломдай нодир истеъод қаламидан чиқкан каттаю кичик битиклар, жумладан, мактублар ҳам бадииятдай улуғ

каттаю кичик битиклар, жумладан, мактублар ҳам бадииятдай улуғ неъматдан бебаҳра қолмаган экан. Абулқосим Лоҳутийга ёзилган хатлардаги мана бу қайроқи, мақол даражасида сайқалланган жумлалар фикримизнинг исботидир: «...Сехрофарин мазмун ва оҳангларингиз созандаларнинг дилнавоз овозлари ила жамулжам бўлиб, Ўзбекистоннинг ложувард осмони гумбазида жаранг бермоқда» (138). Яна: «Илтифот номалари қўлимга теккандан сўнг «Пири баҳт»нинг таржимаси шууримга киришди» (151).

Шоирнинг бир туркум мактуботи назмда иншо қилинган. Бундай парчаларда ғафурона ноёб салоҳият, сўз ва бадиият додини бериш, тафаккур теранлиги, бўлиқ фалсафий мушоҳадалар мисралар назокатига закийлик, рангу нафис оҳанг бўлиб йўғрилиб келади. Шундай хатлардан бири шоир Ҳабибий билан ҳамкорликда, 1947 йилда ижод қилинган. Ушбу асарни ҳеч иккиланмай, маснӯъ шеърлар (санъат ичига санъат қўйилиб келган сатрлар) сирасига киритиш мумкин. Мисол тариқасида мана бу байтларни мутолаа қилиб қўрайлик:

Фироқи дўст тортган сабримизга тан бер, эй Собир,  
Етиб боргунча Фурқат ҳажр ганжида Тажаллодек...

Ҳабибий ҳам Ғуломий ажз эъзози мажозиси,

Ёзилди Собир Абдуллагаки, дилда Ҳувайдодек (148-149).

Таъкидлаш жоиз, мактубда қўйилиб келган шундай шеърий қаторлар борки, уларда ўнлаб бадиий-тасвирий воситалар коришик ҳолда амал қиласи. Шундай фазилат қўчирганимиз парчада ҳам равшан намоёндир. Биз шеърий мактубнинг нисбатан тушунилиши осон мисраларини кўчирдик. Куръоний оятлар, ҳадис ва дуоларга ишора кетган, арабий ва форсий сўзлар кўп кўлланган талай сатрлар борки, уларни «ўрнидан силжитиш» ҳаммага ҳам насиб бўлмайди. Ғафур Ғулом шеърияти ва насрий асарларида тарихий воқеа-ходисалар, шахслар, жою асарларга, форсий ва арабий сўзларга ишора килиш, ўшалар орқали санъат яратиш, айтилмоқчи бўлган фикрни ургу билан ўқувчига етказиш ходисаси мутлако янги эмас. Эслатганимиз мактубда эса улар кўпайгандан кўпайиб кетган. Бундай услубий жилонинг ўз изоҳлари ҳам бор, албатта. Аввало, муаллифлар шеърнинг «дарсхона»сини инобатга олишган: Собир Абдулла ўшандай ифода тарзини кабул килиш учун том маънода тайёр қаламкашлардандир. Иккинчидан, муаллифларнинг ўзлари ҳам айни йўналишда — бири иккинчисидан қолишидаган даражада эмас. Ҳуллас, ана ўша омиллар бирлашиб, талайгина «мураккаб», идрок қилиниши катта ижодий меҳнат талаб этадиган шеърий сатрларнинг

дунёга келишига доялик қилган. Юқорида кўчирилган шеърий парча таҳлилига қайтайлик: аввало, шу тўрт қатор шеърда таносуб, талмех, ийҳом, муболага, тамсил сингари бадиий-тасвирий воситаларнинг кўлланганлигини айтиш лозим: муаллифлар (умуман, шеър қаҳрамони) сабр-бардошни тириклик манбаига айлантирган. Шундай фазилатни Собирдан (маъноси, сабру бардошли — ийҳом) ҳам талаб қилишади. Ҳижроннинг нақадар қудратли бир кучга айланганини хис ва тасаввур қилиш учун Фурқат (талмех) эсланади: Фурқат — Зокиржон Холмуҳаммаднинг адабий тахаллуси. Фурқат—ватан ҳажрида мислсиз изтироблар чекиб, сарсон-саргардон ва дарбадар кезувчи шахслар тимсоли. Унинг ёнида истифода қилинган «ҳажр ганжи» (хижрон, айрилиқ ҳазинаси) мақсадни янада аникроқ юзага чиқариш учун (бу ўринда кучли муболага ҳам сезилади) қўл келган. Тажалло — Муқимий ва Фурқатларга замондош шоирлардан бири. Тажаллонинг «кўриниш», «жилваланиш», «ўзидан дарак берувчи» каби маънолари ҳам мавжуд. Парчада Тажалло ийҳом моддаси учун асос бўлаётir: ижодкор дўстларни бир-биридан узоқлаштирган (Фурқат Тажаллони соғингани каби фироқ ҳижронлари сабру Собирлик туфайли хотима топадиган ва висол онлари кўриниш берадиган (хат орқали, албатта) бўлди. Ҳабибий ва Ғуломийни чулғаган ожизу бечоралик (дийдор, соғинч оқибатида) иззат-эҳтиром муждасини етказувчи илоҳий неъмат — сўзлар орқали равшанлашди. Тахаллус маъносидаги «Ҳабибий» (дўст, яқин), «Ғуломий» (Яратганинг қули), «Собир» (сабру бардош), «Абдулло» (Оллоҳнинг қули), «Хувайдо» (равшан, зоҳир, аён...) сўзлари ҳам мисралардаги ғоявий-бадиий мазмун-моҳиятни кучайтиришга хизмат қилган. Иккинчидан, мактубдаги жуда кўп сўзу истилоҳлар — зулмаънайн (кўп маънолилик хусусиятига эга) ва улар маъно ришталарини илоҳий-ирфоний оламга тортади. Мактубнинг кенг китобхонлар оммасига мўлжалланмаганлигини инобатга олган муаллифлар ўзларини анча «эркин» хис қилиб, томирларида кўтириб турган илоҳиёт ва ирфонга бўлган юксак садоқатни мактубда ошкора қилишга эришади...

Шоирнинг энг кўп мактублари жуфти ҳалоли Мухаррам ая Ғуломовага йўналтирилган. Айни мактублар нафақат бугун, балки, яна юз йиллар оша ҳам мўйсафид тарих ва рақларида севги-садоқат, мұхаббат ва вафо, оила мұқаддаслигининг ибрати сифатида авлодлар қалбига чўғ ташлашда давом этаверади. 1940—1964 йиллар оралиғида шоир хизмат сафари, дам олиш, даволаниш, адабий анжуманларда иштирок этиш муносабати билан Тошкентдан олисда

бўлган дамларида Мухаррам аяга хатлар ёзиб турган. Барча мактублар туғросида «Севгилим Мухаррамхон!» мурожаатномаси нақшланган. Уларнинг марказида оила, унинг маънавий муҳити, иқтисодий таъминоти масалалари туради. Ўзаро ҳурмат, ўта баланд назокат, самимият, ошиқона туйғу, фарзандларига юксак оталик меҳри бу мактубларни нурлантириб туради. Мактублардан бир қатор ибратли сабоқлар олиш, холосалар чиқариш мумкин: оила — муқаддас; унинг файзу баракоти эру хотиннинг ўзаро муомала-муносабати негизида вужудга келади. Умр йўлдошини алқай олмаган, фарзандларини жону дили билан сўймаган ижодкорнинг вафо ва садоқат ҳақида рост гапни айтишга маънавий хукуки йўқ. Айни мактубларFaфур Гуломнинг умр йўлдоши Мухаррамхон аяга аталган шеърлари туғилишида хамиртуруш вазифасини ўтагани шак-шубҳасиздир.

Маълум бўладики, бу мактублар академик шоир, зукко файласуф, адаби Faфур Гулом қалами маҳсули эканлиги туфайли улкан ахлоқий-маънавий, адабий-маърифий, ижтимоий-сиёсий моҳият касб этиши билан аҳамиятли.

## ВОҲИД АБДУЛЛАЕВ БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИНИНГ ЙИРИК ТАДҚИҚОТЧИСИ

Бухорои шарифга доир ҳудудларда яратилган бадиий адабиётни тадқиқ қилиш бобидаги дастлабки харакатлар устод Садриддин Айнийнинг «Намунаи адабиёти тоҷик», профессор Абдурауф Фитратнинг «Турк адабиёти намуналари» асарлари билан бошланди, деса сира хато бўлмайди. Бу икки аллома қалами билан бунёдга келган мажмуаларда тилга олинган ва асарларидан намуналар келтирилган ижод аҳли илмий-адабий жамоатчилик назарини ўзига жалб қилди, улардан айримлари ҳақида жиддий илмий тадқиқотлар ёзила бошланди...

Кейинчалик, Ўзбекистонда айни мавзуни ўрганиш ҳаракати бошида академик Воҳид Абдуллаев турди. Аллома адабиётшуноснинг бу соҳадаги илк мақолалари 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг аввалига тўғри келади. Ҳудди ана шу даврда у бир неча йил Бухоро давлат университетига (собиқ педагогика институтига) Давлат имтиҳони комиссиясининг раиси бўлиб келди ва мавжуд имкониятдан унумли фойдаланиб бу муқаддас шаҳарнинг маънавий хазиналарида сакланаётган кўхна қўлёзмаларни «ҳижжалашга» (устоднинг ўз таъбири) киришди. Ана шу тариқа унинг илк

таассуротлари ифодасини топган илмий-оммабоп мақолалари ёзилиб, «Бухоро ҳакиқати» рўзномасида рўшнолик кўра бошлади. Академик Воҳид Абдуллаев ва Бухоро адабий мухитининг ўрганилиши муаммолари устида мушоҳада юритар эканмиз, йирик олим эътиборини шу мавзуга тортган икки таянч йўналиш қалқиб юзага чиқади. Маълумки, отахон адабиётшуносининг олий мактабдаги илк муаллимлик фаолияти 30-йилларнинг охирида Бухорода бошланган эди. У маълум муддат Бухоро давлат педагогика институтида ўзбек адабиётидан сабоқ айтди, ихтисослик кафедрасини бошқарди, «ўзидан самога нур таратувчи», илму санъат, адабиёту маданият, илоҳиёту ирфон бешиги бўлган бу шахри азимга айрича ихлос қўйди. Ана шу муҳаббат чўги олим юрагида унинг сўнгги нафасигача яшади ва ўша ишқнинг меваси Бухоро адабиётини тадқиқ этиш, бухороликларга юксак меҳру самимият кўрсатиш шаклида намоён бўлиб келди.

Академик В.Абдуллаев илмий фаолиятидаги иккинчи йўналиш анча жиддий бўлиб, адабиётшунослик ва тарихшунослик илмида муайян мавзу ёхуд масалага доир билдирилган нотўғри фикру қарашларга бефарқ қолмаслиқда кўринади. Ана шундай ҳолатни устознинг Бухоро адабий мухитига нисбатан муносабатида ҳам ёрқин кўришимиз мумкин. Жумладан, акад. В.В.Бартольднинг «Туркистаннинг маданий ҳаёти тарихидан» номли йирик илмий ишида «...адабий фаолият масаласига келсак, XIX асрда Бухоро ҳонлигига шариат қонунлари ҳукмронлиги оқибатида ҳар қандай адабий бошланма ва ҳаракат деярли тўхтаб қолган эди», - дея ёзилади. Табиийки, тарихшунос олимнинг бундай бир ёқлама фикрлаши акад. В.Абдуллаевга хуш келмайди ва у ўшандай нотўғри қарашни кўп сонли адабий маълумотлар, шоиру адилларга доир нодир илмий-тарихий қайдлар, кўллэзма ҳужжатлар шоҳидлигига инкор қилиш учун енг шимариб ишга киришади. Йирик адабиётшуносининг айни соҳадаги изланишларини назардан ўтказар эканмиз, ибратли бир фазилатнинг гувоҳи бўламиз. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, олим муайян мавзу билан дастлаб ўзи жиддий шуғулланиб кўради, қатъий хуносалар ҳосил қилгач, у ҳақда ёзади ва мулоҳазаларини илмий-адабий жамоатчилик имтиҳонидан ўтказади. Кейингина у ёки бу мавзу ёхуд масалани шогирдларига илмий тадқиқот олиб бориш мавзуи сифатида тавсия этади.

Бухоро адабий мухити, айниқса, унинг XVIII - XIX асрлардаги ҳакиқий манзараларини ойдинлаштиришда ҳам устоднинг ана ўша синашта тажрибаси аскотади. Олимнинг «XIX

асрда Бухорода навоийхонлик ва Навоий издошлари», «Шоир Толиб Толибий», «XIX асрда Бухорода ўзбек адабиёти» каби қатор мақолаларида Мулло Курбон Хиромий, Муллокурбон Жоний, Жонмуҳаммад Жоний, Содик Мунший Жондорий, Мужрим Обид, Толиб Толибий каби ўнлаб бухоролик зуллисонайн ижодкорларнинг маънавий мероси жиддий назардан ўтказилгач, шогирдларига номзодлик диссертацияси мавзулари сифатида тавсия қилинади.

Шу ўринда зўр қоникиш билан айтиш жоизки, айни маколалар бугун ҳам ўз илмий қимматини йўқотган эмас. Чунки уларнинг дунёга келишида биринчи манбалар таянч асос вазифасини ўтаган. Шунингдек, номлари тилга олинган ижод аҳли ҳақида илк пишиқ илмий холосани ҳам академик Воҳид Абдуллаев айтган эди. Бугун зўр ифтихор билан эътироф килиш мумкинки, тавсия бўлган ўша тадқиқотлар юкори савияда ёзилиб, муваффақиятли ёқланди. Айримлари маҳсус илмий рисолалар тарзида кўп сонли ўкувчилар зътиборига ҳавола қилинди, "Ўзбек адабиёти тарихи" беш жилдлигига (академ. нашр, Тошкент, «Фан», 1978-1980) алоҳида илмий мақолалар сифатида киритилди. Бухоро адабий мұхитининг зикри ўтган даври қиёфаси анча равшанлашиб қолди. Хиромий, Мужрим Обид, Муллакурбон Жоний, Толиб Толибий, Содик Жондорий каби шоирлар ҳақидаги маълумотлар устоднинг «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслиги саҳифаларини бойитди. Адабиётшуносликдаги бундай анъана яшамоғи, ҳар ким ўз ҳаддини билиб, илмий ишга раҳбарликдай юксак масъулиятни бўйнига олмоғи лозим. Шундай қилингандагина фан ҳам, ёш илмий ходимлар ҳам манфаат кўради, устоднинг мунаvvар руҳи шод бўлади...

Академик Воҳид Абдуллаев ўзбек ва тожик тилларини бирдай биладиган, ўқийдиган ва ўша забонларда баробар ёза оладиган байналминал руҳда тарбия кўриб шаклланган дарёдил мухакқик эди. Устод учун ёш илмий ходимнинг қайси вилоят, туман ва кимга мансублиги, шоирнинг эса туркӣ ёхуд форсийда ёзиши у қадар аҳамиятли эмас эди. Унинг учун истеъодод, иштиёқ, бадиий завқ ва унинг самараси - маънавий мерос ҳамма шартлардан баланд турарди. Шундан бўлса керак, зуллисонайнлик қон-қонига сингиб кетган Бухоро адабий мұхити манбалари устодни чўчитган эмас, аксинча уни кўпроқ ўзига тортган ва тарихан қиска бир муддат ичida шу улуғ аллома раҳнамолигида ўнлаб илмий тадқиқот ишлари дунёга келди. Улардан нафақат бухороликлар, балки, Ўзбекистон аталмиш юртнинг зиёпеша инсонлари маънавий-маърифий олами бойиди, номлари тарих қаватларида қолиб кетган ўнлаб шоиру адибларнинг

нодир асарлари умум мулкига айланди...

Шу ўринда яна бир илмий ҳакикатни қайд қилиш муҳим кўринаиди. Бугунги кунда Бухорои Шарифда ўзига хос адабиётшунослик мактаби шаклландикси, унинг ўқилдизлари Воҳид домла томирларига туташдир...

Мўйсафид фалакнинг чархи В.Абдуллаевсиз ўн етти марта айланишга улгурди. Ўн етти йилдирки, Бухоро адабий муҳити саҳовату ҳиммати баланд, бағри қенг, адабий ҳодисалар моҳиятини теран ваadolатли баҳоловчи устодни қўмсадб яшайди. Сарғайган саҳифалар ва улар ортида авлодлар хонадонига эзгулик ҳамда зиё нурини олиб киришга интиқ тақдирлар миллат, тил ажратиш, улар ўртасига раҳна солиши кайфиятидан йироқ алломаи давронга мунтазирдир.

Албатта, биз бу борада Сизнинг мунаvvар ва ҳамиша уйғоқ руҳингиз наздида қарздормиз. Шояд бугунги илмий анжуман ўртада тўғон бўлиб турган тил ва ноўрин тарафкашликлардан қутилишнинг истиқболли йўлини очар ва Бухорои Шарифда тадқиқотчисига илҳақ ётган маънавий ҳазиналар Мустақил Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ ёш авлодига дарддош бўлар. Иншооллоҳ, устод Айний, аллома Фитрат ва Сизнинг руҳий мададингиз, сабоку ибратларингиздан ҳамон умидвормиз, мангулик бўstonида ором олаётган муҳтарам Устоз!

### Адабиёт ва изоҳлар:

1. В.Абдуллаев. Толиб Толибий (Бухоро қадимги маданияти ва адабиёти изларидан). Бухоро ҳақиқати. 1960, 18 декабрь. Яна: XIX асрда Бухорода ўзбек адабиёти. Ўша рўзнома. 1960, 14 август. Умуман, 1938 йилдан (Бухоро пролетари. 1938, 16 апрель) 1984 йилга қадар Бухоро рўзномаларида акад. В.Абдуллаевнинг ўттизга яқин шеъру мақолалари чоп этилган.

2. Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. Мерос. Тошкент: – 1991, 103-бет.

3. Акад. В.Абдуллаев илмий раҳбарлигига Бухоро давлат педагогика институтининг М.Абдураҳмонов, Т.Қораев, О.Расулова, М.Қосимова, Т.Норов каби илмий ходимлари номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

4. В.А.Абдуллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. XVII асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмигача. Олий ўқув юртлари учун дарслик. “Ўқитувчи”, Тошкент: – 1969, 121-122, 156-158, 219-235-

бетлар.

5. 90-йилларда ҳам Бухорда XVII – XVIII асрлар адабиётига доир бир қатор илмий ишлар ёзилди, диссертациялар ёқланди. Жумладан, 1997 йилда Д.Каримова “Содик Жондорий адабий меросининг жанрий таркиби ва бадиияти”, 1998 йилда Қ.Тұхсанов “Шавкат Бухорий шеъриятининг услуги ва бадиияти” мавзуларида номзодлик ишларини ҳимоя қылдилар. Бирок мазкур ижодкорлар асарларининг тожик тилида эканлиги бир қатор сунъий қийинчиликларни көлтириб чықарди. Жаңнатмақон Самарқандда академик В.Абдуллаев таваллудининг 90 йиллигига бағишилаб ўтказилаётган республика илмий – амалий анжуманининг (2002 йил, 15 май) ана шу масалада жиддий қарор қабул қилишидан умидвормиз.

## ТАСАВВУФ - АХЛОҚИЙ ПОКЛАНИШ МАКТАБИ

Кейинги саккиз-түқкіз йил ичидә адабий-маънавий ҳаётимизда "тасаввүф", "мутасаввиф", "илоҳиёт" каби тушунчалар тобора кенг кириб келмоқда. Аслида адабий-фалсафий оламнинг бу ҳодисаси XX асрнинг муъжизаси эмас. XV асрнинг иккінчи ярмида яшаб фаолият күрсатған адіб ва қомусий олим Ҳусайн Воиз Кошифийнинг шаҳодатига қараганда, тасаввүфнинг ўқ илдизлари Одам Ато ва уннинг дастлабки фарзандлари тақдиридан бошланади. Бундай илмий тахминлар бошқа ирфоний манбаларда ҳам күзга ташланади. Узок ўтмишда шаклдана бошлаган тасаввүф неча минг йиллар давомида ғоят олис ва түлқинли тараққиёт йўлини босиб ўтди. Уннинг бағрида неча-неча тариқату оқимлар туғилиб, яшаб, ҳаёт билан видолашувга улгурди. Энг муҳими, тасаввүф ҳамиша эзгулик тарафида турди, инсоннинг жисмоний, маънавий-рухий камолатининг ҳаммабоп йўллари, уннинг покланиши ва балоғати устида фикр юритди. Табиатнинг олий хилъати - инсон манфаати йўлида хизмат қилолмайдиган ғоя ва қарашларни ўз жисмидан сиқиб чықарди. Ибратли хулқ-одобни, юксак ва инсоний фазилатларни тарғиб этувчи олижаноб мушоҳада-ю, қарашлар уннинг табиатидан мустаҳкам ўрин ола борди. Тасаввүфни ўзлари учун қисмат билған пок қалбли инсонлар - мутасаввифлар ана ўша эзгу ғояларни ҳимоя ва тарғиб қилиб келдилар. Улар бу йўлда ўз ҳаловатларидан, дунёвий айшу ишратдан кечдилар. Пок яшаш, пок сўзлаш, пок назар ила нигоҳ ташлаш, ҳалол лукмани истеъмол қилиш, ҳаромдан ҳазарни тасаввүф ахли ҳаёт тарзига айлантирдилар. Тариқат пешволари ўз тафаккур меваларини гоҳ назмий, гоҳ насрий асарларида акс эттириб

қолдирдилар. Ишқ ва комил инсон муаммос, мавзуи бўлиб қолди. Айни замонда ишқ ва мансаби босқичлари шакллана борди. Асрлар давомидаги умрларини баҳшида этган маънавий-руҳий олар шайху-авлиёуллоҳлари саъю-ҳаракатлари туғри, комилликнинг босқичлари шакллантирилиб, тақомииз Зикри ўтган босқичлар тасаввуф дунёсида "Шариат, Маърифат, Ҳақиқат" унвонлари билан лўпидга ифодаси. Айтиш лозим, бу бепоён маънавий олам остонасини ҳитобиб ўтган хар бир олим уламо, муршиду машойих ўша босқичларга ўнча шарҳу талқин берди. Натижада хилма-хил қарашлар, қиёслар, ҳатто, бир-бирига зид мураккаб фалсафий-ирфоний умумлашмалар вужудга келди. Тасаввуф босқичларини ҳаёт қиёсида, оммафаҳмрок изоҳлашга ҳаракат қиласиган сўфийлар ҳам кўплаб учрайди. Жумладан, ўшандай мутасаввиғлардан бири "Шариат-бамисоли дараҳт. Гарикат - шу дараҳтнинг шоҳлари. Маърифат унинг япроқлари бўлса, Ҳақиқат мевасидир", - дея анча тушунарли фикр айтган. Тасаввуф даргоҳи кенг бўлгани каби, у билан боғлиқ атамалар ҳам бисёр. Чунончи, Ҳусайн Воиз Кошифий улардан тўрт юз қирқ тўрттасини тилга олади ва шарҳлайди. Бу бир олимнинг холосаси ва икрори. Аслида эса улар ундан-да кўп. Ҳар бир босқич ва мақом ўз арабий номи, дарров илғаб олиш қийин бўлган анча мураккаб таърифларига эга. Ростини айтганда, уларнинг барчасини эслаш, таърифларини шаррос айтиб бериш ноимкондир. Бироқ ўша саъю-ҳаракатларининг тўқнашув нуктаси, мақсад, моҳияти якранг. Ҳужжатул-ислом И мом Фаззолийнинг қатъий таъкидига кўра, "тасаввуфнинг инсон манфаатларининг камолоти йўлида хизмат килишдан ўзга мақсади йўқ". "Жаҳон нигаҳбони" (Алишер Навоий ибораси) Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари эса поклик, унинг кирраларини назарий жиҳатдан асослашдан ташқари, ёниқ ишқ ва поклик билан яшашнинг ногакрор шахсий ибратини кўрсатдилар. Эрон тасаввуфшунос олими Абулхусайн Зарринқўб маълумотларига кўра мусулмон дунёсида Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларида ҳаққа, олий мақомга кўтарилган улуғ аждодларимиз уч юз элликдан зиёдроқдир...

Айримлари айтилган жиҳатлардан аёнлашаётирки, тасаввуф табиатида инсон балогати учун зарар етказадиган ҳеч нарса йўқ экан. Аксинча, бизнинг тариқат билан йиллар давомидаги ноаниқ ва мақсадсиз жангимиз маънавий дунёмизда катта ўририлишларни вужудга келтирди. Мустақиллик шарофати билан илоҳиёт ва тасаввуфга доир ҳатарли ҳаракатимиз тўхтади. Юрт сарвари

И.А.Каримовнинг оқилона саъю-ҳаракатлари туфайли айни соҳаларни тадқик этиш жонланди. Бунинг учун Иўлбошчимизнинг "Маънавият ва маърифат, маданият ва ахлоқ ҳақидаги асарларни кўплаб чоп этиш, айниқса, маданий мерос билан бирга янгиланаётган бугунги турмуш тарзини ва янгича тус олаётган жамиятимиз мазмун-моҳиятини теранроқ ёритиш, кенгроқ ўрганиш мухимдир" (Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Тошкент, "Ўзбекистон", 1996, 261-бет) каби доно кўрсатмалари дастуриламал вазифасини ўтаётир. Яратганга беҳад ҳамду санолар бўлсинки, ўша ғоявий ҳужжатлар туфайли, илоҳиёт, тасаввуф ҳақида очиқ-ойдин гапириш, ёзиш шарафи мұяссар бўлди. Истиқлол берган неъмат шарофати билан тасаввуф қонуниятларни теран ўрганиш ҳаракати авж олди. Республикаиздаги талай зукко олимларимиз мавзунинг хилма-хил қирраларини кашф этишга хизмат қилувчи кенг қамровли ишларни бошлаб юбордилар. Ана шу ҳаракатнинг олдинги сафларида салоҳиятли адабиётшунос ва мунаққид, юртдошимиз Иброҳим Ҳакқуловнинг бораётганлига кувончли ҳодисадир. 1949 йилнинг айни баҳорида (28 март) Шоғирконнинг Талижасида дунёга келган Иброҳим туман марказидаги мактабда ўрта маълумотни (1965) олди. У 1966 -1970 йилларда Бухоро давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультетида таҳсил кўрди. Иброҳим Ҳаққуловнинг мумтоз адабиётга ҳаваси ва дастлабки изланишлари талабалик йилларидан БухДПИда бошланган эди. У 1970-1972 йилларда Шоғиркон туман рўзномасида хизмат килди. Ана ўша йилларида Иброҳимжон Ҳожа Ориф Моҳитобоннинг мангуборомгоҳини бот-бот тавоф этди, улуғ шайхдан дуолар тилади. Ўша ғайбий дуоларнинг истеъдодли олим тақдирида ижобатга ўтганига бугун гувоҳмиз... И.Ҳакқул 1973 йилдан ҳозирга қадар ЎзРФА Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида хизмат қилиб келади. У ана шу даргоҳда оддий илмий ходимдан бўлим бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди...Унинг етакчи тадқиқот соҳаси мумтоз адабиётнинг долзарб масалалари ҳисобланади. Табиийки, мумтоз адабиёт вакиллари адабий меросини илоҳиёт ва тасаввуфдан ажратиб ўрганиш, дарё сохилига бориб, ташна қайтишга тенгdir. Бу ҳақиқат отахон адабиётшуносларимизга ҳам кундай равшан эди. Бироқ сиёсий зуғумлар туфайли, улар фоний дунёни олам-олам армонларини опичлаб кетиб тарқ қилдилар. Иброҳимнинг зарофати ва ҳозиржавоблиги шундаки, давр берган имкониятлардан фойдаланиб, мумтоз шеърлар таҳлилига теран шўнғиди. Қатор ғазалларга шарҳлар ёзди. Тасаввуф билан жиддий қизиқди. Собиқ

Совет Иттифоқидагина эмас, хорижда, айниқса, Туркияда чоп этилган кўплаб илмий асарларни кўлга киритишига муваффак бўлди. Араб тили курсларида таҳсил кўриш унинг учун икки томонлама манфаат келтирди: биринчидан, ёзувни пишиқ билиш адабий-илмий манбаларга кенг йўл очди. Иккинчидан, тил ўрганиш илоҳиётни, исломни чукур ўзлаштириш калитини берди. Ислом ва тасаввuf эса ҳамиша бақамти туради ва бири-иккинчисини тақозо этади. Табиийки, айримлари эслатилган маънавий омиллар Иброҳимнинг мақолаю китобларига рангу маъно бахш этди, уларнинг илмий таъсири ва ўқишлилигини оширди. У 80-йиллардаги даврий матбуот ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали туркум мазмундор чиқишлоар қилди. Ўша саъю-ҳаракатлари унинг муҳибу муҳлисларини кўпайтириди. Талабчан ўқувчининг диди нозик бўлади. Уни топиш ҳам, сақлаш ва кўпайтира бориш ҳам осон эмас. Иброҳим ана шу хаётий ҳақиқатни тўғри илғади ва савобли ҳаракатларини изчил давом эттириди. Бирин-кетин унинг "Ўзбек адабиётida рубоий", "Увайсий шеърияти", "Бадий сўз шукухи", "Занжирбанд шеър қошида", "Камол эт қасбким", "Абадият фарзандлари" каби китоблари ўқувчилар қўлига тегди. Тўғри, бу асарларнинг ҳаммасини бир савияда дейиш, уларни фақат мақташ ҳам инсофдан эмас. Уларда "шолилар қаторида курмак"ларнинг ҳам учраб туриши тайин. Муҳими, ўша асарларда мумтоз шеъриятга янгича ёндашув хукмронлик қиласиди. Ана шу йилларда Иброҳимнинг ўзига хос чиройли ифода услуби шаклланди. Унинг илмий изланишларида бўлиқ фикр, магзу маъно ёнида кучли эҳтирос ҳам туради. Масаланинг бу жиҳати олим тадқикотларида ўзига хос бир зарб, оҳангуд шиддатни вужудга келтиради. Талабчан китобхон эса ана шундай ишларга ташна. Қўлига тушган бундай мақолаю китобларни "ухлай-ухлай" эмас тамшана-тамшана, хузур қилиб ўқийди. Иброҳим илмий фаолиятидаги яна бир жиҳатни алоҳида ургу билан айтгимиз келади. У 80-йилларнинг бошларида ёзи учун туганмас маънавий ҳазинани кашф этди. Бу тасаввuf эди. Мана, салкам ўн беш йил бўлаётир, у шу ҳазинанинг мафтун - маҳлиёси бўлиб, ўз жавоҳиротини излайди. Султонул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларини ўрганди, уларни нашр эттириди. Сулаймон Бокирғоний тўплами устида ишлади, ўша ҳикматларни ҳам ўқувчиларга тухфа қилиб, катта савобга дохил бўлди. Иброҳимнинг туркий машойихлар шеърияти устидаги жиддий илмий изланишлари "Тасаввuf ва шеърият" /Тошкент - 1991/ китобида умумлашган. Китоб илмий- адабий жамоатчилик, кенг

ўқувчилар оммасини беҳад хушнуд қилди. Шов-шувларга сабаб бўлди, муаллифига қонуний обрў-эътибор келтирди. Асар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Аҳмад Яссавий номидаги мукофотини олди. Бироқ Иброҳим мукофот учун эмас, қалбнинг маънавий эҳтиёжини қондириш учун тинимсиз изланди, ёзди, тасаввуф ва маърифий шеърият устидаги изланишларини янада чукурлаштира борди. Олимнинг тинимсиз саъю-ҳаракатлари туфайли унинг "Ўзбек тасаввуф щеъриятининг шаклланиши ва тараққиёти" (ғоявийлик, издошлиқ, образлар олами) мавзуидаги йирик илмий иши дунёга келди. Иброҳим бу тадқиқотни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти илмий кенгашида докторлик диссертацияси сифатида мувваффакиятли ҳимоя қилди. Илмий кенгаш истеъоддли олимнинг мазмундор мазкур тадқиқоти учун унга филология фанлари доктори илмий даражасини бериш ҳақида яқдиллик билан қарор қабул қилди. Ҳа, 70-йиллардаги ширин орзулар, аллома бобо - Ҳожа Ориф Моҳитобон ҳазратларининг увайсий фотихалари ўз самарасини берди ...

Иброҳим Ҳаққулнинг "Ирфон ва идрок" китоби (Тошкент, "Маънавият" -1998. 160 бет) олим кузатишларининг қалин қаймоғи сифатида кенг ўқувчилар кўлига етиб борди. Бу асарларни алоҳида ҳайрат ва ҳаяжонсиз ўқиш, ҳазм қилиш қийин, Нақшбандия тариқатининг пири комилларидан бири Ҳазрат Навоий буюрадилар:

Илм, Навоий, сенга мақсад бил,

Эмдики, илм ўлди, амал айлагил,

Айни байт мағзидаги моҳият Иброҳимжон учун ҳаракат дастури вазифасини адо этмоқда. У кейинги йилларда юзлаб илмий мақолалар яратиш, Республика радио ва ойнаи жаҳони орқали мазмундор сұхбатлар қилиш билан бирга олий ўкув юртларида маърузалар ўқиб келади. Жумладан, БухДУ тасаввуф ва ўзбек мумтоз адабиёти (Собиқ ўзбек адабиёти тарихи) кафедрасининг ҳамкорликдаги мудири сифатида ўз факультетдошлари маънавий руҳий тарбиясида катта ҳисса қўшаётир.

Муҳтарам Юртбошимизнинг "Янги мафкуранинг асл мазмуни янгича , эркин фикрлайдиган, мутеълик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир", - деган оқилона фикрларини асос сифатида қабул қилган Бухоро давлат университети маъмурияти ва Илмий Кенгаши 2000-2001 ўкув йилидан бошлаб барча факультетларда "Тасаввуф, ўзбек мумтоз адабиёти ва ахлоқий-маънавий тарбия муаммолари" мавзуида ихчам

қарор қабул қилди. Шунингдек, ўзбек филологияси факультети ўкув режасида "Тасаввуф ва Шарқадабиёти поэтикаси асослари" фани ҳам мавжуд. Профессор И. Ҳаққулнинг қўлингиздаги "Тасаввуф сабоқлари" назарий қўлланмаси ана ўша фанлэр учун маъруза матнлари сифатида ёзилган. Тасаввуфга доир яхлит маълумот берувчи дарслер ва қўлланмаларнинг йўклиги, мумтоз ҳамда бугунги тадқиқчилар карашларидаги хилма-хиллик туфайли мазкур иш илк тажриба сифатида муаллиму талабалар хукмига ҳавола этилаётir. Назарий қўлланманинг уч таркибий қисмга бўлиниши замирида ҳам ўша мураккабликлар ётади. Ҳажмни назарда тутиб "режа", "савол ва топшириклар" муҳтасар килинди, адабиётлар китоб охирида берилди. Қўлланманинг амалий машгулотларга мўлжалланган иккинчи китобида эслатилган усулий жикатлар, албатта, инобатга олинади.

"Тасаввуф сабоқлари" норасониклардан, баҳсли ўринлардан ҳам холи эмас. Сизнинг кимматли фикр-мулоҳазаларингиздан умидвормиз, кадрли ўкувчи! Улар назарий қўлланманинг иккинчи нашри ва амалий дарсларга мўлжалланган китоби учун аскотади.

Маъруф Шайх Сирри Сакатий "Тасаввуф бори гўзал ахлоқдир", - дея башорат киlgан эканлар. Агар шу фан ва унинг назарий қўлланмаси Сизнинг ахлоқий-маънавий покланишингизга озгина бўлса-да улуш қўша олса, муаллиф ҳам, университет маъмурияти-ю мударислари ҳам муродларига етгусидир!

## МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ЙИЛЛАР<sup>41</sup>

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими, Бухоро давлат универсиети профессори, филология фанлари доктори Ҳамид Ғуломович Нематовнинг ўз дастхати билан иншо қилинган "Таржимаи ҳол"даги мана бу жумлалар беихтиёр бизнинг эътиборимизни жалб қилди: "...Отам меҳмонхоналаридан ва онамдан олган дарсларимнинг энг асосий моҳияти фаҳмни (зоҳирий, хиссий) идрокдан (ботиний, аклий, тахлилий) фарқлаш қобилияти бўлди. Дунёда нимага эришилган бўлса, барчасига шу қобилият сабаб бўлган". Заковатли олим ушбу мағзли жумлаларининг муроаласи беихтиёр Шайх Азизиддин Насафийнинг мана бу мушоҳадаларини хотирга келтирди: "Инсоннинг вазифаси – узлуксиз маърифатга интилиш ва нур билан (қалбни) тўлдириш ва илм топиб, мусаффолик сари интилишдир" (Азизиддин Насафий. Зубдат ул- ҳақойик. 21 - б.).

<sup>41</sup> Макола академик Қ.Мукимов билан ҳаммуалифликда ёзилган.

XIV асрда яшаб фаолият кўрсатган машхур Шайх ҳазратларининг бундай таъкиди “Куббат ул-ислом”, Машриқнинг табаррук шариф шахри унвонларига лойиқ кўрилган Бухоро ва унинг зариф инсонлари тақдирни учун тўла хосдир. Зеро, муайян замин парчаси, маълум юрг ўз-ўзича табаррук бўлиб қолмайди. Ўша масканнинг шуҳрати эса фозилу олим фарзандларига боғлиқдир. Муйсафид Бухоро тарихида ҳам шундай синашта жараён кечди. Абу Ҳафси Кабир, Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Абу Али ибн Сино сингари донишманд фарзандлари туфайли Бухоро ўша юксак унвонларга мушарраф бўлди. Муҳаммад Наршахийнинг “Тарихи Бухоро” асарида қайд қилинишича, ўшандай довруқли олимларнинг рўйхати тузилса, бир неча китоб бўлади. Табаррук юртимизнинг ўшандай фозил фарзандлари ҳам оила мұхитида меҳмонхонада таълим олишган. Инсон умри оқар дарёга ўхшайди. Сен унинг мазмун – моҳиятини фаҳмлашга улгурниб – улгурмай ўтади. “Сўнгги пушаймон”нинг фойдаси эса сизга аён. Ана шу ҳақиқатнинг тагига етган инсонлар соатлар эмас, сонияларни қадр килиб, ўзларидан саодатли хотиралар колдириш илинжида бўлишади. Дарвоҳе, файласуф шоир Максуд Шайхзоданинг қўйидаги мисраларида шундай бўлиқ маъно мұжассамдир:

Умрлар бўладики, ўлган одам тирикдир,  
Умрлар бўладики, тирик одам ўликдир.

Проф. Ҳ.Ф.Неъматов ҳакида мушоҳада этганда, негадир, ана ўшандай фалсафий мушоҳадалар тафаккуримизда чарх ура бошлади. Нега? Саволлар, уйғоқ, тагдор саволлар қалашиб кела бошлади. Айтгандай, саволлар изидан оқиб келадиган, дилларга ифтихору сурур баҳш этувчи, Яратганга бехисоб шукроналар айтишга ундовчи қувончли жавоблар ҳам кам эмас. Бутун онгли ҳаётини эзгулик ва илм равнаки йўлига сарф этган бу ноёб истеъдод, қомусий билимлар соҳибининг умр йўлида мухрланиб қолган нурли саҳифалар бисёрдир...

Шу маънода, Шарқда, жумладан, Бухорода ҳам меҳмонхона ўзига хос мактаб, мадраса вазифасини ўтаган. Унда тўпланадиган фозил инсонлар гийбату шаробдан эмас, ориф сўфиylар ўринли эътироф қилганиларидек “илмдан кўп карра устун бўлган маърифатдан” “кайф” ва завқ олганлар. Шундай маънавий-маърифий давралар проф. Ҳ.Неъматовнинг падари бузруквори Гуломқодир Неъматуллобой Урганжий меҳмонхонасининг ҳам бош муаммоси эди. Неъматовлар хонадонидаги маърифий мулокотларда шариф шаҳарнинг Мулло Мирфозил, Кори Усмон, Кори Бадриддин, Эшони

Сулаймонхўжа Мухторов, Камолиддин эшон ибн Жалолиддин эшони Девбанд, Кароматулла Саббоҳ (Шайхи Зангўла) каби маъруф олиму уламолар иштирок этишган. Ҳеч қандай расмий илмий даража ва унвонларга эга бўлмаган бу улуғ инсонлар Фирдавсий “Шоҳнома”си, Ҳазрат Навоий “Хамса”си, Ҳожа Ҳофиз, Абулмаоний Бедил, Шайх Саъдий сатрларини ёддан, соатлаб замзама қилишган. Ёш, зехни ўткир, илмпараст Абдуҳамид ўша шавку завки баланд мулоқотларнинг иштирокчиси, “дастёр – чой ташувчи” эди. Бизнинг бу битикларимиз қилча бўлсин, муболага ва уйдирмадан йироқдир. Зеро, проф. Ҳ.Неъматов билан дилдан сухбат қурган, унинг туркий ва форс-тожик адабиётидан бирдай йирик-йирик насрой ҳамда назмий парчаларни ёддан айтганинг шоҳиди бўлган инсонлар бунга қаноат ҳосил қиласи, албатта. Ҳар қандай инсоннинг тарбияси, балогатида оила мухити таянч омил – биринчи мактаб, ота-она эса муаллими аввал вазифасини адо этади. Абдулҳамид билан ҳам шундай бўлди. Ҳофизу Навоий, Саъдию Бедил шеъриятидан лаззат олган, ўзи ҳам ҳароратли назмий мисралар битган волидайи муҳтарамаси Муҳаббатбону Мирзабой қизининг қалбларга жунбиш олиб киравчи мағзли аллалари, адабий-нафосатли муомала-муносабати ёш гўдак табиатидаги илоҳий истеъодод куртакларини парвариш қилганлиги ростдир. Ана ўша бир-бирига узвий алоқадор икки – маънавий-маърифий оқим бирлашиб Абдуҳамидни шахс, олим ва ориф инсон сифатида шакллантириди.

Жаҳон адабиётининг нодир истеъоди Л.Н.Толстой “Икрорнома” асарида қуйидагиларни ёзади: “Хўш, мен яна нимани изляпман?” –деб садо беради дилимдаги овоз. Мана, У, Усиз яшаб бўлмайди. Худони танимоқ ва яшамоқ айнан бир нарса. Худо – хаётдир. “Яша, Худони излаб топ, шунда хаётинг Худосиз бўлмайди”. Шунда қалбимдаги ва атрофимдаги нарсаларнинг ҳаммаси ҳар қачонгидан кучлироқ, нурланиб кетди ва бу нур мени ортиқ тарк этмади” (“Тафаккур”, 1997, 2 сон, 85-бет). Проф. Ҳ.Неъматов тақдирида ҳам шу илоҳий-ғайбий, табиий-маърифий жараён кечди. У ўша болалик йилларидаёқ “Ўз Худосини”, Қалбини ҳамиша ёритиб турувчи нурни – маърифат зиёсини ота-онасидан олди...

Дарвоқе, Ҳамид Неъматовнинг дунё тилшунослиги кенгликларида эркин сайр қилиши, ўша жаҳоний андозаларда фикрлаб, ёзишининг таянч тагкурсиси падари бузруквори ва муниса онагинаси тарбияси туфайли унинг вужуд вужудига сингиб кетган ана ўша илоҳий ғоялар ҳамда самовий қобилиятнинг уйғунлашуви ҳосиласидир. Муқаддас Бухоро заминида олим тафаккурида куртак

отган айни маърифий туйғулар ва идрокка интилиш майли Санкт-Петербургда, ўша шахри азимдаги дорилғунунда таҳсил жараёнида такмилига етди. Аслида, бўлажак олимдаги пишиқ маънавий-мантиқий тайёргарлик, тил ўрганишга иштиёқнинг баландлиги ва ўзига бўлган катта ишонч уни Нева бўйидаги шаҳарга, шарқшунослик факультетига етаклади.

Зикри ўтган “Таржимаи ҳол”даги мана бу қайдлар ҳам бизни шундай хулосаға келтиради: “...расмий раҳбарим ақадемик А.Н.Кононов, ҳақиқий, маънавий, илмий, йўналтирувчи устозим Сергей Ивановичдир. 1962 йил 3 январда Сергей Иванов мени шогирдликка қабул қилди ва бош мақсад фанда зоҳирий эмас, идрокий илмлар (билимлар) эканлигини уқтириди”. Ҳамид Ғуломович ўша қайдларини давом қиласкан, “Хозирги кунга қадар тадбиқ этилаётган амалиётим ва шогирдларимга 2050 йилларгача қўрсатиб кетаётганим ишлар йўналишини болаларда ижодийликни ривожлантирувчи таълим тизимини ишлаб чиқишдан иборатдир”, - дея қайд этади. Айни жумлалар кимгadir ноанъанавий, гайри табиий туюлиши мумкин. Бироқ Ҳ.Неъматов билан дилдан мулоқотда бўлган, уни яқиндан билган, олим асарларини идрокий теранлик или муртоала қилган инсон шууридан шубҳа йироклашиб, унинг ўрнини ишонч эгаллайди. Ҳали XX юз йилликнинг 60-йилларидаёқ проф. С.Иванов бўлажак олимдаги айрича истеъдодни илғаб, уни “илоҳий иноят” тарзида баҳолаган эди. Бухорои шарифнинг закий ва “инжик” тилшунос олими проф. МА.Мирзаев “Яратган бутун авлодингнин тафаккур қилиш қобилиятини сенга ҳадя қилган”, - дея Ҳ.Неъматовни эътироф этарди! Қалбларга ифтихор ва ғурур туйғуларини уйғотувчи бундай самимий ва адолатли қайдлар Бухоройи шарифнинг фахри бўлган бу забардаст тилшунос олим ҳақида жуда кўп айтилган. Ҳи, уни нафақат она – Ўзбекистонда, балки Озарбайжону Гуржистон, Туркияю Москвада ҳам эҳтиром қилишади...

XX асрнинг 80-йиллари бошида олим ҳақида ўқишлигини мақола эълон қилган салоҳиятли қаламкаш Аваз Ҳайдар “Мен ўзимиги бир олам кашф этган эдим, олдимда жонли энциклопедия ўтирар эди”, - дея битикларига нуқта қўяди (“Ўқитувчи газетаси”. 1989 йил, 12 декабрь).

“Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатин инсоннинг икки қанотидир”, - дея таъкидлайди Президент И.А.Каримов “Баркамол авлод орзуси” (103-бет) асарида. Бағоят ҳам ва топиб айтилган гап. Дарвоқе, проф. Ҳ.Неъматов қисматида ҳам ўша доно фикрларнинг амалдаги ифодасини кўриш мумкин. Чиндан

да, олимнинг тадқиқотчилик фаолиятидаги икки, бир-бирини такозо этувчи, тўлдирувчи кутб ҳамиша ёнма-ён тутилади, бақамти давом эттирилади: булардан, биринчи йўналиш - туркология, тилшуносликнинг ўзак назарий масалаларини янгича жилода ҳал этиш бўлса; иккинчиси, тил ўқитиш жараёнида "ижодий тафаккур сохибини, онгли, эркин фикрловчи мустақил шахсни шакллантириш"нинг долзарб муаммоларидир. Салкам кирк йилдирки, проф. Ҳ.Нематов ўзининг онгли тафаккурини ана ўшандай замон талаб этувчи долзарб соҳаларга бағишлишдан хузур қилиб, завқланиб келади.

Баъзан янги гояни топиш, уни қоғозга тушириш мумкин. Бироқ унинг изидан тушиб, амалиётга тадбиқ этиш, рўёбга чиқариш эса ҳаммага ҳам бирдай насиб қилмайди. Ёхуд бундай событқадамлик, шижаат, журъат ҳаммада ҳам бирдай ўзидан дарак бермайди. Фаридуддин Аттор Ҳазратлари "Илоҳийнома"да буюрганларидек: "Ҳиммат ва ғайрат одамни олижаноб этажак. Парвардигор ҳиммати баланд одамларни севади ва уларга мададкор бўлади" (39-бет). Шайх Ҳазратларининг айни башоратлари проф. Ҳ. Нематовнинг қисматида ёрқин кўзга ташланади. 1962 йилда С.Иванов томонидан бўлажак олим шуурига сингдирилган таянч мақсад "билимли ижрочини" эмас, "онгли, эркин, ижодий тафаккур қила оладиган етук шахсни шакллантириш" гояси лахча чўғ бўлиб унинг юрагига тушди ва чорак аср у билан ҳамроҳ бўлиб келди. Тўғри, Ҳамид Ғуломович бу ўртада фан номзоди (1970), фан доктори (1978), профессор (1982) каби илмий даража ва унвонлар сохиби бўлди, жамоатчилик назарига тушди. Олимнинг қалдирғоч шогирдлари номзодлик диссертациясини ҳимоя (1983) қила бошлади. Аммо қалбдаги ўша чўғ сўнмади, бироқ уни тинч ҳам қўймади. Олим Ҳалқ таълими вазирига кетма-кет мактублар билан мурожаат этди. 1988 йилга келиб, "қадрдон чўғ" алангага айлана бошлади, республика даврий матбуотида олий ва ўрта мактабда она тили ўқитиш жараёнини тубдан ислоҳ қилиш ҳақида ўзбек ҳамда рус тилларида ("Ўқитувчилар газетаси", 1988 йил, 5 март: "Учитель Узбекистана", 1988 г, 19 марта) жиддий мунозара эълон қилинди. "Эндиғи вазифа, -ёзди проф. Ҳ. Нематов ўша мунозарада,-шаклланган лингвистик онг ва тўпланиган фактик материал асосида ўзбек тилининг ички қонуниятларини аниклашдан, бу имкониятларни рўёбга чиқариш усулларини мукаммал ўрганиш ва ўргатишдан иборат"дир. Олим мазкур чукур ўйланган ва пишиб етилган илмий концепцияни ўша мулокот жараёнида дадил асослаб беришга мұяссар бўлади. Нихоят, ўн йиддан зиёдрокқа

чўзилган бундай баҳсу мунозараларнинг ҳосиласи сифатида синов дарсликлари майдони а келди ва республика талабалари қўлига бориб етди....

Ҳа, проф. Ҳ.Неъматовнинг кўп эзгуликларнинг шоҳиди бўлган ишхонасида сакланаётган "семиз" жилларда бундай эътирофлар, баҳсу мунозаралар туфайли рӯёбга чиқарилиши лозим бўлган илму амалга доир ғоялар жуда кўпdir. Уларга амал тўнини кийдириш учун эса вақт зарур. Қани энди, инсоннинг умри "куш уйкуси" сингари қисқа бўлmas... .

Ҳ.Ғ.Неъматовнинг киндик қони муқаддас Бухоройи шарифнинг табаррук заминига томган. Унинг табиатида ўзидан дарак бердаётган илоҳий истеъодод, орифона мажзублик кирралари отаси Ғуломқодир Неъматуллоҳ Урганжий ва волидайи муҳтарамаси Муҳаббатбону Мирзабой қизининг қону сути орқали йўғрилган бўлса, ажаб эмас. Оиладаги маънавий-маърифий муҳит туфайли ўспирин табиатидаги ирсий куртаклар япроқ ёзди. Куръоний, илоҳий ва шўровий таълим ёнма-ён олиб борилди. Отанинг меҳмонхонасидаги адабий-илмий, илоҳий-ирфоний сұхбат сабоқлари туфайли Абдуҳамиднинг қалбига Шарқ бадиий тафаккури хазинаси дурданалари оқиб кирди. Диний ва дунёвий илмлар бўлажак олимнинг шахс ва серкирра тадқиқотчи сифатида шаклланишида сезиларли таъсир кўрсатди. Ҳамид Ғуломовичнинг тафаккур кўлами кенг, унинг лисоний мушоҳадалари фалсафий, жўшқин ва зулмањайнандир. Шундан унинг мулоҳазаларини дарров тушуниш кийин. Яна олимнинг мантиқий теран жумлаларидан зоҳирий ва ботиний билимлар тўқнашади. У фаннинг турли соҳаси мутахассислари билан бемалол тил топа олади. Бизнингча, булар ёшлиқда берилган шарқона меҳмонхона таълимининг бўлиқ мевалариdir.

Бахти тасодифга қаранг, 1950-1960-йилларда Ҳ.Неъматов ўрта умумий таҳсилни олган Бухоро шахридаги 9-мактаб, бугун унинг учун она тили дарсликларининг яратилишида синов майдончаси вазифасини ўтаётir. Она тили ўқитишида таълим жараёнини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган, ўкувчидаги мантиқий тафаккурни шакллантиришга мўлжалланган дарсликлар айни шу даргоҳда яратилиб, республика ўрта умумтаълим мактабларидан синовдан ўтмоқда. XX аср 60-йилларининг бошида Ҳ.Неъматовнинг тақдирни Санкт-Петербург билан узвий боғланди. Ана ўша шахри азимда у шарқшуносликка доир расмий олий маълумот олди. Туркологияга алоқадор илк тадқиқотларини ўша табаррук даргоҳда яратди, олимнинг ўзи айни олтин даври ҳақида "Мен Буюклар

елкасида эдим" (Ньютон), -деб ёзади. Дарҳақиқат, проф. Ҳ.Неъматов ўша буюк алломалар раҳнамолиги ва табиатидаги нотакрор илохий истеъоди туфайли ўзи ҳам тилшуносликнинг улуг, таникли тадқиқотчиси мақомига эришди. Акад. А.Н.Кононов, проф, С.Н.Иванов, проф. Айюб Ғуломов, проф. Мустақим Мирзаев каби соҳа арбоблари даврасининг суюкли ва умидли вориси даражасига кўтарилди. Юздан зиёд китобу жиддий илмий мақолалари билан туркӣ тиллар тарихи, ўзбек тилшунослигининг жиддий назарий масалаларини ҳал қилишга салмоқли ҳисса қўшди, тил ҳақидаги фанга янгича тадқиқот йўналишини олиб кирди, ўз илмий мактабини яратди. Унинг "Совет туркологияси"да эълон қилинган қирққа яқин ҳамда "Ўзбек тили ва адабиёти" журналида чоп бўлган ўттиздан зиёд жиддий тадқиқотлари ўзбек тилшунослигининг улкан ютуғидир. Ҳ.Неъматовнинг "XI-XII асрлар туркӣ тилдаги ёдгорликлар функционал морфологияси" ( Тошкент, "Фан"-1989), "Ўзбек тили тарихий фонетикаси" ( Тошкент."Ўқитувчи", 1992). "Тил ва нутқ" ( Тошкент», "Ўқитувчи",- 1993), "Ўзбек тили систем лексикологияси асослари" ( Ташкент, "Ўқитувчи",-1995) каби ўндан зиёд рисолалари ва ўрга мактаб ўкувчилари учун мўлжалланган китоблари ўз муаллифининг теранлисоний-фалсафий тафаккуридан дарак беради.

Илохий-ирфоний манбаларда "Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлари"дир, "Кимки илм олган бўлса, пайғамбар алайхис-саломдан тўлиқ мерос олибдир", "Кимки илм истаб қадам қўйса, Оллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилғайдир"...каби ибратли ҳикматларга тез-тез дуч келиш мумкин. Проф. Ҳ.Неъматовнинг онгли ижтимоий фаолиятига назар ташлар эканмиз, унинг ана ўша Шарқ тафаккур дурдоналари моҳиятини ўз ҳаракат дастурига айлантириб олганлигига қаноат ҳосил қиласиз. У тиниб-тинчимас, ҳиммат ва саҳовати баланд, заҳматкаш олимдир. Проф. Ҳ. Неъматовнинг ишчанлик қобилияти, юксак саҳовати олдида хайратда қоласан киши. Шайх Али ибн Саҳл "Фаҳрни истадим, факт ичра топдим", -дэя эътироф қилган экан. Шундай ноёб фазилат проф. Ҳ.Неъматов умр дафтарида шоҳ кўча сингари кўркам, файзли ва ибратлидир. У баъзан бутун бошли кафедра жамоаси ҳал қилиши лозим бўлган (баъзан улар учун ҳам) ишни бир ўзи уddaлаб кўйиб, ҳеч нарсани кўрмагандай қараб туради. У ҳақда баланд овозда гапирмайди. Албатта, биз бу билан проф. Ҳ.Нематовни ҳар қандай нуқсонлардан холи, фаришта дейиши фикридан йироқмиз. У ҳам бизу сиздай ер фарзанди, хом сут эмган банда, албатта. Шундан урфиятда "беайб парвардигордир", -деган ҳикматга бот-бот мурожаат қилинади. Проф.

Ҳ.Неъматов ҳам "шунчаки банда экан", унинг қисматида ҳам уволу савоб ёнма-ён туради, баъзан хатолар кўпайиб кетган ўринлар назарга ташланади. Бирок эзгулик, илм йўлида чекилган улкан заҳмат, инсонларга кўрсатилган химмат уларни босиб кетади. Кейинги йигирма йилдан зиёдроқ давр ичida у юзга яқин номзодлик ҳамда докторлик ишларига расмий ҳакам мақомида "оқ фотиҳа" берди. Проф. Ҳ.Неъматов туфайли ҳар йили БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедрасига тўрт-беш номзодлик ёхуд докторлик диссертациялари ташки тақриз учун юборилади. Табиатан кечирувчан, сертакалтуф, андишли, ростгўй, ҳақпараст ва ботамкин бу олимнинг дафтари аъмолида бундай нурли битиклар бенихоя кўпидир...

Олимнинг юксак илмий чўққиларга кўтарилишида унинг ўзбек, тожик, турк, рус, немис, француз, форс, араб тилларини пишиқ билиши мухим хисса бўлиб кўшилди. Унинг Бухоро шаҳридаги олмон тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган 4-мактабда узок йиллар давомида немис тилидан дарс берганлигини ҳайратсиз қабул килиш қийин, албатта.

Ҳ.Ф.Неъматовнинг 1967 йилдан ҳозирга қадар кечаётган фаолияти Бухоро давлат университети (собиқ педагогика институти) билан узвий боғлиқдир. У шу даргоҳда оддий ўқитувчиликдан доцент, профессор, сиртқи бўлим проректоригача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди.

XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб эса у «Ўзбек тилшунослиги» кафедрасини бошқариб келади. Проф. Ҳ.Ф. Неъматовнинг илмий раҳбарлик - мураббийлик фаолияти ҳам ғоят ибратлидир. Бугун унинг илмий раҳнамолигига ўттиздан зиёд тадқиқотчи фан номзоди ва беш доцент фан доктори илмий даражасига эга бўлди. Улардан аксарияти доцент ҳамда профессор илмий унвонининг соҳибидир. Бугун салоҳиятли олим илм дарахтининг шохчалари ҳам ҳосилга кирди. Унинг ўндан зиёд невара шогирлари филология фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди.

Проф. Ҳ.Неъматовни ҳеч иккilanмай туғма дарвеш, ориф дейиш жоиздир. Унинг тишлари Қуръони мажид оятларини ёдлаш ва тиловат қилиш билан қотган. Шундан бўлса керак, проф. Ҳ.Неъматов жумбокли дунё сирру синоатларини сафдошу тенгдошларидан анча теранроқ тушунади. У дарвешона саъю ҳаракатлари билан кўпчилик эътиборини қозониб келади. Проф. Ҳ.Неъматовнинг бундай майли илм ва амал бобида ҳам ёркин назарга ташланади. Фикримизча, Ҳазрат Алишер Навоийнинг

Илм, Навоий, сенга мақсад бил,

Эндики, илм ўлди, амал айлагил,  
байти магзидаги маъно проф. Ҳ.Неъматовнинг кунлик харакат  
дастурига айланган. Буни унинг ўрта умумтаълим мактабларида она  
тили ўқитиш тизими, мазмун ва усулини тубдан янгилаш борасида  
олиб бораётган улуғвор ишлари мисолида янада ойдин кўриш  
мумкин

"...Ўзини шу мамлакатнинг ҳақиқий ватанпарвари деб  
биладиган ҳар бир қиши,- ёзади Президент И.А.Каримов Кадрлар  
тайёрлаш миллий Даастурига тилаган оқ йўлига, - бу Даастурни амалга  
оширишга ўз меҳнатини, ўз улушкини кўшади, деб ишонаман".  
Дарҳақиқат, проф. Ҳ.Неъматовнинг кейинги йиллардаги барча  
тарафдуд ва ташвишлари Юргарниң ана ўша даъват-  
чақириғига қаратилган муносиб жавобдир. Ўша умумтаълим  
мактаблари она тили дарслклари билан боғлиқ ижодий ишни  
ниҳоясига етказиши арафасида турган проф. Ҳ.Неъматов ва унинг  
ишчан жамоаси академик лицейлар, касб-хунар коллажлари ҳамда  
олий мактаб дарслкларини яратиш нияти билан яшаётир. Ҳа, Шайх  
Аттор буюрганларидек:

Илм ила кимнинг дили равшан эрур,  
У замон ичра саломат тан эрур...

Маърифати юксак, покиза ҳаёт шайдоси касбдош  
биродаримиз ҳақидаги битикларимизга нукта қўйишдан олдин яна  
бир кувончили эътирофни сиз билан баҳам кўргимиз келди, муҳтарам  
ўкувчи! Бухоро сайловчилари олдида катта нутқ сўзлаган Президент  
И.А.Каримов ўша пурмаъно маърузасида, жумладан, қуйидагиларни  
таъкид этган эди:

"...Бу заминда (Бухоройи шарифнинг муқаддас замини кўзда  
тутилади - К.М.,Р.В.) туғилиб камол топган Аҳмад Дониш, Абдурауф  
Фитрат, Садриддин Айний, Иброҳим Мўминов, сингари  
маърифатпарвар алломалар, Олим Хўжаев, Мухтор Ашрафий, Рассоқ  
Ҳамроев, Марям Екубова, Амина Фаёзова, бугунги кунда фан ва  
маданиятимиз равнақи йулида самарали меҳнат қилаётган  
Мутаваккил Бурҳонов, Мустафо Бафоев, Немат Аминов, Комил  
Муқимов, Тўра Мирзаев, Шаҳобиддин Ҳамроев, Ҳамид Неъматов  
каби инсонлар ҳам шу замин фарзандлариридир" (И.Каримов. Озод ва  
обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Асарлар,  
8-жилд. Тошкент. "Ўзбекистон"-2000, 149-бет). Қаранг, қилинган  
шарафли меҳнат сира зое кетмас экан. Кейинги йилларда проф.Ҳ.  
Неъматов Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ Таълими вазирлиги  
хузуридаги ўкув-методик комиссиясининг раиси, Ўзбек тили доимий

анжуманининг раиси (бу рўйхат узун) сифатидаги катта илмий-жамоатчилик фаолияти туфайли Юргбошимизнинг назарига тушди, касбдош, сафдош, тенгдош, шогирдлари ва мамлакат ўқувчи ҳамда ўқитувчилари эътиборини қозонди, Бухоройи Шарифнинг мангулика даҳлдор улуғ алломалари қаторидан муносаб жой олди..,

Йиллар оқиб ўтдилар, уларнинг қанотида проф. Ҳ. Нематовнинг сермазмун умри ҳам барака ва моҳиятга тўлиб, мангулик кирғокларида ўчмас излар қолдириб кечәётир. Тиниб-тинчимас олим, илму амал майдонининг курашчан вакили, ўрта ва олий таълим фидойиси, нозикфаҳм мураббий Ҳамид Нематов муборак 60 ёш, бўсағасига келиб қолди. Унинг 35 йиллик илмий-мударрислик фаолиятидан она Ўзбекистон маънавий-маърифий оламига беғубор ёғдулар муҳрланди...

Шу фараҳли дамларда азиз биродаримизни бағримизга босарканмиз, "Хорманг энди, моҳиятдан баҳт топган, маърифат туғини баланд тутган ва мангулик сарҳадларида ўчмас излар колдиришга улгурган профессор Ҳамид Гулом...", дегимиз келади!

## ИЛМ БЕРГАН УЛУҒ САОДАТ<sup>36</sup>

Ер юзида қадимиш шаҳарлар кўп. Рим, Тбилиси, Марв, Нисо, Балх, Бухоро, Афина, Дехли, Дамашқ, Бағдод, Ереван... Қадимиш шаҳарларнинг шон-шуҳрати ва довруғи бутун оламга тарқалган. Бу шуҳрат ва довруқ ўз-ўзидан бўлган эмас, албатта! ...Жаннатмакон Самарқанди азимнинг бугунги расмий хужжатларда қайд этилган 2500 йилдан зиёдроқ ёши билан рози бўлмаган академик Ботурхон Валихўжаев бекордан-бекорга гапни узоқдан бошлиётгани йўқ. Заковатли олимнинг илмий услубидан хабардор ўқувчи бундай ишоралар замирица ётган жиддий муддаога кўз тута бошлади. «Тарих ва ривоят» мақоласида ҳам олимнинг ўша синашта майли кўзга ташланади. Етук адабиётшуноснинг барча саъю ҳаракатлари бир нуктага—«Сайқали рўйи замин»—Самарқанднинг адолатли ёшини белгилашга қаратилади. Тарихий хужжатлар, кўхна қўлёзмалар бағрида етиб келган далиллар, адабий, тарихий, илмий маълумотларни синчилкаб назардан ўtkazган олимнинг эътиборини мана бу жумла ўзига жалб этади: «Кутайба ибн Муслимининг шаҳарга келишига қадар Самарқанднинг ёши 2250 йил экан»<sup>1</sup>. Мазкур ракам баҳс ва муҳокама майдонини кенгайтириш, истиқболда турган таянч мақсадни юзага чиқариш учун кенг йўл очади. Тарихий манбалар

<sup>36</sup> Ушбу мақола С.Мирзаев ҳаммуалифлигига ёзилган.

<sup>1</sup> Валихўжаев Б. Ҳожа Аҳрор тарихи. Т.: «Ёзувчи». 1993. 3.6-б.

шаходатича, Кутайба ибн Муслим Самарқандни 712 йилда босиб олган. Олим мурожаат қилған күләзманинг бошқа бир ўрнида яна бир кувончли хабар қайд қилинган экан. Алқисса, күхна битиклар гувоҳлигига таянадиган бўлсак, фирмавсмонанд Самарқанднинг (Алишер Навоий ибораси) ёши 3500-4000 йилдир...

Мавриди бўлмаса ҳам бир фикрни ўртага ташлайлик. Назаримизда, бизнинг бу мулоҳазамиз академик Б.Валихўжаевга ҳам манзур келади. Қайсиdir кўхна масканнинг ёшини аниклашда фақат ер ости ашёвий далилларга таяниш тўғри бўлармикан? Қадимшунослар ҳамиша ҳам керакли нуқтага тушмайдилар-ку?! Яна Бухоро ва Хива (Урганч)дай шўр қатлам, сизот сувлари баланд воҳада аждодларимизнинг бетакрор заковати маҳсули бўлган санъат асарлари ҳамиша ҳам ернинг чуқур қатлами остида «жон сақлай» оладими? Эҳтимол, бу борада ҳам ҳукм суреб келаётган мавжуд анъянавий қолипларни бузиш вақти етгандир?! Шояд бизнинг бундай таъкиду күләзмалар бағрида келган рақамлар қадимшунос ва зариф тарихчиларнинг қалбига ҳам меҳр уругини сочса, улар Самарқанд, Бухоро, Хиванинг асл ёшини белгилаш тадорикини кўрсалар, аждодларимизнинг уйғоқ руҳи олдида катта савоб ишни бажарган бўлур эдилар, иншоолоҳ...

Академик Ботурхон Валихўжаев... Аслида бу исми шариф алоҳида ташвиқу тарғиб, таништирувга муҳтож эмас. Дарҳақиқат, ярим асрға яқин муддат ичида мамлакат даврий матбуотида, босмахоналарида ўзининг ўқишли, долзарб ва теран мазмунли мақолаю китоблари билан иштирок этиб келаётган инсон учун мулизаматга зарурат колмайди-да! Чунки у устоз Садриддин Айний, проф. Абдураҳмон Саъдий, академик Воҳид Абдуллаевлар асос соган Самарқанд адабиётшунослик мактабига дадил кадамлар билан кириб келди ва XX асрнинг эллигинчى йилларида ёк Абдулла Қаҳхор ҳакида ёзган мақоласи билан кўпчилик эътиборини қозонди. Қаранг, Бухоройи Шарифнинг эътимодли профессори, тарих фанлари доктори Фарход Қосимов у ҳақда нималар ёзади: «Самарқанд адабиётшунослиги ҳакида гап кетганда, беихтиёр кўз ўнгимизда академик Б.Валихўжаевнинг нурли қиёфаси гавдаланади. Б.Валихўжаев беназир инсон, саховатли қалб эгаси, забардаст олим ва меҳрибон мураббий сифатида нафақат Самарқандда, балки бутун Ўзбекистон илм ахлига, барча зиёлиларга таниш ва қадрлидир... Бебаҳо маънавий меросга ташна ҳалқимизга академик Б.Валихўжаевнинг Хожа Аҳрор Валий ҳакидаги рисолалари тухфа этилди... Дарвоқе, Хожа Аҳрор Валий, Вали Хожа... Бу оҳангдош номларда ҳаёт ҳақиқати, олимона

туташлик ва уйғунлик, инсоний фазилату умумиийлик яшириниб ётган бўлса, не ажаб?!» Тарихчи биродаримиз бир неча карра ҳақ, унинг қалб сўзларида қилча бўлсин сунъийлик, сохталик сезилмайди... Бизнинг тарих ва тарихчиларга ургу беришимиз замирида муайян маъно бор. Ўз «соҳа»си бўлмаган мавзуларга шу қадар теран кириб борган, жиддий мулоҳаза ва хulosаларни ўртага ташлаган олимнинг адабиётшуносликка доир мақолаю, асарлари савияси ҳакида тасаввур қилиб кўриш мумкин. Донишманд халқимизнинг «Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр» мақолини ижобий маънода кўз олдингизга келтирсангиз, масала аёнлашиб қолади...

Академик Б.Валихўжаев азалдан илм шайдоси. У Шайх Абдуллоҳ Ансорийнинг «Билим эгаллашдан тўхтама... илм учун тинимсиз захмат чек»,—дея қилган насиҳатига содик қолди, кўп фанларни ўзлаштириб, кам бўлмади. Унинг тафаккур ва тажрибасида илмлароро мустаҳкам кўприк мавжудлигининг сири ҳам ана ўша захматдадир. Шундан бўлса керак, зариф олимнинг мақола ва тадқиқотларида ҳамиша фанлар учрашади, уларнинг омиҳталиги ярк этиб назарга ташланади. Зикр этилган фазилат «Тарих ва ривоят» мақоласида ҳам ёрқин намоёндир.

Мақола ўз муаллифини зийрак манбашунос, Шарқ мумтоз адабиёти тарихи донишманди, тарихшунос, элшунос, сўзшунос (бу рўйхатни давом эттириш мумкин) сифатида шарҳлаш имконини беради. Даъво куруқ бўлмасин учун яна кичик бир мисолни олиб кўрайлик. Олим «Тарих ва ривоят» мақоласи бошида Тбилиси шаҳрини рўйхатга киритаркан, у билан дарров «хайрлашиб» кўя қолмайди. Бош мавзу—Самарқандга доир талай ривоятларни келтирган муаллиф мушоҳада майдонини кенгайтира боради ва Кавказ шаҳарларига алоқадор катор ҳалқона кисса ҳамда ҳикоятларга мурожаат этади. Жумладан, Қора денгиз сохилида жойлашган Гудаута, Гуржистоннинг пойтахти Тбилисининг шаҳар мақомини олиши билан вобаста ривоятларга ишора қилади. Ўшаларга биноан Тбилисининг шаклланиши V асрда хукмронлик қилган Ваҳтанг Гургасалга боғланган ва ҳалқ бу бунёдкор хукмдор ҳакида ажойиб асарлар ижод этган...

Устоз адабиётшунос ўз шогирд, касбдош ва маслаҳат сўраб унга мурожаат этган мухлисларига гоят назокат билан бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлашдан толмайди. Ўкувчига тақдим этиладиган каттаю кичик ишда, кичик бўлса-да, тоза бир гап айтилиши зарур! Эҳтимол, бундай мулоҳазани айтиш, талаб қилиш мумкинdir. Аммо унинг ижроси ҳамиша ҳам осон кечмайди. Академик Б.Валихўжаев-

нинг табиати, феълу атвори тадқиқотчилик фаолиятига хос фазилат эса тил ва дил, илм ва амалнинг уйғулиги ёнма-ён туришидадир. Айни масалада олимнинг ўзи Мир Алишер Навоийнинг:

*Илм, Навоий, сенга мақсуд бил.*

*Эндики, илм ўлди амал айлагил, —*

байти мағзидаги маънога қатъий амал қилиб келади. Айтганларимиз «Тарих ва ривоят» маколаси учун ҳам бегона эмас. Аввало, шу кичик иш Б.Валихўжаев ижоди муҳлисларига ўз муаллифини киндиқ қони томган она замин—Ватани Самарқанднинг катта фидойиси сифатида тақдим этади. Академик Б.Валихўжаев учун дунё Самарқанддан бошланиб шу шахри азим билан интиҳо топади. Фозил олим назарида «катрада қўёш» акс этади. Зикри ўтган мураккаб фалсафий-ирфоний жараён унинг илмий ишларida табиий равишда, юксак фасоҳат билан, мулойим, мўътадил кечади. Уни такрорлаш, унга тақлид қилиш эса ҳар қандай хушёр инсонга ҳам панд беради. Ирфоний-илохий тъъбир билан айтиладиган бўлса, булар академик Б.Н.Валихўжаевга яратганнинг беҳад улуғ марҳамату иноятидир. Яна бир жиҳатни ҳам таъкидлаш жоиз, ўз юртини улуғлаш пайида олим ўзгаларни ўкситиб қўйишини ҳам хуш кўрмайди. Ботурхон домла тўла маънода байналминалчи олимдир. У форс, тоҷик, ўзбек, рус, фаранг (кейингисида жиндак муболага йўқ эмас) тилларида деярли бирдай фикрлайди ва ёза олади. Унсурул маолий Кайковус «Қобуснома»сида қайд килинганидек «Акл бир қимматбаҳо нарсаки, уни ўғри олиб кета олмас, ўтда ёнмас, сувда оқмас». Академик Б.Валихўжаев учун ягона илмий ҳақиқат ҳолислик, адолат, меъёр ва сарчашмалар кафолатига, ишончли далилларга таяниб мулоҳаза юритиш хисобланади. Олим қаламидан чиққан барча каттаю кичик ишларнинг яшовчанлигини тайин қилган таянч омил ҳам ана ўшалардир. Шарқ мумтоз адабиёти, айникса, Алишер Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўли академик Б.Валихўжаев тадқиқотчилик фаолиятида марказий ҳалқани ташкил этади. Олимнинг улуғ шоир «Ҳамса»си, шеърияти, насрый, илмий, тарихий, ирфоний мероси, ҳаёти, Самарқанд ва шу адабий мухит билан алоқасига доир юзлаб илмий, илмий-оммабоп асарлари миллий навоийшунослигимиз хазинасида алоҳида мавкега эгадир. Шундан бўлса керак, отахон адабиётшунос, икки марта Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори профессор А.Ҳайитметов у ҳақда катта ихлос ва самимият ила куйидагиларни ёзади: «20-асрнинг эпиграфичи йилларидан бошлаб, ўзбек адабиётшунослигининг мумтоз әлабиётимиз тарихини ўрганиш соҳасидаги ютуқларини катта олим Ботурхон Валихўжаев тадқиқотларисиз тасаввур этиш кийин.

Унинг Алишер Навоий «Хамса»си достонлари, Захириддин Муҳаммад Бобур ижодиёти, Ҳожа Ахрор Валий фаолияти юзасидан эълон қилган илмий ишлари адабиётшунослик фанимизнинг олтин саҳифаларини ташкил этади».

Истиқлол олий илохий неъмат, у бизга арzonга тушгани йўқ. Мубориз аждодларимиз аср-асрлар оша ана ўша неъмат иштиёқида қон тўкиб, жон нисор этдилар. Шундан бу йўлдаги қурашларимизнинг теран томирлари олис тарих қатламларидан кувват олади, десак сира муболага бўлмайди. Ана шу ҳақиқатни биз теран англашимиз, бугунги авлодимиз шуурига сингдирмоғимиз зарурдир. Академик Б.Валихўжаев асарларининг мағз-мағзига ўтмиш сабоқлари мисолида бугуннинг қайноқ ғояларини сингдириш, истиқлолни, юксак шижаат, ватанпарварлик, халқсеварлик, мардлик, жасорат, юрт учун жонни нисор этмоқка шай туриш, огоҳликка даъват туйгулари ҳамиша балкиб туради. Шунинг учун бу заҳматкаш олимнинг ёзғанларини ўқиган китобхоннинг тилида ширин лаззат қолади, у беихтиёр тамшаниб қўяди; шуурига, тафаккур оламига фойдали маънавий озука қўшилганидан кувонади. Ҳудди шу туйғу олимнинг Захириддин Муҳаммад Бобур ҳакида ёзган мақолаларида, айниқса, «Ўзбек адабиёти тарихи» 5 жилдлигининг 3-жилдига киритилган яхлит тадқикотида, «Адабий мерос»да чоп бўлган «Бобур ва унинг замондошлари ижодида туюқ», «Бобур ва форс-тожик адабиёти» каби ишларида ёрқин назарга ташланади. Академик Б.Валихўжаев қалами тухфа қилган адабий манбалар, ўзбек ҳамда форс-тожик адабиётлари ўзаро таъсири ва алоқасига доир жиддий мақолалар тоза гапининг борлиги, илмий-адабий маълумотларга бойлиги, хуносаларининг етарли асосланганлиги ва бўлиқлиги билан дикқатни торгади. «Тарих ва ривоят»да кўзга ташланадиган сержило услугуб, мавзуга теран нигоҳ, адабий-тарихий, илмий-ирфоний маълумотларни чертиб-чертуб саралаш, фанларнинг ўзаро тўқнашуви ва оміхталиги сингари фазилатлар юкорида санаганимиз адабий мақолалар учун ҳам тўла хос хусусиятдир.

Ботурхон домла мақолаларида халқ ва юрт фаровонлиги муаммолари дикқат марказида туради. Бундай ноёб фазилатлар «Тарих ва ривоят» мақоласида ҳам назарга ташланади. Дарғом канали қачон бунёд этилган ва унинг қазилишидан кузатилган максад нимадан иборат эди? Кўркам шаҳар учун мазкур ҳаёт артериясидан қанча «томирчалар» хосил бўлган? Жўйи Чокардизанинг узунлигини биласизми? Таҳлил этаётганимиз мақолада шу ва айни йўналишдаги саволларга қаноатланарли жавоб топа оламиз. Мана, ўзингиз мулоҳа-

за қилиб кўринг:

Алишер Навоий асарларида «Кўҳақ» номи билан тилга олинган Зарафшон дарёси Самарқанд шахри ўрнашган худуддан анча чуқурликда оккани учун ҳам Дарғом канали эҳтиёж сифатида бунёд этилган ва у олтин камар мисоли шаҳарга ҳалқа бўлиб, уни неча юз йиллар давомида обиҳаёт билан таъмин этган. Дарғом ўз навбатида яна бир қатор «қон томир»ларига ажралган. Ундан тўртта катта ариқ ҳосил бўлиб, шаҳарнинг тўрт томонига сув тарқатган. Цундай катта сув иншоотларидан бири Жўйи Чокардизадир. Үн етти минг икки юз кирқ (17240) газ узунликка эга бўлган мазкур ариқдан яна каттаю кичик эллиқдан ортиқ сув йўллари ҳалқ фаровонлиги йўлида хизмат қилган. Самарқанд шахри аҳолиси ҳақидаги мана бу ихчам жумлага эътибор қилинг<sup>2</sup>. «Шаҳарнинг аҳолиси бақувват ва дилрабо, журъатли ва шафкатлидир»<sup>3</sup>. Мақола муаллифи ана шу йўсинда ўқувчи қалбидა ёзганларига ишонч уйғота боради ва уни (ўқувчини) шахар ҳокими Фурак бошлиқ фидойиларнинг араб босқинчиларига қарши қаҳрамонона кураши билан юзлаштиради<sup>4</sup>. Етти юз минг куролланган қўшини билан Самарқанд қальласини қўлига кирита олмаган араб саркардалари шаҳарни узоқ муддат камал қилиб ётишади. Самарқанд ахли эса юксак мардлик нишоналарини кўрсатиб, она шаҳарларини мудофаа қиласди. Ночор ахволда қолган босқинчилар ҳийла йўлига ўтишади. Олимлари маслаҳати билан тўрт сандик ясаттирган араб саркардалари улар ичига ўз аскарларини солиб, шаҳар ичига киритишга мусассар бўлишади. Душманинг ҳарбий ҳийласи, ичиди куролланган аскарлар яширинган тўрт сандик билан боғлиқ лавҳалар ҳар бир ўқувчини ҳушёр тортиради. Ҳар қандай вазиятда ҳам бефарқлик, лоқайдлик иллатига чалиниш жиддий панд бериши мукаррарлиги ғояси ўқувчилар оммаси қалбига сингиб, ўзлаша боради. Олимнинг сандик ва Троя оти билан алоқадор ҳарбий ҳийлалари ўртасида мантиқий вобасталик туюши қизикиш уйғотади. Шу зайлда мазмун ришталари бадиий адабиётга Гомернинг ўлмас «Илиада», «Одиссея» ва Вергилийнинг «Энеида» асарларига бориб уланади<sup>5</sup>. Салоҳиятли олим илмий ишларидаги бундай серқирралик тасодифий ҳолат эмас, албатта. Унинг теран томирларини Набераҳўжа Валихўжаев хильят табиатидан излаш масалагаadolатли ёндашув бўларди.

Ботурхон домла ёшлиқ йиллардаёқ илми адаб, илми бадеъ, илми

<sup>2</sup> Ўша китоб. 8-б.

<sup>3</sup> Ўша китоб. 9-б.

<sup>4</sup> Ўша китоб. 10-12-б.

<sup>5</sup> Ўша китоб. 13-14-б.

қофия, илми каломга айрича меҳр қўйди, китобни ўзи учун яқин дўст билди. Хилъатнинг китоб жавонидаги Низомий Арузий Самарқандийнинг «Мажмаҳ ун-наводир» асаридағи мана бу жумлаларини Ботурхон домла ўша эрта ёшлик йилларида ҳижжалаб ўқиб, юрагига жо қилиб, ҳаёт дастурига айлантирган бўлса, не ажаб «Шоирнинг руҳи тоза, фикри кенг, табъи латиф, кўнгли тўғри ва зеҳни ўтқир бўлмоғи лозим. У яна турли фанлардан хабардор бўлиши, ҳар хил одатлар билан таниш бўлмоғи керак. Чунки шеър ҳар бир илмда қўл келади ва ҳар хил илм шеърда ифодаланиши мумкин». Мушоҳада қилиб кўрайлик, келтирган иқтибосимизнинг академик Б.Валихўжаевга бевосита дахли борми? Танти жавоб эса жуда лўнда. Ҳа! Бирламчи, унинг табиатида шеър завки мужассамдир. Гарчи Ботурхон домла даврий матбуотда ўша шеърларини ошкора эълон килган бўлмаса-да, улар олимнинг мусаввада дафтарлари ва қалб сандигида маҳфуздир. Шундан, Низомий Арузий Самарқандий санаган гўзал инсоний фазилатлар ортиғи билан Ботурхон муаллимнинг табиатида мужассам ва улар ҳар лаҳзада ўзидан дарак бериб туради, десак янглишмаган бўламиз. Иккинчидан, шеър, шоир ва илмлар мажмуи ҳақидаги таъкидда жуда катта маънно бор. Аслини олганда, Арузий Самарқандий томонидан шоир шахси (бу ўринда шоирни кенг мазмунда, умуман, ижод аҳли, адаб маъносида ҳам тушуниш тўғрироқдир) олдида қўядиган талабларнинг замирида пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафонинг «яхшиликни хушрой (ҳам зоҳири ва ҳам ботини назарда тутилади) одамлардан кутинглар», —ҳадиси шарифи ётади. Тўғри-да, юксак маънавий олами, кўламдор тафаккури, кўркам қиёфаси бўлмаган одамдан қандай қилиб минглаб инсонлар қалбига таъсир этиб, уларни изидан эргаштириб, қалбига баланд завқ ҳадя этиш таъсирига эга асарни кутиш мумкин?! Ана шу маънода, юкорида эслатганимиз учлик (шеър, шоир, илм) ўртасида таносуб санъати амал қўлмоғи зарур. Модомики, адабиёт-шунослик адабиёт (юксак санъат) ҳақидаги шариф фан экан, ўша учлик таносубининг адабиётшунос табиатида муқаррар равишда бўлиши шарт эканлиги аёнлашиб қолади. Айни нуқтада адабиёт илми билан шуғулланувчиларни тасниф этиш муаммоси долзарб мавзу сифатида кун тартибига чиқади: том маънодаги түгма табиатли, теран илмли адабиётшунос ва қўша-қўша илмий даражаю, унвонли бандалар ёхуд «нуфузли олимлар».... Табиийки, академик Ботурхон Валихўжаев биринчи тоифага мансуб, савқи табиийга эга

<sup>6</sup> Низомий Арузий Самарқандий. Нодир хикоятлар (Мажмаҳ ун-наводир). Т., 1985. 31-б.

адабиётшунослар рўйхатида сарҳатдирлар. «Тарих ва ривоят» мақоласининг ўзиёқ бизнинг бу қатъий таъкидимизга шоҳиддир. Ўзининг беҳисоб моддий, табиий омиллариға, шу бойликлар қадрига етиб, уларни муҳофаза қилиш құдратига сазовор танти халқига эга Самарқанд юксак илмий-маънавий салоҳиятсиз довруқли шаҳарлар қаторидан жой ололмас эди, албатта. Айни ҳақиқатни дикқат марказида тутган мақола мұаллифи тасаррүфидаги нұқсони күләсма (бу ҳақда мақолада маълумот бор) қажыларыда келган Хожа Шамсуддин Фотфарий, Хожа Мавлоно Фотфарий, устод Мотуридий, Шайх Абу Мансур Мотуридий, Низомиддин Мотуридий, Хожа Яхё, Шайх Абулқосим Ҳаким, Шайх Бурхониддин Соғаржийлар номи ва илмий хизматларидан айрим лавҳаларни ўқувчилари билан баҳам күради. Зоро, мұхтарам Президентимиз И.А.Каримов ўринли эътироф этгандаридек, ўша улуғ алломалар туфайли «Самарқанд халқимиз, миллатимиз довругини бутун дунёга таратган минг-минг ииллик тарихга эга илохий масканимиздир»<sup>7</sup>.

Салкам эллик йилдирки, республикамиз ва унинг сарҳадларидан олис-олислардаги илмий-адабий жамоатчилик академик Ботурхон Валихўжаев илмий-маънавий меросидан баҳра олиб келади. Мамлакатимизда адабиётшунослик илми нұғузини құтаришда муносиб хисса күшган А.П.Қаюмов, А.Х.Хайитметов, Н.Ш. Шукuros, О.О. Мирзаев, С.Эркинов, А.Абдуғофуров сингари ўнлаб фидойи олимлар билан олдинма-кейин шу даргохга кириб келган Б.Валихўжаев қиска муддат ичидә айни мұхит вакиллари назарига тушди. Нафақат она Ўзбекистон, балки Тоҷикистон, Москва, Санкт-Петербург, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон каби шахару давлатларда асарлари чоп этилиб, ўз мұхлисларини топди. Ўзбекистонда хизмат күрсатған фан арбоби, Республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Самарқанд давлат университети ўзбек мұмтоз адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Ботурхон Валихўжаев барқали меҳнати, самарави илмий-ижодий, мураббийлик ва жамоатчилик фалияты билан она халқининг суюкли фарзандига айланди. Зоро, шундан Президент И.А.Каримов самарқандлик сайловчилар олдида сұзлаган катта нутқида, жумладан, куйидагиларни таъкидлаган: «Самарқанддан етишиб чиққан Ботур Валихўжаев, Эркин Абдукаримов, Юрий Буряков, Мұхсин Ашурев, Изіда Абдуқодирова, Темур Ширинов, Руслан Рўзибокиев сингари таниқлы олимлар малакатимизнинг илм-зиё салоҳиятини оширишга муносиб хисса

<sup>7</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлап давр талаби. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 171-б.

кўшиб келмокда»<sup>8</sup>.

Давлат сарвари назарига тушиш, унинг маърузасидан жой олиш баҳти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бу юксак баҳт, узоқ йиллар давомида қилинганди самараали меҳнатга берилган муносаб баҳодир. XV асрнинг қомусий адаби Ҳусайн Воиз Кошифий «Футувватномаи сultonия» асарида ёзади: «Сўз ҳамма савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъкул... Сўз инсонийлик дарахтининг мевасидир. Дарахтни мевадан, мевани дарахтдан ажратиб бўлмайди». Тўғри-да, сўз илоҳий неъмат, инсоннни ҳайвондан жудо айлаган гавҳари шарифdir (Алишер Навоий таъбири). Бас, уни раво бўлган жойда, эзгулик йўлида сарф этмоқ маъкулdir. Академик Ботурхон Валихўжаевнинг баҳти, буюклиги шундаки, у «сўзни савоб учун, тўғри ва ҳаққоний» ишлатиб келади. Унинг «Сўз дарахти» ширин мевалар берганлиги туфайли у эл-юрт, Президент назарига тушди, ардоқланди.

Ўн йил.. Залворли йиллар.. Инсон тақдирида баъзан сувга чўккан тошдай изсиз кетадиган дамлар... Гоҳида шу қисқа муддатнинг муайян инсон ёхуд мамлакат тарихида берадиган самарасини бутун умр ва неча ўн йилликлар давомида ҳам амалга ошириш амри маҳолдир. Ана шу маънода она Ўзбекистон ва академик Ботурхон Валихўжаев қисматида кейинги ўн йил маҳсулдорлигини тасаввурга сифдириш қийин.

Ҳамиша илму ирфон илинжида умргузаронлик қилиб келаётган академик Ботурхон домла ҳаётида истиқлол йиллари «ҳикматли дунё» мақомида ўчмас из қолдирди. Буни куйидаги рақамлар қиёсида жуда равшан кўриш мумкин. Истиқлолга қадар салкам қирқ йил ичида «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» (Т., «Фан» 1974, 150 бет) жиддий рисоласини истисно қилганда, ўн тўрт алоҳида нашрда (ҳаммуаллифликдаги китоблар ва салмоқли илмий мақолалар) илмий асарлари эълон қилинганди. 1992-2001 йиллар давомида олимнинг «Эзгулик - умр мазмуни», «Хожа Ахрори Вали» (Тожик тилида, 64 бет), «Рашҳаи қалам» (Тожик тилида, Душанбе-1993), «Хожа Ахрор Валий» (Ўзбек тилида, 156 бет), «Хожа Ахрор тарихи» (Тошкент-1994, 96 бет), «Хожа Ахрори Валий» (Техрон-1997, 120 бет), «Мирзо Улугбек даври мадрасалари» (Самарқанд-2001, 50 бет), «Ўзбек адабиётшунослиги тарихи» (Тошкент-1993, 192 бет) каби ўн бешдан ортиқ рисола, кўлланма ва дастурлари рўшнолик кўрдики, уларнинг умумий ҳажми 1500 саҳифадан ортиқроқдир. Шу

<sup>8</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимиз. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 239-б.

киска муддатда заковатли адабиётшуноснинг кирқ бешдан зиёд сермазмун илмий мақолалари босилиб чиқди. Ўшалардан йигирмага якини республиканинг нуфузли ойномаларида чоп бўлган.

Академик Воҳид Абдуллаевдан жудо бўлган Самарқанд илмий-адабий муҳити масъулиятини ҳам садокатли шогирд академик Ботурхон Валихўжаев ўз зиммасига олди. Адабий-илмий ҳаётдаги ворисийлик ўз ўзанига тушди ва мўътадил тараққиёти давом этаётир. Бугун «илоҳий маскан Самарқанд» нинг (И.А.Каримов ибораси) гавжум дарсхона, нуфузли анжуманларида нурли чехра, ширин табассумли академик Ботурхон Валихўжаевнинг бадиий бўёқдор ва сеғчайно каломи янграмоқда...

Истиқлол йилларидан сарфароз ва етмиш ёш бўсағасида турган Ботурхон домланинг мураббийлик-илмий раҳбарлик фаолияти ҳам бағоят серунум кечаетир. Агар XX асрнинг 70-80 йилларида заковатли устоз раҳнамолигида икки фан доктори (Ш.Шукуров, Р.Воҳидов) вояга етган бўлса, кейинги саккиз йилда ҳам икки истехдодли адабиётшунос олим (Шуҳрат Сирожиддинов, Дилором Салоҳий) Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига доир докторлик диссертацияларини республика илмий жамоатчилиги назаридан муваффакиятли ўtkазиши. Шундай гапни фан номзодларини тарбиялаш борасида ҳам айтиш жоиздир. Истиқлол туфайли Самарқанд давлат университети Ўзбек мумтоз адабиёти кафедраси-нинг академик Ботурхон Валихўжаев раҳбарлигидаги «Шарқ эстетик тафаккури тараққиётида Алишер Навоий поэтик санъаткорлигининг аҳамияти» мавзусидаги лойиҳаси Ўзбекистон республикаси фан ва техника давлат қўмитаси фундаментал тадқиқотлар фондининг грантини олишга муваффақ бўлди. «Орифлар,—ёзди Бектошия сулукининг асосчиси Хожа Бектоши Валий «Мақолат» асарида,— ҳам ўзларини, ҳам бошқаларни поклар-лар...» (Тошкент-2000, 58-бет). Бундай ибрат намунаси академик Ботурхон Валихўжаев илмий, ижодий, педагогик ва жамоатчилик фаолиятининг кунлик дастури ҳисобланади. Жиддий илмий хизмат-лари туфайли у Республика Фанлар академиясининг академиклигига сайланди, хукуматнинг юксак орденига сазовор бўлди, юргдош, касбдош, дўсту шогирдлари ўртасида юксак обрў-эътибор қозонди.

«Инсоннинг вазифаси,—ёзди Шайх Азизиддин Насафий «Зубдат ул-ҳақойик» асарида,— узлуксиз маърифатга интилиш ва (қалбини) нур билан тўлдириш ва нафҳ топиб, мусаффолик сари интилишдир». Академик Ботурхон Валихўжаев илмий-ижтимоий

<sup>1</sup> Комил инсон ҳакила тўрг рисола. Т., 130-б.

фаолиятига разм соларканмиз, унинг ҳамиша нимагадир интилиб, тиниб-тинчимай, изланишда ва харакатда бўлганлигига қаноат хосил қиласиз. Дарвоке, закий инсон нега бу қадар безовта, у нимага интилади, шунча ёзган, ўқиганлари етарли эмасми? Савол изидан шу қабилдаги саволлар қуилиб келади. Айни замонда қалбга таскин-тасалли берадиган жавоблар ҳам талайгинадир. Шайх Азизиддин ҳазратлари юз карра ҳак. Чунки Ботурхон домла тоифасидаги туғма истеъдодли муҳаккиклар учун бугунги зафар эртанги жиддий қашфиётларга ҳамиртуруш вазифасини ўтайди. Шундан, улар ором билмайди, ўқигани, ёзгани, кўлга киритган ютуқлари билан қаноатланмайди. Ҳаммавақт китоблар оламида «сайр этишни» хуш кўришади. Тасаввур қилиб кўринг, олтмишдан ошиб, етмиш сари дадил қадамлар қўйган Ботурхон домла 1992-1993 йиллар ичida Ҳожа Ахрор ҳақида уч юз сахифага яқин икки тилда икки китоб эълон қилди. Ахир бу ҳали ҳаммаси эмас. Республикализнинг нуфузли ойнома, тўплам, рўзномаларида эълон қилинган ишлари-чи? Дарсхоналарда ўқиладиган маърузалар, тифиз ижтимоий фаолият, учрашуву мулоқотлар, турли мақомдаги мажлислар, эҳ-а, уларни санаб адо қилиб бўлмайди.

Истиқлолнинг ўн йиллик тарихий даври профессор Ботурхон Валихўжаев тадқиқотчилик қисматида тўла маънода бурилии погонаси, чўнг қоядай ярқ этиб намоён бўлади. Мустақиллик эпкини олим дилида тугилиб ётган тугунча-ғунчаларнинг япроқ ёзиб, мева бериши учун замин ҳозирлади. Докторлик диссертациясида яйраб ёритолмагани, ҳимоя жараёнида тилига мустамлакачилик сиёсати солган кулф туфайли қоникиб жавоб беролмагани илоҳий-ирфоний мавзулар олим қалб тубига тушган чўқмалардай у билан бирга армон бўлиб яшамоқда эди. Каму кўстий йўқ, ўттиз йил ана ўша дарл Ботурхон домла юрагига оғрик солиб, ўзидан дарак бериб келди. Шукроналар бўлсин, истиқлол ўша «сурункали дард»га шифобахи малҳам бўлди ва олим маърифат уммонига теран шўнғиди. Фозил адабиётшуноснинг ўн йил ичидаги «илмий хирмони» тариқат пирлари шахси ва хизматини шоён қилишга бағишлианди. Санкт-Петербурглик маъруф шарқшунос проф. А.Болдиревнинг Ҳожа Ахрор ҳақидаги жасоратидан қувват олган Ботурхон домла Ўзбекистону Тоҷикистонда биринчилардан бўлиб Ҳожа Ахрор Валий ҳақида жиддий илмий ишлар ёза бошлади. Унинг Нақшбандия тариқатининг бу муршиди комили ҳақидаги илк изланишлари дастлаб «Овози тоҷик» республика рўзномасида туркум мақолалар сифатида эълон қилинди. Айтиш жоиз, академик Б.Валихўжаев ани-

ўша битиклари билан яна бир карра республикадаги сафдош олимларнинг «Ботури» (академик Алибек Рустамов таъбири) эканлигини намойиш қилди. Хожа ҳазратларига доир мақолалар туркуми ўз даврида катта илмий воеа мақомида қабул қилинди ва ўринли шов-шувларга сабаб бўлди...

Хожа Ахрор ҳазратларига оид мақолалар атрофида уйғонган ширин мулоҳазалар олимга маънавий кувват, рух, илҳом берди ва у енг шимариб ижодий изланишга киришиб кетди. Орадан аллақанча вакт ўтмай Ботурхон Хильятури Валихўжанинг «Хожа Ахори Вали» («Ҳамсатул-қатарот дар зикри ҳазрати бобаракот» Баракотли ҳазрат зикрида беш қатра. Яъни асар Муқаддима-ю, хотимадан ташқари, беш бўлимчадан таркиб топади. Пур эса ўғли, Хильятуниг ўғли, зурриёти, демакдир) рисоласи «Суғдиёна» нашриётида 1992 йилда босилиб чиқди. Орадан бир йил ўтказиб, «Зарафшон» нашриётида «Хожа Ахрор Валий» ўзбек тилида чоп бўлди. Олим мазкур китобларининг теран таҳлили алоҳида тадқикотга мавзудир. Биз эса бу ўринда ушбу китобларга доир икки жиҳатни алоҳида таъкидлаш билан чекланамиз. Хожа ҳазратлари ҳақидаги бу рисолаларни биз асарнинг икки тилдаги ифодаси сифатида қарамаслигимиз заҳматкаш олимнинг сарф қилган катта ижодий меҳнатига муносиб баҳо бермаслик бўлур эди. Ҳатто шундай гапни рисоланинг Техрондаги нашри хусусида ҳам айтиш адолат мезонларига риоя қиласлик билан баробардир.

Амалга оширилган дастлабки зоҳирий қиёслар ҳам бизнинг мулоҳазаларимиз фойдасига хизмат қиласди. Асарнинг тожик тилидаги нусхаси 64 бетни ташкил этса, ўзбек тилидаги китоб 152 сахифадан ва Техрон нашри (1998) 120 бетдан таркиб топган. Фикримизча, рисолаларнинг ҳажми билан боғлиқ шу рақамларнинг ўзиёқ муайян хulosаларга келиш асосини беради.

Масаланинг Хожа Ахори Валий ҳаёт йўли ва маънавий меросининг тадқикот мавзуси сифатида танланиши сабаблари ҳам муайян изоҳни талаб этади. Филология фанлари доктори, профессор Охунжон Сафаров ўринли эътироф этганидек, «Академик Ботурхон Валихўжаев ўзбек мумтоз адабиёти ва маънавияти тарихининг айни замондаги қомусий билимдонидир. Бинобарин, у билан фахрланиб яшаш аждодларимиз минг йиллар давомида яратган бой, сержило маданий ва маънавий мерос билан фахрланиш саодатига етказувчи бокийлик зиёсидир». Фольклоршунос олим катта иштиёқ ва ифтихор билан қайд этган «Ўзбек мумтоз адабиётининг қомусий билимдони»га муборак истиқлол тетик рух ва жўшқин илҳом берди.

Боз, улуг Алишер Навоий маънавий мероси ва илоҳий-ирфоний оламнинг эгизак тушунчалар эканлигини назарда тутсак, академик Ботурхон Валихўжаевнинг ўн йил ичида яратган маърифий асарларининг мазмун-моҳияти, мақсад-муддаоси ёрқин ойдинлашиб қолади. Алишер Навоий ҳазратларининг ўзлари Нақшбандия тариқатига мансубиятларини эътироф этишдан фарҳ этганлар. Шундан улкан маънавий-маърифий арбобнинг асарларида ўша ҳалқпарвар ва ҳаракатдаги ҳаётий таълимотининг ўлмас ғоялари балқиб, жило бериб турди. «Ҳамса» таркибидаги достонларда бўй кўрсатган, улуг Навоий муҳаббати нури билан йўғрилган қаҳрамонлар ҳамиша «Дил ба ёру даст ба кор» ҳаётбахш ғояси тарафида турди. Мир Алишер Навоий руҳиятида факат бир тариқат таҳлимоти ғоялари ҳукмрон эди, деган фикрдан биз мутлақо йироқмиз. Чунки Мир ҳазратларининг Ҳожа Шамсуддин Ҳофиз Шерозийга нисбатан нотакрор муносабату муҳаббати замирида «ойини Ринди» билан вобаста мураккаб ирфоний пўртганалар ётишини илғамаслик бу икки авлиёуллоҳ руҳи олдидаги густоҳликдир...

Айримларини эслатганимиз жиҳатлардан қатъи назар Алишер Навоий комил ва садоқатли нақшбанд эди. Улуг шоир назару наздида Ҳожа Аҳрор Валий ҳазратлари энг сўнгги ва жаҳоний шуҳратга сазовор тариқат-нақшбандиянинг олий мақомга етган пиру арбоби эдикӣ, унинг саъю ҳаракатлари моҳиятини очиш, теран маънавий томирлари ва манбаларини мукаммал ёритиши Алишер Навоий ғоявий олами, дунёқараши сиру асрорларини англани калитини ҳам беради. Гарчи бундай ошкора таъкид академик Ботурхон Валихўжаевнинг кейинги ўн йилда яратилган илмий асарларида йўқ, аммо улар ана ўша улуг мақсад йўлида хизмат қилишга қаратилгандир.

Яна академик Ботурхон Валихўжаев тадқиқотчилик фаолиятидаги икки, бир-бирига вобаста бўлган нуқтани алоҳида таъкидлашни истар эдик. Улардан биринчиси, олимнинг умуман илмий ҳаёти, жумладан, кейинги ўн йил ичида ёзилган ишларида ҳам кузатиладиган фазилат- силсилавийликдир. Проф. В.Валихўжасев қаламидан чиққан ишлар туркуми занжирни эслатади. Ўқувчи кўзига дарров намоён бўлмайдиган ботиний мантиқ ришталари занжир ҳалқалари сингари бир мақолани иккинчисига боғлаб турди.

Иккинчи, биз таъкид этмоқчи бўлган ибрат олимнинг ўзи танлаган мавзу билан дарров «ҳайрлашмаслигига» намоён бўлади. Айни йўналиш академик Ботурхон Валихўжаев тажрибасида икки

жилода кўринади. Масалан, олимнинг мақолаларидан бошланган Хожа Ахрор мавзуси уч тилдаги уч китоб билан якунланди. Аммо олим яна мавзуга қайтди ва «Хожа Ахрор тарихи» мақоласини эълон қилди. Назаримизда, зикри ўтган тадқиқий жилони баҳолашда хушёrlикка таяниш зарур кўринади. Чунки бу ўринда тадқиқотчи тақрорга эмас, ўз-ўзини таҳрир қилиш, мавзунинг хира ёритилган жиҳатларини ойдинлаштиришга зўр беради. Яъни мавзу билан «мулоқот», янги манбаларда кўринган тоза маълумотларни йигиш ва умумлаштириш давом этади. Шу маънода, Хожа Ахрор мавзуси академик Ботурхон Валихўжаев илмий ҳаётида дараҳт тимсолида кўринса, кейинги мақолалар ва Хожанинг шажарасини бойитишга хизмат қилувчи «Абу Бакр Қаффоли Шоший», «Шайх Хованди Тахур» каби ишлар унинг янги-янги таналаридир. Биз эса ушбу дараҳтнинг янада салобат пайдо қилиши, тоза-тоза таналарининг кўкариб, бўй чўзишидан умидвормиз...

Проф. В.Валихўжаев илмий тажрибасидаги силсилавийлик билан алоқадор яна бир жиҳатни эслатиш билан мазкур ишга нукта кўймокчимиз. Олимнинг «Хожа Ахрор тарихи» китобидан «Сароймулхоним Бибихоним мадрасаси ҳамда «Зеби жаҳон» расадхонасиининг тақдири» мақолалари ҳам ўрин олган. Аслини олганда, ўзи туғилиб вояга етган ва дунёни шу шаҳар орқали таниган олимнинг Самарқанднинг муҳташам обидаларига мафтуну маҳлиёлиги фақат шу икки мақолада эмас, улар унинг умри давомида рўшнолик кўрган битикларида қаттиқ муҳрлангандир. Зикри ўтган мақолалару «Мирзо Улуғбек даври мадрасалари» рисоласида ўша жўшқин муҳаббат яхлит ҳолида кенг китобхонлар оммасига тақдим этилади. Аммо олим булар билан ҳам мавзуга нукта кўймайди. Яқин кунларда унинг мазкур рисоласининг қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри муҳтарам ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинади. Аллома адабиётшуноснинг бундай саъю ҳаракатлари тадқиқотчиларнинг янги-янги авлоди учун ибрат мактаби вазифасини ўташи ҳақиқатдир...

Шайх Азизиддин Насафий «Зубдат ул -ҳақойик» асарларида ёзадилар: «Эй дарвиш! Ер амалга ошмаган беҳад кўп орзулар жойидир, битта ушалган орзу, амалга ошган иш остида ўнта амалга ошмаганлари ётади. Орифлар буни билиб, орзулардан воз кечдилар, энг аввало талвасани ташлаб, осойишталик ва тамкин, таслимни ихтиёр этдилар». Кўчирганимиз иқтибосда академик Ботурхон Валихўжаев қисматига алоқадор ўринлар бордай кўринди бизга. Бу орифлик ва дунёвий орзулардан воз кечиша намоёндир. Етмиш ёш

бўсағасида турган олимни шу муборак айём билан кизғин күтлар эканмиз, илмимиз, шогирду муҳибларингиз, аҳли оила, энг асосийси, фирдавсмонанд Самарқанд баҳтига ҳамиша бардаму бақувват бўлинг, «Азим шаҳарнинг уйғоқ Илмий Виждони», дегимиз келади!....

<sup>37</sup>

## ҚУШЛАР ОЛАМИНИНГ ЗИЙРАК ТАДҚИҚОТЧИСИ

Савриддин Бақоевнинг катта илм даргоҳидаги илк дадил қадами йигирманчи асрнинг 60-йилларидан бошланди. Тўғри, 1943 йилнинг 12 январида Шофирконнинг Қумбости қишлоғида оддий деҳқон хонадонида дунёга келган Савриддиннинг пешонасида нурли битикларнинг борлиги ўша чақалоқлик йилларидаёт аён эди. Ахир, зариф ҳалқимиз бекордан-бекорга "Кўчкор бўлур кўзининг пешонаси дўнг бўлур", - дейишмаган-да! Дарвоҷе, зикри ўтган "дўнглик" тумандаги Абу Али ибн Сино номидаги ўрта умумий таълим мактабидаги таҳсил йилларида (1949-1959) ўзидан янада кўпроқ дарак берди. Ўқишига айрича ихлос билан киришган ўспирин "аъло" баҳоларга лиқ тўла етуклик гувоҳномаси билан собиқ Бухоро давлат педагогика институтининг табиатшунослик факультетига ҳужжат топширди. Шу ўринда бир мулоҳаза: мактабда Савриддиннинг бошқа фанларга нисбатан адабиётга ихлоси баланд эди. У, айниқса, мактабдоши, бугун Ўзбекистон ҳалқ шоири Жамол Камолга ўзгача ихлос билан таклид қилас, у ўқиган китобларни кутубхонадан олиб мутолаа қилишни хуш кўрарди. Алқисса, шу йўсинда талайгина шеърий ва насрый асарлар унинг назаридан ўтган эди. Ўша иштиёқ ҳамон Савриддинни тарқ этган эмас. Ҳозир ҳам у адабиёт ҳақида бир мутахассис даражасида баҳслаша ва вазнли фикр айта олади. Бунга шубҳаланиш ярамайди. Чунки она замин, унинг манзара-ю, неъматларини (наботот ва ҳайвонот оламини) дил-дилидан суюган, уларни меҳр ва ихлос билан кузатган инсоннинг қалбини том маънодаги гўзаллик мавҳ этган бўлади. Ана ўша нобёб туйғу қонга кўчиб, томирларда жўш уради, ҳамиша ўзидан дарак бериб туради. Биз айримларини қайд килганимиз мўъжизавий инсоний фазилатлар Савриддиннинг ҳамон табиатида устивордир. Шундан бўлса керак, ихтисос танлаш жараёнида табиатга шайдолик адабиётга бўлган ихлосдан устун келган. У ҳеч иккиланмай, ҳужжатларини "Биология ва қишлоқ ҳўжалик асослари" бўлимига топширган. Йиллар оқиб

<sup>37</sup> Ушбу макола М.Махмудов билан ҳамкорликда ёзилган.

ўтдилар, унинг қанотида Савриддиннинг ҳам дафтари аъмоли тўлиша борди, камол - балоғат қасб этди. У факультет жамоаси, устозлари назарига тушди, билимга чанқоқликни намойиш қилди. Савриддиндаги табиатга, хусусан, қушлар өламига баланд муҳаббатни зукколик билан пайқаган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, биология фанлари доктори, таникли балиқшунос олим, профессор М.О.Абдуллаев шогирди истиқболига катта умид боғлади, эзгу ва катта ниятлар билан уни Ўзбекистоннинг ардокли орнитологи (кушшуноси) профессор А. Қ Сагитов ҳузурига йўллади. Шундай килиб Савриддин 1966-1969 йиллар давомида "Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети "Умуртқали ҳайвонлар зоологияси" кафедраси аспирантурасида таҳсил кўрди. Савриддиннинг илмий ҳаётида Самарқандъ даври алоҳида бир босқични ташкил қиласди, деса хато бўлмас. У ана шу муқаддас даргоҳда самимий инсон, йирик олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, биология фанлари доктори, профессор Абдулла Қиёмович Сагитов бағрида катта илм олами билан ошно бўлди. Устознинг ўз шогирдига фарзанд мақомида муносабатда бўлганига кўп марта шоҳидликка ўтганмиз. Социализмнинг кўргони мустаҳкам бўлиб кўринган ўша зуғумли йилларда талаба ва тадқиқотчиларни чет элларга ўқиши учун юбориш урф эмасди. Лекин қандайдир "бир шундай-шаббада эсиш" ҳаракатга тушганидан хабар топган проф. А.Сагитов илмий бўлимга С.Бақоев номзодини тавсия қиласди. Бир йилча муддат ичида Савриддин аспирантура таҳсили, қушлари "хузури"да бўлиш билан бирга инглиз тилини ҳам жиддий ўргана бошлади. Таассуфлар бўлсинки, ўша "шаббада" "туғилмаёт, шу он буғилди" ва Савриддинга чет элга бориш насиб қилмади...

"Такдир азалийдир, уни ўзгартириб бўлмайди",- дейдилар машойихлар. Шу ҳақиқатни Савриддин умр йўли мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу билан биз истеъдодли олим ютуқларини кимниндир "химмати"га боғлаб кўймоқчи эмасмиз. Негаки, Савриддинда ўша йиллар ва ҳатто бугун ҳам бирор га берадиган нарсанинг ўзи йўқ-да! Боз устига номзодлик иши ниҳояга бораётган бир пайтда, 70-йилларнинг бошида унинг волиддайи муҳтарамаси ва падари бузруквори бирин-кетин ҳаётни тарқ этдилар (илоҳо, руҳи мунаварлари шод бўлсин!). Ўша кунларда Савриддиннинг қандай руҳий холатда юриб, илмий ишини давом эттирганининг гувоҳимиз. Бироқ ана шундай оғир бир вазиятда унга амакиси, узоқ йиллар БДПИда катта ўқитувчи лавозимида хизмат қилган К.Ж.Носиров (жойлари жаннатда бўлсин!) олижаноблик кўрсатди, унга маънави

ҳамда моддий ёрдам бериб турди....

Савриддин тўрт йилга яқин муддат ичида қуий Зарафшон оқимидаги кушлар "табиати" устида жиддий илмий изланишлар олиб борди. Бўлажак олимнинг бу марокли кузатишлари "Зарафшоннинг қуий - оқимида уя қилувчи кушлар экологияси ва чўлнин ўзлаштирилиши оқибатида орнитофаунанинг ўзгариши масалалари" мавзуида бирлаштирилди. Савриддиннинг юкорида зикри ўтган номзодлик диссертацияси чиндан ҳам чинакам ихлос ҳамда билимдонлик билан ёзилган эди. Шундан бўлса керак, тадқиқот илк муҳокамалардаёқ катта баҳо олди, яқдиллик билан ҳимояга тавсия этилди. 1970 йилнинг 3 феврали. Самарқанд давлат университети бош биносидаги еттинчи дарсхона байрамона тусда оро берилган. Маърузага мослашган каттагина дарсхона одамлар билан лиқ тўла. Улардан аксарияти Савриддиннинг Бухородан ташриф буоришган қавм-қариндошу дўстлари. Ҳамманинг қалбида чексиз ҳаяжон. Биз, хонада тўпланганлар СамДУ хузуридаги табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлардан номзодлик диссертациялари ҳимоясига ихтисослаштирилган илмий кенгаш раиси ҳамда аъзоларининг интиклик билан кутардик. Минбардан бошлаб хонанинг ярмидан кўп қисмини эгаллаган деворга илиб чиқилган ўттиздан зиёд жадвалу чизмалар олдида қўлида кўрсатгич таёқчаси билан турган Савриддиннинг ҳаяжони эса, айниқса, чексиз эди. Ҳа, у жуда масъулиятли имтиҳон олдида турарди. Чунки Савриддин 60-йилларда Бухоро давлат педагогика институтида ишга келган тенгдошларидан биринчи бўлиб номзодлик диссертациясини ҳимоя қиласарди. Дарвоҷе, Савриддиннинг ўша илк кадамлари кутлуғ ҳамда енгил келди. Ундан кейин бирин-кетин ҳимоялар ҳимояларга уланиб кетди...

Кенгашнинг белгиланган фурсати етди. Хонага бирин-кетин илмий кенгаш аъзолари, унинг муҳтарам раиси академик В.А.Абдуллаевлар кириб келишиди. Шулар қаторида собиқ иттифоқнинг машҳур қушшуноси, дунёвий шуҳрат соҳиби, Савриддиннинг биринчи расмий ҳаками, биология фанлари доктори, профессор Е.А.Гладков ҳам бор экан. Бу хушсурат, харакатлари чаққон, нуроний чолни профессор А.Қ.Сагитов бошлаб кирди. Бундай анжуманларда жуда кўп бўлмаганимиз учун ҳам у ердаги гап-сўзлар бизга мўъжиза бўлиб туюларди. Кенгаш иши бошланди. Руҳи мунавварлари шод бўлгур академик В. А. Абдуллаев кун тартиби билан кенгаш аъзолари ҳамда меҳмонларни таништиргач, биринчи расмий оппонент Николай Алексеевич иситма қилганлиги туфайли унинг ижобий

такризини проф. А.Сагитов ўқиб беришини маълум қилди. Ростини айтганда, бу хабарни кўпчилик нохуш қабул қилгандай бўлди. Бироқ ажойиб манзара кейин содир бўлди. Диссертациянинг кисқача мазмунини баён қилиш учун сўз Савриддинга берилди. Жуссаси майдагина, харакатлари эпчил диссертант ўзига хос чаққонлик билан минбарга чиқди, қозголарини кўйгач, кўлидаги таёқчасини маҳкам ушлаб жадвал ва чизмалари ёнига борди. Урфга кўра Ихтисослашган илмий кенгаш раиси ҳамда аъзодарига мурожаат қиларкан, қушлар олами ҳақидаги кузатишларига доир маъruzасини бошлади. Савриддиннинг рус тилидаги нутқи ниҳоят равон ва мароқли эди. Биз дўстлари ҳимоя олдидан бир ҳафтача муддат ичиди X.Олимжондай буюк инсонлар таҳсил кўрган СамДУнинг ҳозирги кимё- биология факультети дарсхоналарида ярим кечагача қолиб кетиб, жуда кўп марталаб маъruzасини ўқиб машқлар қилган, жадвалу чизмаларидаги рақамлар ёд, бўлиб кетган эди. Ҳимоя жараёнида Савриддин гапирмас, гўё қушлар дунёси ҳақида кўшиқ кўйларди. Хона жим-жит, ҳамманинг бутун вужуди қулоққа айланган, диссертантни завқ билан тингларди. . . Савриддиннинг "кўшиги" ниҳоя топди, савол-жавоблар ҳам аъло даражада ўтди. Тадқиқотчининг нутқини баланд ихлос ва ҳавас билан тинглаган проф. Н.А.Гладков хасталигини ҳам унутиб, минбарга ўзи чиқди, ҳимоя килаётган илмий ишга жуда баланд баҳо берди. Илм даргоҳининг бетакрор улуғ одами бўлган бу инсоннинг ўша кунлардаги ҳолати ҳамон бизнинг кўз ўнгимизда турибди. Минбардан тушиши билан биз Николай Алексеевични Самарқанд шахрининг "Зарафшон" меҳмонхонасига олиб бориб ётқизиб келдик. Ҳимоядан кейин эса К.М.Носиров сардорликларида биз Савриддиннинг дўстлари масковлик меҳмон ҳузурига ташриф буюрдик. Кенжа Жалолович анъянага кўра проф. Н.А.Гладковга чопон ва дўппи кийгизиб, белини боғладилар. Үзини ойнага соглан меҳмоннинг кувончлари чексиз, унинг завққа тўлиб, "энди мен ўзбек бўлдим" дейишларини кўриб, биз лол қолардик. Эртаси куни меҳмонни кузатишучун Самарқанд тайёрагоҳига чиқдик. Самарқанд неъматларидан меҳмон учун тайёрланган арзимас тухфага у қайрилиб ҳам қарамади, ўша даврнинг пули билан эллик тийинлик бир килогина турпни олиб, Москвага учиб кетди. Кейинчалик кўп оппонентларни кўрдик, ўзимиз ҳам шу мақомда чиқишлиар қилдик. Аммо ҳар гал рухи шод бўлгур Николай Алексеевичнинг ибрати кўз олдимизда гавдалана беради. Қани энди, илм даргоҳида шу ибрат устивор бўлса, пул сочиб, сохта тўйлар қилиб, Кенгаш аъзолари,

опонентларни "қўлга олиб" илмий даражага эга бўлувчиларнинг йўли озгина бўлса-да тўсилармиди?!...

Савриддиннинг номзодлик диссертацияси авторефератига жуда кўп тақризлар келди. Уларда иш жуда холисона ва баланд баҳоланган эди. Жумладан, москвалик орнитолог, проф. Е.В.Строков "Диссертация ўзининг мазмуни, далил кузатишларининг сероблиги, улар таҳлилининг илмийлиги, бажарилган ишнинг ҳажми ва шу каби катор фазилатлари билан докторлик илмий даражасига лойикдир", -деб ёзган ўз тақризида. Бундай эътироф бошқа кўплаб тақризларда ҳам кўзга ташланарди...

Биология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган Савриддин Бақоев ўз жонажон факультетига қайтди. Бу ерда у оддий ўқитувчиликдан кафедра доценти (1972-2001), мудири, факультет декани лавозимига қадар бўлган йўлни босиб ўтди. Таъкидлаш жоиз, у қайси лавозимда бўлишидан қатъий назар илм ва қушларини унуганий йўқ. 1981-1983 йиллар давомида у Москва давлат педагогика университети "Зоология ва дарвинизм" кафедрасида докторантурани ўтади. Проф. А.В.Михеев, В.М.Константиновлар билан ҳамкорлик қилди. Илмни шухрат эмас, қисмат билганлар бу табаррук даргоҳ поклиги, масъулиятини муҳофаза қиласиди, уни мусобака майдонига айлантирумайди. Савриддин учун ҳам илм қисмат, унинг шарафи муқаддасдир. У олим мақомида етилиб, эътироф қилиниб докторлик ҳимоясига чиқди. Бунинг учун каму қўсти йўқ, йигирма тўрт йиллик умр сарфланди. Бироқ ўша саъю харакатлар зое кетган эмас. Мушоҳада учун айрим рақамларни эътиборингизга ҳавола қиласилик. Савриддин Бақоевнинг докторлик диссертацияси авторефератида бир юз битта илмий иш қайд қилинган. Шулардан иккитаси инглиз тилида чоп бўлган. Ёхуд БухДУ профессор-ўқитувчиларининг йиллик илмий назарий анжуманларида 37 марта маъруза ўқилган. Шундай чиқишилар 24 марта бутуниттифоқ (собиқ) конференция ва симпозиумларида амалга оширилган. Савриддиннинг номи ва ишлари маъруф орнитологлар назарига тушганлиги учун ҳам у аксарият йиғинларга таклиф қилинган. Олим ўз кузатишлари натижаларини ўн бир минтақавий ва республика ҳамда уч ҳалқаро анжуманларда ҳам касбдошлари билан баҳам кўрди. Савриддин докторлик диссертациясини яқунлаш учун беш юздан зиёдроқ илмий-назарий адабиётларни мутолаа қиласиди. Шулардан элликка якини чет элларда босилган ишлардир. Орадан ўтган йиллар давомида у ўн тўрт маротаба жиддий илмий сафарлар уюштирган. Аммо эсдан

чикармаслик лозимки, бу сафарлар қандайдир кўркам шаҳарларда эмас, ҳар йили февраль - июль ойлари чўлда, кушлар тифиз уя курадиган сахро-масканларда амалга оширилган. Ўзбекистон ва қисман Туркманистон худудларидағи қуруқ сахроларда олимнинг 1300 кунлик умри ўтган. Шу жараёнда 4047 турфа турларга мансуб кушлар уяси аниқланиб, улардаги 2103 тухумнинг оғирлиги, кўйилиш вақти ва ҳолати аниқланган. Мана сизга яна бир қизиқарли маълумот: қушларнинг уялари ва полопонлари озукаси қолдиқларидан 3534 нишонаси аниқланиб, ўрганилган. Зикри ўтган жараёнлар айтишга осон, аммо уларни амалга ошириш ниҳоятда мураккабдир. Чунки ўша тадбирлар жуда эҳтиёткорлик билан амалга оширилмоғи лозимки, кушлар у ҳаракатларни сезмаслиги зарур. Акс ҳолда қушлар хуркиб, табиий ҳолатини ўзгартириши мумкин. Шуни назарда тутиб, кушларнинг ини муайян узоқликдаги масофадан, 24-43 соат оралиғида ўрганилган. Айрим лавҳалари келтирилган далиллар 250 саҳифалик диссертация учун асос вазифасини ўтади. Илмий тадқиқот 36 жадвал ва чизма билан бойитилган. Эътибор қилинг, диссертациянинг иловаси 567 саҳифани ташкил қиласи. Унинг таркибидан 213 жадвал ва 39 чизмалар ўрин олган. Алкисса, Савриддин Бақоевнинг "Ўзбекистоннинг қуруқ чўл минтақаларида уя қўядиган кушлар (экология, амалий аҳамияти, муҳофазаси)" мавзуидаги докторлик диссертацияси матни ёхуд авторефератини ва рақлассангиз бизнинг битикларимизга қаноат ҳосил қиласиз. Фикримизча, олим чорак асрлик умрининг зое кетмаганилигига сиз ҳам ишонч пайдо қиласиз. 1994 йилнинг декабрида Савриддин докторлик диссертациясини ЎзРФА Зоология илмий-тадқиқот институти хузуридаги докторлик диссертациялари ҳимояси учун ихтисослашган Илмий Кенгашда муваффақиятли ҳимоя қилди. Савриддиннинг мазкур тадқиқоти ҳам Марказий Осиё, Россия қушшунослари томонидан яхши кутиб олинди. Ишга акад. А.Н.Рустамов, акад. И.А.Абдусаломов, проф. А.Е.Головкин ва бошқалар ғоят юқори баҳо бердилар. Соҳа мутахассисларининг ижобий фикрлари "Шарқий Европа ва шимолий Осиё кушларини ўрганиш ва муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари" мавзууда 2001 йилнинг 29 январь 3 февралида Қозонда ўтган халқаро илмий анжуман тўпламида ўз ифодасини топган. Жумладан, проф. Д.Ю.Кашкаров 1990 йилларда Ўзбекистонда қушшуносликка доир ишлар"га баҳо бераркан, проф. А.Қ.Сагитов раҳбарлигига СамДУ ва БухДУда амалга оширилган ишларни алоҳида таъкид билан эътироф қиласи. Шу муносибат билан олим С.Бақоевнинг докторлик ишини

орнитология соҳасида "90-йиллардаги алоҳида ҳодиса" сифатида юқори баҳолайди (қаранг: Актуальные проблемы изучения и охраны птиц восточной Европы и Северной Азии. Материалы международной конференции. Казань-2001, стр.293)...

Шу ўринда ҳакли бир савол пайдо бўлади: биология фанлари доктори Савриддин Бақоев томонидан амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларининг илмий-назарий аҳамияти нимада? Аввало, эсдан чиқармайликки, инсон сингари қушлар ҳам она-табиатнинг ажралмас бир парчасидир. Мулки борлиқнинг мўътадил ҳаёти учун бошқа мўъжизалар каби қушлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қушларсиз олам норасо, кемтик ва ўз мувозанатини йўқотади. 1 Шу ўринда ҳазрат Навоий қарашларини ёдга олиш кифоя: эй инсон, дунё сенинг назарингда поёнсиз кўринади. Аммо огоҳ бўлгилки, баъзан бошингдан тушган бир тола соч ҳам ана ўша бепоён олам мувозанатини издан чиқариши тайин\*. Сизни билмадик-ку, аммо биз бу ғоя билан баҳслашиб ниятида эмасмиз. Факат бир ҳақиқатни таъкидламоқчимиз, холос: сарҳадсиз кўринган оламнинг тақдири қушларсиз ғарибdir. Шундан дунё илмлари рўйхатида орнитология эътиимодли ўриндадир. Шунинг учун дадил айта оламизки, Савриддин Бақоевнинг мароқли илмий кузатишлари ҳам орнитология ва ҳам ҳаёт учун жиҳдий аҳамиятга моликдир. Бугун олим қаламидан чиққан уч рисола, етти ўкув қўлланмалари, бир юз саксондан ортиқ илмий, илмий-оммабоп ишлар ўз муҳлисларини аллақачон топган. Савриддиннинг илмий хуносалари собиқ СССР ва она Ўзбекистон "Қизил китоб"ларини яратишда қўл келди. Унинг куйи Зарафшон оқимида макон тутган ўттиздан ортиқ күш турлари хусусидаги илмий асосланган янги хуносалари орнитология хазинасига қўшилган бебаҳо хиссадир....

2002 йил Савриддин учун ғоят баракали келди. Шогирди номзодлик диссертациясини химоя килиб, тасдигини олди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Қўмитаси унга профессор илмий унвонини берди... Уч фарзанд, икки набирадан иборат каттакон оиласининг сарвари бўлган ширин дўстимизнинг қутлуғ 60 ёши, илмий-мураббийлик фаолиятининг 40 йиллиги билан дил-дилдан муборакбод қиларканмиз, унга: қушларингиз сингари парвозингиз баланд, умрингиз пойидор бўлсин, азиз биродаримиз деймиз!



## ТАРИХДАН ТОПИЛГАН САОДАТ.<sup>38</sup>

Тарих - буюк ҳакам, сирру синоатлар, мұйжизалар сандығи. Ҳақиқат ҳам, разолат ҳам, адолату жаҳолат ҳам унинг бағрида пинхондир. Тарих хүкміга берилған ҳеч бир нарса - ашёю далил изсиз йүқөлмайды. Унинг қатламу қавагларида авайлаб-асралади, аждодлардан авлодларга ўзидан мұжда етказади. Ҳар бир ворис эса саңы ҳаракатига яраша ундан насиба-улуш олиб, яшаща давом этади. Тарихнинг сокину саодатли бағрида зикри ўтган жараён узлуксиз давом этади. Жасоратли, меҳнаткаш, журъату событликни хүш күрүвчи тарихнинг терән қаватларига шүнгүвчи фидойи, захмату изланишдан ҳайқмайдыган тадқиқотчиларни - ғаввосларни интиқ кутади... Чинакам Фарҳодлардагина тарихнинг ўшандай қатламу қаватларига дадил кириб бориши иштиёқи ўзидан дарап бериши тайиндир. Ҳа, мүйсафид тарихни, аникроғи, тарихшунослықни умр мазмунига айлантирганлар учун Президент И.А.Каримовнинг "Инсон учун тарихдан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир" ("Мулоқот", 1998, 5-сон, 5-бет) қабилидаги доно кўрсатмаси ҳаракат дастурига айланади.

Негадир, тарих фанлари доктори, Бухоро давлат университети тарихшунослик ва манбашунослик кафедраси мудири, дорилғунунда хизмат кўрсатган профессор Фарҳод Ҳабибович Қосимов ҳақида ўйлаганимизда ана ўша фалсафий муроҳадалар тафаккуримизда чарх ура бошлайди. Нега? Шу йўсингдаги уйғоқ саволлар шууримизда безовталиқ, синчковлик уйғота бошлайди. Эҳтимол, унинг бизга устига 60 рақами ярқ этиб кўзга ташланадиган ва муборак 60 ёш тўйини улкан кошонада тантанали нишонлашга даъват қиласидиган таклифнома тақдим этмагани шундай туйғуларни уйғотгандир?! Ёхуд бу захматкаш олим, фидойи инсон ва меҳрибон мураббийнинг ўта камтарлик йўлини танлагани бизни шу ҳолатга согландир? Олий мактабда мударрислик фаолиятини Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат ўниверситети тарих факультетида бошлаган, ўша йилларда бу мўътабар даргоҳда биринчи раҳбар лавозимида фаолият кўрсатган академик Воҳид Абдуллаев назарига тушиб, унинг ок фотихаларини олган, фирмавсмонанд шаҳар закий тарихшунослари эътиборини қозониб, ҳамон улар ардоғида бўлиб келаётган, кейинги ўттиз йил ичидаги

<sup>38</sup> Ушбу макола олимнинг олтмиш йиллигига багишлаб У.Рашидов билан ҳаммуаллифиқда ёзилганд.

шахри - Бухоройи шарифдаги тарих илми билан шуғулланаёт-ганларга раҳнамо бўлган бу инсон жуда дабдабали ёш тўйини ўтказишга ҳақли эдими? Албатта, ҳақлидир! Аммо қўлимиздаги таклифномага разм соламиз, назаримиз беихтиёр дастурхон атрофида, биртпиёла чой устида сухбат... ёзувларига тушади. Сарвари коинот жаноби расули акрам Мұхаммад Мустафа "факирлик фахримдир", - дея башорат этмишлар. Улуғ ирфоний шайх Али бин Саҳл ҳазратлари ўша улуғ фикрни "Фаҳрни истадим, факирлик ичидা топдим", - тарзида ифода қилиб қолдирган эканлар. Профессор Ф.Ҳ.Қосимовнинг бундай шаркона тафаккур дурданаларидан хабардор эканлигига шубҳамиз йўқдир. Бироқ инсоннинг ўз табиатида ўша ноёб фазилатлар жамулжам бўлмаса, унга ҳеч қандай эзгуликни зўравонлик билан сунъий равишда сингдиришнинг имкони топилмайди, албатта. Фарҳод Ҳабибовичда камсуқумлик, ўта назокат ва зийраклик билан атрофдагиларига муомала-муносабатда бўлиш савки табиийдир. Шундан унинг ҳатти-харакатида дағаллик ва сохталик аломатлари кузатилмайди, ҳамма нарса рисоладагидек табиий чиқади.

Мусулмон дунёсининг муршиди комили шайх Боязид Бистомий "Бир карра маърифат ҳаловати кишининг кўнглида фирдавслаги кўшк уйғотган завқдан афзалдир", -дея башорат қилган эканлар. Профессор Фарҳод Қосимов бундай "ҳаловатлар" хузурини кўп марталаб татиб кўрган. У Бухоройи шарифнинг зариф ва маънавий-маърифий олами баланд хонадонларидан бирида дунёга (1941) келди. Ёш бухороликларнинг "жанобий олий" га (Сайд Амир Олимхонга) қарши ҳаракат дастурининг тузувчиларидан бири Ҳалим Ашурор унинг "етти ота ўрнидаги" тоғаси эди. Кейинчалик у ана ўша "илк Истиқбол ва эрк дастури" тузилган тарихий ҳовлида узок йиллар истиқомат қилди. Кўринадики, бўлажак олимнинг тарих илмига иштиёқи, уни қисмат билиши тасодифий ҳодиса эмас экан. Яна Фарҳод Ҳабибович зиёпеша ака-опалар куршовида, тарбиясида вояга етди. Унинг тўнғич акаси Раҳматжон Ҳабибович Қосимов ярим асрлик умрини халқ маорифи ишига бағишлиди. Шариф шаҳарнинг буғунги олиму аллома, шифокору санъаткор, раҳбару маърифатчилари ва хунар аҳли аксарияти унинг шогирдлариридир. Шундай гапни Бухоро давлат педагогика институти толиби илмларига қирк йилдан кўпроқ давр ичидаги маҳорат билан сабоқ айтган филология фанлари номзоди, доцент М.Ҳ.Қосимова ҳақида айтиш мумкин. Дарвоқе, Бухоройи шарифда илм билан оиласвиш шуғулланиш, хоксорона ижодий изланишни тақдирга айлантириш

анънаси ҳам шу авлоддан бошланган. Мунира Ҳабибовнанинг умр йўлдоши моҳир жарроҳ Нажмиддин Нўймонов ҳам тибиёт фанлари номзоди эди. Кейинчалик бу анъана Бухорода кенг қулоч ёди. Ана шу омиллар Фарҳод Ҳабибовичнинг маънавий оламини бойитган, шахс, зарофатли инсон, ишchan раҳбар, ғамхўр мударрис қилиб шакллантирган дегимиз келади. Фозил аждодларимиз бекордан - бекорга "Қушнинг полапони инида кўрганини қиласи", - дейишмаган-да! Ф.Ҳ.Қосимов Бухоро шаҳридаги 10- сонли ўрта мактабни имтиёзли битирди.

**1959-1963 йилларда БухДПИ тарих-филология**

**факультетини аъло баҳоларда тугатди. Мехнат фаолиятини  
Фиждувон туманидаги 2- сонли ўрта мактабда ўқитувчиликдан  
бошлайди. 1964-67 йилларда Алишер Навоий номидаги**

**самарқанд давлат университетини аспирантурасида  
тарихшунослик ихтисослиги бўйича таҳсил олади. 1967-69**

**йилларда СамДУ тарих факультетида ўқитувчилик қиласи.**

**1969 йилнинг сентябрیدан ҳозирга қадар унинг тақдирни**

**Бухоро давлат университети (собиқ институт) билан  
боғлиқдир. Ф.Ҳ. Қосимов 1968 йилда номзодлик (Тошкентда),**

**1980 йилда докторлик (Москвада) диссертацияларини  
муваффакиятли ҳимоя қилди.**

Профессор Ф.Қосимовнинг илм даргоҳидаги йўли 1963 йилдан, Бухоро давлат педагогика институти тарих - филология факультетини тугатгандан сўнг бошланади. У СамДУ аспирантурасида кекса тарихшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Маҳмуд Үсмонович Аминов раҳбарлигида таҳсил кўриб, номзодлик диссертациясини муваффакиятли ҳимоя қилди. Муҳими шундаки, Фарҳод Ҳабибович бутун умри давомида илмда ҳам, ижтимоий - муаллимлик фаолиятида ҳам ҳамиша событқадамлик кўрсатиб келади. У гўё соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг "Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсан, битмагунича ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки деган бўлсан, унга амал қилдим", - қабилидаги доно ўғитларига таяниб фаолият кўрсатмоқда. Фарҳод Ҳабибович узок йиллар давомида кафедра, тарих факультетини ва роппа-роса етти йил (1986-1992) Бухоро давлат педагогика институтини омилкорлик ҳамда заковат билан бошқарганда ҳам ўшандай темурона қатъият кўрсатиб ишлади. Унга ёмонликни соғинганларга ҳам у яхшилик қилишга, илтифот кўрсатишга интилиб яшади. Шу ўринда яна бир ҳақиқатни айтиш

жоиз кўринади. Мураббийлик, раҳбарлик олимнинг бир қаноти бўлса, илмий-ижодий иш унинг иккинчи қўш қаноти бўлиб келди. У ўзбек ва рус тилларида бирдай равон ва бенуқсон ёза олади. Бухоро олимларидан Москванинг "Наука" нашриётида йигирма тўрт босма табоқ ҳажмидаги рисолани чоп эттирган ҳам Фарҳод Ҳабибовиҷдир. Тўғри, олим тадқиқотлари ҳавзасида бугунги тарихшунослик муаммолари марказий ҳалқа ҳисобланади ва унинг чоп бўлган ишларida шўро мағкураси таъсири, ўша рух чанглари анча қуюқдир. Албатта, улардан кўз юмиш ва айни ҳақиқатни инкор қилиш инсофдан эмас. Шунингдек зикри ўтган жиҳатлар иллат саналадиган бўлса, булар факат Ф.Ҳ.Қосимовга дахлдор бўлмай, балки давр тарихшунослиги бошига тушган кулфатдир. . . Ф.Ҳ.Қосимов 32 йил давомида тарих ва тарихшунослик кафедрасини бошқариб келади.

**У 1983-1986 йилларда тарих факультети декани вазифасида ишлади. Олим катта жамоатчи сифатида ўнга яқин вилоят ва республика миқёсидаги жамоатчилик ташкилотларининг раҳбари ва аъзосидир. Ф.Ҳ.Қосимов каламига мансуб 20 га яқин қўлланма-ю, китоблар ва юз эллиқдан ортиқ мақолалар тарихшунослик илмига муносиб хисса бўлиб кўшилди. Олим юқори малакали илмий ходимлар тайёрлаш бобида ҳам ибратли ишлар қиласетир.**

Истиклол туфайли уларга хотима берилмоқда. Мана ўн йиллирки, профессор Ф.Қосимов янги йўналишдаги Бухоро тарихшунослигига карvonбошилик қиласетир. Унинг раҳнамолигида вояга етган ўнга яқин ёш олимлар устоз атрофига жисплашиб Бухоро тарихи, қадимшунослиги сирру асрорларини очишга азму қарор килишган. Дарвоқе, истиклол барча қатори профессор Ф.Қосимовга, унинг илмий изланишларига истикбол йўлларини очиб берди. Ана шу киска муддат ичida у эллиқдан ортиқ жиддий катта-ю кичик мақола, рисолалар чоп эттириди, жуда кўп ҳалқаро анжуманларда муаммоли, мазмундор маъruzалар билан иштирок қилди.

Шайх Азизиддин Насафий "Зубдат ул-ҳақойик" асарларида башорат қиласетилар: "Одамзод сафардадир. У ўз моҳиятига эришмагунча тинмай ҳаракат киласи. У (агар шундай қилмаса) ўзини ҳам танимайди, ҳамида хулқ билан безаниб, камолот касб этмайди". Бағоят ҳак гап. Профессор Ф.Ҳ.Қосимов ҳам айни ўшандай хайрли илмий "сафар" дадир. Олтмишга кириб, ҳали сочига оқ ораламагац, кирк ёшдаги қирчиллама йигитларни эслатадиган (илоҳо Яратганинг ўзи ёмон кўзлардан уни ўз паноҳида асрасин!) заковатли

олим тарих илми, шогирдлари учун ҳали кўп савобли ишларни бажаргусидир. Бунинг учун унинг тадқиқот йўлини юртбошимизнинг "Тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон. Такрор айтаман, иродали инсондир", - каби дено кўрсатмалари нурафшон этажак...

Азиз биродаримиз, биз атайин Сизнинг бирон-бир асарингизнинг номини тилга олмадик. Аслида, уларни она Ўзбекистон ва унинг сарҳадларидан олис-олислардаги заковатли касбдошларингиз яхши билишади. Ҳали олдинда 70, 80, 90... Ўшанда биз, албатта, Сизнинг мўъжизавий қаламингиз ҳадя этган асарларни номма-ном санаймиз. Ҳозир эса Сизга илму маърифатимиз икболи йўлида омонлик тиларканмиз, ҳорманг энди, шариф шаҳримиз тарихшунослигининг барваста ва зариф Фарҳоди дегимиз келади!

## ТАРИХДАН ҲАЗИНА ТОПГАН ОЛИМ

Тарих фанлари номзоди, доцент Шарифжон Болтаев ҳакида бир нималар ёзиш учун кўлимга қофоз-қалам олишим билан негадир хаёлимни Низомулмулкнинг «Сиёсанома»сидаги мана бу жумлалар ўзига торта бошлиди: «Лукмони ҳаким айтадики, одам учун дунёда билимдан яхшиrok ёр йўқ ва билим ҳазинадан ҳам афзалроқдир, Чунки сен ҳазинани эҳтиёт қилишинг керак. Билим эса сени кутқаради ва муҳофаза қиласи». Дарвоқе, айни хикматнинг Шарифжон Болтаев тақдирига бевосита алоқаси борми? Фикримизча, жуда ҳам бор. Агар бу инсон чиндан-да илм йўлини танламаганида, кирқ йилдан зиёдроқ умрини шу соҳага сарф этмаган, бошка бир енгилрок касб танлаб кетган бўлурдди. 1959 йилда Вобкент туманидаги З-сонли ўрта мактабни хатм қилган ўспирин йигит тўғри Бухоройи Шариф бағридаги ягона олий ўқув юрти – Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига хужжат топширди. Унинг ёшлиқдаги, сахрода мол боқиб юриб қилган дуолари ижобат бўлди, у олий ўқув юрти талабалигига қабул қилинди.

Шоир Анвар Ҳожи шеърларидан бирида: Қишлоқда туғилдим, қишлоқда ўсдим, Ҳас-ҳашаклар ичра улғайди таним, -дя ёзади. Ўша мураккаб жараёнлар, қишлоқнинг юмушларга бой шафқатсиз лахзаларига эш равишда ширин орзулар ҳам сахро кенгликлариға уйғун равишда инсон қалбини забт эта бошлайди, уни ширин хаёллар оғушида узок-узокларга парвозга ундейди. Дарвоқе, бир замонлар Ҳазрат Наршахий ҳам ўша сахрони табаррук билиб,

бир сиким тупроғини тавоғ этиб, илк сабоқни киндик қони томган муқаддас заминда олиб, мұйсағид Машрикнинг эътироф қилинган нуфузли илмий-маданий, адабий-маърифий, иқтисодий-сиёсий марказига - Шариф Бухорога ранжи қадам қилған эди. Буюк аллома умр буйи она қишлоғи, аждодлари табаррук хоки мангуда оромда бўлған замин парчасига юксак садоқатини саклади, «Наршахий» унвони билан шуҳрат топди, тарихнавис олим сифатида жаҳонга танилди. Унинг сеҳрли қалами туҳфа этган «Бухоро тарихи» ҳамон дунё олимлари наздида ардоқланиб келади. Бу гапларни ёзиш билан мен Шарифжон Болтаевни улуғ Наршахийга қиёслаш, у билан бир қаторга қўйиш фикридан мутлақо йироқман. Кафолат бериб айтаманки, Шарифжон Олимович ҳам бундай мукояса ва иззатталабликдан анча йирок туради. У улуғ бобоси руҳига озор етказиши, уни безовта қилишни сира-сира истамайди. Аммо бошка бир ҳақиқатни дадил, ҳеч иккиланмай айтишим мумкин, Шарифжон ҳали эрта ўқувчилик йилларида ўша инсон муборак номини тилдан туширмай, унинг сингари тарихшунос бўлишни орзу қилгани ҳар қандай шак-шубҳадан холидир. Ана ўша эзгу туйгулар туфайли у ҳеч иккиланмай хужжатларни тарих-филология ихтисослигига топширган эди. Айни ният ҳамон у билан яшайди, десам сира хато бўлмас...

Ўша истиқболга чорловчи улуғ максадлар, илмга ташналиқ бор эди, у она юртидаги ўқитувчиликни тарк этмай, 1968 йилда Тошкент ҳалқ ҳўжалиги институти тарих кафедраси ҳузуридаги аспирантурада таҳсилини давом эттирди. Устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби М.М.Мусаев раҳбарлигига тадқиқот ишини бошлади. Шу ўринда яна бир адолатли гапни ҳам айтиш жоин кўринади. Давр тарихшунослиги шўро мафкурасининг пинҳона даҳшатли зуғуми, авжига чиққан «қўама-қамалар»дан ҳайиқмаганида эди, жуда кўп касбдошлари қатори у ҳам ҳалқимиз тарихинин жиддий илмий тадқиқка муҳтож қатламларини алоҳида завқ ва меҳр билан ўрганишга киришган, бу борадаги қайсиdir қадаминин Наршахий ҳали болалик йилларида босган изларига – ер парчасига тушганлигидан кувониб юрган бўларди. Начора, давр ўз шиддатини кўрсатди, гапини айтди, ўнлаб биродарларимизнинг дилида ўша мустабид тузум сиёсатидан оғир дард ва ўчмас армонлар қолди. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов республиканинг бир гуруҳ тарихчи олимлари билан қилған мазмунли мулокотида «ўзликин англаш тарихни билишдан бошланади», -дея ғоят ўринли илмий ҳақиқатни таъқид этган эди. Шўро мафкурасининг таянч нияти эса

ана ўша «ўзликни англашга» халақит бериш, зиёлиларнинг бурро тилига муҳр босиш воситасида уларни бой тарихидан узиб кўйиш бўлган. Шукроналар бўлсинки, истиқлол берган неъмат туфайли тариху-тарихшуносликка бўлган муносабат ижобий маънода тубдан ўзгаради. Президент И.Каримов ўша мулоҳазаларни давом килар экан «Исбот талаб бўлмаган ушбу ҳақиқат - ўзликни англаш давлат сиёсати даражасига қўтарилиши зарур», -дека қайд қиласди. Кўрина-дики, бугун халқимиз тарихинияг узоқ қатламларини ўрганиш, бу соҳадаги ишларни ислоҳ қилиш давлат сиёсати даражасига қўтарилиган ва унинг бош ислоҳотчиси муҳтарам юргбошимиздир.

Шарифжоннинг 1968 йилдан ҳозирга қадар бўлган азиз умри собиқ Бухоро давлат педагогика институти, ҳозирги университет билан чамбарчас боғлиқдир, ана шу мўътабар даргоҳда ишлаб туриб номзодлик диссертациясини (1972) ҳимоя қиласди, доцент илмий унвонига (1976) эга бўлди. Энг муҳими, айни муборак олий ўкув юрти бағрида у шахс, олим, эътиқодли муаллим сифатида шаклланди. Университет ректорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари (1982-1983, 1990-1992 йиллар) даражасигача етди. Орадан кечган йиллар давомида унинг тарихшунослик ва давлат сиёсатининг долзарб муаммолари тарғибига бағишлиланган юзлаб илмий-оммабоп мақолалари даврий матбуотда эълон қилинди. Олимнинг республика ойнома ва нуфузли тўпламларида чоп этган ўттиздан зиёд жиддий илмий мақолалари, 1988 йилда «Фан» нашриётида рўшнолик кўрган мазмундор рисоласи (8 босма табок) соҳа мутахассислари томонидан яхши кутиб олиниб, уларнинг муносиб баҳосига сазовор бўлди. «Одамзод сафарладир, -ёзди Шайх Азиддин Насафий «Зуддат ул-ҳакоийю» («Ҳакиқатлар қаймоғи») асарида,- у ўз моҳиятига эришмагунича тинмай ҳаракат қиласди (агар шундай килмаса), у ўзини ҳам танимайди, ҳамида хулқ билан безаниб камолот қасеб этмайди». Шайх ҳазратларининг айни қайдлари Шарифжон Болтаевнинг тақдирига ҳам тўла мос келади. У юртимиз истиқтолини хушнудлик билан пешвоз олиб, шу йўлда фидойилик билан хизмат қилаётган фаол инсонлардан биридир. Олим 1994-1999 йилларда Республика Марказий сайлов комиссиясининг вилоятимиздан вакили - аъзоси сифатида Президент сайловини муваффақиятли ўтказища алоҳида фидойилик кўрсатди. Бугун ҳам Шарифжон Болтаев «сафарладир», у вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги маънавий - маърифий ишларни мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзоси сифатида Юргбошимиз гояларини ҳаётга тадбик этиш бобида жиддий ишларни амалга оширмокда. И.А.Каримов Республикамизнинг бир

гурӯҳ тарихчи олимлари билан қилган мулокотида «Маънавият, маърифатни тарғиб қилиш ҳар бир зиёлининг виждан ишидир. Маърифатчи фидойи бўлмоғи керак», -дея соҳа вакиллари олдида улкан вазифа кўйган эди- Ш.О.Болтаев Президентимизнинг бу доно кўрсатмаларини ўзи учун дастуриламал сифатида қабул қилиб, алоҳида шавқу завқ билан меҳнат қилаёттир. Шарифжон ўн беш йилдан ошибдики, вилоят педагог ходимлари малакасини ошириш институтида мароқли маърузалар ўқийди. У ўзи ва касбига ўта талабчан инсон. Шундан унинг машғулот ва вилоят аҳолиси ўргасида ўқиладиган маърузалари хуш кутиб олинади, унга адолатли шуҳрат келтиради. «Инсон учун тарихидан жудо бўлиш - ҳаётдан жудо бўлиш демакдир», -дея куюнчаклик билан қайд этади муҳтарам Юртбошимиз. Шарифжон Болтаев ҳам бу доно кўрсатмалардан ўзи учун алоҳида сабоқ олиб, ўн йилдирки, Наршахий бобоси руҳини шод этиш билан машғулдир. Унинг тарих - география факультети тарих бўлими талабалари учун “Амир Темур давлати - жаҳон давлатчилиги тарихида муҳим боскич» мавзуидаги маҳсус курси ана шу йўлда кўйилган жиддий қадамдир...

Шарифжон инсон сифатида жуда нозик табиат эгаси. Унинг феълу атворидаги айни фазилат иш жараённида ижобий маънода ўзидан дарак бериб туради. Олимнинг қалами равон. Айниқса, ҳужжат юритишда унинг «суяги йўқ». Қатъият, талабчанлик ўзи ва атрофдагиларга ўта маъсулит билан муносабат унга обрў-эътибор келтириди...

Шайх Боязид Бистомий «Бир карра маърифат ҳаловати кишининг кўнглида фирдавсдаги (жанатдаги - Р.В.) минг кўшқдан афзалдир», -дея башорат қиласидар. Шу маънода Шарифжонни кузатаман, қалбим ифтихорга тўлади. 60 ёшнинг остонасини ҳатлаб кўйиб, навқирон йигитлардай одим ташлайди, маърифатга, поклик ва ҳалоликка интилиб яшайди. Азиз биродарим, ҳамма-ҳаммаси билан қалб-қалбдан куттайман. Истиқлол ва истиқбол йўлидаги саю-ҳаракатларингиз омадли, тарих илмидан топган хазинангиз баракотли бўлсин!

### МОХИЯТ - ҚАЛБ ФАРЗАНДИ<sup>39</sup>

Инсоннинг шахс сифатида шаклланишида унинг сурат ва сийрати ўргасидаги мувозанатнинг мутаносиб келиши ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Тарозу палласида ана ўша икки жихат teng келмас экан, мукаммал инсоний киёфа, мохияти бутун, иймону эътиқоди

<sup>39</sup> Макола академик К.Муқимов ва доцент М.Амоновлар билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

ибратли одам ҳақида мушоҳада юритиш қийин. Барча замонлар учун эса айни мезон диккат марказида бўлиб келади. Шундан бўлса керак, юрт сарвари И.А.Каримов “Инсон эътиқодсиз, иймонсиз яшай олмайди. Чунки комил ва собит эътиқод жамиятнинг маънавий қиёфасини белгилайди” (И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва яшаш – давр талаби. Тошкент, “Ўзбекистон” -1997, 223-бет), -дея гоят адолатли фикрни ўргага ташлаган. Дарвоҷе, иймону эътиқодни кисмат билган инсон худбинлиқдан йироқ туради, жамият, юрт, замондошлари манфаати ва ана ўша гоят мураккаб жараён равнақига улуш қўшиш учун умр сарфлайди. Шаклдан қўра моҳиятга, қалбни нурлантириш, унинг қават - қаватларига сайқал бериш, мазмунининг янада бўлиқроқ бўлиши учун ҳаракат қиласди. Биз айримларини санаганимиз фазилатлар фалсафа, маънавиятшунослик, педагогика сингари фанларга доир бир қатор жиддий тадқикотлари билан мамлакатимиз илм аҳли назарига тушган педагогика ва жисмоний маданият факультетининг декани, моҳир ташкилотчи ҳамда жамоатчи М.Ҳ.Махмудов фаолиятида ёрқин назарга ташланади. Албатта, юкорида саналган, намуна олишга арзигулик белгилар бирданига ва ўз-ўзидан инсон табиатида шаклланиб қолмайди.

Бунинг учун илоҳий иноят, оила ва ижтимоий муҳит, меҳнат, ўзини элу юрт тақдирига бағишлиш каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бунинг ёрқин мисолини М.Махмудов қисматида кўриш мумкин. У 1944 йилнинг 22 нояброда Шофирконда Ҳасан aka Махмудов хонадонида таваллуд топди. Оила сардори узоқ йиллар турли раҳбарий лавозимларда ишлаб, нафақат ўз туманида, балки вилоят, унинг сарҳадларидан олис-олисларда ҳам обрў-эътибор қозонди. Ҳасан aka машхур давлат ва жамоат арбоби, таниқли адаб Ш.Рашидов билан бўлган мулоқотларидан бирида ўша йилларда республиканинг биринчи раҳбари сифатида фаолият кўрсатаётган бу улуғ инсон “Ҳасан aka, мендан Сизга қанақа ёрдам керак”, -дея қилган мурожаатига “жамоа ҳўжалиги учун бир дизель ажратилишига ёрдам берсангиз”, -тарзида жавоб қайтаради. Табиийки, Ҳасан аканинг бундай муомаласи Ш.Рашидовни ҳайратга солади. Ахир, у шундай кулай вазиятдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши, машина ёхуд юксак нишонлар сўраши ҳам мумкин эди-да! Ҳасан aka фарзандларининг бағоят меҳрибон отаси сифатида уларнинг оёкка туриши учун алоҳида жонбозлик кўрсатган. Бугун унинг оила бўстонида қўша-қўша олий маълумотли тиббиёт ходимлари, ҳуқуқшунос, ўқитувчи, қурувчи, ҳосилотларнинг бўй чўзганлиги ўша эътиборнинг ширин меваларидир. Биз юкорида

айримларини тилга олганимиз фазилатлар падари бузрукворнинг қони орқали фарзандлар, жумладан, М.Махмудов томирларига кўчиб, ўзидан дарак бераётир. Тезгузарда ўрта мактабни тамомлаган (1950-1960) М.Махмудов ҳеч иккиланмай Бошлангич таълим усулиёти факультетига ҳужожат топшириди ва уни имтиёзли диплом билан хатм қилди. Ана ўша йилдан бошлаб унинг тақдирни собиқ педагогика институти, бугунги университет ва ўзи ўқиган факультет билан чамбарчас боғланиб қолди. Мэлс Ҳасанович меҳнат фаолиятини фалсафа кафедраси ўқитувчилигидан бошлади. 1970-1973 йилларда Низомий номидаги давлат педагогика институти аспирантурасида таҳсил олди. 1974 йилда фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини, кейинчалик (1979) доцент унвонини олди. М.Махмудовнинг файласуф сифатида шаклланишида Ўзбекистонда илм-фан равнакида улкан хисса қўшган академик И.М.Мўминов, академик Э.Ю.Юсупов, проф. Ж.Туленов, С.Шермуҳаммедов, Н.И.Жабборовларнинг хизмати бекиёс каттадир. Олим ижтимоий фаолият ва илмий изланишларни ҳамиша ёнма-ён тутиб, изланди, ёзди, олға интилди. У кафедра мудири, факультет декани (1981-1986, 1993 йилдан ҳозирга қадар) лавозимларида самарали ишлаб келди. М.Махмудов 1991 йилнинг 11 июнида фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди, дипломини ҳам олди... Илм йўли ҳеч ким учун ҳам равон бўлган эмас. Тўғри, у ҳақда ёзганда, қайдлар осонгина қофозга тушади. Аммо унинг заҳмату ташвишлари, машаққату изтироблари ўша “қозонда қайнаган” одамга ва ёлғиз Аллоҳга аёндир. Файласуф М.Махмудов ҳам биз ишора қилган “неъмат”лардан бебаҳра қолгани йўқ. Фан, ижодий меҳнатни шунчаки ҳою ҳавас эмас, қисмат билғанларда ирова, сабру бардош ва қасд билан ишлаш (ижобий маънода, танланган йўлдан қайтмай илгарилаш) туйғуси баланд бўлади. Мэлс Ҳасанович ҳам ўз илмий тақдиррида иккинчи йўлни танлади ва педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун (2004 йил, 27 апрель) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Кимлар учундир бундай харакат ғайри табиий туюлиши мукаррар. Бирок фанлараро алоқадорлик, таянч мақсадларнинг тўқнашув нуқтасидан хабардор мутахассислар учун бунинг ажабланарли жойи йўқ. Чунки фалсафа ва педагогика (жумладан, бошқа ижтимолий-гуманитар) фанларининг тадқиқот манбай инсон, унинг комил балоғати хисобланади. Шу маънода фалсафа ичida педагогика, бадиий адабиёт қавату қатламларида фалсафа, педагогика (бу баҳсни яна давом қилиш мумкин) ва бир қатор турдош фанлар яшаб келади.

Иккинчидан, М.Махмудов томонидан ҳаммуаллифликда чоп эттирилган “Маънавият – комиллик саодати” (Тошкент, “Маънавият” 1997), “Иймон - қалб гавҳари” (Тошкент, “Маънавият”- 1999), “Сўз бағридаги маърифат” (Тошкент, “Ёзувчи”- 2001) каби жиддий китобларда эслатилган омихталик равшан кўзга ташланади. Худди шундай гапни унинг “Комил инсон – аждодлар орзуси” (Тошкент, “Ёзувчи” -2002) салмоқли китоби ҳакида ҳам айтиш жоиздир. Мулоҳазаларимиз муаллақ қолмасин учун унинг кейинги китобидан бир лавҳани назардан ўтказайлик: “Инсон Аллоҳнинг мукаммал қашфиёти, Ердаги ягона онгли халифаси экан, уни комил ва нокомилга ажратиш жоизмми?... Дарҳақиқат инсоннинг турмуш тарзи ва тақдирида бу тағдор жумбоқ қачон пайдо бўлди? Нега шундай муъжиза (инсон) ўзаро аҳиллик ва тотувликда, ўзлигини қадрлаб яшамайди?” Қани айтингчи, мазкур жумлалар фаннинг қайси тармоғига даҳлдор. Дадил айтиладиган бўлса, кўчирилган иқтибосда педагогика ичидаги фалсафа ва фалсафа бағрида педагогика омехта тарзда намоён бўлади. Фанлараро робита, мушоҳадаларнинг қоришиклиги унинг “Устод Садриддин Айний сабоқлари” китобида ҳам (Тошкент, “Фан”,-2004, 320 бет) назарга ташланади. Шундай таъкидни М.Махмудовнинг бошқа китоблари ва юздан зиёд мақолалари хусусида ҳам айтиш жоиздир. Биз айримларини тилга олганимиз жиҳатлар Мэлс Ҳасановичга қонуний равища файласуф-педагог мандатини беради...

М.Махмудов илмий фаолиятидаги бундай кенг қарновлилик илмий жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилган. Жумладан, олимнинг ҳаммуаллифликда рўшнолик кўрган “Маънавият – комиллик саодати”, “Иймон - қалб гавҳари” китобларининг масъул муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Б.Н.Валихўжаев қаламга олинган мавзу ҳакида тўхталиб, ёзди: “Мэлс Махмудов, гарчи файласуф бўлса-да у адабиёт ва адабиётчилар билан бир қатор илмий ишлар эълон қилганки, мен улардан хабардорман” (Иймон - қалб гавҳари. Тошкент, 1999, 197-бет).

Бундай қайдлар юкорида айримлари тилга олинган китобларга ёзилган тақризларда ҳам қайта-қайта кўзга ташланади. “Шунидан кай бувад монанди дидан” (Эшитиш қачон кўриш ўрнини босибди), дейди зариф машойихлар. Ғоят ўринли мулоҳаза ва унинг билан баҳслашиш қийин. Шундай экан, М.Махмудовнинг сухбатида бўлиб, унинг шеърий ва насрый парчалар билан безалган нутқини тинглаган ҳар қандай муҳлис мухибининг қалбидан шубҳа ғубори

күтарилади...

Олим ва жамоатчи дўстимизнинг умр йўлида ҳавас қилиш, ибрат олишга арзигулик жиҳатлар бенихоя кўп. Улардан биттасини эса алоҳида қоникиш билан қайд қилишни жуда-жуда истар эдик: бу М.Махмудов ҳомийлиги ва бош мухаррирлигига нашр қилинаётган “Педагогик маҳорат” журналидир. Ушбу журнал нафақат мамлакатимиз, балки унинг сарҳадларидан олисларда ҳам ўз муаллиф ва муҳлисларини топди. У ҳакда кўп ижобий фикрлар баён этилмоқда. Жумладан, журналнинг айрим сонлари билан ошно бўлган республикамиз адабиётшунослашининг отахони, академик А.П.Қаюмов унинг муассиси ва бош мухарриридан чексиз мамнун эканлигини баён этди биз билан сұхбатда. Шу ўринда кичик бир изоҳ: М.Махмудов мустақилликнинг ilk йилларидаёқ иқтисодчи ўғли Жаҳонгир билан кичик корхона очган тадбиркордир. Нақшбандия тариқатида “илм ва амал”, “хунар ва амал” масаласи дикқат марказида туради. Айни ҳақиқатдан чукур хабардор файласуф олим тинмай меҳнат қиласи, Қаровулбозор туманидаги еру чорва моллари билан машғулликдан завқ олади. Ана ўша соҳадан келадиган даромадларини эзгулик йўлида сарф этади...

М.Махмудов умр йўлдоши Раънохон билан тўрт фарзандни вояга етказди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли етук мутахассислардир. Саккиз нафар ширин-шакар неваралар улар атрофида парвона... Ҳа, энди навбат маънавий фарзандлар парвозига келди. Улардан аксариятининг номзодлик диссертациялари ҳимояга тайёр турибди. Бугун-эрта ўша ёш олимлар ҳимоя минбарига чиқишиади...

Азиз касбдош биродаримизни муборак 60 ёши билан чин дилдан кутлар эканмиз, илм, жамоатчилик ва тадбиркорлик бобидаги қадамларингиз янада дадил, зафарли бўлсин ва жўшқин қалбинингизни маънавий-маърифий моҳият асло тарқ этмасин, деймиз!

### ЧАҚМОҚДАЙ ЧАҚНАБ ЎТГАН УСТОЗ...

Одам Ато зурриётларининг қуш уйқусига қиёс этгулик қисқа умри сирру синоатларга лиқ тўла сандикни эслатади. Уни ковлаганинг сайин сехрли қавату қатламлари очила боради, кўз ўнгингда турфа манзаралар жилоланади. Баъзан дилхуш, гоҳида дилхун лавҳалар хаёлингни ўз домига тортади. Биридан кувонасан, бошқасидан изтиробга тушасан, аччиқ кўз ёш тўккан онларингда қалбинг ларзага тушади. Узтоз Орифжон Икромов ҳақида нимадир

битмоқчи бўлиб қалам ушласам, негадир юқоридаги муроҳазалар хаёлимни ўраб, учкур туйгулар XX аср 70-йиллари бошида содир бўлган дардчил воқеаларни эсга солади. Ҳодариф, устоз айни жисмоний-маънавий балоғат палласида, қирқ беен ёшларида бизни тарқ этдилар... Дилўрттар армонларим уйғотган изтироб ёшлари юзларимни ювиб ўтдилар...

Орифжон Икромов домланинг қофозда муҳрланган нурли сиймоларига тикилиб туриб, гўё устоз билан гойибона муроқот қилгандай бўлдим ва бундан каму кўсти йўқ, қирқ олти йил муқаддам ул зоти мукаррамнинг тилларида жарангдор акс-садо берган, камина ўшанда ёдлаб олганим шоира Зулфиянинг қуидаги ички дард билан йўғрилган сатрларини пичирлаб айти бошладим:

Хижронинг қалбимда, созинг кўлимда,  
Ҳаётни кўйлайман, чекинар алам.  
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда,  
Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам...

Азалдан кемтик яралган дунёнинг кори шу экан-да, оташнафас шоир Ҳамид Олимжоннинг фожеий қисматидан хабар берувчи айни сатрлардаги маъно устоз Орифжон Икромовнинг ўз тақдирлари учун ҳам дахлдор бўлиб колди...

Устоздан сабоқ тинглаган, мурувват кўрган инсонлар бор экан, қалби зиё масканига айланган некбин муаллимнинг ҳам хотираси барҳаётдир...

1960 йилнинг биринчи сентябри. Яратган қодир эгамнинг инояти билан мен Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси бўлимининг биринчи босқичида ўқишини бошладим. Ўша йили чиндан ҳам мўъжиза юз берди. Факультет тарихида биринчи маротаба тўрт гурухда юздан зиёд талаба ўқишига қабул қилиндиқ. Маъруза машғулотларимиз иккинчи қаватдаги (буғун Самарқанд давлат чет тиллар институти жойлашган бино) 28-дарсхонада ўтарди. Хонамиз шу қадар тиқилинч бўлардики, қимиirlаш ҳам ноимкон ёди. Аммо бир жиҳатдан бағримиз бут ва кенг саналарди. Чунки бизга маърузани навқирон йигит ёшидаги муаллимлар - филология фанлари номзоди, доцентлар ёхуд шундай мартаба учун диссертация ёқлаш арафасида турганлар ўтишарди. "Адабиётшуносликка кириш"дан устоз Орифжон Икромов, "Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижоди"дан Талъат Махмудов, "Чет эллар адабиёти"дан Юсуфжон Пўлатов, "Ўзбек мумтоз адабиёти тарихидан" Нуриддин Шукуровлар жуда баланд илмий-гоявий савияда сабоқ беришган. Ана ўшандай ҳаяжонли кунлардан бирида

дарсхонамизга барваста қоматли, кўркам қиёфали, табассуми дилкаш, юзидан нур тараги турувчи, кўзлари катта-катта, адабиётдан салгина хабардор одамга суюкли шоир Ҳамид Олимжонни эслатувчи, харакатлари ярашиқли, табиати нозик, назокати баланд, саховатли ва ботамкин муаллимимиз кириб келди. Тўғри, дарс жадвали орқали биз у зотнинг доцент Орифжон Икромов эканликларини билиб олган эдик. Бироқ илк юзма-юз мулоқотимиз анча ҳаяжонли кечди. Устоз билан танишиб ҳам олдик. "Адабиётшуносликка кириш" фанининг дастлабки машғулоти гоят марокли, таъсирчан ўтди. Домладаги самимият, талабаларга кўрсатилган катта ҳурмат, мавзуни эркин, қофзларсиз тушунтириш, айниқса, шеърий завқнинг баландлиги ўргада содир бўлган "таранглик"ни анча юмшатиб юборди. Биз устозни ўзимизга жуда яқин тутадиган бўлдик. Машғулотлари нари турсин, домланинг биномизнинг ҳовли тарафидаги эшиги олдида қўйиладиган сурранг (аниқроғи, пишган сут рангидаги) "Газ-21" машиналари олдида суратга тушиш ҳам биз учун катта шараф эди. Ҳатто ҳозир ҳам ўша шўхликларнинг таклидомиз "махсули"- суратлардан бир нечтаси менинг расмларим қаторида сакланади...

Доцент Орифжон Икромовнинг маърузаларини соғиниб, интиқлик билан пешвоз олардик. Шу ўринда адолатли бир гапни айтишни жуда зарур деб хисоблайман: бугун "Адабиётшуносликка кириш", "Адабиёт назарияси"га доир жуда кўп адабиётлар, дарслик, қўлланма, махсус илмий рисола-ю тўплам ва лугатлар мавжуд. Аммо ўтган асрнинг 60-йилларида булар анқонинг уруғи билан тенг турарди. Ўшанда айни фанлардан маъруза ўтадиган инсон соатлаб эмас, кунлаб изланиши, рус тилидаги адабиётларда ўргага қўйилган назарий фикру мулоҳазаларни, аввало, ўзи ҳазм қилиб, сўнгра ўзбек адабиётига тадбиқ этиши ва талабага етказиши лозим бўларди. Айримлари қайд этилган мураккаб жараёнлар нуқтаи назаридан Орифжон Икромовнинг машғулотлари тарозу палласида тортиладиган бўлса, домланинг ҳар бир машғулоти учун қанча тер тўкканлиги аёnlashiб қолади. Мен қаламга олганим масалага бугунги тасаввурим мезонида баҳо берар эканман, муаллимлик ва шеъриятга бўлган баланд иқтидор устоз Орифжон Икромов учун савки табиий, илоҳий иноят натижаси бўлган дейишдан истиҳола килмайман...

Машғулотлар давомида биз устоз фаолиятидаги яна бир қатор кирраларни ҳам ўзимиз учун кашф этдик: доцент Орифжон Икромов кучли ҳофиза кувватига зга инсон эканлар. Муайян адабий -

танқидий тушунчани назарий жиҳатдан шарҳлаган устоз адабий  
• парчаларни ёддан, маромида, ёқимли оҳангда айтиб, тахлил қиласарди.  
Табиийки, бундай усул бирламчи ҳар қандай муаллимнинг ҳам  
қўлидан келадиган иш эмас ва талабага ҳам кучли таъсири қиласарди, уни  
жунбушга келтиради. Иккинчидан, домладаги юксак нотиқлик  
маҳорати уйғотган сеҳр нафақат ўшанда, балки бугун ҳам менинг  
қалбимга ғулғула солиб келади. Устоз Орифжон Икромовдан  
(жумладан, Самдудаги аксарият домлаларимдан) олганим яна бир  
улкан сабоқни қайд қиласам, вижданом олдида хилоф йўл тутган  
бўламан: Бу - талабани инсон, бўлажак издош сифатида тан олиш,  
унинг шахсини улуғлаш, унга чинакам ҳаётий-илмий йўлланма  
беришдан иборатdir. Ана ўша буюк ҳақиқат учун ҳам менга ҳаёт  
сабоғини берган Орифжон Икромов ва барча холис нияти  
устозларимга бўлган поёнсиз мухаббатни (дорилбақога рихлат  
қилган барча устозларимнинг мунаvvар руҳлари, илоҳо, шод  
бўлсин!) қалбимда ардоклаб келаман...

Устоз Орифжон Икромов баҳоналарида яна бир гапни ҳам  
айтгим келди. Дарсхонага, талаба ҳузурига кириб чиқадиган ҳар бир  
бандани ҳам муаллим ёхуд устоз дейиш тўғрими? Агар ўшандай  
бўлса, ўқитувчининг чароғбонлик фазилатига доғ тушмайдими? Оқ  
 билан кора тенг бўлиб, аралашиб кетмайдими? Шу қабилдаги  
саволларни яна ва яна давом эттириш мумкин. Бироқ ҳар бир нарсада  
меъёр ва муайян ўлчовлар бўлганидек, шундай тафовут муаллим  
 билан муаллим ўртасида ҳам равшан кузатилади. Навоий ҳазратлари  
айни масалага аниклик киригтар эканлар: "Ҳақ йўлида ким санга бир  
харф ўқитмиш ранж ила", - сатрига ургу бериб, башорат қилгандар.  
Дарвоке, Орифжон Икромов ана ўшандай мартабага лойик, алоҳида  
эъзозу ардоқлашга сазовор ва бош ҳарф билан ёзишга муносиб  
муаллим эдилар.

Инсон ҳаётининг олтин даври - талабалик йиллари анча-  
мунча андозаларга сифмайдигина эмас, унда пинҳон қоладиган сир  
ҳам бўлмаскан. Бир кўйлак олдин йиртган талабалар ҳар бир муаллим  
"дафтари аъмоли"ни кейингиларга бекаму кўст етказишаркан.  
Суюкли домламиз Орифжон Икромов ҳақларида ҳам шундай  
"маълумотнома" бизгача етиб келди. Ижобий маънодаги бу  
"бўшлиқ"дан бизнинг курсимиз ҳам анча фаол фойдалана бошлади:  
устозга Ҳамид Олимжон ва Зулфияга доир туркум саволлар  
"ёғдириладиган" бўлди. Ана ўша саволларга жавоблар жараёни бизга  
мутлако янги қиёфадаги Орифжон Икромовни кашф қилиш калитини  
берди. Адабий далиллар, ҳаётий лавҳа ва шеърий мисралар

ариқчада хуш овоз таратиб оқаётган жилғадай қуиилиб келади, домланинг ўзи ўша оҳанг ичига сингиб кетгандай туюларди бизга. Қаламидан нафосат бўстони дунёга келган ширин калом шоир Ҳамид Олимжоннинг ўлимига доир фожеий тафсилотлар ҳакида сўз боргандা, устознинг каломи бўғзига тиқилиб, кўзларидан шашқатор ёшлар окқанига шохид бўлганмиз. Бундай мураккаб руҳий ҳолатга тушиш шунчаки бўлмай, балки бадиий сўз санъатига беҳад баланд ишқнинг, илоҳий истеъодд соҳиби бўлган шоирга улуғ муҳаббатнинг самарасидир. Яна бировнинг дардини ўзига шу қадар яқин олиб, ўша изтироб ичида "оқиш" учун одамда тўла маънодаги инсоний қалб бўлиши лозим. Мен бугун далил айта оламанки, устоз Орифжон Икромов ноёб ва сехрли қалб соҳиби эдилар... Шоира Зулфиянинг садоқат рамзига айланган нафосатли мисраларининг Орифжон Икромов томонидан ширави овозда, жарангдор, ифодали айтилиши ҳамиша қулоқларим остида мусикий нидодай садо бериб туради, десам муболага бўлмас...

Бугун филология факультети биринчи босқич талабалари ўқув режасида "Ҳозирга адабиий жараён" фанини ўқитиш қўзда тутилган. Бизнинг давримизда бундай фан йўқ эди. Бизга ўшандай сабоқни Орифжон Икромов "Адабиётшуносликка кириш" фани туфайли берган. Домла шеърият ва унинг жанрлари ҳакида гапирганда мисолларни фақатгина Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижодиётидан келтиради, десам бор ҳақиқатни бузган бўламан. Чунки унинг шеърият оламига саёҳати анча кўламдор эди. Мумтоз адабиётдан тортиб, XX аср 50-йиллари адабиий жараёни ҳам домланинг эътиборидан четда қолмас эди. Шундай гапни бошқа адабиий тур ва жанрлар хусусида ҳам бемалол айтиш мумкин. Айримлари эслатилган жиҳатлар муаллимдан катта билим ва юксак маҳоратни талаб килардики, улар Орифжон Икромов қиёфасида ўзининг мукаммал мужассамасини топганди. Домланинг топқирлик ва зукколик билан дарс ўтиш санъати туфайли биз минг йиллик бой ўзбек адабиёти ҳакида кўрку таровати баланд дилкаш гулдастага эга бўлганмиз...

Алқисса, қисқа ва гоят мазмунли умри давомида чақмоқдай чақнаб ўтган устоз - Орифжон Икромовда олижаноб инсоний ва муалимлик фазилатлари бисёр эди. Улардан аксарияти забардаст муаллим, мураббий, тадбиркор раҳбар, уйгоқ қалбли шоир, кенг қамровли ва салоҳиятли адабиётшуноснинг бой маънавий меросида мурхланиб қолганки, айни нодир маънавий жавоҳирот ҳазинаси бизга ҳамиша мададкор ҳамда истиқлол даври авлодини мустакил

фиқрлайдиган баркамол шахслар сифатида шакллантиришда ҳам беминнат хизмат қилувчи барҳаёт ёдгорликтар.

## ЧОРАК АСР ВОҚЕАЛАРИ УЙҒОТГАН ТУЙҒУЛАР...

Йигирма беш ёшимда – умрим баҳорининг энг навқиронлик палласида Бухоро Давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедрасига «келиб қўшилдим». Менга қадар бу «рутба»га филология фанлари номзоди, доцент М.Ҳ.Қосимова сазовор кўрилган эканлар... Ибора филология фанлари доктори, профессор С.А.Алиевга тегишли бўлиб, домла ўзбек адабиёти кафедрасининг ихчам тарихасини ёзганда уни («келиб қўшилдилар») кўллаган эди. Бунинг маъноси шуки, М.Ҳ.Қосимова ва мен Бухоро Давлат педагогика институтида ўқимаганимиз ва Ўзбекистон Давлат университети ўзбек филологияси (буғунги Алишер Навоий номидаги СамДУ) факультетида таҳсил кўриб, бизнинг ҳар иккаламиз учун ҳам қадрдан ва мўътабар даргоҳга айланган ўзбек адабиёти кафедрасига ишга келганимиз... 1967 йилнинг 2 сентяброда мен учун бу воқеа (**келиб қўшилиш**) содир бўлган эди. Ўшанда кафедрада ажойиб ва бағри кенг, ўзбек мумтоз (умуман Шарқ) адабиётининг аишшаддий муҳлиси ва билимдони Восеъ Фаттохович Носиров, филология фанлари номзоди, доцент С.А.Алиев, филология фанлари номзоди, доцент Ҳ.Б.Зикриёева, доцентлар О.Р.Расулова, М.Ҳ.Қосимова, Т.Қ.Қораев, шоир Тошпўлад Ҳамиллар ишлашарди. Кафедрани эса ажойиб ва самимий инсон Тожи ака бошқаарди. Мен ва О.Сафаров эса кафедранинг «ёш шоир»лари эдик. Ана шу норасмий унвон кафедрага Файрат Муродов ва Шоира Аҳмедовалар ишга қабул қилингунларига қадар давом этди...

Инсон умрининг чорраҳаларида унинг тақдиридаги азал котиблари иншо қилган «битиклар»нинг юзага чиқишида ҳал қилувчи, нуқталар кўп бўлар экан. Менинг учун шундай босқични – юқорида эслатғанимдай ўзбек адабиёти кафедрасига «келиб қўшилишим» ўтади, десам сира хато бўлмайди. Қисматимнинг Бухори Шарифга жойлашган ва ажиб анъаналари жуда бой, нуфузли олий ўкув юрти билан жипс боғланишида ҳам бағри кенг, меҳрибон мураббий Тожи ака сабабчидир...

Академик шоир Faфур Ғулом буюрганларидек: «Етимлик нимадир, Бизлардан сўра. Қирқинчи йилларнинг (аслида «ўнинчи», мен дахлия санъатига таяниб, уни ўзимга мослаштиридим. Бунинг учун файласуф шоирнинг руҳидан узр сўрашга бурчлиман) саргардонлиги... Иситма аралаш, қўрқинч

**туш каби, Хаёл кўзгусидан ўчмайди сира** жараёнларини бошидан кечирган ўспириннинг фалакнинг гардиши туфайли Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университетига «тушиб қолиши» академиклар **В.А.Абдуллаев ва Б.Н.Валихўжаевлар** эътиборини қозониб, улар «эркаси»га айланиши мўъжиза билан баробар эди (кейинроқ билдим, мени С.Алиевга яқин одам ва дахлдор қилган таянч воситалардан бири академик В.А.Абдуллаев эканлар. Чунки устоз адабиётшунос С.Алиев домланинг ҳам устозларидан бири эдилар). Ўрта мактабда бир неча ой ишлаб ҳарбий хизматни (Украинада) ўтаб қайтгач ва ҳали «кирови тўкилмаган», университет ромбисини кўксига тақиб юришдан фаҳр қиласидан йигитчанинг ўзбек адабиёти кафедрасига «келиб қўшилиши» (бунинг учун руҳи мунаввари шод бўлгур Тожи акадан миннатдорман) иккинчи мўъжизага teng бўлди. Ўшанда факультет ва кафедра ҳозир университетимизнинг мактаб-интернати жойлашган бинода фаолият кўрсатар эди. Бинонинг қибла (шимолий-шарқида) тарафидаги қаноти иккинчи қаватида жойлашган кафедрага биринчи марта киришим билан анча салобатли, ёши элликка яқинлашиб қолган, тамкинли, кўз ойнак тақиб юрадиган инсонга дуч келдим. Одоб юзасидан салом бериб, хонага кирдим. Домла кўз ойнагини алмаштириб, менга тикилиб қаради-да, ажабланиб, ҳеч нарса демади. Айни «учрашув» менинг юрагимга катта ғулгула солди. Тожи акадан бошқа танийдиган одамим йўқ эди ўшанда. Институт ходимларидан сўраб-суриштиришлардан кейин ўша инсоннинг С.Алиев эканликларини билиб олдим. У кишининг кўз ойнак алмаштиришлари ҳам атайин қилинмаган экан: Домла ўқигандан бир кўз ойнак ва кўчада юрганда узокни кўриш учун бошқасидан (ёш улғайиб куним кўз ойнакка қолганда, бунинг ҳаётий эҳтиёж эканлигини билиб олдим) фойдаланаар экан. Алқисса, ана ўшандай таассуротлар оғушида доцент С.Алиев билан (ўша йиллар домланинг докторлик диссертацияси устида жиддий ишләётган даврлари эди) «танишувимиз» бошланди. Тўғриси, зикри ўтган йилларда узок муддат домладан ҳадиксираб, «хуркиб» юрганимни яширмайман. Кейинчалик эса анча яқинлашиб қолдик. Хусусан, Пешкў туманида (Жданов, ҳозирги «Маданият» жамоа хўжалиги бўлса керак) пахта йифим – терими мавсумида, бир гурухга раҳбарлик қилганимизда мулоқотларимиз «кўр» топди. Бригадиримиз берган отни навбатмавнат миниб, узок сухбатларимиз жараёнида бизни яқинлаширадиган яна бир омил пайдо бўлди: узоқ йиллар БухДПИда кассир вазифасида ишлаган Фуломова (исмларини

эслолмадим) ёшликларида бизга қўшни «Қозокон» қишлоғига (хозир Жондор туманидаги «Варахша» ширкат хўжалиги худуди) келин бўлиб тушган эканлар ва менга биринчи синфда (Ибн Сино ширкат хўжалиги худудидаги «Шербоён» қишлоғида жойлашган бошлангич мактаб «Қазоқон»га қўшни эди. Ўша мактабимиз мудираси Назарова ҳозир ҳам ҳаётлар. Илоҳо, умрлари узоқ бўлсин!) дарс берган эканлар. Гуломова менинг янгам билан (амакимнинг умр йўлдошлари) жуда қалин дугона эканлар ва мен уларнинг Бухоро шаҳридаги ҳовлиларида янгам билан (вилоят касалхонасининг эски йўлидан шифохонага буриладиган жойда «Аёллар тибий маслаҳатхона»сига қўшни) бир неча марта бўлганман ва Ҳожи Гуломбобо ҳамда у кишининг жуфти ҳалолларининг дуоларига мушарраф бўлганим эсимда. Ҳожи Гуломбобо (илоҳо, рухлари шод бўлсин!) Бухоро эронийларининг ўша даврдаги пешвоси ва домла С.Алиев билан ҳам жуда яқин муносабатда эканлар... Пешкў сұхбатларида мен домлага шу ҳақда сўзлаб берганимда, у кишининг чехрасида мулойим бир иликлиқ пайдо бўлди ва С.Алиев завққа тўлиб: -Сиз ҳам эронийми, дея сўрадилар. Мен ҳам самимият ва табассумга муносиб ҳаракатлар қилдим-да, аммо индамадим. Бизнинг бу сұхбатимиз қайсиdir воситалар ила даврадошларимизга етиб борибди ва мен домла Саид Алиевнинг «қариндошлари»га айланиб қолдим. Домланинг ўғли Аскарнинг уйланиш тўйида менинг югуриб-елиб, хизмат қилганимни кўрган касбдошларимда бизнинг қариндошлигимизга шубҳа қолмади. Аслида, ҳақгўй олим, зариф инсон ва шоир билан қариндош бўлиш фаҳр эмасми?! Мазҳаб ва уруғ-аймоқ талашлар инсоният тарихининг кейинги даврлари кашфиёти-ку! Ҳақиқатда эса Шайх Саъдийнинг башоратлари рост:

Бани Одам аъзои яқдигаранд,  
Зи офариниш зи як жавҳаранд...

Домла табиатан ўта талабчан, айни замонда ҳар бир воқеа-ҳодисага хушёрлик, эҳтиёткорлик, инжиқлик (ижобий маънода) билан муносабатда бўладиган инсон эди. Айниқса, талабалар билан бўлган муомала-муносабатда бундай ҳолат чандон ошар эди. Менинг ўшанда домладаги бу расмиятчиликдан ажабланган пайтларим бўлган. Аммо орадан кечган йиллар ва воқеалар ривожи менинг ҳам кўзимни очди. Домла қиркинчи йилларнинг охирида Бобур Мирзо шеърияти ҳақида номзодлик диссертациясини ёқлаб, йигирма йилдан зиёдроқ давр ичida кафедрада (ҳатто факультетда) ягона фан номзоди сифатида фаолият кўрсатган. Табиийки, атрофдаги одамларнинг муомала-муносабати ҳам шунга яраша (хушомад

охангида, масофа саклаб) давом этган. Бундай ҳолатнинг инсон табиатига, феълу атворига салбий таъсир кўрсатмай қолиши асло мумкин эмас. Иккинчидан, 40-50-йилларда амалда бўлган қизил мафкура зуғумлари; боз устига домла отасининг илоҳиёт билан жиддий алокадорлиги ва Бухоро эронийлари пешвоси рутбасида ҳаракат қилганлиги фарзандга нисбатан тазиикларни кучайтирган, пинҳона кузатув ва сўроқлар давом этган... Жон сақлаш, яшаш ва оила боқиши керак-ку, ахир!? Айтганларим билан боғлиқ икки лавҳани келтиришни истар эдим. Домланинг докторлик диссертацияси кафедрада (юқорида эслатганим бинода) муҳокама қилинди. Иш билан пишиқ танишган доц. О.Р.Расулова, Ҳ.Б.Зикриёева, М.Ҳ.Қосимова, Т.Қ.Қораевлар диссертацияни теран таҳлил қилдилар. Табиийки, катта тадқиқотнинг ютуклари қаторида унда кўзга ташланадиган нуқсонлар хусусида ҳам салмоқли гаплар бўлди. Муҳокаманинг иккинчи қисмини (танқидни) домла кўтара олмади (Ҳ.Зикриёева домланинг курсдоши, қолганлар у кишининг (М.Қосимова бундан мустасно) шогирдлари) ва анча асабий ҳолатдаги гаплар бўлиб ўтди. Мажлис чўзилди ҳаммамиз чарчадик ва оч ҳам қолдик-да. Мен бир талабага беш сўм пул бериб, Тешабойи самбўсага (бугунги тиббиёт олийгоҳи жойлашган бинонинг ёнида шундай сомсаларни тандирда пиширишар ва донаси ўн тўрт тийин эди) жўнатдим. Масофа яқин бўлгани учун ўша талаба ҳа, демай бир этак оғизда эриб кетадиган хуштаъм сомсани олиб келди. Буни кўрган ва ҳали асабий ҳолатдаги ҳаяжони тўла босилмаган домла дабдурустдан сўраб қолди:

— Бу кимнинг хисобидан?

Мен жавоб бердим:

— Домла, мен беш сўм пул бериб бир талабани юборган эдим ва у олиб келди.

Домла шу заҳоти чўнтагини ковлаб, менга беш сўм пул узатмоқчи бўлди. Мен бундай муомаладан ранжиб айтдим:

-Сайд Алиевич, мен вакфда (масжидга тегишли ерларда текин ишлаш) ишламайман ва давлат хазинасидан маош оламан. Нима бўлибди, кафедрашларим учун беш сўм сарфласам...

Бундай гапдан кейин домла анча ҳовуридан тушди, хотиржам бўлди ва кафедра ахли сомсани тановул қилиб, уй-уйларимизга тарқалдик. Аммо «бу кимнинг хисобидан» ибораси домладан ширин ёдгорлик сифатида ҳамон ўз вазифасини бажариб келади. Бу гапларни-ку маврид – бемаврид мутойиба қилиб айтиб юрамиз, лекин масаланинг яна бир жиҳатини ҳам таъкидлаш жоиз кўринади: домла

бировнинг олдида қарздор ва тили қисиқ бўлиб юришни истамас эди. Мана, бир мисол, ўша «тариҳий» бең сўм баҳона бўлди-ю мен домланинг уйига бир неча марта меҳмондорчиликка таклиф этилдим. Бундай далиллар менинг дилим хазинасида беҳад кўп сакланиб келади...

Мавзунинг илмий-маънавий тарафига қайтай: домла диссертациясини Тошкентга ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтига мухокама учун олиб борди. Иш у ерда ҳам қизғин баҳсу мунозараларга сабаб бўлибди. Кафедрамиздаги мажлисда айтилган танқидий мулоҳазалардан аксарияти у ерда ҳам айнан такрорланибди. Тошкентдан қайтган домла кафедра йигилишларидан бирида сўз олиб, ўша ҳақиқатни мардан тан олди ва кафедрадошларидан узр сўради. Ана шу далилнинг ўзи домланинг нақадарadolатпарастлиги ва ҳакгўйларча харакатидан ёрқин нишона эмасми?!

Олтмиш беш ёшга тўлган Сайд Алиевич институт маъмуриятининг алоҳида таъкидини кутмай (юкори мартабали мансабдор шахсларни ўргата кўймай) кафедра мудири вазифасини топширди ва «мудирхона»ни тарк этиб, «фуқаро»лар қаторига кўшилди. Торгина хонада, биз юзма-юз ўтирадиган бўлдик.

Кунлардан бирида, хонада мен ва Сайд Алиевичдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Биз ўзаро сухбатлашиб ўтирадик, бехосдан ташқари эшикни гўзал бир хоним очиб, ичкарига бош сукиб, кимнидир сўради. Домла кўз ойнагини алмаштиргунга қадар, мен «меҳмон»га кўз қисиб, домлага мурожаат қилишини сўрадим. Хоним ҳам «ахли дард» экан, ишорани зудлик билан илғаб, домлага савол билан мурожаат қилди. Алқисса, хоним ва Сайд Алиевич ўртасида иссиққина мулоқот бўлиб ўтди. Домла дилдан яйраб, қувноқ бир кайфиятда жавоблар қилди. Мен учун бундай ҳолат кутилмаган янгилик эди. Шўхлигим жазаба қилди, боз устига хонада иккаламиздан бошқа гувоҳлар йўқ... Домлага мурожаат қилдим ва айтдим:

— Сайд Алиевич Сиздан бир гапни сўрасам, майли-ми?

Домла менга таажжуб назари билан қараб, чехрамдаги жиддиятни пайқаб, жавоб қилди:

— Майли...

— Сайд Алиевич, гўзалларни кўрсангиз оёғингиз қалтирайди-ми?

Йигирма йилдан зиёдрок мен билан елкама-елка ишлаган Сайд Алиевич бундай ошкора «хужум»дан ҳайратга тушди, шекилли,

мени узок синчковона назар билан кузатди. Мурожаатимда ҳазил оханги борлигига қатъий ишонч ҳосил қилгач, дадил айтди:

-Нима, мен одам эмасми?!

Домланинг бу жавобидан кейин мен уни ўзим учун мутлақо янгидан кашф этдим. Яна бир гап. Мустақиллик йилларида нафақада юрган Сайд Алиевни хотира ва қадрлаш куни муносабати билан факультетга даъват этдик. Ўша йигинда Куръон тиловатига эҳтиёж пайдо бўлди. Айни шарафли вазифани домла адо этди. Тўғри, бу ходисадан нафақат мен, балки домлани биладиган бошқа инсонлар ҳам ҳангуманг эди. Наҳотки, бундан ўн йилча муқаддам давр сиёсатидан қилча бўлсин сетга чиқмайдиган Сайд Алиевични мутлақо янги қиёфада кўриб турган бўлсак?! Ҳа, афсуски, шундай. Сайд Алиевич ва унинг сафдошларини қолилларга солиб, тилидан эркни тортиб олган уйинг куйгур ғаддор комфирка ва унинг «салла ўрнида каллани олиб келган» ювиндихўр шотирлари эмасми?! Агар ўша инсонларнинг навқирон ёшлиқ йиллари истиклол даврида кечганида эди... Афсус ва надоматлар бўлсанки, зикир ўтган улуғ инсонлар бу фоний дунёни улкан армонлар, ушалмаган сўнгизиз орзулар билан тарқ этишди...

1970 йилнинг апрели бўлса керак, «Шайхим Суҳайлийнинг ҳаёти ва адабий мероси» мавзуидаги номзодлик диссертациямни ўзим ишләтган (мен СамДУ ўзбек классик адабиёти кафедрасининг тадқикотчиси эдим) кафедра мухокамасига топширдим. Ишнинг учинчи боби «Шайхим Суҳайлий шеъриятининг вазни ва бадиияти» деб номланар эди. Шу бобни ўқиш Сайд Алиевичга топширилибди. Мухокамага қадар, менинг “суюкли дўстларим” бир қатор баланд-паст гапларни менга етказиб, юрагимга ваҳима солишиди. Йўқ, мухокама куни домла анча самимий ва жиддий гаплар айтиб, ишимга юқори баҳо берди. Тўғрисини айтсам, ўша кундан бошлаб домланинг менга нисбатан муомала-муносабати ижобий томонга ўзгарди. Домлада атрофидаги одамларнинг салоҳиятини холисона тан олиш ва баҳолаш маҳорати баланд эди.

Мен буни домла билан бир неча йил битирувчи талабалардан Давлат имтиҳонлари қабул қилиш пайтида ҳам илғаган ва тан берган эдим...

1972 йилда мен ўттиз ёшимда Бухоро Давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедраси мудири лавозимига тавсия қилиндим. Беш йилга чўзилган бу катта ишонч (1977) мен учун улкан ҳаёт мактаби вазифасини ўтади. Доцентлар Ҳадия Зикриёева, Ойтўра Расулова (илоҳо, яратган кодир эгам уларни ўз раҳматига олган

бўлсин), Мунира Қосимовалар (Оллоҳ ўз хифзида асраб, умрларини зиёда қилсин) мени оналик меҳри билан авайлаб, ўз паноҳларига олдилар. Шундай гапни профессорлар Саид Алиев ва Тожи Қораевларнинг ҳақларига ҳам айтишга бурчлиман. Уларнинг ҳар бир ҳаракати ва сўзлари (аччиқ, танқидий бўлса-да) мен учун мактаб мақомида манфаат берди. Мен улардан ички интизом, ишchanлик, адолат, ҳақгўйлик, бироннинг шаъни ва ҳаққига хиёнат қилмасликдай олижаноб фазилатлар таълимини олдим. Ҳамон кимғадир «ёрдам» бермоқчи ва нимадир ёзмоқчи бўлсан, кўзойнекларини алмаштириб, менга нигоҳ ташлаётган Саид Алиевичнинг нуроний сиймоси кўз ўнгимда гавдаланиб туради...

Домла билан кечган чорак асрлик умримнинг ҳамма қунлари ҳам мўттадил ўтган десам, ҳаёт ҳақиқатини бузган ва Саид Алиевич руҳи олдида хиёнат (чунки домла ҳақ гапни хуш кўтарар эди-да!) қилган бўламан.

Бир-биримиздан ранжиган, хафалашган, баланд-паст гаплар айтган (албатта, ижтимоий фаолият манфаатлари туфайли) пайтларимиз жуда кўп бўлган. Бирламчи, биз буларни шахсий гараз даражасига қўтарган эмасмиз. Домла “зугум” ҳам қиларди, ўша қаҳрни меҳрга айлантириш йўлларини ҳам биларди. Бир куни эрталабдан тушга қадар сиртқи бўлим талабаларидан имтиҳон қабул қилиб, чарчаб кафедрага кирдим. Саид Алиевичдан бошқа ҳеч ким йўқ экан хонада. Домла мени қувноқ ҷеҳра билан кутиб олиб, тушликка таклиф қилди. Тихирлик қилишимга қарамай, мени кўндиридни ва бирга бинонинг биринчи қаватидаги ошхонага тушдик. Ташиббусни ўз қўлига олган домла ейишимиз лозим бўлган таомни буюришдан тортиб ҳисоб китобгача бўлган юмушларни ўз зиммасига олди. Мен эсам бундай “мулозамат”нинг нима билан яқунланиши ҳакида ўйлар эдим. Ошхонадан чиқишимиз билан домла муддаога ўтди ва менинг маърузамга кирмоқчи эканлигини маълум қилди. Мен кулдим-да, рози эканлигимни билдиридим. Саид Алиевич маърузамнинг қирқ беш дақиқасини кўзатиб, иккинчи қисмига кирмади. Узр айтиб мен билан хайрлашди. Иккинчидан, ўша «салбий ҳодисалар» бизда жиддий ички мусобака туйгусини шакллантира борган. Елкамизга улкан масъулият юклаб, ўзимизга нисбатан талабчанликни ошириш учун ҳисса бўлиб қўшилган. Айни ҳаракат машғулотларимизнинг сифат ва ғоявий савијасини янада ошира боришимизда ўзидан дарак берган. Бундай саъю ҳаракат фақат Саид Алиевичга нисбатан эмас, ҳаммамида қўр топиб, ривожланиб борган. Адабиёт кафедраларининг нафақат университетимизда,

балки республикада пешқадамлигининг ўқ илдизлари айни ана ўша йилларда сувга етган эди, десам хато бўлмас. Шахсан мен бугунги балоғатимни (агар у бор бўлса!) ўзбек адабиёти кафедрасининг мактаблики, унинг юқорида мен номларини келтирганим фидойи ходимларининг муаллимлик ҳиссаларидан ташқарида тасаввур қилолмайман...

Сайд Алиевич ўзи билан бирга ишлаганларга (айниқса, мудирлик йилларида) факат зугум ўтказиб фаолият кўрсатди, десак адолат мезонларидан анча йироқлашган бўламиз. Аксинча, домланинг ўзи бу нобакор ҳаётдан жуда кўп озорлар топди. Шулардан энг каттаси докторлик диссертацияси тасдиги билан алоқадордир. Домла Москвадан келадиган ўша бир парча қоғозни каму кўсти йўқ, тўрт йил кутди. Ахир, бу айтишга осон. Унинг изтиробу маشاқатларини бошидан кечирган инсонгина, билади, холос...

Домладан бизга ёдгор бўлиб қолган яхши амаллар, кўп сонли илмий-бадиий мерос халқимиз маънавияти равнаки йўлида бугун ҳам беминнат хизмат қилаётir. Шунинг ўзи Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор С.Алиевнинг эллик йилдан зиёдга чўзилган илмий-мураббийлик фаолиятининг бесамар ўтмаганлигидан ёрқин нишонадир...

## МУМТОЗ АДАБИЁТНИНГ ШАЙДОСИ ЭДИ...

Тожи aka хақида бир нималар ёзмоқчи бўлиб қалам ушладим-у, чукур хаёл мени олис-олисларга олиб кетди...

ХХ асрнинг 60-йиллари эди. Бу инсонни илк марта Самарқанд Давлат Университети ўзбек мумтоз адабиёти тарихи кафедрасида учратдим. Мен ўшанда ўзбек ва тожик филологияси факультетида кундузги бўлимида таҳсил олар эдим. Дарс тайёрлаш учун кафедра хузуридаги хонага кирсам «адабиётчи» йигит-қизларга онадек қадрдон Фая Аҳмедовна ўрта бўйли, зуваласи пишиқ, буғдорант, 25-26 ёшлардаги саҳройи табиат бир йигит билан сухбатлашиб ўтирган эканлар. Мен хонага киришим заҳотиёқ Фая опамиз мени меҳмон билан таништирилдилар:

-Бу киши Бухородан, Тожи Қораев, катта домланинг (Академик Воҳид Абдуллаевни ўзлари йўқ пайтларда шундай аташарди) аспирантлари... Сўнг навбат менга тегди ва Фая Аҳмедовна меҳмонга мени таништирилдилар.

- Бу киши Сизнинг ҳамشاҳрингиз, Раҳимжон, II курс талабаси...

Муборак даргоҳда, бадиий адабиёт ва унга доир илмий китобларга лик тўла ўн иккита шкафнинг бекаси, кабинет мудираси – Фая опамиз иштироки ва хузуридаги бир умрга бир-биримизга «боғлаб» қўйди....

Кизилтепанинг Ванғози мавзеидаги Нонвоён қишлоғида юртдошларини ширин кулчалар билан хушнуд қилиб келувчи Қорабой Максудов хонадонида дунёга келган (1936 йилнинг 9 февралида) Тожи ака бадиий адабиётга юксак муҳаббати билан опа, ака ва укаларидан ажralиб турарди. Ана ўша айрича ихлосу иштиёқ уни Бухоро Давлат педагогика институти (1992 йилдан БухДУ) тарих-филология факультетига етаклади. Тил ва адабиётга доир илмларга чанқоқ йигит мазкур даргоҳда улуғ завқу шавқ ила ўқиди (1955-1960) сафдошу устозлари назарига тушди. Бухорода – илмий-адабий марказдаги таълиму таҳсил йиллари унинг ҳамма тарафлама шаклланиши, истеъоди олмос қирраларининг япроқ ёзишида катта имкониятлар очди. У шариф шаҳарда мавжуд илмий, адабий-бадиий ҷашмаларга яқиндан ошно бўла бошлади. «Бухоронома» (собиқ «Бухоро ҳақиқати») таҳририяти, ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят бўлими билан Садриддин Айний номидаги вилоят мусиқали драма театри қизғин ҳамкорликни йўлга қўйди. Тожи аканинг дастлабки шеър-у лавҳа, тақриз ва мақолалари айни ана ўша йилларда рўшнолик кўра бошлади...

Олий даргоҳни имтиёзли диплом билан тугатиш арафасида турган навқирон йигитнинг азал котиблари насибасига раво кўрган битикларнинг ҳаётий ҳақиқатга айланишида йўл очадиган мутлақо кутилмаган янги бир омил унинг истиқболида турар эди...

Машриқ замин зариф машойихларининг қатъий таъкидига биноан ҳар бир инсон тақдирномасидаги ҳал килувчи нукталарнинг амал чопонини кийишида «тақдир жумон»ларнинг (силкитувчи, ҳаракатга келтирувчи холис ниятли шахсларнинг) ўрни бекиёс бўлар экан. Тожи ака учун шундай шарафли вазифани академик Воҳид Абдуллаев ўтади. XX аср 50-йиллари охирида республикада биринчилардан бўлиб ўзбек мумтоз адабиётшунослигидан докторлик диссертациясини ёқлаган ва ҳали қирови тўкилмаган Воҳид домла бир пайтлар ўзи ишлаган (олим 30-йилларнинг охирида икки йилча БухДПИ ўзбек адабиёти кафедраси аъзоси ҳамда мудири вазифасида фаолият кўрсатган) олий даргоҳга Давлат имтихон комиссиясининг раислигига давват этилади. Бухорои шарифга ташриф буюрган устоз адабиётшунос Давлат имтиҳонларига қадар талабаларга кисқа муддатли маҳсус курслар ўқийди...

Айни жараёнлар кафедрада ўқитувчи бўлиб ишлаётган О.Р.Расулова, Ҳ.Б.Зикриёева, М.Ҳ.Қосимова, М.А.Абдураҳмонов, С.Панченко, талабалардан Тожи ака ва бошқаларни проф. Воҳид Абдуллаевга анча яқинлаштириб қўяди. Аллоҳида коникиш билан қайд этмоқ лозимки, юқоридаги рўйхатда исми шарифлари қайд этилган инсонларнинг ҳаммалари кейинчалик отахон адабиётшунос раҳнамолиги ҳамда беминнат мадади билан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдилар....

Ана ўша йилларда академик В.Абдуллаев назарига тушган Тожи ака икки йилга яқин муддат она қишлоғидаги Абу Али ибн Сино номидаги мактабда она тили ва адабиёти фанидан дарс беради. Бироқ билимга бўлган баланд мухаббат ҳамда академик Воҳид Абдуллаев билан қилинган аҳду ваъда уни Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси хузуридаги кундузги аспирантурага етаклаб боради. Яхши эслайман, қайд этилган йилларда кундузги аспирантура таҳсилига жуда катта танлов асосида кабул қилинади ва илмга сидқий меҳру ихлоси бор истеъдод соҳибларигина шундай шарафга мусассар бўлишарди (негадир, мен хозир ўшандай гавжум бир манзарани кутиб, қўмсаб, яшайман...). Алқисса, зикри ўтган қизғин илмий баҳсларда танловда голиб бўлган Тожи ака Воҳид домланинг суюкли аспирантига айланишдай улуғ бахтга эришди...

Тожи ака табиатан хоксор, бағри ўзи вояга етган саҳросидай кенг, қалби унга ризқ-рӯз ҳадя этган тандирдай иссик меҳнат ва яна ҳалол меҳнат қучогида гарқ бўлишни хуш кўрадиган, ҳиссиёти баланд самимий ва дилкаш инсон эди. Ўша фазилатлари туфайли бўлса керак, бизнинг ака-укачилик муносабатларимиз бир умрлик қисматга айланди. Бугун ҳам Тожи ака зурриётларининг менга «амак» дея мурожаат килишларидан завқланаман ва бевосита Самарқанд лавҳаларини эслаб, қўмсаб, ширин табассум ила бир тамшаниб қўяман...

Аспирант Тожи акага XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX юз йилликнинг бошларида Бухоро адабий мухитида яшаб ижод этган Мулло Қурбон Хиромийнинг ҳаёти ва адабий мероси тадқиқот мавзуи сифатида белгиланди. Умрининг аксарият қисмини Соҳибқирон Амир Темурнинг ватани Шаҳрисабзда ўтказган бу шоирнинг кўпгина асаллари ўша йилларда илмий-адабий жамоатчиликка ҳали етарли даражада маълум эмас эди. Табиийки, масаланинг айни жиҳати ёш тадқиқотчани анчагина чўчитиб қўйгани рост. Бироқ заковатли аждодларимиз лутф килганларидек «кўз

кўркок, кўз ботир» бўлар экан...

Тожи ака жиддий ички интизом билан ишлади, туну кун изланди. Оиласи, тўнгич фарзанди Сирохиддинни қаттиқ соғинсада, чидади; тўрт-беш ойда бир улар хузурига «мехмон»дай бориб-келарди. Мен ўша йиллар (1962-1965) воқеаларининг тирик шохи迪 сифатида қатъи ишонч билан гапира оламан. Ёш олим илмий изланишларни жонли мулокотлар билан бирга кўшиб олиб борди. Такрор ва такрор илмий сафарларда бўлди. Хиромий қадами теккан жойларни эринмай қаричма-қарич тавоф этди. Зуллисонайн шоир авлодларини излаб топди. Мулло Курбон Хиромийни кўрган, шахсан ёхуд асарлари орқали билган муҳлислари билан эринмай суҳбатлар курди. Ўша тарихий лавҳаларни ёзib олди. Тожи аканинг орадан ўтган йиллар давомидаги изланишлари туфайли шоир отабоболарининг чармгарлик билан шуғулланганлиги аникланди. Шунингдек, Мулло Курбоннинг тахаллуси – «Хиромий» (1. Чармнинг олий нави; 2. Хиром этмоқ-майда қадамчалар билан чиройли юрмок) ҳам унинг косиблигига ишора экан. Тожи ака Шахрисабз сафарлари жараёнида ўша табаррук масканда яшаётган шоир ва Шарқ мумтоз адабиётининг нодир муҳлиси Гулшанийни кашф этди. Бу улуғ инсоннинг қўлёзма баёзида Хиромийга доир ҳам ажойиб лавҳалар қайд этилганлиги аникланди. Ўша ишораларга таяниб Хиромийнинг жуссаси кичикроқ, чаққон, ҳаракатчан, лутф билан гапирувчи, самимий, вазият тақозосига қараб бадиҳатан (махсус тайёргарликсиз, кутилмаганда) шеърлар айти оладиган, хозиржавоб инсон сифатида яшаб, фаолият кўрсатганлиги хусусида пишиқ ҳуласаларга келиш имконияти туғилди.. Гулшаний домланинг наклларига биноан Мавлоно Хиромий бир гурух шахрисабзлик казо-казолар билан Бухорога амир саройига ташриф буюради. Уларни қабул қилган мангит амири ҳар бир меҳмоннинг амораг олдида эгаллаган мавкеига қараб ҳадялар беради. Амир ўша маросимда гўё Хиромийни эсдан «чиқариб», қуруқ қолдиради. Бундай манзарадан шоирона салоҳияти жунбушга келган Хиромий бадиҳатан айтади:

Келибдур, Хиромий табаррук талаб,  
Қолибдур қатордин лабини ялаб...

Истеъдодли шоирнинг фавқулодда лутфидан мулзам бўлган амир ҳам «хужуми»ни давом қиласи ва шоир устидан кулиш максадида унга хушрўй эгар-жабдукли салобатли бир отни ҳадя қиласи. Табиатан серҳаракат ва эпчил шоир бу танг вазиятдан ҳам осонгина халос бўлади: ногаҳоний бир чакқонлик билан сакраб отга

миниб олади...

Гулшаний домланинг кўлёзма баёзида Хиромийнинг туркий барлос уруғидан эканлиги қайд қилинган экан. Бироқ тарих тӯфонига учраган барлосларнинг аксарияти турфа сабаблар талаби тақозоси туфайли дунёнинг турли гўшаларига тарқалиб кетишади. Жумладан, мўғул истилолари даврида Ҳиндистонда форсий адабиётнинг мустахкам қарор топишида алоҳида жонбозлик кўрсатган Амир Хисрав Дехлавийнинг ота-боболари она юртлари Шаҳрисабзни тарк этишга мажбур бўлишган. Она тили туркий бўлган айни қавм вакиллари хинд диёрида форсийда сўзлашган. Буни Дехли шаҳрида таваллуд топган Амир Хисрав ижодиётида янада ёрқин кўриш мумкин. Бу забардаст шоир форсийда теран мазмунли, фалсафий мушоҳадаларга бой гўзал асарлари билан мутлако ўзга юртда форсий забон адабиётини юксак тараққиёт чўққиларига кўтарди...

Барлос (баззи манбаларда кенагас) ургининг яна бир қисми қандайдир сабабларга кўра (эҳтимол шўро давридаги қулоқлаштириш сиёсати туфайлидир) бугун Самарқанд вилоятининг Ургут туманида истиқомат қилаётir... Зикри ўтган ишораларга таянган Тожи aka Мавлоно Хиромийнинг Амир Хисрав Дехлавий, Абдулқодир Бедил, Зебуннисодан тортиб, Барот Бойқобиловгача бўлган шоирлик шажараси жадвалини тузишга мұяссар бўлди...

Шаҳрисабз илмий сафарлари натижасида умидли тадқиқотчи Хиромийнинг маънавий меросига доир, ҳали илмий жамоатчиликка ўша йилларда маълум бўлмаган бой адабий ҳужжатларни ҳам қўлга киритади. Ӯшалар қаторида Мавлоно Хиромийнинг туркий ва форсий шеърларидан бир даста намуналар, «Чор дарвеш», «Раъно ва Зебо», «Маҳфилоро», «Тўтинома» сингари маснавийларидан айримларининг илмий ҳаёт учун номаълум нусхалари ҳам бор эди. Мен баъзиларини қайд қилганим жиҳатлар тадқиқотчига номзодлик диссертациясини аспирантура муддати ичida якунлаш имкониятини яратди. Диссертацияда Мавлоно Хиромийнинг «Маҳфилоро», «Тўтинома», «Раъно ва Зебо» маснавийлар илк марта теран таҳлилга тортилади. Муҳими, Тожи aka юқорида тилга олинган достонлардаги Шаҳрисабз, унинг дилбар табиий манзарапари тасвирига бағишлиланган рангин парчаларга таяниб, Мавлоно Хиромийни таржимон эмас, балки мустақил бадиий услугба эга ижодкор қаламкаш сифатида кўрсатишга харакат қиласиди, бу ёш олимнинг чинакам кашфиёти эди... Тожи аканинг кўлёзмасини машинкада кўчириш учун (у пайтларда бугунги компьютерлар бизнинг хаёлимизга ҳам келган эмас) тожик тили ва адабиёти кафедраси катта

лабаранти Л.Зохидов (кейинчалик филология фанлари номзоди, доцент) танланди. Бу инсон машинкада шундай маҳорат билан ишлар эдики, унга жумлаларни етказиб айтишга улгурис қийин бўларди. Иш «конвейер» асосида ташкил қилинди. Машинкадан чикқан биринчи нусхани Тожи аканинг ўзи ўқиб, тузатар ва биз (мен билан бирга шу ишга жалб этилган курсдошларим) бошқа нусхаларга ўтказар эдик. Факультет биносида бундай жараёнлар тунги соат бир-иккиларгача чўзиларди. Қисман эслатганим лавҳалар ўша йилларда мен учун икки ҳақиқатни ойдинлаштириш асосини берган: бирламчи, Тожи акадаги қатъият, сабр-бардош, бошлаган ишига юксак мухабbat, қунт билан давом қилиш истеъоди, ҳамсuxbatларининг фикрини чидам билан тинглащ, илм йўлидаги фидойлик энг асосийси, ўта меҳнатсеварлик каби фазилатлар соҳиби эканлигидир. Иккинчиси шуки, «ilm — нина билан қудук қазиши», деган мақолни мен кўп марта ўқиган ва эшигтан эдим. Бироқ, дастлаб, Р.Орзивековнинг номзодлик диссертациясининг (хозир СамДУ профессори, филология фанлари доктори), кейинчалик Тожи ака тадқиқотининг дунёга келиш жараёнлари билан яқиндан танишув менга ўша мақолнинг моҳиятини қалбан ҳис қилиш асосини берди, десам хато бўлмас. Айтганларимга илова шуки, талабалик йилларида ёқ академик Б.Н.Валихўжаев раҳбарликларида шуғулланиб юрганим мумтоз адабиётга бўлган қизиқишу меҳримни чандон оширди. Биргина кичик лавҳада ифодалашга уринганим (аслида мен улардан жуда кўпига шоҳид бўлганман) ҳолатлар мен учун илм йўлининг қисматга айланишида дебоча бўлган бўлса, ажаб эмас. Водарифки, кейинчалик кирқ йилга чўзилган илмий қисматим давомида мен улардан даҳшатлироқларига ҳам дуч келдим. Ҳамон илмни қисмат билгандар учун унинг хеч қачон осон кечмаслигига иймон келтириб яшайман...

Тожи аканинг ҳимоя жараёнлари бир йилча муддатга чўзилди. Ҳимоя йиғилишида иштирок этиш менга насиб бўлмади. Чунки 1966 йилнинг апрелида мен Украянанинг Богдан Хмельницкий шаҳрида ҳарбий хизматда эдим. Бироқ Тожи ака «садоқат шеваси»га риоя қилиб, ташвишлари етарли бўлишига қарамай, менга диссертация авторефератини юборди. Мен бу нодир тухфани кўзларимга суртиб, ҳамиша ўзим билан бағримда қўтариб юрдим...

Тожи ака номзодлик илмий даражасини олиш билан Мавлоно Хиромийга доир изланишларига нуқта қўйган эмас. Йўқ, у бу борада илмий тадқиқотларини давом эттирди. Үнлаб жиддий мақолалар ва икки китоб нашр эттирди. Айникса, «Фан» нашриётида, йириккина

ҳажмда босилиб чиқкан «Хиромий» (ҳаёти ва ижоди) илмий рисоласи унга катта шухрат келтирди. Ўша китоби туфайли республикадаги касбдошлар уни бугун ҳам мумтоз адабиёт тадқиқотчиси сифатида эътироф этишади...

Мен Тожи аканинг қистови билан қишлоқ мактабидаги ўқитувчилик фаолиятимни тўхтатиб, Бухоро давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедрасига ишга қабул қилинди. Ўшандан то бу меҳрибон инсоннинг вафотига қадар Самарқандда ибтидо топған илмий-ижодий ҳамкорлигимиз давом этди. Мумтоз ва ҳозирги адабиётга доир ҳаммуаллифиликда ёзилган юзлаб илмий, илмий-оммабоп мақолаларимиз, уч китобимиз («Адабий тахаллуслар ҳақида тушунчा», «Тахаллуслар», Абу Али ибн Синонинг адабий мероси тадқиқига аталган – «Авлодлар таъзими») дунё юзини кўрди. Таъкидга сазовор томони шундаки, мен бу улуғ инсондан жуда кўп нарсаларни ўргандим...

Тожи ака XX асрнинг 70-йиллари охиридан бошлаб Уйғун ижоди устидаги илмий фаолиятини бошлади. Янги мавзуга доир туркум мақола ва катта-ю кичик китоблар эълон қилди. Таъкидлаш жоиз, ўша йилларда ҳам у мумтоз адабиёт билан «алоқа»сини узган эмас. Бухоронинг XV асрда яшаган буюк зуллисонайн шоирий Хожа Исматулла ҳақида республика даврий матбуотида бир қатор мақолалар эълон қилди, мўъжазгина илмий-оммабоп китобча чоп эттириди.

«Ёшликда берган кўнгил-айрилмас бало бўлур», - деганларидек Тожи ака қисматида ҳам шундай ҳодиса ҳамиша ўзидан дарак бериб турди. Унинг Туркистоннинг «шайх ул-машойих» (Алишер Навоий ибораси), сulton ул-орифин шайх Аҳмад Яссавий ижоди атрофида кекса журналист Абул Бозоров билан ҳамкорликда олиб борган кузатишлари муаллифларга катта обрў-эътибор келтирди. Улар томонидан «Шарқ юлдузи» журналида эълон қилинган Аҳмад Яссавий «Ҳикматлар» манзумасининг Туркистон нусхасидан намуналар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Аҳмад Яссавий номидаги халқаро мукофотига лойик топилди...

Тожи ака илмий тадқиқот, мударрислик ташвишлари билан бирга ўн саккиз йил давомида дастлаб тарих-филология, кейинчалик ўзбек филологияси ва хорижий тиллар, ўзбек ва тожик филологияси номлари билан юритилган факультетни бошқарди. Собиқ педагогика институти, бугунги университет фаолияти равнақи йўлида алоҳида фидойилик кўрсатиб ишлади. Ўзбек адабиёти кафедраси доценти, мудири, профессори лавозиму вазифасида жонбозлик кўрсатган

Тожи ака кундузлари давлат иши билан, тундан тонгга қадар эса илмий мақола хамда китоблар ёзди. Таъкидлаш жоизки, у ҳаётининг кейинги йигирма йилида ана ўша салмоқли тадқиқотларни бир кўз билан (иккинчи кўзи юзини парда қоплади) амалга ошириди. Тобора хиралашиб бораётган кўзини даволаш учун саъй –ҳаракатлар қилинди. 70-йилларда кўз касалликлари борасида анча шовшувларга сабаб бўлган самарқандлик машхур профессор Юсупов билан (бу вазифани академик Б.Н.Валихўжаев ўз зиммаларига олдилар) гаплашилди. Аммо, негадир, бу жарроҳликка Тожи аканинг юраги дов бермади ва биздан ҳам хатоликлар ўтди...

Тожи ака катта оиланинг меҳрибон сардори эди. У ўн фарзандни вояга етказиб, оёққа кўйди, уйли-жойли қилиб кетди...

Профессор Тожи Қораев ҳаёт бўлганида, биз унинг етмиш йиллик (2006 йилнинг февралида) умр тўйини нишонлардик... Ночора, инсоният қисматининг интихоси шу экан-да! Аммо кўнгилларга таскин берадиган жиҳати шундаки, бу бағри кенг, адабиётпарвар, улуғ инсондан ахли солих фарзандлар, унинг эзгу ишларининг давомчиси, илм адаб соҳаси жонқуярлари – шогирдлар, юзлаб илмий, илмий-оммабоп мақола-ю ўнлаб мазмунли китоблар ёдгор қолди. Улар буюк келажак сари дадил илгарилаётган она Ўзбекистон истиқболи йўлида ёш авлодимизни баркамол шахслар қилиб шаклантиришдек юксак мақсадлар бобида беминнат хизмат килаёттир. Демак, Тожи ака руҳан барҳаёт, у биз билан бирга қалбимизда яшашда давом этади...

## ЮРТДОШ ОЛИМНИНГ ИЛМИЙ ТУҲФАСИ<sup>40</sup>

Раҳматулла Баракаев Вобкент туманида таваллуд (1954) топди. Унинг балоғат йиллари шу муқаддас замин парчасида ўтди. Ўрта мактаб таҳсилидан кейин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (буғунги педагогика университети) филология факультетига хужжат топшириди. Иктидорли йигитнинг орзузи ушалди ва у не-не олиму алломалар, шоири адиблар, давлат арбобларига бешик вазифасини ўтаган доврукли олийгоҳга қабул қилинди. Раҳматулла Тошкенти азим берган имкониятлардан маънавий оламини шаклантириш йўлида унумли фойдаланди. Адабий давралар, таҳририят ва ижодий ўюшмалардаги қизғин баҳсу мунозараларни расмий машғулотлар билан кўшиб олиб борган ўспириннинг дунёқараши тўлишди, тафаккур кутблари кенгая борди.

<sup>40</sup> Ушбу макола Ю.Азимов ҳаммуаллифлигига ёзилган.

Институт ҳатмидан кейин ҳам (1975) у ўз истиқболини ўша сиёсий-иктисодий, илмий-адабий, бадиий-маърифий марказ бағрида кўрди.

Рахматулла Баракаев – табиатан жиддий, нигоҳларида ўйчанлик, мулоҳазакорлик, андиша, меҳру оқибат, самимият ўрнашган истеъодли шахс. Ана ўша олижаноб инсоний фазилатлар унга қанот берди, уни дунёга берган сахроси каби бағри кенг мутахассис мақомига кўтарди. Унинг чорак аср давомида (1980 йилдан) Ўзбекистон Республикаси Фаңлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт илмий тадқиқот институтида ўтаётган мазмунли умри ҳам бизнинг айрим чизгиларимизга гувоҳдир. Бугун Раҳматулла Баракаев нафақат нозиктабъ олим, балки ишчан ва тадбиркор раҳбар сифатида ҳам эл назарига тушди. Унинг муҳлису дўстлари она Ўзбекистоннинг турли сўлим гўшаларида беҳаду беҳисобдир. Республикамиз тил ва адабиёт фанлари тараққиётининг ўчоги бўлган илмий тадқиқот институтининг оғиргина юки шу камсукум, бир караганда нимжонгина, аммо ўта ҳаракатчан, сўзлари аниқ нишонга етадиган, мушоҳада ҳамда мутойибага йўғрилган дилкаш нутки билан касбдошу сафдошларига ҳар жихатдан манзур шу олимнинг елкасидадир. Қачон изласангиз (тонгдан тунгача) ўша даргоҳ директор ўринбосари хонасидан топишингизга тўла кафолат бизнинг бўйнимиздадир.

Рахматулла Баракаев учун илм ҳам, қамровли жамоатчилик ва раҳбарлик фаолияти ҳам қисматга айланган десак, муболага бўлмас. Чунки унинг бир даргоҳдаги йигирма беш йиллик умрининг «манасбиз» даврини топиш қийин. Бирок ана ўша ташвиш-тараддулар доирасидаги фаолият силсиласида илм марказий халқадир. Филология фанлари номзоди (1994) Раҳматулла Баракаев учун «нина билан қудук қазиши»га баробар, ўзбек болалар адабиётининг шаклланиш ҳамда тарихий тараққиётининг жараёнлари тадқики қисматга айланган. У сиз билан мулоқотда бўла туриб ҳам қайсиdir олимнинг шу соҳага алоқадор номақбул фикри билан руҳан баҳслашади, ўз нуқтаи назарини ўтказишга ҳаракат қиласиди, десак, бунга шубҳа қилманг. Олимнинг республикамиздаги эътиимодли журнalu тўпламларида рўшнолик кўрган юздан зиёд илмий мақолалари, маърузаю нутклари ҳам бизнинг юқоридаги фикрларимизга кувват беради.

Рахматулла Баракаев ярим асрлик курашу изтироб, изланишлару кувонч бағрида ўтган ибратли умрини ортда қолдирди. Олим ана ўша улкан довонни чиройли илмий тухфа билан сарҳисоб қиласиди. Давлатимизнинг отахон нашриёти – «Фан»да «Ўзбек

болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди» рисоласини (158 бет, минг нусха) чоп эттириди. «Кириш», уч боб ва «унумли хуросалар»дан таркиб топувчи бўлиқ фикрларга бой китоб ҳар қандай китобхонда ҳам ширин таассурот қолдириши шакшубҳасиздир. Шахсий учрашуву сухбатларда «сокин» кўринган олимнинг «оқим тагидаги жунбўшли пўртанаалари» рисоланинг муқаддимасидаёқ ўзидан дарак беради. Айни саҳифаларда Раҳматулла Баракаев мукаммал қуролланган ва нима учун майдонга чиққанини қалбан ҳис қилувчи жангчи қиёфасида намоён бўлади. Дарвоқе, ҳозирги ўзбек адабиётининг таркибий қисми ҳисобланувчи ўзбек болалар адабиётининг пайдо бўлиши ва равнақи узоқ йиллар давомида кескин тортишувлар майдони бўлиб келди. Аммо ўргага ташланган хуросалар сунъийлик ҳамда якрангликдан узоклашмади: октябрь тўнтаришига қадар рўшнолик кўрган асарлар – «болалар китобхонлиги» ва ундан кейингилари «ўзбек болалар адабиёти» намуналари сифатида баҳоланди. Янада аникроқ айтадиган бўлсак, «ўзбек болалар адабиёти» (бошқа миллий адабиётларда ҳам) октябрь социалистик революциясининг меваси сифатида баҳоланди. Мазмундор рисола муаллифи ана ўша иштибоҳга қарши «жанг» очади. Таъкидга сазовор жиҳати шундаки, у вазмин, асосли ва инкор қилиш душвор бўлган адабий-илмий маълумот ҳамда қарашларга таяниб иш кўради. Китобнинг ибтидосидан интихосига қадар олим танти илмий усул-муқояса (киёс)га таянади. Табиики, бундай йўналишнинг кутби холисликдир. Шунингдек, айни йўналишда мулоҳаза юритиш майли илмий одоб тамойилларидан узоклашишга ҳам имкон бермайди. Раҳматулла Баракаев рисоласининг таъкидга сазовор олмос кирраларидан бири ана ўшанда намоён бўлади. Яна тадқиқотчи «илмнинг миллати ва мақони» бўлмайди, деган магизли ақидага амал қиласди. Ўз нуқтаи назарини асослашга кўмак берадиган илмий-адабий иқтибосларни рус, тожик ва бошқа халқлар маънавий мулкидан излайди, таҳлил доирасига киритади, хуросалар чиқаради. Шундан, унинг «болалар китобхонлиги», кичкентойлар адабиётининг «пайдо бўлиши», «ташкил топиши» ва «шаклланиши»га доир кузатишлари мароқли чиқсан ва сезгир китобхонлар хукмига ҳавола қилинган илмий рисоланинг ижодийлиги, ўзига хослигини таъмин этган. Китоб саҳифаларини мутолаа қилган китобхон ўша жумлаларнинг қаватларида кўз ойнагини такиб олган ва ёқимли табассум билан нигоҳ ташлаб турган Раҳматуллага бот-бот дуч келади. Илмий рисола фазилатини тайин қилган таянч омиллардан яна бири ҳам ана ўша ўзига

хосликдадир. Илмий рисола бетларида ёрқин кўзга ташланадиган яна бир фазилатни алоҳида таъкидлагимиз келади: китоб саҳифалари «куруқ» эмас, яъни даъво ва ундан келиб чикувчи муаллақ хуносалар, асосини топмаган фикрлар деярли назарга ташланмайди. Муаллиф муйян адабий ҳодиса атрофида мушоҳада юритар экан, аввало адабий мълумот, далил ҳамда хужожатларни тўплайди, сезигир китобхонига тақдим этади, сўнг таҳлил ва хуносаларини ўргата ташлайди. Шундай гапни Абдулла Авлоний адабий фаолияти хусусида ҳам айтиш жоиздир. Китоб саҳифаларида Абдулла Авлоний танҳо эмас. Унинг маънавий мероси замондош, маслақдош ва сафдошлари асарлари билан қиёсан тадқиқдан ўтказилади. Албатта, китобнинг бундай бетлари номлар, йиллар, воқеалар билан тўлиб кетади. Табиийки, бундай услубий майл фазилати билан бирга китобхонни бир мунча толиқтириб қўйиши, такрорларга йўл очиши ҳам мумкин. Таъланган мавзуга ҳаддан зиёд маҳлиёлик билан ёндашув, далилларга ишқибозлик, баъзан нуксонларга ҳам йўл очади. Бундай «иллат» факат Раҳматуллада эмас, балки, аксариятимизда ҳам кўзга ташланиб туради. Китобнинг истиқлол неъмати эканлигини пайқаш қийин эмас. Унинг саҳифаларида Абдулла Авлоний ва бу кенг қамровли адиб тенгдош, тақдирдош ва замондошларининг ислом тарихи, илоҳий асарларининг тахлилга жалб қилиниши шундай хуносага келиш асосини беради. «Ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди»ни факат кичкентойлар адабиётига доир тадқиқот сифатида баҳолаш адолатдан бўлмас эди. Чунки рисола бобу бўлимчаларида илоҳиёт ва тасаввуфга доир ўргата ташланган қизиқарли мулоҳазалар анча серобдир. Ислом ва унинг тарихига доир асарлар ўрганилаётган саҳифаларда бундай майлнинг кузатилиши табиий бир ҳолдир, албатта. Илмий рисолада ахлоқий-таълимий қараашлар, комил инсон қиёфаси манзаралари (химмат, саховат, тўғрилик, кечирувчанлик, сабр, бардош, қаноат, меҳр, оқибат ва х.) анча бафуржга тахлил қилиниб, марокли мулоҳазалар ўргата ташланади. Уларнинг талабчан китобхонга катта завқ бериши, унинг учун ибрат мактаби сифатида хизмат қилиши шубҳасиздир. Китобнинг фазилатлари бехад кўп. Шу билан бирга унда мулоҳаза қилиб кўриладиган ўринлар ҳам йўқ эмас.

Китоб саҳифаларида такрорланадиган (ўзбек болалар адабиётининг шаклланиш жараёнинг доир) фикрлар кўп учрайди. Улар баъзан китобхон табиатига малол келиши мумкин. Рисолада ўзбек маърифатпарварларининг она тили соғлиги учун олиб борган

курашлари илмий таҳлилига кенг ўрин берилган. Бу ибрат. Аммо, муаллифнинг ўзи ҳам ўша тамойиљларга амал қилса, нуран аъло нур бўлур эди. Ўзбек болалар адабиётининг шакланишида унинг яратувчиси бўлган халқ қадриятларининг алоҳида ўрнига ургу берган муаллифнинг рус донишмандлари фикрларига кўпроқ майл кўрсатишини маъкуллаш қийин. Эҳтимол, бунга Раҳматулла Баракаев номзодлик диссертациясининг «суяги» шўро даврида қотғанлиги ҳам сабаб бўлгандир.

Биз юқорида қайд қилган «майда-чуйда»лар ўта меҳр, ихлос, куйинчаклик ҳамда илмий тиниқлик билан ёзилган китобнинг мънавий-маърифий аҳамиятига соя ташлай олмайди, албатта. У баркамол шахсни шакллантиришдек Давлат дастури мақомидаги шарафли вазифани рӯёбга чиқарышда беминнат хизмат қила олади...

## МУАЛЛИМ МАҲОРАТИ - СИФАТ КАФОЛАТИ

Хоҳ ўрта, хоҳ олий мактабда бўлсин, машғулотлар қизғин ижодий жараён мақомида кечади ва унда муаллим ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Компьютер аспи - XXI юз йиллиқда ҳам айни хулоса ўз кимматини йўқотганича йўқ. Чунки, аввало, ўша «онгли машина»ларнинг ўзи инсон ривожланган тафаккурининг маҳсулидир. Боз устига электрон ҳисоблаш техникасининг мўъжизавий имкониятларидан нечоғлик баҳраманд бўлиш ҳам Ҳазрати Одамнинг истеъодод ва маҳоратига алоқадор бўлиб қолади. Зикри ўтган жараёнлар дарсхонага кўчирилган, янги педагогик технология, масофадан ўқитиш сингари бугун урфга айланиб бораётган тамойилларга боғланган тақдирда ҳам калаванинг таянч нуктаси инсоннинг кўлида бўлиши муқаррарлиги аёнлашиб қолади. Ўзимнинг қирқ йилдан ошиб қолган муаллимлик фаoliyati минг бўлиқ қаймоғи ҳам юқорида ихчам ифода этганим мулоҳазалар фойдасига хизмат қиласди. Айни ақидадан келиб чиқиб, студентлик йилларида бизга маромига етказиб сабоқ айтган бир фидойи устозим машғулотларидан олган таассуротларимни «Педагогик маҳорат» муштарийлари билан баҳам кўриш фойдадан холи бўлмас, албатта....

Нуриддин Шукуров... Бу табаррук исми шарифнинг менинг шууримдан жой олганига қирқ йилдан ошди. Шунча муддат давомида бу беназир инсон, дақиқназар олим, ўзига хос мураббийдан ўрганиб, хавас қилиб, водариф, кейинги йилларда соғиниб яшаб келаман. Устоз билан тузилган бир режамизнинг амалга ошмай колганлиги, қиёмат қарзига айланганлиги қалбимнинг туб-тубига

чўккан катта армондир. Ўша машҳум фожеа (биз шогирдлар учун худди шундай!) содир бўлмаганда, меҳнат таътилида мен Самарқандга боришим, устоз билан бирга ишлашимиз, илму адаб, санъату маърифатнинг ўчоғи бўлган бу хонадон шажарасининг маънавий манбаларини ўрганишим ва шу ҳақда бақадри ҳол бир рисола ёзишим лозим эди. Мен шу сафарга ҳозирлик кўриб юрган кунларимдан бирида она Самарқанддан шум хабар келди. Ишонмадим. Аммо тақдирни азалдан, ажалдан қочиб кутулишнинг иложи йўқ экан... Жаннатмакон Самарқандда мен учун муборак даргоҳлардан бирининг мўътабар остонасини ҳатлаб ўтиб, устозни изладим, дийдаларимдан ёш равон бўлди. Сабиҳа аямизни афтода ва таъзия либосида кўриб бағрим эзилди... Начора, инсон мўъжизавий Курдатнинг битигу кароматлари наздида ожиз бир банда экан-да...

Ўшандан бери бир нима ёзсан, мавридини топиб устозга бўлган меҳримни саҳифаларга кўчиришга интилиб келаман... «Биз билган ва билмаган Бобур» рисолам (Тошкент, «Маънавият», 1999) «Дорил бақоға риҳлат қилган устозларимнинг руҳлари шод бўлсин!» бағишливи билан босилди. Бунда мен биринчи галда академик Воҳид Абдуллаев ва проф. Нуриддин Шукуровларни назарда тутганман. Шундай дейишимнинг эса мантиқий асоси бор....

Нуриддин Шукуров гарчи бугунги адабиётнинг (устоз номзодлик диссертацияларининг Ғафур Гулом шеъриятидан эканлигини назарда тутиб, биз шундай ўйлардик) мутахассиси бўлсалар-да, бизга ўзбек мумтоз адабиётининг Алишер Навоийга қадар бўлган даврини маромига етказиб ўтган эдилар. Ўша мароқли маърузаю, амалий машғулотлари орқали устоз бизни мумтоз шеърият бўстонида сайр эттирган. Адолат билан айтганда, ўзбек мумтоз адабиёти айни даври ўша йилларда (ҳатто ҳозир ҳам) етарли даражада ўрганилмаганлиги туфайли анча қашшоқ кўринарди. Уни ўргатиш ҳам, ўрганиш ҳам бирдай зерикарли туюларди. Айникса, 60-йиллардаги мафкура ва маънавий мухит ахволи нуқтаи назаридан баҳо берганда зикри ўтган ғариблик янада ёрқинроқ кўзга ташланарди. Бироқ ошпазлиқда ҳамма нарса ҳам масаллиққа боғлик бўлиб қолмас экан. Хунарманд ошпазнинг хунару маҳоратида ҳам хикмат кўплигига йиллар давомида ишонч хосил килдим. Нуриддин Шукуровда муаллимлик маҳорати шу қадар баланд экан-ки, ўша кобилият туфайли машғулотларда биз озгина бўлса-да, зерикиш туйғусини ҳис қилганимиз йўқ. Маъруза жараённида устоз сўзламасдан, гўё бизга қўшиқ куйларди. Хоразмийлар, Атойи, Саккокий, Сайфи Саройи, Мавлоно Лутфийга доир машғулотлар,

бошқа курсдошларимни билмайман-у, менинг юрагимда мангуга муҳрланиб қолган. 80-йилларнинг охирларида мен ҳам олий мактабда сабок бера бошладим. Яширмайман, ҳали ҳам машғулотларимда сиймолари қалбимдан ўчмас маъво топган ўша улуғ устозларимга таклид қилиб яшайман. Устоз Нуриддин Шукуров шу сафда биринчилар қаторида камарбастадирлар. У зоти мукаррам малик ул - калом (Сўз мулкининг подшоси) Лутфийнинг сатрларини қиёмига етказиб таҳлил қилган эдиларки, улар худди кечагидай менинг кулоқларим остида акс садо беради...

*Юзингдин лола ранг элтиб, уялиб шаҳарга кирмас,  
Анинг бўйнин киши боғлаб, келтирмагунча сахродин...*

Байт Мавлоно Лутфий Шошийнинг ошиқона ғазалидан олинган. Айни мисраларда ошиқ ўз маъшуқасини улуғлаётir: сахро (тоғ) лоласи - ўғри. Аслида унинг очилган гули япроқчалари қизил рангда бўлмаган. Улар шу дилбар рангни сенинг (маъшуқанинг) ёноқларингдан ўғирлаб олган-у сахрога қочиб кетишган. Энди уялганидан шаҳарга келолмайди. Ашаддий ўғриларни излаб, тоғу тошлардан тутиб, бўйнидан боғлаб олиб келганларидек, лолани ҳам териб, дасталаб боғлаб шаҳарга келтирадилар. «Тўқсон тўққиз яшаган» (А.Навоий) Мавлоно Лутфий ҳаётий ҳодисалар, халқона удум, расм-русларни чуқур биладиган ҳассос шоир эди. Ана ўша донишмандлик унинг шеъриятининг мағиз-мағзига сингиб кетган. Жумладан, юқоридаги байтда ҳам эслатилган фазилатлар намоёндир. Баҳор аёмида сахрога, дашту тоғларга, лола, гули сурх сайрига чиқиш, лўппи-лўппи очилган қизгалдоқларни териб олиб, табаррукан шаҳарга келтириш халқимизнинг қадимги урфларидан биридир. Мавлоно Лутфий байтни зикри ўтган ўша ҳаётий одат асосида куриб, унинг таъсирчанлиги, бадиияти ва халқона оҳангини таъмин этган. Улуг шоирнинг куйидаги мақтаси - байтида ҳам ўшандай назокат, самимият ва лутф санъати ёрқин кўзга ташланади:

*Ишқ ўтида Лутфий юзи олтунни ёшурди.  
Эй сиймбарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.*

Шеърий қаторларда таносуб санъати - мисралараро мантикий алоқадорлик ҳодисаси хукмрон. Биринчи мисрадаги «олтин»ни иккинчи қатордаги «сийм» (кумуш) кувватлантириб келмоқда. Масалага юзаки караганда, гўё гап олтину кумуш хақида кетаётir. Аслида эса улар ташбех аслаҳалари вазифасини адo қилмоқда. Олтин, ишқ ўти таъсирида қизарган ошиқ юзининг сифатловчисидир. Олов алангаси ёнида ўтирган одамнинг ўша шуъла тафтидан қизиши юз-кўзларининг чўғ қиёфасига кириши аён. Сатрларда ана ўша

холатга ишора бор. Шоир нега бошқа ташбех қўлламай, айнан олтинга мурожаат қилди? Бу бежиз эмас, албатта. «Ишқ ўти» ҳаммага бирдай насиб қиласиган улуғ илоҳий неъмат эмас. Айни улуғ инсоний туйғу, пок қалбли, пок ниятли, эътиқоди бутун комил бандаларнинггина насибасидир. Олтинга ҳамманинг ҳам эга бўлиши мушкул кечгани каби, ишқ ҳам камёб мўъжизадир. Шу маънода ўхшатиш ва ўхшатилмиш мувозанатини тенг тутмоқ мақсадида шоир ишқни олтинга қиёслашни маъқул кўради. Яна олтин бошқа қимматбаҳо рангли ашёлар сингари товланиш, нур таратиш хоссасига эга. Бир қарашда лахча чўғни эслатса, баъзан сарғимтирир бўлиб ҳам кўзга ташланади. Ишқ ўтига юзма-юз келган ошиқ чехрасида ҳам ўша икки манзара намоён бўлади. Ишқ-ўт, у қиздиради, куйдиради, ошиқ феълу авторидаги иллатларни поклайди. Унинг изтироблари, зардоби эса юзга таъсир ўтказиб, қаҳрабо рангини (сарғайиш) ошиқ чехрасига кўчиради. Олтиннинг сатрдаги учинчи вазифаси таносуб санъатини мустаҳкамлашга хизмат килишдан иборатдир. Маъшуқанинг бадани сиймга, кумушга (ранг, силликлик ва қиймат нуқтаи назаридан) ўхшатилмоқда.... Қаранг, Мавлоно Лутфий ҳазратларининг тагдор байтлари устоз Нуриддин Шукуров шуурода қанчалик теран ўрнашган ва ўша қўламли талқину таҳлиллар ўта назокату маҳорат билан бизнинг қалб-қалбимизга сингдирилган. Ўшанда маданий меросга ленинча муносабат зуғумлари таҳлика солмаганда эди, устоз бу байтларни янада ширинроқ – тасаввуф ҳамда илоҳиёт билан боғлаб, теранроқ талқин қилган бўлур эдилар. Орадан қирқ йилдан кўпроқ вақт ўтди, ўндан зиёдроқ шундай байтларнинг шарҳини мен устоздан ноёб маънавий бойлик сифатида қалбимда асрайман ва уларни шогирдларимга (муаллифини айтиб) тарғиб қиласман...

Шоир ва таржимон Сайфи Саройининг «Топулмас хусн мулкинда сенга тенг бир қамар манзар, на манзар, манзари шоҳид, на шоҳид, шоҳиди дилбар» матлали ғазали бор. Устоз ана шу ғазални айрича бир жўшқинлик, равон оҳангда айтишни хуш кўтардилар. Баъзан ифодали айтиш ижрога ўтиб кетарди. Мусиқадан пишиқ хабардор устоз оҳангини ўзи билан ўқувчига «етказадиган» бундай сатрларни хиргойида ижро қилиб кўрсатишдан истиҳола қилмас эдилар. Муаллимлик фаолиятим жараёнида мен проф. Нуриддин Шукуров ва академик Ботирхон Валихўжаевда кўрганим бундай санъатнинг ҳар бир ўқитувчида бўлиши нодир фазилат эканлигига қаноат ҳосил қилдим. Бу улуғ зотлар айни савқи табиий хислатлари билан нотакрорлиги учун ҳам талабалар қалбида устивордирлар...

Проф. Н.Шукуровдаги талабчанлик ва адолат ҳам ибратли эди. Буни мен ўз танимда синааб кўрганман. Ўша биринчи курсда биз устозга имтиҳон топширдик. Устознинг жуссалари кичикроқ бўлсада, салобатлари, илму маърифат нури билан йўғрилган қиёфалари тамкинли эди. Аммо қандайдир меҳр, қадршунослик ва шогирдларга бўлган самимият ўртага тушиши мумкин бўлган тўсиқни бартараф қиласарди. Бироқ барибир бир ҳадик бизни таъқиб қиласарди ва вужудимиз билан берилиб ўқирдик. Шеър ёдлаш, лугат устида ишлиш сабогини ҳам бизга дастлаб Нуриддин Шукуров берган. Нихоят имтиҳон куни етди. Кўркув аралаш ҳаяжон билан дарсхонага кирдим. Баҳтимга қаранг, «яхши» саволлар тушди. Тўлқинланиб жавоб бера бошладим. Қайсиdir нуқталарда ўзимча «қойил қилган» кўринсан-да, устозни қанотлантира олмаган бўлсан керак, қўшимча саволлар «ёғилди». Синов дафтарчамнинг барча бандлари тўлдирилган, аммо асосий жойи бўш турарди. Ўзим ҳам қил устида турибман, «4» ва «5» нинг ўрни тез-гез алмашинди. Кутб Хоразмийга доир жавобларим маъқул келди, шекилли, устоз «аъло» ёзишга шайланган чоқда «қовун тушириб» кўйгандай бўлдим. Устознинг чехралари тундлашди ва жавобни тақрорлашимни сўрадилар. Англадим, «Хисрав ва Ширин»ни эркин, ижодий таржима дейиш ўрнига таржима маҳсули деб юборибман. Ҳатони тузатдим ва устоз чехраларида ўзларига ярашиқли майнин табассум пайдо бўлиб, «отл» билан мен ташқарига отилдим...

Йиллар оқиб ўтди, бироқ устоз сабоклари мени тарк этмади. 1988 йилнинг 19 майи ЎзРФА Тил ва адабиёт институти хузуридаги ихтисослашган илмий кенгашда докторлик ишимнинг ҳимояси жараёнида кимдир Кутб Хоразмийнинг «Хисрав ва Ширин» достони ҳакида сўраб қолди. Устоз Нуриддин Шукуровга берган жавобимни тўлдириброк тақрорлаб пандемадим...

Бизга баҳт кулиб бокди. Муаллимлик амалиётига бизни проф. Нуриддин Шукуров олиб чиқдилар. Самарқанд шахрининг Боғишамол туманида қишлоқ ҳўжалик институти билан девормадевор 13-мактаб бўларди. Гуруҳимиз шу мактабга тушди. Усулиётчи раҳбарлар кўп, ҳаммасининг ҳам ўзича талаблари бор. Яшириш инсофдан эмас, уларнинг ҳарфхўрлари, тирноқ остидан кир излайдиганлари ҳам бўларди. Проф. Нуриддин Шукуров учун эса майда-чуйда гаплар аҳамиятли эмасди. Ҳарфхўрлик, сунъийлик, коидабозлиқ каби иллатлардан мутлақо йироқ бу улуғ инсон асосий эътиборни масаланинг моҳиятига қаратарди. Бизнинг дастлабки ғўр дарсларимизни сабру бардош билан кузатган устоз таҳлил жараёнида

камимизни «яшириб», ютуғимизни күпайтириб «ёш полопон»ларига кўрсатар, рух бағишиларди. Бошқа раҳбар усулиётчилар сингари устоз машғулот босқичлари ижроси, бўр ёхуд латтанинг хўлланган-хўлланмаганлигига эътибор қилишни у қадар ёқтирмасди. Табиатан жиддий, ростгўй, ўта талабчан ва билимдон бу мураббий дарснинг асосий мақсад ҳамда вазифасини ўқувчига янги бир гап айтишдан иборат деб биларди ва бизни ана шунга даъват қиласди. Тўғри, ўшандা биз ана ўша талабнинг қадрига етмаган бўлишимиз мумкин. Бирок орадан оқиб ўтган йиллар саракни саракка, пучакни пучакка ажратди. Мен ҳам йигирма йилдан зиёдроқ муддат ичидаги даргоҳ талабаларини мактаб амалиётига олиб чиқдим. Устознинг ҳамиша уйғоқ руҳи олдида улкан масхулиятни ҳис қилиб айтаманки, шунча йиллар ва ҳамон Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Н.Шукуровнинг ўша таянч талабу ибратли сабоклари мен учун долзарб дастуриламалдир...

Тақдирнинг менга раво кўрган улуғ неъматига беҳад шукроналар айтаманки, бу хом сут эмган қайсар бандани «сайқали рўйи заминдан» жудо қилмади. Самарқанд мен учун иккинчи она шаҳар макомида хаётимдаги жиддий ижобий бурилишлар учун ок фотиха берди. Бунинг учун мен Самарқанддаги академик Воҳид Абдуллаев раҳнамоси бўлган адабиётшунослик мактабининг Ботирхон Валихўжаев, Нуриддин Шукуров, Сайдулла Мирзаев, Раҳмонқул Орзубеков каби саховатпеша, бағри кенг, ҳалол ва танти алломаларига таъзим бажо келтиришга бурчлиман...

Филология фанлари доктори, профессор, зарофатли мунакқид, кенг кўламли адабиётшунос ва бийрон сухандон Нуриддин Шукуров билан талабалиқдан кейин ҳам мулокотларимизни узлуксиз давом қилдим. Мен Ботирхон домла раҳбарликларида номзодлик иши бошладим. Шу баҳонада тез-тез Самарқандга борар, устозларимни, жумладан, Нуриддин Шукуровни ҳам зиёрат қилас, маслаҳатларини олиб қайтар эдим. Баҳтли тасодифни қарангки, шундай учрашувларимиздан бири Санкт-Петербург шаҳрида содир бўлди. Шўро давридаги «Билим» жамияти Ленин таваллудининг юз йиллиги олдидан «В.И.Ленин ва адабиёт-санъат масалалари» мавзуида ўн кунлик иттифоқ миқёсидаги анжуман ташкил қилди. Шайхим Суҳайлийнинг Салтиков-Шедрин номидаги кутубхонада сакланаётган нодир кўлёзмаси билан танишиш мақсадида мен ҳам шу анжуманга Бухоронинг вакили сифатида қатнашдим. Самарқанддан бу йиғинга устоз Н.Шукуров иштирок қилдилар. Устозни кўрганда мени қамраган қувончу ҳаяжоннинг чек-чегараси


йўқ эди. Шу ерда хам устоз мени ўз паноҳларига олдилар. Қимматли маслаҳат ва йўл-йўриқлар кўрсатдилар. «Шоли давлатидан курмакнинг сув ичган» лигининг ростлигига Санкт-Петербургда яна бир карра қаноат хосил килдим. Устоз ўшандада СССР ёзувчилар ва журналистлар уюшмаларининг аъзоси эдилар. Шуни назарда тутиб мезбонлар бу кишига меҳмонхонадан люкс жой берди ва устоз мени ўз ёнларига олдилар. Уч-тўрт кундан кейин проф. Н.Шукurov Самарқандга қайтдилар, люкс хона эса менга қолди...

Бундай лавҳалар, унтуилмас воқеалар хотирамда бениҳоя кўп. Уларнинг ҳаммаси ҳақида бу ўринда ёзиш ноимкондир. Умр вафо қиласа, имкон топиб улар ҳақида бафуржা ёзиш ниятим йўқ эмас. Ҳозир эса яна икки лавҳани эслаш билан битикларимга нуқта қўйиш ниятидаман. 1988 йилнинг 9 декабря докторлик ишим тасдиқланди. 1990 йилнинг 25 октябринда эса профессор илмий унвонини олдим. Мен Бухорода юрибман-у, устоз Нуриддин Шукurov буларнинг ҳаммасидан хабардор эканлар....

Устоз ўшандада СамДУ хузуридаги ихтисослашган илмий кенгашнинг раиси эдилар. Менинг ҳақимдаги маълумотларни тўплаб Москвага, ВАҚка юборибдилар ва мен кенгаш аъзолигига тасдиқланибман. Менга Самарқанддан хабар келди, бордим, устоз Илмий Кенгаш аъзолигига тасдиқланганим билан табриклидилар. Мана ўн икки йилдан ошди, устоз фотиҳа берган Илмий Кенгаш аъзоси мақомида бурчимни бақадри ҳол адо этишга интилиб келаман. Шу ўргада устознинг олтмиш йиллик тўйлари бўлди. Бухородан мен ва проф. Т.Кораев бу тантаналарга иштирок қилдик. Қани энди, устознинг ўша шодмон ва хушнуд кунлари ҳеч бўлмаганда, яна ўн йилгина чўзилса эди, афсуски, шундай бўлмади...

1992 йилнинг май ойи бўлса керак, Самарқанд давлат университетидан таклифнома олдим. Қадрдон факультетим менга юксак ишонч билдириби. Устозларим давлат имтиҳон комиссияси раислигига ишонч билдириб, мени даъват қилишибди. Устоз Нуриддин Шукurov ўшандада факультет декани эдилар. Ташабbus шу мухтарам устозимдан чиқкан экан. Ана шу қисқа жараёнда мен устозни ўзим учун янгитдан кашф этдим. Биринчи кундаёқ устоз менга таъкид қилдилар: Сиз собиқ шогирдсиз. Бугун эса Давлат имтиҳон комиссиясининг раисисиз. Ҳамма нарса шунга муносиб бўлмоғи лозим! Тўғри, устоз шундай ваколатни менга бердилар. Бироқ мен Нуриддин Шукurov, Ботирхон Валихўжаев, Сайдулла Мирзаев ва яна қатор устозларим наздида уларнинг шогирди эканлигимни унутган эмасман....

Мұхтарам устоз, дунёning чархи Сизсиз күп марта айланди. Ҳар гал Самарқандга борганимда Сизнинг нуроний чехрангизни күриш орзусининг ушалмаганлиги мени эзади. Бироқ шу хуфтонлик ортида бир мұътабар ёғдунинг жилваланиб туриши қалбимга таскин беради. Бу Сиздан бизга ёдгор бўлиб кўчган сабоклар. Ахир олтмишдан тажовуз қилганингизда ҳам Эркин Воҳидовнинг бутун бошли достонини ёддан, ифодали айтардингиз. Нутқингиз шеъру қўшиқлардан ранг оларди. Яратган сизга иноят кўрсатиб, шундай мустаҳкам ҳофиза қувватини берган эди. Сиздаги шу мұъжизани айрича ҳайратсиз қабул қилиб бўлмасди... Дўсту шогирдларга меҳру садоқат, химмату саховатингиз нечоғлик баланд эди... Ана ўшалар туфайли Сиз бизнинг қалбимизда барҳаётсиз. Мен эса бир шогирдингиз сифатида Сиздан ўрганиб, Сизни ёдга олиб, Сизни қўмсаб яшайман. Уйғоқ руҳингиз ҳамиша шод бўлсин, мұхтарам устоз!



## ХОТИМА

Мұхтарам биродар! Сизнинг ҳукмингизга ҳавола қилинган саҳифаларда дийдор күришдик. Шайхур-раис Абу Али ибн Сино, Хожай жаҳон – Абдухолик Фиждувоний, Амир Низомиддин Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Ҳусайн Вөиз Кошифий сингари улуғ алломаларнинг шахсияти, маънавий мероси хусусида озми-кўпми маълумотларга эга бўлдингиз.

Табиийки, Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий, Бобораҳим Мўлло Вали ўғли Маширб, туркман ҳалқининг аломаи даврони – Махтумқули Фироғий хусусидаги битикларимиз ҳам Сизни бефарқ қолдирмади, деб йўлаймиз....

Биз ўтмишда фаолият қўрсатган закий аждодларимиз ҳақида бот-бот гапирамиз, ёзамиз. Аммо XX аср ва XXI юз йиликнинг аввалида вояга етиб, бадиий адабиёт, фаннинг маълум соҳасида ўчмас излар қолдирган фидойи замондошларимиз борасида қатраларда мулоҳаза юритишдан ийманамиз. Муаллиф ўзига озигина журъат сезиб Устод Садриддин Айний, проф. Абдурауф Фитрат, акад. Ойбек ва Ғафур Ғуломлар ижодининг маълум қиррасига алоқадор мулоҳазалари ёритилган мақолаларига ҳам ушбу тўпламдан жой берди. Шунингдек, академиклар В.Абдуллаев, Б.Валихўжаев, профессорлар Ҳ.Неъматов, Ф.Қосимов, Р.Орзибеков, М.Махмудов, доцент Ш.Болтаевларга доир қайдларини ҳам китобга киритди. Чунки номлари санаалган айни тадқиқчилар кейинги 50-30 йил давомида адабиётшунослик, тиљшунослик, тарихшунослик соҳасида баракали қалам тебратиб, нафақат мамлакатимизда, балки унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам танилиб қолдилар.

Мажмуадан атиги 44 йил умр кўриб, шоир, адабиётшунос ва жамоат арбоби мақомида ўзидан ёрқин из қолдирган Орифjon Икромов, профессор ва шоир (Хушнуд) Нуриддин Шукуров, проф. С.Алиев, проф. Т.Қораевларга тегишли хотиралар ҳам жой олди. Ушбу мақолаю, тақриз ҳамда хотиралар муайян бир кетма-кетликда берилгани учун алоҳида сарлавҳалар билан ажратиш лозим кўрилмади.

Китоб варакларидаги жумлалар Сизнинг маънавий оламингизни бойитиб, қалбингизга Касбга, Ватанга, Инсонга чексиз садокат туйғуларини олиб кира олса, муаллиф муродига етгусидир!

15.10.06

## МУНДАРИЖА

Ихчам дебоча .....	3
Илм навқари.....	4
Ибн Синонинг “Юсуф киссаси” ва унинг кейинги давр	9
адабиётига таъсири.....	14
Улуғ аллома гоялари замон хизматида .....	18
Хожа Ислам – зуллисонайн шоир .....	25
Бир ҳикоятнинг икки талкини .....	33
Низомий ва ундан кейинги давр бадиий адабиётида Искандар сиймоси ..	37
Атроф-муҳит муҳофазаси алишер навоий нигоҳида.....	40
Хожа Ҳофиз ғазалиёти уйғотган шавқ.....	42
Алишер Навоий-темурийлар даври адабиётининг йирик вакили .....	48
Алишер Навоийнинг “Девони форсий”си ҳакида айрим қайдлар.....	53
Бир қасида тарихига доир лавҳалар.....	59
Беш ҳайрат.....	66
«Биз инсонга жон томиридан ҳам яқинроқмиз».....	69
“Мұхокамат үл-лугатайн” да сұзнинг бадиий талкиnlари.....	75
Беш ҳайрат сабоклари.....	78
Иймон - покланиш манзили .....	82
«Ахлоқи Мұхсиний»—нодир маънавий-бадиий асар .....	89
Улуғ садоқатнинг янги кирраси .....	93
Лугат ва ҳадисларда иймон талкини .....	103
Улуғ ҳожанинг ибрат ва ҳикматлари.....	121
«Бобурнома»да шаих Саъдий нафаси .....	126
Бобур Мирзонинг маснұй шеърлари .....	131
Ижодий изланишнинг ширин меваси .....	133
Устод Садриддин Айний – Мирзо Бедил ижодининг тадқиқотчиси.....	147
Садриддин Айний абадияти дахлсизdir .....	150
Шарқ мұмтоз адабиёти ва Садриддин Айний шеърияти .....	155
Машраб ижоди Фитрат талкинида .....	163
Химмат иноятсиз бўлмас.....	169
Фитрат ва ўзбек мұмтоз адабиёти .....	173
XVI асрдан кейинги давр ўзбек мұмтоз адабиёти Фитрат нигоҳида.....	178
Даҳо шоирга таъзим .....	183
Шавкийдан ибтидо топган улуглик.....	190
Халқ қаҳрамонига кўйилган бадиий ҳайкал.....	197
Ғафур Ғулом мактублари .....	202
Воҳид Абдуллаев бухоро адабий мұхитининг йирик тадқиқотчиси.....	206
Тасаввуф - ахлоқии покланиш мактаби .....	211
Мангаликка даҳлдор йиллар .....	220
Илм берган улуғ саодат .....	234
Қушлар оламининг зийрак тадқиқотчиси .....	241

Тарихдан хазина топган олим .....	245
Мохият - калб фарзанди .....	248
Чакмокдай чакнаб ўтган устоз.....	252
Чорак аср воkeалари уйғотган түйгулар.....	257
Мумтоз адабиётниң шайдоси эди.....	264
Юртдош олимнинг илмий тухфаси .....	271
Муаллим маҳорати - сифат кафолати .....	275
Хотима .....	283

## НАТРОН НАДДАШИЙ ...ИНЕРЦИЯ ЙИНАНДАМ-

(дистанционный курсант Узбекской Академии)

инженер-ФОТО  
исследователь  
исследователь  
исследователь Ф  
исследователь  
исследователь  
исследователь

исследователь  
исследователь  
исследователь  
исследователь  
исследователь  
исследователь

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус  
таълим вазирлиги  
Бухоро Давлат Университети

**Рахим Вохидов**

**ЙИЛЛАРДАН ҚОЛГАН  
МАЊНАВИЙ ЁДГОРЛИК...  
(Илмий мақола, тақриз ва хотиралар)**

Муҳаррир:

Ю.Ю.Азимов

Тех.муҳаррир:

И.Ёқубов

Мусаввир:

М.М.Темирова

Мусаҳҳиҳ:

Ф.Воҳидова

Компьютер дастурчиси:

Н.Раджабова


Операторлар:

З.Бобоева

Ф.Болтаева

Пътуване със земеделски машини и обработващи машини - 22 лв.  
Помощни инструменти  
Пътна карта №200. Адада 200  
Българска агенция за издаване на картографични и технически карти и планове  
Българска агенция за издаване на картографични и технически карти и планове





Воҳидов Раҳим Жўраевич 1942 йилда Бухоро вилояти Ромитан туманига қарашли Ўба қишлоғида таваълуд топган. 1949–1959 йилларда ўрта мактабда, 1960–1965 йилларда эса Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган. 1970 йилда номзодлик ва 1988 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қиалган.

1967 йилдан ҳозирга қадар Бухоро давлат университетида ўзбек адабиёти кафедрасида хизмат қиласди. Қирқдан зиёд катта–ю кичик илмий китоб ва қўлланмаларнинг муаллифиdir.